**Ключевые слова:** кокциnellиды, род, семейство, подсемейство, триба, поколение, хлопок, яйцо, имаго

**Abstract.** The article describes the distribution of 5 subspecies of coccinellids (*Scymninae, Chilocorinae, Coccidulinae, Epilachninae, Coccinellinae*), 8 tribes belonging to 22 genera 31 species in agrobiocenoses of the Kashkadarya region. Also presented are the bioecological properties of coccinellids common in cotton agrobiocenoses.

**Key words:** coccinellids, genus, family, subfamily, tribe, generation, cotton, egg, imago

### КИРИШ

Агробиоценозларда турли хил таксономик гуруҳларга мансуб биологик турларнинг таркиби, сон динамикаси ва ўзаро муносабатларини тадқиқ қилиш кишлоқ хўжалигида экинлар зараркундаларига қарши биологик кураш чора-тадбирларини режалаштириш ва самарали ташкил этиш, ўз навбатида оптимал ҳосилдорликка эришишда муҳим назарий амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу нуқтаи назардан Марказий Осиё худудида кокциnellид турларининг агробиоценозларда мавсумий сон динамикаси, ареал бўйлаб тарқалиш зичлиги ва бу кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи омиллар деярли тўлиқ ўрганилмаган (Ҳақимов, 2011). Турли хил биотопларда биологик турларнинг био-экологик тавсифларига ойдинлик киритишда ташқи муҳитнинг физик-кимёвий шарт-шароитлари, тадқиқ қилинаётган биологик турларнинг ҳаёт цикли, миграцияси каби ҳолатларни эътиборга олиш талаб қилинади (Израэль, 1970; Бигон, Харпер ва бошқ., 1989; Мухитдинов, 2003; Ҳақимов, 2011). Турли хил экологик омилларнинг алоҳида ёки комплекс таъсири натижасида кокциnellид турларининг худудлар бўйлаб ўзига хос миграцияси, популяциянинг янги резервация зоналари шаклланиши қайд қилинади (Ҳақимов, 2011).

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тадқиқот худудида кокциnellид (*Coleoptera, Coccinellidae*) турларини имаго босқичида йиғиш энтомологик тутқич ёрдамида 2020 йилнинг март-сентябрь ойлари давомида амалга оширилди. Шунингдек, тадқиқот худудидан қўл ёрдамида кокциnellид турларининг тухумлари, личинка ва ғумбакларини йиғиб олиш амалга оширилди. Йиғилган биоматериал стандарт лаборатория пробиркаларига солиниб, тутилган жойи ва санаси ёзилган ёрлиқ ёпиштирилди. Ғўза агробиоценозларида ва унга туташ биотопларда кокциnellид турларини йиғиш жараёни қатъий тартибда, сутканинг соат 10<sup>00</sup>-12<sup>00</sup> оралиғида, соат 16<sup>00</sup>-18<sup>00</sup> оралиқларида, ҳар 5 кунда 1 марта амалга оширилди. Бунда тадқиқот худудлари капрон ип ёрдамида ҳар бир биотопда 25 та 200×200 см (2 м<sup>2</sup>) ўлчамдаги юза майдони бўйлаб участкаларга ажратилди.

Шунингдек, тадқиқот худудида биотопларда ўсувчи дарахтлар пўстлоқлари, қирғоқлар, ўрта тоғ минтақасига кирувчи кишлоқ-резервация зонасида майда тош-шағалли участкалардан биологик материал йиғиб олинди ва йиғиш давомида фотодалил шаклида материаллар тўпланди.

Тадқиқотларда кокциnellид турларини йиғиш, биотопларда тарқалиш зичлигини ҳисоблаш стандарт услуб асосида, энтомологик тутқич ёрдамида, сермаш услубида амалга оширилди.

### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқотларда жанубий Қашқадарё вилояти Касби ва Миришкор туманлари агробиоценозларида кокциnellидларнинг 5 та кенжа оила (*Scymninae, Chilocorinae, Coccidulinae, Epilachninae, Coccinellinae*), 8 та триба, 22 та авлодга мансуб 31 тури аниқланди (1-жадвал).

Тадқиқотлар амалга оширилган Қашқадарё вилояти худудида иқлим шароити иссиқ ва қуруқ бўлганлиги сабабли, кокциnellид турлари март ойининг иккинчи ўн кунлигида (2020 йил 12-18 март) фаол фазага ўтиши аниқланди. Тухум қўйиш жараёни етти нуқтали хонқизи (*Coccinella septempunctata*) турида 2020 йил 17-18 март кунлари кузатилди (1-расм).

Тадқиқотларда етти нуқтали хонқизи (*Coccinella septempunctata*) тухумидан қорамтир рангдаги личинкалар чиқиши қайд қилинди.


Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ва Нишон туманларида амалга оширилган тадқиқотларда

«Нехия» ва «Мубина» фермер хўжаликлари ҳудудида кокцинеллидларнинг 3 та тури тарқалганлиги аниқланди (2-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти агробиоценозларида тарқалган кокцинеллид турлари

Кенжа оила	Триба	Авлод	Тур
<i>Scymninae</i> (Muls., 1846)	<i>Stethorini</i> (Dobrzanskiy, 1925)	<i>Stethorus</i> (Weise, 1885)	<i>Stethorus pusillus</i> (Herbst, 1797)
	<i>Hyperaspini</i> (Mulsant, 1846)	<i>Hyperaspis</i> (Dejean, 1835)	<i>Hyperaspis transversoguttata</i> (Weise, 1878)
<i>Chilocorinae</i> (Mulsant, 1846)	<i>Chilocorini</i> (Mulsant, 1846)	<i>Platynaspis</i> (Redt., 1843)	<i>Platynaspis luteorubra</i> (Goeze, 1777)
		<i>Exochomus</i> (Redtenbacher, 1843)	<i>Exochomus octosignatus</i> (Gebler, 1830)
		<i>Parexochomus</i> (Barovsky, 1922)	<i>Parexochomus melanocephalus</i> (Zubkov, 1833)
	<i>Chilocorus</i> (Leach, 1815)	<i>Chilocorus kuwanae</i> (Silvestri, 1909)	
<i>Coccidulinae</i> (Mulsant, 1846)	<i>Coccidulini</i> (Mulsant, 1846)	<i>Coccidula</i> (Kugelann, 1798)	<i>Coccidula rufa</i> (Herbst, 1783)
<i>Coccinellinae</i> (Latr., 1807)	<i>Halyziini</i> (Mulsant, 1846)	<i>Psyllobora</i> (Dejean, 1835)	<i>Psyllobora vigintiduopunctata</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Bulaea</i> (Mulsant, 1850)	<i>Bulaea lichatschovi</i> (Hummel, 1827)
		<i>Coccinula</i> (Dobzhansky, 1925)	<i>Coccinula quatuordecimpustulata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Coccinula sinuatomarginata</i> (Faldermann, 1837)
		<i>Tytthaspis</i> (Crotch, 1874)	<i>Tytthaspis sedecimpunctata</i> (Linnaeus, 1761)
			<i>Tytthaspis gebleri</i> (Mulsant, 1850)
		<i>Anisosticta</i> (Dejean, 1835)	<i>Anisosticta novemdecimpunctata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Anisosticta sibirica</i> (Bielawski, 1958)
<i>Coccinellini</i> (Latreille, 1807)	<i>Coccinella</i> (Linnaeus, 1758)	<i>Adalia</i> (Mulsant, 1850)	<i>Adalia bipunctata</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Anatis</i> (Mulsant, 1846)	<i>Anatis ocellata</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Calvia</i> (Mulsant, 1846)	<i>Calvia decemguttata</i> (Linnaeus, 1767)
			<i>Calvia quindecimguttata</i> (Fabricius, 1777)
		<i>Coccinella</i> (Linnaeus, 1758)	<i>Coccinella undecimpunctata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Coccinella septempunctata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Coccinella quinquepunctata</i> (Linnaeus, 1758)
		<i>Coccinella sedakovii</i> (Mulsant, 1850)	
		<i>Coccinella reitteri</i> (Weise, 1891)	
		<i>Harmonia</i> (Mulsant, 1850)	<i>Harmonia axyridis</i> (Pallas, 1773)
		<i>Hippodamia</i> (Dejean, 1835)	<i>Hippodamia tredecimpunctata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Hippodamia variegata</i> (Goeze, 1777)
		<i>Oenopia</i> (Mulsant, 1850)	<i>Oenopia oncina</i> (Olivier, 1808)
		<i>Propylaea</i> (Mulsant, 1846)	<i>Propylaea quatuordecimpunctata</i> (Linnaeus, 1758)
			<i>Calvia duodecimmaculata</i> (Gebler, 1832)
<i>Epilachninae</i> (Mulsant, 1846)	<i>Epilachnini</i> (Mulsant, 1846)	<i>Subcoccinella</i> (Guerin-Meneville (ex Huber), 1842)	<i>Subcoccinella vigintiquatuor punctata</i> (Linnaeus, 1758)



1-расм. I. Ғўза агроценозида кокцинеллидларнинг тарқалиш ҳолати.  
II. Хонқизининг дарахт пўстида тухум қўйиш жараёни

Тадқиқот ҳудудида иқлим шароити мўътадил тавсифга эга бўлиб, ўртача +27 - +31°C дан айрим зоналарда +38 - +41°C диапазонда тебранишга эга бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги ўртача 26-28% дан айрим зоналарда 15-17% га тенг ҳисобланди. Тадқиқотларда кузатилган ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлик даражаси етти нуқтали хонқизи (*Coccinella septempunctata*) турининг ҳаёт цикли, фаоллигига сезиларли даражада таъсир кўрсатмаслиги қайд қилинди. Тадқиқот объектини ксерофил шароитга юқори даражада мослашган биологик тур сифатида белгилаш мумкинлиги тахмин қилинди.

Шунингдек, тадқиқот ҳудудида кокцинеллид турлари одатда, сутканинг соат 9-12 ва 14-19 оралиқларида нисбатан фаол ҳаракатланиши ва озикланиши қайд қилинди.

2-жадвал

Тадқиқот ҳудудида ғўза агробиоценозларида тарқалган кокцинеллидлар

№	Аниқланган тур	Аниқланган ҳудуд	Аниқланган вақти	Ривожланиш босқичи (жинси)	Озикланиш типи
1	Икки нуқтали хонқизи ( <i>Adalia bipunctata</i> )	«Нехия» ва «Мубина» фермер хўжаликлари	24.III. 2020 йил	Имаго (♂)	Полифаг
2	Етти нуқтали хонқизи ( <i>Coccinella septempunctata</i> )	«Нехия» ва «Мубина» фермер хўжаликлари	15.IV. 2020 йил	Имаго (♂, ♀)	Зоофитофаг
3	Ҳн нуқтали хонқизи ( <i>Coccinella septempunctata</i> )	«Мубина» фермер хўжалиги	17.V. 2020 йил	Имаго, личинка (♀)	Зоофитофаг

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ:

1. Хақимов Ф.Р., Мухитдинов С.М. Новые данные о паразитах семиточечной коровки (*Coccinella septempunctata*) в условиях Таджикистана // Доклады АНРТАд. – 2006. – Т.49. – №6. – С.559-561.
2. Мухтарова Г.М., Абдурахманов Г.М., Анисимова А.В. Особенности фенологии 22-точечной божьей коровки (*Psyllobora/Thea vigintiduopunctata* L.) в Дагестане // Тенденции развития науки и образования. 2016. – №11(1). – С.61-63.
3. Мохрин А.А. Видовой состав и эколого-биоценотические связи кокцинеллид (*Coleoptera, Coccinellidae*) в агробиоценозах Ставропольской возвышенности // Дисс. ... к.б.н. – Ставрополь, 2009. – С.5-195.
4. Ижевский С.С. Кокцинеллиды // Защита и карантин растений. – 2005. – №2. – С.65.

УЎК: 581.9.(582).2.3

#### ҲАРҲОНА ВОДИЙСИДА ТАРҚАЛГАН *PHLOMOIDES NUDA* (REGEL) ADYL., R. KAM. ET MACHMEDOV (*LAMIACEAE, PHLOMOIDES*) ТУР ТАҲЛИЛИ

*Р.К. Ғуломов, таянч докторант, Наманган давлат университети, Наманган*

**Аннотация.** Мазкур мақолада Фаргона водийсида тарқалган *Phlomoides nuda* (Regel) Adyl., R. Kam. et Machmedov турини бугунги кундаги мақоми, таксономияси, ботаник таснифи ҳамда географик таҳлили, тегишли гербарий фондларида (TASH, MW) сақланаётган гербарий материаллари ва олиб борилган дала тадқиқотлари натижалари келтирилган.

**Калим сўзлар:** Фаргона, таҳлил, тур, флора, фонд, харита, таксономия

**Аннотация.** В этой статье представлены текущее состояние, таксономия, ботаническая классификация и географический анализ видов, гербарные материалы, хранящиеся в соответствующих гербарных фондах (TASH, MW) *Phlomoides nuda* (Regel) Adyl., R. Kam, Machmedov распространенного в Ферганской долине и результаты полевых исследований.

**Ключевые слова:** Фергана, анализ, виды, флора, фонд, карта, таксономия

**Abstract.** In this article, *Phlomoides nuda* (Regel) Adyl., R. Kam, Machmedov distributed in the Fergana Valley. The current status, taxonomy, botanical classification and geographical analysis of the species, herbarium materials stored in the relevant herbarium funds (TASH, MW) and the results of field research are presented.


**Keywords:** Fergana, analysis, species, flora, fund, map, taxonomy

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси флорасини комплекс ўрганиш, ўсимлик ресурсларини аниқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, алоҳида аҳамиятга эга бўлган ботаник ҳудудларни аниқлаш, ўсимлик дунёсини камёб ва эндем турларини сақлаб қолишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш; Республика флорасининг миллий ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ҳамда юритиш, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” ва ўсимлик дунёси мониторингини юритиш, истиқболли ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўсимлик турларини интродукциялаштириш, иқлимлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, камёб ўсимликларнинг генетик маълумотлар банкини яратиш, чўлланиш жараёнида ўсимлик қоплами эволюцияси ва иқлим динамикасини ўрганиш ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги кунда ўзбек ботаник олимлари олдидаги асосий вазифалардан саналади.

Бугунги кунда олиб борилган ботаник тадқиқотлар орқали маҳаллий флоранинг тур таркибини, ўсимликларни хом ашёси захираларини аниқлаш ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик



турларини *ex-situ* шароитдаги коллекцияларини барпо қилиш ва камёб, эндем турларни тарқалиш хариталари тузиш каби натижаларга эришилди.



1-расм. *Phlomooides nuda* турини морфологик сифат белгилари.

А) *Phl. nuda* фенологияси, Б-С) *Phl. nuda* ва *Phl. septentrionalis* турларини гултожбарларидаги фарқлар, Д) *Phl. nuda* турини гул тузилиши, Е) *Phl. nuda* турини ювенил босқичи, Ж) *Phl. nuda* турини гербарий намунаси (MW)

**Тадқиқот объекти ва методи.** Мазкур тадқиқотлар бевосита маршрутли дала тадқиқотлари ҳамда тур намуналари Ўзбекистон миллий гербарийси (TASH) ва Москва давлат университети (MW) гербарийси фондида сақланаётган намуналар таҳлили асосида бажарилди [11]. Тур номи “Определитель растений Средней Азии” (2015) асари ва International Plants Names Index ([www.ipni.org](http://www.ipni.org)), The Plant List ([www.theplantname.com](http://www.theplantname.com)) халқаро электрон маълумотлар базалари асосида келтирилди. Таксонларнинг муаллифлари “Authors of Plant Names” R.K. Brummit, С.Е. Powell (1992) қўлланмаси асосида [7], турнинг ботаник-географик районлар бўйича тақсимланиши Тоҗibaev & al. (2016) томонидан ишлаб чиқилган схема асосида амалга оширилди. Адабиётлар ва гербарий намуналарида


келтирилган хуудларнинг кординаталари *Googl Earth* дастури орқали аниқланди ва тарқалиши юзасидан замонавий гео-ахборот (ГАТ) харитаси, ArcGIS 10 дастури асосида яратилди [10].

**Тадқиқот натижалари.** *Phlomoïdes* Moench туркум турлари Марказий Европа ва Россиянинг Узок Шарқигача, турлар хилма-хиллигининг асосий марказлари сифатида, Хитой, Жанубий-Европа, Марказий Осиё, Эрон (Эрон ва Афғонистон тоғли хуудлари) ва Ўрта-Ер денгизи минтақаларини келтириш мумкин.

Ер юзи флорасида мазкур туркумнинг 150-170 тури, Марказий Осиё флорасида 59 тури (Czerepanov, 2007) учраши келтирилган. Шулардан Ўзбекистон флорасида 36 тур (Введенский, 1961) (сўнги йилларда олиб борилган дала тадқиқотлари ва таксономик ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон флорасида туркумнинг 43 тури мавжуд ([www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)), Эрон флорасида (Rechinger, 1982) 41 тур, Қирғизистон флорасида (Убукеева, 1960; Lazkov, 2016) 37 тур, Қозоғистон флорасида (Голоскоков, 1964) 30 тур; Тожикистон флорасида (Кнорринг, 1986) 27 тур; Туркменистон флорасида (Никитин, 1954) 12 тур тарқалган. Мазкур турлар сони давом эттирилаётган дала тадқиқотлари туфайли ўзгаришдан холи эмас [8].

Ўтган 30 йил давомида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда *Phlomoïdes* Moench туркуми турлари тарқалиши, экологияси, фитоценологияси ва таксономияси бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон флорасида учрайдиган *Phlomoïdes* Moench турлари тарқалишига кўра, Помир Олой, Фарбий Тянь-Шань ва Олой тизмаларига яққол ажралганлигини кўриш мумкин, лекин айрим турлар бу уч минтақа флораларида учрайди. Шундай турлардан бири *Phlomoïdes nuda* (Regel) Adyl., R. Kam. et Machmedov.

Мазкур тур A. Regel терган намуна “Юго-западный склон Ферганского хребта, у г. Узгент (Киргизстан), 1219 м и выше Узгента на р. Яссы, 1219-1829 м (цв. 28.V 1880, А.Регель)” асосида 1886 йил A. Regel томонидан (*Eremostachys nuda* Regel, 1886, Act. Hort. Petrop. 9, 2: 540, tab. 3) фанга киритилган. Adylov, Kamelin ва Machmedov томонидан олиб борилган тадқиқот натижасига кўра (1987, Consp. Fl. As. Med. 9: 97) *Phlomoïdes nuda* (= *Eremostachys nuda* (Regel) Adyl., R. Kam. et Machmedov) тур сифатида қайта таксономик номланди [2]. Тур типи (*holotypus*) Ленинград (LE) гербарий фондида сақланади [3]. Мазкур турга энг яқин тур *Phlomoïdes septentrionalis* Роров тури бўлиб, мазкур турлар гултоғбарглари шакли ва ранги, барги (илдиз ва тўпгул олди барги шакллари) билан фарқланади (Роров, 1940) [1]. Мазкур тур Фарғона водийсини Фарбий Тянь-Шань (Қурама ва Чотқол тизмалари) ва Олой (Олой тизмаси, Олой водийси), қисман Помир-Олой тизмаларида (Моголтоғ тизмаси) тош шағалли, бўз тупроқларда ўсади [5].



1-харита. Фарғона водийсида тарқалган *Phlomoïdes nuda* (Regel) Adyl., R. Kam. et Machmedov турини ГАТ харитаси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси “Ботаника институти” нинг миллий гербарий (TASH) фондида *Phlomoïdes* Moench туркум турларининг 3200 дан ортиқ гербарийнинг 55 яқини, Москва давлат университети гербарийсида (MW) сақланаётган 1000 яқин гербарийни 13 та намунаси *Phlomoïdes nuda* турига тегишли.

Ўзбекистон Миллий гербарийсида (TASH) сақланаётган *Phlomoïdes nuda* турини гербарий намуналарини инвентаризацияси бўйича натижалар келтирилди. Асосий коллекторлар сифатида Регел (1880), Алисенко (1901), Кнорринг (1911), Введенский (1924), Камелин (1945), Набиев (1952), Арифхонова (1967), Худойбердиев (1967), Пятаева (1971), Тожибаев (2015), Ғуломов (турнинг янги ареаллари; Қоратоғ, Хазратишоҳ, Косонсой ўрмон хўжалиги, 2020) каби олимлар томонидан келтирилган (1-расм).

**Ботаник таснифи.** Гемикриптофит. Пояси тик, бўйи 50-80 см. Илдизи бақувват урчуксимон, ён илдизлари шолғомсимон тугунак ҳосил қилади. Илдиз олди барглари чўзик, оддий туклар билан

копланган. Косачабарг 12-15 мм. найсимон, туксиз. Косачабарг тишлари жуда калта, гуллаш даврида 1-1.5 мм га етади. Гултожбарг 22-25 мм оқ, сариқ рангда. Юқориги лаб ташқи томондан узун туклар билан копланган. Чангчи иплари киска, меваси туксиз. Май-июнь ойида гуллаб, июнь ойида уруғлайди [4].

Тур ботаник-географик жиҳатдан таҳлил этилди ва қуйидаги натижалар олинди (1-харита) [6].

**Хулоса.** *Phlomis nuda* (Regel) Adyl., R. Kam. et Machmedov турини асосий тарқалиш ареали сифатида Қирғизистон (Олой, Чотқол, Фарғона тизмалари) ва Ўзбекистон флорасида (Олой, Чотқол) тарқалгани Фарғона водийси флорасини ўзига хос географик жойлашув ўрнини кўрсатади ва турни келиб чиқиш марказларидан бири сифатида ёндашишга имкон беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхатлари:**

1. Popov M.G. 1940. Opyt monografii roda *Eremostachys* Bge. (An attempt of a monograph of the genus *Eremostachys* Bunge). Novye. Med. Moskovsk. Obshch. Isp. Prir. 19: 84.
2. Adylov, T.A., Kamelin, R.V., Machmedov, A.M., 1986. Zametki o semeistve *Lamiaceae* 1 [Notes on Lamiaceae 1]. Novosti Sist. Vyssh. Rast. 23, 110–114.
3. Kamelin, R.V., Makhmedov, A.M., 1990. Sistema roda *Phlomis* (*Lamiaceae*) [The system of the genus *Phlomis* (*Lamiaceae*)]. Bot. Zhurn 75, 241–250.
4. Введенский А.И. *Eremostachys* Bunge. Флора Узбекистана. – Ташкент: АН. Уз ССР, 1961. – Т. V. – С. 335-336.
5. Адылов Т.А., & Махмедов А.М., *Phlomis Moench*. Определитель растений Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1987. – Т. 9. – С. 82-106.
6. Тожибаев К.Т., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана. // Узб. Бот. Журн. 2016. №10. - Т. 101.- С. 1118-1121.
7. R.K. Brummit, C.E. Powell “Authors of Plant Names” (1992).
8. Lazkov G.A., *Labiatae* (Family *Labiatae* Juss.) in Flora of Kyrgyzstan (Monography). – Korea. 2016. P. 384.
9. <http://wccsp.science.kew.org/do>
10. [www.googleearth.com](http://www.googleearth.com)
11. <https://plant.depo.msu.ru>

**УЎК 634.8**

**ХОРАЗМ ХУДУДИДА КЎПЛАБ ЭКИЛАДИГАН МАҲАЛЛИЙ УЗУМ НАВЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Н.Э. Джонибекова, таянч докторант, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент**  
**Ж.Н. Файзиев, к/х.ф.д., проф., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистоннинг андоза ва истиқболли хўраки навлар - Қора жанжал, Қизил хурмани, Хусайни, Тойфи; кишимшибоп навлар - Қора кишимши, Оқ кишимши, Зарафшон кишимши, Кишимши согдиана навларининг морфо-биологик ва айрим биокимёвий белгилари ўрганилди.

Хоразм вилоятида энг кўп экиладиган маҳаллий сара узум навларининг ҳосилдорлиги, узум шингилининг ўртача вазни, совуққа чидамлилиқ хусусиятлари, навларнинг пишиши муддатлари, қандлилиги, кислоталилиги ўрганилди. Хоразм вилоятида экиш учун тавсия қилинган хўраки, кишимшибоп, винобоп узум навлари ҳам тавсифлаб ўтилди.

**Калим сўз:** нав, маҳаллий, абориген, узум, селекция, хўраки, кишимшибоп, винобоп, гужум

**Аннотация.** В статье описаны стандартные и перспективные столовые сорта Узбекистана – Кара Джанжал, Кизил хурмани, Хусайни, Тойфи; изучены морфобиологические и некоторые биохимические характеристики сортов изюма - изюм черный, изюм белый, изюм Зарафшанский, изюм согдийский.

Изучены урожайность наиболее широко выращиваемых местных сортов винограда в Хорезмской области, средняя масса гроздей, морозостойкость, сроки созревания, содержание сахара и кислотность сортов. Также были описаны сорта винограда столовый, изюм и технический, рекомендованные для выращивания в Хорезмской области.

**Ключевые слова:** сорт, местный, виноград, селекция, столовый, изюм, технический, гроздь

**Abstract.** The article describes the standard and promising food varieties of Uzbekistan - Black Scorpion, Red Finik, Hussaini, Toifi; The morphobiological and some biochemical characteristics of the raisin varieties - black raisins, white raisins, Zarafshan raisins, Sogdian raisins - have been studied.

The yield of the most widely grown local grape varieties in the Khorezm region, the average weight of grapes, frost resistance, ripening periods, sugar content and acidity of the varieties have been studied. Also, the table, raisins and technical grape varieties recommended for cultivation in the Khorezm region were described.

**Key words:** variety, local, grapes, selection, table, raisins, technical, bunch

**Кириш**

Минг йиллар давомида табиатнинг ўзида инсон аралашувисиз жойнинг тупрок-иклим шароитларига мослашган турли ўсимликлар, жумладан, токнинг турли шакл ва навлари вужудга келган. Кейинчалик узоқ вақт давом этган табиий танланиш ҳамда сунъий танлаш (халқ селекцияси) натижасида уларнинг хўжалик жиҳатдан қимматбаҳо хусусият ва белгиларга эга бўлганлари танланиб

кўпайтирилган. Шунинг учун ҳам машҳур рус генетики, ҳозирги замон селекцияси, маданий ўсимликларнинг келиб чиқишининг асосчиси Н.И.Вавилов: «Ҳар қандай селекция иши қандай ўсимлик билан олиб борилмасин, у ёки бу регионнинг узоқ асрлар давомида халқ селекцияси томонидан яратилган абориген навларни ўрганишдан бошланиши керак», деган тушунчани илгари суриб, маҳаллий (жайдари) навларнинг аҳамиятига катта урғу берган [7].

Ҳозирги ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида маданий токнинг келиб чиқишига доир иккита йирик қадимий марказ (ўчоғи) мавжуд. Булар Кавказ орти ҳамда Ўрта Осиё марказлари ҳисобланиб, абориген навларнинг аксарият қисми шу ерларда жойлашган. Ўрта Осиё региони (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Жанубий Қозоғистон, Қирғизистон) да экиб келинаётган узум навларининг аксарияти, келиб чиқиши жиҳатидан абориген навлар ҳисобланади ва уларнинг асосий қисмини хўраки ва кишмишбоп навлар ташкил қилади [4].

Ҳозирда энг кўп тарқалган маҳаллий (жайдари) навларга Келин бармоқ хусайни, Қизил хусайни, Бишти, Қора вассарга, Нимранг, Хусайни бегизи, Қора жанжал, Қора калтак, Султони, Чиллаки, Оқ вассарга, Қизил хурмони, Каттакўрғон, Тагоби, Штурангур, Сояки, Қора кишмиш, Тарнау кабилар қиради [7]. Абориген навларни аниқлаш, уларни атрофлича ўрганиш саноат аҳамиятига эга бўлган янги навларни етиштириш учунгина эмас, балки селекция ишларида дастлабки материал сифатида ҳам қимматли ҳисобланади. Ҳозирда абориген навлар билан боғлиқ ишлар атрофлича ўрганилган ҳисоблансада, аммо селекционерларнинг бу борадаги тинимсиз изланишлари туфайли абориген навларнинг коллекциялардаги сони қисман бўлсада кўпайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг бошқа бир қатор мамлакатлар билан илмий-амалий алоқалари ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда, турли мамлакатлардаги узумнинг абориген навларини ўрганиш тоқчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса маданий ток келиб чиқишининг қадимий ўчоқларидан ҳисобланадиган Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Туркия ва бошқа араб ҳамда шарқ мамлакатларининг узум навлари таркибини атрофлича ўрганиш тоқзорларни хўжалик жиҳатдан қимматбаҳо белгиларга эга бўлган узум навлари билан бойитишнинг самарали ва истиқболли йўли ҳисобланади [5].

#### Тажриба тизими ва усул-усулблари (Materials and Methods)

Тадқиқот (Лазаревский М.А) услуги асосида олиб борилди [2].

Статистик таҳлиллар Б.А. Доспехов бўйича олиб борилди [3].

Тадқиқотда Хоразм тупроқ-иқлимига мослашган ҳамда энг кўп етиштириладиган маҳаллий узум навлари танлаб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

№	Ўрганилган вариантлар	Танлаб олинган навлар
1	Узумнинг хўраки навлари	Қора жанжал, Қизил хурмони, Хусайни, Тойфи
2	Кишмишбоп навлар	Қора кишмиш, Оқ кишмиш, Зарафшон кишмиш, Кишмиш Согдиана



Xusayni

**Қора жанжал нави.** Маҳаллий нав бўлиб халқ селекцияси йули билан чиқарилган жуда қимматли хўраки-майизбоп нав. Тупи кучли ўсади. 1959 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Нав ўртапишар. Тупи катта бўлиб, новданинг узунлиги бўйича жойлашган куртакларидаги мева миқдори бир хил. Узум бошлари йирик тухумсимон, ранги қора. Тўлиқ пишганда 25-27% қанд йиғади, кислоталилиги эса 3,5-4,5 г/л ни ташкил этади. Узум бошининг ўртача оғирлиги – 247 г. Ҳосилдорлиги – 231,2 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 281,5 ц/га ни ташкил этади.

**Қизил хурмони нави.** Маҳаллий халқ нави. 1967 йилдан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилган. Бу нав ўртапишар бўлиб (август охири, сентябрь), ҳосилдорлиги юқори, совуққа ва қурғоқчиликка кам чидамли, ун шудринг билан зарарланади, мевасидан сифатли майиз олинади. Узум бошлари катта, ўртача оғирлиги – 360 г, ғужуми йирик, узунчоқ цилиндр шаклида, ранги эса тўқ қизил, бинафша тусли, эти зич, сершира. Пўсти ўрта қалинликда. Ҳосилдорлиги – 120-160 ц/га. Узумни узиш вақтида қанд миқдори 20-22% га, кислоталилиги эса 5-6 г/л ни ташкил этади.

**Оқ хусайни нави.** Маҳаллий халқ нави. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Бу юқори сифатли хўраки ўртапишар нав бўлиб, бошқа жойларга ташиш учун яроқли, мазаси яхши, совуққа кам чидамли, ун шудринг билан кучли зарарланади. Узум боши катта, конуссимон, ғовак, узум бошининг ўртача оғирлиги – 371 г. Ҳосилдорлиги – 96,0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 121 ц/га ташкил этади. Ғужуми йирик-узунчоқ, цилиндр ёки тухумсимон, эти сершира, сал кувроқ, ранги сарғиш-яшил. Пўсти юпка, пишиқ, эти сершарбат, тигиз, қарсиллайди, майин, жуда ширин. Тўлиқ пишганда 17-19% қанд йиғади, кислоталилиги эса 2,8-3,2 г/л ни ташкил этади.



**Тойфи нави.** Ўрта Осиё Республикаларида қадимдан ўстирилиб келаётган узумнинг саноатбоп қимматли хўраки нави. Ўзбекистоннинг стандарт навларига киритилган. Гули икки жинсли. Боши йирик, узунлиги 19 дан 31 см гача, эни 20-23 см. Меваси йирик (узунлиги – 21-28 мм, эни – 14-24 мм), ранги тиниқ пушти рангдан қизилгача. Эти гўштли, қарсилдоқ, етарли даражада ширали. Пишишни бошланиши – июлни охири – августни боши, тўлиқ етилиши сентябрни учинчи ўн кунлигигача боради. Тупни ўсиш кучи катта, новдалар вегетацияси охирида тўлиқ пишиб етилади. Ҳосилдорлиги гектардан – 160-280 ц/га, айрим ҳолларда – 350 ц/га гача боради. Узум бошини ўртача оғирлиги – 700 г, айрим бошлариники 2,5-3,5 кг гача боради. Техник пишиб етилганида октябрь ойида қандлиги 22-24% ни, кислоталилиги 4-4,5 г/л ни ташкил этади.



**Қора кишмиш нави.** Маҳаллий нав. 1959 йилдан Республика бўйича Давлат реестрига киритилган. Ўрта Осиёда эртапишар навлар орасида истеъмол қилиш учун энг яхши нав ҳисобланади. Бу навнинг тупи баланд бўлиб, новдалари йирик, тез ўсади. Касаллик ва зараркунандаларга кам чидамли, церкоспориоз ва ун шудринг билан тез зарарланади. Узумни узиш вақтида қанд миқдори 24-26% га, кислоталилиги эса 1,5-1,8 г/л ни ташкил этади. Узум боши катта, ўртача оғирлиги – 172 г. Шакли цилиндр конуссимон, ғовак, баъзан зич, ранги қора, эти сершира, майин. Ҳосилдорлиги – 280,8 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги – 358,4 ц/га ни ташкил этади.



**Оқ кишмиш нави.** Ўзбекистон бўйича районлаштирилган. Гули икки жинсли. Оқ кишмиш ўрта муддатларда пишадиган навлар қаторига киради, пишиш даврини бошланиши – 20-28 июль. Тўлиқ етилиши – 8-17 сентябрь. Юқори ҳосилли навларга киради. Истеъмол даврларида қанд моддаси 18-19%, кислоталилиги 7-8 г/л. Ер тоқ тизимида ҳосили – 200-250 ц/га боради, оддий тик симбағазларда – 130-160 ц/га. Узум бошининг ўртача оғирлиги – 153 г. Бу нав асосан қуритиш учун фойдаланилади. Бу навандан бедана, сабза, сояги, сабза штабелли тайёрланади. Қуритиш учун қанд – 24-26%, кислоталилиги – 4-5 г/л. Совуққа чидамлилиги бўйича нав шарқ гуруҳининг маҳаллий навлари қаторида туради.



**Зарафшон кишмиш нави.** Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида селекционер олимлар К.М. Смирнов ва А.Ф. Герасимова томонидан Каттақўрғон ва Бедона навларини чапиштириш йўли билан чиқарилган. Ўртапишар нав (сентябрнинг боши). Барги йирик думалок шаклда, беш бўлакли. Гули қўшжинсли. Узум боши ўртача йирик, цилиндр шаклида, зичлиги ўртача. Ғужумлари овалсимон шаклда, оч яшил, тўлиқ пишганда сариқ рангда (5-6 г). Узум бошининг оғирлиги 300-350 г. Пўсти юпка, эти тигиз сершира, хуштаъм. Тўлиқ пишганда қандлилиги 22-24%, кислоталиги 4 г/л. Ҳосилдорлиги 160-200 ц/га, тупи кучли ўсувчи.



**Кишмиш Согдиана нави.** Ўзбекистонда келиб чиққан. Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясида селекционерлар К.В. Смирнов ва Е.П. Перерилицина томонидан Победа ва Қора кишмиш навларини чапиштириш йўли билан яратилган. Ўртапишар майизбоп нав (август охири, сентябрь бошлари). Барги ўртача, юрак шаклида, беш бўлакли, тўқ яшил рангда. Гули икки жинсли.

Узум боши йирик, 400-450 г ва ундан ҳам ортик, кўп шингилли, ўртача сочилувчан. Ғужумлари йирик тухумсимон қора рангли, мум ғубор билан қопланган (4,5 г). Пўсти юпка, пишиқ. Эрдор, хуштаъм. Қандлилик даражаси 25-26%, кислоталилиги 6 г/л. Ҳосилдорлиги 180-200 ц/га, тупи кучли ўсади. Янгиллигича истеъмол қилинади ва майиз тайёрланади [1,6].

#### Хоразм вилоятида экишга тавсия қилинган узум навлари

**Хўраки навлар:** Тойфи, Хусайни, Хурмони, Ризамат, Сурҳак китоби, Қора чиллаки, Қора калтак, Чарос, Гўзал қора, Нимранг.

**Кишмишбоп навлар:** Қора кишмиш, Оқ кишмиш, Кишмиш Согдиана, Зарафшон кишмиши, Кишмиш Ботир, Нилуфар.

**Винобоп навлар:** Алеатико, Баян-Ширей, Мускат венгерский, Мускат орзу, Ркацители, Хиндогни, Тарнау, Саперави, Кульджинский [6].

#### Хулоса

Тадқиқотда ўрганилган узум навлари асосан ўртапишар (август охири, сентябрь бошлари) навлар ҳисобланиб, совуққа кам чидамли бўлади. Навларнинг ўртача ҳосилдорлиги 91-121 ц/га (Оқ хусайнида) етса, энг юқори ҳосилдорлик 280,8-358,4 ц/га (Қора кишмишда) ни ташкил этади. Узум бошининг ўртача оғирлиги 153 г (Оқ кишмишда) бўлса, энг юқори кўрсаткич 3,5 кг (Тойфи) гача бўлади. Узум навларининг қанд миқдори хўраки навларга нисбатан кишмишбоп навларда юқори бўлиши кузатилди. Энг юқори кўрсаткич 25-27% Қора жанжал (бу нав хўраки узум навлари рўйхатида

киритилган бўлсада, ундан қимматли майиз ҳам тайёрланади) бўлса, энг кам қанд микдори 17-19% Оқ хусайнида аниқланди. Хўраки ва кишмишбоп узум навларининг қислоталиги ҳам турли хил бўлиб, 2,8-3,2 г/л Оқ хусайнида аниқланган бўлса, энг юқори қислоталилик кўрсаткичи 7-8 г/л Оқ кишмишда аниқланди.

2-жадвал

## Танлаб олинган навларнинг морфо-биологик солиштирма таснифи

№	Танланган узум навлари	Мева ранги	Пишиб етиш даври	Ўртача ҳосилдорлиги, ц/га	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Совуқка чидамлилиги
1	Қора жанжал	қора	ўртапишар	231,2-281,5	242	кам чидамли
2	Қизил хурмани	тўқ қизил	ўртапишар	120-160	360	кам чидамли
3	Оқ хусайни	сарғиш яшил	ўртапишар	96-121	371	кам чидамли
4	Тойфи	тиник пушти рангдан қизилгача	кечпишар	160-280	700 г дан 3,5 кг гача	чидамли
5	Қора кишмиш	қора	эртапишар	280,8-358,4	172	чидамсиз
6	Оқ кишмиш	пишганда сарик	ўртапишар	130-250	153	чидамсиз
7	Зарафшон кишмиши	оч яшил, тўлик пишганда сарик рангда	ўртапишар	160-200	300-350	кам чидамли
8	Кишмиш Согдиана	қора	ўртапишар	180-200	400-450	кам чидамли

## Узум боши ғужуми шарбатининг қанд ва қислоталилик микдори

№	Узум навлари	Қора жанжал	Қизил хурмани	Оқ хусайни	Тойфи	Қора кишмиш	Оқ кишмиш	Кишмиш Зарафшон	Кишмиш Согдиана
1	Қанд микдори, (%)	25-27	20-22	17-19	22-24	24-26	18-19	22-24	25-26
2	Қислоталилиги (г/л)	3,5-4,5	5-6	2,8-3,2	4-4,5	1,5-1,8	7-8	4	6

Республикада узумнинг сифатли ва ҳосилдорлиги юқори маҳаллий навларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш аҳолини қимматли озуқа маҳсулотига бўлган талабини таъминлашга имкон яратади. Узумни Ўрта Осиё навлари новдаларини кучли ўсиши, тупининг яхши ривожланиши қандай шакл беришга боғлиқдир. Шу туфайли тоқларни парвариш қилинганда маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитларини айниқса, уларни яхши ривожланиши учун қўлланиладиган навларга мос агротехникани ҳисобга олиш лозим. Табиий шароитларнинг хилма-хиллиги, маҳаллий навларнинг ўсиши ва мева бериш фарқи интенсив технология элементларини танлаб олишни талаб қилади. Бундай технология ўз навбатида катта микдорда юқори сифатли арзон маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл очади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джавакянц Ю.М. “Узумнинг энг яхши маҳаллий навлари ва уларни парвариш қилиш технологияси” Ташкент 2010. - Б. 42-51.
2. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта” Москва.: Агропромиздат - 1985.
3. Лазаревский М.А. Изучение сортов винограда. Ростов н/Д.: Изд-во Рост. ун-та, 1963.
4. Мелконян М.В., Рачинская А.И., Олейников Н.П. и др. Предварительные результаты испытания новых сортов винограда в Крыму// «Магарач». Виноградарство и виноделие. 2000, №3. – С. 9-13.
5. Муракаева А. К. “Виноградарство” Тошкент. «Меҳнат» - 1988. 253. б.
6. Сулаймонов Б.А., Саимназаров Ю.Б., Акрамов У.И., Файзиев Ж.Н, Абдуллаев Р.М., Набиев Ў.Я., Дорохова Е.А., Ахмедов Ш.М., Ағзамходжаев Ж., Абдуллаева Х.М “Ўзбекистон республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган мева-узум навларнинг каталоги”. Тошкент. “Info Capital Group” нашриёти, 2016. – Б. 48-63.
7. Шукур Темуров “Узумчилик” «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент – 2002. Б. 191-192.

УЎК 631.52.633.11

## ЎЗБЕКИСТОН ЛАЛМИКОР МИНТАҚАЛАРИ УЧУН ЮМШОҚ БУГДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

*М.Жўраев, қ.х.ф.ф.д., к.и.х., Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Жиззах*

*С.Ғайбуллаев, қ.х.ф.н., к.и.х., Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Жиззах*

*З.Очилов, таянч докторант, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, Фаллаорол илмий-тажриба станцияси, Жиззах*

**Аннотация.** Мақолада 2015-2017 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Фаллаорол илмий-тажриба станциясида юмшоқ бугдойнинг янги навларини яратиш учун олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотлар натижасида юмшоқ бугдойнинг

биотик ва абиотик омилларга чидамли бошлангич манбалари ҳамда юқори ҳосилли янги навлари яратилган.

**Калит сўзлар:** Юмшоқ буғдой, бошлангич манбалар, тизма, нав, эртапишарлик, сариқ занг, ўсимлик бўйи, ҳосилдорлик, дон сифати, қурғоқчиликка чидамлик

**Аннотация.** В статье изложены результаты исследований по созданию новых сортов мягкой пшеницы в 2015-2017 годах в Галляаральской научно-опытной станции научно-исследовательского института зерна и зернобобовых культур. По результатам исследований созданы исходные материалы и высокоурожайные новые сорта мягкой пшеницы.

**Ключевые слова:** Мягкая пшеница, первичные материалы, линия, сорт, скороспелость, жёлтая ржавчина, высота растений, урожайность, качество зерна, засухоустойчивость

**Abstract.** The article presents research results which carried out for developing new bread wheat varieties at the Gallaaral Scientific and Experimental Station of Research Institute of Grain and Legume Crops. In researches result the new initial materials which resistant to biotic and abiotic stresses and high yielding varieties of bread wheat are developed in 2015-2017.

**Key words:** Bread wheat, initial materials, line, variety, early maturity, yield, grain quality, drought tolerance

**Қириш.** Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иклим ва экологик шароитларга мослашган янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг 200,0 минг гектардан ортиқ лалми ерларида экилаётган буғдой навлари ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари ҳамда касаллик ва зараркунандалардан зарарланиши таъсирида дон сифатининг давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги кузатилмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда ғалла экинлари ҳосилдорлигига юқорида қайд этилган сабаблардан ташқари, об-ҳаво шароитларининг ўзгариши, хусусан, унинг глобал ўсиши ҳам сезиларли даражада таъсир этиши кузатилмоқда.

Бундан ташқари, қимматбаҳо хўжалик белги ва хусусиятларига эга буғдой навлари йиллар давомида иқлим ўзгаришлари, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитлари ва касалликлар таъсирида ўзининг белги ва хусусиятларини йўқотиб бориши илмий изланишлар натижасида аниқланган.

Буғдойнинг янги навларини яратиш учун селекция ишларини узлуксиз давом эттириб, буғдой навларини йиллар бўйича босқичма-босқич янгилаб туриш ишлаб чиқаришда барқарор ҳосилдорликни таъминлаши исботланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолининг сифатли, тўйимли нон ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил, нонбоплиги ва оксил миқдори юқори янги буғдой навларини яратиш учун илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

1-жадвал

**Юмшоқ буғдой навларининг рақобатли нав синаш питомнигида қимматли белги ва хусусиятлари кўрсаткичлари, 2017 й**

№	Нав номи	Бошоқлаш муддати, кун, ой	Ўсимлик бўйи, см	Ўтиб қолишга чидамли-лиги, балл	Сариқ занг билан зарарланиш и, %	Ҳосилдорлик, ц/га
1.	Тезпишар (st)	03.05.	106	9	60	24,3
2.	Сўғдиёна	05.05.	89	9	30	24,5
3.	Истиклол-6	07.05.	105	9	0	22,4
4.	Санзар-6	05.05.	90	9	60	21,4
5.	Оқбуғдой	06.05.	112	7	30	21,8
6.	Бахмал-97	12.05.	112	7	60	22,5
7.	Кўкбулок	06.05.	103	9	10	22,0
8.	2012/210 (Кизилдон)	08.05.	95	9	0	28,6
9.	НП 2016/26 (Нўшкент)	03.05.	105	9	0	27,3
10.	2012/97	04.05.	86	9	25	22,3
11.	НП-2014/108	06.05.	112	7	25	27,2
12.	НП-2016/5	03.05.	103	9	0	26,8
13.	НП-2018/81	08.05.	95	7	0	24,4
14.	ДНС-2013/26	04.05.	100	9	25	25,0
15.	ПСИ-2016/12	03.05.	105	9	0	25,5
16.	ПСИ-2016/19	11.05.	85	9	0	25,9
	<b>НСР<sub>05</sub></b>					<b>1,1</b>

**Материал ва услублар.** Барча агротехник тадбирлар ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий тажриба станцияси томонидан 1994 йилда ишлаб чиқилган тавсия ва услублар асосида, фенологик кузатувлар,

дала ва лаборатория шароитида турли кўрсаткичлар бўйича баҳолашлар, таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси (1997) ва Бутуниттифок ўсимликшунослик институти (ВИР, 1985) да ишлаб чиқилган услубий кўлланмалар асосида олиб борилди.

Бугдой нав намуна ва тизмаларининг занг касалликлари билан касалланиш даражасини баҳолаш ИКАРДА халқаро илмий Марказида (1996 йил) ишлаб чиқилган шкала бўйича фоизда (%) баҳоланди.

Тадқиқотлар олиб бориш давомида юмшоқ бугдойнинг лабораторияда мавжуд бошлангич материалларидан ҳамда ИКАРДА, СИММИТ халқаро илмий Марказларидан ва Ўсимликшунослик илмий текшириш институтидан келтирилган жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланилди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий тажриба станциясида 2015-2017 йилларда ИТД-8. ҚХА-8-048-2015 «Лалмикор ерлар учун биотик ва абиотик омилларга чидамли, эртапишар, барқарор юқори ҳосил берувчи, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва каттиқ бугдой навларини яратиш» лойиҳаси доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар давомида юмшоқ бугдойнинг 1427 та нав ва нав намуналари ҳамда дурагай тизмалари қимматбаҳо хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича баҳоланди ва танлаш ишлари ўтказилди.

Рақобатли нав синаш питомнигида ўрганилган нав ва дурагай тизмалар эртапишарлиги, ўсимлик бўйи, ётиб қолишга чидамлилиги, сариқ занг касаллиги билан зарарланиши ва ҳосилдорлик каби кўрсаткичлари бўйича баҳоланди ва таҳлил қилинди. 2017 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, эртапишарлиги бўйича НП-2016/26 (Нўшкент), НП-2016/5 ва ПСИ-2016/12 каби янги тизмалар андоза нав сифатида олинган Тезпишар навига тенг бўлиб, сариқ занг касаллигига чидамлилиги ва дон ҳосилдорлиги юқорилиги аниқланди. 2012/210 (Қизилдон), НП-2014/108, НП-2016/5 каби янги нав ва тизмалари бошқа навлардан юқори ҳосилдорлиги билан ажратиб олинди. Шунингдек, Истиклол-6, ПСИ-2016/12, ПСИ-2016/19 тизмалари ҳам андоза ва бошқа маҳаллий навларга нисбатан сариқ занг касаллигига чидамлилиги ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлганлиги маълум бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, 2017 йилда НП-2016/26 (Нўшкент), 2012/210 (Қизилдон) янги навлари бошқа нав ва тизмаларга нисбатан қимматбаҳо хўжалик белги ва хусусиятлари бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси синовида топширилди.

**Хулоса.** 2015-2017 йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида лалмикор минтақалар учун юмшоқ бугдойнинг янги навларини яратиш мақсадида қимматли белги ва хусусиятларга эга бўлган бошлангич манбалар яратилди ва селекция жараёнига тақдим этилди. Шу билан бирга, НП-2016/26 (Нўшкент), 2012/210 (Қизилдон) янги навлари ДНСга топширилди. Бугунги кунда республикамиздаги лалмикор минтақалар учун юмшоқ бугдойнинг қимматли хўжалик белги ва хусусиятларига эга янги навларини яратиш устида илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдукаримов Д.Т. Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги. Сам. 2012.
2. Аманов А.А. ва бошқалар. Донли экинлар селекцияси ва бошлангич уруғчилиги бўйича услубий кўлланма. Ғаллаорол 2004 йил.
3. Аманов М.А. Устойчивость пшеницы к неблагоприятным факторам среды в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1978. –91 с.
4. Gaybullaev S., Juraev M., Khalilov U. High yielding and drought tolerant new lines of bread wheat for rainfed conditions in Uzbekistan/Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2014 йил, 214-216 бетлар.
5. Juraev M.A., S.Gaybullaev. The results of studying new bread wheat varieties and lines for rainfed conditions in Uzbekistan. Пенза: МЦНС “Наука и Просвещение”. -2019.-С. 72-74.

УЎК 616-053.3

### ОНТОГЕНЕЗДА ЛАКТОЗАНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Б.О. Комилова, Бухоро Давлат тиббиёт институти, Бухоро**  
**С.М. Авезова, Бухоро Давлат тиббиёт институти, Бухоро**  
**Р.Р. Рахмонов, Бухоро Давлат тиббиёт институти, Бухоро**

**Аннотация.** Ингичка ичакнинг махсус ферменти лактаза лактозани глюкоза ва галактозага парчалайди. Бу ферментнинг синтезланмай қолиши лактозани парчаланмаслигига сабаб бўлади. Бу эса овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилишига олиб келади. Сут эмизувчиларда лактаза фаоллиги эмизикликдан мустақил овқатланишга ўтиш олдидан репрессияланади, сахароза фаоллиги эса индукцияланади. Экзоген гормон тироксин таъсирида лактаза фаоллигининг репрессияланиши ва сахароза фаоллигининг индукцияланиши табиий муддатидан олдин ёшига боғлиқ ҳолда амалга ошади.

**Калит сўзлар:** лактация, лактаза, сахароза, тироксин, онтогенез, дефинитив, экзоген, эндокрин

**Аннотация.** Кишечный фермент лактаза, расщепляет лактозу на глюкозу и галактозу. Отсутствие синтеза этого фермента приводит к тому, что лактоза не расщепляется. Это приводит к нарушению процесса пищеварения. У млекопитающих активность лактазы подавляется до перехода от грудного к самостоятельному вскармливанию, в то время как активность сахаразы



индуцируется. С возрастом происходит преждевременное подавление активности лактазы и индукция активности сахаразы под действием экзогенного гормона тироксина.

**Ключевые слова:** лактация, лактаза, сахараза, тироксин, онтогенез, дефинитивный, экзогенный, эндокринный

**Abstract.** *Intestinal enzyme lactase, breaks down lactose into glucose and galactose. The lack of synthesis of this enzyme leads to the fact that lactose is not broken down. This leads to disruption of the digestive process. In mammals, lactase activity is suppressed prior to the transition from breastfeeding to self-feeding, while sucrase activity is induced. With age, there is a premature suppression of lactase activity and induction of sucrase activity under the action of the exogenous hormone thyroxine.*

**Key words:** *lactation, lactase, sucrose, thyroxine, ontogenesis, definitive, exogenous, endocrine*

**Муаммонинг долзарблиги.** Кейинги йилларда, лактаза ферментининг турли сабабларга кўра, селектив равишда синтезланмай қолиши, синтезланишини ўз муддатидан олдин сусайиши ёки умуман тўхтаб қолиши, лактоза малабсорбцияси ва лактаза танқислиги белгиларини келтириб чиқаряпти. Лактозанинг бошқа дисахаридазалар томонидан нарчаланмаслигини эътиборга олсак, лактаза ферментининг сут билан овқатланиш давридаги аҳамияти янада равшанлашади.

Буюк мутафаккир бобомиз Абу Али ибн Сино айтганидек, ўсимликлар олами, бутун дунё куёш нурусиз бўлмаганидек, инсоният ҳам она сутисиз ҳар томонлама етук ва баркамол бўлолмайди. Чунки она сути гўдак учун энг фойдали моддалар ва витаминларга бойлиги фанда исботланган [3]. Мутахассисларнинг фикрича, сунъий сут билан озиклантирилган бола улғайганида юрак, қон-томир хасталиклари, хафакон, атеросклероз, қанд касаллигининг инсулинга тобе шакли, кўриш ўткирлигининг камайиши, руҳий касалликларга дучор бўлиши она сути билан боқилган тенгдошларига нисбатан 30-40 марта кўпроқ қайд этилмоқда [4]. Олимларнинг қайд этишича, сунъий сут билан боқилган қизлар она бўлганида уларнинг 70 фоиздан ортиги дунёга келтирган бола меъерий вазнидан анча паст ва камқонликка мойил бўлади. Шунингдек, бепуштлик бу қизларда 4 баробар кўпроқ. Ачинарлиси, бундай бепуштликни даволашнинг иложи йўқ экан [5].

Халқаро табиий кўкрак сути билан озиклантириш бўйича маслаҳатчилар ассоциацияси маълумотларига қараганда, болада шамоллаш бошланаётганда у иситмаласа, она сутида пенициллин ёки димедрол бирикмалари пайдо бўлади. Чақалокнинг ичи бузилса, лактобактериялар сони кескин ортади. Умуман, касалликка чалинган тақдирда ҳам она сути билан озикланаётган гўдакда уни энгиш осон кечади ва тезроқ тузалади. Инфекцияга қарши унсурлар, яъни иммун хужайралар болага сут билан тайёр ҳолда ўтади. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, она сути нафақат бола организмни, балки онанинг ўзини ҳам турли касалликлардан сақлайди; мастит, сут безлари раки, гинекологик касалликлар болани кўкраги билан эмизмаган аёлларда 20-25 баробар кўп учрайди. Шунингдек, болани кўкрак сути бериб боққан оналарда камқонлик кам кузатилган.

Кейинги йилларда болани она сути билан боқишга катта эътибор бериляпти ва қатор қонунлар ҳам қабул қилинди. Мана шулардан бири “Она сути билан озиклантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдак ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат махсулотларига доир талаблар тўғрисидаги” (ЎРК 574 сонли 23.10.2019 йил) қонундир. Бу қонунга мувофиқ она сути билан озиклантиришни тарғиб қилиш, болаларни она сути билан озиклантириш учун кенг қўлламли шароитлар яратиш, автовокзал, аэропорт ва вокзалларда она ва болалар учун махсус хоналар яратиш, она сутини ўрнини босувчи махсулотларни рекламасига йўл қўйилмасли, она сутини ўрнини босувчи махсулот тўғрисидаги ҳар қандай ахборот она сутининг фойдаси ва афзаллиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган бўлиши керакли уқтирилиб ўтилган.

Она сутида ўн иккидан ортиқ олигосахаридлар бўлади. Улардан энг муҳими эса лактозадир. Лактоза ингичка ичакда тез ва тўлиқ гидролизланади (Кучкарова Л. С., Садыков Б. А. 2003). Эмбрионал ривожланишнинг охирига келиб, она организмнинг сут безларида лактоза синтезланади, уни миқдори хайвон турига, лактация босқичига ва овқатланиш турига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Сут қанди миқдорини сут эмизувчиларнинг турли вакилларида бир хилда бўлмаслиги унинг пластиклик функциясига боғлиқ. Лактоза осмотик фаол модда бўлиб, у сут ва қон орасидаги изоосмотикликни бир меъёрда сақлайди. Лактация даврида аёлларнинг эндокрин касалликларга чалиниши сут таркибида лактоза миқдорини камайишига олиб келади. Бу эса сут беzi функциясига салбий таъсир этади ва мастит касаллигига сабаб бўлади.

Лактозанинг яна бир хусусияти шундаки, у эмизикликнинг муайян даврида сутэмизувчилар наслини она сутини инкор этиб, мустақил овқатланишга ўтиши учун замин тайёрлайди. Шундай қилиб, лактоза айрим аъзо ва тизимларнинг шаклланишига, физиологик жараёнларнинг меъерий кечишига ва гўдакни турли касалликлардан сақлашда иштирок этади. Унинг бу хусусиятлари дисахаридларнинг бошқа бирор турига хос эмас [1].

Ингичка ичакнинг махсус ферменти лактаза сут қандини глюкоза ва галактозагача парчалайди. Лактазани синтезланмай қолиши сут қандини парчаланмаслигига сабаб бўлади. Парчаланмаган сут қанди эса ичакнинг дистал бўлимида ва йўғон ичак бактерия ферментлари таъсирига учраб, организм учун зарарли бўлган органик кислоталарга айланади [2]. Бу эса овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилишига олиб келади.

**Ишнинг мақсади.** Эмизиклик даврида лактазанинг синтезланиши, уни апикал мембрана билан бирикишини баъзи омиллар таъсирида ўрганиш юқумли бўлмаган меъда-ичак касалликларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари излаш.

#### Натижалар ва уларнинг таҳлили

Дастлаб лактаза ва сахараза фаолликларининг онтогенезда ўзгаришига доир олинган натижалар билан танишиб чиқайлик. Уч кунлик каламуш болаларининг ингичка ичагида маълум даражада фаолликка эга бўлган лактаза захираси мавжуд (1-жадвал). Фермент фаоллигининг энг юқори даражаси етти ва ўн кунлик каламуш болаларида аниқланди. Ўн тўрт ва йигирма бир кунлик каламушларда эса лактаза фаоллигининг камайиши кузатилди. Бу фаолликни камайиши йигирма саккизинчи кунга келиб эса кескинлашди.

Сахараза ферменти уч ва етти кунлик каламуш болаларида ҳали пайдо бўлмаган ёки фаоллашмаган. Ўн кунлик каламуш болаларида яққол кўринди. Организм ўсиб бориши билан ферментнинг фаоллиги ҳам ошиб борди. Ўн тўрт кунлик каламуш болаларида сахаразанинг фаоллиги  $1.7 \pm 0.2$  мкмоль/мин/г ни ташкил этса, йигирма бир кунлик каламушларда бу кўрсаткич  $4.8 \pm 0.5$  мкмоль/мин/г ни, йигирма саккиз кунлик каламушларда эса  $8.5 \pm 0.7$  мкмоль/мин/г га етди (1-жадвал).

1- жадвал

#### Онтогенезда ингичка ичак эзилмасидаги лактаза ва сахараза фаоллигининг ўзгариши (M + m; n = 6)


Ҳайвон ёши (кунларда)	Лактазанинг фаоллиги		Сахараза	
	мкмоль/мин/г	%	мкмоль/мин/г	%
3	$19.3 \pm 1.0$	$75.0 \pm 4.0$	0.0	0.0
7	$25.9 \pm 2.3^*$	$100 \pm 8.0^*$	0.0	0.0
10	$20.7 \pm 1.0$	$80.0 \pm 4.0$	$0.9 \pm 0.1$	$11.0 \pm 1.2$
14	$14.8 \pm 1.0^*$	$57.0 \pm 4.0^*$	$1.7 \pm 0.2^*$	$20.0 \pm 2.2^*$
21	$8.5 \pm 0.7^*$	$33.0 \pm 3.0^*$	$4.8 \pm 0.5^*$	$56.0 \pm 6.0^*$
28	$2.1 \pm 0.2^*$	$8.0 \pm 0.7^*$	$8.5 \pm 0.7^*$	$100 \pm 8.0^*$

**Изох.** Жадваллардаги юлдузча ( \* ) белгиси лактаза ферменти учун уч кунлик, сахараза ферменти учун ўн кунлик каламушларга нисбатан статистик ишончли фаркни ( $P \pm 005$ ) кўрсатади.

Хулоса қиладиган бўлсак, каламуш болаларида онтогенезда лактазани ҳосил бўлиши сут билан овқатланиш даврини биринчи ҳафтасида юқори бўлди. Мустақил овқатланиш даврига ўтгач фермент фаоллиги кескин камаяди. Сахараза ферментини ҳосил бўлиши сут билан овқатланиш даврининг биринчи ҳафтасида умуман кузатилмайди. Иккинчи ҳафтани бошларига келиб, фермент фаоллиги пайдо бўлади ва мустақил овқатланишга ўтиш олдиндан кескин ошади. Энди лактаза ва сахараза ферментининг тироксин гормонига реакцияси билан танишамиз.

Уч кунлик каламуш болаларининг тери остига (2мг/кг) тироксин гормони юборилганда лактаза ферментининг фаоллиги умуман ўзгармади. Етти кунлик каламушларга шу дозадаги гормон юборилганда эса фермент фаоллиги камаяди. Фермент фаоллигини камайиши гормон юборилгандан 48 соат ўтгач яққол кўринди.

Гормон таъсирида лактаза фаоллигини камайиши ўн тўрт кунлик каламушларда ҳам кузатилди. Бироқ, фермент фаоллигини камайиши гормон юборилгандан 24 соатдан сўнг намоен бўлди. Йигирма бир кунлик каламушларда эса тироксин таъсирида лактаза фаоллигини ўзгариши кузатилмади, чунки бу ёшдаги каламушларда тироксинга нисбатан лактаза фаоллигининг репрессияланиш қобилияти йўқолган. Бундай репрессияловчи таъсир ҳайвоннинг ёшига боғлиқ бўлиб, у фақат эмизиклик даврининг ўрталари ва иккинчи ярмида кузатилди. Шунинг учун ҳам бу даврда юборилган тироксин гормони лактаза фаоллигини табиий муддатидан олдин репрессияланишига олиб келади ва меъда-ичак тизимида лактозани парчаланмай қолишига сабаб бўлади.



1-расм. 14 кунлик каламуш болаларида сахараза фаоллигининг тироксин гормони таъсирида ўзгариши. К- контроль гуруҳ, Т ~ тажриба гуруҳ

Энди ичак карбогидразасини онтогенезда ўзгаришида тироксин гормонининг биологик аҳамияти тўғрисида фикр юритсак, тироксин таъсирида лактазанинг репрессияланиши биологик иуқтаи

назардан ижобий ҳолат деб баҳоланади. Чунки у ҳазм органлари функциясини етилтиради. Бирок ўсувчи организм ичак фермент тизимининг тараққий этиши эмизиклик даврига хос ҳолатдан мустақил овқатланишга хос ҳолатга ўтиши учун фақат лактаза синтезининг пасайиши кифоя эмас, балки дефинитив карбогидраза гуруҳидаги ферментларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари фаоллашуви зарур. Бу гуруҳдаги ферментлардан бири сахаразадир.

Сахараза ферментининг тироксин (2 мг/кг) таъсирида индукцияланиши етти кунлик каламушларда кузатила бошланди. Бу индукцияланиш гормон юборилгандан 24 соат ўтгач юзага келди. Сахараза ферментининг индукцияланиши ўн тўрт кунлик каламушларда ҳам кузатилди. Лекин бу индукцияланишнинг энг юқори даражаси 48 соатдан сўнг юзага келди (1-расм). Йигирма бир кунлик каламушларда сахараза фаоллигининг индукцияланиши кузатилмади, чунки бу ёшдаги каламушларда тироксин гормонига сахараза фаоллигининг индукциялаш хусусияти йўқотган. Шунинг учун ҳам сахаразанинг фаоллиги меъёрий кўрсаткич атрофида бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, каламуш моделида ўтказилган тажрибалар кўрсатадики, сут эмизувчилар авлодида эмизикликдан мустақил овқатланишга ўтиш олдиан лактаза фаоллигини репрессияланиши ва сахараза фаоллигини индукцияланиши кузатилади. Экзоген гормон тироксин таъсирида лактаза фаоллигининг репрессияланиши ва сахараза фаоллигининг индукцияланиши табиий муддатидан олдин амалга ошади. Ичак ферментларини тироксинга реакцияси (лактаза фаоллигини пасайиши ва сахараза фаоллигини ошиши) каламуш ёшига боғлиқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kuchkarova L.S., Kudeshova G.T. Effect of hydrocortisone on juvenile and definitive system of disaccharide assimilation in rat small intestine // European journal of medical and life science. - 2016. –Is.2 - P. 4-6.
2. Комилова Б.О. Гидрокортизоннинг лактаза ва сахараза фаоллигига таъсири. Тиббиётда янги кун. 2/1 (29/1) 2020.
3. Хасанов Б.Б. Функциональные особенности процесса лактации при хроническом гепатите. «Тиббиётда янги кун» 2/1 (30/1) 2020 стр. 210-212
4. Мухина Ю.Г., Шумилов П.В., Дубровская М.И. и др. Современные подходы к диагностике и терапии дисахаридазной недостаточности у детей. Трудн. пациент. 2006; 9 (4): 6-12.
5. Neuman MB. Lactose Intolerance in Infants, Children, and Adolescents. Pediatrics 2006; 118 (3): 1279–86.

УЎТ:631.52;636.085

### ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА ТРИТИКАЛЕ ТИЗМАЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

*Б.С. Кушматов, таянч докторант, Дон ва дуккали экинлар илмий-тадқиқот институти  
Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Жиззах*

*К.Т.Исаков, к/х.ф.н., к.и.х., Дон ва дуккали экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол  
илмий-тажриба станцияси, Жиззах*

*Аннотация. Мақолада лалмикор майдонларда ўрганилган тритикале тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларининг қисқача баёни келтирилган.*

*Калим сўзлар: нав, тизма, тритикале, селекция, ҳосилдорлик, 1000 дон дон вазни, дон ҳажми, қурғоқчилик, иссиқлик*

*Аннотация. В статье приведены краткое описание результатов изучаемых линий тритикале.*

*Ключевые слова. сорт, линия, тритикале, селекция, урожайность, масса 1000 зерен, натура зерно, засуха, жара*

*Abstract. The article provides a brief description of the results of the studied triticale lines.*

*Keywords. Variety, line, triticale, selection, yield, 1000 kernel weight, grain, volume weight, drought, heat*

**Мавзусининг долзарблиги.** Ҳозирги пайтда республикамызда чорвачиликни ривожлантириш учун мустақам озуқа базасини яратиш, озуқабоп экинларнинг юқори ҳосилли, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларини яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли фармони билан Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат доирасида замонавий ёндашув асосида соҳа модернизацияси бошланди. Шунингдек, 2019 йил 7 ноябрда Президентнинг «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

Бу аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда асосий тармоқ бўлган чорвачиликни кўпайтириш ва ривожлантиришдаги муаммоларни ечишга кенг йўл очади ҳамда лалми худудларда жойлашган аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга имконият яратади.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Тритикале Ўзбекистонда экилаётган янги ем-хашак экини ҳисобланади. У серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга ва бошқа ташқи муҳитнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли бошоқли дон экинидир.

Тритикаленинг биринчи саноат микёсида гексоплоид навлари Канада, Испания, АКШ ҳамда Венгрияда яратилган. Тритикале экинни Россияда Г.М.Мейстер (1981 й), В.Н.Лебедев (1925 й), В.Е.Писаров ва А.И.Державинлар (1939 й) ўрганишган ва дурагайларини яратишган.

Ўзбекистонда сугориладиган майдонларда тритикале экини бўйича Дон ва дуккакли экинлар ИТИ Маккажўхори илмий-тажриба станциясида И.В.Массино, А.И.Массино ва Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ да Д.Ж.Айрапетов, Б.Джумаханов, Тошкент давлат аграр университети У.Д.Бобатова ва бошқалар, лалмикор майдонларда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Галлаорол илмий тажриба станциясида Х.Т.Одилов ва К.Т.Исаковлар томонидан 2005 йилдан буён ўрганиб келинмоқда.

**Мақсади.** Лалмикор ерларда дуккакли дон ва ем-хашак экинларининг ташқи муҳитнинг нокулай тупроқ-иклим шароитига мослашган, қурғоқчиликка, иссиққа, касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган нав намуналарини танлаш ҳамда улар асосида дон сифати юқори бўлган янги маҳаллий навларини яратиш ҳамда бирламчи уруғчилигини олиб бориш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

**Тадқиқот усуллари.** Барча дала тажрибаларини олиб бориш қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан қабул қилинган (1985, 1989) ва СЕҒДЎИТИ Галлаорол филиали томонидан ишлаб чиқарилган услубий қўлланма (2004) асосида, нав ва тизмаларини баҳолаш Россия ўсимликшунослик институти томонидан ишлаб чиқилган ҳалқаро классификатор услубий қўлланмалари бўйича (1980), Дон ҳажми ПХ-1 гост 7861-74 бўйича, тажрибалардан олинган маълумотларни дисперсион математик таҳлил қилиш Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича амалга оширилди.

**Тадқиқот натижалари.** Назорат майдонда тритикале экиннинг 10 та тизмалари 2 қайтариқда 25 м<sup>2</sup> ҳисоб майдонига эга бўлган 20 та делянкада тажрибалар олиб борилди.

Ушбу майдонда андоза Фарход навига нисбатан бошоқлаш даврини 2-3 кун эрта бошланган 67/2011, 27/2011, 87/2011, P38 V38 тизмалар ажралди. Ўсимлик бўйи андоза навда ўртача 77,7 см, тупланиши 2,1 донани ташкил этган ҳолда ўрганилган тизмаларда бу кўрсаткичлар 78,8-86,3 см, тупланиши 2,5-3,1 дона оралиғида бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Назорат майдонида тритикале тизмаларининг қимматли хўжалик белги кўрсаткичлари  
(Галлаорол, 2018-2019 йиллар )

№	Тизмалар номи	Тупланиши, дона			Бошоқлаш куни, сана			Ўсимлик бўйи, см		
		2018 й	2019 й	ўртача	2018 й	2019 й	ўртача	2018 й	2019 й	ўртача
1	Фарход st	1,6	2,7	2,1	1.05	4.05	2.05	57,5	98	77,7
2	P40 V18	2,5	3,6	3,1	28.04	5.05	1.05	61,6	96	78,8
3	P38 V38	2,3	3,4	2,8	28.04	5.05	1.05	69,0	95	82,0
4	P19 V34	1,9	3,0	2,5	30.04	5.05	2.05	70,6	95	82,8
5	67/2011	2,2	3,3	2,8	28.04	1.05	30.04	67,2	95	81,1
6	P13 V17	2,0	3,1	2,5	29.04	4.05	2.05	68,4	100	84,2
7	P44 V45	2,3	3,4	2,8	28.04	4.05	1.05	67,6	105	86,3
8	27/2011	2,4	3,5	3,0	27.04	3.05	30.04	69,2	95	82,1
9	87/2011	2,5	3,6	3,0	27.04	3.05	30.04	69,6	95	82,3
10	40/2017	1,9	3,0	2,5	30.04	1.05	1.05	70,6	95	82,8

Дон ҳосили 27/2011-1,9 ц, P40 V18- 3,1 ц, P44 V45- 3,2 ц, 87/2011 тизмаларда 3,8 ц андоза навга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди. 1000 дона дон вазни андоза навда 33,7 бўлгани ҳолда P38 V38, P44 V45 тизмаларда 34,8-36,0 г, 67/2011 тизмада 36,8 г га, дон ҳажм оғирлиги андозада 745,3 г/л бўлса, P38 V38 -770,5, P19 V34-766 г/л бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

№	Тизмалар номи	1000 дона дон вазни, г			Дон ҳажим оғирлиги, г/л			Дон ҳосили, ц/га		
		2018 й	2019 й	ўртача	2018 й	2019 й	ўртача	2018 й	2019 й	ўртача
1	Фарход st	27,4	40,1	33,7	0	745,3	745,3	5,5	17,7	11,6
2	P40 V18	29,6	40,8	35,2	0	749,4	749,4	6,4	23,0	14,7
3	P38 V38	30,8	41,2	36,0	0	770,5	770,5	7,2	19,6	13,4
4	P19 V34	29,2	40,4	34,8	0	766,0	766,0	6,8	19,7	13,2
5	67/2011	29,6	44,0	36,8	0	748,9	748,9	6,4	18,3	12,3
6	P13 V17	31,7	41,2	36,4	0	747,0	747,0	6,7	18,4	12,5
7	P44 V45	30,8	38,8	34,8	0	745,2	745,2	7,8	21,9	14,8
8	27/2011	28,4	40,0	34,2	0	748,7	748,7	7,7	18,4	13,5
9	87/2011	29,2	39,6	34,4	0	741,6	741,6	8,0	22,9	15,4
10	40/2017	29,2	36,4	32,8	0	745,0	745,0	6,8	20,8	13,8

**Хулоса.** Олинган натижаларга кўра, тритикаленинг назорат майдонида ўрганилган тизмаларнинг эртапишарлиги бўйича андоза Фарход навига нисбатан 67/2011 ва 40/2017, тупланиш коэффициентини бўйича P40 V18, P38 V38, P44 V45, 27/2011, 87/2011, ўсимликнинг бўйи баландлиги бўйича P13 V17, P44 V45, 1000 дона дон вазни бўйича P40 V18, P38 V38, 67/2011, P13 V17, дон ҳажми бўйича P19 V34, P38 V38, ҳосилдорлиги бўйича 13,8, P40 V18, P44 V45 тизмалари юқори кўрсаткичга эга эканлиги

тажрибамизда аниқланиб, селекция жараёнида бошланғич материал сифатида фойдаланиш учун танлаб олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдукаримов Д.Т. “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” Тошкент - 2002 й.
2. Ҳайдаров Г. Истикболли донли экинлар имконияти. Республика илмий-амалий конференцияси, Тошкент 2015 йил. -127 бет.
3. Жон Хауторн. Тритикале. Москва, Колос, 1978 йил 16-18 бет.
4. Рустамов С. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №7, 2016 йил. -23 бет.

УЎК 504.062.2

### ПЕДОСФЕРА ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ТАЪСИРИ

**Х.Б. Қирйигитов, катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти, Жиззах**  
**Н.В. Набиева, магистант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент**  
**А.Н. Тўрабоев, б.ф.д., проф., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент**

**Аннотация.** Ўсимлик қоплами – гумус ҳосил бўлишида асосий манба ҳисобланиб, унинг ривожланиши, тури ва маҳсулдорлиги тоғ рельефи ва иқлим билан белгиланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тоғнинг мелкозёмли ва гумусли қатлами ҳамда намланиш даражаси яхши фойдаланган шимоллий қияликларда ўсимликнинг барча турлари–дарахтлар, буталар, арчалар, ўтлар қийғос ривожланган бўлса, тоғнинг жанубий қияликларида эса аксинча, ўсимлик қоплами жуда сийрак жойлашган. Ўсимлик қоплами – сувга чидамли тупроқ агрегатларининг шаклланишида ва сув эрозиясига қарши тура оладиган энг асосий омил ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** педосфера, тупроқ, тоғ, тоғ олди, чўл, минтақа, ўсимлик қоплами

**Аннотация.** Растительный покров является основным источником образования перегноя, его развитие, тип и продуктивность определяются горным рельефом и климатом. Исследования показали, что в северных склонах, где хорошо выражены мелкоземный и гумусный слой и степень увлажнения, все виды растений – деревья, кустарники, ели вырастают гуще, а на южных склонах горы, наоборот, очень редко встречается растительный покров. Растительный покров-самый главный фактор, способный противостоять образованию водоотталкивающих почвенных агрегатов и водной эрозии.

**Ключевые слова:** педосфера, почва, гора, предгорья, степь, регион, растительный покров

**Abstract.** Vegetation cover is the main source of humus formation, its development, type and productivity are determined by the mountainous terrain and climate. Studies have shown that in the Northern slopes, where the fine-earth and humus layer and the degree of moisture are well expressed, all types of plants – trees, shrubs, arches, grasses-are grown thicker, and on the southern slopes of the mountain, on the contrary, vegetation cover is very rare. Vegetation cover is the most important factor that can resist the formation of water-repellent soil aggregates and water erosion.

**Keywords:** pedosphere, soil, mountain, foothills, steppe, region, vegetation cover

Ўзбекистон худуди катта географик кенгликда тарқалган бўлиб, ўзида тоғ, тоғ олди ва чўл (сахро) минтақаларини мужассамлантириб, географик кенгликнинг горизонтал ва вертикал минтақавийлик қонуниятига мансуб бир қанча тупроқ типлари, типчалари тарқалган. Бу тупроқлардан Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланилади. Лекин шуни қайд қилиш лозимки, мазкур минтақаларда тарқалган тупроқларнинг ҳосил бўлиши, эволюцияси, хоссалари ва унумдорлиги бир хил даражада ўрганилмаган. Жумладан, Республика тоғ тупроқлари бунга мисол бўлади. Ўзбекистонда тоғлар асосан Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона водийси ҳамда Навоий вилоятларида тарқалган. Бирок бу вилоятлар тоғ тупроқлари, даставвал ўзининг ривожланиши, генезиси, морфологияси ва барча хоссалари билан фаркланадилар. Буларга: 1) тоғ минтақаси тоғ жигарранг тупроқларининг ҳосил бўлиши ва ривожланишининг умумий ва хусусий белгилари, 2) тоғ жигарранг тупроқларининг вертикал минтақавийлик қонуниятлари мажмуаси, 3) ҳар бир тоғ жигарранг тупроқ типининг унумдорлик ва экологик кўрсаткичлари (мелкозём қатлами қалинлиги, скелетлиги, механик таркиби, гумуси, агрегатли ҳолати, эрозияга учраганлик даражаси, қиялиги ва ҳ.к.) бўйича ўзаро фарқланишлари мавжуд. Албатта, тоғ жигарранг тупроқлари учун хос бўлган умумий ва хусусий қонуниятларни ўрганишга қизиқишлар бўлиши муқаррар.

Ўзбекистоннинг тоғли худудларида барча табиий омилларни, жумладан рельеф ҳамда иқлимий кўрсаткичларнинг тоғ тупроқлари қопламининг шаклланишида, қолаверса тоғ тупроқлари эрозиясига сабабчи бош омиллар эканлигини кўрсатиб бердилар. Об-ҳаво, яъни иқлим ҳам тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этувчи устувор омиллардан бири бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари ёғин-сочин миқдори, фасллар бўйича тақсимланиш, ҳаво ва тупроқнинг ҳарорати, шамоллар, тупроқ қатламининг ҳарорати, совуқ кунлар сони ва бошқалар табиий педосфера қопламининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Ёғин-сочин даставвал физик нуралиш жараёни тоғ жинсининг кимёвий ва биологик нуралишини

кучайтиради. Кейинчалик нуралган тоғ жинсларида ёгин-сочин сувларининг ҳаракати ёрдамида тоғ қисмларида қайта тақсимланиб, ҳар-хил биологик ётқизикларни ҳосил қилади.

Чотқол ва Нурота ҳудудларида кўп йиллар давомида Чотқол ҳудуди ўлкаларида ёгин-сочин миқдори асосан куз, қиш ва баҳор фаслларида тўғри келиб, бунда ойлик ёгин-сочин миқдори 156-350 мм.га тенг.

Тупроқ қоплами узоқ муддат давомида ва бевосита табиий омилларнинг таъсири остида шаклланади. Биринчи навбатда дастлабки тупроқ ҳосил бўлиш учун улкан ва яхлит ҳолатда бўлган тоғ жинсларининг нураши натижасида ҳосил бўлган она жинс деб аталувчи мелкоземли маҳсулот бўлиши лозим. Тупроқ – она жинс, рельеф, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда вақт омиллари таъсирида вужудга келган табиий тарихий жинсдир. Бу жинснинг она жинсдан асосий фарқи унинг унумдорлик қобилиятига эга бўлиши ва ўзида гумус ҳамда ўсимликларни ўзлаштириши қулай шаклдаги озика элементларни сақлашидир. Тупроқда гумус ва бошқа озика элементларнинг тўпланишида ўсимлик қоплами ҳамда барча тупроқдаги микро ва макроорганизмлар, яъни тупроқ ҳайвонот дунёси муҳим роль ўйнайди. Қуйида биз тупроқ профили, унда гумуснинг пайдо бўлиши ва агрегатларнинг шаклланишида ўсимлик дунёсининг ролини Чотқол биосфера кўриқхонаси ва Нурота тоғининг тоғ тупроқлари мисолида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай флора ўзининг сифат хусусиятларига, майдонининг катта ва кичиклигига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўсимлик турларининг маълум миқдори билан таркиб топади. Уларнинг миқдорини таққослаш флоранинг нисбий бойлиги тўғрисида тасаввур қилиш имконини беради [1].

Шунга биноан, миқдорий таққослаш йўли билан Чотқол ва Нурота кўриқхонаси флорасининг ўзаро фарқини аниқлашга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишлари Чотқол ва Нурота кўриқхонаси ҳудудида олиб борилди. Шунинг учун, солиштириш ишлари маъмурий мақоми жиҳатидан бир хил бўлган иккита кўриқхона флоралари ҳамда табиий элементар флора ҳисобланган Варзоб флораси Камелин бўйича олиб борилди. Биринчи флора Ғарбий Тянь-Шан тизмасида жойлашган Чотқол кўриқхонасининг Бошқизилсой бўлимидир. Бошқизилсой тизманинг жануби-ғарбий қисмида жойлашганлиги ҳамда Тянь-Шаннинг бошқа ҳудудларига нисбатан Помир-Олой тоғ тизмаси табиий флораларига яқинроқ эканлиги солиштириш объектининг танланишига асос бўлди [2].

1-жадвал


Чотқол кўриқхонаси флорасининг бошқа ҳудудлар флораларига нисбати

Кўрсаткичлар	Нурота кўриқхонаси	Бошқизилсой бўлими	Варзоб
Майдони, минг га.	17,7	11,1	140,0
Турлар сони:	786	1004	1455
Ўсимликнинг умумий турлари	381	340	407
Жаккарднинг ўхшашлик коэффициенти	0,33	0,24	0,22

2-Жадвал

Нурота ва Чотқол кўриқхонаси флораларининг ўзаро солиштириш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Нурота кўриқхонаси	Чотқол кўриқхонаси (Бошқизилсой)
1	Умумий турлар сони	786	1004
2	Умумий майдони	17,7	11,1
3	Флорада 1 тур эгал. майдон (га ҳис.)	22	11
4	Оилалар сони	75	82



Чотқол кўриқхонасининг иккинчи бўлими - Майдонтоғ тизманинг Бошқизилсойга нисбатан шимолда жойлашгани ва кўпроқ Ғарбий Тянь-Шань флораларининг характерини акс эттиради. Кейинги флора сифатида Нурота тоғ тизмасида жойлашган Нурота кўриқхонасининг флораси танланди. Бу ҳудуд айнан Помир-Олой тизимида жойлашганлиги, флористик таркибининг яхши ўрганилганлиги, қолаверса, кўриқхона ҳудудида сунъий флора мақомида эканлиги танловимизнинг асоси ҳисобланади [3].

Шунингдек, Республикамиз ҳудудида фақатгина шу икки кўриқхонада юксак ўсимликларнинг тур таркиби аниқланган ҳолос. Чотқол ва Нурота кўриқхоналарининг флорасидаги ўхшаш турлар 381 турни ташкил этади. Бошқизилсой флорасида ўхшаш турлар 340 тадан иборат. Бундан кўриқхона турибдики, Чотқол кўриқхонасининг флораси Нурота кўриқхонасининг флораси ( $KJ=0,24$ ) билан анча узоқ эканлигини кўрсатди.

Тадқиқот Чотқол флорасининг Бошқизилсой ва Варзоб бўлими флорасига ўхшашлик кўрсаткичи ( $KJ=0,24-KJ=0,22$ ) анча яқин. Бу ўзгаришлар солиштирилаётган кўриқхоналарнинг майдони ва ўртадаги масофаларнинг ўзгариши ва турли тоғ тизими ҳудудларида жойлашганлиги билан изоҳланади. Табиий флора сифатида танланган Варзоб флораси билан солиштирилганда ўхшаш турлар 407 тани ташкил этиши аниқланди. Варзоб флорасига нисбатан ўхшашлик кўрсаткичи  $KJ=0,22$  дан иборат. Бунга сабаб Варзоб флорасида тур сонининг кўплиги, турли тоғ тизмаларида жойлашганлиги, эгалланган экспозициялардаги фарқи, тик минтақаларнинг характери, ўсимлик типлари ҳамда майдонининг катталиги жиҳатидан фарқ қилишидир. Кўриқхоналар флораси ўртасида олиб борилган киёсий солиштириш ишлари натижасида тур сонининг кўплиги бўйича Чотқол кўриқхонасининг Бошқизилсой бўлими (1004 тур) биринчи ўринда туради.

Бундан ташқари солиштирилаётган флораларда турларнинг зичлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мисол учун, битта тур эгаллаган майдон тадқиқот ҳудудида 30 га, Нурота кўриқхонасида 22 га ҳамда Бошқизилсойда 11 га ни ташкил қилади. Солиштириш ишлари кўриқхоналар флорасининг оила ва туркумлариининг сони бўйича ҳам олиб борилди. Нурота ва Чотқол кўриқхоналари флораларидаги етакчи оилаларнинг киёсий кўрсаткичи расмда келтирилган. Бундан ташқари Нурота ва Чотқол кўриқхонасининг флорасидаги ўхшаш оилалар 67 тани, Бошқизилсойда 73 тани ташкил этади.

Бошқизилсой флораси таркибига киритилган *Asparagaceae*, *Santalaceae*, *Amaranthaceae*, *Resedaceae*, *Saxifragaceae*, *Celastraceae*, *Asclepiadaceae*, *Arocynaceae*, *Cucurbitaceae* оилалари тадқиқот ҳудуди флорасида учрамайди.

Шу билан бирга, Чотқол кўриқхонаси флорасида мавжуд *Ophioglossaceae*, *Aspidiaceae*, *Aspleniaceae*, *Sinopteridaceae*, *Tamaricaceae*, *Campanulaceae*, *Colchicaceae*, *Typhaceae* каби оилалар Нурота кўриқхонаси флорасидан ўрин олмаган. Бу фарқлар солиштирилаётган флораларнинг хилма-хиллигини белгилайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Толмачев А.И. Основы учения об ареалах. Л.: Наука, 1962. -107 с.
2. Камелин Р.В. Видовой состав растительного покрова ущелья р. Варзоб. Высшие растения // Флора и растительность ущелья реки Варзоб. -Л.: Наука, 1971. -С. 151-238.
3. Бешко Н.Ю. Систематический анализ флоры Нуратинского заповедника // Узб. биол. журн. -Ташкент, 2000. -№ 1. -С. 37-40.

УЎК 504.062.2

#### ПЕДОСФЕРА ХИЛМА-ХИЛЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, УНИНГ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

*Х.Б. Қирйигитов, катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти, Жиззах*  
*А.Н. Турабоев, б.ф.д., проф., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада педосферани бузилиши экологик омиллар таъсирида эмас, балки инсоннинг аралашуви билан жойларда олиб бориладиган геологик қидирув, текисликлардаги ер ости қазилмаларни топиши, катта магистрал йўл қурилишлари, катта саноат корхоналарни барпо қилиши вақтида ҳам табиий тупроқ қоплами бузилиши ҳақида ўрганилган. Педосфера хилма-хиллигини муҳофаза қилиши, оқилонга фойдаланиши самарали тизими ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** педосфера, тупроқ қоплами, корхона, экологик омил, самарали, оқилонга

**Аннотация.** В статье изучено, что нарушение педосферы происходит не только под воздействием факторов окружающей среды, но и при геологоразведочных работах, проводимых на местах с вмешательством человека, поиске подземных ископаемых на равнинах, строительстве крупных магистральных дорог, строительстве крупных промышленных предприятий, а также при нарушении естественного почвенного покрова. Разработана эффективная система защиты педосферного разнообразия, рационального использования.

**Ключевые слова:** педосфера, почвенный покров, предприятие, экологический фактор, эффективный, рациональный

**Abstract.** The article studies that the violation of the pedosphere occurs not only under the influence of environmental factors, but also during geological exploration carried out on the ground with human intervention, the search for underground minerals on the plains, the construction of major highways, the construction of large industrial enterprises, as well as the violation of natural soil cover. An effective system of protection of pedosphere diversity and rational use has been developed.

**Keyword:** Pedosphere, soil cover, enterprise, environmental factor, efficient, rational

Педосферанинг шаклланишига таъсир қилувчи экологик омилларни тўлиқ талқин қилиш даставвал уларни бу жараёндаги ўрнини аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан, ҳудуднинг

географик жойланиши, иқлим ва рельеф шароитига қараб айрим тупроқ ҳосил қилувчи экологик омилларнинг устуворлиги у ёки бу тупроқ типи ҳамда типчаларининг хилма хиллигини сақлашда муҳим роль ўйнайди. Педосфера бу мўъжизалар маскани бўлиб, унинг қалинлиги бир неча сантиметрдан бир неча метргача бориши мумкин. Бу унумдор тупроқ қопламини гўёки инсон танасидаги терига қиёс қилинади, тери инсон ҳаёти учун қанчалик зарур бўлса, биосферада тупроқ қопламини ҳам энергия, озик элементлари, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси учун зарур бўлган нарсаларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради [1-3].

Педосферанинг табиатда бажарадиган биологик ва экологик функциялари саноксиз ва бугунги кунда биосферага хос нарсаларнинг ҳаммаси энг олдин ернинг тупроқ қатламига тааллуқлидир [4]. Қолаверса табиатдаги биологик гўзаллик, хилма-хиллик - бу педосферанинг унумдорлиги билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Минг афсуски, мана шундай бебаҳо мўъжизакор кучга эга бўлган тупроқ қопламини бузувчи табиий, антропоген омиллар мавжуд. Бундай табиий омиллардан энг асосийси тупроқлар эрозиясидир.

В.А.Ковданинг таъкидлашича, тарихий давр мобайнида инсоният 2 млрд гектарга яқин ердан (шаҳарлар, манзилгоҳлар, иншоотлар, йўллар, эрозия емирган, шўр босган, ифлосланган ва ҳ.к) маҳрум бўлган. Ҳозирги кунда бутун сайёрада 1,5 млрд гектар ерга кишлок хўжалик экинлари экилади. Ҳар йили дунёда 6-7 млн. гектар ер йўқотилади. Шунинг учун ҳам педосферани эрозиядан, шўрланишдан ва бошқа офатлардан сақлаш муаммоси дунёнинг арид иқлимли минтақасида жойлашган кўпгина мамлакатлар учун, жумладан Ўзбекистон ҳудуди учун долзарб муаммодир. Чунончи, Республикада эрозияга учраган ер майдони 1772,3 минг гектарни ёки умумий ҳайдаладиган ерлар майдонининг 40% ини ташкил қилади.

Республикада тупроқ эрозияси масалаларини тадқиқ қилиш 2 та йўналишда олиб борилди: 1) эрозия жараёни географияси, унинг турлари, шакли ва келиб чиқиш сабаблари; 2) эрозия жараёнини сусайтириш, олдини олиш, унга қарши кўрашиш йўллари ва тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш. Бу йўналиш бўйича талайгина илмий тадқиқотлар мавжуд. Республикада табиатига, айниқса, унинг кишлок хўжалигини ривожлантиришга ерларнинг шамол эрозияси ҳам катта зарар келтиради. Биргина шамол эрозияси ҳам тупроқ қопламини хилма-хиллигини батамом барбод қилувчи табиий омилдир.



### Педосфера хилма-хиллигига таъсир кўрсатувчи омиллар

Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари рўй берадиган ёки рўй беришга мойиллиги бор ҳудудларнинг схематик харитасини тузиш (географиясини аниқлаш), шамол эрозиясига учраган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини, агрохимёвий, агрофизикавий хоссаларини мукамал тадқиқ қилиш натижасида дефляцияга қарши махсус ташкилий ва агротехник тадбирларни - экин майдонларини кучли шамол эсадиган томонга қўндаланг равишда экиш, қўндаланг пайкалли бир далага беда ва гўзани беда-гўза-беда далаларда буғдой ва жавдардан тўсиқлар ташкил қилиш, эгатларни шамолга қўндаланг қилиб кесиш, қум тупроқларда кўзда жавдар экиб, апрель ойида уни кўк массага қолдириб, эгат тубига чигит экиш каби ишлар яхши натижа бериши ва бу ўша ҳудуд учун хос бўлган тупроқ хилини сақлаб қолиш имконини яратади. Табиий педосфера хилма-хиллигини эрозия жараёнидан ташқари тоғ ҳудудларида тез-тез бўлиб турадиган сурилишлар, тупроқ кўчкилари ҳам батамом йўқолишга сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳодисалар Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Туркистон ва Ҳисор тоғ олди текисликларида бўлиб туради. Педосферанинг хилма-хиллиги биргина экологик омиллар таъсирида эмас, балки инсоннинг аралашуви билан жойларда олиб бориладиган ишларга ҳам боғлиқ эканлиги кузатилди [5].

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, педосфера хилма-хиллиги биргина экологик омиллар таъсирида эмас, балки инсоннинг аралашуви билан жойларда олиб бориладиган геологик қидирув,



текисликлардаги ер ости қазилмаларни топиш, катта магистраль йўл қурилишлари, катта саноат корхоналарни барпо қилиш вақтида ҳам табиий тупроқ қоплами - педосфера бутунлай бузилади.

Бундай кенг миқёсдаги табиий офатлар ва техноген жараёнлар натижасида республикамызда бир неча минглаб гектар унумдор ерлар ярқисиз ҳолатга ўтиб, ўзларининг олдинги унумдорлик қобилиятини йўқотдилар.

Бу ҳудудларда тупроқ қоплами хилма-хиллиги барбод бўлади. Бошқача айтганда, сув ва шамол эрозияси ҳамда сурилиш-кўчкилар жараёнида бир неча асрлар давомида ҳосил бўлган тупроқ қоплами (педосфера) йўқолади, уни айнан ўша даврдаги ҳолатини қайта тиклаш учун бир неча аср керак бўлади. Лекин янги ҳосил бўлган тупроқ қоплами олдинги ҳолатдаги тупроқларга нисбатан анча ёш ва шунга монанд ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Атроф муҳитни муҳофазаси ва биологик ресурс компонентларини шаклланишида ва бошқаришда педосфера экотизимларининг ўзаро узвий боғлиқлиги ва улар орасидаги фарқ олиб борилган тадқиқотимизда яққол кўзга ташланди. Ўрганилаётган Чотқол биосфера кўриқхонаси ва Нурота ҳудудининг Октоғ ҳудудидаги тоғ педосферасининг хилма-хиллигини сақлаш бўйича олиб бориладиган тадбирлар бир-биридан сезиларли фарқланади.

1-жадвал

**Чотқол биосфера кўриқхонаси ва Нурота ҳудуди педосферасининг хилма-хиллигини таққослаш**

<b>Чотқол биосфера кўриқхонаси</b>	<b>Нурота кўриқхонаси</b>
Чотқол кўриқхонаси ҳудуди давлат томонидан химояланган. Кўриқхонада ёғингарчилик миқдори анча кўп бўлади. Кўриқхонада тупроқнинг мусбат ҳарорати анча катта бўлади. Кўриқхона ҳудудида ўсимликларнинг хилма-хиллиги юқори бўлиши кузатилди. Кўриқхонада нина баргли, кенг баргли дарахтлар, буталар кўп учрайди ва яхши ривожланган. Кўриқхона ўт ўсимликлар билан яхши копланган. Кўриқхонада сув ва шамол эрозияси асоратлари кам.	Нурота кўриқхонаси ҳудуди давлат томонидан кўриқланмайди. Кўриқхонада ёғингарчилик миқдори 2,5-3,0 маротабагача кам бўлади. Кўриқхонада тупроқнинг ҳарорати анча паст (20 см чуқурликда тупроқ музлайди). Кўриқхона ҳудудида ўсимлик турларининг сони анча кам. Кўриқхонада нина баргли, кенг баргли дарахтлар, буталар кам учрайди ва улар яхши ривожланмаган. Кўриқхона ўт ўсимликлар билан яхши копланмаган. Кўриқхонада сув ва шамол эрозияси асоратлари кўзга ташланади.

1-жадвал маълумотларидан маълум бўлдики, Чотқол кўриқхонаси ҳудуди давлат томонидан химояланган бўлса, Нурота ҳудудининг барча қисми, ҳаттоки олдинги Нурота кўриқхонаси ҳам кўриқланмайди; Нурота кўриқхонасида Чотқол кўриқхонасига нисбатан ёғингарчилик миқдори 2,5-3 мартагача камлиги кўзга ташланади; кеч куз, қиш ва эрта баҳор вақтларида Нурота кўриқхонасида тупроқ ҳароратининг (минус) пастлиги туфайли Чотқолга нисбатан педосфера (20 см) чуқурроқ музлайди; Чотқол кўриқхонаси ҳудуди Нуротага нисбатан ўсимлик дунёсига бой ва хилма-хил бўлиши билан ажралиб туради.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, Нурота ҳудуди тупроқларини эрозиядан химоялаш бўйича етарлича амалий чора-тадбирлар олиб борилмаётганлигини таъкидлаш лозим. Юқорида кўрсатилган табиий шароитларнинг хилма-хиллиги бир томондан, иккинчи томондан эса Нурота ҳудуди ва тоғ олди ҳудудларини умуман химояланмаганлиги сабабли бу ерда тупроқларнинг ишқорсизланган типчаси ўзининг тўлиқ профилига эга эмаслигининг гувоҳи бўламан. Бироқ бу ўринда шуни айтиш керакки, курғоқчилик белгилари мавжуд бўлган Нурота тоғ олди пролювиал текисликлари тупроқларининг сув-ҳаво режимини мўътадиллаштириш учун тупроқларнинг сув режимини назорат қилиш катта амалий аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотларимиз асосида биологик ресурсларнинг компоненти бўлган педосферани шакллантириш, сақлаш ва унумдорлигини ошириш бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин:

педосферанинг хилма-хиллигини шаклланишида ва сақлашда экологик омилларнинг барчаси бевосита иштирок этади;

рельеф - экологик омил педосфера, унинг скелетлик даражаси, морфологияси, гумусли қатлами қалинлиги, механик ва агрегатли таркиби, эрозияланиш даражасини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади;

рельеф шароитига, яъни қисм ҳолати ва нишаблиги, намланиш чуқурлигига қараб озиқа элементлари ҳамда лойқаланиш чуқурликлари ўзгариб туриши аниқланди; иқлим, экологик омиллардан бири - энг фаол табиий педосфера ҳосил қилувчи омил сифатида ҳудуд тупроқлари хилма-хиллигини таъминлашда ва уларни сақлашда бевосита иштирок этиши аниқланди;

Ёғин-сочин миқдорининг ёки педосферанинг 0-20 см даги ҳароратининг ўзгариши тоғ педосферасининг шаклланишида етакчи омил эканлиги қайд қилинди; ўсимликнинг биохилма-хиллиги ўз навбатида рельеф ва иқлим омилларининг бевосита таъсирида ўз фаолиятини давом эттирувчи омил сифатида намоён бўлиши билан бир вақтда тупроқ қатламларида гумус миқдорининг ўзгаришини таъминловчи ва тупроқларни эрозиядан сақловчи табиий восита ҳисобланади.

Педосфера хилма-хиллигини сақловчи табиий омилларнинг мавжуд бўлганлиги билан бир қаторда уни бузувчи омиллар мавжудлиги кўрсатилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳудудининг асосий тупроқлари, кимёвий хоссалари, жумладан, гумус, унинг захираси, озуқа унсурлари-умумий азот, фосфор ва калий тўғрисида илмий маълумотлар мавжуд.

Бу маълумотларда педосферанинг типлари ва типчаларини келиб чиқиши, географик тарқалиши, ривожланиш шароитлари (иклими, ўсимлик дунёси, тупроқ ҳосил қилувчи она жинси)га қараб гумуснинг миқдори, унинг қатламларидаги захираси билан бир-биридан фарқланиши кўрсатиб ўтилган.

**Умумий хулоса.** Тадқиқот объектлари – Чотқол биосфера кўриқхонаси ва Нурота тоғлари географик жиҳатдан турли тупроқ-иклим минтақасида жойлашганлиги туфайли барча тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг кўрсаткичлари ва уларнинг тупроқ ҳосил қилиш жараёнидаги иштироки турли хиллиги кўрсатилди.

Тупроқ ҳосил бўлишида табиий омилларнинг ўзаро мустақиллик, бир-бирини алмаштира олмаслик, ривожланиш ва алоқадорлик қонуниятларини эътиборга олган ҳолда тоғли ўлкаларнинг мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитларида “тупроқ-омиллар” тизимида рельеф – устувор тупроқ ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Рельеф – нурулган тоғ жинслари, ёғин-сочин сувлари, куёш энергиясини қайта тақсимловчи омил сифатида тоғ қиялиқларида тупроқ қопламанинг шаклланишида фаол иштирок этади. Тупроқнинг скелетлиги, механик таркиби, уни ташкил қилувчи заррачалар миқдори, гумус, унинг тарқалиши ва захираси, намланиш чуқурлиги ва нам захираси ва бошқалар рельеф таъсирида ўзгариб туради.

Иқлим кўрсаткичлари–ёғин-сочин, унинг йил фаслларида тақсимланиши, ҳаво ҳарорати, шамол кабилар ҳам тупроқ профилининг шаклланишида, гумус, карбонатлардаги CO<sub>2</sub>, озика элементларини профиль бўйича ҳаракатида, иллювиал қатламнинг шаклланишида, қолаверса бутун ички ва ташки нуралиш жараёнини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Жумладан, Чотқол кўриқхонасининг тоғ тупроқларида гумус 5-8%, гумусли қатлам қалинлиги 60-80 см гача, карбонатлар 60-70 см, иллювиал қатлам эса 50-60 см чуқурликда бўлса, Нурота тоғининг тоғ тупроқларида гумус 2,5-5,0%, гумусли қатлам қалинлиги 40 см, карбонатларнинг ювилиши 20-25 см, иллювиал қатлам эса 30-40 см чуқурликда бўлиши аниқланди.

Ўсимлик қоплами – гумус ҳосил бўлишида асосий манба ҳисобланиб, унинг ривожланиши, тури ва маҳсулдорлиги тоғ рельефи ва иқлим билан белгиланади. Ўсимликнинг барча турлари – дарахтлар, буталар, арчалар, ўтлар қийғос ривожланган бўлса, тоғнинг жанубий қиялиқларда эса аксинча, ўсимлик қоплами жуда сийрак жойлашган. Ўсимлик қоплами – сувга чидамли тупроқ агрегатларининг шаклланишида ва сув эрозиясига қарши тура оладиган энг асосий омил ҳисобланади.

Инсон – тупроқ ҳосил қилувчи табиий омилларнинг мустақиллиги ва ўзаро боғлиқлигига ўзининг фаолияти билан салбий таъсир кўрсатиши қайд қилинади. Бу айниқса ҳимояланмаган Нурота тоғи худудлари мисолида яққол намоён бўлади. Тупроқларидан деҳқончиликда нотўғри агротехник тадбирларни қўллаш орқали фойдаланиш, яйлов сифатида чорва моллари учун фойдаланиш ўсимлик қопламини батамом йўқолишига, сув эрозиясининг авж олишига ва ниҳоят тоғ тупроқлари хилма-хиллигининг бузилишига олиб келади.

Тупроқ ёки педосфера хилма-хиллиги, бу ўз навбатида ўсимлик қоплами хилма-хиллигини таъминловчи муҳим манба эканлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, биологик хилма-хилликни сақлашда қўлланиладиган барча тадбирларни ўз вақтида педосфера хилма-хиллигини сақлашда ҳам татбиқ қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш билан педосфера-экологизмининг ўзаро узвий боғлиқлиги яна бир бор қайд қилинди.

Тупроқ умумдорлигини оширишда (яратишда) ва уни бошқаришда тупроқда яшовчи тирик организмлар ва биологик жараёнлар асосий роль ўйнаши таъкидланди.

#### **ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Вернадский В.И. Биосфера. -М.: Л.: Науч. техн. теор. изд-во, 1926. -147 с.
2. Ковда В.А. Проблемы защиты почвенного покрова и биосферы планеты. Пушино, 1989. -156 с.
3. Польшов Б.Б. Кора выветривания. Л.: Изд-во АН СССР, 1934. –С. 24-30
4. Ковда В.А. Основы учения о почвах. -М.: Наука, 1973. -447 с.
5. Мирзажонов К.М. Ветровая эрозия в орошаемых почвах Узбекистана и борьба с ней. -Ташкент, «ФАН», 1983. -224 с.

**УЎК: 576.88:595.1**

### **ҒАРБҲИЙ ЗАРАФШОН ТОҒ ТИЗМАСИ КЎП ЙИЛЛИК ЎТЛАРИ НЕМАТОДАЛАРИ ФАУНИСТИК КОМПЛЕКСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**С.Б. Нарзуллаев, Самарқанд давлат университети, Самарқанд  
О. Мавлонов, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ғарбӣй Зарафшон тоғ тизмаси кўп йиллик ўтлари нематодалари фаунистик комплексининг шаклланиши бўйича маълумотлар келтирилган. Тоғ биоценозларида ўсувчи кўп йиллик ўсимликлар нематодафаунаси ўрганилиши натижасида 121 тур аниқланган. Тоғнинг турли баландлик зоналарида нематодалар турлари сони бир-биридан фарқ қилган. Жумладан юқори баландлик зонаси нематодафаунаси 63 тур, ўрта зонада 92 тур, пастки зона – 104 тур ва тоголди зонаси 79 турдан ташкил топган.

**Калит сўзлар:** нематода, тоғ зоналари, биоценоз, ёввойи ўтлар, қиёсий таҳлил

**Аннотация.** В данной статье приводятся сведения о формировании фаунистического комплекса нематод многолетних растений западной части Зерафшанской горной системы. В результате изучения нематодофауны многолетних растений, произрастающих в горных биоценозах, обнаружены 121 видов. Количество видов нематод в разных высотных поясах горы существенно отличалась друг от друга. В частности, высокогорная зона состоит из 63 видов нематод, в средней зоне 92 видов, в нижней зоне 104 вида, а в предгорьях 79 видов.

**Ключевые слова:** нематода, горная зона, биоценоз, дикорастущие травы, сравнительный анализ

**Abstract.** This article provides information on the formation of the faunistic complex of perennial nematodes in the western part of the Zerafshan mountain system. As a result of studying the nematodofauna of perennial plants growing in mountain biocenoses, 121 species were found. The number of nematode species in different altitude zones of the mountain differed significantly from each other. In particular, the alpine zone consists of 63 species of nematodes, in the middle zone 92 species, in the lower zone 104 species, and in the foothills of 79 species.

**Keywords:** nematode, mountain zone, biocenosis, wild plants, comparative analysis

Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозлари нематодафаунасини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар тасодифий характерга эга [1,2]. Шу боис аввалги тадқиқотлар натижаларидан мазкур ҳудуд кўп йиллик ўсимликлари нематодафаунасининг шаклланиш хусусиятлари бўйича яхлит ҳулоса қилиб бўлмайди. 2014-2019 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар давомида Ғарбий Зарафшон тоғ тизмаси биоценозларида ўсувчи 7 турдаги кўп йиллик ўсимликлар (қаррак, жингалак отқулоқ, янтоқ, қакра, кўзикулоқ, пиёзли арпа, пиёзли қўнғирбош) ва уларнинг ризосферасида 121 тур нематода аниқланди. Лекин аниқланган турлар тоғнинг турли баландлик зоналарида бир текис тарқалмаганлиги маълум бўлди. Энг кўп тур тоғнинг пастки зонасида (104 тур) аниқланган бўлса, энг кам тур тоғнинг юқори баландлик зонасига тегишли бўлди (63). Ўрта баландлик ҳамда тоғ олди зоналарида мос равишда 92 ва 79 тур нематодалар аниқланди.

Ўрганилаётган табиий географик ҳудуднинг нематодафаунаси комплексининг шаклланишини тушуниб олиш учун энг аввало тоғнинг турли баландлик зоналари ва бу ерда ўсадиган ўсимликлар нематодафаунаси ўртасидаги боғланишни таҳлил қилиш, яъни улар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқ қилувчи белгиларни аниқлаб олиш ҳамда бундай ҳолатларга олиб келадиган муҳит омилларини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Ўрганилган ўсимликлар нематодафаунасини жуфт-жуфт қилиб қиёсий жиҳатдан статистик таҳлил қилиш орқали улар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик ёки фарқ қилиш даражасига баҳо бериш мумкин.

1-жадвал

Кўп йиллик ўтлар нематодалар фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашлик

Таққосланаётган фаунистик комплекслар	Фаунадаги турлар сони	Умумий турлар сони (С)	Фауналар ўхшашлиги %
Қаррак-отқулоқ	57-58	38	66
Қаррак-янтоқ	57-70	39	62
Қаррак-қакра	57-58	31	54
Қаррак-қўзикулоқ	57-56	37	66
Қаррак-пиёзли арпа	57-42	23	47
Қаррак-пиёзли қўнғирбош	57-40	20	42
Отқулоқ-янтоқ	58-70	40	63
Отқулоқ-қакра	58-58	35	61
Отқулоқ-қўзикулоқ	58-56	34	60
Отқулоқ-пиёзли арпа	58-42	19	38
Отқулоқ-пиёзли қўнғирбош	58-40	21	43
Янтоқ-қакра	70-58	42	66
Янтоқ-қўзикулоқ	70-56	44	70
Янтоқ-пиёзли арпа	70-42	24	43
Янтоқ-пиёзли қўнғирбош	70-40	26	48
Қакра-қўзикулоқ	58-56	37	65
Қакра-пиёзли арпа	58-42	22	44
Қакра-пиёзли қўнғирбош	58-40	23	47
Қўзикулоқ-пиёзли арпа	56-42	25	51
Қўзикулоқ-пиёзли қўнғирбош	56-40	18	37
Пиёзли арпа-пиёзли қўнғирбош	42-40	29	71

Фитонематодаларнинг зоналар ҳамда ўсимликлар бўйича ўхшашлик коэффициентини кўрсатиш учун Соьренсен-Чекановский томонидан таклиф этилган статистик таҳлил методидан фойдаланилди [4].

$$S = 1 - \frac{2C_{\min}}{A+B}$$

Бу ерда, С – таққосланаётган икки вариант учун умумий бўлган турлар сони, А – биринчи вариантдаги турлар сони ва В - иккинчи вариантдаги барча турлар сони. Ўхшашлик коэффициентиди, индекс (S) 0,73 ва ундан юқори бўлса, таққосланаётган вариантлар фаунистик комплекси бир- бирдан кескин фарқ қилади, Индекс қиймати 0,27 ёки ундан паст бўлганида таққосланаётган вариантлар фаунасининг ўзаро ўхшаш, яъни бир бирдан фарқ қилмаслиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Келтирилган жадвал ўсимликлар нематодалари жамоалари ўртасида мутлақо ўхшаш бўлган ёки аксинча, бир-бирдан кескин фарқ қиладиган фаунистик комплекслар учрамаслигини кўрсатади. Нематодалар фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашлик даражаси ўсимликларнинг экологик хусусиятлари, хусусан вегетация муддати, илдиз системасининг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ эканлиги кўриниб турибди. Нематодалар фаунистик комплекслари ўртасидаги энг катта ўхшашлик (71%) вегетация даври қисқа, илдиз системаси тупрокнинг юза қатламида жойлашган битта оила – бошоқдошларга мансуб эфемерлардан пиёзли арпа билан пиёзли қўнғирбош ўртасида кузатилади. Бундай ўхшашликни илдиз системаси анча чуқур кетадиган, вегетация даври анча узок давом этадиган ксерофитлар янтоқ билан қўзиқулоқ (70), каррак билан отқулоқ (66), каррак билан қўзиқулоқ (66), янтоқ билан какра (66), какра билан қўзиқулоқ (65) фауналари ўртасида кўзга ташланади. Бунинг аксича, қўзиқулоқ-пиёзли қўнғирбош, отқулоқ-пиёзли қўнғирбош, какра-пиёзли арпа каррак-пиёзли қўнғирбош, янтоқ-пиёзли арпа, янтоқ-пиёзли қўнғирбош жуфтлиги фауналари ўртасидаги ўхшашлик энг кам (37-47%) бўлиши аниқланди.

Юқори зона ўсимликларининг фаунистик комплекслари ўзаро таққосланганида экологик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган турлар ўртасида ўхшашлик экологик хусусиятларига кўра бир-бирдан узок бўлган турларга нисбатан ўзаро кўпроқ ўхшаш бўлиши аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Кўп йиллик ўтлар нематодалари фаунасининг баландлик зоналари бўйича ўхшашлиги

Фаунистик комплекслар	Юқори зона		Ўрта зона		Пастки зона		Тоғолди зонаси	
	1**	2**	1**	2**	1**	2**	1**	2**
Каррак– отқулоқ	7	32.5	20	55	32	68	22	56
Каррак – янтоқ	12	47	19	0.54	38	70	24	64.8
Каррак - какра	10	43	15	57	33	68	26	69.3
Каррак–Қўзиқулоқ	12	49	19	52	33	71	16	49.2
Каррак – пиёзли арпа	8	37	14	48	23	55	15	47.6
Каррак-қўнғирбош	11	41	18	45	22	56	16	56
Отқулоқ – янтоқ	9	38	26	56	39	68.4	24	58.5
Отқулоқ-какра	8	38	20	52	32	63	24	57.8
Отқулоқ –қўзиқулоқ	7	30	22	54.3	32	64.6	20	54
Отқулоқ- пиёзли арпа	7	35	20	49	25	65	15	0.422
Отқулоқ– қўнғирбош	7	41	22	40	25	59.5	15	0.461
Янтоқ-какра	15	55	24	58	39	67.8	26	0.658
Янтоқ-қўзиқулоқ	13	48.1	28	60.2	39	70.2	22	0.637
Янтоқ- пиёзли арпа	9	37.5	20	49	28	63	16	0.477
Янтоқ-қўнғирбош	9	42	26	49	28	60	18	0.590
Какра–қўзиқулоқ	11	44.7	23	58.9	35	70	20	0.571
Какра – пиёзли арпа	8	37.2	14	44.4	24	54.3	18	0.529
Какра – Қўнғирбош	8	41	18	51.4	25	60	17	0.548
Қўзиқулоқ– пиёзли арпа	12	42	18	53	25	58.2	15	0.517
Қўзиқулоқ–қўнғирбош	11	51	21	56	24	59	15	0.576
пиёзли арпа -қўнғирбош	7	48	19	46	21	62	14	0.560


\*\* 1\*\* - Умумий турлар сони; 2\*\* - Ўхшашлик %

Ўсимлик нематодалари фаунасининг ўхшашлиги тоғ минтақасининг баландлигига ҳам боғлиқ [3,5]. Ўсимликларнинг ҳаётий хусусиятларидан қатъий назар айнан битта баландлик зонасида ўсадиган ўсимликлар фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашлик ҳар хил баландлик зонасидаги ўсимликларга нисбатан анча юқори бўлади. Бизнинг текширишларимизда юқори зона кўп йиллик ўтлар фаунаси ўртасидаги ўхшашлик 38 дан 56% гача, пастки зона ўсимликлари ўртасида эса 41 дан 70% гача бўлган чегарада ўзгариши кузатилади. Масалан, каррак билан отқулоқ нематодалари фаунистик комплексларини баландлик зоналари бўйича таққослаганимизда ўхшашлик юқори зонада 32%, ўрта зонада 55%, пастки зонада 67% ни ташкил этади.

Келтирилган рақамлардан нематодалар жамоалари ўртасидаги ўхшашлик тоғнинг юқори зонасидан пастки зонаси томонга ортиб бориши маълум бўлади. Ўсимликлар фаунистик комплекслари ўртасидаги ўхшашликнинг бундай ортиб бориши баландлик пасайган сайин юқори зонада тарқалган кўпчилик турларни сақлаиб қолиб, фаунанинг янги турлар билан бойиб бориши билан бирга содир бўлади.


Тоғнинг юқори зонасидан пастки зоналарга томон *Heterocephalobus elongatus*, *Acrobeloides emarginatus*, *Chiloplacus symmetricus*, *Panagrolaimus rigidus*, *Aphelenchus avenae*, *Paraphelenchus*

*pseudoparietinus*, *Aphelenchoides parietinus*, *A.bicaudatus*, *Aglenchus agricola*, *Tylenchus davainei*, *Ditylenchus destructor*, *D. dipsaci*, *Pratylenchus pratensis*, *Helicotylenchus multicinctus*, *Merlinius dubius* каби доминант турлар сақланиб қолгани ҳолда Monhysteridae, Rhabditidae, Plectidae, Panagrolaimidae, Aphelenchoididae, Dorylaimidae каби оилалар янги турлар ҳисобига фаунани бойитиб боради. Бу эса пастки зоналар ўсимликларининг нематодафаунаси юқори зоналар ўсимликларига нисбатан хилма-хилроқ бўлишига олиб келган (1-расм).



1-расм. Тоғ баландлик зоналари бўйлаб доминант оилалар салмоғининг ўзгариб бориши

Шунинг билан бирга Tylenchorhynchidae, Rotylenchidae оилаларининг вакиллари, асосан тоғнинг юқори зоналарида тарқалган бўлиб, пастки зоналарида нисбатан сийрак учрайди. Тоғнинг юқори ва ўрта баландлик зонасидан йиғилган намуналарда Tylenchorhynchidae оиласига мансуб 7 тур учраган бўлса, пастки зонада 3 тури, тоғолди зонасида фақат бир тури топилган.



2-расм. Кўп йиллик ўтлар нематодалари экологик гуруҳларининг тоғнинг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши (индивидлар сони бўйича)

Тоғ зоналарининг вертикал йўналишда алмашиниши билан нематодаларнинг экологик таркибида ҳам фарқ пайдо бўлади (2-расм). Юқори зона ўсимликлари фаунистик комплексида озикланиш хусусиятига кўра яшил ўсимликлар билан кўпроқ боғлиқ бўлган Longidoridae, Tylenchorhynchidae, Rotylenchidae оилалари вакиллари: *Xiphinema americanum*, *X. elongatum* (Longidoridae оиласи), *Merlinius rugosus*, *Merlinius dubius* (Tylenchorhynchidae), *Rotylenchus robustus*, *Helicotylenchus multicinctus* (Rotylenchidae) каби политроф эктопаразитлар асосий ўрин эгаллайди.

Тоғнинг пастки ва тоғолди зонасида нематодалар жамоаси таркиби нисбатан намсевар детритофаглар, сапрофаглар, микофаглар, параризобионтлардан иборат.

Улардан Monhysteridae (*Monhystera filiformis*, *Monhystera similis*), Rhabditidae (*Rhabditis brevispina*), Cephalobidae (*Chiloplacus symmetricus*, *Panagrolaimus rigidus*), Aphelenchidae (*Aphelenchus avenae*, *Paraphelenchus pseudoparietinus*), Aphelenchoididae (*Aphelenchoides bicaudatus*, *A. parietinus*) оилалари вакиллари кўпчилиқни ташкил этади.

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўп йиллик ёввойи ўсимликлар нематодафаунасидаги ўхшашлик ва фарқлар аввало ўсимликларнинг экологик хусусиятлари, хусусан

вегетация муддати, илдиз системасининг ривожланиш даражаси ҳамда тоғнинг баландлик зоналари билан бевосита боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. - Ленинград: Наука, 1969. Т. 1. – 441 с.
2. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. - Ленинград: Наука, 1971. - Т. II. - 522 с.
3. Мавлянов О.М. Фитонематоды как индикаторы агрохимических свойств почвы // IV Международный нематологический симпозиум. - Москва, 2001. – С. 69-70.
4. Песенко Ю. А. Принципы и методы количественного анализа в фаунистических исследованиях. — М.: Наука, 1982. — 287 с.
5. Ke Dong and al. Soil nematodes show a midelevation diversity maximum and elevational zonation on Mt.Norikura, Japan; Itumeleng Moroenyane et al Scientific RepoRts | 7: 3028 | <https://doi.org/10.1038/s41598-017-03655-3>.

УЎТ 631.52. 633.16

### ПИВОБОП АБУ-ҒОФУР-20 АРПА НАВИНИНГ НАВДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВА БОШЛАНҒИЧ УРУҒЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*А.А.Холдоров, қ.х.ф.ф.д., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Самарқанд*

*Т.Маматқулов қ.х.ф.н., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Самарқанд*

*З.И.Усаров, қ.х.ф.ф.д., Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти, Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Самарқанд*

**Аннотация.** Мақолада Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг 2018-2019 йилларга мўлжалланган ҚХ-И-ҚХ-2018-15 “Пивобоп арпанинг истиқболли «Абу-Ғофур-20» навининг бирламчи уруғчилигини олиб бориш ва жорий этиш” лойиҳаси доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** авлод, белги, нав тозалиги, танлаш, уруғлик, уруғчилик, уруғчилик тизими, фенология, ҳосилдорлик

**Аннотация.** В статье приведены результаты исследований проведенные в 2018-2019 годах в Галляаральской научно-опытной станции научно-исследовательского института зерно и зернобобовых культур по проекту «Налаживания и внедрение первичного семеноводство перспективного сорта пивоваренного ячменя «Абу-Гафур-20».

**Ключевые слова:** поколение, признак, чистота сорта, отбор, семена, семеноводство, система семеноводства, фенология, урожайность

**Abstract.** The article presents the results of studies where carried out at the Gallaaral Scientific Experimental Station of Research Institute of Grain and Legume Crops under the project “Establishing and Implementing Primary Seed Production of the Promising Abu-Gafur-20 Brewing Barley Variety” in 2018-2019.

**Key words:** Generation, trait, variety purity, selection, seeds, seed production, seed production system, phenology, productivity

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3683 сонли ҳамда 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4243 сонли қарорларида қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини этиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, бирламчи уруғчилик ва янги истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда арпанинг пивобоп Абу-Ғофур-20 навининг бирламчи уруғчилигини лалмикор майдонларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари кенг майдонларда жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Абу-Ғофур-20 навининг бошланғич уруғчилигини йўлга қўйиш ва фермер хўжаликлари кенг жорий қилишдан иборат.

**Тадқиқот услублари.** Абу-Ғофур-20 навининг бирламчи уруғчилик схемаси тажриба майдонларини экишга тайёрлаш, экиш, озиклантириш каби агротехник тадбирлар ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида (2004) ишлаб чиқилган услубий қўлланмасидан фойдаланилди.

Авлод кўчатзорларига танлаш, навга хос бўлган ўсимликларни ажратиш олиш, кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар (СЭВ рода *Hordeum L.*) ҳалқаро классификатор (1983) бўйича, маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича математик статистик таҳлил қилинди.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқот иши Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станциясининг 2018-2019 йилларга бажарилиши мўлжалланган ҚХ-И-ҚХ-2018-15 “Пивобоп арпанинг истиқболли «Абу-Ғофур-20» навининг бирламчи уруғчилигини олиб бориш ва жорий этиш” лойиҳаси доирасида бажарилди. Тадқиқот иши Абу-Ғофур-20 навининг элита ўсимликларини биринчи, иккинчи йил авлод кўчатзорларида ҳамда биринчи, иккинчи йил кўпайтириш кўчатзорларида олиб борилди.

Биринчи йил авлод синаш кўчатзорига Абу-Ғофур-20 навининг навдорлиги ва тозаллиги юқори бўлган экинзоридан 1000 та бошоқ якка танлаш усулида танлаб олинди ва экилди. Ривожланиш фазалари тўлиқ баҳолаб борилди. Авлодларнинг касалликларга чидамлилиги 2018 йилда 0-15%, ётиб қолишга чидамлиги 7-9 балл билан баҳоланди. 2019 йилда касалликларга чидамлик 5-40%, ётиб қолишга чидамлик 5-9 балл билан баҳоланди, касалликларга чидамсиз 97 та авлод яроқсизга чиқарилди.

Абу-Ғофур-20 навининг биринчи йил авлодлар кўчатзорига якка танлаш усулида авлодларнинг ҳосилдорлиги эътибор қаратилди. 2018 йилда 550 та танлаб олинган авлодлар орасидан ҳосилдорлиги бўйича 279 та авлод жуда юқори, 27 та авлод юқори, 26 та авлод ўрта ҳосил кўрсаткичига эга бўлиб, андоза навга нисбатан устун бўлганлиги билан ажратиб олинди. Қолган авлодларда 41 та паст, 177 та жуда паст кўрсаткич қайд этилди. Стандартга (58,8 г/м<sup>2</sup>) нисбатан 5,0% юқори ҳосил кўрсаткичига эга бўлган 332 та авлод ажратиб олинди, ҳосил кўрсаткичи 5,0% дан паст бўлган 218 та авлодлар яроқсизга чиқарилди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики Абу-Ғофур-20 навининг биринчи йил авлод кўчатзорига ўрганилган авлодлар орасидан 2018 йил 369 та ва 2019 йил 655 та авлодлар иккинчи йил авлод кўчатзорига танлаб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

**Абу-Ғофур-20 навининг биринчи йил авлодлар кўчатзорига ўрганилган авлодлар бўйича олинган натижалар (Ғаллаорол-2018-2019 йй)**

Белги, хусусиятлар, хўжалик белгилари	Йиллар	Ўрганилган авлодлар, дона	Яроқсизга чиқарилган авлодлар				Экиш учун танлаб олинган авлодлар	
			Далада		Лабораторияда (дон кўригида)		дона	%
			дона	%	дона	%		
Қишлашга чидамлик	2018	1000	195	19,5			805	80,5
	2019	1000					1000	100,0
Морфологик белгилари	2018	805	210	26,09	8	0,99	587	72,9
	2019	1000	256	25,6	6	0,60	738	73,8
Касалликлар	2018	587					587	100
	2019	738	62	8,41			676	91,6
Ҳосилдорлик	2018	587			218	37,14	369	62,86
	2019	676			21	3,11	655	96,89
Жами	2018	1000	405	40,5	226	22,6	369	36,9
	2019	1000	318	31,8	27	2,70	655	66,5

Иккинчи йил авлод синаш кўчатзорига биринчи йил авлодлар синаш кўчатзоридан танлаб олинган 2018 йил 600 та, 2019 йил 351 та элита авлод уруғлари экилди. Экиш майдони 5 м<sup>2</sup>, экиш меъёри 2,5 млн. дона уруғ ҳар 19 та авлоддан кейин андоза нав жойлаштирилди.

2-жадвал

**Абу-Ғофур-20 навининг иккинчи йил авлодлар кўчатзорига ўрганилган авлодлар бўйича олинган натижалар (Ғаллаорол-2018-2019 йй)**

Белги, хусусиятлар, хўжалик белгилари	Йиллар бўйича	Ўрганилган, авлод, дона	Яроқсизга чиқарилган авлодлар				Экиш учун танлаб олинган авлодлар		
			далада		лабораторияда (дон кўриги)		дона	%	олинган уруғ, кг
			дона	%	дона	%			
Қишлашга чидамлик	2018	600	59	9,83			541	90,17	
	2019	351					351	100,0	
Морфологик белгилар	2018	541	41	7,58	4	0,74	496	91,68	
	2019	351	25	7,12			326	92,88	
Касалликлар	2018	1196					496	100,0	
	2019	326	26	7,98			300	92,02	
Ҳосилдорлик	2018	496			15	3,02	481	96,98	475,0
	2019	300			7	2,33	293	97,67	496,9
Жами	2018	600	100	16,67	19	3,16	481	80,17	475,0
	2019	351	51	14,53	7	1,99	293	83,47	496,9

Мазкур кўчатзорда ўсув даврида дала кўриклари ва баҳолашдан ўтказилиб навга хос бўлмаган кишлаларга чидамсиз, касалланган, ҳосилдорлиги паст авлодлар яроқсизга чиқарилди. Танлаб олиш учун қолган энг яхши авлодлар ҳосили алоҳида йиғиб олинди ва дон кўрсаткичи бўйича лабораторияда баҳоланди. Энг яхши авлодлар бирлаштирилганда 2018 йил 475,0 кг, 2019 йил 496,9 кг сара уруғ тайёрланди (2-жадвал).

Иккинчи йил авлодлар синаш кўчатзоридан танлаб олинган элита авлод уруғлари бирлаштирилиб 2018 йилда 3,6 гектар, 2019 йилда 2,0 гектар майдонга биринчи йил кўпайтириш кўчатзорига экилди.

Биринчи йил кўпайтириш кўчатзори майдонида негатив танлаш ўтказилиб, бошқа хил ўсимликлар ҳамда бошқа навларга хос ўсимликлар, шунингдек касалланган, нимжон, типик бўлмаган ўсимликлардан тозаланди.

Биринчи йил кўпайтириш кўчатзоридан 2018 йил 1460 кг, 2019 йил 3010 кг ҳосил комбайнда йиғиб олинди.

Биринчи йил кўпайтириш кўчатзоридан олинган уруғлар иккинчи йил кўпайтириш кўчатзорига 2019 йилда 8,0 гектар майдонга экилди.

Ҳосилни йиғиштириш, ташиш, тозалаш жараёнида уруғликни биологик ва механик ифлосланишига йўл қўйилмади.

Мазкур кўчатзордан 2019 кишлок хўжалиги йилида 16990 кг сара уруғлик етиштирилди.

#### ХУЛОСАЛАР

1. Абу-Ғофур-20 навидан 2020 йилда тадқиқотларни давом эттириш мақсадида биринчи йилги авлодларни синаш кўчатзорига 1000 та энг яхши типик бошоқлар танлаб олинди.

2. Биринчи йил авлодларни синаш кўчатзоридан иккинчи йил авлодларни синаш кўчатзорига 655 та авлодлар ўтказилди.

3. Иккинчи йилги авлодлар танлаш кўчатзоридан танлаб олинган яхши авлодлар ҳосили бирлаштирилиб 2018 йил 475 кг, 2019 йил 496 кг сара уруғ тайёрланди.

4. Биринчи йил кўпайтириш майдонидан 2018 йил 1460 кг, 2019 йил 3010 кг сара уруғ тайёрланди.

5. Иккинчи йил кўпайтириш майдонига 2020 йилда жорий қилиш учун 40 гектар майдонга жорий этилди.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243 сонли қарори.
3. Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта”, Москва Агропромиздат, 1985, 176-178 с.
4. Донли экинлар селекцияси ва бошланғич уруғчилиги бўйича қўлланма//Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси, Тошкент. 2004 й, 31 б.
5. Международный классификатор СЭВ рода *Hordeum L.* ВНИИР имени Н.И.Вавилова (ВИР). Ленинград. 1983. -54 с.

УЎК 581.574.5

#### ЎЗБЕКИСТОНГА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЮКСАК СУВ ЎСИМЛИКЛАРИ

*Т.Н. Холмурадова, к.и.х., б.ф.н., ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент*  
*Х.Х. Абдиназаров, доцент, PhD, Қўқон давлат педагогика институти, Қўқон*  
*И.И. Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива*

**Аннотация.** Ўзбекистонга интродукция қилинган юксак сув ўсимликлар *пистия, эйхорния, азолла* ва Ўзбекистон флорасида учрайдиган *ряска* ёрдамида турли хил корхоналарнинг оқова сувларини биологик тозалаш мумкин. Тозалаган сувни техник мақсадларда, қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда, балиқчилик ҳовузлари учун фойдаланиши мумкин. Юксак сув ўсимликларининг биомассаларидан кўчат сифатида оқова сувларни тозалаш иншоотларининг биологик ҳовузларига экиш ва оқсил – витаминли, минерал озуқа сифатида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларини, балиқларни боқишда уларнинг рационига қўшимча озуқа сифатида фойдаланиши мумкин.

**Калим сўзлар:** юксак сув ўсимликлари, *пистия, эйхорния, азолла, ряска, биомасса, интродукция*

**Аннотация.** Сточные воды разных предприятий можно биологически очищать с помощью таких высших водных растений как *пистия, эйхорния, азолла* и *ряска*, которые интродуцированы в условиях Узбекистана и встречаются во флоре Узбекистана. Очищенная вода может быть использована в технических целях, для орошения сельскохозяйственных культур и для рыбоводческих прудов. Растения из биомассы высших водных растений могут быть использованы в качестве рассады в биологических прудах очистных сооружений и как добавка к их рациону при кормлении сельскохозяйственных животных и птицы, рыб как белково-витаминный, минеральный корм.

**Ключевые слова:** высшие водные растения, *пистия, эйхорния, азолла, ряска, биомасса, интродукция*

**Abstract.** With the help of high-water plants introduced to Uzbekistan, *pistachios, eucalyptus, azoles and ryaska*, which are found in the flora of Uzbekistan, it is possible to biologically treat wastewater from various enterprises. The treated water can be used for technical purposes, for irrigation of agricultural crops, for fish ponds. Plants from the biomass of higher aquatic plants can be used as seedlings in biological ponds



of wastewater treatment plants and as a supplement to their diet in the feeding of farm animals and poultry, fish as a protein-vitamin, mineral feed.

**Key words:** higher aquatic plants, pistia, eichornia, azolla, duckweed, biomass, introduction

Сув хавзалари юксак сув ўсимликлари флорасини инвентаризация қилиш, ундаги ноёб, фойдали турларни тарқалиш ареалини аниқлаш ва сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ноёб, истикболли турларни интродукция қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бугунги кунда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Юксак сув ўсимликларидан пистия (*Pistia stratiotes* L., Araceae), эйхорния (*Eichhornia crassipes* Solms., Pontederiaceae) ва азолла (*Azolla caroliniana* Willd., сем. Azollaceae) сув бетида қалқиб ўсувчи, кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда мазкур ўсимликлар Ўзбекистон шароитига муваффақиятли интродукция қилинган [1, 3, 4].

**Пистия** сув юзасида қалқиб ўсувчи ўсимлик бўлиб, интродукция шароитида бўйи 20-40 см гача этади, қисқарган пояли, барглари ясси эшкаксимондир. Илдиз бўғзидан чиққан барглари қалин боғлам ҳосил қилиб, юқори қисми яшил, бўйламада чизиксимон чуқур излар мавжуд. Баргларининг бутун сатҳи қалин, кўп хужайрали, шаффоф тукчалар билан қопланган. Ўсимлик баргларида аэренхима тўқималари яхши ривожланганлиги сабабли, сув юзасида қалқиб ўсади. Пистиянинг илдиз тизими попуксимон, узунлиги 50-60 см бўлиб, кўп тукчалар билан қопланган (1-расм).

**Эйхорния** сув юзасида қалқиб ўсувчи ўсимлик бўлиб, бўйи 30-40 см. Қошиқсимон, силлиқ, яшил, ялтироқ тусдаги барг япроқлари овалсимон шаклда, четлари текис, симметрик бўйламасига параллел жойлашган ва томирлари аниқ кўриниб туради. Барг бандлари асосида, ҳаво билан тўлган шарсимон этдор қисми аэренхима - ўсимликни сув юзасида қалқиб туришини таъминлайди. Попуксимон илдиз тизими тукчалари яхши шохланган. Қисқарган поясининг асосидан 15-20 тагача барг гилофи билан қўшилиб, ўсувчи биринчи тартиб ён илдизлар ривожланган. Узунлиги 2,5 см гача бўлган иккинчи тартиб ён илдизлари сувда горизонтал жойлашади (2-расм).

**Азолла** сув юзасида қалқиб ўсиб, узунлиги 0,7-1,8 см гача этади. Спорафитининг юқори қисмида 2 қатор майда баргча, устма - уст жойлашган тангачалар каби шохчани қоплаб олади, танасининг пастки қисмида эса 2,0-2,5 см узунликда илдизча шаклланган. Барг тузилишига кўра, у юқори даражада ривожланган, яъни ҳар бир барг икки сегментдан иборат бўлиб, юқори сегменти яшил рангли, сув сатҳининг юза қисмида жойлашади, пастки сегменти эса сувнинг остки қисмида жойлашиб, сувда эриган моддаларни ўзига тортиб олиш учун хизмат қилади (3-расм).

Азолла ялпи кўпайишининг оптимал даври июль – сентябрь ойлари бўлиб, бу даврда суткасига 250-300 г/м<sup>2</sup> биомасса ҳосил қилади.

Оқава сувларда ўстирилган азолла 1 гектар сув юзасидан бир кеча-кундузда 1500-2000 кг гача ҳўл биомасса; пистия ва эйхорния эса 1800-2700 кг гача ҳўл ёки 90-135 кг гача мутлақ курук биомасса бериши мумкин (июнь-октябрь ойларида).

**Кичик ряска** (*Lemna minor* L.) кўп йиллик юксак сув ўсимлиги бўлиб, сув юзасида сузиб ўсади. *Lemna minor* органик моддаларга бой ҳар қандай кўлмак сувларида ўсиб кўпаядиган, совуқ ва иссиқ ҳавога чидамли доривор сув ўсимлиги ҳисобланади. *Lemna minor* нинг барглари ва илдизчалари мавжуд бўлиб, асосан вегетатив йўл билан кўпаяди. Ўсимликнинг катталиги 5-6 мм ни ташкил этади. Ряска фотосинтез жараёнида кўп миқдорда кислород ажратиш чикаради ва сув хавзаларини тозалашдаги роли ҳам юқори (4-расм).

Адабиёт маълумотларида келтирилишича ўтган асрнинг 70-йилларида ўтказилган тажрибалар натижасида Ўзбекистон шароитида бу ўсимлик бир гектар майдонда 260 тоннагача ҳосил бериши мумкинлиги кўрсатилган. Қурилган рясканинг таркибида табиий шароитда 30%, махсус шароитда етиштирилганда 45% гача оқсил мавжуд бўлади. Таркибидаги аминокислоталар (аргинин, лизин) миқдори бўйича эса ряска маккажўхоридан юқори туради [2].

Ҳозирги даврда оқава сувларни юксак сув ва сув-ботқоқ ўсимликлари ёрдамида тозалашнинг биологик методи ишлаб чиқилган.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши, шаҳарларнинг кенгайиши, суғориладиган ерларнинг кўпайиши, аҳоли яшаш шароитларининг яхшиланиши ва бошқа омиллар таъсирида сув билан таъминлаш муаммоси кескинлашмоқда. Сувга бўлган талаб йилдан йилга ошмоқда. Шу боис сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш жуда муҳим масаладир. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш, шу жумладан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг муҳим йўналишлари - тежамкор янги технологияларни, турли оқава сувларни биологик тозалашнинг экологик хавфсиз ва иқтисодий арзон ҳамда самарали усулларини яратишдир.

Оқава сувларни тозалашнинг турли методлари мавжуд бўлиб, муайян методнинг қўлланиши оқава сувларнинг кимёвий таркибига, корхонанинг турига ва ишлаб чиқариш хусусиятларига ҳамда табиатни муҳофаза қилишнинг меъёрий ҳужжатларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Кўп йиллик илмий тадқиқотларимиз натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари (қорамолларни бўрдоқига боқиш комплекслари, паррандачилик, чўчқачилик) ва саноат корхоналари (канопни қайта ишлаш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, биокимё, ароқ- вино ва ёғ - мой корхоналари, пиллакашлик

корхоналари, тўқимачилик саноати) ва коммунал-хўжалик оқава сувларини органико-минерал моддалардан, оғир металллардан, цианидлардан, нефть маҳсулотларидан ҳамда патоген микроорганизмлардан юксак сув ўсимликлари - пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида биологик тозалашнинг янги самарали биотехнологияси яратилган.

Олиб борилган гидрохимёвий ва микробиологик тадқиқотларимиз натижаларига кўра, турли оқава сувларни 12-15 суткада тўлиқ биологик тозалаш мумкин. Бу вақт ичида сапрофит микроорганизмлар сони минг мартагача, ичак таёқчалари гуруҳи бактериялари эса уч-тўрт кундан кейин умуман учрамайди. Сув таркибидаги микрофлоранинг миқдори кескин камайиб, ўсимлик ва ҳайвонлар учун патоген ҳисобланган микроскопик замбуруғлар йўқолиб кетади. Сувнинг физикавий ва кимёвий кўрсаткичлари яхшиланади, яъни сувнинг оксидланиш даражаси камаяди, сувдаги азот ва фосфор ионлари ўсимликлар томонидан деярли тўла ўзлаштирилади, сувда эриган кислород миқдори кўпаяди, оқава сув тиниклашади ва қўланса хиди йўқолади.



1-расм. Пистия (*Pistia stratiotes* L.)



2-расм. Эйхорния (*Eichhornia crassipes* Solms.)



3-расм. Азолла (*Azolla caroliniana* Willd.)



4-расм. Кичик ряска (*Lemna minor* L.)



5-расм. Манзарали ўсимлик сифатида экилган азолла, эйхорния, пистия

Пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида тозиланган сувни техник мақсадларда, яъни қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда, қаноп поясини ивитишда ёки балиқчилик ҳовузларига ва очиқ сув ҳавзаларига чиқариб юбориш мумкин. Турли хил корхоналарнинг оқава сувларида кўпайтирилган юксак сув ўсимликларининг биомассаларидан кўчат сифатида оқава сувларни тозалаш иншоотларининг биологик ҳовузларига экиш ва иссиқлик ёрдамида (АВМ-0,65, АВМ-1,5) ишлов бериб, витаминли ун тайёрлаб, оқсил – витаминли ва минерал озук сифатида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларини, балиқларни боқишда уларнинг рационига қўшимча озук сифатида фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари юксак сув ўсимликларидан манзарали ўсимликлар хилма хиллигини ошириш учун истироҳат боғларидаги ҳовузларни безашда ҳам фойдаланиш мумкин (5-расм).

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Таубаев Т.Т. Флора и растительность водоёмов Средней Азии и их использование в народном хозяйстве. – Ташкент. Фан. 1970 – 490 с.
2. Абдиев М. Ряски водоемов Узбекистана и опыт их массового культивирования. Диссертац....канд.биол.наук. – Ташкент. 1970. – 150 с.
3. Белавская А.П. К методике изучения водной растительности // Ботанический журнал. Т. 64. – № 3.1979. – С. 32-41.
4. Шоякубов Р.Ш., Сафаров К.С. Высшие водные растения: достижения, перспективы изучения и использования в Узбекистане // Актуальные проблемы альгологии, микологии и гидробиологии: Материалы международной научной конференции. –Ташкент, 2009. – С.30-33.

УДК 633.51:632.4

**ИССЛЕДОВАНИЕ РЕАКЦИИ СВЕРХЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ В ТКАНЯХ  
ИНФИЦИРОВАННЫХ ВОЗБУДИТЕЛЕМ ВЕРТИЦИЛЛЕЗНОГО ВИЛТА ПРОРОСТКОВ  
РАЗЛИЧНЫХ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА**

*М.М. Хотамов, м.н.с., Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз,  
Ташкент*

*И.Д. Курбанбаев, д.б.н., Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз,  
Ташкент*

*И.Г. Ахмеджанов, д.б.н., проф., Институт биофизики и биохимии при НУУз им.М.Улугбека*

**Аннотация.** Yuqori sezuvchanlik reaksiyasi parametrlarini o'lchash usuli turli xil paxta genotiplarining vertikillus vilt qo'zg'atuvchisiga chidamliligini o'rganish uchun ishlatilgan. Patogen bilan zararlangan to'qimalarda gossipol seriyasining fungitoksik moddalari, fitoaleksinlarni shakllantirish ko'rsatkichlariga ko'ra, paxtaning 8 navining turli xil viltga chidamliligi aniqlandi, bu umuman boshqa tadqiqotchilar tomonidan berilgan tajribalarda qo'llanilgan navlarning viltga chidamliligi xususiyatlariga mos keladi. Shu bilan birga, yuqtirilgan hujayralarning yuqori sezuvchanligining biokimyoviy markerlaridan foydalanish usuli bilan turli xil genotiplarni baholash tajribada o'rganilgan paxta navlarini viltga chidamliligi darajasiga ko'ra 3 guruhga: sezgir, o'rtacha chidamli va chidamli deb ajratishga imkon berdi.

**Калит so'zlar:** fitoaleksinlar, viltga chidamlilik, izogemigossipol, gossipol ekvivalenti, V.dahliae Kleb, Silifol UV - 254, xromatogrammalar, fluroglyucinol, xloroform, etiolatli, markerlar, yuqori sezuvchanlik.

**Аннотация.** Методом измерения параметров реакции сверхчувствительности была исследована устойчивость различных генотипов хлопчатника к возбудителю вертициллезного вилта. Согласно показателям образования в инфицированных патогеном тканях фунготоксичных веществ госсипольного ряда – фитоалексинов, установлена разная степень вилтоустойчивости 8 сортов хлопчатника, что, в целом, соответствует характеристикам вилтоустойчивости использованных в экспериментах сортов, приведенным другими исследователями. Однако оценка различных генотипов методом использования биохимических маркеров сверхчувствительности инфицированных клеток позволила более детально разделить исследованные в эксперименте сорта хлопчатника по степени вилтоустойчивости на 3 группы: восприимчивые, среднеустойчивые и устойчивые.

**Ключевые слова:** фитоалексинов, вилтоустойчивости, изогемигоссипола, госсипол-эквивалента, V.dahliae Kleb, Silifol UV – 254, хроматограммы, флюроглюцин, хлороформ, этиолированных, маркеров, сверхчувствительность

**Abstract.** By measuring the parameters of the hypersensitivity reaction, the resistance of various cotton genotypes to the causative agent of verticillium wilt was investigated. According to the indicators of formation of fungitoxic substances of the gossypole series, phytoalexins, in tissues infected with the pathogen, a different degree of wilt resistance of 8 cotton varieties has been established, which, in general, corresponds to the characteristics of wilt resistance of the varieties used in experiments, given by other researchers. However, the assessment of various genotypes by the method of using biochemical markers of hypersensitivity of infected cells made it possible to divide in more detail the cotton varieties studied in the experiment according to the degree of wilt resistance into 3 groups: susceptible, medium-resistant, and resistant.

**Key words:** phytoalexins, wilt resistance, isohemigossypol, gossypol equivalent, V.dahliae Kleb, Silifol UV - 254, chromatograms, fluroglucinol, chloroform, etiolated, markers, hypersensitivity

Физиолого-биохимическое изучение различных сторон жизнедеятельности растений дает возможность использовать иммунные свойства самого организма, с помощью которых он защищается от нападения патогенов в природе. Основным проявлением сортового иммунитета хлопчатника является индукция реакции сверхчувствительности в тканях растений, инфицированных возбудителем вертициллезного вилта. При этом повышается синтез фунготоксичных веществ – фенольных соединений госсипольного ряда - фитоалексинов [1,4,6,7,9-11], однако интенсивность фитоалексинаобразования в тканях различных генотипов хлопчатника заметно отличается [1-3,5,8]. В связи с этим, для характеристики устойчивости хлопчатника к вертициллезному вилту используется, в основном, общепризнанный метод определения параметров реакции сверхчувствительности в инфицированных тканях растений. Учитывая, что данный метод успешно апробирован на образцах


генетической коллекции хлопчатника ИГЭБР АН РУз [8], исследовали содержание в искусственно инфицированных грибом *V.dahliae* Kleb тканях растений различных сортов хлопчатника токсичных для возбудителя заболевания фитоалексинов - изогемигоссиопола (ИГГ) и госсипол-эквивалента (ГЭ).

#### Методика

В работе были использованы гипокотили хлопчатника. Проростки выращивались в термостате при +24°C. Инокулят освобождали из шприца в виде капли суспензии на конце иглы. Иглу вводили в стебель под углом 45°C. Капля всасывалась в стебель, и это давало видимое подтверждение инокуляции. Качественный состав фитоалексинов (ФА) определяли методом тонкослойной хроматографии на пластинках Silufol-UV-254, а количество изогемигоссиопола (ИГГ) и госсипол-эквивалента (ГЭ) - по [5]. В эксперименте использовали 8 перспективных или районированных сортов хлопчатника: С-4727, Ибрат, Султон, Бухоро-6, Бухоро-102, Ишонч, Новбахор-2, Гулбахор-2.

#### Результаты исследования

На рисунке приведена тонкослойная хроматография на пластинках *Silyfol UV – 254* (хроматограммы проявлены флюоролюмином) хлороформного экстракта из этиолированных гипокотилей проростков хлопчатника через 48 ч после искусственного заражения растений возбудителем вертициллезного вилта.



1к V.d. 2к V.d. 3к V.d. 4к V.d. 5к V.d. 6к V.d. 7к V.d. 8к V.d

- + - - - + + - + - - - + + + - + + + - + +

**1-рис.** Использование биохимических маркеров сверхчувствительности инфицированных клеток в экспресс-оценке болезнеустойчивости различных сортов хлопчатника: 1) С-4727, 2) Ибрат, 3) Султон, 4) Бухоро-6, 5) Бухоро-102, 6) Ишонч, 7) Гулбахор-2, 8) Навбахор-2

Условные обозначения: К - контроль (интактная ткань); V.d – опыт (заражение вертициллезным вилтом). Содержание фитоалексинов: (+) - меньше 10 мкг/г ткани; (++) - больше 10 мкг/г ткани; (+++) - некрогенные концентрации; (-) - реакция отсутствует.

Таблица 1

Содержание фитоалексинов изогемигоссиопола (ИГГ) и госсипол-эквивалента (ЭГ) в тканях этиолированных гипокотилей проростков различных сортов хлопчатника через 48 ч после инфицирования растений возбудителем вертициллезного вилта

| Сорт       | Содержание фитоалексинов, мкг/г сырой ткани |           |
|------------|---|-----------|
|            | ИГГ   | ГЭ        |
| С-4727     | 9,0±0,95                                    | 7,8±0,92  |
| Ибрат      | -   | следы     |
| Султон     | 18,4±1,99                                   | 15,2±1,61 |
| Бухоро-6   | 17,7±1,79                                   | 13,4±1,38 |
| Бухоро-102 | 7,3±0,88                                    | 6,9±0,72  |
| Ишонч      | 34,8±3,53                                   | 25,7±2,62 |
| Навбахор-2 | 25,2±2,39                                   | 19,8±2,07 |
| Гулбахор-2 | 32,6±3,45                                   | 24,5±3,01 |

Анализ хроматограмм позволил выявить, что инфицирование растений возбудителем болезни индуцирует реакцию сверхчувствительности в тканях гипокотилей этиолированных проростков большинства использованных в экспериментах сортов хлопчатника, кроме сорта Ибрат. В наибольшей степени реакция сверхчувствительности проявляется в инфицированных тканях хлопчатника сортов Ишонч и Гулбахор-2, общее содержание фитоалексинов в которых достигает практически токсичных для патогена концентраций. Сорта Султон, Бухоро-6 и Навбахор-2 в условиях заражения вилтом характеризовались меньшей способностью индуцировать процессы фитоалексинообразования, при этом концентрации ИГГ превышали 10 мкг/г сырой ткани, но не достигали некрогенных. И очень слабую реакцию на инфекцию показали сорта С-4727 и Бухоро-102, содержание ИГГ в тканях которых были меньше 10 мкг/г (таблица). Следует отметить, что полученные нами данные в целом соответствуют характеристикам вилтоустойчивости использованных в экспериментах сортов, приведенным другими исследователями [2,3,5].

Однако оценка различных генотипов методом использования биохимических маркеров сверхчувствительности инфицированных клеток позволила более детально разделить исследованные в эксперименте сорта хлопчатника по степени вилтоустойчивости на 3 группы: 1- неустойчивые или восприимчивые сорта, у которых отмечено отсутствие реакции сверхчувствительности: Ибрат, либо количественное содержание ИГГ в тканях которых фиксировалось на уровне, меньшем 10 мкг/г: Бухоро-102, С-4727; 2- среднеустойчивые сорта: Бухоро-6, Султон; 3- устойчивые сорта: Гулбахор-2, Ишонч. Кроме того, сорт Навбахор-2, согласно показателям фитоалексинообразования, занимает промежуточное положение между группами среднеустойчивых и устойчивых сортов, тем не менее, он был отнесен к группе среднеустойчивых сортов.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Авазходжаев М.Х., Зельцер С.Ш. Физиологические факторы вилтоустойчивости хлопчатника. Ташкент: ФАН, 1980.- 122 с.
2. Агаев Г.М., Хатамов. М. М., Курбанбаев И.Д., Ризаева С.М., Усманов Р.М. Использование гермоплазмы хлопчатника для оценки экспрессии вилтовой болезни//Мат. межд. конф. Ташкент, 2010. С.230-232.
3. Курбанбаев И.Ж., Агаев Г.М., Хатамов М. М., Камилова Е.В., Юнусханов Ш. Характеристика некоторых образцов гермоплазмы хлопчатника на устойчивость к вилтовой болезни//Узб.биол.ж.- 2011.- № 2.- С.49-51.
4. Метлицкий. Л.В., Озерецковская О.Л. Фитоалексины. М.: Наука, 1973. С. 93-138.
5. Avazkhodjaev M.Kh., Zeltzer S.S., Nuritdinova H., Raviprakash G. Dani. Phytoalexins as a factor in Wilt Resistance of Cotton. In: Handbook of Phytoalexin Metabolism and Action. – New– York– Basel– Hong Kong: Marcel Dekker Inc., 1995.- P.129–160.
6. Figen Mert-Türk. Phytoalexins: Defence or just a response to stress? // J.Cell Mol. Biol.- 2002.- N1.- P. 1-6.
7. Hammerschmidt R. Phytoalexins: What have we learned after 60 years? // Ann Rev Phytopathol. - 1999.- N 37.- P. 285-306.
8. Khotamov et al., 2019
9. Kodama O., Suzuki T., Miyokawa J., Akatsuka T. Ultraviolet induced accumulation of phytoalexines in rice leaves//Agr. and Biol. Chem.- 1988.- N 52.- P. 2469-2473.
10. Kuc J. Phytoalexins, stress metabolism and disease resistance in plants//Ann. Rev Phytopathol.- 1995.- N 33.- P. 275-297.
11. Linda E. Hanson. Reduction of Verticillium Wilt Symptoms in Cotton Following Seed Treatment with *Trichoderma virens*//The Journal of Cotton Science. - 2000.- N 4.- P.224-231. <http://journal.cotton.org>.

УЎК 631.527: 633.11

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК ЎСИМЛИГИНИ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Н.А. Худайбергандов, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*Б.Ё. Тўхтаев, проф., б.ф.д., Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*У.К. Абдурахимов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*О.Ю. Отаев, кичик илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*Д.И. Отабоева, талаба, Урганч давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида доривор мойчечак ўсимлигини етиштириши жараёнидаги экологик-биологик хусусиятлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Утказилган илмий-тадқиқот натижалари асосида доривор мойчечак ўсимлигини етиштириши жараёнида кенг қаторлаб (45 см) экилган вариантда гул саватчалари сони ва ҳосилдорлиги бўйича нисбатан юқори натижа қайд этилганлиги аниқланди. Доривор мойчечак ўсимлигининг биологик хусусиятлари ва экиш муддатлари ва усуллари тўғри белгиланганда ушбу экинни Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида етиштириши ва кенг майдонларга экиш мумкинлиги исботланди.

**Калит сўзлар:** доривор мойчечак, экиш усуллари, экиш муддатлари, гул саватчалари сони, ҳосилдорлик

**Аннотация.** В данной статье приводятся сведения об эколого-биологических особенностях в процессе возделывания ромашки аптечной в почвенно-климатических условиях Хорезмской области. По результатам научно-исследовательских работ установлено, что в процессе возделывания ромашки аптечной отмечено относительно высокий результат по количеству цветочных корзинок и урожайности в варианте ширококородного посева (45 см). Если правильно определить биологические свойства ромашки аптечной, а также сроки и способы посева, доказано что, можно выращивать эту культуру на больших площадях в почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

**Ключевые слова:** ромашка аптечная, способы посева, сроки сева, количество цветочных корзинок, урожайность

**Abstract.** This article provides information about the ecological and biological features in the process of cultivation of chamomile in the soil and climatic conditions of the Khorezm region. According to the results of research work, it was found that in the process of cultivating chamomile, a relatively high result was noted in the number of flower baskets and yield in the variant of wide-row sowing (45 cm). If the biological properties

*of chamomile are correctly determined, as well as the timing and methods of sowing, it has been proven that it is possible to grow this crop on large areas in the soil and climatic conditions of the Khorezm region.*

**Keywords:** *matricaria chamomilla, sowing methods, sowing time, number of flower baskets, yield*

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда, бутун дунёда доривор ўсимликлардан фойдаланиш инсониятнинг соғлом турмуш тарзи ва экологик хавфсизлигининг муҳим таркибий қисмига айланиб улгурган. Доривор ўсимликлар хом ашёсидан фармацевтика, қисман озиқ овқат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инсон саломатлиги ва атроф муҳитни яхшилаш учун фойдаланиш долзарблиги жуда тез суръатлар билан ўсиб бормоқда [1].

Қишлоқ хўжалиги экинларининг етиштирилишидан даромад олинмайдиган шўр ерларда доривор ўсимликларни интродукция қилиш ўта долзарб муаммодир. Бу илмий тадқиқотлар шўрга чидамли ва истикболли турларни аниқлаш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини яратади [2].

Шу боисдан ҳам доривор ўсимликларни агрофитоценозда ўстириш, етиштириш ва кенг масштабдаги плантацияларини ташкил этиш кун тартибидаги вазифалардан биридир. Илмий тадқиқот мавзуси асосида, Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иқлим шароитида алоҳида танланган доривор ўсимликларни саноат микёсида катта плантацияларини ташкил этиш ва хом ашё базасини яратишга эътибор қаратилди.

**Тадқиқот мақсади ва услублари.** Бизнинг илмий тадқиқотларимизда Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида доривор мойчечак ўсимлигини етиштириш жараёнида унинг экологик-биологик хусусиятларини ўрганиш мақсад қилинган.

Мазкур доривор ўсимлик республикамизнинг бошқа ҳудудларида ўрганилган бўлишига қарамай, Хоразм вилояти шароитида доривор мойчечакнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар жуда кам. Илмий изланишлар Хоразм вилоятининг Хива туманида, Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал тажриба базаси тупроқ-иқлим шароитида ўтказилди.

Тажрибалар икки хил – кузги (2018 йил 28 сентябрь ва 2019 йил 25 сентябрь) ва баҳорги (2019 йил 15 март ва 2020 йил 19 март) муддатларда экилди. Ўсимликларни уч хил – ёппасига (15 см), кенг қаторлаб (45 см) ва лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) усулда экилди. Уруғ экиш меъёри 4 кг/га. Экишдан олдин 90 кг гектар ҳисобида аммофос минерал ўғити қўлланилди.

Барча вариантлар 4 тақрорланишда, бўлинмалар рендомлашган (аралашган) тартибда жойлаштирилди. Бўлинмалар майдони 10 м<sup>2</sup> (7 x 1,43м) ни ташкил этди. Барча агротехник тадбирлар қабул қилинган умумқоидалар асосида ўтказилди.

Ривожланишнинг мавсумий ритмини стандарт услублар орқали ўрганишда илмий кузатишлар, доривор мойчечак ўсимлигининг асосий ривожланиш фазаларини бошланиш ва тугаш вақти оралиғида ўтказилди. Фенологик саналарни қайта ишлаганда В.Н.Ниловнинг тавсияларига мувофиқ амалга оширилди [3]. Тажрибалардан олинган барча маълумотлар статистик корреляцион таҳлил усули асосида қайта ишланди [4].

**Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси.** Доривор ўсимликлардан юқори ва сифатли хом ашё ҳосилини олиш учун авваламбор, мазкур ўсимликнинг етиштириш қонуниятларини, яъни экиш усуллари, экиш муддатлари, тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб минерал ўғитлар меъёри ва муддатларини тўғри белгилаш каби агротехник ва биологик хусусиятларини чуқур ўрганиш орқали етиштиришнинг замонавий агротехнологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш зарур.

Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароити экологик жиҳатдан истикболли доривор ўсимлик – доривор мойчечакни етиштириш учун жуда қулайдир. Шу сабабли, юқорида таъкидлаганимиздек, илмий тадқиқотларимизнинг асосий вазифаси доривор мойчечакнинг ўсиши ва ривожланиш боқичларини аниқлаш ва мазкур шароитда маҳсулдорлигини тадқиқ қилишдан иборат.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, экиш муддатлари ва усуллари доривор мойчечак ўсимлигининг асосий ривожланиш фазаларига таъсир қилади. Масалан, кузги экиш муддатида (2018 йил 28 сентябрь) ёппасига (15 см) экилганда доривор мойчечак 12 октябрда униб чиқди ва 15 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 27 апрель ойида қирганлиги аниқланди. Гуллаш фазаси 07 майда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларнинг тўла пишиб етилиши 13 июнга тўғри келди.

Доривор мойчечак уруғларини кенг қаторлаб (45 см) экилганда ҳам уруғлар 12 октябрда униб чиқди ва 15 апрель ойига келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 26 апрель ойида қирганлиги аниқланди. Гуллаши фазаси 05 майда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларнинг тўла пишиб етилиши 11 июнга тўғри келди.

Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) экилганда эса доривор мойчечак уруғлари 12 октябрда униб чиқди ва 15 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазаси 29 апрелда аниқланган бўлса, гуллаши фазасига 09 майда ўтди. Уруғларнинг тўла пишиши эса 16 июнга тўғри келди.

2018 йил 25 сентябрда ёппасига (15 см) экилганда доривор мойчечак 10 октябрда униб чиқди ва 13 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 24 апрелда қирганлиги

аниқланди. Гуллаши фазаси 05 майда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларинг тўла пишиб етилиши 14 июнга тўғри келди.

1-жадвал

**Турли муддат ва усулларда экилган доривор мойчечак ўсимлигининг асосий ривожланиш фазалари**

| Экилган вақти  | Экиш усуллари, см                   | Асосий фенологик фазалар |             |                  |          |         |                     |
|----------------|-------------------------------------|--------------------------|-------------|------------------|----------|---------|---------------------|
|                |                                     | Экиш                     | Униб чиқиши | Поя ҳосил бўлиши | Шоналаши | Гуллаши | Уруғларининг пишиши |
| Кузги муддат   |                                     |                          |             |                  |          |         |                     |
| 2018           | Ёппасига (15 см)                    | 28.09                    | 12.10       | 15.04            | 27.04    | 07.05   | 13.06               |
|                | Кенг қаторлаб (45 см)               | 28.09                    | 12.10       | 15.04            | 26.04    | 05.05   | 10.06               |
|                | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 28.09                    | 12.10       | 15.04            | 29.04    | 09.05   | 16.06               |
| 2019           | Ёппасига (15 см)                    | 25.09                    | 10.10       | 13.04            | 24.04    | 05.05   | 14.06               |
|                | Кенг қаторлаб (45 см)               | 25.09                    | 10.10       | 13.04            | 22.04    | 03.05   | 11.06               |
|                | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 25.09                    | 10.10       | 13.04            | 26.04    | 07.05   | 19.06               |
| Баҳорги муддат |                                     |                          |             |                  |          |         |                     |
| 2019           | Ёппасига (15 см)                    | 15.03                    | 28.03       | 20.04            | 15.05    | 01.06   | 27.06               |
|                | Кенг қаторлаб (45 см)               | 15.03                    | 28.03       | 20.04            | 14.05    | 30.05   | 25.06               |
|                | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 15.03                    | 28.03       | 20.04            | 17.05    | 02.06   | 30.06               |
| 2020           | Ёппасига (15 см)                    | 19.03                    | 30.03       | 21.04            | 18.05    | 03.06   | 30.06               |
|                | Кенг қаторлаб (45 см)               | 19.03                    | 30.03       | 21.04            | 16.05    | 01.06   | 27.06               |
|                | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 19.03                    | 30.03       | 21.04            | 20.05    | 05.06   | 03.07               |

Доривор мойчечак уруғларини кенг қаторлаб (45 см) экилганда ҳам уруғлар 10 октябрда униб чиқди ва 13 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 22 апрелда кирганлиги аниқланди. Гуллаши фазаси 03 майда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларинг тўла пишиб етилиши 11 июнга тўғри келди.

Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) экилганда эса доривор мойчечак уруғлари 10 октябрда униб чиқди ва 13 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазаси 26 апрелда аниқланган бўлса, гуллаши фазасига 07 майда ўтди. Уруғларинг тўла пишиши эса 19 июнга тўғри келди.

Баҳорги экиш муддатида (2019 йил 15 март) ёппасига (15 см) экилганда доривор мойчечак 28 мартда униб чиқди ва 20 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 15 майда кирганлиги аниқланди. Гуллаши фазаси 01 июнда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларинг тўла пишиб етилиши 27 июнга тўғри келди. Кенг қаторлаб (45 см) экилганда ҳам уруғлар 28 мартда униб чиқди ва 20 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 14 майда кирганлиги аниқланди. Гуллаш фазаси 30 майда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларинг тўла пишиб етилиши 25 июнга тўғри келди. Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) экилганда эса 28 мартда униб чиқди ва 20 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазаси 17 майда аниқланган бўлса, гуллаши фазасига 02 июнда ўтди. Уруғларинг тўла пишиши эса 30 июнга тўғри келди.

2-жадвал

**Экиш муддати ва усулларининг доривор мойчечакнинг битта ўсимликдаги гул саватчалари сонига таъсири, кузги муддат**

| Экиш меъёри | Экиш усуллари, см                   | Кузги муддат |          |
|-------------|-------------------------------------|--------------|----------|
|             |                                     | 2018 йил     | 2019 йил |
| 4 кг/га     | Ёппасига (15 см)                    | 7,3          | 8,8      |
| 4 кг/га     | Кенг қаторлаб (45 см)               | 7,9          | 9,5      |
| 4 кг/га     | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 6,7          | 7,1      |

2020 йил 19 мартда ёппасига (15 см) экилганда доривор мойчечак 30 мартда униб чиқди ва 21 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 18 майда кирганлиги аниқланди. Гуллаши фазаси 03 июнда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларининг тўла пишиб етилиши 30 июнга тўғри келди. Кенг қаторлаб (45 см) экилганда ҳам уруғлар 30 мартда униб чиқди ва 21 апрелга келиб асосий поя ҳосил бўлиши кузатилди. Шоналаш фазасига эса 16 майда кирганлиги аниқланди. Гуллаш фазаси 1 июнда бошланганлиги кузатилган бўлса, уруғларинг тўла пишиб етилиши 27 июнга тўғри келди. Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) экилганда эса мос равишда 30 март; 21 апрель; 20 май; 05 июнь ва 03 июль эканлиги аниқланди.

Ўтказилган тажрибалар натижаларидан шу нарса аниқландики (2-3 жадваллар), экиш муддатлари ва усуллари доривор мойчечак ўсимлигининг гул саватчалари сонига сезиларли даражада таъсир қилар экан. Жумладан, доривор мойчечак кузги муддатда (2018 йил 28 сентябрь) ёппасига – 15 см қилиб экилганда битта ўсимликдаги гул саватчалар сони ўртача 7,3 тани, кенг қаторлаб – 45 см бўлганда – 7,9 тани ва лентасимон кенг қаторлаб – 15x45 см қилиб экилганда эса 6,7 тани ташкил

қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2019 йилда (25 сентябрь) мос равишда ўртача 8,8; 9,5 ва 7,1 тани ташкил қилганлиги аниқланди.

3-жадвал

**Экиш муддати ва усулларининг доривор мойчечакнинг битта ўсимликдаги гул саватчалари сонига таъсири, баҳорги муддат**

| Экиш меъёри | Экиш усуллари, см                   | Баҳорги муддат |          |
|-------------|-------------------------------------|----------------|----------|
|             |                                     | 2019 йил       | 2020 йил |
| 4 кг/га     | Ёпасига (15 см)                     | 5,1            | 8,0      |
| 4 кг/га     | Кенг қаторлаб (45 см)               | 6,2            | 9,4      |
| 4 кг/га     | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 4,4            | 5,2      |

Доривор мойчечак баҳорги муддатда (2019 йил 15 март) ёпасига – 15 см қилиб экилганда битта ўсимликдаги гул саватчалар сони ўртача 5,1 тани, кенг қаторлаб экилганда – 6,2 тани ва лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) экилганда эса 4,4 тани ташкил қилган бўлса, 2020 йил 19 мартда ушбу кўрсаткичлар, яъни битта ўсимликдаги гул саватчалар сони ўртача 8,0; 9,4 ва 5,2 тани ташкил этганлиги кузатилди.

Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида доривор мойчечак ўсимлигини экиш муддати ва усулларининг ҳосилдорлигига таъсирини ўрганганимизда, экиш муддатлари ва экиш усуллари доривор мойчечак ўсимлиги ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди (4-жадвал). Жумладан, доривор мойчечак кузги муддатда (2018 йил 28 сентябрь) ёпасига – 15 см қилиб экилганда ҳосилдорлик гектарига ўртача 196 кг ни, кенг қаторлаб – 45 см бўлганда – 224 кг ни, лентасимон кенг қаторлаб – 15x45 см қилиб экилганда эса ҳосилдорлик ўртача 201 кг ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2019 йилда (25 сентябрь) мос равишда ўртача 173 кг; 251 кг ва 223 кг ни ташкил қилганлиги аниқланди.

4-жадвал

**Экиш муддати ва усулларининг доривор мойчечак ҳосилдорлигига таъсири, кг/га**

| Экиш меъёри | Экиш усуллари, см                   | Кузги муддат |          | Баҳорги муддат |          |
|-------------|-------------------------------------|--------------|----------|----------------|----------|
|             |                                     | 2018 йил     | 2019 йил | 2019 йил       | 2020 йил |
| 4 кг/га     | Ёпасига (15 см)                     | 196          | 173      | 112            | 107      |
| 4 кг/га     | Кенг қаторлаб (45 см)               | 224          | 251      | 183            | 195      |
| 4 кг/га     | Лентасимон кенг қаторлаб (15x45 см) | 201          | 223      | 161            | 177      |

Доривор мойчечак баҳорги муддатда (2019 йил 15 март) ёпасига – 15 см қилиб экилганда ҳосилдорлик гектарига ўртача 112 кг ни, кенг қаторлаб – 45 см бўлганда – 183 кг ни ва лентасимон кенг қаторлаб – 15x45 см қилиб экилганда ҳосилдорлик ўртача 161 кг ни ташкил қилганлиги аниқланди. 2020 йил 19 мартда ушбу кўрсаткичлар ўртача 107 кг; 195 кг ва 177 кг ни ташкил этганлиги кузатилди.

**Хулоса ва тавсиялар.** Доривор мойчечак ўсимлигини иктисодий жиҳатдан сердаромад фойда берадиган ўсимлик сифатида тўғри районлаштириш учун унинг биоэкологияси, ривожланиш фазалари, бир ўсимликдаги гул саватчалари сони ҳамда ҳосилдорлигига турли экиш муддатлари ва усулларининг таъсирини ўрганиш зарур.

Ўтказилган илмий тадқиқот ишлари бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Экиш муддатлари ва усуллари доривор мойчечак ўсимлигининг асосий ривожланиш фазаларига таъсир қилади.
2. Экиш муддати ва усулларини ўсимлик кенг қаторлаб (45 см) экилган вариантда гул саватчалари сони ва ҳосилдорлиги бўйича нисбатан юқори натижа қайд этилди.
3. Илмий тадқиқотларимиз натижаларига кўра, доривор мойчечакни доривор ўсимлик сифатида

Хоразм вилоятининг ўртача шўрланган тупроқларида экиш, етиштириш ва кенг майдонларини ташкил этиш сердаромад истиқболли ҳисобланади. Мазкур тадбир фармацевтика ишлаб чиқариш тармогини маҳаллий хом ашё билан таъминлаш имкониятини яратади.

**ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Н.В. Николайченко, В.В. Маевский Интродукция нетрадиционных культур в зоне Нижнего Поволжья // Известия ФГОУ ВПО «Горский ГАУ». - 2003. - Т. 40. - С. 35-37.
2. Б.Е.Тухтаев, Ўзбекистоннинг шўр ерларида доривор ўсимликларнинг интродукцияси. Автореферат докт. дисс., Т., 2009, 3-4 б.
3. В.Н.Нилов, 1980. Методы статистической обработки материалов фенологических наблюдений//Журнал ботаники. 65, №2. с.282-284.
4. Б.А.Доспехов, 1985. Методы полевых экспериментов (на основе статистической обработки результатов исследований). Агропромиздат. 351 стр.

УЎК 581.582.232/275.574.5.633

**ШОХИМАРДОНСОЙ – МАРҒИЛОНСОЙ СУВ ҲАВЗАСИДА ФАСЛЛАР ЎЗГАРИШИНИНГ АЛЬГОФЛОРАГА ТАЪСИРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТЛАРИ**

**М.П. Юлдашева, б.ф.ф.д, PhD, Фарғона Давлат Университет, Фарғона**  
**М.Ф. Бекчонова, ўқитувчи, Фарғона Давлат Университет, Фарғона**

**Аннотация.** Мақолада, Шохимардонсой – Марғилонсой сув ҳавзасида фасллар ўзгаришининг альгофлорага таъсирининг экологик ҳолатлари баён этилган. Бунда Шохимардонсой-Марғилонсой



оқимлар бўйлаб тарқалган сувўтларининг 308 тур ва тур хилларидан, баҳор мавсумида 81 та (73 - тур, 8 - вариация); ёз мавсумида 240 та (210 - тур, 28 - вариация, 2 - форма); кузда 111 та (100 - тур, 11 - вариация); қишда эса 180 та тур ва тур хиллари (151 - тур, 26 - вариация, 3 - форма) ни ташкил қилди.

**Калит сўзлар:** альгофлора, таксономия, муҳит, оқим, тур ва тур хиллари, вариация, форма, индикатор

**Аннотация.** В статье описаны экологические условия воздействия сезонных изменений на альгофлору в водохранилище Шохимардонсой-Маргилансай. В то же время из 308 видов и видовых разнообразий водорослей в Шохимардонсой-Маргилансой весной 81 (73 вида, 8 вариаций); летом - 240 (210 видов, 28 вариаций, 2 формы); 111 осенью (100 видов, 11 вариаций); а зимой 180 видов и видовых разнообразий (151 вид, 26 вариаций, 3 формы).

**Ключевые слова:** альгофлора, таксономия, окружающая среда, поток, вид и видовое разнообразие, изменчивость, форма, индикатор

**Abstract.** The article describes the ecological conditions of the impact of seasonal changes on algoflora in the Shokhimardonsoy-Margilansay water basin. Of the 308 species and varieties of algae distributed along the Shokhimardonsoy-Margilansay streams, 81 in the spring (73rd species, 8th variation); 240 in the summer season (210th round, 28th variation, 2nd form); 111 in the fall (Round 100, Variation 11); and in winter, 180 species and varieties (151 species, 26 variations, 3 forms).

**Key words:** algoflora, taxonomy, environment, reading, species and species boundaries, variant, form, indicator

Сувўтларининг йил мавсумлари давомидаги ривожланиши сув ва ҳаво ҳарорати, тиниқлик, сувнинг кимёвий таркиби ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. Альгофлорада сувўтларининг мавсумлар бўйича ривожланишида ташқи муҳит омилларининг тутган ўрни ҳақида илмий адабиётларда маълумотлар кўп.

Илмий тадқиқотнинг объекти сифатида Шохимардонсой - Маргилансой дарёси ўрганилди, уни оқимлари бўйлаб ҳарорати, газ режими, тиниқлик, минерализация, шунингдек, биоген элементлар миқдори мавсумга боғлиқ ҳолда ўзгарди. Баҳор мавсумида дарё оқимлари бўйлаб сувнинг ҳарорати 10 - 18°C, ҳаво ҳарорати 22 - 30°C оралиғида, сувнинг тиниқлиги 0,15 0,75 м, рН - 7, оқим тезлиги 2,0 м/секга ўзгаради, сувнинг ранги бир оз лойқароқ. Бундай шароитда дарё оқимлари бўйлаб баҳор мавсумида сувўтларининг жами 81 та тур ва тур хиллари аниқланди.

Улардан – диатом – 66, кўк-яшил - 5, яшил - 6, эвглена - 1, кизиллардан - 2 ва 1 тилларанг сувўтларидир. Ипсимон сувўтлари (*Spirogyra*, *Cladophora*) жуда кам учрайди, уларнинг ўсимталари 0,3 мм.дан 1 см гача узунликка тенг.

Эрта баҳорда сув ҳароратининг пастлиги (3 - 7°C), тиниқликнинг камлиги (0,75 м), оқимнинг 2,0 м/сек тезлиги сувўтларининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Баҳорнинг охирига келиб, сув ҳароратининг кўтарилиши (10 - 18°C) ҳисобига сувўтларнинг сони ҳам ортиб боради.

Ёз мавсумида сувнинг ҳарорати оқим бўйлаб 18 - 26°C оралиғида, ҳаво ҳарорати 24 - 34°C оралиғида, рН - 8, оқим тезлиги 1,0 - 1,5 м/сек, тиниқлик 0,75 – 1 м эканлигини кузатдик. Дарё сувининг ранги юқори оқимда тиниқ ҳаво ранг, қуйи қисмларда жигарранг тус олади. Бу даврда сувўтларининг 240 та тур ва тур хиллари аниқланди. Улардан: кўк-яшил сувўтлари 17 та, диатом сувўтлари 182 та, яшил сувўтлари 37 та, эвглена сувўтлари 2 та, пиропита сувўтлари 2 та, кизил сувўтлари учради. Ёз мавсумида асосан кўк-яшил, диатом ва яшил сувўтлари яхши ривожланади.

Куз мавсумида оқим бўйлаб сувнинг ҳарорати 15 - 21°C; ҳаво ҳарорати эса 18 - 26°C, рН - 7, оқим тезлиги 1 м/сек, тиниқлик 1 - 2 м гача ўзгариб боради. Бу даврда сувўтларининг 111 та тур ва тур хиллари аниқланди. Куз мавсуми давомида Шохимардонсой альгофлорасида аниқланган 111 тур ва тур хилларидан 3 та кўк-яшил, 95 та диатом, 13 та яшил сувўтлари ўсиб ривожланиши аниқланди, пиропита ва эвглена сувўтлари кузатилмади. Альгофлорадаги тур ва тур хилларининг сони жиҳатидан диатом, яшил ва кўк-яшил сувўтлари етакчилик қилади.

Қиш мавсумида қуёш нурунинг камайиши ва сув ҳароратини 1°C га қадар пасайиши сувўтларининг яшаш шароитларида кескин ноқулайликларни туғдиради. Ҳаво ҳарорати эса 8 - 12°C оралиғида, рН - 7, оқим тезлиги 0,5 м/сек, тиниқлик 0,5 - 1 м га тенг. Бу мавсумда жами 180 та тур ва тур хиллари ривожланиши аниқланди. Улардан, диатомлар - 151 та, кўк-яшил - 11 та, яшил - 16 та, эвглена - 1 та, пиропита сувўтларидан 1 та учради.

Альгологик тадқиқотларимиз даврида сув ҳароратининг пасайиши билан турлар сони ва уларнинг учраш даражаси кескин камайиши ўрганилган [4; 348-6.].

#### ХУЛОСА

Шохимардонсой-Маргилансой оқимлар бўйлаб тарқалган сувўтларининг 308 тур ва тур хилларидан, баҳор мавсумида 81 та (73 - тур, 8-вариация); ёз мавсумида 240 та (210-тур, 28-вариация, 2-форма); кузда 111 та (100-тур, 11-вариация); қишда эса 180 та тур ва тур хиллари (151-тур, 26-вариация, 3-форма) ривожланди.

Шохимардонсойда йил мавсумлари давомида рўй берадиган гидрокимёвий, гидрофизикавий ўзгаришлар натижасида альгофлора таркибида ўзгаришлар рўй бериб, сувўтларининг тур ва тур

хиллари сонини ёз мавсумида максимал даражада бўлиши аниқланди. Кўк-яшил, диатом ва яшил сувўтлари ёз ва қиш даврларида яхши ривожланади. Қишда эса барча экологик омиллар йиғиндиси билан бирга ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда альгофлорада тур ва тур хиллари сони жихатидан диатом сувўтлари етакчилик қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алимжанова Х.А. Закономерности распределения водорослей бассейна р. Чирчик и их значение в определении эколого-санитарного состояния водоемов. Дис. докт. биол. наук. - Ташкент, 2005. - 384 с.
2. Музафаров А.М. Флора водорослей горных водоемов Средней Азии. - Ташкент: Изд-во АН УзССР. 1958. - 380 с.
3. Рутковская В.А. Проникновение солнечной радиации в водоемы суши и моря // Сб. научн. тр. Института океанологии. - Москва, 1965. - С. 78.
4. Эргашев А.Э. Закономерности развития и распределения альгофлоры в искусственных водоёмах Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1976.-360с.
5. Фарғона шаҳар сув ҳўжалиги кўмитаси маълумотларидан.

УДК 581.582.232/275.574.5.633

### Кўлиқуббон кўлининг экологик ҳолати ва альгофлорасининг таксономик таҳлили

*М.П. Юлдашева, б.ф.ф.д, PhD, Фарғона Давлат Университет, Фарғона*  
*М.Ф. Бекчонова, ўқитувчи, Фарғона Давлат Университет, Фарғона*  
*О.М. Ғафурова, ўқитувчи, Фарғона Давлат Университет, Фарғона*

**Аннотация.** Мақолада, Фарғона водийсининг кўрки хисобланган Кўлиқуббон кўли сув ҳавзаси альгофлораси турлар таркибининг таксономик таҳлили баён этилган. Бунда сувўтларининг 15 туркум, 11 оила, 8 тартиб, 6 синф бўйича 27 та тур ва тур хилларининг учраши аниқланди ва бу 24 – тур, 2 – вариация, 1 – формани ташиқил қилди. Улардан *Vacillariophyta* (20 та) - 74,07 %, *Chlorophyta* (6 та) - 22,23 % ва *Cyanophyta* (1та) - 3,7 % ни ташиқил қилди.

**Калит сўзлар:** альгофлора, таксономия, муҳит, оқим, турлар ва турларнинг хилма-хиллиги, ўзгарувчанлик, шакл, кўрсаткич

**Аннотация.** В статье представлен таксономический анализ видового состава водорослевой флоры водораздела озера Куликуббон, являющегося красотой Ферганской долины. При этом встречаются водоросли 15 видов, 11 семейств, 8 отрядов, определено 27 видов и разновидностей водорослей 6 классов: 24 - вида, 2 - вариации, 1 - формы. Из них *Vacillariophyta* (20) составляли 74,07%, *Shlorophyta* (6) - 22,23% и *Cyanophyta* (1) - 3,7%.

**Ключевые слова:** альгофлора, таксономия, среда обитание, течение, вид и разнообразие видов, вариация, форма, индикатор

**Abstract.** The article describes a taxonomic analysis of the species composition of the algae flora of the Kalikubbon Lake watershed, which is the beauty of the Fergana Valley. In this case, the occurrence of 15 species, 11 families, 8 orders, 27 species and varieties of algae in 6 classes, and it was 24 - species, 2 - variation, 1 - form. Of these, *Vacillariophyta* (20) - 74.07%, *Shlorophyta* (6) - 22.23% and *Cyanophyta* (1) - 3.7%.

**Key words:** *algoflora, taxonomy, environment, flow, species and species diversity, variation, form, indicator*

Фарғона водийсининг кўрки хисобланган Шохимардон қишлоғи, унда жойлашган Кўлиқуббон ва Яшил (Ойдинкўл) кўлларнинг ноёб табиати барчани ўзига жалб қилиб келган [1].

Илмий тадқиқотнинг объекти сифатида Помир - Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидан бошланувчи умумий узунлиги 112 км бўлган Шохимардонсойнинг альгофлораси ўрганилди [8]. У тоғ тизмалари ён бағирларидан оқиб тушадиган бир қанча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлган. Бу сой ва жилғалар тоғ жинсларини чуқур ўйиб қояли даралар ҳосил қилади.

Шохимардонсой ҳавзасида 3 та кўллар ўрганилди: юқорида Кўксуннинг юқорисида жойлашган Кўлиқуббон, ўрта қисмида Водил пости ёнида жойлашган кўл, Шохимардонсойнинг охири-Жанубий Фарғона каналига қуйилиш атрофида жойлашган балиқчилик кўли. Шулардан Кўлиқуббон кўли альгофлорасининг таксономик таҳлиliga тўхталиб ўтамиз [1-7].

Кўлиқуббон кўли Ҳамза-Обод қишлоғининг жанубида (Шохимардон дарасида) денгиз сатхидан 1700 м баландликда жойлашган, атрофи арчали ўрмон. Шохимардонсой дарё ҳавзаларида ўрганилган Кўлиқуббон музликларда жойлашган ва музларнинг эришидан, унча катта бўлмаган тоғларнинг ўйилмасидан кўл келиб чиққан. У Кўксой дараси, Ҳамза-Обод қишлоғида 6-7 км жанубида жойлашган. Упирилиб тушган жинслар, охактошдан ташкил топган кўлнинг узунлиги 1 км дан ошиқ, эни 200-600 м (гача), ўртача чуқурлиги бир неча см дан 13,3 м гача, туби балчикли бўлиб, эрта баҳорда қуриш пайтида ҳар хил катталиқдаги квадрат плиткаларга бўлинади. Кўлнинг суви кўк рангда, тиниклиги 1-2м га етади. Фақатгина қорларнинг эриш пайтида ва кучли ёмғир кузатилгандан кейин сувлар лойқаланиб, тиниклиги 30-40 см пасайиб кетади. Кучли қор эриши даврида кўл сувга тўлади, кузга бориб сув кўпаяди (кўшилади), куз охирида кўлга бориб қуйиладиган дарё кам сувли бўлиб қолади.

Қишда кўлда сувлар камая бошлайди ва фақат энг чуқур жойида, атига кўлнинг 10 % ташкил қиладиган сувлар сақланади. Қишда кўл туби мустахамкам муз қопламлари билан қопланади, баҳорда яна сув билан аста секин тўлади [1].

Кўлдан оқиб чиққан сув фильтирланиб 3-4 жойларда катта бўлмаган арикчаларни ҳосил қилади. Уларни қўшилишидан Кўксой дарёси ҳосил бўлади. Шунинг учун Кўксой дарёси пастроқда тоза ва тиник. Кўликуббон Кўксой дарёси сув режимини бошқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Альгологик тадқиқотларимиз натижасида Кўликуббон кўлида сувўтларининг 27 та тур ва тур хиллари (24 та тур, 2 та вариация, 1 та форма) нинг учраши аниқланди.

Сувўтлар орасида турлар ва тур хилларининг сони жиҳатидан *Bacillario-phyta* (20 та), *Chlorophyta* (6та) ва *Cyanophyta* (1 та) бўлимларининг сувўтлари учрайди.

Кўлда *Bacillariophyta* бўлими шу бўлимдаги умумий тур ва тур хиллари сонининг 74,07% ини ташкил қилади ва сувўтларининг асосий қисми – *Cyclotella comta* (Ehr.) Kuetz., *Fragilaria bicapitata* A.Mayer., *Synedra amphicephala* Kuetz., *S. ulna* (Nitzsch) Ehr., *Mastogloia Smithii* Thw., *Navicula cryptocephala* var. *perminuta* Grun., *N.kolbei* Poretzky et Anissimowa., *N. incerta* Grun., *N. mutica* Kuetz., *N. natchikae* Boye P., *N. salinarum* Grun., *Cymbella australica* A.S., *C. cistula* (Hemp.) Grun., *C. helvetica* Kuetz., *C. prostrate* (Berkeley) Cl., *C. skvortzowii* Skabitsch., *C. sinuate*. f. *ovata*. Hust., *Gomphonema constrictum* var. *minor* Skv., *Nitzschia palea* (Kuetz.) W. Sm., *N. parvula* Lewis кабилар.

*Chlorophyta* бўлими шу бўлимдаги умумий тур ва тур хиллари сонини 22,23% ини ташкил қилади ва бу сувўтлари ичида энг кўп тарқалган тур ва тур хилларидан *Pediastrum. muticum* Kuetz., *Palmodictyon varium* Lemm., *Schizomeris leiblenii* Kuetz., *Enteromorpha intestinalis* (L) Link., *Oedogonium nodulosum* Wittr. *Closterium nordstedtii* (Delp) Chodat. ва бошқалар учради.

*Cyanophyta* бўлим шу бўлимдаги умумий тур ва тур хиллари сонини 3,7% ини ташкил қилади ва сувўтларидан- *Gloeocapsa decorticans* (A. Br.) P. Richt. тури кам сонда учради.

Юқори минтақада жойлашган кўлда ҳароратининг пастиги (1-7<sup>0</sup>С), оқимнинг йўқлиги, тиникликни юқорилиги (1,5-2м), биоген моддаларнинг деярли йўқлиги ва бошқа омилларнинг таъсири тур хиллари бўйича сувўтларнинг кам миқдорда учрашига сабаб бўлади.

Шунга кўра, юқори оқимдаги сувўтларининг турлари таркибини таксономик таҳлил қилиш асосида 15 туркум, 11 оила, 8 тартиб, 6 синф бўйича 27 та тур ва тур хиллари аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Музафаров А.М. Флора водорослей водоемов Средней Азии. -Ташкент: Изд-во Наука. 1965. - 580 с.
2. Музафаров А.М., Эргашев А.Э., Халилов С. Определитель синезеленых водорослей Средней Азии. Кн. 11. -Ташкент: Фан, 1988 а. - С. 406-815.
3. Определитель пресноводных водорослей СССР. Вып. I. 1951; II. 1953; III. 1954; IV. 1951; VI. 1954; VII. 1955; VIII. 1959; X.(1) 1986; XI. 1982; XII.
4. Мошкова Н.О. Определитель пресноводных водорослей Украинской ССР. Вып.6. Улотриксые и кладофоровые водоросли. – Киев: Наукова думка, 1979. – 500 с.
5. Эргашев А.Э. Определитель протокковых водорослей Средней Азии. Кн. I, II. (Тетраспоровые– *Tetrasporales* и Хлорококковые– *Chlorococcales*). – Ташкент: Фан, 1979 а, б. – 344 с; 384 с.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси – Тошкент, Давлат илмий нашриёти, X. 2005. 110 бет.

## XORAZM VILOYATIDA TURIZM SALOHİYATINI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIY MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

*Sh.R. Jumaniyazova, o'qituvchi, Urganch Davlat Universiteti, Urganch*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada Xorazm viloyati turizm salohiyatini rivojlantirishning tashkiliy mexanizmlarini takomillashtirish va ushbu sohada amalga oshirilayotgan islohotlar tahlil qilingan va turizm sohasining milliy iqtisodiyotda, hududlarni rivojlantirishda va yangi ish o'rinlari yaratishdagi roli ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** salohiyat, tashkiliy mexanizm, innovatsiya, turizm infratuzilmasi

**Аннотация.** В статье анализируется совершенствование организационных механизмов развития туристического потенциала Хорезмской области и проводимые в этой области реформы, раскрывается роль туризма в национальной экономике, региональном развитии и создании рабочих мест.

**Ключевые слова:** потенциал, организационный механизм, инновации, туристическая инфраструктура

**Abstract.** This article analyzes the improvement of organizational mechanisms for the development of tourism potential of Khorezm region and the ongoing reforms in this area, and reveals the role of tourism in the national economy, regional development and job creation..

**Keywords:** potential, organizational mechanism, innovation, tourism infrastructure

### Kirish

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash va aholi farovonligini oshirish sharoitida xizmat ko'rsatish sohasida bandlikni oshirish bugungi kunda mamlakat iqtisodiyoti oldida turgan muhim masalalardan biridir. Xususan, mulkchilikning asosiy harakatlantiruvchi kuchi deb e'tirof etilayotgan xizmat ko'rsatish sohasidagi bandlikni oshirishning istiqbolini belgilash, tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish va shu masala yuzasidan ilmiy jihatdan asoslangan taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish muhim hisoblanadi.

Ana shularni hisobga olib, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab, hozirgi kunga qadar zamon talablariga javob beradigan turizm infratuzilmasini tarkib toptirish va rivojlantirish borasida amalga oshirib kelinayotgan islohotlar o'zining ijobiy natijalarini bermoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezident Sh. Mirziyoyev «... Turist sayohat qilishi, ichki ishlar idoralarida sarson bo'lmaligi kerak. Agar biz turizm hisobiga ish o'rinlari ochamiz desak, turistga shart qo'yish emas, balki sharoit yaratishimiz zarur»<sup>1</sup> deb ta'kidlagan edilar.

Turizm sohasida tadbirkorlik faolligini rag'batlantirish va turizm xizmatlari bozorida raqobatni rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlarni hamda turizm sohasida statistik hisobga olish tizimi takomillashtirilmoqda.

Xususan, Xorazm viloyati mintaqasida turizm sohasini rivojlantirish sohadagi mavjud muammolarni hal qilishni taqozo qiladi, sohani keng taraqqiy qildirishning zamonaviy va yangi turlarini tatbiq qilishni talab qiladi. Bu esa Xorazm viloyat mintaqasida turizm sohasini rivojlantirish holati, ahvolini tahlil qilish, infratuzilma tarmoqlarining ta'siri va turizmni rivojlantirishning yo'nalishlari va istiqbollarni o'rganish bilan bog'liq.

Shuningdek, sohada me'yoriy-huquqiy jihatdan tartibga solishni takomillashtirish va xalqaro hamkorlikni rivojlantirish, O'zbekistonga sayohatlarni arzonlashtirish, yurtimizning barcha hududlarida turizmni va soha bilan bog'liq infratuzilmani rivojlantirish, turistik mahsulotlarni diversifikatsiya qilish va yangi turizm ob'yektlari tashkil etish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar dasturi tasdiqlandi.

**Adabiyotlar tahlili.** Iqtisodiy adabiyotlarda turizm rivojlanishining turli xil jihatlari bo'yicha nazariy va uslubiy muammolari o'rganilgan. Avvalo, turizm iqtisodiyotning maxsus sohasi va inson faoliyatining o'ziga xos ko'rinishi hisoblanadi [3]. Shu sababli ham, turizm sohasida iqtisodiy taraqqiyotning umumiy qonuniyatlari o'zining mahsus qirralarida namoyon bo'ladi.

Bir guruh mualliflar ushbu tushunchaga ta'rif berishda V. Xunsiker - K. Krapflar talqinidagi turizmning umumiy nazariyasiga tayanadilar: «Insonlarning munosabatlari va ularning yashash joyidan tashqaridagi faoliyati doimiy yashash tarziga aylanmasdan va mehnat haqi olish bilan bog'liq bo'lmagan holda kun kechirishi natijasida kelib chiqadigan munosabatlar majmuasi» [4].

Bir guruh olimlar turizmni iqtisodiy hodisa sifatida turistik tur tushunchasi, ya'ni turoperator va turagentliklar faoliyati bilan bog'laydilar. Bu nuqtayi nazarga rossiyalik ba'zi mutaxassislar ham qo'shilishida va «tashkilotlarning ayrim qismigina faqat turistlar uchun mo'ljallangan tovar va xizmatlarni ishlab chiqarishga ixtisoslashgan», deb ta'kidlaydilar [5].

"Salohiyat" atamasi o'zining etimologik ma'nosida lotincha "potentsiya" so'zidan kelib chiqqan va "yashirin imkoniyatlar" degan ma'noni anglatadi, bu iqtisodiy amaliyotda mehnat tufayli haqiqatga aylanishi

<sup>1</sup> O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligidagi ma'ruzasidan .- 2018 yil 22 fevral

mumkin. Iqtisodiy adabiyotlarda ushbu atama keng ma'noda imkoniyatlar, mavjud kuchlar, zaxiralar, ishlatilishi mumkin bo'lgan vositalar yoki har qanday jihatdan kuch darajasi, biror narsa uchun zarur bo'lgan vositalar to'plami sifatida talqin etiladi. A.N. Azriliyan tahrir qilgan "Katta iqtisodiy lug'at" [6] bu atama har qanday sohadagi mavjud vositalar, imkoniyatlar yig'indisi sifatida tushuniladi.

Charles R. Goldener va J.R. Brent Ritchie: "Turizm - bu murakkab hodisa, uni qisqacha ta'riflash juda qiyin. Turizmning har qanday "modeli" turistik tizim tarkibini yoki tarkibiy qismlarini, shuningdek, uning ichida sodir bo'lgan asosiy jarayonlar va natijalarni qamrab olishi kerak" [7] deb ta'rif bergan. Ushbu jarayonlar va natijalar turizmning mohiyatini, sayyohlik tajribasini va turizmni amalga oshirishga yordam beradigan vositalarni o'z ichiga oladi.

Shuningdek, Baltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh. va S.A Abduhamidovlar quyidagi fikrlarni keltirib o'tganlar: Dunyoda turizm xizmatlar bozori samaradorligini oshirish bo'yicha qator, jumladan, quyidagi ustuvor yo'nalishlarda tadqiqotlar olib borilmoqda:

- turizm bozorining tashkiliy-iqtisodiy omillarini innovatsion rivojlanish asosida yanada aniqlashtirish;
- turizm xizmatlari eksportini uning yangi istiqbolli turlari (agrar va vino turizmi, ekoturizm, malakaviy – ish turizmi va boshqalar) asosida rivojlantirish;
- turizm sohasining sub'yektlari faoliyatini bozor sharoitida boshqarish mexanizmini muvofiqlashtirish;
- turizm xizmatlar bozorini innovatsion texnologiyalar asosida takomillashtirish [1].

**Tahlil va natijalar.** Xorazm viloyatida turizm sohasini yanada rivojlantirish, viloyatimizga xorijiy va mahalliy sayyohlarni yanada ko'proq jalb qilish, turizm sohasida ko'rsatilayotgan xizmatlar sifati va ko'lamini yanada oshirish bo'yicha bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Buning natijasida viloyatimizga xorijiy sayyohlarning oqimi yildan yilga o'sib bormoqda.


Xorazm viloyatiga 2019 yil jami **2 622 776 nafar sayyohlar**, shundan 154 ta xorijiy davlatlardan **420 828 nafar** o'rtacha hisobda **xorijiy** sayyohlar tashrif buyurgan bo'lib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan 3,4 barobarga o'sgan.

Xorazm viloyatida turizm sohasini yanada rivojlantirish maqsadida 2019 yil davomida mahalliy va xorijiy tashabbuskorlar tomonidan umumiy qiymati **244,7 mlrd. so'm** (o'z mablag'lari 158,2 mlrd. so'm, bank krediti 50,5 mlrd.so'm, xorijiy investitsiya 2,3 mln. doll, mahalliy byudjet 1,2 mlrd so'm, respublika byudjeti 12,1 mlrd so'm, respublika jamg'armalaridan 0,8 mlrd so'm) miqdoridagi jami **399 ta** loyihalar amalga oshirilib, natijada **1804 nafar** yangi ish o'rinlari yaratildi, Jumladan:

- **87 ta** joylashtirish vositalari (*jami 874 xona, 2034 o'rinli*), shundan; **28 ta** mehmonxona (*683 xona, 1496 o'rinli*), **59 ta** oilaviy mehmon uylari (*191 xona, 538 o'rinli*);
  - **97 ta** turistik sinfga mansub transport vositalari (*18 ta avtobus, 75 ta mikroavtobus va 4 ta elektromobil*) sotib olish;
  - **8 ta** sayohlar uchun milliy taomlar shaxobchalari tashkil qilish;
  - **4 ta** tibbiyot va fitnes klub sog'lomlashtirish markazini tashkil etish;
  - **4 ta** ekoturizm sohasini rivojlantirish bo'yicha;
  - **13 ta** hunarmandchilik markazi tashkil etish loyihalari amalga oshirildi;<sup>2</sup>
- Ma'lumki, turizm sohasida uning jadal rivojlanishi, bir maromda taraqqiy qilishi turistik faoliyatning amalga oshirilishi mehmonxona xo'jaligi faoliyati bilan belgilanadi.

1-diagramma

Joylashtirish vositalari sonining 2017-2019 yillar davomidagi o'sish grafiqi<sup>3</sup>



Xususan, Xorazm viloyatida 2019 yil davomida jami **87 ta** joylashtirish vositalari (*874 xona, 2034 o'rin*) ishga tushirildi:

- 28 ta mehmonxona (*683 xona, 1496 o'rin*)
- 59 ta oilaviy mehmonxona (*191 xona, 538 o'rin*)

<sup>2</sup> Xorazm viloyati turizmni rivojlantirish Departamentining Xorazm viloyatida turizm sohasida 2019 yilning yanvar-dekabr oylari davomida amalga oshirilgan ishlar va 2020-2021 yillarda bajarilishi lozim bo'lgan dolzarb vazifalar to'g'risida taxliliiy ma'lumotidan

<sup>3</sup> Xorazm viloyati turizmni rivojlantirish Departamentining Xorazm viloyatida turizm sohasida 2019 yilning yanvar-dekabr oylari davomida amalga oshirilgan ishlar va 2020-2021 yillarda bajarilishi lozim bo'lgan dolzarb vazifalar to'g'risida taxliliiy ma'lumotidan.

Turizm sohasida mehmonxona tarmog'ini rivojlantirish bo'yicha ayrim muammolar mavjud bo'lib, ular:

- Malakali kadrlarning yetishmasligi;
- Sohani barqaror moliyalashtirishning yetishmasligi;
- Mavjud mehmonxonalarni rekonstruktsiya qilish samaradorligining pastligi;
- Zamonaviy axborot texnologiyalaridan yetarli darajada foydalanmaslik;
- Viloyatda turizm xizmatlari sifatining jahon andozalariga javob bermasligi;
- Qo'shimcha xizmatlar (transport, bank, sanitariya-epidemiologik va sug'urta xizmatlari) rivojlanish darajasi pastligini ko'rsatish mumkin.

Mehmonxona biznesi O'zbekiston iqtisodiyotining yangi sohasidir, shuning uchun malakali ishchilarning zaxiralari yo'q, ularni tayyorlash va o'qitish uchun ixtisoslashtirilgan o'quv muassasalari tarmog'ini yaratish va unga o'z navbatida mablag' sarflash zarur.

Shuningdek, bugungi kunda mehmonxona xo'jaligi xizmatidan foydalanish uchun raqamli iqtisodiyot allaqachon xizmat qilmoqda. Fikrimizcha, bu xizmat turlarini kengaytirish bo'yicha har bir mehmonxona raqamli marketing strategiyasini ishlab chiqishi zarur. Mehmonxonada yaxshi raqamli marketing strategiyasidan foydalanish orqali mehmonxona o'zining sodiq mijozlar bazasini yaratishi mumkin. Hozirgi kunda zamonaviy mehmonxonalar Facebook, Instagram, Youtube kabi ijtimoiy media platformalarida bo'lishi yangilik emas. Ammo, bundan maksimal darajada foydalanish mehmonxonaning raqamli marketing strategiyasida zarur bo'lgan narsadir va bugungi kunda odamlar sayohat yo'nalishlarini o'rganish va mehmonxonalarni bron qilish uchun an'anaviy kanallarga qaraganda raqamli kanallardan ko'proq foydalanmoqdalar.

Fikrimizcha, mehmonxona sanoati uchun yaxshi raqamli marketing strategiyasi quyidagilarni o'z ichiga olishi kerak:

- mehmonxona veb-saytlari marketingi;
- mehmonxonalarining ijtimoiy media marketingi;
- mehmonxona elektron pochta marketingi;
- mehmonxonalarining raqamli brendi.

Byudjetga valyuta tushishi hisobiga turizm iqtisodiyotining boshqa tarmoqlari rivojiga ham ta'sir ko'rsatadi, mintaqalar infratuzilmasi, yangi ish joylari yaratish, o'zbek xalqining tarixiy va madaniy merosini tiklash imkonini beradi. O'zbekistonning xalqaro maydondagi nufuzi ortishiga turizmning hissasi katta bo'lishi kerak. Buning uchun mamlakatimizda imkoniyatlar bor, xususan Xorazm viloyatida yangi sifatli turistik ob'ektlarni ko'paytirish va shu yo'l bilan mamlakat iqtisodiyotini yuksaltirish bir qator chora –tadbirlarni amalga oshirishni talab etadi. Bu borada:

- turizm tizimida marketing tadqiqotlarini tashkil etish;
- turistik ekskursiya xizmati ko'rsatish turi va sifatini rivojlantirish;
- tarixiy obida va yodgorliklarni reklama qilish;
- yangi turistik makonlarni izlab topish va tashkil etish;
- qo'shimcha xizmatlar turlarini ko'paytirish va yaxshilash;
- turizm bilan bog'liq barcha tarmoqlar: maishiy xizmat, aloqa, transport va hokazolar ishini takomillashtirish;

- hodimlarni tizimli ravishda turizm sohasi rivojlangan mamlakatlarda malakasini oshirish zarur.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Baltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduhamidov S.A. «Turizm: nazariya va amaliyot». Darslik, Toshkent, 2018
2. Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., Ibodullayev N.E., Amriddinova R.S.. Turizm asoslari. O'quv qo'llanma. – Samarqand: SamISI, 2010. - 17 b.
3. Xorazm viloyati turizmni rivojlantirish Departamentining “Xorazm viloyatida turizm sohasida 2019 yilning yanvar-dekabr oylari davomida amalga oshirilgan ishlar va 2020-2021 yillarda bajarilishi lozim bo'lgan dolzarb vazifalar to'g'risida taxliliy ma'lumoti”.
4. Лукачева Л.И., Кварталнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма. Основы менеджмента. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2006, 352 с
5. Жукова М.А. Менеджмент в туристическом бизнесе. Учебное пособие. 2-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2006, 193 с.
6. Азрилиян А.Н. Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики, 1998. – 864 с.
7. Charles A. Goeldner, J.R. Brent Ritchie. *Tourism Principles, Practices, Philosophies*, New Jersey, John Wiley & Sons, 2012.

UO'K 657.1

#### MHXSGA MUVOFIQ ASOSIY VOSITALARNI HISOBGA OLISH

*G.M. Raximova, o'qituvchi, Termiz Davlat Universiteti, Termiz*

**Аннотация.** Мақоллада MHXS da asosiy vositalarni hisobga olishda qo'llashning amaliy jihatlari ko'rib chiqiladi: umumiy qoidalar, ishlatiladigan modellar va yondashuvlar, shuningdek, korxonalarining moliyaviy hisobotiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan xarajatlarni hisobga olishning turli aktivlari va xususiyatlari. Standartga muvofiq, asosiy vositalar mahsulot va xizmatlarni ishlab chiqarish yoki etkazib

berish, ijara yoki ma'muriy maqsadlarda foydalanish uchun mo'ljallangan va uzoq hamda qisqa vaqt davomida foydalanish uchun mo'ljallangan moddiy aktivlardir.

**Kalit so'zlar:** IAS tamoyillari, standart, buxgalteriya hisobi, hisobot berish, hisob-kitob rejasi, buxgalteriya siyosati

**Аннотация.** В статье рассматриваются практические аспекты IAS в области бухгалтерского учета основных средств: общие правила, используемые модели и подходы, а также различные активы и особенности учета затрат, которые могут повлиять на финансовую отчетность предприятий. Согласно стандарту, основными инструментами являются материальные активы, предназначенные для использования в процессе производства или поставки товаров и услуг, аренды или административных целях и предназначенные для использования в течение длительных и коротких сроков.

**Ключевые слова:** IAS принципы, стандарт, бухгалтерский учет, отчетность, план счетов, политика бухгалтерского учета

**Abstract.** The article discusses the practical aspects of IAS in the field of accounting for fixed assets: General rules, models and approaches used, as well as various assets and features of cost accounting that may affect the financial statements of enterprises. According to the standard, the main instruments are tangible assets intended for use in the production or delivery of goods and services, lease or administrative purposes, and intended for use for long and short periods.

**Keywords:** IAS principles, standard, Accounting, reporting, chart of accounts, accounting policy

**Kirish.** Ko'pgina korxonalarda asosiy vositalar korxonaning barcha aktivlarining yarmidan ko'pini tashkil qiladi. Korxonaning to'lov qobiliyatini va uning investitsion jozibadorligini baholashda asosiy vositalarning tuzilishi va hajmi haqida ma'lumot muhim ahamiyatga ega. Shu bilan birga, korxonalar MHXS (IAS)ga o'tishda asosiy vositalarning qiymati O'zbekiston hisobotlarida ularning qiymatidan sezilarli darajada farq qilishi mumkinligiga tayyor bo'lishi kerak.

Xalqaro standartlarga muvofiq asosiy vositalarni hisobga olish MHXS (IAS) 16 "mol-mulk, mashina va uskunalar" (mulk, o'simlik va uskunalar) tomonidan tartibga solinadi.

Standartning birinchi nashri 1982 yilda ishlab chiqilgan. Oxirgi marta standart 2003 yilda qayta ko'rib chiqilgan va kiritilgan o'zgarishlar 1- yanvar 2005-yildan kuchga kirgan. MHXS (IAS) 16 ning yangi tahririyatiga sharhlar bo'yicha Qo'mitaning quyidagi qoida- talablari kiritildi:

"Mavjud dasturiy ta'minotni yangilash xarajatlari ";

"Asosiy vositalarni yo'qotish yoki yo'qotish uchun kompensatsiya";

"To'liq texnik audit yoki kapital ta'mirlash xarajatlari ".

Bundan tashqari, MHXS (IAS) 16 ning yangi nashri 16 loyihasining o'zi tasdiqlanmaganiga qaramasdan, "daromad hisobotida aks ettirilgan ikkinchi darajali operatsiyalar" loyihasida (draft) belgilangan qoidalar va talablarning bir qismini o'z ichiga olgan.

MHXS (IAS) 16 ning so'nggi tahririyatiga kiritilgan muhim o'zgarishlar asosiy vositalarni hisobga olgan holda quyidagi operatsiyalarga ta'sir ko'rsatdi:

- moddiy bo'lmagan aktivlar uchun asosiy vositalarni almashish. Bunday operatsiyalarni aks ettirishda asosiy vositalar bilan almashtirilishi mumkin bo'lgan barcha nomoddiy aktivlar adolatli qiymat bilan baholanishi kerak;

- amortizatsiya usulini va asosiy vositalarning foydali muddatini o'zgartirish zarurligini muntazam tahlil qilish talabi joriy etildi.

**Dolzarbligi.** Shuni ta'kidlash kerakki, MHXS (IAS) 16 qoidalari asosiy vositalarning ayrim ob'ektlariga qo'llanilmaydi. MHXS (IAS) 41 "qishloq xo'jaligi" va tog ' - kon huquqi (MHXS (IAS) 6 "razvedka va minerallarni baholash" bo'yicha hisobga olingan biologik aktivlar (hayvonlar va o'simliklar). Shu bilan birga, MHXS (IAS) 16 talablari qishloq xo'jaligi va foydali qazilmalarni qazib olishni rivojlantirish va ta'minlash uchun foydalaniladigan asosiy vositalarni hisobga oladi. Shuni esda tutish kerakki, boshqa standartlar MHXS (IAS) 16 dan tashqari, asosiy vositalarning ayrim toifalarini aks ettirish va baholash uchun boshqa yondashuvni talab qilishi mumkin. Misol uchun, ijaraga olingan asosiy vositalar MHXS (IAS) 17 "ijara" ga muvofiq hisobga olinadi va MHXS (IAS) 40 "investitsiya mulki" ga muvofiq daromad olish uchun mo'ljallangan asosiy vositalar ob'ektlari hisoblanadi.

Yerni ijaraga oladigan tashkilotlar bor va MHXS (IAS) 17 "ijara" ko'ra operatsion ijara ob'ektlari sifatida aks ettirilgan. Kamdan-kam hollarda ular tashkilotlarga tegishli bo'lib, MHXS (IAS) 16 ga muvofiq asosiy vositalar sifatida aks ettiriladi. Ba'zi hollarda yer uchastkalari MHXS (IAS) 40 "investitsiya mulki" yoki MHXS (IAS) (IAS) 17 bo'yicha lizing ob'ekti sifatida investitsiya mulki sifatida aks ettirilishi mumkin. MHXS (IAS) bo'yicha moliyaviy hisobotda yer uchastkalarini aks ettirish yondashuvi muayyan vaziyatga bog'liq.

**Amaliyot.** MHXS (IAS) 16 ning asosiy qoidalarga batafsil to'xtalamiz.

Asosiy vositalarni tan olish

MHXS (IAS)GA muvofiq 16 aktivlar uchta asosiy shartni bajarishda asosiy vositalar sifatida hisobga olinishi mumkin.

1. Korxonada kelajakda aktiv bilan bog'liq iqtisodiy manfaatlarga ega bo'lishiga ishonch bor. Shuni ta'kidlash kerakki, kelajakda iqtisodiy imtiyozlar pul jihatidan baholanishi shart emas. Misol uchun, asosiy

vositalarni korxonada xavfsizligi yoki atrof-muhitni muhofaza qilish uchun sotib olish mumkin. Bunday aktivlardan foydalanishning foydasi korxonaning o'z faoliyatini davom ettirish huquqi hisoblanadi.

Korxonaning asosiy vositalariga nisbatan biz ulardan foydalanish yoki o'zgartirish bo'yicha mavjud cheklolarga e'tibor qaratamiz. Xususan, korxonada davlat tomonidan tarixiy yodgorlik sifatida himoyalangan ko'chmas mulk ob'ektiga ega bo'lishi mumkin. Bunday mol-mulk qiymatini eng antiqa buyumlar tashkil etadi. Ular korxonaga iqtisodiy foyda keltirsa-da (masalan, korxonada ofisining obro' - e'tiborini oshirish yoki mijozlar sadoqatining omillaridan biri), ammo ularning qiymatini amortizatsiya yo'li bilan sarflamaydi. Aksincha, antikvarlarning qiymati vaqt o'tishi bilan ortadi. Biz uni amortizatsiya qilmaslikka qaror qildik.

2. Aktivning qiymati ishonchli tarzda baholanishi mumkin. Odatda, asosiy vositalarning qiymatini baholash bilan bog'liq muammolar yuzaga kelmaydi (baholash haqida ko'proq ma'lumot olish uchun pastga qarang).

3. Asosiy vositalar ishlab chiqarish jarayonida iste'mol qilinmaydi, balki amortizatsiya orqali tayyor mahsulot narxiga o'tkaziladi. Amalda, MHXS (IAS)ga muvofiq asosiy vositalar ko'pincha korxonada ishida bir yildan ortiq foydalaniladigan aktivlarni o'z ichiga oladi.

Asosiy vositalarni saqlash uchun ehtiyot qismlar va uskunalar odatda qimmatli qog'ozlar sifatida hisobga olinadi va ular ishlatilgan davrda iste'mol sifatida e'tirof etiladi. Shu bilan birga, zaxira qismlar, agar ular bir nechta hisobot davri (yil) dan foydalanilsa yoki korxonaning iqtisodiy foydasini faqat asosiy vositalar bilan uzviy bog'liq holda olib boradigan bo'lsa, asosiy vositalar sifatida tasniflanishi mumkin.

MHXS (IAS) 16 asosiy vositalarning alohida ob'ektini aniqlamaydi. Shunday qilib, muayyan holatlarda, aktivni asosiy vositalar ob'ekti sifatida tan olish to'g'risida qaror qabul qilishda professional qaror katta rol o'ynaydi. Ba'zan asosiy vositalarning bitta inventarizatsiya ob'ekti sifatida hisob-kitob qilish uchun asosiy vositalarning mezonlarini qondiradigan bir nechta kichik ob'ektlarni (masalan, asboblari) birlashtirish o'rinni bo'lishi mumkin.

Telekommunikatsiya sohasida faoliyat yuritayotgan korxonalar uchun hisobotlarni tuzishda, ko'pincha, masalan, turli telefon uskunalarini telefon podstansiyasi darajasiga birlashtirish zarur bo'ladi. Bu sizga aniqroq baholash imkonini beradi va ko'pincha bunday ob'ektlarning qiymatini oshiradi, chunki guruhlangan ob'ektlar katta pul oqimlarini yaratishga imkon beradi.

**Asosiy vositalarni baholash** MHXS (IAS) 16 ga muvofiq asosiy vositalar sotib olish yoki qurish vaqtida haqiqiy narx bo'yicha baholanadi. Sotib olingan asosiy vositalarning haqiqiy qiymati sotib olish narxidan iborat bo'lib, import bojlari, qaytarib berilmaydigan soliqlar va xarajatlarni hisobga olgan holda, ob'ektni ish sharoitiga (ish haqi, materiallarni sotib olish xarajatlari, dizayn va dizayn ishlarining narxi va boshqalar) olib kelish uchun talab qilinadi. Shuni ta'kidlash kerakki, asosiy vositalarni yaratish yoki sotib olish uchun jalb qilingan kreditlar bo'yicha foizlar hisobot davri mobaynida kredit muddati davomida xarajatlar bilan bog'liq bo'lishi mumkin yoki ishga tushirilgunga qadar (MHXS (IAS) 23 tomonidan tartibga solinadi ("kreditlar xarajatlari")). Foizlarni hisobga olishning muayyan yondashuvidan foydalanish to'g'risidagi qaror korxonada tomonidan mustaqil ravishda qabul qilinadi, buxgalteriya siyosatida tavsiflanadi va asosiy vositalarning barcha ob'ektlari uchun qo'llaniladi. Qarz olish xarajatlarini kapitalizatsiya qilishda asosiy vositalarning bir ob'ekti uchun ruxsat etilmaydi, boshqalari esa davr xarajatlarini nazarda tutadi.

Korxonada tomonidan yaratilgan asosiy vositalarning haqiqiy qiymati dizayn, qurilish (yig'ish), o'rnatish va etkazib berishning barcha xarajatlarini hisobga olgan holda aniqlanadi. Asosiy vositalarning ob'ekti rejalashtirilgan ish joyiga o'rnatilganda va uning maqsadi uchun ishlatilganda yaratilgan asosiy vositalarning narxiga sarflanadigan xarajatlar to'xtatiladi. Shuning uchun, ob'ektni ishlatish yoki uni ko'chirish bilan bog'liq xarajatlar ob'ektning balans qiymatiga kiritilmasligi kerak. Shuningdek, asosiy vositalarni to'liq quvvatda olib tashlash, asosiy vositalarni ishga tushirishning dastlabki bosqichida yo'qotishlar, masalan, mahsulotga bo'lgan talabning kamligi va harakat xarajatlari bilan bog'liq xarajatlar kapitalashtirilmaydi.

Asosiy vositalarning ob'ekti bilan bog'liq keyingi xarajatlar davr xarajatlarini yoki kapitalashtirishni o'z ichiga olishi mumkin. Xarajatlar muhim modernizatsiya yoki rekonstruksiya qilingan taqdirda aktivning narxiga kiritiladi. Ko'pincha ta'mirlash bilan bog'liq xarajatlarni belgilash masalasini hal qilish qiyin. Amaliyotda yuk mashinasi vosita bilan almashtirilganda va yuk hajmi 10 dan 15 gacha o'zgargan bo'lsa, yangi dvigatelni sotib olish va o'rnatish xarajatlari avtomobil narxiga bog'liq edi. Agar yangi dvigatel bir xil kuchga ega bo'lsa va mashinaning yuk hajmini o'zgartirmasa, unda bunday xarajatlar joriy davr xarajatlari sifatida tasniflanishi kerak.

Amalda, davriy xarajatlarga taalluqlilarni aniqlash va har qanday-ob'ekt qiymatini oshirish, ya'ni, kapitalizatsiya qilishda quyidagi printsiplarga rioya qilish kerak:

- qo'shimcha xarajatlar va ob'ektga qo'shimcha xususiyatlar va fazilatlarni berish o'rtasida bevosita aloqaning mavjudligi;

- asosiy vositalar ob'ekti uchun qo'shimcha xarajatlardan olingan natijalarning "ajralmasligi".

Shunday qilib, ob'ektni rekonstruksiya qilish va modernizatsiya qilish uchun to'g'ridan-to'g'ri xarajatlar to'g'ri kapitalashtirishga to'g'ri keladi va shunga o'xshash ta'mirlash xarajatlari, ya'ni ob'ektning asl xususiyatlarini va sifatini tiklash-davr xarajatlarini nazarda tutadi.

Keyinchalik korxonada asosiy vositalarni hisobga olishning ikkita usuli — haqiqiy yoki ortiqcha qiymatdan birini tanlashi kerak. Qabul qilingan baholash usuli barcha asosiy vositalarga qo'llaniladi.



Korxonaning ortiqcha qiymatini hisobga olgan holda, asosiy vositalarni qayta baholash kerak bo'ladi. Odatda, bu aktivning adolatli qiymatini o'zgartirish uchun old shartlar mavjud bo'lsa amalga oshiriladi. Ba'zi mol-mulk bozor qiymati tez-tez o'zgarishga moyil, amalda, har yili overpriced bo'lishi mumkin. Asosiy vositalarning ko'pchiligi uch yildan besh yilgacha bo'lgan davriylik bilan baholanadi. Agar asosiy vositalarning har qanday ob'ektining qiymati qayta ko'rib chiqilsa, unda asosiy vositalarning butun klassi qayta baholanishi kerak. Odatda, yer, uskunalar, transport vositalari va boshqalar kabi asosiy vositalar sinflari ajratiladi.

Asosiy vositalarning ob'ektini qayta baholashda to'plangan amortizatsiya quyidagi usullardan biri bilan hisobga olinadi:

- ob'ektning asl qiymati o'zgarishiga mutanosib ravishda qayta baholanadi;
- aktivning dastlabki qiymati hisoblangan amortizatsiya miqdori bilan kamayadi, undan keyin aniq balans qiymati qayta baholanadi. Bu usul ko'pincha binolar va inshootlarni qayta baholash uchun ishlatiladi.

Asosiy vositalarning balans qiymatining oshishi (qo'shimcha baholash) zaxirani yaratish sifatida aks etadi va pasayish (pasayish) xarajat sifatida e'tirof etiladi. Har bir qayta baholash natijasi bir xil ob'ektlarni oldindan qayta baholashga bog'liq. Qayta baholash miqdori ilgari xarajat sifatida e'tirof etilgan bir xil ob'ektni belgilash miqdori doirasida daromad sifatida tan olinishi kerak. Markdown miqdori ilgari kapitalga kiritilgan bir xil ob'ektni qayta baholash miqdorini kamaytirishni nazarda tutishi kerak.

Asosiy vositalarning foydali foydalanish davrida aktivning qiymati sezilarli darajada kamaygan holatlar yuzaga kelishi mumkin, masalan, aktivning rejalashtirilganidan ko'ra tezroq eskirishi, jismoniy shikastlanish va boshqalar. Bunday holatda, korxonadan qabul qilingan buxgalteriya usulidan qat'i nazar, asosiy vositalarning ob'ektining amortizatsiyasi MHXS (IAS) 36 "aktivlarning amortizatsiyasi"ga muvofiq hisobga olinishi kerak.

**Amortizatsiya.** Ob'ektning amortizatsiyasi tugatish qiymatini hisobga olgan holda, uning boshlang'ich qiymatiga qarab belgilanadi.

Amalda, aktivning tugatish qiymati ko'pincha ahamiyatsiz va shuning uchun amortizatsiya miqdorini xam hisoblash ahamiyatsiz. Tugatish qiymati nolga yaqin, chunki asosiy vositalarni foydali ishlatish muddatini o'tab bo'lgan mablag'larni tasarruf etish xarajatlari tashkilot tugatilganda aktivni olishni rejalashtirgan pul miqdoriga teng yoki yaqin. Bunday holda, tugatish qiymatini olib tashlamasdan asosiy vositalarning dastlabki qiymatiga amortizatsiyani hisoblash tavsiya etiladi.

Uskunaning yoki boshqa asosiy vositalarning tugatish qiymatini baholash uchun korxonadan ishlab chiqarish fondlarini yangilash siyosatini ko'rib chiqishi kerak.

Asosiy vositalarning amortizatsiyasi aktivni maqsadga muvofiq foydalanish mumkin bo'lgan oydan boshlab hisoblanadi va aktivni yo'qotish yoki to'liq amortizatsiya qilish vaqtida to'xtatiladi. Shuni ta'kidlash kerakki, asosiy vositalar ob'ektining amortizatsiyasini hisoblash to'xtatilmaligi yoki to'xtatilishi bilan to'xtatilmaligi kerak, bundan tashqari, asosiy vositalarning ob'ekti MHXS (IAS) (IFRS) 5 "sotish uchun ushlab turilgan uzoq muddatli aktivlarni yo'qotish va to'xtatilgan faoliyat".

MHXS (IAS) 16 bo'yicha amortizatsiya quyidagi usullardan biri yordamida amalga oshirilishi mumkin:

- chiziqli amortizatsiya. Agar ob'ektning qiymati xizmat muddati davomida teng ravishda iste'mol qilinadigan bo'lsa qo'llaniladi. Odatda binolar va inshootlar uchun ishlatiladi;
- qoldiqli kamaytirish usuli. Bu, asosan, ma'naviy eskirishga moyil bo'lgan va ayniqsa, xizmatning dastlabki yillarida faol foydalaniladigan asosiy vositalar uchun ishlatiladi;
- ishlab chiqarish hajmiga qarab amortizatsiyani hisoblash. Odatda, ushbu amortizatsiya usulidan foydalanish korxonaning ishlab chiqarish hajmiga bevosita bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish uskunalar uchun oqlanadi.

Turli xil asosiy vositalar uchun amortizatsiya usullari qo'llanilishi mumkin.

MHXS (IAS) 16 har bir moliyaviy yil oxirida amortizatsiya usulini qayta ko'rib chiqish zarurligini va agar kerak bo'lsa, uni o'zgartirishni talab qiladi. Amortizatsiya usuli tashkilotning aktivdan kutilgan iqtisodiy foyda olishini aks ettirishi kerak. Agar bu jarayon o'zgargan bo'lsa, amortizatsiya usuli ham o'zgaradi. Misol uchun, agar tashkilot aktivdan foydalanish usulini o'zgartirsa yoki uni dastlab belgilangan vaqtdan oldin yoki keyinroq yangi aktiv bilan almashtirishni rejalashtirsa, amortizatsiya usulini o'zgartirish kerak bo'lishi mumkin.

Amalda, ko'pincha chiziqli amortizatsiya va qoldiqni kamaytirish usuli qo'llaniladi, buning uchun asosiy vositalarning foydali muddatini aniqlash kerak. Foydali foydalanish muddatini baholash xalqaro standartlar bo'yicha hisobotlarni tuzadigan mutaxassisning ekspert xulosasiga bog'liq. Shu bilan birga, MHXS (IAS) 16 aktivning foydali muddatini aniqlashda asosiy vositalar ob'ektining foydali muddatini ta'sir qiluvchi quyidagi omillar majmuasini hisobga olishni tavsiya qiladi:

- aktivdan foydalanishning kutilayotgan intensivligi (aktivning kuchi va undan foydalanish rejalashtirilgan ishlab chiqarish hajmi);
- kutilgan jismoniy eskirish (atrof-muhit sharoitlariga, ta'mirlash jadvaliga bog'liq);
- rejalashtirilgan ma'naviy eskirish (ishlab chiqarish texnologiyasida kutilayotgan o'zgarish);
- huquqiy cheklavlar (litsenziyalarning amal qilish muddati, tuzilgan ijara shartnomasining davomiyligi).

**Asosiy vositalar ob'ektlarini tan olishni to'xtatish.** Asosiy vositalarning ob'ektlari aktivlarni yo'qotish (sotish, lizingga berish, bepul uzatish, hisobdan chiqarish) yoki iqtisodiy foyda olishni to'xtatish hollarida

korxonaning moliyaviy hisobotlarida aks ettirilmaydi. Aktivning tan olinishi to'xtatilganda yuzaga keladigan daromadlar (zararlar) daromad va ziyon hisobotida aks ettiriladi. Shuni ta'kidlash kerakki, asosiy vositalar ob'ektlaridan olinadigan daromad tashkilotning daromadi emas va boshqa operatsion daromadlar tarkibida aks etadi. Ob'ektni yo'qotishdan olinadigan daromad yoki zarar miqdori aktivni sotish qiymati o'rtasidagi farq sifatida hisoblab chiqiladi.

**Moliyaviy hisobotdagi asosiy vositalarni oshkor qilish.** Asosiy vositalarning ob'ektlari "asosiy vositalar" qatorida MHXS (IAS) bo'yicha tuzilgan korxonaning balansida aks ettirilgan. Moliyaviy jadvallar bo'yicha tushuntirishlarda korxonaga asosiy vositalarni hisobga olishning tarkibi va usullari haqida qo'shimcha ma'lumotlarni oshkor qilishi kerak:

- balans qiymatini aniqlash uchun ishlatiladigan baholash usuli (ortiqcha qiymat yoki haqiqiy qiymat bo'yicha);
- amortizatsiyani hisoblash usullari;
- asosiy vositalarning har bir guruhi uchun foydali xizmat muddati yoki qabul qilingan amortizatsiya normalari;
- jamg'arilgan amortizatsiyani (amortizatsiyadan to'plangan zararlarni hisobga olgan holda) oxirigacha va davr boshiga qadar asosiy vositalarning qiymati;
- hisobot davrining boshida va oxirida (odatda, bir yil) asosiy vositalarning har bir ob'ekti uchun balans qiymatining dekodlanishi, shu jumladan tushishdagi xarajatlar, amortizatsiyadan qayta baholash va zararlarning natijalari, kurs farqlari va boshqalar;
- mulk huquqlarini cheklash va majburiyatlarni ta'minlash sifatida garovga qo'yilgan asosiy vositalarning qiymati;
- qurilish jarayonida asosiy vositalarning qiymatiga bog'liq xarajatlar;
- foyda va ziyon hisobotida e'tirof etilgan yoki boshqa aktivlarning balans qiymatiga kiritilgan amortizatsiya miqdori.

| AK "Petromaruz" MHXS (IAS) guruhi uchun buxgalteriya siyosatidan olingan ma'lumotlar»   |   |                                   |
|---|---|-----------------------------------|
| Asosiy vositalarning amortizatsiyasi guruh asosiy vositadan foydalanishdan iqtisodiy foyda olishni boshlagan paytdan boshlab hisoblanadi. Asosiy vositalarning amortizatsiyasi foydali muddat davomida chiziqli usul bilan hisoblanadi. Guruh asosiy vositalarni iqtisodiy jihatdan foydali ishlatish uchun quyidagi muddatlarni belgilab qo'ydi (jadvalga qarang). | Asosiy vositalar sinflarida foydali foydalanish shartlari qabul qilindi |                                   |
|   | Asosiy vositalar guruhi   | Foydali foydalanish davri, yillar |
|   | Binolar, inshootlar va ko'chmas uskunalar                               | 8-50                              |
|   | Mashina va harakatlanuvchi uskunalar                                    | 2-20                              |
|   | Neft mahsulotlari   | 45                                |
|   | Neft quvurlari  | 30                                |
| Boshqa, shu jumladan transport vositalari   | 3-25  |                                   |

Agar korxonaga asosiy vositalarga nisbatan hisob-kitoblarni o'zgartirsa (masalan, amortizatsiyani hisoblash usullari, asosiy vositalarning foydali xizmat muddati, demontaj qilinadigan xarajatlar va boshqalar), bu o'zgarishlar, ularning sabablari va ta'siri MHXS (IAS) 8 ga muvofiq moliyaviy hisobotda oshkor qilinishi kerak.

**Xulosa.** Agar asosiy vositalarning ob'ektlari ortiqcha qiymatga ega bo'lsa, moliyaviy hisobot qayta baholash sanasi va mustaqil baholovchini jalb qilish faktlari, qayta baholash usullari va qayta baholash bo'yicha qilingan taxminlar, qayta baholash daromadlari haqida ma'lumot berishi kerak. Har bir qayta baholangan asosiy vositalar guruhi uchun aktivlar haqiqiy qiymat bo'yicha hisobga olinadigan bo'lsa, moliyaviy hisobotda aks etadigan balans qiymati ham oshkor qilinishi kerak.

Bundan tashqari, asosiy vositalar ob'ektlariga nisbatan quyidagi ma'lumotlarni oshkor qilish tavsiya etiladi:

- vaqtinchalik ishlatilmaydigan asosiy vositalarning balans qiymati, shuningdek pensiya uchun mo'ljallangan;
- to'liq o'z-o'zidan tuzilgan, ammo ishlatiladigan asosiy vositalarning dastlabki qiymati;
- haqiqiy qiymat bilan hisoblashda: asosiy vositalarning adolatli qiymati, agar u balans qiymatidan sezilarli darajada farq qilsa.

MHXS (IAS) korxonaning balans hisoboti va daromad hisobotida ma'lum ma'lumotlarni taqdim etishni talab qiladi, ammo korxonalar eslatmalar taqdim etiladigan shaklni tanlashga imkon beradi. Axborotning majburiy miqdori yer va binolar, mashinalar va uskunalar, boshqa aktivlar toifalari va to'plangan amortizatsiya to'g'risidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. Ijaraga olingan mol-mulk va badal evaziga sotib olingan aktivlar to'g'risidagi ma'lumotlar alohida-alohida taqdim etilishi kerak.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Бескоровайная С. А. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебное пособие. М.: МГУП, 2009. 358 с.
2. Татаровская Т.Е. Нормативно-правовое регулирование деятельности малых предприятий // Вестник Самарского государственного экономического университета. 2013. № 4 (102). С. 116-119.

3. Татаровская Т.Е. Особенности информационных потоков экономических субъектов // Наука XXI века: актуальные направления развития: материалы Международной заочной научно-практической конференции. 2015. С. 728-730.

4. Пискунов В.А. Учет и контроль расходов коммерческой организации: проблемы теории и практики. СПб.: Пресс, 2004. 277 с.

5. МСФО. Практика применения [Электронный ресурс]. URL: <http://www.msfo-mag.ru> (дата обращения: 3.12.2015).

6. Российский бухгалтер [Электронный ресурс]. URL: <http://www.rosbuh.ru> (дата обращения: 3.12.2015).

7. Аудиторская палата Санкт-Петербурга [Электронный ресурс]. URL: <http://audit-palata.spb.ru> (дата обращения: 3.12.2015).

8. Raximova, G. M. (2020). Problems of accounting and audit of fixed assets. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 726-729.

9. Raximova, G. M., Abdulxayeva, S., & Pirimkulov, O. M. (2020). Features of audit of small and medium-sized enterprises. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), 101-105

UDK: 33.05

## KORXONALARDA BOSHQARUV QARORLARINI OPTIMALLASHTIRISHNING XORIJ TAJIRIBASI

*S.X. Rustamova, tayanch doktorant, Andijon davlat universiteti, Andijon*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada korxonalarni boshqarishda xorij tajribalari yoritilgan. Yaponiyaning boshqaruv texnologiyasi, AQSh va Janubiy Korea boshqaruvidan parchalar keltirilgan. Boshqaruv qarorlariga xodimlarni keng jalb etish, ularni korxonaga uchun daxldorlik hissini uyg'otishga olib keladi. Shuning uchun jamoaviylik, bir-biri uchun ma'sul bo'lishlik, ilmiylik tamoyili va istiqbolli kadrlarni qo'llab quvvatlash korxonaga taqdirida dolzarb hisoblanadi.

**Kalit so'zlar:** boshqaruv qarorlari, jamoaviylik, daxldorlik, istiqbolli kadrlar, rahbar

**Аннотация.** В данной статье описан зарубежный опыт управления бизнесом. В данной статье даны примеры из японских технологий управления, управления из США и Южной Кореи. Широкое участие сотрудников в принятии управленческих решений приводит к ощущению вовлеченности в работу предприятия. Поэтому командная работа, взаимная ответственность, научные принципы и поддержка перспективных сотрудников актуальны для предприятия.

**Ключевые слова:** управленческие решения, командная работа, вовлеченность, потенциальный персонал, лидер

**Abstract.** Business management in foreign enterprises are discussed in this article. Some facts from Japanese management technology, U.S. and South Korean management are written in this article. Widespread involvement of employees in management decisions leads them to a sense of belonging to the enterprise. Therefore, teamwork, mutual responsibility, scientific principles and support of promising staff are relevant in the case of the enterprise.

**Key words:** management decisions, teamwork, board, involvement, prospective staff, manager

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" da amalga oshirishga doir davlat dasturi to'g'risidagi 2020 yil 2 -martdagi PF-5953-sonli Prezident Farmonida mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga oid va jamoatchilikda alohida qiziqish uyg'otadigan o'ta muhim masalalarga doir qarorlarni qabul qilishda jamoatchilik bilan maslahatlar, jamoatchilik eshituvlarini o'tkazish amaliyotini yo'lga qo'yish nazarda tutildi. Bundan tashqari har bir deputat tomonidan xalq qabulxonalari bilan doimiy hamkorlik o'rnatib, o'z hududida yashayotgan aholi muammolarini yechishda faol ishtirok etish amaliyotini yo'lga qo'yish nazarda tutildi [1].

Horij tajribasidan ma'lum bo'lishicha, jamoa tarzda qabul qilingan qarorlar tadbirkorlikni rivojlanishiga katta hissa qo'shadi. Amerika va Yaponiya boshqaruv texnologiyasini quyidagi 1-jadval orqali ko'rib o'tsak.

Yaponlar shuncha iqtisodiy rivojlanishi uchun resurslarini "bosh kiyimi ostidan" oladilar. Yapon mo'jizasining muhim sabablaridan biri birgalikda harakat, birlashish, umumiy fikrga kelishdir. Urushdan keyingi iqtisodiyotni rivojlanishini "Japan Incorporated" aksiyadorlik kompaniyasiga birlashuv bilan bog'liq deb ko'rsatishadi. Bu kompaniya hukumat va biznesning o'zaro aloqadorlik tizimiga asos bo'lgan. Yapon iqtisodchisi S.Okitaning aytishicha, mehnat unumdorligini o'sishiga sabab, uzoq vaqtlarga mo'ljallangan iqtisodiy siyosat va hukumat tomonidan hususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash, sanoatni qayta jihozlash, ilg'or chet el texnologiyasidan foydalanish va albatta ilmiy texnika yutuqlaridir. Yaponlar quyidagi hayot qoidalariga qat'iy rioya etishni ma'qul ko'radilar:

A) qanday bo'lishidan qat'iy nazar vaziyatga moslashish;

B) belgilangan qoidaga rioya qilish imkoniyatini topish;

C) aysh ishrat chegarasini bilish;

D) baxtsizlikni sababini o'zidan qidirish.

Yapon boshqaruviga xos bo'lgan "sifat to'garaklari", "O'z vaqtida" tizimlari aslida AQSh da paydo bo'lgan, lekin u yerda rivojlanmagan.

## Boshqaruv texnologiyasi [2]

| Amerikanacha   | Yaponcha   |
|--|--|
| Har bir xodim uchun lavozim yo'riqnomalari asosida boshqarish texnologiyasini oldindan batafsil ishlab chiqish | Lavozim yo'riqnomalari mavjud emas. "Vaziyatga qarab harakat qilish" shiori vaziyatni tahlil qilishni va nostandart qarorlarni qabul qilishni anglatadi. Bo'ysunuvchi rahbarga qaraganda vaqtincha ma'suliyatli ishni bajaradi, yuqori boshqaruvchi rahbar bo'ysunuvchiga unga bevosita rahbar orqali murojaat qiladi. |

Demakki qaror qabul jarayonida boshqaruv pog'onalari o'rtasida teskari aloqalarning mavjud bo'lishi, korporativ ruhda qabul qilingan qarorlar va murakkab masalalarda axborot texnologiyalariga tayanish eng dolzarb masalalaridan biridir.

## Yapon va Amerika menejment tizimining solishtirmasi [3]

| Menejment xarakteristikasi   | Menejmentning o'ziga xosligi   |  |
|------------------------------|--|--|
|                              | Yaponiya   | AQSH   |
| 1. Rejalashtirish            | Uzoq muddatli  | Qisqa muddatli   |
| 2. Boshqaruvni tashkil etish | Nostandart, egiluvchan. Tekis tuzilish, ishtirok etish uslubi. Yumshoq boshqaruv     | Rasmiy. Avtokratiyaga urg'u berilgan tashkiliy tuzilmaning qat'iy ierarxiyasi. Har qanday yangi mahsulot uchun "xo'jalik markazlari" dan foydalanish |
| 3. Menejerlar tarkibi        | Muhandislar ustunvorligi   | Iqtisodchi va yuristlar ustunvorligi   |
| 4. Ishga yollash             | Uzoq muddatli, umrbod ishga yollanish tizimi   | Qisqa muddatli   |
| 5. Mehnat taqsimoti          | Kasblar kombinatsiyasi   | Aniq mehnat taqsimoti  |
| 6. Javobgarlik shakli        | jamoaviylik  | individuallik  |
| 7. Qiziqishlar               | Butun tashkilotning maqsadiga erishuvi   | Faqat o'sha bo'lim maqsadiga erishuvi  |
| 8. Rag'batlantirish shakli   | Ma'naviy, xizmat pog'onasidan ko'tarilish, moddiy (jamoaviy mehnat natijasiga qarab) | Shaxsiy muvaffaqiyat uchun moddiy rag'batlantirish   |
| 9. Qaror qabul qilish        | Jamoaviy kelishuv  | yakkaboshchilik  |
| 10. Nizolarni hal etish      | Konsensus muzokaralari   | Yurist va sud orqali muzokaralar   |

Janubiy korealik professor In Pyo Hvangning fikricha, davlat rahbarlari hayotda barcha masalalarga, jumladan, ish, sog'liq, moliya, oila va do'stlar, shaxsiy va ma'naviy barkamollik, jamoa bilan hamnafaslik kabi masalalarga teng e'tibor qarata olmag'i lozim [4].

Korea Respublikasi Konstitutsiyaning 7-,25-,33-,78-moddalarida davlat xizmatchilarining huquqiy maqomi belgilab qo'yilgan bo'lib: "7-modda. Davlatning barcha amaldorlari (mansabdor shaxslari) xalqning xizmatkorlari hisoblanadi hamda xalq oldida ma'suldir. Barcha amaldor (mansabdor shaxslari) ning mavqei va siyosiy betarafliqi qonunda belgilangan tartibda kafolatlanadi" [5].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 30 maydagi "Istiqbolli boshqaruv kadrlarini tanlov asosida tanlab olishning zamonaviy tizimini yaratish chora- tadbirlari to'g'risida" gi PQ-3755-sonli qaroriga muvofiq istiqbolli boshqaruv kadrlarini tizimli asosda tanlab olinishini ta'minlash, shuningdek, davlat va xo'jalik organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, boshqa davlat organlari va tashkilotlari tizimida ularning kasbiy malakasini uzluksiz oshirib borishga ko'maklashish maqsadida va istiqbolli boshqaruv kadrlarini tanlab olish bo'yicha "Taraqqiyot" respublika tanlovini tashkil etish va o'tkazish bo'yicha "yo'l xaritasi" ishlab chiqildi. Hukumatimiz tomonidan ta'linga e'tibor berilishi ham bejiz emas. Chunki menejmentdagi ilmiylik tamoyili buzilgan holatda butun boshqaruv tizimi izdan chiqadi.

BMTning jahon mamlakatlari farovonligi darajasini o'rganuvchi markazi –The World Happiness Report 20 mart- Butunjahon Baxtiyorlik kuni oldidan "Baxt indeksi" ni e'lon qildi. Unda dunyoning 156 mamlakat aholisi hayotiga baho berilgan bo'lib, 2018 yili O'zbekiston dunyoda 44-o'rinni egalladi. 2017 yil bu ko'rsatkich 47-o'rinda bo'lib, yildan yilga ko'rsatkich ortib bormoqda. Mutaxassislar fikricha, odamlar qiyin vaziyatlatda bir birini qo'llab quvvatlasa, ana o'shalar baxtlidirlar. Unda baxtli jamiyat yaratish yo'lida odamlarning muhim tadbirlarda birgalikda ishtiroki ko'zda tutilgan.

The World Happiness Report tadqiqotchilarining fikricha, qaysidir mamlakatda tashqaridan kirib kelgan qoidalar asosida emas, balki ming yillik qadriyatlar asosida turmush kechirilgan ekan, ana o'sha mamlakat ahlini eng baxtli deb atash kerak [6]. Demakki boshqaruv qarorlarini ahillik bilan, korxonalar –bu bizning farzandlarimiz kelajagini ta'minlovchi vositaligini his etgan holda, mentalitetimizdan kelib chiqib, bir-birimizga yordamlashgan holda qabul qilsakka o'z maqsadimizga erishamiz.

Korxonalarda xorijiy tajribalarni qo'llab, optimallashtirilgan qarorlar qabul qilish orqali quyidagi muammolarni hal etishga taklif va tavsiyalar beriladi:

1. Yapon tajribasidan ma'lumki, doimiy ish joyini tashkil eta olish, boshqaruv qarorlarida xodimlarni ham jalb etish orqali xodimlar ongida unga daxldorlik hissini uyg'otish;

2. Qonun hujjatlarini, qabul qilingan qarorlarni yosh kadrlarga iloji boricha keng yetkazish va ularning huquqiy savodxonligini oshiriladi, shu orqali noqonuniy yo'llar orqali daromad olishni kamaytirish;

3. Korxonalarda istiqbolli kadrlarni ma`nan va moddiy rag`batlantirish orqali boshqa xodimlarni ham o`z ustida ishlashga undash.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib xorij tajribasining o`zimizning mentalitetga mos keluvchanini joriy etish orqali korxonalarni jamiyat oldidagi mavqeini yanada mustahkamlashimiz mumkin.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. <https://lex.uz/docs/4751561>. 2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasi “Ilm, ma`rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” da amalga oshirishga doir davlat dasturi to`g`risidagi 2020 yil 2 -martdagi PF-5953-sonli Prezident Farmoni
2. Н.В.Комарова Теоретические основы менеджмента: Конспект лекций- М.: Доброе слово, 2005.-59с
3. Н.В.Комарова Теоретические основы менеджмента: Конспект лекций- М.: Доброе слово, 2005. 57-58с
4. In Pyo Hvang . Public leadership for good Governance. Prezentatsiya professora NHI pri MPM.2017.
5. Korea Respublikasi Konstitutsiyasi(Janubiy Korea). Elektron shakldagi versiya
6. Sh.To`laganov “Baxt indeksi” eng baxtli mamlakatlar saralari ichida O`zbekiston bor.- <http://uza.uz/oz/society/bakht-indeksi-eng-bakhtli-mamlakatlar-saralari-ichida-zbekis-15-03-2018>

UO`K 339.138(078.5)

### MARKETING AUDITI: MOHIYATI, TARKIBIY QISMLARI VA XUSUSIYATLARI

*B.B. Sultonov, o`qituvchi, Urganch Davlat Universiteti, Urganch*

**Annotasiya.** Maqolada nodavlat nazoratning shakllaridan biri-marketing auditi rivojlanishining asoslari va bosqichlari ko`rib chiqiladi. Bu biznesning turli bozor segmentlari tomonidan samaradorligini tahlil qilish va baholash vositasidir. Bozorda o`z mavqeini yaxshilash maqsadida korxonaning marketing resurslarini aniqlash va ulardan foydalanish uchun marketing auditidan foydalanishning maqsadga muvofiqligi ochiqilanadi.

**Kalit so'zlar:** audit, marketing, nazorat, vosita, korxonona boshqaruvi, iqtisodiyot, bozor

**Аннотация.** В статье рассматриваются основы и этапы маркетингового аудита-одного из форм негосударственного контроля. Это инструмент для анализа и оценки эффективности бизнеса по разным сегментам рынка. Выявлена целесообразность использования маркетингового аудита с целью улучшения своих позиций на рынке для выявления и использования маркетинговых ресурсов предприятия.

**Ключевые слова:** аудит, маркетинг, контроль, средство, управление предприятием, экономика, рынок

**Abstract.** The article discusses the basics and stages of the development of one of the forms of non-control - marketing audit, which is a tool for analyzing and evaluating the effectiveness of the business by different market segments. In order to improve its position in the market, the expediency of using a marketing audit to identify and use the marketing resources of the enterprise is revealed.

**Key words:** audit, marketing, control, means, management of firms, economy, market

**Kirish.** Bugungi kunda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar sharoitida mulkchilikning dominant shakli o'zgarib xususiy tadbirkorlar va nodavlat xo'jalik yurituvchi sub'yektlar qo'liga bosqichma-bosqich o'tmoqda. Shu munosabat bilan davlat nazorati sohalarining torayishi va korxonalar va tashkilotlarning marketing faoliyatini tartibga solish uchun faqat bozor munosabatlariga xos bo'lgan yangi usullarni yaratish zarurati paydo bo'ladi. Tarixan foydalanish, uning mavjudligi va samaradorligining tasdiqlangan nazorat shakllaridan biri, korxonaning turli sohalarda audit kabi mustaqil shaklidir [1,283].

Bir qator korxonalar to'liq marketing tizimini joriy eta olmaydilar. Bu ko'p jihatdan yetarli bilim, moliyaviy resurslar, marketingning yomon tashkil etilishi bilan bog'liq. Bunday sharoitda korxonaning marketing bo'limining rivojlanishning eng istiqbolli va noan'anaviy yo'nalishlariga kontsentratsiyasi mavjud vaziyatdan chiqish yo'li hisoblanadi. Marketing faoliyati sohasidagi vazifalar, strategiyalar va rivojlanish dasturlari tezda eskirganligini hisobga olsak, tashkilotning bozorga umumiy yondashuvini qayta ko'rib chiqish va qayta baholash zarur.

**Dolzarbli.** Tadbirkorlik faoliyatida marketing (lotin tilidan. market-bozor) - muayyan iste'molchilarning ehtiyojlarini qondirishga, ushbu tovarlar va xizmatlarning raqobatbardoshligini ta'minlashga va maksimal foyda olishga qaratilgan mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotishni tashkil etishning kompleks tizimi.

Qattiq raqobat muhitida korxonona rahbariyati bozorni o'rganish va prognozlash, korxonaning ichki va tashqi holatini tahlil qilish, bozorda xatti-harakatlar strategiyasi va taktikasini ishlab chiqish asosida tuzilgan marketing dasturining bajarilishini doimiy tahlil qilish va nazorat qilishning dolzarblihi hisoblanadi. Korxonaning har bir rahbari o'z biznesining samarali rivojlanishini ta'minlaydigan, eng muhimi, mahsulot yoki xizmatlarning raqobatbardoshligi, xarajatlarni qoplash (ayniqsa, shakllanishning dastlabki bosqichlarida) va barqaror daromad olishni ta'minlaydigan faoliyatining ustuvor yo'nalishlarini topishga intiladi. Shu sababli, rahbar har qanday qaror qabul qilganda, avvalo, korxonaning hozirgi ahvoriga qiziqish uyg'otishi, keyingi faoliyatga ta'sir qiluvchi omillarni tahlil qilishi ajablanarli emas.

**Maqsadi.** Marketing auditi korxonaning marketing sohasidagi faoliyati muhitini, maqsadlarini va strategiyalarini tizimli, tanqidiy va ob'ektiv o'rganishdir, bu esa marketing vositalaridan korxonaning ahvolini yaxshilash uchun imkoniyatlar, muammolar va rivojlanish rejasini ishlab chiqish imkonini beradi.

Marketing auditining roli marketing maqsadlari va korxonaning marketing strategiyasini aniqlashdan iborat. Marketing auditining vazifasi korxonaning maqsadlariga erishishning eng samarali usullarini taqdim etishdan iborat.

**Marketing auditining o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardir:**

- 1) murakkab (korxonaning marketing faoliyatining barcha asosiy jihatlarini o'rganish);
- 2) sistematiklik (korxonaning so'l va mikromuhitlarini muntazam o'rganish, marketing maqsadlari va strategiyalari, marketing tizimlari va boshqalar);
- 3) mustaqillik (mustaqil ekspertlar tomonidan audit o'tkazish);
- 4) muntazamlik (ya'ni, korxonaning mumkin bo'lgan inqiroz holatini oldini olish uchun marketing auditini muntazam ravishda o'tkazish majburiyati).

Marketing auditi mavjud korxonalar yoki firmalar, mavjud biznes turlari va yangi loyihalar uchun ham qo'llanilishi mumkin. Marketing auditi korxonaning uchun, umuman, alohida tarkibiy bo'linma uchun, alohida investitsiya loyihasi yoki tijorat taklifi uchun amalga oshirilishi mumkin.



**1-chizma. Marketing auditining muhiti**

Korxonaning faoliyatining muhim jihatlarini tekshirish va tahlil qilish uchun rahbariyat auditini o'tkazishning quyidagi tashkiliy shakllarini tanlashi va natijalar asosida biznesni rivojlantirishning keyingi yo'nalishlarini aniqlashi mumkin, bunda uning missiyasi, strategiyasi va maqsadlarini sezilarli darajada qayta yo'naltirish mumkin emas:

- 1) ichki audit (egasi tomonidan marketing faoliyatini boshqarish ehtiyojlari, maqsadlari va strategiyasiga qarab amalga oshiriladi);
- 2) tashqi audit (buyurtmachi bilan tuzilgan shartnomalar bo'yicha auditorlik firmalari (auditorlar) tomonidan amalga oshiriladi).

Marketing auditi uchta asosiy bosqichda amalga oshiriladi. Birinchi bosqichda korxonaning marketingining haqiqiy holatini o'rganish, ikkinchisida aniqlangan faktlarni baholash va natijada uchinchi bosqichda korxonada marketing ishlarini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar tayyorlash amalga oshiriladi.

**Marketing muhitini boshqarish**

**Makromuhit.** Bu ijtimoiy-madaniy, ekologik, siyosiy-huquqiy, iqtisodiy-demografik va texnologik omillar bilan tavsiflanadi. Ya'ni, auditor tashqi omillarning barcha xususiyatlarini hisobga olgan holda korxonaning qaysi yo'nalishda harakat qilishini belgilaydi.

**Mikromuhit.** Bu bozorlar, iste'molchilar, raqobatchilar, tarqatish kanallari, savdo agentlari, xizmat ko'rsatish tashkilotlari xususiyatlari bilan belgilanadi. Auditor tomonidan mikromuhit sub'ektlarining so'rov natijalari tahlili korxonaga bo'lgan munosabatlarini aniqlash, ularni hisobga olish bo'yicha takliflar tayyorlash yoki kerak bo'lganda kerakli munosabatlarni shakllantirish imkonini beradi.

**Marketing strategiyasini boshqarish**

Ushbu element korxonaning mavjud muammolari va imkoniyatlari asosida strategik marketing rejasining maqbulligini baholashga qaratilgan. Misol uchun, kompaniyaning vazifasi bor: agar ushbu kompaniyaning bozorida joy doimiy o'zgarib tursa, tovarlarni sotishni oshirish. Natijada, ishlab chiqarishni oshirishga qaratilgan rejalashtirilgan chora-tadbirlar majmuasini tuzatish va bozorni rivojlantirish strategiyasini qayta yo'naltirish taklif qilinishi mumkin. Bu savdolarni oshirish uchun yangi bozorlarni (segmentlarni) qidirishni o'z ichiga oladi. Maqsadlar real bo'lsa, auditor maqsadga erishish strategiyasining maqbulligini baholashi mumkin.

**Marketing samaradorligini tekshirish**

Ushbu tahlil irratsional xarajatlarni va foydalanilmagan marketing imkoniyatlarini aniqlash imkonini beradi. Bunday holda, marketing xarajatlarini kamaytirishning maqsadga muvofiqligi baholanadi. Mutaxassis

savdo va xarajatlar bo'yicha ma'lumotlarni tahlil qiladi va foyda keltirmaydigan mahsulotlarni aniqlaydi. Bozor segmentlari, kanallar va hududlar ham to'liq va yaxshilab tekshiriladi.

### Marketing vazifalari auditi

Tahlil qilish marketingning yomon bajariladigan funksiyalarini aniqlashga yordam beradi. Ya'ni, muayyan funksiyalarga (marketing xizmatlari, reklama, yangi mahsulotlarni ishlab chiqish va h.k.) yo'naltirilgan bo'linmalar va tuzilmalarning muammolarini aniqlash imkonini beradi.

### Marketing auditing asosiy bosqichlari

1. Marketing auditingning yo'nalishini, ko'lamini, algoritmlarini va texnologiyalarini aniqlash. Ushbu bosqichda kompaniyaning vakili va auditori maqsadlar, hajm, chuqurlik, axborot manbalari, hisobot formati va audit vaqtini muvofiqlashtiradi. Korxonada auditorga tarmoqning holati haqida ma'lumot beradi, xodimlar bilan intervyu o'tkazish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratadi. Hisobot marketing faoliyatini takomillashtirish bo'yicha topilmalar va tavsiyalarga qaratilgan.

2. Korxonada faoliyatining baholanadigan jihatlariga oid ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish. Audit vaqtini va narxini kamaytirish uchun batafsil intervyu rejasi ishlab chiqiladi (kim, qachon, qaerda, kim, qaysi masalalar bo'yicha intervyu beradi). Tadqiqot natijalari tadqiqot jarayonida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan yangi masalalarni aniqlash uchun har kuni tahlil qilinadi. Ma'lumot yig'ishda o'rganilayotgan ishlab chiqarish bo'linmalari xodimlari, korxonada marketing bo'limi xodimlari, mahsulot iste'molchilari, savdo vakillari olingan ma'lumotlardan foydalanadi.

3. Audit natijalari bo'yicha hisobotni rasmiylashtirish va taqdim etish. Axborotni tahlil qilish jarayonida auditor korxonada mijoz bilan ham uchrashishi mumkin. Buyurtmachining taklifiga binoan auditor marketing faoliyatini takomillashtirish bilan shug'ullanadigan korxonada mutaxassislari bilan olingan natijalar va tavsiyalarni muhokama qiladi.

| Siyosiy omillar   | Iqtisodiyotning ta'siri  |
|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>Bozorda mavjud Qonunchilik</li> <li>Qonunchilikda kelajakdagi o'zgarishlar</li> <li>Evropa / xalqaro Qonunchilik</li> <li>Tartibga solish organlari va normalari</li> <li>Hukumat siyosati, o'zgartirish</li> <li>Raqobatni davlat tomonidan tartibga solish</li> <li>Savdo siyosati</li> <li>Biznes sub'ektlarining faoliyati va jarimalar</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Iqtisodiy vaziyat va tendentsiyalar</li> <li>Qayta moliyalash stavkalari dinamikasi</li> <li>Inflyasiya darajasi</li> <li>Sanoatda investisiya muhiti</li> <li>Xorijiy iqtisodiy tizimlar va tendentsiyalar</li> <li>Soliqqa tortishning umumiy muammolari</li> <li>Mahsulot / xizmat uchun belgilangan soliqqa tortish</li> </ul>  |
| <ul style="list-style-type: none"> <li>bo'yicha davlat nazoratini kuchaytirish</li> <li>Hokimiyatning barcha darajalarida saylovlar</li> <li>Moliya, grantlar va tashabbuslar</li> <li>Lobbichilik/bosim bozor guruhlar</li> <li>Xalqaro bosim guruhlari</li> <li>Ekologik muammolar</li> <li>Davlatning sanoatdagi boshqa ta'siri</li> </ul>   | <ul style="list-style-type: none"> <li>Mavsumiylik / ob-havo ta'siri</li> <li>Bozor va savdo davrlari</li> <li>Samarali talab</li> <li>Ishlab chiqarish xususiyatlari</li> <li>Tovarlarni yetkazib berish zanjirlari va tarqatish</li> <li>Oxirgi foydalanuvchining ehtiyojlari</li> <li>Valyuta kurslari</li> <li>Asosiy tashqi xarajatlar</li> <li>Energiya manbalari</li> <li>Transport</li> <li>Xom ashyo va butlovchi qismlar</li> <li>Aloqa</li> </ul> |

### Marketing tashkilotining auditi

Bunday tahlil marketing va marketing bo'linmalarining samaradorligini, ularning ishlab chiqarish, moliya, komplekslar, muayyan tovarlarni o'tkazadigan bo'linmalar bilan o'zaro hamkorligini baholash uchun zarurdir.

### PEST-tahlil

PEST (siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va texnologik) — tahlil kompaniya rahbariga yoki tahlilchiga kompaniyaning tashqi muhitining rasmini ko'rishga yordam beradi, eng muhim ta'sir etuvchi omillarni ta'kidlaydi. Ushbu usul marketing bo'limining samaradorligi va yetarliligini, shunga ko'ra, kompaniyaning makro muhitining qalinligida mahsulotni ilgari surish imkonini beradi.

PEST tahlillari yordamida bo'lim yoki alohida sotuvchining faoliyati zamonaviy siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va innovatsion-texnologik vaziyat sharoitida tekshiriladi. Bu tashqi omillar kompaniyaning o'zi va uning barcha xodimlariga ta'sir qiladi.

### SWOT tahlil qilish

SWOT tahlillari (Strengths, Weaknesses, Opportunities, Threats) kompaniyaning muammoli bo'limining barcha jihatlarini o'rganishdir. SWOT tahlillari bo'lim va uning alohida xodimining barcha kuchli va zaif tomonlarini ko'rish imkonini beradi.

| IJTIMOYIY-MADANIY TENDENTSIYALAR   | TEXNOLOGIK INNOVATSIYALAR   |
|--|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>Demografiya</li> <li>Ijtimoiy omillarga ta'sir qiluvchi qonunchilikdagi o'zgarishlar</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>Raqobatbardosh texnologiyalarni rivojlantirish</li> <li>Tadqiqot moliyalashtirilishi</li> <li>Tegishli / qaram texnologiyalar</li> </ul> |

|   |   |
|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"> <li>• Daromad va xarajatlar tarkibi</li> <li>• Asosiy qadriyatlar</li> <li>• Hayot tarzi tendentsiyalari</li> <li>• Tovar, kompaniyaning obro'si, ishlatiladigan texnologiyaning obrazi</li> <li>• Qabul qiluvchilarning xatti-harakatlari</li> <li>• Moda va rol modellari</li> <li>• Asosiy voqealar va ta'sir omillari</li> <li>• Iste'molchilarning fikri va munosabati</li> <li>• Iste'mol imtiyozlari</li> <li>• Ommaviy axborot vositalari</li> <li>• Qabul qiluvchilarning aloqa nuqtalari</li> <li>• Etnik / diniy omillar</li> <li>• Reklama va jamoatchilik bilan aloqalar</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Almashtirish texnologiyasi/yechimlar</li> <li>• Texnologiyaning yetukligi</li> <li>• Yangi texnologiyalarni o'zgartirish va moslashtirish</li> <li>• Ishlab chiqarish hajmi, darajasi</li> <li>• Axborot va kommunikatsiya, internetning ta'siri</li> <li>• Texnologiyani sotib olgan iste'molchilar</li> <li>• Texnologiya qonunchiligi</li> <li>• Innovatsiya salohiyati</li> <li>• Texnologiyaga kirish, litsenziyalash, patentlar</li> <li>• Intellektual mulk muammolari</li> </ul> |
|---|---|

**Marketing tizimlarini boshqarish.** Ushbu element marketing bo'limining alohida bo'limlari va bo'linmalarining samaradorligi va funktsionalligini baholashga qaratilgan (axborot yig'ish, prognozlash, rejalashtirish, marketingni boshqarish, yangi mahsulotlar ishlab chiqarish va boshqalar). Audit rejalashtirish, nazorat qilish va hokazolarni tizimli tashkil etishning samaraliligi yoki yo'qligini ko'rsatishi mumkin.

**Marketing auditini o'tkazish jarayonida quyidagi og'zaki (tavsiflovchi), miqdoriy, sifatli, universal va o'ziga xos ko'rsatkichlar qo'llaniladi.**

Har qanday auditni rejalashtirish mumkin emas. Marketing auditini rejalashtirish jarayoni korxonada marketing faoliyati kuchlari tomonidan auditorlik tekshiruvini tashkil etish va o'tkazishda muhim jarayondir. Marketing auditini rejalashtirish quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:

- a) marketing auditini oldindan rejalashtirish;
- b) marketing auditining umumiy rejasini ishlab chiqish;
- v) marketing auditi dasturini tuzish;
- g) marketing tizimida profilaktika tadbirlari dasturini shakllantirish.

**Marketing auditini amalga oshirish davomida auditor uchun quyidagilar zarur:**

- 1) mijozning bozorda egallagan joyini, uning haqiqiy holatini va uning korxonasini rivojlantirish strategiyasini baholash;
- 2) marketing strategiyasining samaradorligini tekshirish va baholash;
- 3) marketing strategiyasining mehnat unumdorligiga, ishlab chiqarish samaradorligiga ta'sirini aniqlash;
- 4) marketingning turli funktsiyalarini tahlil qilish (savdoni tashkil qilish, reklama qilish, inventarizatsiyani joylashtirish, transport va boshqalar);
- 5) korxonada mavjud mijozlarga xizmat ko'rsatish tizimlarining samaradorligini aniqlash, narxlash;
- 6) savdo bozorlarida mijozning o'rnini, shu jumladan eksportni aniqlash.

Audit jarayonining boshida marketing auditori kompaniyaning bozorini, tarixini va umuman firmani bilishi kerak. Korxonada faoliyatini tekshirish va tahlil qilishni boshlashdan oldin buyurtmachi va ijrochi o'rtasida shartnoma predmeti (audit sohasi, uning murakkab yoki qisman tabiati), auditning maqsadi, xizmat muddati va qiymati nazarda tutilgan. Shundan keyingina auditor kerakli ma'lumotlarni to'plashi va tahlil qilishi va audit hisobotini tayyorlashi mumkin.

Marketing auditining natijalari bo'yicha hisobot quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olishi kerak:

- 1) korxonaning muhim marketing resurslari va korxonada marketing ehtiyojlarini aniqlash ro'yxati, yaxshi va yomon bajarilgan marketing ishlari;
- 2) kompaniyaning iste'molchilar, raqobatchilar, yetkazib beruvchilar va boshqalarga nisbatan marketing pozitsiyasi haqida ma'lumot;
- 3) zamonaviy marketing faoliyatini baholash;
- 4) auditorning fikriga ko'ra, korxonani olish kerak bo'lgan marketing resurslari va vakolatlar ro'yxati;
- 5) auditorning bozorda korxonaning kelajakdagi siyosati, xususan, marketing va mumkin bo'lgan ta'siri bo'yicha tavsiflari.

**Xulosa.** Shunday qilib, marketing auditi korxonada faoliyatini tartibga solish va nazorat qilishda samarali va muhim mexanizmdir. Bu vaqt davomida aniq maqsadlar, samarasiz strategiya, tashkilotdagi kamchiliklarni aniqlash, marketing faoliyatini rejalashtirish yoki nazorat qilishda kamchiliklarni bartaraf etish imkonini beradi. Shuning uchun marketing auditi har qanday korxonada faoliyatida strategik o'zgarishlarni amalga oshirish uchun metodologik asos hisoblanadi.

Shuni ta'kidlash kerakki, marketing auditi marketing bo'limi ishining samaradorligini tekshirish emas-bu korxonada (tashkilot yoki firma) ichki jarayonlar holatini va uning bozordagi mavqegini baholashdir. Marketing auditining maqsadi biznesning tarkibiy qismlarini, uning iqtisodiy sohasini moliyaviy tahlil qilish, korxonada istiqbollarni o'rganishdir.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. С. Г. Бо жук. — СПб.: Питер, 2006. — 464 с
2. Ламбен Ж. Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок. — СПб: Питер, 2006. - 800 с.
3. Егорушкина Т.Н., Белякова Т.Б., Панферова Е.В., Медведева Т.В. Концептуальные подходы к



стандартизации системы контроля качества в аудите: российская и международная практика//Актуальные вопросы научных исследований: Наука и культура: от теории к практике. – Киров: ВКК, 2015.

4. Егорушкина Т.Н., Этова Е.В. Создание высокоэффективной системы контроля на предприятии в период влияния внешнеэкономической конъюнктуры на экономику России//Вестник Академии знаний. 2015. №2(1). стр. 27-35.

5. Егорушкина Т.Н., Белякова Т.Б., Панферова Е.В., Головин А.С. Методологические основы проведения производственного аудита для целей управления предприятием//Современные научные исследования. 2015. №2.

УЎК 314.145-053.9(575.1)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАКЛЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАР

**Х.Х. Абдураманов, мустақил изланувчиси, и.ф.н., проф., Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби, Тошкент**

**Аннотация.** Ушбу мақолада демографик ривожланиш билан боғлиқ иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар аниқланган, Ўзбекистон Республикасида статистик маълумотлар асосида демографик ривожланишнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлашга таъсири илмий таҳлил қилинган ҳамда демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишлари тақлиф этилган.

**Калит сўзлар:** демографик босим, иқтисодий хавфсизлик, демографик вазият, аҳоли миграцияси, аҳоли сони, аҳолининг кексайиши, аҳоли таркиби

**Аннотация.** В данной статье выявлены угрозы экономической безопасности, связанные с демографическим развитием, научно проанализировано влияние демографического развития на экономическую безопасность в Республике Узбекистан на основе статистических данных и предложены приоритетные направления экономической безопасности в сфере демографии.

**Ключевые слова:** демографического давления, экономическая безопасность, демографическая ситуация, миграция населения, численность населения, старение населения, структура населения

**Annotation.** This article identifies threats to economic security associated with demographic development, scientifically analyzes the impact of demographic development on economic security in the Republic of Uzbekistan on the basis of statistical data and proposes priority areas of economic security in the field of demography.

**Key words:** demographic pressure, economic security, demographic situation, population migration, population size, population aging, population structure

### КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланган [1].

Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ўзига хос хусусияти туғилиш даражасининг ўсиши ҳисобидан доимий аҳоли сонининг юқори суръатда кўпайиши, чақалоқлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, айниқса, эркаклар ўлими даражасининг юқорилиги, меҳнат ресурсларининг ички миграцияси ўта суғ бўлгани ҳолда аҳолининг ишлаб пул топиш учун чет элга ҳаддан зиёд чиқиб кетиши, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига демографик босимнинг ортиши, аҳолининг “қуйидан” кексайиши билан тавсифланади.

### ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг демографик ривожланишида шаклланган қуйидаги вазиятлар мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

**1. Туғилиш даражасининг ўсиши ҳисобидан доимий аҳоли сонининг юқори суръатда кўпайиши.** Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йил Ўзбекистон Республикасида туғилганлар сонининг энг юқори кўрсаткичи қайд этилган (1-расм).

1-расмдан кўринадики, 1991-2000 йилларда республикада туғилганлар сони камайган, ундан кейинги даврда мунтазам кўпайиб борган. Таҳлилларга кўра, 2005-2019 йилларда туғилишнинг умумий коэффициенти ҳар 1000 киши ҳисобига 20,3 нафардан 24,3 нафарга ортган. Ҳудудлар миёсида туғилиш даражаси Сурхондарё (28,1%), Қашқадарё (26,7%), Жиззах (26,7%), Самарқанд (26,4%) ва Наманган (25,9%) вилоятларида юқори.

Республикада туғилишлар сонининг кўпайиши юксак репродуктив салоҳиятга эга 20-29 ёшдаги аёллар улушининг (жами аёлларнинг 40 фоизга яқини) барқарор юқорилиги; никоҳнинг юқори даражаси (йилига ўртача 300 мингдан ортиқ никоҳ қайд этилади), шунингдек ФХДЁ идораларида расмий рўйхатга олинмаган никоҳларнинг кенг тарқалиши; никоҳга киришдаги қизлар ёшининг

кичиклиги (қизлар учун никоҳга киришнинг ўртача ёши 22,3 ёшга тенг); никоҳнинг барқарорлиги (хар 10 нафар тузилган никоҳга 1 нафар ажрашиш тўғри келади) билан изоҳланади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида туғилганлар сони ва туғилиш умумий коэффициентининг ўзгариши**  
Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

БМТ тавсияси бўйича, мамлакатда аҳолининг нормал такрор барпо бўлиши учун ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони 20,0 нафар, аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,3 фоиз чегаравий қиймат ҳисобланади. Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффициенти 24,3 нафарни ташкил этиб, чегаравий қийматдан 4,3 промиллега ортқ.

Республикада туғилиш даражасининг юқорилиги кулай демографик имкониятларни очиши билан бирга иқтисодий хавфсизликка қуйидаги таҳдидлар кучаяди:

- фарзандли оилаларни қўллаб-қувватлаш ва соғлиқни сақлаш соҳаларига давлат бюджетидан харажатларни ошириш (Молия вазирлиги маълумотларига кўра, фарзандли оилаларни қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан 2014 йилда 1931,2 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 5267,2 млрд.сўмга етган [2]. Мос равишда бу даврда соғлиқни сақлаш соҳасига харажатлар 4507,2 ва 12088,2 млрд. сўмни ташкил этган). Кам таъминланган оилаларнинг ўртача нафақа олиш давомийлиги 4,7 ойни ташкил этмоқда. Фақатгина 17 фоиз болали оилалар фарзандларини парваришlash учун нафақа олмақда. Нафақалар умумий камбағаллик даражасини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатмаяпти. Болалиқдан ногиронлик нафақаси тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарур. Бугунги кунда ногиронликнинг оғир шаклидаги 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг фақат 48 фоизи ижтимоий нафақа олади [3]. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, болаларни нафақа билан камраб олиш келгусида салбий иқтисодий оқибатлар таҳдидини камайтиради;

- меҳнат бозорига ишчи кучининг катта оқими келиши ҳисобидан ишчи кучи таклифининг унга бўлган талаб миқдоридан ошиб кетиши (меҳнат бозорига ишчи кучи таклифи 1827,9 минг кишини, ишчи кучига талаб 743,1 минг кишини ташкил этади. Яъни ишчи кучи таклифи талабдан 2,4 марта ортқча);

- аёлларнинг туғруқ таътилига чиқишлари муносабати билан иқтисодий нофаол аҳоли сонининг ошиши (иқтисодий нофаол аҳоли таркибида бола парвариши билан банд аёллар сони 2015 йилда 1680,7 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1814,4 минг нафарга етган ёки ўтган беш йилда 7,9 фоизга кўпайган);

- мактабгача таълим муассасаларига тушадиган юқининг ортиши (мактабгача таълим муассасаларига тушадиган умумий ортқча юқ республика бўйича 12 фоизни ташкил қилса, унинг энг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (21 фоиз), Жиззах (35 фоиз) ва Бухоро (21 фоиз) вилоятларида кузатилади [4]);

- болалар ва ўсмирлар сонининг кўпайиши ҳисобидан меҳнатга қобилиятли аҳолига боқимандалик юқининг ортиши (болалар ва ўсмирларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига боқимандалик юқи 2015 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда – 51,7 фоизга етган);

- никоҳлар ва айниқса, ёш оилалар сонининг сезиларли ортиб бораётгани (никоҳлар сони 2015 йилда 287,6 мингдан 2019 йилда 311,4 мингга кўпайди) турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага чиқаради.

Шунингдек, дунё амалиётидан ҳам маълумки, туғилиш даражасининг ортиши қишлоқ жойларида аҳоли зичлигининг ортишига, сохта урбанизациянинг шаклланишига, ишсизлик ва иқтисодий тармоқларининг бир ёқлама ривожланишига олиб келади. Шунинг учун мамлакатда туғилиш даражасини аҳолининг мақбул такрор барпо бўлиш даражасигача камайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида туғилганлар сонининг ортиши аҳолининг юқори суръатда ўсишини таъминламоқда (2-расм).

2-расмдан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони 1991 йилдаги 21 106,3 минг кишидан 2019 йилда 33 905,8 минг кишига ёки 60,6 фоизга кўпайган. Худудлар кесимида бу даврда доимий аҳоли сони Сурхондарё (90,4%), Қашқадарё (87,1%), Наманган (75,9%), Самарқанд (71,9%) ва Андижон (70,7%) вилоятларида юқори суръатда ўсган.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида доимий аҳоли сони ва унинг ўртача йиллик ўсиш суръатининг ўзгариши

Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Мустақиллик йилларида республикада доимий аҳоли сони нотекис, тўлқинсимон равишда ўсган, бу демографик жараёнларда янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Чунончи, 1991 йилда ўртача йиллик ўсиш суръати 2,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ўн йилликнинг охирига келиб у 1,4-1,5 фоизгача пасайди. Ушбу секинлашиш тенденцияси 2000-йилларнинг ўрталарига қадар давом этди, бунда ўсиш суръати 1,1-1,2 фоиз атрофида бўлди. Сўнгги йилларда аҳоли сони ўсишининг тезлашуви қайд этилди ва 2019 йилда ўсиш суръати 2,0 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати чекланган қийматдан 0,7 фоизга ортиқ.

Аҳолининг юқори суръатда ўсиши келгусида иқтисодий хавфсизликка қуйидаги таҳдидларни юзага келтириши мумкин:

- меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни иш билан таъминлаши учун Ўзбекистонда яқин 5-6 йил ичида энг камида 4-5 миллион атрофида янги иш ўринлари яратилиши керак. Акс холда, иқтисодий фаол аҳолининг оммавий тарзда мамлакатни тарк эта бошлаши ва бу жараён борган сари кучайиши кузатилади;

- мамлакатимиз ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда пенсия тизимларига босимни оширади. Бу эса республика ва маҳаллий дастурларни ишлаб чиқишда демографик жараёнларни ҳисобга олишни тақозо этади;


- таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига ҳам босимни оширади, оилавий муносабатларнинг ёмонлашуви каби аҳолининг сифат кўрсаткичлари ҳам ортиб боради;

- аҳолининг муттасил ортиши унинг уй-жой ва яшаш шароитлари билан боғлиқ муаммолари ортишига сабаб бўлади.

Ўз навбатида, аҳоли сонининг юқори суръатда ўсиши табиий ресурсларнинг етишмаслиги, камбағалликнинг ортиши, ишсизликнинг кўпайиши, тиббий хизматлар сифатининг пасайиши, касалланишларнинг ортиши, саводхонлик даражасининг пасайиши каби ижтимоий-иқтисодий муаммоларини келтириб чиқаради. Республикада мазкур муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида демографик майлни бошқаришни фаоллаштириш, ривожланган мамлакатларда амал қилаётган, фарзандлар туғилиши оиланинг болага ривожланиш, тарбия, таълимнинг мақбул даражасини ва яшаш шароитларини таъминлаш имкониятлари мавжуд бўлган тақдирда юз берадиган “оилани режалаштириш” мафқурасини кенг ёйиш тавсия этилади.

**2. Чақалоқлар ўлим даражасининг юқорилиги.** Чақалоқлар ўлим даражаси, бир томондан, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг сифатини кўрсатади, унинг устувор йўналишлари ва ижтимоий мақсадларга ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди, иккинчи томондан, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига энг кучли ва энг ахборотли кўрсаткич сифатида хизмат қилади.

Расмий маълумотларга кўра, 1991 йилда 1 ёшгача бўлган болалар ўлими ҳар минг нафарга 35,5 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 9,3 га тушди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида чақалоқлар ўлими динамикаси, промилле\*

\*Манба: Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Республиканинг барча ҳудудларида ҳам чақалоқлар ўлими даражаси камайган бўлишига қарамай, Тошкент шаҳри (13,2%), Тошкент (12,7%) ва Андижон (12,4%) вилоятларида ҳамон юқориликка қолмоқда.

Халқаро мезонлар бўйича муайян бир ҳудудда чақалоқлар ўлими коэффициенти 5 промилле ва ундан ортиқни ташкил этса миллий хавфсизликка таҳдид ҳисобланади. Миллий статистика бўйича чақалоқлар ўлим даражаси бўйича хавф мавжуд (9,3%). Чақалоқлар ўлимини баҳолаш бўйича БМТ агентлигининг маълумотлари бўйича Ўзбекистонда чақалоқлар ўлими даражаси 20,0 промиллени ташкил қилади [5]. Ўртадаги фарқ 10,7 промиллени ташкил этади. Бизнингча, демографик ривожланишни тавсифлайдиган халқаро ва миллий статистика ўртасидаги фарқларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим.

**3. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, айниқса, эркаклар ўлими даражасининг юқорилиги.** Республика бўйича жами ўлганларнинг 28,6 фоизи меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолига тўғри келади. 2019 йилда меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони 40,5 минг кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 4,8 фоизга ортган. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолида ўлганлар мутлақ сонининг ўсиши ўлим сабабларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Яъни, таҳлил қилинаётган даврда (2010-2019 йй.) ўсимталардан ўлганлар сони – 29,3, бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан – 12,7, қон айланиш тизими касалликларидан – 3,6 фоизга, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан ўлганлар сони 3,5 фоизга кўпайган.

Меҳнатга лаёқатли ёшда хавfli ўсимталардан юқори даражали ўлимнинг асосий сабаби саратон касалликларининг кам ёки кечроқ аниқланиши ва превентив тиббиётнинг Ўзбекистонда етарлича ривожланмаганлиги билан изоҳланади.

Халқаро мезонларга мувофиқ ҳар 100 000 аҳолига нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганлар сони 200 нафардан ошса иқтисодиётга таҳдид ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 203,6 нафарни (2019 йил) ташкил этади.

Халқаро мезонлар бўйича меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, айниқса, эркаклар ўлими даражасининг юқори (аёллар ўлимига қараганда 2,1 марта кўп). Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўлими даражасининг юқорилиги нафақат бевалар, етимлар ва тўлиқсиз оилалар сонини оширади, балки меҳнат ресурсларининг сонининг ҳам қисқаришига олиб келади. Шунинг учун шикастланиш ва заҳарланиш ҳолатларини камайтириш бўйича профилактика чора-тадбирлари, шунингдек, юрак-қон томир, юқумли ва онкология касалликларини барвақт аниқлаш ҳисобига меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг ўлимини камайтириш мақсадга мувофиқ.

**4. Меҳнат ресурсларининг ички миграцияси ўта суёт бўлгани ҳолда аҳолининг ишлаб пул топиш учун чет элга ҳаддан зиёд чиқиб кетиши.** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида ички меҳнат мигрантлари сони 684,7 минг кишини ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан уларнинг сони 18,2 фоизга камайган. Ички меҳнат мигрантларининг аксарияти иш берувчилар билан оғзаки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича вақтинчалик бир марталик ишларни бажариб, бу барча иш билан банд бўлганларнинг 5 фоиздан ортиғини ва норасмий секторда банд бўлганлар умумий сонининг қарийб 10 фоизини ташкил этади. Мазкур ишчиларнинг 75 фоиздан ортиғи Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийси аҳолисининг Тошкент шаҳрига ички меҳнат миграцияси улушига тўғри келади.

Меҳнат ресурсларининг ташқи миграцияси ички миграциясидан 5,6 мартага кўпни ташкил этади. Таҳлил қилинаётган даврда (2015-2019 йиллар) меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони 2,4 мартага ортган (4-расм).



**4-расм. Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи меҳнат мигрантлари сонининг ўзгариши, минг киши**  
Манба: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Айниқса бу даврда ташқи меҳнат мигрантлари сони Сирдарё вилояти (5,89 марта), Тошкент шаҳри (5,12 марта) ва Қорақалпоғистон Республикасида (4,37 марта) юқори суръатда ўсган.

Аҳоли таркибида норасмий мигрантлар улуши 1,0 фоиздан ортиқни ташкил этса иқтисодиётга таҳдид солади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон

Республикасида бу кўрсаткич 7,3 фоизга тенг. Худудлар кесимида Андижон (9,7%), Хоразм (9,2%), Сирдарё (9,1%), Самарқанд (8,4%) ва Бухоро (8,1%) вилоятларида юқори.


Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Ўзбекистонда ташқи меҳнат мигрантлари улуши жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан (3,2%) - 2,3, аҳоли жон бошига ўртача даражадаги даромад тўғри келадиган бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичлардан (2,7%) 2,7 баробар юқори.

Иқтисодий фаол аҳоли таркибида ташқи меҳнат мигрантлари улуши 15,0 фоиздан ортса ҳам иқтисодиётга таҳдид солади. Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 16,5 фоизни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қисқариши, қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма муассасаларининг ёпилиши, оммавий ишсизлик, иш ўринларининг етарли эмаслиги туфайли меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг меҳнат миграцияси қишлоқ жойларининг “демографик емирилиш”ига олиб келмоқда. Бу салбий тенденция оммавий хусусиятга эга бўлиб, мамлакат миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Яқин келажакда миллий меҳнат бозорининг ўзи қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кадрларга кучли эҳтиёж сезиб қолиши мумкин. Бугунги куннинг ўзида қишлоқда тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар етишмаяпти. Бундан ташқари, ер ислоҳоти натижасида мулкка олинган ер участкалари фойдаланилмай қолапти ёки улардан самарасиз фойдаланилапти. Шунингдек, қишлоқ жойларидан назоратсиз миграция минтақавий меҳнат бозорларидаги номуносибликка олиб келади ва унинг барқарор фаолият кўрсатишига хавф солади.

Республикада миграция жараёнлари билан боғлиқ салбий тенденциялар демографик жараёнларнинг мураккаб кўринишга эгаллиги ва унга боғлиқ равишда меҳнат бозорининг юқори босимли ҳолати, яъни ишчи кучи таклифининг унга бўлган талаб миқдоридан ошиб кетиши ва иш ўринларининг етишмаслиги оқибатида юз бермоқда. Ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни камайтириш учун ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш лозим.



5-расм. Ўзбекистон Республикасида демографик босимнинг ўзгариши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган

**5. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига демографик босимнинг ортиши.** Аҳолининг ёш таркибини иқтисодий жиҳатдан ўрганишда ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига қанча болалар ва кексалар тўғри келиши ҳақида тасаввур берадиган демографик босим кўрсаткичи амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш таркибида меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган ва ундан катта аҳоли улушининг ортиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг камайиши демографик босим коэффициентининг ортишини таъминламоқда (5-расм).

5-расмдан кўриниб турибдики, 1991 йилда ҳар 100 та меҳнат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони 103,9 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 69,8 тага тенг бўлган. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли бир кишига 1991 йилда 1 та, 2019 йилда эса 0,7 та меҳнатга қобилиятсиз аҳоли тўғри келган. Шунингдек, таҳлиллар 2010 йилдан бошлаб республикада демографик босим коэффициентининг мунтазам ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли улушининг кўплиги сабабли меҳнат бозорига демографик босим ортмоқда. Ҳозирги вақтда 16 ёшгача бўлган шахсларнинг улуши жами аҳолининг 30,5 фоизини (10,3 млн. кишини) ташкил этади. Ҳар йили ўртача 520 минг нафардан ортиқ киши меҳнатга лаёқатли ёшга қиради. Мамлакат иқтисодиёти меҳнат бозорига кириб келувчи ёшларни тўлиқ иш билан таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш имкониятига эга эмас.

Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг меҳнат бозорида рақобатлашиш имкониятини ошириш ва малакали ишчи кучига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш учун уларнинг таълим олиши ҳамда соғлигини сақлашга маблағ сарфлаш талаб этилади.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига демографик босимнинг ортиши, биринчидан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, иккинчидан, меҳнат бозорида ижтимоий ҳимояга муҳтож демографик гуруҳлар – аёллар, ёшлар, пенсия ёшидаги шахсларнинг иш билан бандлик борасидаги мураккаблиklarини ҳам инobatга олишни тақозо этади.

Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг устунлик қилиши демографлар таърифига кўра, «демографик имкониятлар дарчаси» шаклланганлигидан далолат беради. Бизнинг фикримизча, бу имкониятдан иқтисодий ўсишга туртки бўладиган омил сифатида фойдаланиш керак.

Одатда, демографик салоҳият юқори иқтисодий ўсиш учун инсон капиталига инвестициялар ва жамғармаларни рағбатлантиради. Аммо, бу фақат салоҳиятли устунлик бўлиб қолмоқда, чунки, иқтисодий фаолликнинг даражаси паст ёки ишсизлик даражаси юқорилиги имконият учун қулай бўлган ёш таркибининг таъсирини чеклаши мумкин [6].

**6. Аҳолининг кексайиши.** Бугунги кунда иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг кексалар сафига ўтиши ҳисобида аҳолининг ёш таркибида меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар сони юқори суръатда ўсмоқда. Агар 2019 йилда ўтган йилга нисбатан меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 0,9, болалар ва ўсмирлар сони – 2,3, қариялар сони эса 7,0 фоизга кўпайган.

БМТ демографлари томонидан аҳолининг кексайиш даражасини баҳолаш мақсадида уч босқичли шкала ишлаб чиқилган. Унга кўра, аҳолининг ёш таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 4,0 фоиздан кам бўлса – демографик ёш, 4,0-7,0 фоиз бўлса – кексайиш бўсағасида, 7,0 фоиздан ошса ҳудуд аҳолиси демографик кекса ҳисобланади [7].

Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йил республика аҳолиси таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагилар улуши 4,8 фоизни ташкил этди. Демак, Ўзбекистон Республикаси халқаро мезонлар бўйича демографик кексайиш бўсағасидаги мамлакатлар қаторига киради.

Аҳолининг кексайиши қайтарилмас жараён бўлганлиги боис мамлакат бугунги кундан бошлаб аҳолининг кексайиши жараёни ҳақида ўйлашни, стратегия ишлаб чиқишни, аҳолининг бу тоифасига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Аҳоли кексайган сайин давлат бюджетига босимнинг ортиб бориши, пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжнинг кескинлашуви иқтисодиёт учун муҳим муаммога айланади.

Мамлакатимизда расман демографик сиёсатнинг ишлаб чиқилмаганлиги, сўнгги 31 йил ичида аҳоли рўйхатдан ўтказилмаганлиги (сўнгги аҳоли рўйхати 1989 йилда ўтказилган), республика ва унинг ҳудудларидаги демографик ҳолат чуқур таҳлил қилинмаганлиги, демографик прогнозларининг йўқлиги юқоридаги демографик муаммолар келиб чиқилишининг асосий омилларидир.

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

1. Демография соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадлари аҳоли сони ўзгаришининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашдан иборат. Ўзбекистон Республикасида демография соҳасидаги иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг мақсадларига эришиш кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари кенг доирасининг муваффақиятли ҳал этилишига, шу жумладан барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ортишининг таъминланишига, даромадлар бўйича табақаланишнинг камайишига, инсон капиталининг жадал ривожланишига ва самарали ижтимоий инфратузилма (соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш), арзонлаштирилган уй-жой бозори, мослашувчан меҳнат бозори ва ҳ.к.ларнинг барпо этилишига боғлиқ.

Трендда тенденциянинг мавжудлигини аниқлашга имкон берувчи методлардан бири бу кумулятив Т-мезондир. Бу усул ўз асосида  $Y_t$  қатор даражаларининг  $Y$  ўртачанинг ўртача даражасидан оғишларнинг тўпланган суммалари ва шу оғишлар ўртасидаги нисбат билан ҳисоблаб чиқиладиган статистик тавсифини ҳисоблаш ва таҳлилин қамраб олади. Биз таҳлил қилаётган вақтли қаторларда Т-мезон асосида текшириладиган тенденция бўлмаслиги мумкин, деган гипотеза илгари сурилмоқда. Уй-жой коммунал хизматлар соҳаси кўрсаткичлари вақтли қаторлари бўйича олинган маълумотлар асосида тренднинг бўлмаслиги ҳақидаги гипотеза рад этилади, демак, биз ўрганаётган вақтли қаторларда умумий тенденциялар мавжуд.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажмини вектор функциясининг юқори чўккиси, яъни натижавий омил сифатида танлаб олган ҳолда, унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Фарғона вилояти бошқармасининг етакчи экспертлари хулосаси асосида танланган куйидаги кўрсаткичлар танланди:

- $X_1$  – кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳажми;
- $X_2$  – уй-жой фондининг умумий майдони;
- $X_3$  – аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми;
- $X_4$  – аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган хизматлар ҳажми.

Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омилларнинг боғланиши асосида юз бераётган ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги вақтли қатор кўринишидаги маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди (3-жадвал).

2-жадвал

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари, млрд.сўм**  
(муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

| Йиллар | Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми, млрд. сўм (Y) | Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм (X <sub>1</sub> ) | Уй-жой фондининг умумий майдони, млн. м <sup>2</sup> (X <sub>2</sub> ) | Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадлар ҳажми, минг сўм (X <sub>3</sub> ) | Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган хизматлар ҳажми, минг сўм (X <sub>4</sub> ) |
|--------|--|---|--|---|---|
| 2013   | 590,1  | 211,1   | 457,9  | 3142,1  | 1847,4  |
| 2014   | 729,1  | 268,1   | 466,2  | 3601,3  | 2211,9  |
| 2015   | 890,6  | 204,6   | 477,1  | 3998,1  | 2509,0  |
| 2016   | 3038,7   | 416,1   | 490,8  | 5503,5  | 3047,3  |
| 2017   | 3649,6   | 1356,8  | 507,5  | 6227,8  | 3668,3  |
| 2018   | 4673,3   | 1132,8  | 533,3  | 7300,2  | 4578,5  |
| 2019   | 5933,6   | 1597,3  | 536,8  | 8963,7  | 5768,2  |

3-жадвал

**Омилларнинг боғланиш хусусиятлари ва тузилган омилли модель сифатининг асосий кўрсаткичлари**  
(Муаллиф томонидан EViews10 дастурида ҳисоблаш асосида ишлаб чиқилган)

| Dependent Variable: <b>Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми, Y</b>             |             |                       |             |        |
|---|-------------|-----------------------|-------------|--------|
| Method: Least Squares   |             |                       |             |        |
| Date: 10/05/20 Time: 11:32  |             |                       |             |        |
| Sample: 2013 2019   |             |                       |             |        |
| Included observations: 7  |             |                       |             |        |
| Variable  | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic | Prob.  |
| Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳажми X <sub>1</sub>                         | 0.160354    | 0.432184              | 0.371032    | 0.7462 |
| Уй-жой фондининг умумий майдони X <sub>2</sub>                                      | 6.597474    | 1.513171              | 0.436003    | 0.7054 |
| Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган реал умумий даромадлар ҳажми X <sub>3</sub> | 1.635886    | 0.434377              | 3.766049    | 0.0638 |
| Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган хизматлар ҳажми X <sub>4</sub>              | -1.199322   | 0.586348              | -2.045410   | 0.1775 |
| Ҳасодифий омиллар таъсирини эътиборга олувчи қиймат C                               | -5606.493   | 6347.180              | -0.883305   | 0.4703 |
| R-squared   | 0.995543    | Mean dependent var    | 2786.429    |        |
| Adjusted R-squared  | 0.986629    | S.D. dependent var    | 2118.345    |        |
| S.E. of regression  | 244.9548    | Akaike info criterion | 14.01583    |        |
| Sum squared resid   | 120005.7    | Schwarz criterion     | 13.97720    |        |
| Log likelihood  | -76.88676   | Hannan-Quinn criter.  | 13.53830    |        |
| F-statistic   | 111.6793    | Durbin-Watson stat    | 1.783101    |        |
| Prob(F-statistic)   | 0.008894    |                       |             |        |

Дастурий пакет асосида амалга оширилган таҳлил натижавий омилнинг таъсир этувчи омиллар билан кўпликдаги корреляцияси  $r=0,9977$  га, детерминация коэффиценти  $R^2=0,9955$  га тенг эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса таъсир этувчи омиллар билан натижавий омилнинг юқори зичликда корреляцияга эга эканлигини ва ҳисобланган кўрсаткичлар билан реал кўрсаткичлар орасидаги фарқ сифатидаги қолдиқларнинг ҳам зич боғланганлигини кўрсатади.

Жадвалдаги кўрсаткичлар тузилган эконометрик моделнинг сифат хусусиятлари ҳамда кўрсаткичларнинг боғланиш сифати юқори даражада эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Фишер мезони аҳамияти боғлиқ бўлган VAR, Акикейк ахборот мезони, Шварц мезони, Ханнан-Куин мезони меъёрий ораликларда жойлашган, фақат Дарбин-Уотсон мезони оптимал оралик бўлган 2 дан бир оз кичик. Бунга сабаб сифатида таъсир этувчи омиллар таркибидаги айрим омилларнинг моҳият жиҳатидан бир-бирини тўлдиришини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2020-2024 йилларда уй-жой коммунал хизматлари соҳаси ривожланишининг истиқболдаги кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай моделлар рўйхати келтирилди (4-жадвал).

Яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажмининг ўзгариши (Y) энг юқори таъсир этувчи омилларга боғлиқлиги аниқланди ва ушбу омиллар таъсирида натижавий омилнинг кўрилаётган даврдаги ўзгариш трендлари +2 статистик хатолик доирасида EViews10 дастурида ишлаб чиқилди.

Уй-жой коммунал соҳаси ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг 2020-2024 йилларда ўзгариш прогноз кўрсаткичлари

(Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

| Кўрсаткич номи   | Модель  | Йиллар |         |         |         |         |
|--|---|--------|---------|---------|---------|---------|
|  |   | 2020   | 2021    | 2022    | 2023    | 2024    |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми, млрд. сўм                           | $y = 0,16 \cdot x_1 + 6,597 \cdot x_2 + 1,636 \cdot x_3 - 1,199 \cdot x_4 - 5606,493$ | 6634,6 | 7596,3  | 8558,1  | 9519,8  | 10481,5 |
| Кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм                        | $x_1 = 251,436 \cdot t - 264,771$   | 1746,7 | 1998,2  | 2249,6  | 2501,0  | 2752,5  |
| Уй-жой фондининг умумий майдони, млн. м <sup>2</sup>                           | $x_2 = 14,332 \cdot t + 438,329$  | 553,0  | 567,3   | 581,6   | 596,0   | 610,3   |
| Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган реал умумий даромадлар ҳажми, минг сўм | $x_3 = 967,582 \cdot t + 1663,486$  | 9404,1 | 10371,7 | 11339,3 | 12306,9 | 13274,5 |
| Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган хизматлар ҳажми, минг сўм              | $x_4 = 630,532 \cdot t + 853,671$   | 5897,9 | 6528,5  | 7159,0  | 7789,5  | 8420,1  |

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда уй-жой коммунал ва овқатланиш хизматлари соҳасида яратилган хизматлар ҳажми унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришини кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи

$$y = 0,16 \cdot x_1 + 6,597 \cdot x_2 + 1,636 \cdot x_3 - 1,199 \cdot x_4 - 5606,493 \quad (1)$$

(1)-регрессия тенгламаси тузилди.


(1)-регрессия тенгламаси параметрларини аҳамиятлилиги Стьюдент мезони бўйича текширилади. Ушбу параметрлар аҳамиятлилиги бўйича  $t_{x1}=0,37 < t_{жад}=2,18$  бўлгани учун  $a_1$  параметрни прогнознинг сифатини баҳоловчи ўртача мутлақ фоиз хатоси (Mean Absolute Percentage Error)  $MARE < 1$  ва Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови (Theil inequality Coefficient)  $TIC \leq 1$  мезонлари бўйича текширилади.

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодийнинг хизматлар соҳасида яратилган хизматлар ҳажми унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришини кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи

$$y = 0,16 \cdot x_1 + 6,597 \cdot x_2 + 1,636 \cdot x_3 - 1,199 \cdot x_4 - 5606,493 \quad (1)$$

(1)-регрессия тенгламаси тузилди. Тузилган моделнинг ишончилиги ва адекватлигини бир неча мезонлар асосида текшириб, натижалар аниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Аниқланган трендда автокорреляция паст даражадалиги ва бошқа мезонлар бўйича ҳам талабга жавоб берганлигидан юқорида аниқланган (1) - регрессия тенгламаси ишончли деб топилди ва адекватлиги исботланди.

Кўп омилли эконометрик моделдан фойдаланган ҳолда уй-жой коммунал ва овқатланиш хизматлари ҳажмининг ўрта муддатда, яъни 2010-2024 йилларда ўзгариши қийматларини графикда кўриниши ифодаланди (2-расм).



2-расм. Хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари (млрд.сўм)

Тузилган моделдаги ўзгарувчилар коэффициентлари асосида ҳар бир омил қийматининг кўшилган бир бирлиги ҳисобига натижавий омил қийматининг қанчага ўзгаришини баҳолашимиз мумкин бўлади. Жумладан, яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажмини кўшимча 1 млрд. сўмлик кўчмас мулкка киритилган инвестициялар хизматлар 160 млн. сўмга, уй-жой фонди умумий майдонининг 1 млн. м<sup>2</sup> га ортиши 6,6 млрд. сўмга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадларнинг 1000 сўмга ортиши 1,636 млрд. сўмга ортишига ҳамда аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган хизматлар ҳажмининг 1000 сўмга ортиши натижавий кўрсаткични 1,2 млрд. сўмга пасайишига олиб келади.

Юқоридаги омилли боғланишлар асосида уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг ривожланишида энг муҳим деб топилган омил кўрсаткичларининг натижавий кўрсаткич ҳисобланган уй-жой коммунал хизматлари соҳаси томонидан кўрсатилган ялпи хизматлар ҳажмига таъсири асосидаги ривожланиш сценарийси ишлаб чиқилди.

Асосий эндоген омилга таъсир этувчи экзоген омилларнинг вақт омилли билан боғланган келгуси 5 йилдаги прогноз кўрсаткичлари ҳам яқин келажакда барқарор ўсиш тенденциясига эгаллигини ҳамда тузилган ўзгариш қонуниятлари (трендлари) моделлари адекватлигини кўришимиз мумкин.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасида фаолият самарадорлигининг таъминланиши жараёнларни ташкил этилиши кетма-кетлиги ҳамда жараёнда иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Тадқиқот давомида хизматларни “ишлаб чиқариш-истеъмол” жараёни иштирокчиларининг самарали алоқалари ҳисобига хизматлар сифатини оширишни таъминлаш йўналишидаги уй-жой коммунал хизматлари ҳаётийлик даври модели ишлаб чиқилди ва ушбу моделни амалиётда қўллаш тавсия этилади (3-расм).

Уй-жой коммунал хизматлари ҳаётийлик даври модели соҳадаги ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнидаги ёпиқ муносабатларни ўз ичига олади. Ушбу модель бўйича ҳаётийлик даври истеъмолчиларнинг хизматларга бўлган эҳтиёжининг мунтазам мониторингига асосланган “хизматлар маркетинги” жараёни билан бошланади ва аниқланган эҳтиёж “хизматларни лойиҳалаш” жараёнини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

“Хизматларнинг техник таъминоти” босқичида хизматларни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларни танлаб олиш билан кейинги “хизмат кўрсатиш жараёнини ишлаб чиқиш” босқичида хизматларни амалга ошириш жараёнида танланган воситалардан фойдаланиш кетма-кетлиги шакллантирилади.

“Хизматларни шакллантириш” босқичида зарурий воситаларни белгиланган кетма-кетликда жараёнга киритиш орқали хизматлар яратилади ҳамда “Хизматларнинг истеъмолчи талабларига мослиги назорати” босқичида яратилган хизматларнинг сифати режалаштирилган сифат даражасига таққослаш асосида назорат қилинади. “Хизматларнинг ташкилий таъминоти” босқичида хизматларни яратиш жараёнида қатнашувчи ижрочилар танлаб олинса, “Истеъмолчини хизматлар қабул қилиш жараёнига киритиш” босқичида истеъмолчилар хизматларни қабул қилишга тайёрланади. “Хизматларни истеъмолчи томонидан қабул қилиниши” босқичи истеъмолчининг бевосита жараёнга кирганлигини белгилайди.



3-расм. Уй-жой коммунал хизматлар ҳаётийлик даври модели  
(Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган)

“Хизматларни такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш” босқичида хизматлар сифати ва хусусиятларини ўрганиб чиққан ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказилади ҳамда тадбирлар ишлаб чиқилади. Аввалги босқичдаги ишлаб чиқилган тадбирлар “Хизматларни

такомиллаштириш бўйича тадбирларнинг мунтазам қўлланилиши” босқичида жорий этиб борилади ва шу билан хизматларнинг ҳаётийлик даври кейинги такрорий айланиш жараёнига ўтади.

Ишлаб чиқилган модель асосида уй-жой коммунал хизматларини яратиш ва истеъмолга етказиб беришни ташкил этиш жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни самарали ташкил этиш, хизматларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда хизматлар сифатини ошириш имконияти кенгайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Djuraeva N.K. Improvement of mechanisms of management of activities of householding and communal services enterprises// EPRA International Journal of Research & Development (IJRD) Monthly, Peer Reviewed (Refereed) & Indexed International Journal //volume-5//Issue-9//September-2020. 97-102-p.
3. Ханкелдиева, Г.Ш. Жизненный цикл корпорации и формирование приоритетов в реализации экономических интересов ее субъектов. *Наука сегодня: опыт, традиции, инновации [Текст]: материалы*, 46.
4. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
5. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies: Vol. 2018: No. 3, Article 19*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
6. Ханкелдиева Г.Ш. Электроэнергетика тармоғини узоқ муддатга мўлжалланган стратегияси // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Электрон. журн. 2018. №5.
7. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>
8. Мирзаев, А. Т. Эффективные методы управления и государственной поддержки туристско-рекреационной сферы в Узбекистане. *Наука сегодня: опыт, традиции, инновации [Текст]: материалы*, 41.
9. Мирзаев А. Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>.
10. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
11. Ханкелдиева Г. Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g> (дата обращения 15.12.2017).
12. Мирзаев А. Т. Совершенствование системы электронного бронирования, как часть цифровизации управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий//Бюллетень науки и практики. 2020. Т.6. №8. С.165-172. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57/14>.
13. Khankeldieva G.Sh. Prospects of the development of investment activity in the field of tourist services: problems and ways of solution. // *International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science"*, Philadelphia, USA. 10, (78), 2019. – 160-165 pp.
14. Khankeldieva G.Sh. Theoretical and economic prerequisites for the development of regional industrial clusters in the economy of the republic of Uzbekistan // *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*. – 2020. – pp.234-240. <https://doi.org/10.36713/epra.4855>.
15. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services // *Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]*. – 2018. – С. 76.
16. Mirzaev A. T. evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*. – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.

УДК 657.3

### РОЛЬ УЧЁТА И КОНТРОЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ В СТРОИТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА ТРЕСТА «МОСТОСТРОЙ»

*К.Э. Игамбердиева, старший преподаватель, Ташкентский государственный транспортный университет, Ташкент*

**Аннотация.** Мақолада қурилиш материаллар ҳисоби ва назоратининг темир йўл траспорти қурилиш ташиқлотини “Кўприкқурилиш” трестидан моҳияти, мазмуни, вазифалари келтирилган.

**Калит сўзлари:** қурилиш-монтаж ишлари, маҳсус темирбетон блокларини, ички пудратчи, қурилиш материаллар ҳисоби, корхонанинг ахборот тизими, ҳисоб сиёсати

**Аннотация.** В статье рассматриваются сущность, содержание, задачи учета и контроля строительных материалов и его роль в строительной организации железнодорожного транспорта треста «Мостострой».

**Ключевые слова:** строительно-монтажные работы, специальные железобетонные блоки, субподрядчики, учет строительных материалов, управленческий учет, информационная система предприятия, учетная политика

**Abstract.** The article deals with the essence, content, tasks of accounting and control of construction materials and its role in the construction organization of railway transport of the Mostostroy trust.

**Key words:** construction and installation works, special reinforced concrete blocks, subcontractors, construction materials accounting, management accounting, enterprise information system, accounting policy

За истекшие два года Кабинетом Министров Республики Узбекистан реализованы комплексные меры по выполнению задач, определенных Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 — 2021 годы. В третьем направлении «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах – «Развитие и либерализация экономики», предусматриваются также расширение внешнеэкономических связей, внедрение современных технологий для производства экспортоориентированной продукции и материалов и развитие транспортно-логистической инфраструктуры [1]. Трест и его структурные подразделения имеют следующие специфические особенности производственной и финансово-хозяйственной деятельности, вызванные технологическими спецификациями циклов, как строительство мостов, тоннелей и метрополитена, так и промышленного производства специальных железобетонных изделий и конструкций, бетона и каркасов арматурных для строительства указанных объектов. По этим особенностям, строительство мостов и метрополитена организовываются вахтовым методом, со всеми из последнего, вытекающими производственными и трудовыми отношениями, с возмещением затрат заказчиком. Выполнение объемов строительно-монтажных работ по генеральному подряду производится собственными силами подрядных предприятий Треста и силами привлеченных субподрядных организаций, как из своей системы, так и со стороны.

Механизированные виды работ выполняются, как собственными специализированными техническими средствами Треста и его структурных подразделений. В строительстве мостов и метрополитена применяются собственные продукции- специальные железобетонные изделия и конструкции, особые марки строительного бетона, индивидуальные каркасы арматурных изделий, изготовленных на промышленных цехах обособленных мостостроительных отрядов Треста. Не производимые мостостроительными отрядами виды специальных железобетонных изделий и конструкций выпускаются на вновь созданных специализированных промышленных предприятиях Треста.

Приобретение в централизованном порядке:

- а) остродефицитных, дорогостоящих, импортных специальных строительных материалов;
- б) цемента и металла по фондам правительства, ГСМ по фондам АО «Узбекистон темир йўллари»;
- в) приспособлений, устройств (строительный инвентарь), оборудования промышленного и строительного назначения (технологическая линия, транспорт, машина, механизм, комплекса оборудования, компрессор, средства малой механизации и т.д.).

Предусмотренный в НСБУ №4 порядок включения заготовительно-складских и транспортных расходов в себестоимость приобретенного товара на момент их прихода на склад, не применяется к основным строительным материалам, из-за возмещения этих расходов в «Ведомости потребности ресурсов» в твердых процентах к прямой их стоимости по цене поставщика.

Обеспечение строительства «материалами заказчика», промышленного выпуска специальных строительных конструкций, строительного бетона и каркасов арматурных «давальческим сырьем».

Постановлениями правительства, на реализацию отдельных проектов по строительству мостов и метрополитена, предоставлены налоговые преференции по налогу на добавленную стоимость с разной структурой их применения, касательно, участников реализации проектов (всех участников, участников или подрядчиков из системы АО «Узбекистон темир йўллари», только генподрядчика и субподрядчиков).

Вышеизложенные особенности и специфики производства способствуют возникновению в деятельности Треста и его структурных предприятий вопросов, ситуаций и обстоятельств, по решениям которых в нормативных актах не имеется ответа или будут неточные и неясные ответы

Таблица 1

Динамика основных показателей треста «Мостострой»\*

| Показатели   | 2019 год<br>план | 2019 год<br>отчёт | Изменения в 2019 году |      |
|--|------------------|-------------------|-----------------------|------|
|  |                  |                   | абс(-/+)              | %    |
| Выполнение строительно-монтажных работ, штук         | 145              | 187               | 42                    | 28,9 |
| Изготовление специальных железобетонных блоков, штук | 2990             | 3574              | 584                   | 18,5 |
| Установка технологического оборудования, штук        | 132              | 143               | 11                    | 8,3  |
| Оказания платных услуг, тыс. сум                     | 16594,1          | 17755,6           | 1161,5                | 7,0  |

\*источник. Данные треста «Мостострой» за 2018 год

Ни один нормативно правовой акт не может охватить всего круга вопросов, возникающих на практике, а также в связи с возможным наличием нечеткостей и неопределенностей, как в финансовом, так и в налоговом законодательстве, у хозяйствующего субъекта возникнут случаи, когда он затрудняется в правильном выборе варианта трактовки нормативных документов. В следующей таблице 1 дана динамика основных показателей треста “Мостострой”.

В диаграмме 1 наглядно видна доля основных показателей треста “Мостострой” в 2019 году.




Диаграмма 1. Доля основных показателей треста “Мостострой” в 2019 году

Суть анализа материальных ценностей напрямую связана с его задачами. Анализ фокусируется на уровне доступности предприятия с прямыми материальными ресурсами, эффективном использовании строительных материалов, важности надлежащего управления богатством в росте производства и выявлении, и создании внутренних возможностей для экономии материальных ресурсов.

По данным складского и аналитического учета определяется средний запас каждого вида материалов, сравнивается с нормативным, устанавливаются отклонения, их причины, принимаются меры по сокращению или пополнению запаса, необходимого для ритмичной работы предприятия. Опережающие темпы роста объема продажи продукции по сравнению с темпами роста производственных запасов приводят к ускорению оборачиваемости оборотных средств, к их высвобождению из хозяйственного оборота. Чем медленнее производственные запасы оборачиваются в процессе функционирования предприятия, тем больше требуется хозяйственных средств для продолжения производственно-хозяйственной деятельности предприятия. Для улучшения бухгалтерского учета строительных материальных запасов необходимо:

- формирование фактической себестоимости запасов;
- правильное и своевременное документальное оформление операций и обеспечение достоверных данных по заготовлению, поступлению и отпуску запасов;
- контроль за сохранностью запасов в местах их хранения и на всех этапах их движения;
- своевременное выявление ненужных и излишних запасов с целью их возможной продажи или выявления иных возможностей вовлечения их в оборот.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 07.02.2017 г №-УП-4947
2. Послание Президента Республики Узбекистан Олий мажлису (28 декабря 2018 года). "Народное слово", 29 декабря 2018 г.
3. Хасанов Б.А., Ганиев З.У., Мухаммедова Д.А., Бошқарув ҳисоби: ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2018. – 280 б.
4. Евдокимова Л.К., Чекалина Е.В. Бухгалтерский учет в строительной организации.-С-П.:изд. Санкт-Петербургский Государственный экономический университет, 2018.- 112 с.

ЎУК 338.482

### ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*У.Р. Матякубов, докторант, Урганч Давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада соҳага доир адабиётлар таҳлил қилиниб, минтақада туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари муаллиф томонидан тақлиф қилинган. Шунингдек, мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақасида туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** туризм, стратегия, ташкилий-иқтисодий жиҳатлар, Оролбўйи минтақаси, туризм инфратузилмаси

**Аннотация.** В данной статье анализируются литературы данной области и предлагаются организационные и экономические аспекты стратегического развития туризма в регионе. А также, раскрыты организационно-экономические аспекты стратегического развития туризма в Приаральском регионе страны

**Ключевые слова:** туризм, стратегия, организационно-экономические аспекты, регион Приаралья, туристическая инфраструктура

**Abstract.** This article analyzes the literature in the field, proposes the organizational and economic aspects of the strategic development of tourism in the region. The organizational and economic aspects of the strategic development of tourism in the Aral Sea region of the country are also revealed.

**Key words:** tourism, strategy, organizational and economic aspects, Aral Sea region, tourism infrastructure

Туризм бугунги кунда маҳаллий бюджет даромадларини манбаи, аҳоли бандлигини ва турмуш даражасини ошириш воситаси, ижтимоий- маданий муҳитни ривожлантириш ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим жиҳати сифатида асосий феноменга айланди. Туристик хизматлар амалий жиҳатдан ҳудудий характер касб қилиб, минтақада туристик маҳсулотга талаб ва таклифни шаклланишининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Минтақада туризмни ташкилий-иқтисодий шароитларини самарали ривожланишини таъминлаш, давлат сиёсатининг минтақавий туризмни тартибга солиш бўйича белгиланган вазифаларини ечиш билан эришилади.

Минтақаларда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатлар, кўпгина тадқиқотлар МДХ ва мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилган. Жумладан, Л.В.Васильева [1] томонидан минтақада туризмни барқарор ривожланишини таъминлайдиган ташкилий ва иқтисодий механизмларини шакллантиришнинг муҳим тамойиллари очиб берилган. Г.Л.Белов [2] ўз тадқиқотларида минтақада туризмни мақсадли-дастурли бошқарувини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмларини назарий ва методологик асосларини ёритиб берган. Д.Т.Ахобадзе [3] ишларида ҳудудларда туризм ва рекреация ривожлантиришнинг стратегик устуворликларини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари И.С.Тухлиев, Ғ.Х.Қудратов ва М.Қ.Пардаевлар[4] томонидан миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда туристик фаолият натижаларини иқтисодий баҳолаш масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Б.С.Бердиёров [5] Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиш шарт-шароитлари ва ташкилий-иқтисодий механизмларини баҳолашни ёритган бўлса, М.Т.Алимова [6] ҳудудий туризм бозорини самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини очиб берган. Шунингдек, Ж.Н.Абиев [7] ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, туризмни ривожлантириш учун бир қанча ташкилий-иқтисодий механизмлардан фойдаланиш зарурлигини асослаган бўлса, Ш.Рузиев [8] томонидан минтақаларда тарихий-маданий туризмни ташкилий-иқтисодий механизмнинг илмий-назарий асослари, тамойиллари ва концепцияси ишлаб чиқилган.

Юқори қайд қилиб ўтилган олимлар томонидан туризмни ривожлантириш масалалари ёритиб берилган бўлсада, мамлакатимизнинг минтақаларида туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари атрофлича тадқиқ қилинмаган.

Туризм соҳаси ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, туризмни ривожлантириш учун, узоқ муддатли тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, тегишли инфратузилма ҳамда бир қатор зарур шарт-шароитлар яратилиши керак. Минтақада туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларини самарали таъминлаш энг аввало соҳада давлат сиёсати олдида турган вазифаларини ечиш йўли билан эришилади. Тадқиқотларимиз жараёнида, соҳага оид адабиётларни таҳлил қилиб, минтақада туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари куйидагича таклиф қилинди (1-расм).


1-расмга мувофиқ, тадқиқотларимиз жараёнида мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақасида туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилди. Тадқиқот объекти сифатида Оролбўйи минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари бўлиб, назарий ва услубий-асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари олинди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мамлакатимизнинг Оролбўйи минтақалари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари сифатида куйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666 сонли «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ [9], Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари бўйича ҳудудий бошқармалари, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари бўйича, туризмни ривожлантириш департаментлари ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий бошқармаси ҳамда Хоразм



вилояти туризмни ривожлантириш департаментларига минтақанинг туристик салоҳиятини ошириш, туризм субъектлари фаолиятини тартибга солиш, туризм соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа вазифалари юклатилган;



1- расм. Минтақада туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3129-сонли қарорига мувофиқ, Хоразм вилояти ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинган. Туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосарининг асосий вазифаси ҳудудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, туризм бўйича қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш ҳамда туризм соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш киради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинган [10] бўлиб, мазкур Дастурни амалга ошириш учун 11 226,0 млн.сўм ажратилган. Дастур Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм йўналишлари ва хизматларини такомиллаштириш, ҳудуднинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, туристлар учун ёндаш инфратузилма объектлари ҳолатини яхшилаш, туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ [11], Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани Акчакўл қишлоғида археологик, медицина ва соғломлаштириш туризми, Беруний туманининг Олтинсой қишлоғида экотуризм, агротуризм, тарихий ва зиёрат туризми ҳамда Хоразм вилояти Боғот туманинг Дехқонобод ва Миришкор қишлоқларида гастронмик туризми, Урганч тумани Чолиш посёлкасида экотуризм, гастронмик туризми, Янгиариқ, Янгибозор туманларида тарихий туризм, экотуризм ва агротуризмни ривожлантириш каби чора-тадбирлар белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига [12] мувофиқ, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш назарда тутилган. Жумладан, 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида жами 119 та, Хоразм вилоятида 165 та меҳмонхона қурилиши белгиланган. 2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида ташаббускорлар томонидан лойиҳа қиймати 10000 минг АҚШ доллари ва 86800 млн. сўмлик бўлган жами 8 та меҳмонхона қурилиб, 218 та ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган. 2019-

2020 йилларда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Боғот, Гурлан, Ҳазарасп, Урганч, Янгиариқ ва Хива туманларида ташаббускорлар томонидан лойиҳа қийматлари жами 37000 АҚШ доллари ва 274950 млн. сўмлик бўлган 48 та меҳмонхона қурилиб, уларда 1161 та ишчи ўрни очилиши режалаштирилган. Ундан ташқари мазкур қарорда мамлакатимиз минтақаларидаги маданият объектлари ва муассасаларини замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ қилиниши назарда тутилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи, Мўйноқ экология музейи, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусикали театри ҳамда Хоразм вилоятидаги “Ичан-қалъа” комплекси, Ўзбекистон замонавий санъат музейи, Хоразм тарихи ва адабиёти музейи, Хоразм вилояти мусикали драма театрлари шулар жумласига киради.

Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазиятни ҳамда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат Дастури тўғрисида”ги қарори [13] қабул қилинган. Мазкур дастурга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасида 2017-2020 йилларда ёпиқ қўриқланадиган ҳудудни ўзи ичига оладиган лойиҳа қиймати 10,0 млрд. сўм бўлган “Орол воҳаси” туристик мажмуасини ҳамда Орол денгизига яқин ҳудудлар, Қуйи Амударё биосфераси, “Судочье” кўли, Қўнғирот ўрмон ов хўжалиги, “Қазақдарё” Давлат ўрмон ов хўжаликларида маҳаллий ҳудуд аҳолисини жалб қилган ҳолда туристлар учун стационар ва мавсумий жойлаштириш воситалари тармоғини, янги маршрутларини ташкил қилувчи туризм инфратузилма объектларини барпо этишга 10,0 млрд.сўм миқдоридagi лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани табиий ресурсларга бойлиги, географик жойлашуви, улкан туризм салоҳияти, маданий мерос объектлари ва улкан меҳнат ресурслари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий аҳолига қулай яшаш шароит яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сонли “Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини жадал комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” дастури қабул қилинган. Мазкур дастурда 2019-2021 йилларда Мўйноқ туманида туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари ўз аксини топган. Асосан, тумanning туристик потенциалини очиб берувчи босма ва электрон материалларни ишлаб чиқиш, тумanning туристик салоҳиятини халқаро кўргазмаларда тарғиб қилиш, тумanning турли ҳудудларида камида 20 та “селфи объект”ларини, “хунармандлар аллеяси”ни ташкил этиш, тумандаги аэропортни реконструкция қилиш, туманда “Балиқчилар қишлоғи”ни ташкил қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 638500 млн.сўм сарфланиши белгиланган;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига [14] мувофиқ, Хоразм воҳасини туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, сайёҳларни вилоятнинг ноёб тарихий-маданий ва меъморий мерос объектлари билан кенг таништириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, ҳудудда замонавий талабларга мувофиқ кўрсатиладиган туризм, меҳмонхона ва транспорт хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур қарорнинг ўзига хос бўлган жиҳатларидан бири Урганч шаҳридаги Шовот канали бўйида –“Шовот” кичик туризм зонасини ҳамда Хива шаҳридаги “Говук кўл” кичик туризм зонасини ташкил этиш ҳамда уларда замонавий туризм мажмуалари, яъни маданий-соғломлаштириш, савдо кўнгилочар ва туризм аҳамиятига эга бўлган бошқа объектларни қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилма объектларини ташкил қилиш чора-тадбирлар белгиланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари томонидан 2019 йил 14 октябрда тасдиқланган “Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини 2019-2021 йилларда жадал ривожлантириш” бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 5781-сон Фармонида [15] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарорларига [16] мувофиқ, фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари (яшаш ва/ёки овқатланиш бўйича хизматлардан ташқари) кўрсатилган тақдирда уларга «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ёки «Туризм овули» мақомини бериш назарда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа, Мўйноқ, Чимбой туманлари, Хоразм вилоятининг Урганч, Янгиариқ, Боғот ва Хива туманлардаги фуқаролар йиғинларига “Туризм

маҳалласи”, “Туризм овули” ва “Туризм қишлоғи” мақомини бериш мақсадида 2020 йил “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилган.

Туризмни стратегик ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари бўйича юқорида қайд қилиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Оролбўйи минтақасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристлар оқимини кўпайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини очиш ва маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтиришда, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишда ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Васильева Л.В. Организационно-экономический механизм обеспечения устойчивого развития туризма в регионе. Кандидат экономического наук... дисс. Автореферат, Санкт-Петербург, 2006. – с.20.
2. Белов Г.Л. Организационно-экономический механизм программно-целевого управления развитием туризма в регионе. Кандидат экономического наук... дисс. Автореферат, Чебоксары, 2006. – с.20.
3. Ахобадзе Д.Т. Организационно-экономические механизмы реализации стратегических приоритетов развития туризма и рекреации на Северо-Западе России. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз 2(6) 2009. с.107
4. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: “Иқтисод ва молия”. 2008.- 246 б.
5. Бердиёров. Б.С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм бозоридagi ўрни. и.ф.н.дисс - Самарқанд, 2010. 145 б.
6. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида). и.ф.д. дисс.-Самарқанд, 2017. 272-б.
7. Абиёв Ж.Н. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2018. -65 б.
8. Рузиев.Ш. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ташкилий-иқтисодий механизмининг илмий-методик асослари. «Biznes-эксперт». №11 (131)-2018.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2666 сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953 сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида” ги қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4095-сонли қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги 2731-сонли “2017 - 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат Дастури тўғрисида” қарори
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 13 февралдаги 119-сон қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 5781-сонли Фармони, 6-илоvasи
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 631-сонли қарори

УЎК: 334.723:658.115 (575.1)

### КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АСОСИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Э.А. Муминова, и.ф.н., доцент, Фарғона политехника институти, Фарғона

**Аннотация.** Мақолада “Корпоратив бошқарув” тушунчаси, унинг фаолиятини замонавий иқтисодиётдаги ижтимоий аҳамиятини инобатга олган ҳолда аниқлаштирилган. Илмий мақолада корхоналарда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг корхонанинг бозор қиймати ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш асосида бошқарув самарадорлигини баҳолаш натижаларини олишга асосланган турли миқдорий усуллари асосланган ҳамда Корпоратив бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларини назарий жиҳатдан ўрганиш асосида Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив бошқарув, менежмент, корпоратив бошқарув самарадорлиги, бозор қийматини баҳолаш, акциядорлик жамиятлари, корпорациялар, ташкилий-иқтисодий механизм

**Аннотация.** В статье дается определение понятия “Корпоративное управление” с учетом его социальной значимости в современной экономике. В научной статье рассмотрены методы оценки эффективности корпоративного управления, основанные на различных количественных методах оценки эффективности корпоративного управления, основанных на результатах оценки эффективности управления, основанных на анализе рыночной стоимости и финансового состояния предприятия, а также на теоретическом исследовании выполненных научно-исследовательских работ.

**Ключевые слова:** корпоративное управление, менеджмент, эффективность корпоративного управления, оценка рыночной стоимости, биржевые общества, корпорации, организационно-экономический механизм

**Abstract.** The article defines the concept of “Corporate management” taking into account its social significance in the modern economy. The scientific article considers methods for evaluating the effectiveness of corporate management based on various quantitative methods for evaluating the effectiveness of corporate management, based on the results of evaluating the effectiveness of management, based on the analysis of the market value and financial condition of the enterprise, as well as on a theoretical study of the research work performed.

**Keywords:** Corporate management, management, corporate management efficiency, market value assessment, stock exchange companies, corporations, organizational and economic mechanism

### Кириш

Жаҳонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқарув механизмлари самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида эконометрик моделлар яратилган ҳамда ушбу моделлар ёрдамида корпоратив бошқарув самарадорлиги баҳоланган. Корпоратив бошқарувда ички ва ташқи механизмларнинг амал қилиш тартиби, корпоратив маданиятни шакллантириш, корпоратив низоларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, мулкдорлар ҳамда бошқа шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк эгалари билан менежерлар ўртасидаги муносабатлар масалалари, корпоратив бошқарув жараёнидаги томонлар қизиқишларини ўрганиш ҳамда банкротлик эҳтимолини баҳолаш, корпоратив бошқарувда назорат механизмларини янада такомиллаштириш асосий илмий тенденциялардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқарув механизмни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1].

Бу каби устувор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикада корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқарув механизмни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқарув механизми самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корпоратив бошқарувни тадқиқ этишнинг методологик асосларини кўриб чиқишда, авваламбор, сўнгги йилларда тадқиқотчи олимлар томонидан корпоратив бошқарув соҳаси доирасида ўтказилган тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида соҳа фаолиятининг бугунги кундаги долзарблиги ва амалий аҳамияти нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади.

Мутахассис ва олимлар корпоратив бошқарув тушунчасига турли томондан ёндашдилар [2]. Айрим тадқиқотчилар кўпроқ эътиборни корпоратив бошқарувни ташкил этишнинг турли моделларига қаратсалар, бошқалари корпоратив бошқарувни фақатгина акциядорлик тузилмаларида мулк эгалари билан менежмент ўртасидаги муносабатларга боғлайдилар.

«Корпоратив бошқарув» тушунчаси ўзида комплекс қоида ва рағбатларни мужассам этиб, улар ёрдамида акциядорлар корхона раҳбарияти фаолиятини назорат қилади ва фойдани ошириш ҳамда корпорация қийматини ошириш мақсадида менежментга таъсир кўрсатади [3].

Республикада олимларидан А.А. Хашимовнинг фикрича, «корпоратив бошқарув – асосий манфаатдор шахсларнинг компанияни самарали бошқаришни ташкил этишдаги манфаатларини бирлаштирувчи ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий чора–тадбирлар мажмуи» [4].

Россиялик олимлардан И.Ю.Бочарова корпоратив бошқарув бўйича фикрни ривожлантириб, қуйидагича фикр билдиради: “корпоратив бошқарув компания фаолияти билан боғлиқ қизиқиш уйғотувчи корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасидаги муносабатларда пайдо бўлувчи акциядорлар ҳолати ва акциядорлик жамияти хатти–ҳаракатларига таъсир этувчи ташкилий–иқтисодий ва бошқарув муносабатлари тизимидир” [5].

Бошқа россиялик олим И.В.Белинов корпоратив бошқарувни муносабатлар тизими сифатида ўрганган: «корпоратив бошқарув – корпоратив муносабатлар қатнашчилари қизиқишлари ҳамда компания самарали фаолияти, унинг ижтимоий мақсад ва умумий қизиқишларга мослигини таъминлашдаги масалаларни ҳал этиш бўйича компания эгалари (мулкдорлари) ва унинг менежерлари, ҳар хил акциядорлик гуруҳлари ва яхлит компания ҳамда бошқа қизиқувчи томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир» [6]. Шу билан бирга, бу каби қатнашувчи томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида қаралган корпоратив бошқарув борасида бошқача фикрлар ҳам мавжуд.

Ю.А. Голикова тадқиқотларида корпоратив бошқарувни ташкилий тузилма нуқтаи назаридан аниқлаган: “корпоратив бошқарув бизнеснинг ташкилий–ҳуқуқий томонларини бошқариш, ташкилий тузилмани муқобиллаштириш, қабул қилинган мақсадга мувофиқ компаниянинг ички ва фирмалараро муносабатларини ҳосил қилишдир” [7].

А.Коупланд, Д.Коллер ва Р.Мурринглар фикрига кўра, корхоналар барча манфаатдор томонларга тақдим этадиган молиявий ҳисоботлар уларнинг асосий воситаси корпоратив бошқарув мониторинг тизимлари акциядорлик жамиятининг ахборот шаффофлигига асосланади, бу эса корпоратив бошқарув самарадорлиги энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, мазкур ишларда бошқарувнинг алоҳида жиҳатлари ёки ресурсларни бошқариш масалалари кўриб чиқилган. Шунинг учун, мамлакатда иқтисодийни модернизациялаш шароитида корпорацияларда бошқарувнинг мос тизимини шакллантиришни ва тегишли илмий-услубий таълимотнинг ишлаб чиқилишини талаб қилади. Бу йирик корпоратив тузилмаларни бошқариш муаммоларини комплекс тадқиқ этиш, корпоратив бошқарув ҳамда илғор технологиялар ва миллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиш шароитлари, мамлакатнинг муайян ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослаштирилган замонавий менежмент усуллари қўллаш асосида корпорацияларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли қарор қабул қилувчи шахснинг стратегик бошқарув қарорлари чуқур таҳлил қилиниши ва баҳолалини зарур.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга оид ислохотларнинг кейинги босқичи, асосан, миллий корпоратив бошқарув тизимида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, шунингдек, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, уларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг очиқлиги ва жозибдорлигини таъминлаш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилиш ва унинг самарадорлигини оширишга барча корхоналарда ҳам етарлича эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу ҳолатнинг сабаби, қуйидагилардан иборат:

- корхоналар корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилиш заруратидан хабардор эмас;
- акциядорлик қонунчилиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база мукамал эмас;
- корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллаш қийин.

Бундан ташқари, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган аппарати йўқ эканлиги корпоратив стандартларга риоя қилиш заруратини тушунишни қийинлаштиради.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотларини ҳар томонлама ўрганиш шуни кўрсатадики, бошқарув қарорларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари иккинчи даражали бўлиб қолган, ваҳоланки бошқарув иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий усуллари маҳаллий корпорацияларга нисбатан амалда қўллаб бўлмайди. Шундай экан, ушбу мураккаб муаммонинг ечимини топишга бағишланган илмий тадқиқотлар долзарблиги жуда юқори ҳисобланади [8].

Ҳозирги пайтда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш услубиятларининг иккита гуруҳи мавжуд: бошқарув ва иқтисодий услубиятлар.

Бошқарув мезонларидан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари асосан турли рейтинглар билан ифодаланади.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг ушбу усуллари мулкдорларнинг манфаатларини дифференциация қилишга имкон бермайди ва таҳлил қилинаётган корхона фаолиятини баҳолашнинг иқтисодий механизмларини аниқлаштирамайди.

Иқтисодий мезонлардан фойдаланган ҳолда корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари:

- корхонанинг берилган вақт оралиғида банкротга учраш эҳтимолини башорат қилишнинг статистик асосланган моделлари;

- корхоналарни рейтинглашнинг ранг услубиятлари;
- корхоналарни рангга ажратишнинг тармоқ усуллари;
- кредитлаш мақсадида корхона рейтингини аниқлаш услубияти.


Бу усулларнинг камчилиги шундаки, улар иқтисодий фойдани баҳолашга асосланади. Улар мулкдорларнинг корхона ишидан манфаатдорлигини, мисол учун, корхона фаолияти устидан назорат ўрнатиш манфаати, бошқарув қарорларига таъсир этиш имконияти ва ҳ.к.ни ҳисобга олмайди.

Шунингдек, замонавий амалиётда корхонада корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг корхонанинг бозор қиймати ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш асосида бошқарув самарадорлигини баҳолаш натижаларини олишга асосланган турли миқдорий усуллари ҳам қўлланади (1-расм):

Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш икки босқичда амалга оширилади:

- банкротга учраш эҳтимоли баҳоланади (Альтманнинг икки омилли модели орқали)
- корхонанинг молиявий барқарорлиги баҳоланади (Таффлер модели).

Альтманнинг икки омилли модели компаниянинг банкротлик даражасини баҳолайди, Таффлернинг кўп омилли модели эса компаниянинг тўлов лаёқати моделини тузади [9].



1-расм. Корхонани бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг миқдорий усуллари (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Натижада барча ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлар таққосланади ва корхонанинг молиявий ҳолати ҳақида хулоса чиқарилади. Ушбу усулнинг камчилиги шундаки, молиявий қийинчиликка эга бўлган компаниялар қандай қилиб бўлмасин, ўз ҳисоботларини эълон қилишни тўхтатиб туради, чунки узок вақт давомида тўғри маълумотлар олиб бўлмайди. Ҳисоботларда чоп этиладиган маълумотлар ишончли бўлмаслиги мумкин, бу эса шунга олиб келадики, корхона фаолиятининг айрим кўрсаткичлари унинг тўлов лаёқатига эга эмаслигидан далолат берган бир пайтда бошқа кўрсаткичлар унинг фаолияти барқарор эканлиги ҳақида мулоҳаза юритишга асос бўлади. Корхонада корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи услубиёти унинг бозор қийматини таҳлил қилишга асосланади. Даромадни капиталлаштириш усули корхонанинг жорий даромадларини капиталлаштириш коэффициентига бўлиш йўли билан аниқлашга асосланади. Асосий камчилик – бу усулни қўллаш учун зарурий ва мажбурий шарт корхона келтирадиган даромадлар жорий даромадлар билан бир хил даражада қолишини тахмин қилиш ҳисобланади. Акцияларнинг курс қийматини баҳолаш усули ҳозирги ва олдинги даврлардаги акциялар курс қийматини таққослашдан иборат. Бу ерда асосий камчилик – бошланғич маълумотлар йўқлиги ҳисобланади, чунки биржаларда тор доирадаги маҳаллий компанияларнинг акциялари котировка қилинади.

Шундай қилиб, хориждан ўзлаштирилган ва маҳаллий шароитларда қўлланаётган корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг барча усуллари доим ҳам самарали бўлавермайди. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга янгича ёндашувлар яратишга асосланган тамомила бошқа усул талаб қилинади. Бу вазифани Нортон ва Каплан мувозанатланган кўрсаткичлар тизими усули ёрдамида ҳал этиш мумкин, чунки унда миқдорий ҳисоб-китобларни сифат баҳолари билан тўлдиришга қаратилган ҳаракат амалга оширилган. Улар корпорациянинг умумий стратегияси билан боғлиқ бўлган бошқарув самарадорлигининг барча ошқора ва яширин омилларини баҳолашга ёрдам бериши мумкин. Бу усулларнинг асосий камчилиги шундаки, уларни самарали қўллаш учун корхона ўзининг муфассал кўрсаткичлар тизимини мустақил равишда ишлаб чиқиши ва уни қўшимча қиймат яратиш бутун занжири бўйлаб барча бўлинмаларда жорий қилиши зарур. Кўрсаткичлар тизимини танлашга субъектив фикрнинг таъсир омили усулнинг бошқа бир заиф нуқтаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, самарадорликни ички ва ташқи турларга ҳам ажратиш мумкин. Ички самарадорлик корхонада мақбул тежамкорлик тизимини жорий этиш ёки юқори сифат омили асосида мавжуд ресурслардан оқилона фойдалана олишдир. Бу ўринда самарадорлик ишлаб чиқариш натижалари билан биргаликда бошқарув тизими самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, сотув самарадорлиги каби кўрсаткичларни қамраб олади.

Ташқи самарадорлик эса асосан, корхонада замонавий менежмент усуллари татбиқи натижаларини акс эттиради.

Корпоратив бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларини назарий жиҳатдан ўрганиш шу хулосага олиб келадики, бу масалада бир қанча ёндашув ҳамда усуллар ишлаб чиқилган [10]. Уларни ўрганиш шуни кўрсатадики, асосан, баҳолашни амалга оширишда сифат ҳам миқдор каби усулларга ажратилади (2-расм).

Сифат гуруҳига, асосан, солиштирма (таққослаш) ва корпоратив бошқарувнинг хавф-хатарини баҳолаш усуллари киритилади.

Миқдор гуруҳларига эса асосан, корпорация хўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар киритилади.

Ушбу усуллар моҳиятига қисқача тўхталиб ўтаемиз. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг таққослаш усули ҳар хил мамлакатларда ҳар хил шароитларда фаолият юритувчи корпоратив бошқарув механизмлари амал қилиш ҳолатини ўзаро солиштиришни назарда тутаяди. Бу каби ёндашувлар ноанъанавий саналиб, турли мамлакатларда (ҳаттоки, бир мамлакат миқёсида ҳам)

корпоратив бошқарув ҳолатини ўзаро таққослашга имконият яратади. Ушбу баҳолашни амалга оширишда кўп ҳолларда корпоратив бошқарув бўйича мамлакатда ҳуқуқий асосларнинг ривожланганлиги, уни бажариш даражаси, фонд бозорлари ривожланганлик даражаси (капиталлашув таққосланади), банкротлик механизми каби корпоратив бошқарувнинг ташқи механизм элементлари экспертлар баҳоси усулини қўллаш орқали баҳоланади. Корпоратив бошқарув ички механизмларини баҳолашда эса Директорлар кенгаши фаолияти (ташқи ва ички директорлар сони тақсимооти, Кенгаш аъзолари сони, Директорлар кенгаши томонидан менежерлар фаолиятини баҳолаш услуби ва бошқа кўрсаткичлар) ва менежерларни рағбатлантириш тизими (ҳақ тўлаш тизими менежер ва мулкдорлар кизиқишларини қай даражада ошириши билан баҳоланади) ҳолатлари баҳоланади.



2-расм. Корпоратив бошқарув самарадорлиги усуллари (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш муаммосини ҳал этишда бошқача ёндашувга, яъни корпорация молия-ўҳжалик фаолияти самарадорлигини бу корпоратив бошқарув пировард натижаси самарадорлиги тасдиғи ҳамдир, деган ёндашувга асосланилади.

**Хулоса ва таклифлар**

Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. «Корпоратив бошқарув» тушунчаси, унинг фаолиятининг замонавий иқтисодиётидаги ижтимоий аҳамиятини инобатга олган ҳолда аниқлаштирилган. Тадқиқотда таъкидланганидек, ҳозирги кунда «корпоратив бошқарув» тушунчасининг аниқ ва тўлиқ таърифи йўқ. Турли хил ёндашувларнинг борлиги, корпоратив бошқарувнинг ноаниқ талқин қилинишига ва тадқиқотчилар ва амалиётчиларни бироз чалкаштириб юборилишига ҳамда кенг тарқалиш йўлида баҳс - мулоҳазалар юзага келишига сабаб бўлмоқда;

2. Республикамик иқтисодиёти шароитида самарали корпоратив муносабатлари етарлича бўлмаган ҳамда фонд бозори, банкротлик институти, ёлланма бошқарувчилар институти талаб даражасида шакллантирилмаган корпоратив муносабатлар таркибий тузилмаси бўлмаган, унинг пул маблағлари билан самарали рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилмаган, корпорациялар менежерлари фаолиятини фақатгина Директорлар кенгаши (Кузатов кенгаши ) каби битта механизм билан назорат қилиниши ҳолатида бу каби услубларни такомиллаштириш ва уни мослаштириш талаб этилади.

3. Корпоратив бошқарув самарадорлигини унинг бозор қиймати асосида баҳолаш корпорация акция тўловига лаёқатлилигини кафолатловчи фонд бозорлари самарали фаолият юритишидагина мумкин бўлади.

4. Корпоратив бошқарув самарадорлигини унинг бозор қиймати асосида баҳолаш корпорация акция тўловига лаёқатлилигини кафолатловчи фонд бозорлари самарали фаолият юритишидагина мумкин бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Евстратов А.В., Измайлов А.М. Слияния и поглощения компаний в фармацевтическом рынке: мировой опыт и российская специфика: Монография. – Волгоград: Волг ГТУ, 2016. – 156с.; Мансуров О.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув. Монография. –Т.: Молия, 2008. – 163 бет.
3. Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш: Монография. – Т.: фан, 2007. – 46 бет.
4. Бочарова И.Ю. Корпоративное управление. – М.: Инфра-М, 2017. – 368 с.
5. Совет директоров как мировой стандарт корпоративного управления компанией [Текст] / Под ред. И.В.Белинова. – М.: Эксмо, 2008. – 12 ст.
6. Голикова Ю.А. Интеграция и регулирование деятельности корпораций в обеспечении экономической безопасности: Монография. – Хабаровск, РИЦ ХГ АЭП, 2010. – 294 с.
7. Филатова А.А., Кравченко К.А. Современная практика корпоративного управления в российских компаниях – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 245с.
8. Иванова Е.А., Шишикина Л.В. Корпоративное управление. – Ростов н/Д: «Феникс», 2007. – 256 с.
9. Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: дис. на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экон. Наук. – ТГЭУ, 2017. – 164с.

**УЎК 33**

**МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ**

*Т.М. Таджиев, мустақил тадқиқотчи, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус*

***Аннотация.** Ушбу мақолада минтақада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириши, саноат салоҳиятидан тўла ва мақсадга мувофиқ фойдаланишининг муҳим омилларини аниқлаш ва босқичма-босқич амалиётга жорий этиши ўрганилган. Минтақа саноатини ривожлантириши омилларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.*

***Калитли сўзлар:** саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш, омиллар, баҳолаш мезонлари*

***Аннотация.** В данной статье рассматривается развитие промышленного производства в регионе, выявление важных факторов для полного и целевого использования промышленного потенциала и их постепенная реализация. Разработаны критерии оценки факторов промышленного развития региона.*

***Ключевые слова:** производственный потенциал, производство, факторы, критерии оценки*

***Abstract.** This article discusses the development of industrial production in the region, identifying important factors for the full and targeted use of industrial potential and their gradual implementation. Criteria for evaluating factors of industrial development of the region have been developed.*

***Keywords:** production potential, production, factors, evaluation criteria*

**Кириш.** Ҳозирги вақтда ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириб бориш, шу мақсадларда бошқарув самарадорлигини оширишга имкон берувчи институционал асосларни такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, бундай муаммоларни ҳал қилиш миқдор ва сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни, яъни минтақа иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишда замонавий эконометрик моделларни қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан: мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, минтақалар рақобатбардошлигини ошириш, изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, бу жараёни оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, минтақанинг иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг усулларини ва уларни татбиқ этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш, минтақа иқтисодий тизимини устувор йўналишларини оптимал тартибга солишни кўп омилли иқтисодий - математик моделлари ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Асосий қисм.** Минтақада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, саноат салоҳиятидан тўла ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш муҳим омилларни аниқлашни ҳамда босқичма-босқич амалиётга жорий этишни тақозо этади. Унда жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги тенденцияларни ҳисобга олиш, ички талаб ва имкониятларга реал баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга [1].

Кўпгина илмий тадқиқотларда саноат салоҳиятини ошириш омиллари сифатида қуйидаги омилларга эътибор қаратилган [2]:

✓ саноат салоҳиятини ҳамда саноат мажмуасининг қиёсий устунлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш қувватларининг технологик даражасини баҳолаш;



✓ саноат ишлаб чиқаришининг диверсификациялашганлик даражаси, юқори кўшилган қийматда тармоқнинг улуши ва қайта ишловчи саноат ишлаб чиқаришнинг улуши;

✓ ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион қобилиятини баҳолаш, хомашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси, юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик ҳамда маркетинг ҳолати ва бошқалар.

О.В.Баканач ва К.В.Гауссларнинг фикрича [3] - "саноат салоҳияти" саноат корхоналарининг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва яратишга бўлган ялпи қобилиятларидир. Муаллифларнинг қайд этишича, саноат салоҳияти ривожланишининг энг муҳим йўналишлари бу унинг янгилиниши, технологик модернизация, тармоқларнинг жадал ривожланиши, нисбатан илғор ва технологик муносабатлардир.

И.Х.Цогоевга кўра, "саноат салоҳияти" саноат ташкилотларининг ресурслардан фойдаланиш натижадорлигининг мумкин бўлган максимал имкониятларини ифодаловчи умумлашган миқдорий баҳосидир. Саноат салоҳияти аҳамиятли даражада ялпи кўшилган қийматни шакллантириш жараёнида иштирок этувчи барча ресурслардан максимал даражада фойдаланиш имкониятидир [4].

Худуднинг қиёсий устуңлигини белгилловчи ва худуд саноатини ривожлантиришда етакчилик қиладиган омилларга эътибор қаратган [5].

Ўтказилган тадқиқотлар ва қилинган таҳлиллар асосида минтақада саноат ишлаб чиқариш омилларини таснифий белгилари аниқланди ва гуруҳланди (1-жадвал).

Тадқиқотларимизга кўра, минтақа саноати ривожланишидаги тенденциялар ва устувор йўналишлар куйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб этади:

- минтақа худудларида ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш;

- маҳаллий саноат корхоналари маҳсулотларининг республика ва минтақавий бозорлардаги салмоғини ошириш;

- кичик ва ўрта корхоналарни саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ва бу соҳадаги имтиёзлар тизимини такомиллаштириш;

- минерал хом-ашё, тоғ-кон захиралари мавжуд худудларни янги саноат технологиялари асосида ўзлаштириш;

- меҳнат ресурсларига бой худудларда меҳнат сиғими юқори бўлган саноат ишлаб чиқариш турларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- мамлакатнинг ички ва ташқи бозордаги қиёсий афзалликларидан оқилона фойдаланиш асосида худуд саноатининг ихтисослашув даражасини ошириш;

- “технопарк”, ўсиш нуқталари, кичик ва эркин иқтисодий зоналарнинг шаклланиши ва минтақа саноат корхоналарининг халқаро савдо-саноат компаниялари билан интеграциялашуви учун қулай шарт-шароитларни барпо этиш ва ҳ.к.

Бундай омиллардан фойдаланиш худудлардаги саноат тараққиёти даражалари ўртасидаги тафовутларнинг қисқаришига, минтақани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади [6].

Бугунги кунда саноат ривожланишини давлат томонидан марказлашган ҳолда тартибга солиш куйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- умумдавлат аҳамиятидаги саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришга ёрдам кўрсатиш;

- саноатнинг устувор йўналишларига давлат-хусусий шерикчилиги тамойилларини кўллаш;

- бюджет-солиқ, молия-кредит, валюта, суғурта сиёсатлари орқали тартибга солиш;

- давлат буюртмаси ва баҳоларини белгилаш;

- хом-ашё ресурслари ва бутловчи қисмларни сотиб олишга хорижий валютада квота ажратиш ва бошқалар.

Шу билан бирга, минтақа саноат ривожланишини мувофиқлаштиришнинг ташкилий-институционал омиллари куйидагилар кириши мумкин:

- саноат корхоналарини минтақа худудларида жойлаштириш ва ривожлантириш бўйича экспертлар гуруҳи хулосаларини шакллантириш;

- маҳаллий ҳокимият ташаббуси билан хорижий мамлакатларда кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, савдо уйлари очиш;

- минтақа чегарадош худудларида эркин савдо зоналари, саноат паркларини ташкил этиш;

- минтақада кичик ва ўрта бизнес вакилларини жалб қилган ҳолда саноат ишлаб чиқарувчиларнинг нодавлат марказлари, фондлари, уюшма, иттифок ва бошқаларни ташкил этиш;

- хорижий фондлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда минтақа саноат корхоналари маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

Ушбу омиллар саноат ривожланишини таминлашда иқтисодий механизмлардан кенгрок фойдаланишни кўзда тутди. Бу механизмлардан самарали фойдаланиш республика ва минтақа миқёсида саноат ишлаб чиқарувчилари учун қулай макроиқтисодий муҳитнинг шаклланишига олиб келади [7]. Республика даражасида минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштириш учун иқтисодий жиҳатдан орқада қолаётган минтақалардаги саноат корхоналарига

кредит ва умумреспублика солиғидан имтиёзлар жорий этиш, ушбу минтақаларга хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

1-жадвал

**Минтақада саноат ишлаб чиқариш омиллари таснифий белгилари**

| Кўрсаткичлар  | Ў/б  | Омиллари мазмун-моҳияти   |
|---|------|---|
| <b>1. Техник иқтисодий омиллари</b>   |      |   |
| 1.1. Аҳоли жон бошига саноат асосий фондларининг қиймати  | Сўм  | Худуд саноатининг асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси   |
| 1.2. Саноат асосий фондларининг эскириш даражаси  | %    | Ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳолати   |
| 1.3. Фонд қайтими   | -    | Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги   |
| <b>2. Молиявий омиллари</b>   |      |   |
| 2.1. Умумий саноат корхоналари сонида рентабелли саноат корхоналарининг улуши   | %    | Худуд саноатининг самарадорлик даражаси   |
| 2.2. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1 сўмига саноат корхоналарининг молиявий натижалари  | Сўм  | Саноатнинг ривожланиши учун молиявий имконият даражаси  |
| 2.3. Саноат корхоналари активларининг рентабеллиги  | %    | Саноат корхоналарининг активларидан фойдаланиш самарадорлиги  |
| <b>3. Аҳоли бандлиги омиллари</b>   |      |   |
| 3.1. Иқтисодиётда умумий бандлар сонида ишлаб чиқариш-саноат ходимларининг улуши  | %    | Саноатнинг кадр ресурси   |
| 3.2. Саноат ходимларининг умумий сонида олий маълумотли мутахассисларнинг улуши   | %    | Саноатнинг юқори малакали ишчи кадрлар ресурси  |
| 3.3. Умумий бандлар сонида ўрта маълумотли мутахассисларнинг улуши  | %    | Саноатнинг интеллектуал ресурси   |
| <b>4. Инфратузилмавий омиллари</b>  |      |   |
| 4.1. Умумий фойдаланадиган темир йўллари тигизлиги, 1000 км <sup>2</sup> худудга километр   | Км   | Транспорт инфратузилмасининг зичлиги  |
| 4.2. Қаттиқ, қопламали автомобиль йўллари тигизлиги, 1000 км <sup>2</sup> худудга йўл километри   | Км   |   |
| 4.3. Эркин майдонга эга бўлган индустриал ва технопарклар, саноат зоналари, тайёр инфратузилма объектлари (газ, электр энергия, сув, канализация) | Га   | Худуднинг инфратузилма ва янги ишлаб чиқаришларнинг жойлашуви учун зарур бўлган маъмурий – ҳуқуқий шароитлар билан таъминланганлиги |
| <b>5. Инвестицион омиллари</b>  |      |   |
| 5.1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноатнинг асосий капиталига инвестициялар ҳажми  | Сўм  | Саноатнинг ривожланиши ва модернизациялашувига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини тавсифлайди                                      |
| 5.2. Саноатнинг умумий инвестициялар ҳажмида банк инвестицияларининг улуши  | %    | Банк капиталини жалб қилиш самарадорлик даражаси  |
| 5.3. Саноат корхоналарининг асосий капиталига умумий инвестициялар ҳажмидан машина, жиҳозлар ва транспорт воситаларига инвестициялар улуши        | %    | Хусусий ишлаб чиқариш активларига қўйилмалар улуши  |
| <b>6. Инновацион омиллари</b>   |      |   |
| 6.1. Инновацион фаол корхоналар улуши   | %    | Саноат корхоналарининг инновацион маҳсулотни жорий қилиш имкониятлари   |
| 6.2. Саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотнинг улуши  | %    | Саноатнинг инновацион ривожланиш даражаси   |
| 6.3. Саноатга умумий инвестициялар ҳажмидан технологик инновацияларга харажатлар улуши  | %    | Саноатнинг устувор технологик ривожланиш даражаси   |
| 6.4. Саноатда банд бўлган минг кишига тўғри келадиган тадқиқотлар ва лойиҳалашларда банд бўлган ходимлар сони                                     | Киши | Саноатда илмий - инновацион соҳанинг самарадорлик даражаси  |

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Минтақалар даражасида саноатни ривожлантириш омиллари жорий этиш қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутаяди:

- маҳаллий бошқарув органлари идораларининг ваколатлари доирасида саноат корхоналарига имтиёзлар бериш;

- тадбиркорларни минтақадаги бозор инфратузилмалари (тижорат банклари, суғурта, лизинг компаниялари, инвестиция фондлари) тизими орқали рағбатлантириш;

- саноат корхоналарини ташқи бозорга чиқишларини қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар экспортини янада оширишнинг иқтисодий механизмлари – ссуда, мукофот, грантлар бериш ва бошқа усуллардан фойдаланиш;

- иқтисодий ночор худудларда саноат корхоналари куриш учун хусусий капитални жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредит, солиқлардан чегирма ва бошқаларни жорий этиш;

- минтақада саноат тармоғини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари фондиди тузиш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга устуворлик бериш.

Таҳдиллар асосида минтақа саноатини ривожлантириш омилларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Минтақа саноатини ривожлантириш омилларини баҳолаш мезонлари**

|     | Кўрсаткичлар номи  | Даражаси             | Балл Шкаласи |
|-----|--|----------------------|--------------|
| 1.  | Худуднинг жойлашган майдони  | Қулай Ўртача Ноқулай | 3 2 1        |
| 2.  | Худуднинг стратегия – географик жойлашуви: худуднинг чегарадош минтақалари ва ундан жаҳон бозорларига ва очик денгизга чиқиш имкониятлари (қуруклик, сувлик ва х.к.), салмоқли ҳажмдаги ички бозорларнинг мавжудлиги   | Қулай Ўртача Ноқулай | 3 2 1        |
| 3.  | Худуднинг табиий шароити, иқлими ва иқтисодий салоҳиятининг умумий тавсифи   | Қулай Ўртача Ноқулай | 3 2 1        |
| 4.  | Худуднинг минерал хомашё салоҳияти ва хомашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси (йирик очилган, очилиши кутилаётган қонлари, мавжуд қазилма бойликлари, ер ресурслари, сув ресурслари)  | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 5.  | Худуддаги демографик ҳолат ва турмуш даражаси (ишчи кучининг сифати ва миқдори, ўсиб бораётган ва олий маълумотли аҳоли сони ва х.к.)  | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 6.  | Худудда бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси (банк, суғурта, кредит уюшмалари, хизмат кўрсатиш объектларининг жойлашуви, электр, транспорт ва коммуникация тизимларининг ривожланганлик даражаси, йўлларнинг фойдаланиш имкониятлари, ичимлик суви, табиий газ ва х.к.) | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 7.  | Худудда замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш имконияти мавжуд бўлган мева ва сабзавотлар, гўшт-сут маҳсулотлари етиштиришда йирик табиий-иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги   | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 8.  | Ноёб, қимматли хом-ашё турлари ва қонларининг мавжудлиги   | Мавжуд Мавжуд эмас   | 2 1          |
| 9.  | Худудда анъанавий ишлаб чиқариш тажрибаларининг шаклланганлик даражаси   | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 10. | Худуднинг саноат ишлаб чиқариш имкониятларини чекловчи омиллар (экологик, ичимлик ва техник сув ресурсларига бўлган эҳтиёж даражаси, ишлаб чиқариш қорхоналарининг рационал жойлашуви ва б.)   | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 11. | Худуднинг ташқи муҳит таҳлили (қўшни давлатлардаги сиёсий вазият, чегарадаги ҳамкорлик муносабатларини ташкил этилганлик даражаси, иқлим ўзгаришлари, меҳнат миграциясининг ўсиши, транспорт тизими ва муаммолари, минтақавий омиллар)   | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |
| 12. | Худуднинг салоҳиятли бошқа манбалари ва имкониятлари [8].  | Юқори Ўртача Паст    | 3 2 1        |

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Ҳар бир омил бўйича кўрсаткичлар тизими аниқланиб, уларни даражаси уч балли мезон ёрдамида баҳоланади.

Энг асосий омиллар сифатида худуднинг стратегик - географик жойлашуви, худуднинг табиий шароити, иқлими ва иқтисодий салоҳиятининг умумий тавсифи, худуднинг минерал хом ашё салоҳияти ва хом ашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси, худуддаги демографик ҳолат ва турмуш даражаси, худудда бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси, худудда замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш имконияти, ноёб, қимматли хом-ашё турлари ва қонларининг мавжудлиги, худудда анъанавий ишлаб чиқариш тажрибаларининг шаклланганлик даражаси, худуднинг саноат ишлаб чиқариш имкониятларини чекловчи омиллар, худуднинг ташқи муҳит таҳлили, худуднинг салоҳиятли бошқа манбалари ва имкониятлари белгилаб берилган.

**Хулоса.** Қорақолпоғистон Республикаси саноатини ривожлантириш омилларини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш минтақада саноатни устувор тармоқларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва эконометрик моделлар ёрдамида прогнозлаш кўрсаткичларини аниқлаш ушбу омиллар ва мезонлар асосида амалга ошириш минтақа саноатини янада ривожланишига имкон яратади.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Кузнецова О.В. Экономическое развитие регионов: теоретические и практические аспекты государственного регулирования. Изд. 6-е. – М.: ЛЕНАНД, 2015.-С. 10-11.

2. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. Ташкент: IFMR, 2014. С. 184, 186-189, 201.

3. Баканач О.В. Типология регионов РФ по уровню развития промышленного потенциала / О.В.Баканач, К.В. Гаусс // Проблемы совершенствования организации производства и управления промышленными предприятиями: межвузовский сборник научных трудов. – 2012. - № 1. – С.

4. Цогоев И.Х. Роль государства в формировании и реализации промышленной политики в Северо-Кавказском федеральном округе: автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. экон. наук : 08.00.05 / И. Х. Цогоев. -М, 2012.-29 с.

5. Ларионов А.О. Оценка промышленного потенциала региона. Проблемы развития территории. Вып. 2(76) 2015. – 49 с.

6. Рузметов Б. Региональная экономика: опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. Тошкент, "Фан", 2002. с. 50-52

7. Қадиров А.М. Миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарини рақобатбардошлигини ошириш. Коллектив Монография. Тошкент, "Иқтисодий", 2013.

8. Туман ва шаҳар салоҳиятини баҳолаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва режалаштириш усуллари. Услубий-амалий қўлланма. II-қисм. IFMR, Тошкент, 2019.

УЎҚ 33

## АМИР ТЕМУРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОРАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Л.Н. Халикова, и.ф.н., доц., Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, Самарқанд*

**Аннотация.** *Амир Темура давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллаган. Амир Темура давлат тузуми тарихини ўрганиш шунинг кўрсаткичи, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.*

**Калим сўзлар:** *иқтисодий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, давлат тузуми, жамият*

**Аннотация.** *Из исторических источников известно, что Амир Тимур для строительства могущественного государства и справедливого общества, эффективно использовал морально-материальную систему стимулирования населения. Процветание огромного государства при Амуре Тимуре, возможно, было в результате продуманной экономической политики, многие положения которой актуальны и в настоящее время.*

**Ключевые слова:** *экономическая политика, социальная защита, государственная система, общество*

**Abstract.** *From historical sources we know that Amir Timur for the construction of the powerful state and a just society effectively used moral and material stimulation system to population. Prosperity of the huge state at Amir Timur period may have been as a result of the sound economic policy, many provisions of which are relevant in the present time.*

**Key words:** *economic policy, social protection, state system, society*

### Кириш

Амир Темура моддий ва маънавий рағбатлантиришда жамиятни, жамоани, шахсни ҳаракатга келтирувчи улкан куч деб қаради ва ундан давлатни, иқтисодийни бошқаришда дастуру амал сифатида фойдаланди.

Моддий рағбатлантириш тизимидан кенг фойдаланиш туфайли Амир Темура амирлар, саййидлар, уламолар, сипоҳларни ўз атрофига бирлаштиришга эришди, мамлакатда тинчлик, барқарорликни вужудга келтирди. Эгаллаган вазифаси ва бажарган хизматиға қараб, маошни даражама-даража ошириш тизими ҳозирги замонда амал қилаётган тариф сеткасини эслатади. Амир Темура айниқса, кўшинларнинг жанговорлик руҳини кўтариш, муҳолиф кучлар устидан ғалаба қилиш, кўзланган мақсадга тезроқ эришиш учун моддий манфаатдорлик тамойилидан усталик билан фойдаланган. Сипоҳийларнинг ойлик ҳақлари вақтида берилган. Рум юришида эса сипоҳийларнинг руҳини кўтариш мақсадида етти йиллик озуқаларини бирданига берган. Мамлакат ички ва ташқи сиёсатида барқарорликни таъминлашда, раиятнинг турли қатламлари орасида бирликни вужудга келтиришда, турли элат ва миллатларни марказлашган давлат атрофида бирлаштиришда моддий рағбатлантириш тамойилига амал қилиш катта натижаларга олиб келди. Дастури амал бўлиб хизмат қилган бу тамойилнинг турли қирраларини соҳибқироннинг қуйидаги сўз ва амалий ишларида кўриш мумкин:

-хайри -эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим;

-амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару-зеварлар билан хушнуд этдим. Дирҳам ва динорларни улардан дариг тутмадим;

-саййидлар, уламо, шайхлар ва бошка диний арбобларга суюрғол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қилдим;

-ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб хизматларидан фойдаландим;

-аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихчиларға ўз қўлларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар деб буюрдим.

-раъият, ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим.

Амир Темур мамлакатнинг сиёсий бирлигини мустақкамлашда, жаҳонгирликда янги зафарларга эришишда, ягона марказлашган давлатни вужудга келтиришда, фан ва маданиятни ҳамда иқтисодий ривожлантиришда маънавий рағбатлантиришни буюк ҳаракатлантирувчи куч деб билди ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантиришдан бир-бирини тўлдирувчи омил сифатида фойдаланди.

#### Асосий қисм

Ғалабалар ва ютуқларга илҳомлантирувчи куч сифатида маънавий рағбатлантиришнинг Амир Темур услуги биз учун тарихий сабоқдир. Унинг энг яхши томонларидан фойдаланиш, мазмунан ва шаклан кенгайтириш ва чуқурлаштириш жамиятимизнинг тараққиёт ва ривожда беқиёс аҳамият касб этишини инобатга олиб, Амир Темурнинг маънавий рағбатлантириш услубларини мухлисларнинг ўзларига ҳавола қилишни лозим топдик:

-лашкарни, раиятни атрофимга бирлаштириш учун мурувват, меҳрибонлик қилдим.

-ширин сўз ва очик юз билан уларни ўзимга ром этдим;

-қилган бир хизматини ўн баробар қилиб тақдирлаб, дилларини хушнуд қилдим;

Амирларим ва сипоҳларимни мартаба ва унвонлар билан хушнуд этдим;

-ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг бошлиқ оқсоқолларини қадрладим;

-фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим;

-раият аҳволдан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим;

-ким менга дўстлик қилган бўлса, давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим,

ҳақларини адо этдим;

-менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четга қолдирмадим.

-сайидлар, уламою машоих, оқилу донолар, муҳаддислар, хабарчилар (тарихчилар)ни танланган, эътиборли одамлар ҳисоблар, иззату хурматларини жойига қўйдим;

-қайси бири кўзга кўринарли бирор хизмат кўрсатар экан, инъомлар бериб, бошқалардан айрича хурматладим, сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада кўтарар эдим.

Амир Темур давлати иқтисодий сиёсатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллаган.

Амир Темур давлат тузуми тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг замонида соҳибқироннинг бевосита раҳнамолигида ижобий ҳимоялашнинг кенг қамровли тизими амал қилган.

Агар илгарилари ижтимоий ҳимоялаш ислом дини ахлоқ қоида-тузукларига мувофиқ ихтиёрий хайри-эҳсон шаклида устуворлик қилган бўлса, Амир Темур даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг давлат тизими ҳам вужудга келиб, иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Амир Темур марказлашган давлат вужудга келтириш жараёнида раиятнинг мол-мулкани талон-тарож қилишдан ҳимоя қилди. Ички ва ташқи босқинчи, талончи, қароқчиларнинг йўли тўсилди.

Ҳамма замонларда ҳам шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам аҳолини адолату-инсофдан чекинган, имону инсофни нафс балосига алмаштирган амалдорлар, ҳокимлар, беклар, қозилар, ясовуллар, закотчилар ва шунга ўхшашлардан ҳимоя қилиш талаб қилинган. Сипоҳийлар томонидан ҳам қонун қонидани бузиш ва кези келганда аҳоли мулкани талон-тарожлик, зўравонлик билан тортиб олиш ҳолатлари содир бўлган.

Амир Темур ўғри, қароқчи, зўравонларни “ясо” асосида жазолаган, фасодчи, бузуки, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдаб чиқарган. “Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим” (“Темур Тузуклари”) 56 бет. Раиятга золимлар томонидан етказилган ашъвий ва жисмоний зарарлар, шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилинар, исботлангандан кейин зарарлар тўланар ва шариат қоидаларига мувофиқ жазолари белгиланарди.

Йўлларни кўриклаш, ўткинчи савдогарлар, мусофирларнинг мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйиш учун йўлни кузатувчилар, зобитлар тайинланган эди. Агар йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа қор-қол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасига юкланарди.

Агар доруғалар (шаҳар ҳокими) ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларнинг иқтисодий аҳволи хароб ҳолга келтирилса, кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг моли қайтариб эгасига топширтирилган, гуноҳкорлар эса дарра уриш ёки жарима солиш билан жазоланган, агар у сипоҳий бўлса уни тутиб мазлум қўлига топширганлар.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил иқтисодий сиёсат олиб борилган.

Ишсизлик ўша замонларнинг ҳам катта ижтимоий иллати ҳисобланган. Натурал хўжалик ҳукмронлик қилган замонда меҳнат бозори жуда суст ривожланган эди, шунинг учун ишсизлик гадолар сонининг кўпайишида намоён бўларди.

Амир Темур гадоликка мамлакатни хунук кўрсатувчи омил деб қаради ва бу ижтимоий иллатнинг иқтисодий заминини йўқотмасдан унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқ таҳлил қилган ҳолда ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли усуллари билан фойдаланди.

Биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари-ожизлар, шол, кўр, чўлоқ, қарилик сабаби билан ишлай олмайдиганлар нафақа билан таъминланди. Баъзи маълумотларга қараганда хазинанинг ўн фоизи шу мақсадга сарфланган.

Иккинчи навбатда қилинган иш шу бўлдики, меҳнатга қобилиятли, билагида кучи бор фақиру-мискинлар, гадоларни иш ва хунар билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. “Яна буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин” (“Тузуқлар”, 95 бет).

Гадоликни касб қилиб олганларни, нафақа олиб кам гадолик қилувчиларни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб юборишга жазо чоралари кўрилган. Дангаса ва текинхўрларга нисбатан ижтимоий фикр - нафрат ва мурасасизлик кайфияти уйғотилган.

Амир Темур давлати ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, унда аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашилган. Ижтимоий ҳимоя давлатнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган. Амир Темур замонида жамиятимизда кам учрайдиган ижтимоий ҳимоянинг камёб усулидан фойдаланилган. Агар фуқародан бирининг уй-жойи бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар етказилиб берилиб, уй эгасига ёрдам кўрсатилган.

Ижтимоий ҳимояга табақалаштирилган ҳолда ёндашилган деганимизнинг иккинчи бир исботи шуки, қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етса, у улудадан (маошнинг тури) маҳрум этилмаган ва мартабасидан туширилмаган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари, албатта, ҳар бир мамлакат ва элатларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалла-гузарлар алоҳида роль ўйнаган.

#### Хулоса

Ҳамма замонларда, шу жумладан, Амир Темур замонида ҳам маориф, соғлиқни сақлаш, мусофирларга ёрдам кўрсатиш, сув чиқариш, кўприклар қуриш давлатнинг ёрдамига муҳтож бўлган. Амир Темур аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатида ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар (дарвишлар, қаландарлар, ғариб, мискинлар тўхтайдиган, истиқомат қиладиган жой) қурилган, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилинган, дарёлар устига кўприклар қурилган.

Соҳибқирон томонидан амалга оширилган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини кўллаб-қувватлаш сиёсати қуйидаги мақсадларни амалга оширишга хизмат қилган:

- ❖ биринчидан, жамиятда барқарорлик ва иноқлик кайфиятини вужудга келтирган;
- ❖ иккинчидан, фан, маданият, мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожланишига рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилган;
- ❖ учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш Амир Темурнинг "мамлакатни обод, раъиятни рози" қилишдан иборат иқтисодий сиёсатининг узвий қисмини амалга оширишга эришилган;
- ❖ тўртинчидан, Амир Темур давлати доврўғи бутун жаҳонга тарқалишига сабаб бўлган ва у халқро аҳамият касб этган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Темур тузуқлари.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт. 1991.-51-58 бетлар.
2. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1994. 48-53 бетлар.
- 3."Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзусидаги халқро анжуман тезислари.-Тошкент. 1996. 34-35, 44-45 бетлар.
4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома 14-41 бетлар.

УЎК 330.133

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЯРАТУВЧИ ЗАНЖИРЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Г.Дж. Халматжанова, и.ф.н., доцент, Фарғона давлат университети, Фарғона*

**Аннотация.** Мақолада кластер усулида этиштирилган хом ашёни қайта ишлаш, уни тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконияти таҳлил қилинади.

**Калим сўзлар:** кластер, қишлоқ хўжалиги, қўшилган қиймат занжири, мева-сабзавотчилик, узумчилик, бозор механизмлари, қайта ишлаш, экспорт

**Аннотация.** В статье анализируется возможность переработки сырья, выращенного кластерным способом, доставки его потребителю в виде готовой продукции.

**Ключевые слова:** кластер, сельское хозяйство, цепочка добавленной стоимости, плодоовощеводство, виноградарство, рыночные механизмы, переработка, экспорт

**Abstract.** The article analyzes the possibility of processing raw materials grown by the cluster method, delivering them to the consumer in the form of finished products.

**Key words:** cluster, agriculture, value chain, horticulture, viticulture, market mechanisms, processing, export

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жорий ҳолати ва унинг ўзгариши нафақат аҳоли озиқ-овқат таъминоти масалалари, иқтисодийнинг реал секторининг ўсишига бевосита ва саноат тармоғини муҳим хом ашё маҳсулотлари билан таъминлаш орқали ҳам, билвосита таъсирини кўрсатади ва иқтисодий тараққиётга ўз хиссасини қўшиб боради.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилди, кластерларга ажратилган қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда – 67 фоизни, чорвачиликда – 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда – 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Кластер усулида етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш уни тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконини бермоқда.

Бугунги кунда республикамызда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. 2010 йилда экспортнинг 11,3 фоизи пахта толаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,6 фоизгача камайди.

Шу билан бирга, соҳада айниқса мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмастлигига олиб келмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 барабар, гилосдан 6 барабар, ёнғоқдан 5 барабар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажминини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалик экинлари экинни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”даги 2019 йил 11 декабрда қарори чиқди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан:

Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинишлиги белгиланди.

Хужжатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилишини топширилган.

Шундай тартиб жорий этилиши назарда тутилганки, унга мувофиқ:

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кластерларни (кейинги ўринларда – мева-сабзавот кластери) ташкил этиш ташаббускор, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама келишув (кейинги ўринларда – уч томонлама келишув) асосида амалга оширилади;

- мева-сабзавот кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар, қоида тариқасида, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олинади, бунда биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш назарда тутилади;

- мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчиларни мева-сабзавот кластерларига бириктириш улар билан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида ихтиёрийлик асосида тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали амалга оширилади;

- мева-сабзавот кластери иштирокчилари – маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали тартибга солинади;

- маҳсулот етказиб бериш шартномалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари томонидан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг таклифлари асосида қабул қилинадиган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар ва уч томонлама келишув шартлари асосида тузилади ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади;

- маҳсулот етказиб бериш шартномалари фуқаролик қонун ҳужжатлари талаблари асосида тузилади, уларда шу жумладан маҳсулот нарҳини ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб аниқлаш, харид қилинадиган маҳсулот учун олдиндан ажратиладиган аванс маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштирувчиларни уруғ, кўчат, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, агротехника ва агрокимё хизматлари кўрсатиш, янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш назарда тутилади.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та тумanning барчасидаги мавжуд боғ ва токзорларни тўлиқ хатловдан ўтказиши белгилаб берилди. Ўтказилган хатлов натижаларига кўра самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш юзасидан ҳар бир туман кесимида манзилли рўйхатларни шакллантириш ва тасдиқлаш, бунда 2020 йил давомида яроқсиз боғ ва токзорларни, 2021-2025 йилларда эса кам ҳосилли, эскирган ва самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш назарда тутилиши белгиланди.

Янги боғ ва токзорларни барпо этишда улар олдиндан аниқ мева-сабзавот кластерига ёки қишлоқ хўжалиги бирлашмасига бириктирилиши, иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини назарда тутган ҳолда амалга оширилишини таъминлаш зарур.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан бўшаган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида, шу жумладан, тижорат банклари ва лизинг компаниялари орқали бериш, кейинчалик улар негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари тузиш ишларини ташкил қилиш белгиланган.

Қарорда, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини рағбатлантириш уларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади, бунда маҳсулот етиштирувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган 20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи миқдорда кафилик тақдим этилади.

Ҳозирги пайтда узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам токзорларни таъмирлаш, янги узум навлари билан тўлдириб боришга катта эътибор қаратилмоқда.

Интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган тижорат банкларига ушбу лойиҳалар учун кредитлар ажратишда боғ ва токзорлар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) асосий қарз бўйича имтиёзли давр белгилаш тартибини жорий этиш тавсия этилган.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг маблағлари кенг жалб қилинади. Халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминланиши қайд этилган.

Мазкур ҳужжатда қуйидагилар, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан – қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш



жамғармаси ҳисобидан – узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кафиллик тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан – кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига субсидиялар ажратишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган молиявий ёрдам турларини ажратишнинг аниқ механизмини белгилаш мақсадида ушбу жамғармалар фаолиятини тартибга солувчи ҳукумат қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритилиши топширилган.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020-2021 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) эгаллаган майдонларга беш йил давомида ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаш тўғрисидаги таклифлар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси янги ёнғоқ мевали боғларни ташкил этиш ва уларда писта, бодом, ёнғоқ маҳсулотларини етиштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича ташаббускорларни аниқлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва молиявий ёрдам турларидан фойдаланишда уларга кўмаклашиш чораларини кўриш топширилган.

Шунингдек, маълумот учун, мазкур қарорда назарда тутилган кўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг қўлланилганлиги маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа манбалар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, вазирлик ва идоралар ҳузуридаги жамғармалар ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳисобидан молиявий кўмак берилишини истисно қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ:

а) бир ой муддатда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш, экспортдаги тариф ва нотариф барьерларни камайтириш юзасидан “йўл харита”си ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Унда куйидагилар назарда тутилади:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг турлари бўйича ноанъанавий бозорлар, хусусан, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи давлатларига экспортни кўпайтириш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан импорт божлари ва акциз солиғи ставкаларини қўллашда имтиёз ва чегирмалар бериш тўғрисида музокаралар ўтказиш;

темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида юкларни ташишда ундириладиган тўловларни камайтириш;

ҳалқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар қамровини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни халқаро талаблар асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш;

“соғломлик” сертификати бўлмаган уруғ ва кўчатларни импорт қилиш ҳамда экишни тўхтатиш;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар сотиш ва зараркундаларга қарши курашиш бўйича самарали тизим ташкил этиш, уларнинг фаолиятида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

б) амалга оширилган ишлар тўғрисида 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилиши топширилган.

2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида:

- тегишли ҳудудда мева-сабзавот ва узум турларини жойлаштиришда етиштириладиган маҳсулот ҳажми боғлар ва тоқзорлар тупроқларининг бир бонитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги (кейинги ўринларда – норматив ҳосилдорлик) асосида аниқлаш;

- маҳсулот етиштирувчилар томонидан норматив ҳосилдорлик талабларига риоя этилиши улар иштирокида тузилган шартномалар, давлат статистика ҳисоботлари ҳамда ваколатли органларнинг ахборот тизимларидаги маълумотлар ёрдамида ҳудудий қишлоқ хўжалиги органлари томонидан мониторинг қилиш;

- ўтказилган мониторинг натижалари ҳар йили камида бир марта халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилиш.

Ўтказилган мониторинг натижаларини умумлаштириш асосида 2021 йил 1 мартга қадар Вазирлар Маҳкамасига ер участкаларидан самарасиз фойдаланаётган ер участкалари эгаларига нисбатан халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарорларига асосан таъсирчан чоралар кўриш механизмини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритилиши топширилган.

Қарорда куйидагилар: Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда – мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 55 та туманни алоҳида маҳсулот турига ихтисослаштириш, уларда фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши ҳамда 2020 йилда 26 минг гектар кам ҳосилли ва яроқсиз боғлар ўрнида интенсив усулда 7 минг гектарида гилос, 8 минг гектарида ёнғоқ ва шафтоли, 8,5 минг гектарида ўрик ва анор ҳамда 2,5 минг гектарида олхўри боғлари ташкил этиш белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси – кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири – мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағларини мақсадли жалб қилиш, экспорт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини самарали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси – ёнғоқ мевали боғлар ташкил этиш, уларда писта, бодом, ёнғоқ сингари маҳсулотлар етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги директори – яроқсиз боғ, иссиқхона ва тоқзорлар жойлашган ерларда янгидан интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш, кейинчалик бир ҳудудда ижарага олинган экин майдонлари негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерларини ташкил этиши, Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари – мазкур қарорда назарда тутилган молиявий ёрдам турларини ўз вақтида ва манзилли тақдим этишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари – тўқсонбости усулида етиштириладиган ва эртаки экинларнинг ўз вақтида экилиши, уларда белгиланган турдаги ва ҳажмдаги маҳсулотларнинг тўлиқ етиштирилиши белгиланди.

2020 йилда ташкил этиладиган мева-сабзавот кластерлари фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги, Интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги, Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва тоқзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорларини қабул қилиниши топширилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат яратувчи занжирларни ривожлантириш Давлат дастурида кўзда тутилган юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мева-сабзавот маҳсулотларини юқори сифатларда хорижга етказиб берилишини таъминлайди. Бундан ташқари, қишлоқ инфратузилмаси ва унинг таркибига кирувчи муассасаларнинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда агросаноат мажмуалари билан боғлиқ вазибаларини янада жонлантириш долзарб бўлиб турибди. Бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан ўзаро муносабатини шакллантириши лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 24 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони. Тошкент. 2019 йил 23 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Тошкент. 2019 йил 11 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон Қарори. Тошкент. 2019 йил 14 март.

УЎК 33

#### ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*К. Хонкелдиева, тадқиқотчи, Фаргона давлат университети, Фаргона*

*Аннотация. Мақолада инновацион кластерларни бошқаришнинг трансакцион харажатларни камайтириш, кенг қўламли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун*

молиявий ресурсларни жалб этиш, куч ва ҳаракатларни муҳим фаолият соҳалари ва йўналишларига қаратиш, янги бозорларга чиқиш истикболлари бўйича вужудга келадиган имкониятлардан фойдаланиш асосида амалга ошириш йўллари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** инновацион кластерлар, молиявий ресурслар, интеграция, баҳолаш, инновацион кластерлар турлари, миллий иқтисодиёт

**Аннотация.** В статье исследованы пути управления инновационным кластером на основе снижения транзакционных издержек, привлечения финансовых ресурсов для проведения масштабных научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, акцентирования внимания на направлениях и направлениях жизнедеятельности сил и действий, использования возможностей, возникающих на перспективах выхода на новые рынки.

**Ключевые слова:** инновационные кластеры, финансовые ресурсы, интеграция, оценка, типы инновационных кластеров, национальная экономика

**Abstract.** The article examines the ways to manage an innovation cluster by reducing transaction costs, attracting financial resources for large-scale research and development, focusing on the directions and directions of the life of forces and actions, and using the opportunities that arise in the prospects of entering new markets.

**Keywords:** innovation clusters, financial resources, integration, evaluation, types of innovation clusters, national economy

Бугунги кунда иқтисодий субъектларнинг бозордаги кучлар таъсири ва кучайиб бораётган рақобатга нисбатан жавоби ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқалар асосига қурилган тармоқли тузилмаларни ташкил этиш бўлиб бормоқда. Иқтисодий интеграция бугунги кунда иқтисодий тарққиётнинг ажралмас элементи ҳисобланади. Корхона ва ташкилотлар ўртасида интеграция иқтисодий субъектлар томонидан мақсадли равишда йўлга қўйилмоқда. Улар буни трансакцион харажатларни камайтириш, кенг қўламли илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун молиявий ресурсларни жалб этиш, куч ва ҳаракатларни муҳим фаолият соҳалари ва йўналишларига қаратиш, янги бозорларга чиқиш истикболлари бўйича вужудга келадиган имкониятлардан фойдаланиш асосида амалга оширадилар. Ахборот технологияларининг тезкор суръатларда ривожланиши корхоналарга ахборот алмашиш бўйича янги коммуникацион имкониятлар очиб берди ва бу ҳол тармоқ орқали ўзаро алоқалар жараёнини анча тезлаштирмоқда.

М.Ю.Шерешеванинг фикрига кўра, “интеграциянинг устун томони манфаатлар ҳамоҳанглиги, рискнинг камайиши, ахборот оқимларининг қисқариши натижасида эришиладиган салмоқли даражадаги тежамкорлик билан боғлиқ” [1,2]. Бунда муаллиф синергетик натижаларга асосланган интеграция жараёнлари ривожланишининг чизиқли эмаслигини интеграциянинг асосий устун жиҳати, дея эътироф этади [3]. Зеро бу жиҳат иқтисодий субъектларга бозорлардаги кучлар нисбатининг улар фойдасига ўзгариши ҳисобига юқори даражадаги рақобатбардошликни таъминлаш имконини беради. Институционал назария иқтисодий субъектлар харажатларининг солиштирма таҳлилини ўтказиш асосида ички ва ташқи шароитларни ҳисобга олган ҳолда интеграциянинг ташкилий шаклини танлаш кераклигини асослаб беради. Бунда корхоналарнинг ихтиёрий равишда тармоқ тузилмаларга бирлашишини кўпчилик муаллифлар квазиинтеграция деб атайдилар ва бундай ҳамкорликнинг асосий хусусияти сифатида бирлашувнинг норасмий характер касб этишини эътироф этадилар. Бундай бирлашув юридик жиҳатдан мустақил бўлган компаниялар активлари устидан назорат бўлмаганда, уларни бошқариш устидан назоратни амалга оширишга асосланади. Инвестицион ва инновацион жараёнларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлили шундан гувоҳлик берадики, “тармоқли корхоналараро интеграция” холдинг тузилмаларга қараганда нисбатан юқори даражадаги инновацион фаоллик намойиш этади. Бу ҳолат “алоҳида компанияларнинг ўзлари учун амалга ошириш имконсиз бўлган инновацион лойиҳаларни ўз бизнеслари устидан назоратни қўлдан бой бермаган ҳолда” амалга ошириш имкониятининг юзага келиши билан изоҳланади.

Бугунги кунда иқтисодий субъектлар инновацион фаолият соҳасида турли интеграция шаклларида ҳамкорлик ва кучларни бирлаштиришга интиломоқда. Ушбу интеграция шакллари орасида энг самаралиси инновацион кластерлар ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлил ва синтез объектлари майдонида кластерлар стратегиясини асослаш учун Г.Б.Клейнернинг кластерлар стратегиясини синтез қилиш усулидан фойдаланган. Биз қуйида иқтисодий субъектлар ўртасидаги интеграция шакли сифатида кластерларнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини, уларни ўрганиш бўйича иқтисодий ёндашувларни таҳлил қиламиз [4].

1. Кластерлар мустақил ташкилотлар, саноат мажмуалари ва тармоқ бирлашмалари ўртасидаги оралик “бўғин” сифатида қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар барча юқорида кўрсатилган тизимларнинг хусусиятларини ўзида жамлайди. Бу эса кластерларни иқтисодиётни инновацион ривожлантириш бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш жараёнларига таъсир кўрсатишга қодир интеграциялашган ташкилотлар гуруҳи сифатида баҳолашга асос бўлади. Шу нуқтаи назардан, кластерга иқтисодий субъектларга, яъни кластер иштирокчилари (давлат тузилмалари, молия ташкилотлари, инновацион инфратузилмалар объектлари, саноат корхоналари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлиари, кичик бизнес) инновацион фаолиятининг узлуксиз ва жадал тарзда

ривожланиб боришини таъминловчи саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш соҳасидаги бошқарув лойиҳаси сифатида қараш мумкин ва бунда турли иштирокчилар (бу иштирокчилар таркиби кластернинг шаклланиш босқичларига қараб ўзгариши мумкин) ўртасида интеграциялашув жараёни сифатида кластернинг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинади.

2. Кластерларнинг тармоқли тузилмалар сифатида вужудга келишининг кўп жиҳатлилиги ва турлича мазмун-моҳият касб этиши сабабли институционал-эволюцион иқтисодий назария, замонавий фирма назарияси, тизимли иқтисодий парадигма ва стратегик ёндашув синтези натижасида миллий иқтисодиётда кластерлар шаклланиши ва ривожланишининг янги методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Кластерларни шакллантиришда муҳим жиҳат ундаги иштирокчилар иқтисодий манфаатларининг уйғунлигидир, зеро иштирокчилар замонавий неоинституционал назария нуктаи назаридан асослар талаб қилади. Неоинституционал назарияда институционал муҳитни таҳлил қилиш ва уни ҳисобга олишга ҳаракат қилинади. Институционал муҳит иқтисодий агентлар учун ҳаракатлар майдонини ва институционал келишувларни чегараловчи ўйин қоидалари мажмуи сифатида талқин этилади. Институционал келишувлар ишлаб чиқариш ва битимларни (транзакцияларни) самарали қўллаб қувватлашни таъминлаш учун ушбу қоидалар доирасида шакллантирилган турли-туман фаолият турлари комбинацияларини билдиради” [5]. Кластер доирасидаги иштирокчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушуниш учун замонавий фирма назарияси қоидаларини қўллаш зарур. Унда фирмага шунчаки “нукта сифатида” эмас, балки қарор қабул қилинадиган ва шартнома муносабатлари қуриладиган бирликлар тузилмасига эга” фирма сифатида қаралади. Тизимли иқтисодий парадигма ва стратегик ёндашув “кластерларга нисбатан янги стратегик жараён схемалари ва тартибларини қўллаш кераклигини” асослаш имконини беради [6,7].

3. Кластерлар “юмшоқ” бошқарув шакли сифатида иқтисодий субъектлар инновацион фаолигини сифатли даражада ошириш имконини беради ва тармоқлар ўртасидаги технологик алоқаларни мустаҳкамлаш асосида миллий иқтисодиётнинг узлуксиз инновацион ривожланишини таъминлайди [9]. “Кластерлар рақобатбардошлигининг муҳим омили боғлиқ институтлар ва соҳалар тизимининг юқори даражада ривожланганлигидир” [10]. Буни ривожланган рақобат ва самарали давлат сиёсати таъминлаб беради. Кластерлар асосида иқтисодиётни ривожлантиришнинг афзал томонлари иқтисодий субъектлар фаолияти самарадорлигининг ошиши ва ҳаражатлари камайишида, янги маҳсулотлар, жараёнлар ва усулларни яратишда кластер иштирокчилари томонидан инновацион салоҳиятдан комплекс равишда фойдаланилишида, инновацион фаолиятни сифат жиҳатдан янги даражада амалга ошириш натижасида келажакдаги инновацион тараққиёт учун инновацион капиталнинг вужудга келишида ўз ифодасини топади.

4. Кластер шароитида инновацион салоҳият ва барча инновацион жараён иштирокчилари инновацион капиталининг гуруҳлашуви ва бирлашуви содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, саноат корхоналарининг илмий-тадқиқот марказлари, таълим муассасалари, давлат ташкилотлари ва тадбиркорлик сектори билан интеграциялашуви жараёнларининг фаоллашишига олиб келади. ЮНИДО (БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти) мутахассислари томонидан ўн бир мамлакатнинг иқтисодиётни кластерлар асосида ривожлантириш тажрибаси ўрганиб чиқилган ва бу тадқиқот натижалари институционал сиёсатнинг умумлаштирилган концепциясини ишлаб чиқиш имконини берган эди. Мазкур концепцияга кўра, кластерларни тармоқли тузилмалар сифатида ташкил этишнинг асосий шартлари қуйидагилар, дея эътироф этилади: бизнесни тармоқли ташкил этиш ғояларини кенг ёйиш, мавжуд корхоналарни қайта ташкил этиш, хусусий ва ижтимоий секторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш. Кластерлар саноатни ривожлантиришда ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Уларнинг асосида иштирокчилар ўртасидаги ишончли ҳамкорлик ва коэволюцион келишувлар ётади. Бу келишувлар интеграцион алоқалар ва инновацион фаолиятни тўлақонли ва тўғри мувофиқлаштириш натижасида иштирокчилар манфаатларининг рўёбга чиқишида ишончли мутаносибликни таъминлайди.

Кластерларни ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибаси мазкур технологияни республика иқтисодиётидаги минтақавий инновацион тизимларни ривожлантиришга қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади: иқтисодиёт таркибини кластерлар асосида тузиш фан, таълим, рискли инновациялар, экспорт фаолиятининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалга ошириш имконини беради, шунингдек, бу интеграциялашув шароитида бизнеснинг инновацион ривожланиши учун янги имкониятларнинг вужудга келишига замин яратади ва корхоналарнинг ижтимоий ва экологик жавобгарлигининг ортиши учун шароит яратади. Амалиёт шуни кўрсатадики, инновацион кластерларни шакллантириш ҳисобига худудлар рақобатбардошлигининг энг юқори даражасига эришилади.

Инновацион кластер атамасига берилган расмий таъриф биринчи марта 2000 йилда Инновацион сиёсат ва технологиялар бўйича халқаро анжуманда пайдо бўлди. Айнан мана шу анжуманда инновацион кластерлар турлари (типологияси) тақлиф этилган эди (1-жадвал).

1-жадвалда кўрсатилган типология инновацион кластерлар белгиларини, иштирокчилар таркиби, қўлланиладиган технологияларнинг характери, фаолият кўрсатиш асослари нуктаи назардан очиқ беради, аммо типология жудаям шартли характер касб этади ва у боғлиқ ёки кесик кластерни

инновацион кластернинг юқори ривожланиш даражаси, дея эътироф этиладиган инновацияларга йўналиш олган кластерга айлантириш жараёнини очиб бериш имконини беради.

Инновацион кластерни ташкил этиш саноат корхоналарининг илмий ва олий таълим муассасалари билан ўзаро алоқалари ва муносабатлари базасида, давлат тузилмалари кўмагида, минтақани ривожлантириш бўйича инновацион сиёсатни амалга ошириш манфаатлари йўлида амалга оширилади. Бундай алоқа ва муносабатлар биринчи босқичда, одатда, бир минтақадаги иқтисодий субъектлар ўртасида шаклланади (албатта, бу ерда гап виртуал кластерлар ҳақида бормаётган бўлса, зеро бу каби кластерларнинг фаолияти жуғрофий чегаралар доирасидан ташқарига чиқади ва инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш босқичларини қамраб олади, аммо бунда ишлаб чиқариш жараёни амалда амалга оширилмайди). Кластерга кирувчи корхоналарнинг турли соҳа ва тармоқларга мансублигини ҳисобга олган ҳолда ушбу иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг нафақат ҳудуд билан боғлиқ, балки тармоқ ва соҳалар билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ҳам гапириш мумкин. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги кластерлар сиёсатини ишлаб чиқишда инновацион кластерлар лойиҳаларининг ҳудудий маҳаллийлаштирилиши ва инновацион кластерларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ўзига хослигига катта аҳамият бериш лозим.

1-жадвал

**Инновацион кластерлар турлари (муаллиф ишланмаси)**

| Инновацион кластер тип           | Тавсифи  | Муаллиф изоҳлари   |
|----------------------------------|--|--|
| Боғлиқ ёки кесик тип             | Технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ корхоналар бўғинларидан таркиб топади, баъзида ҳудудий жиҳатдан тарқоқ, яъни уюлмаган бўлади. Фаолияти типик функциялар (ресурслар қазиб олиш, қайта ишлаш, бойитиш, жўнатиш) мажмуи билан чекланган бўлади. Замонавий, аммо илғор бўлмаган технологиялар қўлланилади. Янги технологиялар ишлаб чиқаришга фойдаланишга тайёр маҳсулот кўринишида кириб келади     | Мазкур типни инновацион кластерни ташкил этишнинг бошланғич босқичи сифатида қабул қилиш мумкин, яъни бу пайтда илмий ташкилотлар ва давлат муассасалари билан барқарор алоқалар бўлмайди.                                     |
| Индустриал тип                   | Бир типдаги маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва биргаликда иш олиб борувчи компаниялар гуруҳи. Янги технологиялардан фойдаланиш сифат бошқаруви ва ходимларни бошқариш билан чекланади.  | Кластер фаолият кўрсатишининг илмий асослари мавжуд эмас, ривожлантириш истикболлари кўриб чиқилмайди  |
| Инновацион-индустриал тип        | Мунтазам равишда янгилаб боришни, сифатни яхшилашни, янги функционал имкониятларни жорий қилишни талаб қилувчи маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи ва биргаликда иш олиб борувчи компаниялар гуруҳи. Илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари билан доимий ва барқарор алоқалар йўлга қўйилади.   | Мазкур типдаги кластер унга бирлашган саноат корхоналарининг амалий фаолиятида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширишга асосланади  |
| Проинновацион тип                | Айни дамдаги рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида керакли билимлар ва технологияларни тезкор тарзда эгаллашни мақсад қиладиган компанияларнинг инновацион кластери   | Мазкур кластер типни ўз иштирокчиларининг инновацион салоҳиятини рўёбга чиқариш механизмини ошқор қилмайди   |
| Инновацияларга йўналиш олган тип | Минтақанинг саноати, инвестицион ва ижтимоий ҳаётини белгиловчи компаниялар кластери. Илғор билимлар ва технологиялардан фойдаланувчи компанияларнинг динамик гуруҳини ташкил этади, бутун дунёдан истеъдодли меҳнат ресурсларини жалб этади, венчур капитал истеъмолчиси ва яратувчиси ҳисобланади, университетлар ва бошқа илмий муассасалар илмий тадқиқотларини белгилаб беради ва йўналтиради | Мазкур кластер типни миллий рақобатбардошликни таъминлашга кодир, ўз иштирокчиларининг инновацион ривожланишига комплекс ёндашишни кўзда тутди. Инновацион кластер ривожланишининг энг юқори даражаси сифатида эътироф этилади |

Бу ўзига хослик кластерларни ҳудудларнинг инновацион ривожланиш стратегияси инструментларига ҳамда тармоқлар сиёсати инструментларига айлантиради. Инновацион кластердаги иқтисодий субъектлар фаолиятининг мазмун-моҳияти ва кластер таркибининг сон ва сифат жиҳатдан ўзгариши жараёнларининг динамиклиги, кластер иштирокчилари таркибининг ҳудудий чегараларининг ва уларнинг маълум иқтисодиёт тармоғига мансублигининг ўзгариши нуқтаи назардан, инновацион кластерни ҳудуд тараққиёти, саноат корхоналари ва турли кластер иштирокчилари гуруҳларининг ривожланиши учун маълум афзалликлар яратувчи катта бир тизим сифатида тавсифлаш мумкин (2-жадвал).

Шундай қилиб, инновацион кластерларнинг бўлиши ҳудуд иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятини ўзгартиради ва бунда ҳаракатлар алоҳида бир корхоналарни қўллаб қувватлашга эмас, балки, иқтисодиёт субъектлари ва давлат институтлари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини ривожлантиришга қаратилади. Ҳудудий сиёсат ушбу стратегик мақсадларни амалга оширишда амалий

натижа берадиган механизм сифатида инновацион кластерларни ташкил этиш асосида худуднинг рақобат устунлигини яратишга қаратилган бўлиши лозим.

2-жадвал

**Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантиришда инновацион кластер ташкил этишнинг афзалликлари (муаллиф ишланмаси)**

| Афзалликлар                 | Худуд учун   | Саноат корхоналари учун  | Кластернинг бошқа иштирокчилари учун  |
|-----------------------------|--|--|---|
| 1. Иқтисодий афзалликлар    | Худуд инвестицион жозибдорлигининг ўсиши, солиқ тўловчилар ва солиқ солиш базасининг ортиши                | Трансакцион харажатларнинг қисқариши, рискли инновацион лойиҳаларни инвестициялаш, маркетинг тадқиқотларини биргаликда молиялаштириш | Трансакцион харажатларнинг қисқариши, молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятининг ошиши, ИТТКИ учун харажатларнинг камайиши, савдолар ҳажмининг ортиши |
| 2. Ижтимоий афзалликлар     | Иш ўринлари сонининг ортиши, касбий таълим тизими самарадорлигининг ошиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши | Малакали кадрлар сонининг ортиши, янги билимларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши                  | Ихтироларни инновацияларга самарали жорий этишни таъминловчи барқарор алоқалар тармоғининг шаклланиши   |
| 3. Структуравий афзалликлар | Иқтисодиётни таркибий қайта куриш учун шароитларнинг вужудга келиши, инновацион салоҳиятнинг ўсиши         | Кластер ишлаб чиқариш кўлами самарасини вужудга келтиради, ушбу эффект асоси эса инновацион ядро ҳисобланади.                        | Бошқа иштирокчиларнинг инновацион салоҳиятидан фойдаланиш ва инновацион ғоялар учун шароит ҳозирлайди   |

Инновацион кластер сиёсати худуднинг инновацион ривожланишига қаратилган бош режани ифода этадики, унда нафақат минтақадаги янги ва муҳим аҳамиятга эга технологиялар атрофида шакллантирилган бошланғич тармоқлар конфигурация, балки мавжуд ресурслар, инфратузилмалар ва бозор шароитларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган истикболли ишлаб чиқариш ва технологиялар схемаси ҳам ўз аксини топиши зарур.

Кўришиб турибдики, инновацион кластер динамик тизим бўлиб, синергетик натижадан фойдаланиш асосида ўз тараққиётини таъминлайди. Кластер сиёсати инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича минтақадаги алоқаларнинг бошланғич ҳолатини белгилаб олишга ёрдам беради. Кластер сиёсати худудда илмий-тадқиқот базаларининг ривожланиши учун шароит яратган ва унинг инновацион салоҳиятини ўстирган ҳолда маълум босқичларда технологик олға силжиш характери белгилаб бериши лозим. Инновацион кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ички ва ташқи бозорда илғор технологияларни юзага чиқара оладиган инновацион бизнесни шакллантириш бўлиши керак; инновацион кластерни ташкил этишнинг асосида саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ётади. Саноат корхоналари эса инновация инфратузилмаларининг яратилиши ва самарали фаолият юритиши натижасида кластер иштирокчилари томонидан инновацион жараёнларнинг амалга оширилишида технологик асосни таъминлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Шерешева М.Ю. Межфирменные сети. – М.: Экономический факультет МГУ; ТЕИС, 2006. – С.320.
2. Третьяк В.П. Квазиинтеграция: природа, формы проявления // Современные проблемы экономической теории. - М.: МГУ, 2014. - С.84.
3. Инновационная ориентация российских экономических институтов / Под ред. В.Е.Дементьева. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. –С. 102.
4. Клейнер Г.Б. Синтез стратегии кластера на основе системно-интеграционной теории // Отраслевые рынки. – М., 2008. - №5-6 (18).
5. Менар К. Экономика организаций / Пер. с франц. Под ред. А.Г.Худокормова. – М.: ИНФРА-М. 2006. – С. 160.
6. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. Учебное пособие (издание второе, исправленное и дополненное). - М.: ТЕИС, 2014. –С.239.
7. Мирзаев А. Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>.
8. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva> (дата обращения 15.11.2017).
9. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/te.17.5.990>
10. Ханкелдиева Г.Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С. 293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g> (дата обращения 15.12.2017).

УО'К: 541.64.678.2.31

**KUZGI BUG'DOYNI SUG'ORISHDA POLIMER- POLIMER KOMPLEKSLARINI QO'LLASH****A.I. Ochilov, katta o'qituvchi, Toshkent davlat agrar universiteti Termiz filiali, Toshkent****F.B. Eshkurbonova, kafedra mudiri, Termiz davlat universiteti, Termiz****S.A. Xolmurodova, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz****G.X. Toirova, o'qituvchi, Termiz davlat universiteti, Termiz****M.B. Eshkurbonova, talaba, Termiz davlat universiteti, Termiz**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada dimetilolkarbamid va karboksimitilsellyuloza asosida polimer- polimer komplekslar sintezi va uni qishloq xo'jaligida qo'llash bo'yicha natijalar keltirilgan. Polimer- polimer komplekslarning tuproq unumdorligi va lalmi erlarda bug'doy etishtirishda hosildorlik va suv sarfiga bo'g'liqligi o'rganilgan.

**Kalit so'zlar:** dimetilolkarbamid, karboksimitilsellyuloza, polimer- polimer kompleks, sintez, tuproq unumdorligi, lalmi, bug'doy, hosildorlik

**Аннотация.** В данной статье представлены результаты синтеза полимер-полимерных комплексов на основе диметилломочевины и карбоксиметилцеллюлозы и его применение в сельском хозяйстве. Исследована зависимость полимер-полимерных комплексов от плодородия и продуктивности почвы и потребления воды при возделывании пшеницы на засушливых землях.

**Ключевые слова:** диметилломочевина, карбоксиметилцеллюлоза, полимер-полимерный комплекс, синтез, плодородие почвы, неорошаемый, пшеница, урожайность

**Abstract:** This article presents the results of the synthesis of polymer-polymer complexes based on dimethylol urea and corboxymethylcellulose and its application in agriculture. The dependence of polymer-polymer complexes on soil fertility and productivity and water consumption in wheat cultivation on dry lands has been studied.

**Keywords:** dimethylol urea, corboxymethylcellulose, polymer-polymer complex, synthesis of soil fertility, lalmi, wheat, yield

Bugungi kunda dunyo bo'yicha suv resurslarini tejash, asrab- avaylash, undan oqilona foydalanish, qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda suv tejamkor texnologiyalarni yaratish, bunda sug'orma maydonlarning meliorativ holatini yaxshilash va hosildorlikni o'sishini ta'minlash muhim masalalardan biri hisoblanadi. Shu jihatdan, tuproq strukturasi yaxshilash hamda sug'orma suv infil'tratsiyasini kamaytirish maqsadida arzon polimer materiallardan foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada, jumladan Osiyo, AQSh, Braziliya, Avstraliya, Xindiston, Isroil va boshqa mamlakatlarda tomchilatib sug'orish, tuproq ostidan sug'orish usullariga nisbatan iqtisodiy jihatdan ancha arzon bo'lgan egatlab sug'orishda texnik vositalar yordamida suv tejamkor, samarali uslublarini ishlab chiqish, yer va suvdan foydalanish aspektlari mahsuldorligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratilgan [1,2].


Bir qator olimlar tomonidan tabiiy va sintetik polimerlar asosida polimer- polimer komplekslar yaratilgan bo'lib, ular asosan qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda suv tejamkorligiga erishish va mineral o'g'itlar sarfini kamaytirishga xizmat qiladi. Yuqoridagi maqsadlar natijasida qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligi oshishiga erishiladi. Muxamedov G.I. va boshqa olimlar tomonidan karboksimitilsellyuloza va uning hosillalari asosida interpolimer komplekslari sintez qilinib, suv iqtisodiga erishilgan. Bunda asosan tadqiqot ishlari qishloq xo'jaligi ekinlaridan biri bo'lgan- g'o'zada sinab ko'rilgan va ijobiy natijaga erishilgan [3-5].

Ushbu tadqiqot ishining maqsadi, qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orishda suv tejaliishi, mineral o'g'itlar samarasiz sarfini kamaytirish, hosildorlik va yer resurslarining oshirilishini ta'minlaydigan samarali polimer-polimer komplekslarini sintez qilishdan iborat.

Tadqiqot ob'ekti sifatida dimetilolkarbamid va karboksimitilsellyuloza asosida olingan polimer-polimer kompleksi hisoblanadi.

Polimer- polimer kompleksini hosil qilishda 1 massa qism formal'degidga 2 massa qism karbamidning o'zaro polikondensatsiyalanish reaksiyasi asosida dimetilolkarbamid hosil qilib, unga 1:3 massa nisbatda karboksimitilsellyuloza qo'shiladi. Olingan aralashma quritish shkafida quritilib, maydalaniladi. Polimer-polimer kompleks asosidagi modifikatsiyani tuproqdagi suv sarfini kamaytiruvchi va suv o'tkazuvchanligiga nisbatan polikompleks tarkibi aniqlangan. Polimer-polimer kompleks tarkibi karboksimitilsellyuloza hamda dimetilolkarbamid smoladan iborat 1-rasmda karboksimitilsellyuloza ishtirokida mochevina va formal'degidning matritsali polikondensatsiya sxemasi keltirilgan.

Boshlang'ich aralashma matritsada avvaliga suvda shishgan kompozit, ya'ni gel' hosil bo'ladi (1-rasm (a)). Matritsali reaksiya natijasida polikompleks- dimetilolkarbamid + karboksimitilsellyuloza hamda karboksimitilsellyuloza orttirmasi hosil bo'ladi (1-rasm (b)). Vaqt o'tishi bilan polimer-polimer kompleks to'yinadi va erkin matritsa qismlari yo'qolib, reaksiya tizimida faqat shishgan polimer-polimer kompleks qoladi (1-rasm (v)). Keyingi polikondensatsiya natijasida polimer-polimer kompleks va karboksimitilsellyuloza orttirmasi qoladi (1- rasm (g)).



**Rasm 1. Karboksimetitsellyuloza ishtirokida dimetilolkarbamid matritsali polikondensatsiya sxemasi: a-bir tekisda konsentratsiyalashgan matritsa aralashmasi; 6 – gel' hosil bo'lishi (ya'ni dimetilolkarbamid + +karboksimetitsellyuloza hamda karboksimetitsellyuloza orttirmasi); v-stexiometrik polimer- polimer kompleks dimetilolkarbamid+karboksimetitsellyuloza; g-kompozit, polimer-polimer kompleks va dimetilolkarbamid orttirmasi.**

Matritsali reaksiya tarkibi jarayonning qaysi etapida to'xtatilganiga bog'liq, ya'ni reaksiya tizimida matritsa boshlang'ich nisbati va DMK miqdori xisobga olinadi, shuningdek pH reaksiya muhiti ham katta ahamiyatga ega. Shunga ko'ra, nisbatni o'zgartirib turli bir turdagi polimerlardan turli kompozitsion materiallar hosil qilish mumkin.

Olingan polimer- polimer kompleksini lalmi dehqonchilik uchun mo'ljallangan yerlarga kuzgi shudgorlashdan oldin tuproq yuzasiga 1 gektar maydonga 60 kgdan sepildi. Shudgorlashdan keyin ham xuddi shu miqdorda sepildi. Nazorat ekin sifatida kuzgi bug'doy tanlandi.

Tadqiqot natijasida polimer- polimer kompleks solingan va solinmagan dala hosildorligi va suv sarfi o'zaro taqqoslandi. Natijalar quyidagi jadvalda keltirilgan.

1-jadval

**Bug'doy hosildorligi natijalari hamda bir birlik mahsulotga sarflangan suv miqdori**

| Variantlar | Tajriba    | Yig'ma sug'orish me'yori, mm | Hosildorlik, s/ga | Suv sarfi, mm/s |
|------------|------------|------------------------------|-------------------|-----------------|
| D          | 1          | 221,5                        | 20,15             | 6,05            |
| E          | Nazorat №1 | 205                          | 16,25             | 9               |
| D          | 1          | 235,3                        | 19,4              | 6,5             |
| E          | Nazorat №1 | 285                          | 15,5              | 9,4             |

Bundan tashqari tadqiqot ishi davomida polimer-polimer kompleks asosidagi tuproq usti va tuproq osti qatlamlarida suv taqsimlanishi bo'yicha o'tkazilgan dala tajriba natijalari matematik model xisob-kitoblari bilan ham taqqoslandi.

Shunday qilib, tadqiqotlar natijalari shuni ko'rsatadiki, polikomplekslarni bug'doy sug'orilishida qo'llash bugungi suv tanqisligi sezilarli vaziyatda maqsadga muvofiqdir. Ushbu tadbirlar sug'orish me'yorlarini keskin kamaytiradi, yerning meliorativ holatini yaxshilaydi, hosildorlikning o'sishiga sabab bo'ladi. Ayniqsa, polimer-polimer kompleks asosidagi fil'tratsiyaga qarshi modifikatsiya orqali bug'doy sug'orilishi, suv iqtisodi, hosildorlikni o'sishida katta natijalar berishini hisobga olgan holda, polimer-polimer kompleks asosidagi tuproq osti suv taqsimlagich orqali bug'doy sug'orilishiga nisbatan bir oz murakkabroq, ko'proq mehnat talab qilishi sababli 4 yilda bir marta hosil qilinadigan polimer-polimer kompleks asosidagi tuproq osti suv taqsimlagichni qo'llash tavsiya qilinadi. Tuproqdan namlik bug'lanishini o'rganish jarayonida xulosa qilish mumkinki, tuproq yuza qismiga polimer-polimer kompleks aralashmasini sepish tuproqda polikompleks hosil qiladi. U tuproqning quyi qismlarini qurib qolishdan saqlaydi va tuproqdan bug'lanish sezilarli darajada kamayadi.

Nazorat maydonida sug'orishdan keyingi 3 kunda tuproqdagi namlik 4% ga pasayadi. Polimer-polimer kompleks aralashmasi sepilgan tuproq qurigan sari tuproq yuzasi va tuproq ostining kappilyar birligi yo'qoladi, tuproqdan namlik bug'lanish darajasi keskin kamayadi va natijada sug'orishlar orasidagi davr 6-7 kunga uzayadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Isashov A., Sobitov A. Tuproq unumdorligini yaxshilashda zamonaviy agrotexnologik usullarni qo'llash (suvni tejaydigan va tomchilatib sug'orish, lazer bilan yerni tekislash, chuqur haydash bilan yerni yumshatish va h.). O'quv qo'llanma. Alisher Navoiy nomli nashryot, 2016, 54 b.
2. Жоошов П.М., Абдраимов К.А. Водосберегающие методы полива. Бишкек: Макнат, 2011. 26 с.
3. Мухамедов Г.И., Хафизов М.М., Инагамов С.Я. Интерполимерные комплексы, физико-химические, механические свойства и их применение.-Ташкент. Университет, 2007.- 172 с.



4. Мухамедов Г.И., Хафизов М.М, Инагамов С.Я. Интерполимерные комплексы. Монография. Германия: Lambert Academic Publishing, 2017, - 267 с.

5. Инагамов С.Я. Структура и обменные свойства поликомплексных основ для лекарственных препаратов, полученных взаимодействием карбоксиметилцеллюлозы с мочевиноформальдегидными олигомерами // Химия и химическая технология, 2005. -№3 - С.56-60.

УЎТ: 631.8:631.5:633.1

## МАЪДАНЛИ ЎЎГИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИНИ КУЗГИ ЖАВДАРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*С.О. Абдурахмонов, к/х.ф.д., к.и.х., Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институтини, Андижон*

*И.И. Абдуллаев, к/х.ф.ф.д., Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини,  
Андижон*

*С.Ж. Абдурахмонов, докторант, Фаргона политехника институтини, Фаргона*

**Аннотация.** Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг “Вахиска-116” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишида маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибига бўлган талаби ўраниб чиқилди.

**Калим сўзлар:** кузги жавдар, маъданли ўғитлар, суғориш тартиби, ЧДНС, кўчат қалинлиги, дон ҳосилдорлиги

**Аннотация.** В условиях светло-серых почв Андижанской области изучены нормы минеральных удобрений и требования к поливу для получения высококачественного зерна озимой ржи «Вахиска-116».

**Ключевые слова:** озимая рожь, минеральные удобрения, режим полива, ППВ, густота всходов, урожай зерна

**Abstract.** In the conditions of light gray soils of the Andijan region, the norms of mineral fertilizers and the requirements for irrigation were studied to obtain high-quality grain of the winter rye "Vakhsh-116".

**Key words:** winter rye, mineral fertilizers, irrigation regime, LFMC, seedling density, grain yield

**КИРИШ.** Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш, айниқса, дончилик соҳасини ривожлантириш, турларини кўпайтириш ва манфаатдорликни ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора тадбирларни амалиётга жорий этилиши натижасида кузги донли экинлар қаторига кузги жавдар экинини киритиш ва экин майдонларини кенгайтириш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулоти сифатида кенг тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Жавдар – буғдой ўсимлигига нисбатан совуққа ва қурғоқчиликка бардошли донли экиндр. Бу барча донли экинлар ўсиши қийин бўлган тупроқ шароитларда ҳам ўсиб-ривожланиш хусусиятига эгадир. Жавдарнинг қурғоқчиликка бардошлилиги унинг юқори даражада ривожланган илдиз тизимига боғлиқдир. Жавдар ўсимлиги буғдой ўсимлигига нисбатан 20-30% камроқ сув истеъмол қилади. Тарихдан маълумки, жавдар ва буғдой дон етиштиришда донли ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши қийин бўлган шароитларда биргаликда кўшиб экилган ва бу комбинация фанда “Маслин” деб номланган ([https://archive.gramene.org/species/secale/rye\\_intro.html](https://archive.gramene.org/species/secale/rye_intro.html)).

Кузда экилган бошоқли дон экинларининг тўлиқ униб чиқиши жуда кўп омилларга, худуднинг географик жойлашув ўрни, навнинг ботаник ва биологик хусусиятлари, экиш муддатлари ва меъёрлари, тупроқ намлиги, маъданли ўғитлар билан озиқланиш даражаси, ҳарорат ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Кузда суткалик ўртача ҳаво ҳарорати +5 °С га тушган даврдан бошлаб ўсимлик тиним даврига, яъни қишлагга қиради. Аммо, жавдар ўсимлиги тиним даврига кириши билан, ўсув даври эрта баҳоргача тўхтаб қолмасдан, ҳаво ҳарорати кўтарилганда, ўсишни давом эттиради, пасайганда ўсишдан тўхтайд.

Кузги жавдар уруғларининг униб чиқиши учун ўзининг қуруқ массасига нисбатан 50–70% сув қабул қилиши керак. Униб чиқиши учун самарали ҳарорат йиғиндиси 50 °С етарли бўлганда уруғлар экилгандан кейин 5–8 кунда униб чиқади (Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов, 2007).

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, биз ҳам Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдар уруғини униб чиқишига, кўчат қалинлигига ва дон ҳосилдорлигига маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири бўйича кузатишлар олиб борилди.

## ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШ УСУЛИ ВА УСЛУБИЯТИ

Илмий тадқиқот ишлари 2016–2019 йиллар мобайнида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) Андижон илмий–тажриба станциясининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилди.

Тажриба 6 та вариант 4 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 70 см, узунлиги 100 м. Ҳар бир булакчалар майдони 560 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинган майдон 280 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 1,4 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (ғўза:ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги жавдарнинг Давлат реестрига киритилган “Вахшская–116” нави экилди.

Кузги жавдарни озиклантиришда, азотли ўғитлардан аммиакли селитра (N–34%), фосфорли ўғитлардан суперфос (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>–12–14%), калийли ўғитлардан калий хлор тузи (K<sub>2</sub>O–50%) ишлатилди. Тажрибадаги кузги жавдарга фосфорли ўғитлар йиллик меъерининг 70% ва калийли ўғитларнинг 100% миқдори кузда, шудгор остига, фосфорли ўғитлар қолган 30% миқдорини тўплаш даврида азотли ўғит билан 1–озиклантиришда берилди, 2–озиклантириш эса найчалаш даврида азотли ўғитлар билан ўтказилди.

1-жадвал

Тажриба тизими

| № | Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, % | Маъданли ўғитларнинг йиллик меъери, кг/га |
|---|------------------------------------|---|
| 1 | 70–70–60                           | NPK: 100–50–80                            |
| 2 |                                    | NPK: 150–75–120                           |
| 3 |                                    | NPK: 200–100–160                          |
| 4 | 70–80–70                           | NPK: 100–50–80                            |
| 5 |                                    | NPK: 150–75–120                           |
| 6 |                                    | NPK: 200–100–160                          |

Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатишлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ) услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспехов услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида бажарилган.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

2016–2017 йил амал даври мобайнида кузги жавдар кўчатларининг униб чиқиши, кўчат каллиниги, умумий ва маҳсулдор поялар салмоғи ҳамда дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларни кўрсатишича, қўлланилган маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири вариантлар ўртасида сезиларли бўлганлиги кузатилади.

Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитлар N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрларда қўлланилиши белгиланган назорат 1–вариантда 1 м<sup>2</sup> да униб чиққан кўчатлар сони 384,6 донани кўрсатган бўлса, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га меъёрларда қўлланилган 2–3 вариантларда бу кўрсаткич 400,2–407,7 донани ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 15,6–23,1 дона кўчат кўп униб чиққанлиги аниқланди.

Тажрибадаги иккинчи суғориш тартибида ҳам (суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70%) юқоридаги қонуният сақланганлиги кузатилиб, бунда маъданли ўғитлар N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрларда қўлланилиши белгиланган назорат 4–вариантда 1 м<sup>2</sup> да униб чиққан кўчатлар сони 407,4 донага тенг бўлган бўлса, маъданли ўғитлар меъёрлари N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га оширилган ҳолда қўлланилган 5–6 вариантларда униб чиққан кўчатлар сони 430,6–438,9 донани кўрсатиб, назорат вариантга нисбатан 23,2–31,5 донагача кўчат кўп униб чиққанлиги қайд этилди.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, маъданли ўғитлар (N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га) меъёрларининг ортиб бориши кўчатларнинг униб чиқишига ижобий таъсир этиб, назорат вариантларга нисбатан суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60% суғориш тартибида 15,6 м<sup>2</sup>/донадан 23,1 м<sup>2</sup>/донагача, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–80–70% суғориш тартибида эса 23,2–31,5 донагача кўчатлар кўп униб чиққанлиги аниқланди.

Кузги жавдарнинг қишлаб чиқиши билан, амал даври охиригача бўлган давр оралиғи ўсимликнинг яшовчанлиги ҳисобланади. Яшовчанлик бир қанча омилларга: тупроқ–иқлим шароитига, озикланиш даражасига, экиш муддатлари ва меъёрларига, суғоришга, навнинг биологик хусусиятига боғлиқ ҳолда турлича бўлади.

Кузги жавдар униб чиқишдан тулланишгача 67 °C самарали ҳарорат йиғиндисини талаб қилади. Ҳарорат 10–12 °C да тулланиш жадал давом этади, 4–5 °C да тўхтайдди. Кузги ғалла экинлари орасида кузги жавдар қишга энг чидамлилиги билан ажралиб туради ва –25 –30 °C совуққа ҳам бардош бера олади. Тулланиш тугунида ҳарорат –18 –20 °C совуқ бўлганда ҳам ўсимлик ҳаётчанлигини сақлайди (Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов 2007).

2016–2017 йил вегетация даври давомида ўтказган тажрибадан олинган маълумотларда ҳам юқоридаги фикрлар маълум даражада ўз исботини топди.


Жумладан, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган назорат 1–вариантда қиш даврида

кўчатларнинг нобуд бўлиши 1 м<sup>2</sup> да ўртача 6,4 фоизни кўрсатиб, қишдан чиққан кўчатлар сони 360,0 донани ташкил этган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган 2–3 вариантларда кўчатларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи 1 м<sup>2</sup> да ўртача 5,8–5,4 фоизга тенг бўлиб, қишдан чиққан кўчатлар сони 377,0–385,7 донани ташкил этган ҳолда, кўчатларнинг нобуд бўлиши назорат вариантыга нисбатан 0,6–1,0 фоизга кам бўлганлиги кузатилди.

Иккинчи суғориш тартиби (суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70%) да ҳам юқоридаги қонуниятлар кузатилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган назорат 4–вариантда қиш даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 1 м<sup>2</sup> да ўртача 6,0 фоизни кўрсатиб, қишдан чиққан кўчатлар сони 383,0 донага тенг бўлган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган 5–6 вариантларда бу кўрсаткич 1 м<sup>2</sup> да ўртача 5,5–5,0 фоизга тенг бўлиб, қишдан чиққан кўчатлар сони 406,9–417,0 донани ташкил этганлиги кузатилиб, қиш даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши назорат вариантыга нисбатан 0,5–1,0 фоизга кам нобуд бўлганлиги аниқланди.

Аммо, амал даври охирида вариантлар кесимида ҳақиқий кўчат қалинлиги ўрганилганида, туплаш фазасидан пишиш даври охиригача ўтган вақт ичида кўчатларни ҳар–хил агротехник ва бошқа омиллар таъсирида нобуд бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёри қўлланилган 1–вариантда амал даври охирига келиб, ҳақиқий кўчат қалинлиги 339,1 м<sup>2</sup>/донани, нобуд бўлган кўчатлар 5,8 фоизни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитлар меъёри оширилиб, яъни N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га миқдорларда қўлланилган 2–3 вариантларда амал даври охирига келиб, ҳақиқий кўчат қалинлиги ҳисобланганида 360,0–369,5 м<sup>2</sup>/донани, нобуд бўлган кўчатлар сони эса 4,5–4,2 фоизни кўрсатиб, назорат вариантыга нисбатан нобуд бўлган кўчатлар 1,3–1,6 фоизга кам бўлганлиги аниқланди.



1-расм. Маъданли ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибларини жавдар кўчатларнинг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири, 2016–2017 йй.

Иккинчи суғориш тартибида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз аксини топганлиги кузатилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг N<sub>100</sub>P<sub>50</sub>K<sub>80</sub> кг/га меъёрлари қўлланилган 4–назорат вариантда амал даври охирига келиб ҳақиқий кўчат қалинлиги 362,3 м<sup>2</sup>/донани, нобуд бўлган кўчатлар 5,4 фоизга тенг бўлган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар N<sub>150</sub>P<sub>75</sub>K<sub>120</sub> ва N<sub>200</sub>P<sub>100</sub>K<sub>160</sub> кг/га миқдорларида қўлланилган 5–6 вариантларда ҳақиқий кўчат қалинлиги амал даври охирига бориб 391,5–402,8 донани, нобуд бўлган кўчатлар эса 3,8–3,4 фоизни кўрсатиб, назорат вариантыга нисбатан кўчатлар 1,6–2,0 фоизга кам нобуд бўлганлиги қайд этилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғоришлар сонининг ортиб бориши кўчатларнинг униб чиқиши ва ҳақиқий кўчат қалинлигига таъсири сезиларли бўлганлиги аниқланган.

Кузги жавдарнинг тупланиши бошқа кузги дон экинлари каби асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Кузги жавдарнинг тупланиши кузда учинчи ва тўртинчи барглarning ҳосил бўлиши билан бошланади. Кузги жавдар асосан кузда тупланади, айрим ҳолларда (кеч экилганда) баҳорда ҳам тупланишини давом эттириши мумкин. Тупланиш ва найчалаш кузги жавдарга нисбатан тез ўтади, аммо бошоқлаш ва гуллаш чўзилади.

Тупланиш кузги жавдарда 35–40 кун давом этади. Бу даврда кузги жавдар яровизация стадиясини ўтайди ва у 0–20°C да 20–70 кун давом этади. Ҳаво ҳарорати 10°C бўлса яровизация стадиясининг давомийлиги ошади.

Ўсимликдаги ҳамма поялар сони умумий поя деб юритилади. Бошоқ ҳосил қилган ва тўлиқ дон олган поялар маҳсулдор поялар ёки маҳсулдор тупланиш деб айтилади.

Тажрибадан олинган натижалар шуни кўрсатадики, кузги жавдарнинг ўсиб ривожланишида, суғориш тартибини ҳамда маъданли ўғитларнинг таъсири сезиларли бўлди.

Жумладан, 2016–2017 йил вегетация даврида ўтказилган тажрибадан олинган маълумотларга қараганда, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли

ўғитлар  $N_{100}P_{50}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган назорат 1–вариантда кузги жавдарнинг бўйи амал даври охири (1.06) га бориб ўртача 72,5 см, умумий поялар сони 518,8 м<sup>2</sup>/донани, маҳсулдор поялар сони эса 419,2 м<sup>2</sup>/донани кўрсатиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши 80,8 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{150}P_{75}K_{120}$  ва  $N_{200}P_{100}K_{160}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 2–3 вариантларда, ўсимликнинг бўйи амал даври охирига бориб, тегишли равишда 86,2–92,7 см. ни, умумий поялар сони 601,2–646,6 м<sup>2</sup>/донани, маҳсулдор поялар сони эса 506,2–552,2 м<sup>2</sup>/донани ташкил этган ҳолда умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши 84,2–85,4 фоиз эканлиги аниқланиб, назорат вариантыга нисбатан ўсимликнинг бўйи 13,7–20,2 см га, умумий поялар сони 82,4–127,8 м<sup>2</sup>/донага, маҳсулдор поялар сони эса 87,0–133,0 м<sup>2</sup>/донага, умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши 3,4–4,6 фоизга юқори натижа олинганлиги аниқланди.

2–жадвал

Маъданли ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибларини кузги жавдар ўсимликнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсири, 2016–2017 йй.


| № | Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, % | Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га | Ўсимлик бўйи, см | Умумий поялар сони, м <sup>2</sup> /дона | Шундан маҳсулдор поялар сони, м <sup>2</sup> /дона |
|---|------------------------------------|---|------------------|--|--|
|   |                                    |   | 1.06             |  |  |
| 1 | 70–70–60                           | NPK: 100–50–80                            | 72,5             | 518,8                                    | 419,2  |
| 2 |                                    | NPK: 150–75–120                           | 86,2             | 601,2                                    | 506,2  |
| 3 |                                    | NPK: 200–100–160                          | 92,7             | 646,6                                    | 552,2  |
| 4 | 70–80–70                           | NPK: 100–50–80                            | 73,8             | 565,2                                    | 461,2  |
| 5 |                                    | NPK: 150–75–120                           | 91,5             | 673,3                                    | 575,0  |
| 6 |                                    | NPK: 200–100–160                          | 100,2            | 733,1                                    | 639,2  |

Иккинчи суғориш тартибида ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланганлиги кузатилиб, бунда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{100}P_{50}K_{80}$  кг/га меъёрлари қўлланилган назорат 4–вариантларда амал даври охирига бориб, ўсимликнинг бўйи 73,8 см. ни, умумий поялар сони 565,2 м<sup>2</sup>/донани, шундан маҳсулдор поялар сони 461,2 м<sup>2</sup>/донани кўрсатиб, умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши 81,6 фоизга тенг бўлган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{120}$  ва  $N_{200}P_{100}K_{160}$  кг/га меъёрларда қўлланилган 5–6 вариантларда вегетация даври охирига бориб, ўсимликнинг бўйи ўртача 91,5–100,2 см, умумий поялар сони 673,3–733,1 м<sup>2</sup>/донага, маҳсулдор поялар сони эса 575,0–639,0 м<sup>2</sup>/донага, умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши 85,4–87,2 фоизга тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан ўсимликнинг бўйи 17,7–26,4 см га, умумий поялар сони 108,1–167,9 м<sup>2</sup>/донага, маҳсулдор поялар сони эса мос равишда 113,8–178,1 м<sup>2</sup>/донага, умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг улуши эса 3,8–5,6 фоизга юқори эканлиги қайд этилди.

2017–2018 ва 2018–2019 йилларда олиб борилган изланишларимизда ҳам юқоридаги қонуниятлар сақланиб қолганлиги кузатилиб, кузги жавдар поясининг бўйига ҳамда умумий ва маҳсулдор поялар сонига маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири сезиларли бўлганлиги аниқланди.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг “Вахшская–116” навини маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларига бўлган талаби ўрганиб чиқилди.

Тажриба вариантларидан олинган натижаларга кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитлар  $N_{100}P_{50}K_{80}$  кг/га меъёрда қўлланилган назорат 1–вариантда дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 36,0 ц/га ни ташкил этган бўлса, ушбу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{150}P_{75}K_{120}$  ва  $N_{200}P_{100}K_{160}$  кг/га меъёрлари қўлланилган (2–3 вариантлар)да уч йилда ўртача мос равишда 42,7–46,5 ц/га дон ҳосили олиниб, назорат вариантыга нисбатан қўшимча 6,7–10,5 ц/га дон ҳосили олинганлиги қайд этилди.



2-расм. Маъданли ўғитлар меъёрлари ва суғориш тартибларини дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири

Иккинчи суғориш тартиби, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилиб, маъданли ўғитларнинг  $N_{100}P_{50}K_{80}$  кг/га меъёри қўлланилган назорат 4–вариантида уч йилда ўртача 39,7 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, шу суғориш тартибида суғорилиб, маъданли ўғитлар  $N_{150}P_{75}K_{120}$  ва  $N_{200}P_{100}K_{160}$  кг/га меъёрлари қўлланилган 5–6 вариантларда дон ҳосилдорлиги уч йилда тегишли равишда 47,7–51,9 ц/га ни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан 8,0–12,2 ц/га кўп

дон ҳосили олинганлиги кузатилди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кузги жавдарнинг дон ҳосилдорлигига маъданли ўғитлар меъёрлари ҳамда суғориш тартибларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилди.

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш мумкинки: Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарга вегетация даври давомида маъданли ўғитларнинг  $N_{150}P_{75}K_{120}$  ва  $N_{200}P_{100}K_{160}$  кг/га меъёрлари қўлланилиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60% бўлганда суғорилганида назорат вариантга нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 15,6–23,1 м<sup>2</sup>/донага, қишдан чиққан кўчатлар сони 17,0–25,7 м<sup>2</sup>/донага, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги 20,9–30,4 м<sup>2</sup>/донага, умумий поялар сони 82,4–127,8 м<sup>2</sup>/донага, маҳсулдор поялар сони 87,0–133,0 м<sup>2</sup>/донага, дон ҳосилдорлиги эса 6,7–10,5 ц/га, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–80–70% бўлганда суғорилганида эса назорат вариантга нисбатан кўчатларнинг униб чиқиши 23,2–31,5 м<sup>2</sup>/донага, қишдан чиққан кўчатлар сони 24,0–34,0 м<sup>2</sup>/донага, амал даври охирида хақиқий кўчат қалинлиги 29,2–40,5 м<sup>2</sup>/донага, умумий поялар сони 108,1–167,9 м<sup>2</sup>/донага, маҳсулдор поялар сони 113,8–178,0 м<sup>2</sup>/донага юқори бўлгани ҳолда, 8,0–12,2 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев И.И., Абдурахмонов С.О. “Бентонитовая глина и урожай зерна” //«Актуальные проблемы современной науки».–Россия – № 2(99) 2018. – С. 52–56.
2. Абдурахмонов С.О., Абдуллаев И.И. “Кузги бугдойнинг суғориш меъёрига бентонит лойқасининг таъсири” // «Ирригация ва мелиорация журналы». Тошкент, 2018.1(11)–сон. Б. 31–35.
3. Абдуллаев И., Абдурахмонов С. «Бентонит лойқаси ва кузги бугдой кўчат қалинлиги» // «Ўзбекистон кишлок хўжалиги» журналининг «Агро илм» илмий иловаси. Тошкент, 2018. №2(52)–сон. Б.25–26.
4. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Ўсимликшунослик” Ўқув қўлланма. Тошкент-2006. 141-146 бетлар.
5. Х.Атабаева, О.Қодирхўжаев “Ўсимликшунослик” Дарслик. Тошкент-2006. 93-98 бетлар.
6. Д.Ёрматова, Н.Шамуратов “Донли экинларни етиштириш технологияси” Дарслик. Тошкент-2008. 119-125 бетлар.
7. [https://archive.gramene.org/species/secale/rye\\_intro.html](https://archive.gramene.org/species/secale/rye_intro.html)

УЎК:635.6/637.3

### ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Ю.Р. Аширов, доценти, ТошДАУ, Тошкент**  
**С.Х. Исаев, профессор, ТИҚХММИ, Тошкент**  
**Ш.Т. Турдалиева, талаба, ТошДАУ, Тошкент**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сирдарё вилоятининг кам ва ўртача шўрланган тупроқ шароитида ғўза навларини суғориш меъёрларининг ғўзанинг ўсиши, ривожланишига ва пахта ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** тупроқ шўрланиши, сизот сувлари сатҳи, тупроқ намлиги, суғориш меъёри, мавсумий суғориш, ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосилдорлиги

**Аннотация.** В статье приведены результаты полевых исследований, проведенных на слабых и малозасоленных почвах Сырдарьинской области по поливу культивируемых разных сортов хлопчатника фиксированными поливными нормами и влияние их на рост, развитие и урожайность.

**Ключевые слова:** засоление почвы, уровень воды в почве, влажность почвы, норма орошения, сезонное орошение, выращивание, развитие сортов хлопчатника, урожайность хлопчатника

**Abstract.** To the article the results of the field researches, conducted on weak and in little salt soils of the Syr-darya area on watering of the cultivated different sorts of cotton plant by the fixed watering norms and influence of them on a height, development and productivity, are driven.

**Key words:** Soil salinization, soil water level, soil moisture, irrigation norm, seasonal irrigation, growth of cotton varieties, development of cotton, cotton fertility

Бугунги кунда дунё бўйича 33 млн. гектар майдонда ғўза етиштирилиб, 25 млн. тоннадан зиёд пахта ҳосили олинмоқда. Бу экинларни суғоришда кўп сув ва бир қанча агротехник тадбирлар талаб қилинади. Мавжуд сувларнинг 2,0 фоизга яқини чучук сув ресурслари бўлиб, чучук сувларнинг 20 фоизи ер ости сувларига, 1 фоизи эса дарё ва кўлларга тўғри келади. Шу боисдан жаҳон миқёсда экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларни такомиллаштириш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида чучук сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган ҳолда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириб боришда 45 мамлакатда йилига 12 млн. тонна ноанъанавий агрорудалар қазиб олиниб, улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида, кишлок хўжалиги соҳасида кенг миқёсда фойдаланиб келинмоқда.

Жаҳон бўйича суғориладиган кишлок хўжалик ерларида тупроқлар шўрланишига қарши курашиш учун тезкор мониторинг олиб бориш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда дунё бўйича жами 1,5 миллиард гектар экин ерларида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40%и жами экин майдонларининг фақат 20%ини ташкил қилган 300 миллион гектар суғориладиган ерларда етиштирилиб, унинг 30%га яқин майдони табиий-антропоген

омиллар сабабли турли даражада шўрланишга учраганлиги бутунжаҳон озик-овқат ташкилоти ФАО томонидан алоҳида таъкидланган [1].

Жаҳонда суғориладиган ерларнинг аксарият қисми курук ва ярим курук иқлим минтақаларида жойлашган бўлиб, Африка, Осиё, Австралия, Европа ва Лотин Америкасида тупроқлар шўрланишининг салбий таъсири сабабли унумдорлик ва экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши 397 миллион гектар ерларда кузатилган. Тупроқлар шўрланишидан Австралияда 20% суғориладиган ерлар зарарланган бўлса, бу кўрсаткич Мисрда 30%, Эронда 50%, Ҳиндистон ва Покистонда 55%ни ташкил қилади. Шу жумладан, Орол ҳавзасига кирувчи Марказий Осиёда мавжуд суғориладиган ерларнинг ярмидан ортиғи турли даражада шўрланганлиги минтақада кенг қўламли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатиб, Бутунжаҳон банки томонидан алоҳида эътироф этилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги ПҚ-3405-сон “2018-2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги 74-сон “2018 йилда экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳамда бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда шўрланишга мойил бўлган ерларда янги, истиқболли ва районлашган ғўза навларидан сифатли ва юқори ҳосил етиштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади [3].

Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда шудгорлашнинг аҳамияти катта бўлиб, вақтида сифатли даражада ўтказилган шудгор келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратади. Сифатли шудгорланган майдонларда бегона ўтларни, зараркунанда ҳашаротлар, касалликларнинг камайиши кузатилиб, намлик яхши сақланади ҳамда эрта баҳорда тупроқни экишга тайёрлаш, экиш каби агротехника тадбирларини ўз вақтида ва самарали ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Натижада экилган уруғликлар тўлиқ ундириб олинади ҳамда ниҳоллар яхши ўсиб ривожланиб, мўл ҳосил тўплайди ва барвақт пишиб етилади, шунинг билан бирга тупроқ ҳажм масса 0,01–0,03 г/см<sup>3</sup> камайиб, тупроқнинг ғоваклиги эса 0,4–1,2 фоизгача, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги эса 5,8–24,6 м<sup>3</sup>/га гача ортган [5,6,7,8].

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида қабул қилинган “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (ПСУЕАИТИ, 1963 й.), “Методика полевых опытов с хлопчатником” (ПСУЕАИТИ, 1981 й. ва Дала тажрибаларини ўтказиш, (Тошкент, 2007 й.) услубий қўлланмалари асосида олиб борилди [4].

Сирдарё вилояти геоморфологик нуқтаи назардан турли рельефларда жойлашган, рельефдаги нотекистик тупроқнинг ҳар хил даражадаги шўрланишини келтириб чиқаради. Тупроқ грунтлари қатлами қўл-пролювиал ва қўл-лессимон ётқизиклардан ташкил топган. Грунтлар кучсиз даражада дренажлашган. Худудда тарқалган тупроқлар ўрта ва кучли даражада шўрланган. Сирдарёнинг I-II қайир усти террасаси баландлик ва пастликлар алмашилишидан иборат бўлган кенг тўлқинсимон рельефдан иборат. III- қайир усти террасаси турли қатламли кум, шағал, чағиртош, қумоқ ва лойлар билан тўшалган, қалинлиги 20-30 м. бўлган лессимон қумоқлардан ташкил топган.

Тупроқ грунтлари зичлашмаган, сув ўтказувчанлиги яхши ва ҳар хил даражада шўрланган. Тупроқ грунтларининг дренажлашганлиги қониқарли, гидрогеологик шароитлари ўта мураккаб, бу мураккаблик худуднинг геоморфологик литологик тузилиши ва сунъий суғориш билан боғлиқ ерлардан фойдаланишнинг сифати ва ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ер ости сувларининг асосий манбалари бўлиб, турли катта-кичикликдаги суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан шимилиб кетаётган сувлар, шунингдек, Туркистон тоғ тизмаларидан оқиб тушаётган ер ости сувлари ҳисобланади, улар сизот сувлари балансида асосий ўринни эгалайди.

Тажриба Сирдарё вилояти Гулистон туманининг ПСУЕАИТИнинг Сирдарё тажриба станциясининг участкасида ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида кучсиз ва ўртача шўрланган далаларда экилган ғўза навларини парваришlash эскидан суғорилиб, деҳқончилик қилиб келинаётган минтақалардаги қўлланилаётган агротехник жараёнлар асосида амалга оширилди. Тупроқнинг ҳажм оғирлигини ўрганиш мақсадида 1 метргача ҳар 10 см қатламларда ўрганилди. 2012 йил амал даври бошида таҳлиллар натижаларига кўра кучсиз шўрланган далада 0-30 см қатламда 1,25 г/см<sup>3</sup>, 0-50 см да-1,30 г/см<sup>3</sup> ва 0-100 см да -1,37 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, амал даври охирига келиб, юқоридагиларга мос ҳолда 1,30; 1,33 ва 1,38 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди ёки амал даври бошига нисбатан 0,01-0,05 г/см<sup>3</sup> гача, ўртача шўрланган далада 0-30 см қатламда 1,26 г/см<sup>3</sup>, 0-50 см да-1,31 г/см<sup>3</sup> ва 0-100 см да-1,38 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этган бўлса, амал даври охирига келиб, юқоридагиларга мос ҳолда 1,31; 1,34 ва 1,39 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди ёки амал даври бошига нисбатан 0,02-0,06 г/см<sup>3</sup> гача зичланганлиги кузатилди.

Кучсиз шўрланган далада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги биринчи соатда 424 м<sup>3</sup>/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 268; 205; 115; 81 ва 42 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ва 6 соатда 1135 м<sup>3</sup>/га ни, амал даври охирига келиб, бу кўрсаткич сезиларли даражада камайиб борди ва 935 м<sup>3</sup>/га ни, ўртача шўрланган

далада биринчи соатда 384 м<sup>3</sup>/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 252; 192; 102; 72 ва 36 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ва 6 соатда 1038 м<sup>3</sup>/га ни, амал даври охирида 935 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилган бўлса, 2014 йил кучсиз шўрланган далада биринчи соатда 516 м<sup>3</sup>/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 305; 224; 120; 90 ва 53 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ва 6 соатда 1308 м<sup>3</sup>/га ни, амал даври охирига келиб, бу кўрсаткич сезиларли даражада камайиб борди ва 1113 м<sup>3</sup>/га ни, ўртача шўрланган далада биринчи соатда 501 м<sup>3</sup>/га бўлган бўлса, кейинги соатларда 297; 220; 116; 88 ва 51 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди ва 6 соатда 1273 м<sup>3</sup>/га ни, амал даври охирида 1061 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилганлиги аниқланди. Шундай қилиб, кузатув давомида мавсум охирига келиб, кучсиз шўрланган далада 1113 м<sup>3</sup>/га, ўртача шўрланган далада 1061 м<sup>3</sup>/га ташкил қилди. С.В.Нестерев бўйича кузатилган майдонлардаги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги кучсиз сув ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган тупроқлар синфига кириши қайд этилади. Умуман олганда, тажриба даласи тупроқларининг асосий илдииз кўп жойлашган қавати (0-50 см) ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига қулай шароит бўлганлиги кузатилди.

Кучсиз шўрланган далада кузга келиб, хлор-иони миқдори 0,023 % ни ташкил этади ва тупроқни кучсиз шўрланган, умумий ишқор 0,015 фоизга, сульфат 0,557 фоиз, кальций 0,120 фоизни, магний 0,046 фоизни ва қуруқ қолдиқ 0,848 фоизни, ўртача шўрланган далада юқоридагиларга мос ҳолда 0,031 фоизни ўртача шўрланган, 0,016; 0,712; 0,166; 0,047 ва 1,077 фоизни ташкил этганлиги кузатилди ёки кузга келиб, кучсиз ва ўртача шўрланган далаларда хлорид-иони 0,01-0,02 фоизга, умумий ишқор 0,01-0,02 фоизга, сульфат 0,01-0,02 фоизга, кальций 0,01-0,02 фоизга, магний 0,01-0,02 фоизга ва қуруқ қолдиқ 0,01-0,02 фоизга ошганлиги аниқланди.

Шунингдек баҳор ойида кучсиз шўрланган далада сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори хлор-иони-1,48 г/л, умумий ишқор-0,32 г/л, сульфат-5,33 г/л, кальций-0,542 г/л, магний-0,489, натрий +калий 1,681 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 11,75 г/л ни ташкил этган бўлса, ўртача шўрланганда юқоридагиларга мос ҳолда 2,24; 0,51; 5,81; 0,684; 0,489; 2,243 ва 12,87 г/л ёки кучсиз шўрланган далага нисбатан ўртача шўрланганда хлор-иони-0,76 г/л; умумий ишқор-0,19 г/л, сульфат-0,48 г/л, кальций-0,142 г/л, магний-0,045, натрий+калий 0,562 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 1,12 г/л юқорилиги кузатилган бўлса, 2014 йилда кучсиз шўрланган далада сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори хлор-иони-1,49 г/л, умумий ишқор-0,33 г/л, сульфат-5,30 г/л, кальций-0,538 г/л, магний-0,449, натрий +калий 1,678 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 11,71 г/л ни ташкил этган бўлса, ўртача шўрланганда юқоридагиларга мос ҳолда 1,55; 0,38; 5,37; 0,556; 0,461; 1,694 ва 11,89 г/л ёки кучсиз шўрланган далага нисбатан ўртача шўрланганда хлор-иони-0,05 г/л; умумий ишқор-0,06 г/л, сульфат-0,07 г/л, кальций-0,018 г/л, магний-0,012, натрий+калий 0,016 г/л ва қуруқ қолдиқ миқдори 0,18 г/л юқорилиги кузатилди.

Кучсиз шўрланган далада энг юқори кўрсаткич Бухоро-102 навида кўсақлар сони 11,7 дона, шундан очилгани 1,4 донани ташкил этди, Андижон-37 навида юқоридагиларга мос ҳолда 10,5 ва 3,8 дона, Наврўз навида 9,7 ва 2,5 донани, энг паст кўрсаткич Парвоз навида 6,0 дона, шундан очилгани 2,0 донани ёки, Бухоро-102, Андижон-37 ва Наврўз навларига нисбатан 4,5-5,7 донага кўсақлар ва 1,4-1,8 донага кам очилгани кузатилди.

Тупроқ таркибидаги озика элементлари миқдорини аниқлаш учун 0-30 см ва 30-50 см қатламларида намуналар олиниб аниқланди. Тупроқ таркибидаги озика элементлари миқдори амал даври бошида, яъни баҳор пайтида олинган намуналарда 2012 йил чиринди миқдори 0-30 см қатламда 1,350 фоиз, 30-50 см да 0,635 фоизни, азот-0,105; 0,084 фоизни, фосфор-0,265; 0,243 фоизни ташкил этган бўлса, нитратли азот 12,4; 3,7 мг/кг, ҳаракатчан фосфор-38,8; 20,9 мг/кг ташкил этган. 2013 йил чиринди миқдори 0-30 см қатламда 0,761 фоиз, 30-50 см да 0,686 фоизни, азот-0,070; 0,061 фоизни, фосфор-0,117; 0,098 фоизни ташкил этган бўлса, нитратли азот 2,69; 1,77 мг/кг, ҳаракатчан фосфор-10,3; 7,4 мг/кг ташкил этганлиги кузатилди.

2012 йил кучсиз шўрланган далада суғориш олдиан тупроқ намлигини дала нам сиғимига нисбатан 70-70-60 фоиз тартибда сақлаб туриш учун ғўзани амал даврида 2 маротаба суғориш талаб этилди. Ҳар суғоришда гектарига 967-1094 кубометр сув сарф этилди. Мавсумий суғориш меъёри эса 2061 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этган бўлса ўртача шўрланган тупроқ намлигини ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоиз тартибда ғўзани амал даврида 2 маротаба суғорилди ва ҳар бир суғоришда 1128-1024 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида эса 2152 м<sup>3</sup>/га сув сарфланди.

2013 йилда кучсиз шўрланган далада ғўза навлари ўртача бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича энг юқори кўрсаткич районлашган Бухоро-8 навида 7,4 граммни, Бухоро-102, Бархаёт, Парвоз, Андижон-37 ва Султон навлари 6,1-7,2 граммни ташкил этган, энг паст кўрсаткични янги ЎзПИТИ-201 навида 5,0 граммни ёки Бухоро-8 навида нисбатан 2,4 грамм паст бўлганлиги кузатилди. Ўртача шўрланган далада ғўза навлари ўртача бир дона кўсақдаги пахта вазни бўйича энг юқори кўрсаткич районлашган Бухоро-102 навида 5,6 граммни, ЎзПИТИ-2601, Парвоз ва С-6524 навлари 4,7 граммни ташкил этган, энг паст кўрсаткични янги ЎзПИТИ-201 навида 3,8 граммни ёки Бухоро-102 навида нисбатан 1,8 грамм пастлиги аниқланди.

Ғўза навларини шўрланишга, сувсизликка чидамлилигини аниқлашда ўтлоқлашиб бораётган оч тусли бўз тупроқлар шароитида кучсиз шўрланган далада тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш тартибда қўл рефрактометр орқали аниқлаб, 2 маротаба суғорилиб, ҳар бир суғоришда 1012-1125 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 2137 м<sup>3</sup>/га сув сарф этилганда энг юқори пахта ҳосилдорлиги

Бухоро-102 навида 32,6 ц/га, Бухоро-8 навида-31,4 ц/га, Парвоз навида-30,3 ц/га ни ташкил этиб, андоза (Ан-боёвут-2) навига нисбатан Бухоро-102 навидан 6,5 ц/га, Бухоро-8 навидан 5,3 ц/га ва Парвоз навидан 4,2 ц/га, ўртача шўрланган далада тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% суғориш тартибида 2 маротаба суғорилиб, ҳар бир суғоришда 1125-1215 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 22340 м<sup>3</sup>/га сув сарф этилганда Бухоро-102 навида 12,1 ц/га, Бухоро-8 навида-10,3 ц/га, С-6524 навида-10,6 ц/га пахта ҳосили териб олинди ёки андоза (Ан-боёвут-2) навига нисбатан Бухоро-102 навидан 2,8 ц/га, Бухоро-8 навидан 1,0 ц/га ва С-6524 навидан 1,3 ц/га қўшимча пахта ҳосил олишга эришилди.

**Хулоса:** Сирдарё вилоятининг суғориладиган гидроморф тупроқларининг шўрланишга мойил бўлган ерларда ғўза навларини ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги 70-70-70% сақланган ҳолда гектарига N-200; P-140; K-100 кг/га маъдан ўғитлар билан 1210-2340 м<sup>3</sup>/га мавсумий суғориш меъёрлари билан суғориш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. FAO of the United Nations and Earthscan, Rome, 2012. Water and Cereals in Drylands.
2. The World Bank, February 2003. Irrigation in Central Asia Social, Economic and Environmental Considerations.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”- //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, Ўзбекистон овози газетаси.
4. Методы агрофизических исследований. Тошкент. 1973, 237-б.
5. Хайдаров А., Маҳмудов О., Ҳасанова Ф., Қирғизбоев Қ. -//“Ғўза агротехникасида тупроққа ишлов беришнинг янги усули.”//Агро илм журнали. 2009 й. №3 10-11 б.
6. Исаев С.Х., Хайдаров Б.А.-“Андижон-36 ғўза навини суғориш тартибларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири”- //Ирригация ва мелиорация журнали. Тошкент, 2018 йил №1(11). – Б.9–13.
7. Isaev S.Kh, Khaydarov B.A. Economic efficacy of irrigation technology for cultivation of cotton-planet varieties with mineralized water in condition of water deficiency // International journal of science and research (IJSR), India. 2018, -Vol. 7, Issue 11, November. -P 1870-1871. (№23, SJIF, IF=7,296).
8. Sommer R, Glazirina M., Yuldashev T., Otarov A., Ibraeva M., Martynova L., Bekenov M., Kholov B., Ibragimov N., Kobilov R., Karaev S., Sultonov M., Khasanova F., Esanbekov M., Mavlyanov D., Isaev S., Abdurahimov S., Ikramov R., Shezdyukova L., Pauw de E.-Impact of climate change on wheat productivity in Central Asia, //Agronomy Journal. The USA American Society of Agronomy., America. 2013-year. S. 78-99.

УЎТ:633.51: 631.542.36

### ТУРЛИ ЭКИШ МУДДАТАЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИЛПИШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Б. Ибрагимов, мустақил тадқиқотчи, ПСУЕАИТИ, Тошкент**

**Аннотация.** Фаргона вилояти шароитида Бухоро-8, Султон ва С-8290 ғўза навлари олти муддатда экилиб, 11-12, 12-13, 13-14 ҳосил шохларида қўлда ва сожсеан препарати билан ғўзанинг ўсув даврида кимёвий усулда чилпиш ўтказилди. Энг юқори ҳосилдорлик Бухоро-8 ғўза навини 20-25 апрелда экиб, 12-13 ҳосил шохида чилпиш ўтказилган вариантдан олинганлиги мақолада келтирилган.

**Калим сўзлар:** пахта, чилпиш, ҳосилдорлик, экиш муддатлари

**Аннотация.** В условиях Ферганской области посевы хлопка Бухара-8, Султан и С-8290 были посажены в шесть сроков, а на ветвях 11-12, 12-13, 13-14 проводилась ручная чеканка и препарат сожсеан в период вегетации хлопчатника. В статье отмечается, что наивысшая урожайность была получена из варианта, когда сорт хлопка Бухара-8 был посажен 20-25 апреля и проведена чеканка при 12-13 плодовых стеблей.

**Ключевые слова:** хлопок, чеканка, урожайность, сроки посева

**Abstract.** In the condition of Fergana province, sowing cotton varieties Bukhara-8, Sultan and С-8290 in six different dates, and making plant topping in 11-12, 12-13, 13-14 fruiting branches by applying hand plant topping and chemical plant topping, the highest seed-lint yield of cotton variety Bukhara-8 were obtained by sowing in 20-25 April and conducting plant topping in 12-13 fruiting branches were shown in article.

**Key words:** cotton, minting, yield, sowing time

Маълумки, ҳар қандай етиштирилаётган экинларнинг асоси ҳосил олиш ҳисобланса, унда бажариладиган ҳар бир агротехник тадбирларнинг асосий вазифаси ҳосилдорликни оширишга қаратилган бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ғўзани парваришlashда унинг экиш муддатларига, кўчат қалинлигига ва чилпиш агротадбирлари инсон томонидан бажарилиб, улар ўз муддатида олиб борилганда кутиладиган ҳосилдан ортиқроқ ҳосил олишга эришиш мумкин. Чилпиш агротадбири амалга оширилганда ғўзанинг бўйига ўсиши тўхтаб, тупроқдан олинадиган озукалар ҳосил элементларга тақсимланади ва кўсақлар салмоғининг ошиши ва кўпроқ ғўза тупларида сақланиб қолиниши эвазига ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади.

Самарқанд вилояти шароитида О.Ш.Юзбашян, Ф.Х.Хамраевлар томонидан олиб борган тадқиқотларда ғўзага Пикс препарати билан кимёвий ишлов берилганда қўлда чилпиш ўтказилганга нисбатан кўсақлар сони 1,4 донага, ҳосилдорлик эса 2,4 ц/га ошганлиги аниқланган [3].

Ғўза ўсимлигининг ётиб қолишига чилпишнинг таъсирини ўрганиб чиққанида, ўсимликнинг энгашиб қолишига сабаб, ўсимлик бўйи кўсақлар миқдори ва уларнинг ўсимликда жойлашуви таъсир




қилиши аниқланган. Чилпиш ўтказилган ўсимликларнинг чилпиш ўтказилмаган ўсимликларга нисбатан 2-3 баробар кам энгашганлиги ва асосий пояси бақувват бўлган, кўсақлари пастда жойлашиш имконини берувчи агротехникани қўллаб чилпиш ўтказиш, пояларнинг ётиб қолишини сезиларли камайтириш ёки батамом бартараф этиш мумкинлигини исботлаган [4].

Шу нуқтаи-назардан изланишларда кечпишар, ўртапишар ва эртапишар ғўза навларида турли экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш агротадбирларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Тадқиқотларни олиб боришда ЎзПТИДа қабул қилинган «Методика полевых опытов с хлопчатником» (1981), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаларидан фойдаланилди [1]. Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар эса Б.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1979) қўлланмаси асосида таҳлил қилинди [2].

Фарғона вилояти шароитида 2018-2019 йиллар давомида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Бухоро-8 ғўза навида энг юқори ҳосилдорлик 2018-йил чигит 20-апрелда экилиб, 12-13 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантда олинган бўлса, 2019-йилда чигит 25-апрелда экилиб 12-13 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва ҳосилдорлик мос равишда 33,0-39,8 ц/га ни ташкил этди. Ушбу ғўза навида энг кам ҳосил тадқиқот ўтказилган ҳар эккала йилда ҳам чигит 10-апрелда экилиб, 13-14 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва бу олдинги кўрсатилган вариантга нисбатан 4,8-4,4 ц/га ҳосилнинг паст бўлганлиги аниқланди.



### 1-расм. Ғўза навларида экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпишнинг пахта ҳосилига таъсири

Султон ғўза навида ҳам энг юқори ҳосил 20-25 апрелда чигит экиб 12-13 ва 11-12 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантлардан олинганлиги ва 2018-2019 йиллар бўйича ҳосилдорлик ўртача 31,7-34,9 ц/га ни ташкил этганлиги кузатилди. Тақидлаб ўтиш керакки, 2018-йилда энг юқори ҳосил чигит 20-апрелда экилганда олинган бўлса, 2019-йилда чигит 25-апрелда экилган вариантдан олинганлиги маълум бўлди. Буни шундай изохлаш мумкинки, йилнинг иклим шароитига қараб чигит экишни табақалаштириб экиш ҳосилига юқори ҳосил олишга эришиш мумкин. Қолаверса, ушбу ғўза навида ҳам чигит эрта муддатларда, яъни 10-апрелда экилганда тажриба ўтказилган ҳар эккала йилда кам ҳосил олинганлиги диққатга сазовор бўлди. Чигит 10-апрелда экилган вариантда 2018-йил 20-апрелда экилган вариантга нисбатан 4,3 ц/га ҳосил камайганлиги кузатилган бўлса, 2019-йил -25 апрель кунлари чигит экилган вариантга нисбатан 2,2 ц/га ҳосилнинг камайганлиги аниқланди (1-расм).

Шунингдек, эртапишар С-8290 ғўза навида энг юқори ҳосил 2018-йил чигит 30-апрелда экилиб, 11-12 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантда олинган бўлса, 2019-йилда чигит 25-апрелда экилиб 11-12 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва ҳосилдорлик мос равишда 30,2-33,8 ц/га ни ташкил этди. Ушбу ғўза навида энг кам ҳосил тадқиқот ўтказилган ҳар иккала йилда ҳам чигит 10-апрелда экилиб, 13-14 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантдан олинди ва мос равишда 25,8-30,8 ц/га ташкил этди.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, Бухоро-8 ва Султон ғўза навлари 20-25 апрелда экилиб 12-13 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилганда энг юқори ҳосилдорликка эришилган бўлса, С-8290 ғўза навида эса юқори ҳосилдорлик чигит 30-апрелда экилиб 11-12 ҳосил шоҳида чилпиш ўтказилган вариантлардан олинди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шунини хулоса қилиш мумкинки, ғўза навларининг морфобиологик хусусиятларга кўра, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда чилпиш тадбирини

табақалаштириб ўтказиш эвазига, белгиланган ҳосилдан максимал даражада ҳосил олишга эришиш имкониятини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари, ЎзПИТИ-Тошкент, 2007.–Б. 145.
2. Доспехов Б. Методика полевого опыта. М. 1979. –С. 268-285.
3. Юзбашян О.Ш., Хамраев Ф.Х. Кимёвий чилпишнинг афзалликлари ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири 2001. Б. 172-173.
4. Яшева Е., Габдурашидов И. Ғўзани ётиб қолишга чеканканинг таъсири// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 1987; №7– Б. 13.

ЎЎТ:662.7

### РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДА ЕТИШТИРИЛГАН УЗУМНИНГ КИШМИШБОП НАВЛАРИНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

*С.Я. Исламов, к/х.ф.д, проф., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*А.А. Сафаров, доцент, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*З.Р. Ташматова, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мазкур моқолада Республикамизнинг турли иқлим шароитларида етиштирилган узумнинг кишмишбоп навини замонавий совутиши омборларида сақлаш жараёнида улар таркибидаги кимёвий моддалар (қуруқ моддалар, нитрат ва рН) кўрсаткичларини териб олинган давридаги нисбатан ўзгаришнинг илмий ва амалий таҳлиллар натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** узум нави, кишмишбоп, замонавий совутиши омбори, сақлаш, кимёвий таркиби, қуруқ моддалар, нитрат, рН кўрсаткичлари

**Аннотация.** В данной статье приводятся научно-практические данные о изменениях химического состава (сухие вещества, нитраты и рН) винограда, выращенных сортов винограда при различных условиях Республики, в зависимости от периода сбора и условий процесса хранения в современных холодильных камерах.

**Ключевые слова:** сорт винограда, изюм, современное охлаждение, хранение, химический состав, сухое вещество, нитрат, рН

**Abstract.** This article provides scientific and practical data on changes in the chemical composition (dry substances, nitrates and рН) of grapes from the collection period to the storage process in modern cold storage chambers of grown Toift grapes under various conditions in the Republic

**Key words:** grape variety, raisins, modern cooling, storage, chemical composition, dry matter, nitrate, рН

**Қириш.** Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кенгайтириш ва озиқ-овқат таъминотини янада кенгайтириш Республикамиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамиз Президентининг 2019 йил 29-июль ПҚ-4406-сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Республикамиздаги мавжуд ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг ялпи ҳосилини ошириш, ҳосилдорлиги кам ва рентабеллиги паст бўлган майдонлардаги экин турларини серҳосил ва экспортбоп навларга алмаштириш бўйича бир қатор чора тадбирлар белгилаб берилган [1].

Шундай серҳосил ва сердаромад экинлардан бири узумдир. Узум жуда қадимий маданият ўсимликлардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга қараганда, бугун Республикамизда етиштирилаётган узумзорлар 82 минг 540 гектар, шундан 37 минг 785 гектарида хўраки, 30 минг 640 гектарида кишмишбоп, 14 минг 116 гектарида винобоп навлар етиштирилмоқда [1].


Маълумки, етиштирилган узумлар истеъмолчигача етиб бориши турли хил усулларда амалга оширилади, яъни улар янги узилган, сақланган ёки қайта ишланган маҳсулотлар қўринишида олиб борилади. Бугунги бозор иқтисоди даврида маркетинг таҳлилларига қараганда истеъмолчи кимёвий таркиби максимал даражада сақланиб қоладиган қўринишдаги янги узилган ҳолда истеъмол қилишни маъқул кўради [3.4].

Истеъмолчига маҳсулотларни етиштириш усулларини ҳар бири ўзига ҳос қулайлик ва камчиликларга эга. Узумни янги узилган юқори сифатли ҳолда етказиш усулларидан бири, замонавий совутгичли сақлаш омборлари орқали амалга оширилди. Бугун Республикамизда барча мева ва сабзавотлар каби узумни замонавий совутгичларда сақлаш масала ҳисобланиб, узумни замонавий совутгич омборларида сақлаш ва сақлаш жараёнида кимёвий таркибини ўзгариши билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот натижалари етарлича ўрганилмаган.

Биз томонимиздан олиб борилган илмий-тадқиқотлар АҚШ нинг USAID халқаро агентлиги ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида бажарилаётган халқаро лойиҳа доирасида бажарилган бўлиб, илмий тадқиқот лойиҳаси вазифаларидан бири, Республикамизни Тошкент вилояти

Паркент тумани, Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ва Бухоро вилоятининг Олот туманларида олиб борилди.

**Тадқиқот услуби ва материаллари.** Олиб борилган тадқиқотлар доирасидаги объект сифатида узумнинг кишмишбоп нави танлаб олинган бўлиб, унда кишмишбоп узумининг пишиб етилган давридаги кимёвий таркиби, яъни узумни пишиб етилганлик даражасини аниқловчи кўрсаткичлардан бири куруқ моддалари ва унинг товарлик хусусиятларини белгиловчи, бундан ташқари маҳсулот сақланувчанлигига катта таъсир кўрсатувчи нитрат миқдори аниқланди. Узум таркибидаги куруқ моддалар миқдори рефрактометр асбоби ёрдамида, “Халқаро метрология ва сертификация” кенгаши томонидан қабул қилинган ISO 2113-2013 ГОСТи бўйича [5,6], нитрат миқдори эса нитратор ёрдамида “Шарбат ва нектарлар таркибидаги нитрат моддаларини аниқлаш” Р 52474-2005 ГОСТи бўйича аниқланган [5,6]. Олиб борилган қузатувлар натижасида узумнинг кишмишбоп навини турли иқлим шароитларда, яъни Паркент тумани денгиз сатҳидан 1100-1200 метр, Самарқанд тумани 779 метр, Олот тумани 225 метр баландликдаги узум навларининг етиштириш тавсия этилди.



**1-расм. Кишмишбоб узум навларини қуритилган кўриниши**

Тажрибада узумни узиш давридаги ва замонавий совутиш омборларида 90-95 кун муддатда сақлангандан кейинги ҳолатининг кимёвий таркиби ўрганилди. Ўрганилган илмий-тадқиқотлар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Ўтказилган илмий-тадқиқотлар натижаларининг жадвалда келтирилган маълумотларига кўра узумнинг кишмишбоп навининг кимёвий таркиби етиштириш ҳудуди, денгиз сатҳи ва сақлаш муддатига қараб ўзгариши бўйича қуйидаги маълумотлар олинди. Тошкент вилоятининг 16 сентябрида териб олиб 9 декабргача замонавий совутгичли омборларда сақлангандаги ҳолатда: узум таркибидаги куруқ моддалар миқдори 18,5 дан 16,3% гача; нитрат миқдори 65 дан 56% гача; рН миқдори 3.95 дан 3,7 гача, Самарқанд вилоятида 23 сентябрда териб олиниб 13 декабргача сақланган узумнинг кимёвий таркибида куруқ моддалар 19,8 дан 18,9% гача, нитрат 62 дан 56% гача, рН 3.70 дан 3.35 гача, Бухоро вилоятида 21 сентябрда териб олиниб 12 декабргача сақланган узумнинг кимёвий таркибидаги: куруқ моддалар 18,2 дан 16,5% гача, нитрат 76 дан 65% гача, рН 4.2 дан 3.9 гача пасайиши қузатилган.

**1-жадвал**

**Узумнинг кишмишбоб навини сақлаш жараёнида кимёвий таркибини ўзгариш ҳолати**

| Нави      | Кимёвий таркиби | Тошкент вилояти                |                                      | Самарқанд вилояти              |                                      | Бухоро вилояти                 |                                      |
|-----------|-----------------|--------------------------------|--------------------------------------|--------------------------------|--------------------------------------|--------------------------------|--------------------------------------|
|           |                 | Узум терилган сана<br>16.09.20 | Совутгичдан олинган сана<br>09.12.20 | Узум терилган сана<br>23.09.20 | Совутгичдан олинган сана<br>13.12.20 | Узум терилган сана<br>21.09.20 | Совутгичдан олинган сана<br>12.12.20 |
| кишмишбоб | КМ, %           | 18.5                           | 16.3                                 | 19,8                           | 18.9                                 | 18,2                           | 16.5                                 |
|           | Нитрат,%        | 65                             | 56                                   | 62                             | 53                                   | 76                             | 65                                   |
|           | рН              | 3.95                           | 3.7                                  | 3.70                           | 3.35                                 | 4.2                            | 3.9                                  |

**Хулоса.** Республикаимизнинг турли иқлим шароитларида етиштирилган узумнинг кишмишбоб навлари таркибидаги куруқ моддалар миқдорининг юқори кўрсаткичи 19,8%, нитрат 76%, рН кўрсаткичи эса 4.2 миқдорда эканлиги аниқланиб, узумни омборларида узоқ муддатли сақлаш жараёнида аниқланган кимёвий таркибидаги барча кўрсаткичлар пасайиши қузатилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, ПҚ-4406 сонли “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори 29.07.2019 йил - Lex.uz
2. Бўриев Х. Ч, Жўраев Р. Ж, Алимов О. А. «Мева – сабзавотларни сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш». Тошкент: «Меҳнат», 2002.
3. Мирзаев М.М и др. Ампелография Ўзбекистана. Ташкент: «Ўзбекистан», 1984
4. Орипов Р, Сулаймонов И, Умурзоқов Э. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси». Тошкент: «Меҳнат», 1991.

5. “Халқаро метрология ва сертификация” кенгаши томонидан қабул қилинган ISO 2113-2013 ГОСТи - Тошкент.: 2013. – 4 б.

6. ГОСТ Р 51434-99. Соки фруктовые и овощные. Метод определения титруемой кислотности. Введ. 2009-01-01.- М.: Стандартиформ, 2006. – с. 11

УЎТ: 633.15:581.166:631.8

## МАККАЖЎХОРИНИНГ ЭСДАЛИК-80 НАВИ УРУҒЛИК СИФАТИГА ТУП ҚАЛИНЛИГИ ВА АЗОТЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

*Х.К.Назаров, қ.х.ф.н., доцент, ТошДАУ, Тошкент*

**Аннотация.** Маккажўхорининг Эсдалик 80 нави учун энг мақбул 70 минг/га қалинликда экилиши ва  $N_{150}$  кг/га меъёрида азотли ўғитлар билан озиклантирилганда юқори навдорлик ва экинбоплик сифатларига эга уруғларни етиштириши имкониятлари яратилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** уруғ, униб чиқиши қуввати, унувчанлик, 1000 та дон вазни, нав, бирламчи уруғчилик, кўчат қалинлиги, азотли ўғитлар ва бошқ.

**Аннотация.** Установлено, что выращивание кукурузы нового сорта Эсдалик 80 при густоте стояния растений 70 тыс/га и внесение азотных удобрений в норме  $N_{150}$  кг/га обеспечивает получения семян с наилучшими сортовыми и семенными качествами.

**Ключевые слова:** качество семян, энергия прорастания, всхожесть семян, урожайность, масса 1000 зерен, сорт, густота стояния, азотные удобрения, густота стояния и т.д.

**Abstract.** It has been established that the cultivation of corn of the new Esdalik 80 variety at a plant density of 70 thousand / ha and the application of nitrogen fertilizers at a rate of  $N_{150}$  kg / ha provides seeds with the best varietal and seed qualities.

**Key words:** seed quality, germination energy, seed germination, yield, weight of 1000 grains, variety, standing density, nitrogen fertilizers, standing density, etc.

**Кириш.** Маккажўхори озик-овқат, чорвачиликда ем-хашак, енгил-саноатда хом-ашё сифатида катта аҳамиятга эга экин турларидан бири бўлиб, жаҳон деҳқончилигида қишлоқ хўжалик экинлари орасида экиладиган майдони бўйича учинчи ва ҳосилдорлиги бўйича донли экинлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Маккажўхорининг барча қисмлари тўғридан-тўғри (дон, барг-поя массаси), шунингдек унинг қайта ишлашдаги чиқинди маҳсулотлари ҳам (кепак, ёрма, кунжара ва ҳоказо) ишлатилади. Маккажўхори шунингдек озик-овқат, чорвачиликда ва енгил-саноатда хом-ашё сифатида катта аҳамиятга эга [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683 сонли қарорида келтирилишича, нав ва уруғлик назорати озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу туфайли, Республикамизда аграр соҳани ривожлантиришнинг келажаги ҳақида сўз юритганда, ер ва сув ресурслари чекланганлигини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ва уруғчилик ишларини кенгайтириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш асосида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдан иборат [1].

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан аҳолини озик-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, чорвачилик ва паррандачиликни тўйимли озуқа билан доимий таъминлаш, мавжуд навларни уруғини йўқолиб кетмаслиги мақсадида унинг бирламчи уруғчилигида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, уруғлари билан уруғчилик хўжаликларини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, ҳозирда селекционерлар томонидан маккажўхорининг тезпишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори нав ва дурагайларини яратилиши ҳамда ҳар бир худуднинг тупроқ-иклим шароитларига мос навларни тўғри жойлаштириш, ҳар бир нав ва дурагайларнинг уруғлик сифатларига агротехник (ер тайёрлаш, экиш схемаси ва муддати ҳамда азотли ўғит меъёрлари) каби тадбирларнинг таъсирини ўрганиш асосида юқори навдорлик ва экинбоплик сифатларига эга уруғлик материални етиштириш катта аҳамиятга эга [4].

**Материаллар ва услублар:** Тадқиқотлар 2016-2018 йилларда Маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги илмий тажриба станциясида олиб борилди. Тажриба объекти бўлиб маккажўхорининг Эсдалик 80 нави тадқиқ қилинди. Тажрибаларда маккажўхори делянкалар катталиги  $50,4 \text{ м}^2$  тўрт қайтариқда 60,70,80 минг/га кўчат қалинлигида экилди. Шунингдек, азотли ўғитлар 3-меъёри  $N_{120}$  - st,  $N_{150}$  ва  $N_{180}$  кг/га ўрганилди. Стандарт сифатида **Фон Р<sub>90</sub> К<sub>60</sub>** ва st 60 минг туп/га ўсимлик жойлаштирилган вариант олинди. Тажриба натижаларини ҳисоблаш ва таҳлил қилишда, маккажўхорининг янги тезпишар нав ва дурагайларнинг ўсув даври давомийлиги ва биометрик ўлчовлар ЎзПИТИ томонидан ишлаб чиқилган (2007) ўсимликларнинг морфобиологик хусусиятлари



**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тажрибаларда навнинг асосий дон ҳосилини таъминловчи рўвак чиқариш ва попуқ даврининг узоқ давом этиш қонуниятлари бир неча омилларга боғлиқлиги аниқланди. Биринчиси, тажриба даласида ўсимлик кўчат қалинлигини меъёрдан ошиб бориши ёруғлик ва қуёш иссиқлигидан етарлича фойдалана олмайди. Иккинчиси, азотли ўғитни меъёрдан ошиб бориши маккажўхори ўсимлигида барг массасини кўпайишига, сут пишиш ва мум пишиш фазасини узоқ бўлишига сабабчи бўлади. Бу эса дон пишиш даврига таъсир кўрсатади.

Тажриба натижаларига кўра: Эсдалик 80 навининг майсалари ўсимликларнинг униб чиқишида тажрибадаги вариантлар ўртасида катта фарқ кузатилмади. Тажриба давомида, ўсимлик кўчат қалинлиги назорат вариант бўлган st 60 минг тупдан 80 минг тупгача зичлаштириш: ниҳолларнинг униб чиққишидан ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган даврда ўсимликлар сонини сақланиб қолиши ўртача 1,0-1,6 % камайишига олиб келди.

Тажрибада кўчат қалинлигини энг кўп сақланиши, ўсимликларни st 60 минг/га туп ва N<sub>120</sub> кг/га ўғит меъёри билан озиклантирилган вариантда кузатилди. Олинган якуний натижаларга асосланиб маккажўхорини Эсдалик 80 нави ўсимликлари гектарига 80 минг/ туп қалинликда ҳамда азотли ўғит меъёри N<sub>180</sub> кг/га бўлган фонда кўчатларнинг нимжон бўлишига, қатор орасига ишлов беришда (қўлда ва механизация ёрдамида) синиши, шамол таъсирида ётиб қолиши кўчат қалинлиги сақланувчанлигини сезиларли камайишига олиб келади.

Тадқиқотларимизда ўсимликлар туп қалинлиги кўпайиши ўсимликлар баландлигига турлича таъсир кўрсатиши ҳам кузатилди. Маккажўхори ўсимлигининг ўсиш тезлиги, унинг турли ривожланиш фенофазаларидаги тадқиқот натижалари таҳлил қилинганда: 1-фон азотли ўғит N<sub>120</sub> кг/га ва кўчат қалинлиги st 60 минг/гадан – 80 минг/га оширилганда ўсимлик баландлиги ўртача 315-328 см, 2-фон азотли ўғит N<sub>150</sub> кг/га ва кўчат қалинлиги st 60 минг/га – 80 минг/гада ўсимлик баландлиги 318-333 см ҳамда 3-фон азотли ўғит N<sub>180</sub> кг/га ва кўчат қалинлиги st 60 минг/гадан – 80 минг/га ошиши ўсимлик баландлигини ўртача 321-338 см га узун бўлиши аниқланди. Олинган маълумотлар асосида маккажўхорини Эсдалик 80 навида 70 минг/га туп қалинлигидаги вариант ҳамда 3-фон N<sub>150</sub> кг/га меъёрида озиклантирилиши энг мақбул ўсимлик баландлигига эришишни таъминлади.

Шунингдек, маккажўхорининг Эсдалик 80 навини етиштиришда: туп қалинлиги ва азотли ўғит меъёрининг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ва уруғлик сифатларига таъсирини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бу омиллар навнинг ўсув даври давомийлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, бу давр давомийлиги вариантлар бўйича 124-135 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич st 60 минг/га туп ўсимлик жойлаштирилган вариантда ва N<sub>120</sub> кг/га берилишига боғлиқ равишда 124-131 кунни ташкил қилди. Яъни, азотли ўғит меъёрларининг N<sub>150</sub> кг/га - N<sub>180</sub> кг/га ошишида ўсимликлар вегетация даврининг узайиши кузатилди. Бундай қонуният туп қалинлиги 70 ва 80 минг/га жойлаштирилган вариантларда ҳам сақланиб қолди. Яъни олинган натижалар туп қалинлигидан қатъий назар азотли ўғит меъёрининг ошиши ўсимликлар ўсув даврининг ошишига олиб келиши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

Тажрибаларда олинган дон ҳосилдорлиги натижаларининг кўрсатишича, бу кўрсаткич бўйича энг юқори кўрсаткич ўсимликларни ўртача 70 минг/га жойлаштирилган вариантда олинди. Масалан, биринчи N<sub>120</sub> бўлган фонда ва майдон бирлиги 60 st минг туп ўсимликлар бўлган вариантда бу кўрсаткич гектаридан 52,6 центрни ташкил этган бўлса, гектарида 70 минг ўсимлик жойлаштирилган вариантда ҳосилдорлик ўртача 56,1 ц/га, гектарида 80 минг ўсимлик жойлашган вариантда эса 48,1 ц/га ташкил қилди. Ўсимликларни турли меъёрларда азотли ўғитлар билан озиклантирилган иккинчи N<sub>150</sub>, учинчи N<sub>180</sub> фонда ва вариантларда ҳам туп қалинлигига боғлиқ равишда аналогик натижалар олиниб бунга мувофиқ равишда 56.4 ц/га, 60.8 ц/га ва 53.8 ц/га ҳамда 51.5ц/га, 55.1ц/га ва 47.2 ц/га ҳосилдорликни ташкил этди. Натижада, ҳосилдорлик бўйича энг мақбул кўрсаткич: кўчат қалинлиги 70 минг/га вариантда ва азотли ўғит меъёри N<sub>150</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> меъёрида маъданли ўғитлар билан озиклантирилганда олинди.

Тадқиқотлар турли хил туп қалинлиги ва азотли ўғит меъёрларида етиштирилган маккажўхорининг Эсдалик-80 навининг сўта ўлчамларига, яъни сўта узунлиги ҳамда эни диаметри катталигига ўз таъсирини кўрсатиши ҳам аниқланди. Масалан, назорат вариантыда гектарида ўртача st 60 минг туп ўсимлик жойлаштирилган вариантда ва N<sub>120</sub> бўлган 1- фонда сўтанинг узунлиги 27,8 смни ташкил этган бўлса, гектарида 70 минг ўсимлик жойлашган вариантда бу кўрсаткич 25,3 смни, майдон бирлигида 80 минг/га ўсимлик жойлаштирилган вариантда эса 22,9 смни ташкил қилди. Яъни, ҳар бир майдон бирлигида туп қалинлигини ошиши билан сўта узунлигининг камайишига таъсир кўрсатди. Азотли ўғит меъёрларининг оширилиши билан ўсимликда шаклланадиган сўта узунлигини ошиши кузатилди. Бу қонуният ҳар хил (N<sub>120</sub>-N<sub>150</sub>-N<sub>180</sub>) меъёрида озиклантирилганда ҳам сақланиб қолди. Сўта узунлиги бўйича энг кам кўрсаткичлар майдон бирлигида 80 минг/га туп ўсимлик жойлаштирилган вариантда кузатилди. Маккажўхорини ҳар хил меъёрларда азотли ўғитлар билан озиклантирилган иккинчи ва учинчи фонларда ва вариантларда ҳам худди шундай натижалар такрорланди.

Асосий дон ҳосилини таъминлайдиган битта сўтадаги мавжуд жами донлар сонига азотли ўғит меъёрлари ва кўчат қалинлигини таъсирини таҳлил қилганимизда, биринчи фонда азотли ўғит N<sub>120</sub> кг/га ва ўсимлик кўчат қалинлиги st 60 минг/га – 80 минг/га ошганда битта сўтадаги мавжуд жами донлар 60-93 та дон камайган бўлса, иккинчи фонда азотли ўғит N<sub>150</sub> кг/га дон ҳосилдорлиги 63–95 та

дон ва учинчи фонда N<sub>180</sub> кг/га дон ҳосилдорлиги 55-88 тагача дон сонини камайишини кўришимиз мумкин. Тажриба давомида азотли ўғит ва кўчат қалинлигининг меъеридан ошиб бориши сўтадаги донлар сонини ҳосил бўлишига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Ўртача уч йиллик тажриба натижаларида кўриниб турибдики, Эсдалик 80 навининг дон ҳосилдорлиги азотли ўғит N<sub>180</sub> кг/га ва кўчат қалинлиги 80 минг/га бўлган вариантда энг кам бўлиши аниқланди.

Тадқиқотларимиз давомида, Эсдалик 80 навининг 1000 та дон вазнига азотли ўғит меъерлари ва кўчат қалинлигини таъсири ҳам ўрганилди. Натижаларни тахлилида: азотли ўғит N<sub>120</sub> кг/га ва азотли ўғит N<sub>150</sub> кг/га бўлган 1-2 фонларда кўчат қалинлиги 60-70 минг/га оширилганда сўталардаги донлар йирик бўлиб, 1000 та уруғ вазни ҳам сезиларли ошиб борди, ўсимлик кўчат қалинлиги 80 минг/га ва азотли ўғит N<sub>180</sub> кг/га бўлган фонда бу икки кўрсаткич сезиларли пасаяди. Азотли ўғит меъерини ошиб бориши, 1000 та уруғ вазнига фақат 60-70 минг/га кўчат қалинлиги бўлган вариантларда ижобий таъсир кўрсатиши кузатилди. Хулоса қиладиган бўлсак, Эсдалик 80 навининг 1000 та уруғнинг юқори вазнига эришиш учун кўчат қалинлиги 70 минг/га ва азотли ўғит меъери N<sub>150</sub> кг/га бўлиши энг мақбул вариант деб тошилди.

Шунингдек, лаборатория шароитида маккажўхорининг Эсдалик 80 нави уруғларни кўкариш кучи ва унувчанлигини тахлили шуни кўрсатдики: азотли ўғит меъери N<sub>180</sub> кг/га бўлган фонда ва кўчат қалинлиги 80 минг/га вариантда етиштирилган уруғларнинг унувчанлиги ва кўкариш кучи жуда паст бўлиши аниқланди (жадвал-1,2).

**Хулоса.** Ўсимликларни 70 минг/га туп жойлаштириш ва уларни N<sub>150</sub> кг/га меъерда азотли ўғитлар билан озиклантирилиши маккажўхорининг Эсдалик 80 навида юқори навдорлик ва экинбоплик сифатларига эга уруғларни етиштириш имконини яратади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон қарори.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М.: “Агропромиздат”, 1985
3. Массино А.И., Массино И.А. Селекция гибридной кукурузы для орошаемых условий Узбекистана. Монография. Т. 2015 г.
4. Назаров Х, Массино А, Азизов К. Исследования по селекции и семеноводству кукурузы в России// Актуальные проблемы современной науки, № 3, (106) 2019 год 141-143 стр
5. Семена сельскохозяйственных культур. Метод. определ. качества//Москва, 1991. Ч. 2. с. 44-95
6. [http:// zea.maize.recipes.com/](http://zea.maize.recipes.com/)
7. [http:// nariphaltan.virtualave.net/ zea.maiz.htm](http://nariphaltan.virtualave.net/zea.maiz.htm)
8. [http:// en.wikipedia. org/ wiki / Sweet zea maiz](http://en.wikipedia.org/wiki/Sweet_zea_maiz)

УЎК 633.511: 576.3.631.527

### ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ МОСЛАНУВЧАН ЯНГИ ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ

*З.П.Ражабов, Хоразм Маъмун академияси, Хива*

*А.А.Азимов, ЎЗР ФА ГЎЭБИ, Тошкент*

*У.К.Абдурахимов, Хоразм Маъмун академияси, Хива*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ–иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV–V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришига жорий этиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тупроқ, иқлим, пахта, тола, нав, жорий этиши

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения о создании и внедрении новых сортов хлопчатника дающие IV-V типы волокна, устойчивых к заболеваниям и вредителям, приспособленных к различным экстремальным условиям в почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

**Ключевые слова:** почва, климат, хлопок, волокно, сорт, внедрение

**Abstract.** This article provides information on the creation and introduction of new varieties of cotton yielding IV-V typical fibers, resistant to diseases and pests, adapted to various extreme conditions in the soil and climatic conditions of the Khorezm region.

**Key words:** soil, climate, cotton, fiber, variety, introduction

Бугунги кунда дунёда етиштирилаётган пахта толасини 90 фоизи маданий *G.hirsutum* L. тури хиссасига тўғри келади. Ғўза селекциясида муҳим муаммолардан бири серҳосил, тезпишар, юқори тола чикими ва сифатига эга навларни яратиш ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш ҳисобланади [1].

Республикамизда рентабелли, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта толаси талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бинобарин, иқлимнинг глобал ўзгариши, касаллик қўзғатувчисининг янги ирқларини юзага келиши ва зараркунанда ҳашаротлар ғўзанинг нокулай омилларга чидамли янги навларини яратиши зарурияти мавжудлигини кўрсатади [2].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожланиши уруғлик сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир. Чунки, юқори сифатли уруғлик етиштириш, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлиши гаровидир. Селекционер олимлар томонидан яратилган ғўза навларининг уруғлик сифатини олдиндан ўрганиш, уни ошириш йўллари излаб топиш, сўнгра ишлаб чиқаришга жорий этиш, юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлашнинг муҳим ва ишончли омили бўлиб қолмоқда [3].

Шулардан келиб чиқиб, ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда Хоразм Маъмун академияси олимлари ҳамкорлигида янги “ХУРМА” ғўза нави яратилди. Шунингдек, ушбу навга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинди. Патент рақами: № NAP 00261. Рўйхатга олинган санаси: 18.11.2016 йил.

Ушбу нав ўзининг хўжалик қимматли белгилари ва эртапишарлиги жиҳатидан ҳозирда Хоразм вилоятида экилаётган навлар билан рақобатбардошлиги туфайли уни экишга катта талаб ва эҳтиёж сезилмоқда.

Изланишларимиздан асосий мақсад Хоразм вилоятининг тупроқ-иклим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли, IV–V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир.

Тадқиқот ишларини бажариш давомида жорий йилда мақбул муддатларда якка танлов ва оилавий терим асосида 2016 йилда Хоразм Маъмун академияси экспериментал тажриба далаларига ғўзанинг янги “ХУРМА” нави экилди.

1-жадвал

Ғўзанинг “ХУРМА” нави қимматли хўжалик белгилари  
(Хоразм – 127 назорат навиға нисбатан қиёсий солиштириш)

| Ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари | Хоразм–127 нави (назорат) |       |       | Ўртача | “ХУРМА” нави |      |      | Ўртача | Хоразм -127 навға нисбатан “ХУРМА” навининг фарқи |
|-------------------------------------|---------------------------|-------|-------|--------|--------------|------|------|--------|---|
|                                     | I                         | II    | III   |        | I            | II   | III  |        |   |
| Ғўза кўсагининг йириклиги, гр.      | 5,7                       | 6,3   | 6,0   | 6,0    | 5,8          | 6,0  | 6,0  | 5,9    | -0,1  |
| Тола узунлиги, мм.                  | 32,4                      | 33,6  | 33,2  | 33,1   | 35,1         | 34,4 | 33,9 | 34,5   | +1,4  |
| Тола чиқиши, %                      | 34,6                      | 35,3  | 35,1  | 35,0   | 35,8         | 36,0 | 36,6 | 36,2   | +1,2  |
| Тола индекси, гр.                   | 7,38                      | 6,69  | 8,12  | 7,39   | 8,0          | 8,3  | 8,3  | 8,2    | +0,81   |
| 1000 дона чигит оғирлиги, гр.       | 105,8                     | 107,4 | 114,5 | 109,2  | 111          | 104  | 114  | 110    | +0,8  |

Якка танловлар териб олингандан кейин 2016 йил октябрь ойидан бошлаб уларни кўсак оғирликлари, битта ўсимлик пахта ҳосили оғирлиги, 1000 дона чигит оғирлиги, тола узунлиги, тола чиқими таҳлиллари олиб борилди. Тола узунлиги 34-35 мм гача бўлган якка танловлардан 855 тагача намуна ажратиб олинди.

Ғўзанинг “ХУРМА” нави бўйича ўтказилган лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатадики (1-жадвал), ўрганилаётган навға кўсак оғирлиги бўйича назорат навдан деярли фарқ кузатилмади, тола узунлиги бўйича эса назорат навға нисбатан анча юқорилиги аниқланади, яъни “ХУРМА” навининг тола узунлиги 34,5 мм, Хоразм -127 навининг узунлиги эса 33,1 мм. га тенг бўлди (“ХУРМА” навиға – 36,2% , “Хоразм-127” навиға 35,0%). Тола индекси бўйича “ХУРМА” нави – 8,2 г, “Хоразм-127” нави 7,39 г ни ташкил қилди. 1000 дона чигит оғирлиги бўйича эса фарқлар деярли кузатилмади, яъни “ХУРМА” нави – 110 г., “Хоразм-127” нави 109,2 г. ни ташкил қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ғўзанинг “ХУРМА” нави толани қайта ишлаш саноати тизими учун энг даромадли навлардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, сўнги йилларда Республикаимизда жорий этилаётган кластер корхоналарининг кенг майдонларида экиш, шунингдек, ғўзанинг ишлаб чиқариш ва саноат талабларига мос янги навларини яратиш учун селекция ишларида “ХУРМА” навидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камилов Б.С., Безбородов Г.А., Шамсиев А., Тошматов М. Ғўзадан эртаги ва юқори ҳосил олиш омиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг Агро-илм илмий иловаси. -Тошкент, 1(21) 2012. Б. 6-7.
2. Хударганов К.О., Усманов С.А. Клейстогам типигаги гулга эға бўлган тизмалар, навлар ва F1-2 дурагай ўсимликларни асосий қимматли хўжалик белгилари // “Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ёш олимларининг роли”респ. Илм-амал, анжумани тўп. 2-қисм. - Тошкент, 2010. - Б. 171-173.
3. Аккужин Д.А., Усманов Р.М., Набиев С.М, Кузнецова О.И. Миллиметр киймати//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2013 й, №9, 22 б.

УЎТ: 631.4+633.2/3+394.414+631.81

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЙЛОВЛАРИ ҲОЛАТИ, УЛАРНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН АЙРИМ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

*М.И. Рузметов, б.ф.н., к.и.х., “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Тошкент*  
*Х.К. Бағбеков, таянч докторант, “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ, Тошкент*

*Аннотация. Мазкур мақолада республикаимиздаги тоғ олди ва чўл, яйлов ва пичанзорларни ҳолати, яйлов ерларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари тўғрисидаги қисқача маълумотлар таҳлили*



баён қилинган. Деградацияга учраган тоғ олди ва чўл яйловларини ҳолатини яхшилашга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** тоғ олди ва чўл яйловлари, пичанзорлар, деградация жараёнлари, “Яйлов харитаси”, яйловларни тақсимлаш, чорва молларини алмашлаб боқиш, яйловлардан самарали фойдаланиш йўллари

**Аннотация.** В данной статье дается краткий анализ состояния предгорий и пустынных пастбищ и сенокосов в стране, качества и количества пастбищ. Были сделаны предложения и рекомендации по улучшению состояния и эффективному использованию деградированных горных склонов и пустынных пастбищ.

**Ключевые слова:** предгорья и пустынные пастбища, сенокосы, процессы деградации, «Карта пастбищ», распределение пастбищ, ротация скота, способы эффективного использования пастбищ

**Abstract.** This article provides a brief analysis of the status of foothills and desert pastures and hayfields in the country, the quality and quantity of pastures. Suggestions and recommendations have been made to improve the condition and efficient use of degraded mountain fronts and desert pastures.

**Keywords:** Foothills and desert pastures, hayfields, degradation processes, "Pasture map", distribution of pastures, livestock rotation, ways of efficient use of pastures

**Қириш.** Ўзбекистонда яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21 миллион 102 минг гектарни ёки умумий майдоннинг 46,5 фоизини ташкил этиб, 17 млн. 415 минг гектари чўл худудида, 3 млн. 687 минг гектари тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашган. Яйлов ва пичанзорларнинг 3 млн. 282 минг гектари ўрмон хўжаликларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан, 194 минг гектари саноат ва мудофаа мақсадларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан, 9 млн. 393 минг гектари қишлоқ хўжалиги қорхонларига ижара асосида ажратиб берилган. Қолган 8 млн. 233 минг гектари, шундан 1 млн. 635 минг гектари вақтинча тарқатилмасдан, 6 млн. 598 минг гектари йиллар давомида давлат заҳирасида фойдаланилмасдан турибди [8].

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда республикада чўл яйловларининг деярли 50-70% турли даражада деградацияга учраган бўлиб, сўнгги йилларда уларнинг ўртача маҳсулдорлиги 21% га камайди. Яйловларда тартибсиз мол боқилиши натижасидаги яйловлар регрессияси ва ҳосилдорлигининг пасайиши Қорақолпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида 42-43 фоизни ташкил этиши улар ҳолатини барқарорлаштиришга хизмат қиладиган амалий тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди [6].

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган деҳқон хўжаликларида республикадаги барча чорва молларининг 87 фоизини ташкил этади. Аммо улар ўз чорва молларини боқиш учун яйловлардан доимий фойдаланиш имконига эга эмас. Бу эса чорва молларини боқиш тартибига риоя қилмаслик, яйловлар деградацияси, ер тури унумдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги пасайишига, аҳоли даромади камайишига ва табиий атроф-муҳит сифати ёмонлашувига олиб келди.

Яйлов чорвачилиги жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, яйловларнинг катта қисми табиий ем-хашак ресурси сифатида фойдаланилади, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Жаҳонда яйловлар майдони ер ресурсларининг 23 фоизини ташкил этади, бироқ уларга антропоген босимнинг кучайиши чўлланишни жадаллаштиради. Ҳозирги пайтда чўлланиш 9 млн. км<sup>2</sup> ни қамраб олган ва яна 30 млн. км<sup>2</sup> майдонга хавф туғдирмоқда [6]. Ерлар деградацияси, чўлланиш ва биохилма-хилликнинг йўқолиши яйловларни тиклаш ва сақлаш бўйича инсоният олдида турган бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди.

Сўнгги маълумотлар натижаларига кўра 2001-2009 йилларда ердан фойдаланиш ва ўсимликлар қопламанинг ўзгаришлари туфайли худудда деградацияга учраган майдонларни йиллик йўқотиш ҳажми тахминан 6 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Бу асосан, яйловларнинг деградация (4,6 млрд. АҚШ доллар), чўлланиш (0,8), ўрмонлар кесилиши (0,3) ва ҳайдалган ерлар консервацияси (0,1) билан боғлиқдир. Деградацияга учраган ерларни тиклашда сарфланадиган ҳаражат 30 йиллик қашшоқликка сарфланадиган ҳаражатдан 5 мартаба кам бўлиб, бу ушбу ерларни тиклашга сарфланадиган ҳар бир доллар 5 доллар унум келтиришини билдиради [6]. Бу эса яйловлар деградациясига қарши чора-тадбирлар кўриш зарурлигини асословчи жуда юқори иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон яйлов ерлари хизмат қилди. Тадқиқот услуби асосини ер тузиш соҳасида қўлланилаётган умумқабул қилинган услублар [1, 5, 7] ва қиёсий-таҳлилий услублар ташкил этади.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Мамлакатимизда қадимдан яйловлар чорвачиликда ривожланган бўлсада, яйловларни ўрганиш ва хариталашнинг илмий асослари ХХ-асрнинг иккинчи чорагидан бошланган. Жумладан, 1932 йилда республикада иккинчи чорагидан бошланган. Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик хўжаликлари яйловлари инвентаризация қилинган ва 1936 йилда Қ.З.Зокиров томонидан “Нишон” хўжалигининг “Яйлов харитаси” тузилган. 1938-1947 йилларда республиканинг бир қатор вилоятлари, жумладан,

Бухоро, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг (Устюрт платоси) яйловлари Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти томонидан кенг равишда ўрганилган ва уларнинг хариталари ишлаб чиқилган.

Афсуски, сўнги 30 йил мобайнида яйлов ерларини лойиҳалаш ва замонавий хариталаш ишларининг илмий тадқиқот ва амалий ишлари тўхтаб қолди. Республикада деградацияга учраган яйлов ерлар ва ундаги озубоқ ўсимликлар фитомелиорация усули билан ҳолатини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш орқали чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Яйлов ерлар бўйича республика ва халқаро миқёсдаги лойиҳалар ва геоботаник ишлар эътибордан четда қолди.

Республикадаги яйлов ерлари ҳажмининг ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, илк бор республика ер фонди шакллантирилган пайтда яйлов 1959 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра [6], мамлакатимизда 29 617,3 минг гектар табиий яйлов ва пичанзорлар мавжуд бўлган. Ушбу ҳолатни 2019 йил маълумотларига қиёсий солиштирилганда [3], умумий фоиз улушига нисбатан майдони 28,75%га ортганлиги ва аксинча, 8 515,3 гектарга камайганлиги аниқланди (Жадвал).

Жадвал

Ўзбекистондаги яйловларнинг тақсимланиши (1959 ва 2019 йиллар бўйича тафовути)

| Яйлов номи | 1959 йил <sup>x</sup> |                                    | 2019 йил <sup>xx</sup> |                                    |
|------------|-----------------------|------------------------------------|------------------------|------------------------------------|
|            | Майдони, минг га      | %                                  | Майдони, минг га       | %                                  |
| Чўл        | 24680,3               | 83                                 | 17415,0                | 82,53                              |
| Адир       | 3048,6                | 10,3                               |                        |                                    |
| Тоғ        | 1478,2                | 5,0                                | 3687,0                 | 17,47                              |
| Юқори тоғ  | 410,2                 | 1,7                                |                        |                                    |
| Жами       | 29617,3               | 100<br>(пичанзорлардан<br>ташқари) | 21102,0                | 100<br>(пичанзорлардан<br>ташқари) |

Изоҳ: <sup>x</sup> – 1959 йил Ер фонди маълумоти [6];

<sup>xx</sup> – Ер ресурслари тўғрисида Миллий ҳисобот, Давергеодезкадастр кўмитаси, 2019.

1991 йилга келиб мамлакатимизда жами яйлов ва пичанзорлар қарийб 23,0 млн (23 475 минг га) гектарни ташкил этган. Кейинчалик, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг тақсимланиши бўйича олиб борилган ўзгаришлар, бундан ташқари чорва молларининг кўп ва тизимсиз боқилиши, яйловларни алмаштиришга барҳам берилгани ва яйловлар сифатининг қайта тикланмаётганлиги кейинги йилларда улар ҳажмининг қисқариб бораётганлигини кўрсатади. Агарда яйлов ва пичанзорларни жами қишлоқ хўжалиги ерлари таркибидаги салмоғи 1990 йили 83,6 фоиз бўлган бўлса, 2015 йилда [2] 82,4 фоизни ташкил этган (Диаграмма).

Мамлакатимиз яйловлари майдонининг қисқариб бориши билан бир пайтда, чорва моллари бош сонининг кескин тарзда ошиши кузатишмоқда. Бу ҳолат айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида яққол кузатилади. Статистик маълумотларга кўра [4], яйлов ерлари чорвачилигида муҳим ўрин тутган Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудидаги қорамоллар бош сонининг 1990-2006 йиллардаги ўзгариш ошганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Бухоро вилояти ҳудудида 1990 йилда 357 минг бош қорамол мавжуд бўлган бўлса, 2006 йилга келиб унинг кўрсаткичи 657 минг тани ташкил этган.




Диаграмма. Республика ҳудудида 1990-2015 йиллар давомида яйлов ва пичанзорлар ҳажмининг ўзгариши тренд кўрсаткичлари

Бугунги кунда мамлакатимиз яйлов чорвачилигига катта эътибор қаратилмоқда ва мавжуд яйловларни қишлоқ хўжалиги ерлари фондига ўтказилиши билан яйловлар қарийб 21 миллион гектарни ташкил этади. Уларнинг аксарияти қарийб 80%и чўл ҳудудларида – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида жойлашган. Яйлов чорва молларининг (қўй ва эчкилар) асосий қисми ҳам шу ерларда боқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чорва-тадбирлари

тўғрисида”ги 299-сон қарори республикамизда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш, яйловларнинг ҳолатини тубдан баҳолаш, ҳолати ёмонлашган ва деградацияга учраган майдонларни тиклаш ёки консервация қилиш тадбирларини йўлга қўйиш учун муҳим омил бўлди.

Бу борада “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бугунги кунга қадар 2018 йилда Бухоро вилояти Олот, Ёғдудовон, Қорақўл, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Жондор, Қоравулбозор туманлари, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ва Тошкент вилояти Оҳангарон ва Бўстонлик туманларида жами майдони 2 891 171 гектар ерларида яйлов ва пичанзорлар геоботаник тадқиқот ишлари ўтказилди.

Бухоро вилояти ҳудудидаги 2 066 751 гектар жами яйлов ва пичанзорлар майдони аниқланиб, шундан 273 159 гектар (13,2%) майдони деградацияга учраганлиги кузатилди.

Геоботаник тадқиқотлар 1:10 000 ва 1:25 000 масштабдаги қишлоқ хўжалик, ҳудудларнинг ортофотопланлари ва 1:50 000 масштабдаги аввалги йилларда бажарилган геоботаник хариталардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди ва ушбу ишлар давом эттирилмоқда.

Мазкур тадқиқотларни бажариш жараёнида “Яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ишларини ўтказиш тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ хўжаликнинг табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимлик дунёси объектлари, яйловларнинг ҳолати, хилма-хиллиги, сифати, тарқалиш зичлиги ўрганилди, шунингдек, ем-хашак ўсимликларининг ҳосилдорлик даражалари мавсумлар бўйича ҳисоблаб чиқилди.

Тоғ яйловлари ўсимликлар билан қопланганлик ҳолатига кўра Тошкент вилояти Бўстонлик туманида – 74,1% ни, Оҳангарон туманида – 75% ни, Жиззах вилояти Фориш туманида – 75% ни, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида – 76,2% ни, чўл яйловларида (Бухоро вилоятида) эса 53,31% ни ташкил этади.

Чўл яйловлари ўсимликларнинг ҳосилдорлиги 1,64 ц/га ни, озуқа бирлиги кўрсаткичлари эса 0,98 ц/га ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичлар тоғ яйловларида ўсимликларнинг ҳосилдорлиги ва озуқа бирлиги кўрсаткичлари мос равишда: Жиззах вилояти Фориш туманида 2,7 ва 1,4 ц/га ни, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида – 2,7 ва 1,6 ц/га ни, Тошкент вилояти Бўстонлик туманида – 3,5 ва 1,9 ц/га ни, Оҳангарон туманида эса – 3,0 ва 2,0 ц/га ни ташкил этади.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳамда Жиззах вилояти Фориш тумани тоғ яйловлари ҳудудида 1 та шартли мол бош сони учун талаб этиладиган яйлов ва пичанзорлар майдони 16,2-24,1 гектар атрофида бўлиши кузатилди. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани тоғ яйловларида бу кўрсаткич 18,7 дан 26,7 гектар оралиғида эканлиги қайд қилинди. Оҳангарон туманида эса 21,4-29,3 гектарни ташкил этади.

Чўл яйловлари ҳудуди (Бухоро вилояти туманлари) бўйича 1 та шартли мол бош сони учун талаб этиладиган яйлов ва пичанзорлар майдони ўртача 47,9 гектарга, жумладан Пешку туманида – 38,4; Олот туманида – 42,8; Шофиркон туманида – 43,7; Қорақўл туманида – 43,8; Ёғдудовон туманида – 48,9; Жондор туманида – 54,5; Қоравулбозор туманида – 54,8 ва ниҳоят Ромитан туманида – 56,3 гектардан тўғри келади.

Ўрганилган тоғ олди ва чўл яйловларининг табиий шароити – турли табиий ва хўжалик контурлари, орфографияси, тупроғи, метрологик шароитлари, сув билан таъминланганлик ҳолати ҳам аниқланди. Дала ишлари натижасида хўжалик чегараси яйлов ўсимликлари турлари, нобоп ерлар, топталган ерлар, тақирлар ва шўртоб ерлар аниқланиб харитага киритилди. Шунингдек, яйлов турларининг ҳар бири тўлиқ ёритилди ва ҳар бир яйлов ўсимликлари турларининг ҳосилдорлик даражасини аниқлаш учун ўсимлик турларининг сони ва сифати ҳисобга олинди. Олиб борилган тадқиқотларда кам учрайдиган ва ноёб ўсимлик турларидан гербарий намуналари олинди, улар тарқалган ҳудудлар геоботаник хариталарда акс эттирилди.

Шунингдек, тадқиқотлар жараёнида гидрометеорологик маълумотлар асосида мамлакатимиз ҳудудида ёғингарчиликнинг йиллик ўртача миқдори 100 мм дан кам, 100, 140, 180, 200, 400, 600 мм ва ундан кўп тушишини ҳисобга олган ҳолда, республика ҳудудидаги яйлов ерларини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун таклиф этилган майдонлар ва уларнинг агроиклимий харитаси ҳам ишлаб чиқилди [8].

Ушбу агроиклимий харитада суғориладиган экин ерлари 4 306,6 минг га (шундан экин ерлар – 3 262,2 минг га), лалми ерлар – 757,6 минг га, чўл ҳудуди яйловлари 17 414,6 минг га, тоғ олди яйловлари 3 595,5 минг га ҳамда яйловларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун таклиф этилаётган майдонлар 2 621 минг га ни, шу жумладан тоғли ерларда 757,6 минг га ни ташкил этади [8].

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиллик ўртача атмосфера ёғинлари миқдори 400, 600 мм ва ундан кўп тушадиган ҳудудларда тажриба синови – пилот участкалар ташкил этилиб, сув тежамкор суғориш “Water-box” технологиялари ҳам қўлланилмоқда [8]. Мазкур пилот участкаларда яйловлардан қишлоқ хўжалиги экинларини, боғ ва узумзорларни жойлаштириш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда, натижалар эса ўзнинг ижобий самарасини бермоқда.

**Ўрганилган тоғ олди ва чўл яйловларини яхшилаш ҳамда тиклаш бўйича таклиф ва тавсиялар:**

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йиллик ўртача атмосфера ёғинлари миқдори 400, 600 мм ва ундан кўп тушадиган 2 621 минг га, шу жумладан тоғ олди ерларида 757,6 минг га майдонда сув

тежамкор суғориш технологияларидан – “Water-box” технологиясини қўллаш орқали яйловлардан кишлок хўжалиги экинларини етиштириш имконияти мавжуд;

- инкирозга учраган яйловларни тиклаш учун озуқабоп ўсимликларни бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш зарур;

- деградацияга учраган яйлов ер майдонларида яйлов ўсимликларини бойитиш, ўтлоқларда кам истеъмол қилинадиган ўтларни озуқа жиҳатидан қимматлироқ бўлган эспарцет, астрагал, изень, терескен, шувоқ, эркак ўт каби ўсимликлар билан алмаштириш тадбирларини ташкил этиш орқали яйловларнинг маҳсулдорлигини гектарига 8-10 ц/гача ошириш ҳамда чорва моллари сифимини 2-3 баробаргача кўтариш мумкин;

- фермер хўжаликлари ва яйловдан фойдаланувчилар кооперативлари томонидан маълум ҳудудларни сим тўсиқлар (ёки махсус тўр тўсиқлар) билан ўраш орқали яйлов уруғчилиги ташкил этиш имконини беради, ўз навбатида ушбу майдонларда кишловга захира сифатида пичанзорлар ҳосил бўлади;

- яйловларда чорва молларини тартибли алмашлаб (навбатлаб) боқиш тизимини жорий қилиш;

- дарахт, бута ва яримбута ўсимликларни аҳоли томонидан ёқилғи ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик учун аҳолига туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида амалий семинар ва тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда бошқа ёқилғи манбалари (газбалон ва бошқ.) билан таъминлаш;

- чорва моллари меъёрини яйловларда тенг тақсимлаш, чорва бош сонини ошириб кетишига йўл қўймаслик;

- аҳолидан узоқ ҳудудларда чорва молларини сақлайдиган ва чўпонлар учун махсус жойлар ташкил этиш;

- фармацевтика ва бошқа мақсадларда ўсимликларни йиғиб олувчилар томонидан йиғилган ўсимликлар ўрнига худди ўша ўсимлик турлари уруғларини экишни ташкил қилиш;

- яйловларда тупроқ ва шамол эрозияси туфайли ўсимлик қоплами камайишининг олдини олиш учун эрозияга қарши ксерофит ва галофит бута ва яримбута ўсимликларни – ихота дарахтзорларини ташкил қилиш ишлари келгусида ўзини ижобий самарасини беради.

**Хулоса.** Тоғ олди ва чўл яйловларидан самарали фойдаланиш учун 1:10 000 масштабда геоботаник хариталардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чорва-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. -Тошкент: “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси, 2015. - 25-266.

3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий Ҳисобот. - Тошкент: Давгеодезкадастр кўмитаси, 2019. – 26-27 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитасининг Stat.uz сайти маълумотлари, 2019.

5. Аvezбоев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш / Дарслик. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2004. - 590 б.

6. Раҳимова Т., Шомуродов Х.Ф., Воҳидов Ю.С., Адилов Б.А., Раҳимова Н.К., Майинов Ш.Қ. Ўзбекистон чўл яйловларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш / Монография. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2018. - 10-13 б.

7. Рузметов М.И., Тўраев Р.А. Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма / Тавсиянома. - Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2018. - 160.

8. Рузметов М. Яйловлардан самарали фойдаланишда сув тежамкор суғориш (“Water-box”) технологиясини қўллаш//“Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini” илмий-амалий журнал. - Тошкент, 2020. - №4. - Б. 81-83.

УЎТ 631.4

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЯЙЛОВ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МОРФОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*М.И. Рузметов, б.ф.н., к.и.х., “Ўздаверлойдеха” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Самарқанд вилояти яйлов майдонларини ишғол этган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Турли хил қалинликдаги тупроқ қатламлари шаклланганлиги аниқланган.

**Калим сўзлар:** Самарқанд вилояти, яйловлар, кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлари, морфогенетик хусусиятлар, тупроқлар унумдорлиги ва уларнинг шаклланиши

**Аннотация.** В данной статье приведен сравнительный анализ морфогенетических свойств слабощелочных горно-бурых, темно-серых и светлых сероземов, занимающих пастбища

Самаркандской области. Было установлено, что были сформированы почвенные слои разной толщины.

**Ключевые слова:** Самаркандская область, пастбища, слабощелочные горно-бурые, темно-серые и светлые сероземы, морфогенетические свойства, плодородие почв и их формирование

**Abstract.** This paper provides a comparative analysis of the morphogenetic properties of weakly alkaline mountain brown, dark serozem and light serozem soils occupying the pastures of Samarkand region. It was found that soil layers of different thicknesses were formed.

**Keywords:** Samarkand region, pastures, weakly alkaline mountain brown, dark serozem and light serozem soils, morphogenetic properties, soil fertility and their formation

**Кириш.** Ўзбекистонда яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,1 млн гектарни ёки мамлакат ер майдонининг 46,5 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизнинг тоғ олди яйловлари ўзининг хусусияти ва ишлаб чиқариш қобилиятига кўра энг яхши яйловлар ҳисоблансада, яйловларнинг маҳсулдорлик имкониятлари бугунги кунда чегараланган. Бу ҳол яйловларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи омиллар, хусусан табиий намликка боглиқ деган яқдил қарашлар мавжуд. Бироқ, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, яйлов ерлар табиий тупроқларнинг шаклланишида ўзига хос морфогенетик хусусиятларининг роли катта. Чунки, тупроқлар морфогенетик хосса-хусусиятлари яйлов ерларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаб беради.

**Тадқиқот объекти ва услублари.** Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилояти яйлов майдонларини ишғол этган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар хизмат қилди. Дала, лаборатория-кимёвий таҳлиллар генетик тупроқшуносликда умумқабул қилинган услубларда [1] бажарилган.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Қуйида Тошкент вилояти яйлов тупроқлари морфогенетик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар қисқача қиёсий мушоҳада қилинган.

**40-кесма. Нуробод тумани “Сазагон” массиви.** Лёссимон, учламчи давр делювиал ва элювиал ҳамда шағалли ётқизиклардан ташкил топган, қияликлари кучли бурмаланган ўрта баландликдаги тоғлари геоморфологик райони. Яйлов **тоғ жигарранг тупроқлари**, ўрта кумокли, шўрланмаган, ўрта ва кучли ювилган тупроқлар. 454-контур. N 39°29'496'', E-066°35'377''.

A2 0-4 см. Жигарранг, ўрта кумокли, кесаксимон-донадор-чангсимон, юқори қисми юмшоқ, паст қисми ўрта зичлашган, майда қиррали шағаллар учрайди, тупроқ ҳайвон инлари, ҳашарот излари учрайди. Зич майда илдизлар кўп, кейинги қатламга ранги билан аниқ ўтади.

A20 4-11 см. Оч кўнғир, курук, ўрта кумокли, донадор-кесаксимон, ўрта зичлашган, ўсимликларнинг майда ва йирик излари учрайди, ер ости ҳашаротларининг майда излари учрайди, янги яралмалардан карбонатларнинг доғлари учрайди. Майда қиррали шағаллар учрайди. Кейинги қатламга сезиларли даражада ранги билан ўтади.

B1 11-27 см. Ранги жигарранг-кулранг, курук, ўрта кумокли, катта- кесакли-донадор-чангсимон, ўрта зичлашган, ўсимлик майда ва йирик илдизлари, ер ости ҳашаротлари ва ҳайвонлар инлари ва излари учрайди, кам миқдорда қиррали майда шағаллар учрайди. Кейинги қатламга ранги билан ўтади.

B2 27-50 см. Оч жигарранг, нам хуш, ўрта кумокли, кесаксимон-донадор-донсимон, ўрта зичлашган, карбонатлар кичик доғлар шаклида учрайди. Ўсимлик илдизлари, тупроқ жониворлар инлари ва излари учрайди, кам миқдорда қиррали шағалли тошлар учрайди, кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

B3 50-80 см. Жигарранг-оқимтир доғлар билан, нам хуш, ўрта кумокли, кесаксимон, ўрта зичлашган, карбонатлар майда кристалли тузлари тўпланган, майда шағаллар учрайди. Ўсимлик илдизлари ва тупроқ ҳайвон ҳамда ҳашарот инлари ва излари учрайди. Кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

C-80-110 см. Жигарранг, нам хуш, ўрта кумокли, донадор-донсимон, кесакчали, ўрта зичлашган, карбонатларнинг тузлари учрайди. Илдизлар учрайди.

**43- кесма. Қўшробот тумани Жуманбулбул массиви.** Пролювиал ва лёсс ва лёссимон ётқизиклардан ташкил топган тоғ олди тўлқинсимон текислиги худудларидан ташкил топган, **тўқ тусли бўз тупроқлар**, ўрта кумокли, ўрта ювилган тупроқлар. 33а-контур жанубий қиялик 5-8°. N 40 24' 338'' E 066-24' 501'' денгиз сатҳидан 947 м.

A2 0-7 см Тўқ бўз ранг, курук, ўрта кумокли, кесаксимон-донадор, ўрта зичлашган. Ярим чириган ўсимлик колдиклари, майда ўсимлик илдизлари ва тупроқ ҳашаротларининг инлари учрайди, кейинги қатламга аниқ ранги билан ўтади.

A20 7-26 см. Сарғиш ранг, курук, ўрта кумокли, донадор-кесакчали, кам зичлашган. Тупроқ ҳашаротлари инлари ва ўсимликларнинг илдизлари учрайди, карбонатларнинг CO<sub>2</sub> (конкреция) оқиш доғлари учрайди. Кейинги қатламга зичлиги билан сезиларли ўтади.

B-26-56 см. Оқиш-сарғиш ранг, курук, ўрта кумок, майда ёнғоксимон тузилишли, юмшоқ, тупроқ ҳайвонлари ва ҳашаротлари инлари ва илдизлари учрайди, карбонатлар конкреция шаклида учрайди, ўсимликларнинг майда, йирик илдизлари учрайди. Кейинги қатламга аста-секин ранги билан ўтади.

B1 56-87 см. Оч-сарғиш ранг, курук, ўрта кумок, майда ёнғоксимон, юмшок, онда-сонда ўсимлик илдизлари учрайди. Ёмғир чувалчангининг чиқинди маҳсулотлари ва ҳашаротларнинг пилла шаклдаги уялари, майда қиррали шағаллар учрайди. Кейинги қатламга сезиларли ранг билан ўтади.

B2 87-120 см. Сарғиш ранг, нам хўш, ўрта кумок, ёнғоксимон- донадор, юмшок, майда қиррали шағаллар учрайди

**49-кесма. Нуробод тумани Саҳоба ота массиви.** Қадимий аллювиал-пролювиал терассаларидаги лёсс жинсларида ҳамда тоғ олди пролювиал текисликларида ва тоғ ён бағирларидаги қиялик жойларидаги текислашган делювиал-пролювиал ва лёсс ётқизикларида ривожланган оч тусли бўз тупроқлар. Яйлов **оч тусли бўз тупроқлари**, енгил кумоқли, ювилмаган ва баъзан кам ювилган тупроқлар. 6124-контур N 39° 34' 316" E 065° 36' 196" денгиз сатҳидан 306 м баландликда.

A2-0-5 см. Тўқ сур тусли, курук, енгил кумоқли, майда кессаксимон, юмшок, ўсимлик илдизлари билан зич қопланган, ҳашаротлар инлари учрайди. Кейинги қатламга сезиларли ранги билан ўтади.

A20-5-24 см. Оч сур тусли, курук, енгил кумоқли, майда кессаксимон, донадор, кам зичлашган, карбонатлар замбуруғлар (мицелла), оқ кўзанақ, конкреция шаклида учрайди. Ўсимликнинг майда ва йирик илдизлари кўп учрайди. Тупроқ ҳайвонлари ва ҳашаротларнинг инлари ва излари учрайди. Кейинги қатламга ранги билан аниқ ўтади.

B1 24-37 см. Сур тусли, нам хўш, енгил кумоқли, донсимон-кесакли, кам зичлашган, карбонатлар томирсимон, конкреция ва тупроқ ҳайвонларининг, ёмғир чувалчанглирининг чиқинди маҳсулотлари (капролит) шаклида учрайди. Кейинги қатламга аста-секин ранги билан ўтади.

B2 37-82 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, енгил кумоқли, донадор-кесаксимон, ўрта зичлашган, карбонатларнинг CO<sub>2</sub> конкреция, оқ кўзанақ, капролит шакллари учрайди. Ўсимликлар майда ва йирик шакллари бор. Кейинги қатламга ранги билан сезиларли ўтади.

B3 82-125 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, чангли кумоқли, лёсс чангсимон, кам зичлашган, қаттик жинслашган, гипс доғлари учрайди. Карбонатларнинг конкреция, оқ кўзанақ, капролит шакллари учрайди. Кейинги қатламга механик таркиб билан аста-секин ўтади.

C 125-150 см. Тўқ сарғиш, нам хўш, қумли, чангсимон, кам зичлашган.

Юқорида келтирилганидек, яйлов тупроқлар морфологик белгиларини тадрижий ривожланишида атмосфера ёғинларининг бевосита роли катта эканлигини кўрсатади.

Мазкур тупроқларда рельеф қиялигига боғлиқ ҳолда, айрим жойларда юза жойлашган (0-30 см лик) тупроқ қатламлари мавжудлиги, асосий ҳолатларда эса 1,0-2,0 метр атрофида (айрим ҳудудларда тупроқли қатламлар 3-5 ва ҳатто 10-20 метргача етади) турли табиий унумдорликка хос бўлган табиий тупроқ қатламлари шакланганлигини кузатиш мумкин.

Ўрганилган тоғ жигарранг тупроқлар амалда шўрланмаган бўлиб, курук қолдиқ миқдори 0,050-0,012% ни ташкил этади. Шўрланиш химизмига кўра, яйловлар тупроқлари профилида асосан сульфатли ва хлорид-сульфатли типга мансуб. Автоморф шароитдаги ушбу тупроқларнинг муҳити (рН) – кучсиз ишқорий (7,52-7,97).

Таҳлилларга кўра, ўрганилган оч тусли бўз тупроқларда физик лой миқдори 23-34 фоизни ташкил қилиб, улар енгил кумоқли механик таркибга мансуб тупроқлар тоифасига киради, айрим ҳолатларда физик лой миқдори 17,5-19,1 фоизни ташкил этгани ҳолда куйи қатламларида кумлоқли механик таркибли қатламлари ҳам учрайди. Тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқларда физик лойнинг миқдори 35-37 фоизгача кўпайиб, улар асосан ўрта кумоқли механик таркибли тупроқлар тоифасига киради.

Кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқлар механик таркибига кўра асосан ўрта кумоқлардан иборат.

Тўқ тусли бўз тупроқларда ҳам ўрта кумоқли механик таркиб устунлик қилади, баъзан тупроқ профилининг куйи қисмида енгил ва кумлоқли механик таркибдан иборат тупроқлар учрайди.

Тоғ жигарранг тупроқлари механик таркибида физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан йирик чанг (0,05-0,01 мм) ва йирик кум (>0,25 мм) заррачалари устунлик қилади. Йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари тупроқ профилида 11,8-37,4 фоизгача ортса, йирик кум (>0,25 мм) заррачалари эса 12,4-21,5 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 33,2-36,6 фоиз ҳисобида тупроқ профилида қайд этилгани ҳолда, ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачалари – 7,2-9,5, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачасининг миқдори – 14,3-15,9 фоиз атрофида тебраниб туради.

Тўқ тусли бўз тупроқлар механик таркибида ҳам физик кум (>0,01 мм) заррачаларидан майда кум (0,1-0,05 мм) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари устунлик қилади.

Тўқ тусли бўз тупроқларда майда кум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 14,5-42,6 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 23,1-45,3 фоиз атрофида тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 15,9-45,3 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб туради.

Оч тусли бўз тупроқларда эса асосан енгил кумоқлардан иборат бўлиб, майда кум (0,1-0,05 мм) заррачалари тупроқ профилида 9,8-36,9 фоизгача ортса, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 18,3-42,9 фоизни ташкил этиб, кенг ораликда тебраниб туради. Бу тупроқларда физик лой (<0,01 мм) заррачалари 17,5-33,9 фоиз ҳисобида тупроқ профилида ўзгариб туради.

Ўрганилган кучсиз ишқорсизланган тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар чимли қатламлари гумус (чиринди) миқдори билан асосан “юқори” (2,0-3,0%) ва “жуда юқори” (>3,0%) даражада таъминланган, чим ости ва асосан қуйи 10-110 см лик қатламлари “ўртача” (1,0-1,5%), айрим ҳолатларда “етарли” (1,5-2,0%) даражада таъминланганлиги аниқланди.

Оч тусли бўз тупроқлар профилида юза чимли қатлами гумус билан “кам” (0,5-1,0%) даражада таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди.

Углероднинг умумий азотга бўлган нисбати ҳам мутаносиб тарзда ифодаланади. Яъни, юқори ва жуда юқори даражада гумус билан таъминланган қатламларида унинг нисбати тоғ жигарранг тупроқларда 10-20 га, тўқ тусли бўз тупроқларда – 8-16 га, ва ниҳоят, оч тусли бўз тупроқларда эса 8-9 га тенг.

Барча ҳолатларда мазкур тупроқларнинг қуйи қатламлари томон гумус миқдорининг камайиб бориши ҳисобига углероднинг азотга бўлган нисбати ҳам камайиб бориш қонуниятига бўйсунди.

Мазкур тупроқларда ҳаракатчан фосфор миқдорининг энг катта улуши чимли ва чим остки қатламларида тўғри келиб, мос равишда таъминланганлик даражасига кўра тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар “кам” (16-30 мг/кг) ва “ўртача” (31-45 мг/кг) таъминланган гуруҳга мансублиги, бироқ кўриқ оч тусли бўз тупроқлар эса фосфорга жуда камбағал, яъни “жуда кам” (0-15 мг/кг) гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди.

Ҳақат ушбу майдонларда сув тежамкор суғориш “Water-box” технологияси қўллаш орқали кишлоқ хўжалиги экинларини, боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фосфорли ўғитлардан турли ўсимликларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда солиш мақсадга мувофиқ.

Алмашинувчи калий миқдори бўйича ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Яъни, тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқларда юқори чимли ва чим ости қатламларида мос равишда 241-265 ва 241-289 мг/кг ни ташкил этиб, “ўртача” (201-300 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги аниқланди. Ушбу тупроқларнинг қуйи қатламлари ҳам алмашинувчи калий билан асосий ҳолатларда “кам” (101-200 мг/кг) даражада таъминланган.

Кўриқ оч тусли бўз тупроқларда алмашинувчи калий бўйича тупроқ профилининг 0-1 м қатлами “ўртачадан юқори” (201-300 мг/кг) кўрсаткичларда эканлиги аниқланди. Лекин, кўриқ оч тусли бўз тупроқларда алмашинувчи калийнинг миқдори 95-100 см дан бошлаб “кам” (101-200 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб.

Ушбу тупроқлар сингдириш қобилятига кўра гуруҳларга ажратиб тавсифланганда [2], ўрганилган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар “паст” (10-15 мг-экв.) ва “ўртача” (15-25 мг-экв.) гуруҳларга мансуб бўлиб, катионлар алмашинишига кўра, сингдириш сиғими ижобий ҳолатда эканлиги аниқланди.

Ўрганилган ушбу яйлов ерларини ишғол этган тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида шаклланган тупроқ юзаси қалинлигини ва уларнинг хосса-хусусиятларини ҳисобга олиб, мазкур яйловларда кишлоқ хўжалиги экинларини ва боғларни жойлаштириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

#### **Хулоса, таклиф ва тавсиялар.**

1) Самарқанд вилоятининг табиий яйлов тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлари атмосфера ёғинлари таъсирида ривожланган. Бунда турли мураккаб рельеф шароитга боғлиқ ҳолда турли хил қалинликдаги морфогенезисга эга бўлган, юза жойлашган (0-30 см лик) ва 1,0-2,0 метр қалинликдаги (айрим ҳудудларда тупроқли қатламлар 3-5 ва хатто 10-20 метргача етади) турли табиий унумдорликка хос бўлган тупроқли қатламлари шаклланган.

Айдар кўлидаги асосий морфологик характеристикалар 1969-1993 йиллардаги гидрологик жараён натижасида кўлнинг қирғоқлари шаклланишига асосий сабаб бўлган. Кўлнинг қирғоқлари деярли барча ерда терассаланган. Терассаларни шаклланиши кумли қирғоқларни енгил тез ювилиши натижасида вужудга келган. Бундан ташқари сув сатҳи режимини ўзгариши, жумладан сув сатҳининг тез кўтарилиши ёки пасайиши кўллар тизимининг морфологик характеристикаларини шакллантирган. Кўллар тизимида жуда кўп турдаги ўсимликлар дунёси шаклланган. Кумли қирғоқларни тезкорлик билан ўзгариши кўлларни морфологик характеристикаларига доимий аниқликлар киритиб туришни талаб этади. Ушбу масалани ечишда космик суръатларни яхши дешифровка қилинган маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Демак, ўтган асрнинг 90- йилларига келиб кўллар тизимида гидрологик ва гидроэкологик ҳолатни ўзгаришини янги шарт шароитлари вужудга келди. XX асрда Сирдарё дарёси ҳавзасидаги дарёлар сув миқдорининг шаклланиши ўртача меъёрга бўлган бўлса, сув тақчиллиги ҳолатида ушбу миқдор атиги 65% ини ташкил этган. 1994-1998 йилларда эса бу кўрсаткичнинг ўзгариши 5,7 - 3,7% атрофида бўлган. Ушбу кўллар тизимидаги гидрологик ва гидроэкологик режимни ўзгаришига Сирдарё дарёси ҳавзасидаги сув ресурсларини шаклланиши ва дарё ўзани бўйича оқиб ўтиши билан бир қаторда антропоген таъсирлар, дарёнинг юқори оқимида қурилган ва эксплуатация қилинаётган йирик гидроэнергетика иншооти Тўхтагул сув омбори сабаб бўлган. Бу иншоот ўз навбатида Сирдарё дарёсининг гидрологик ҳолатига, шу жумладан Айдар-Арнасой кўллардаги гидрологик ва гидроэкологик режимни ўзгаришига салбий таъсир кўрсатган. Кейинги йилларда, жумладан 1992-1996 йиллардан сўнг Сирдарё дарёсининг юқори оқимида жойлашган гидроэнергетика иншоотларини энергетика режимида ишлаши натижасида қиш, куз даврларида ва эрта баҳорда катта миқдорда сув Сирдарёга ташланиб, Сирдарё орқали Чордарадан Айдар-Арнасой кўлларига ташланмоқда, натижада ушбу кўлнинг сув сатҳи кўтарилишига ва унинг гидрохимёвий режимининг ўзгаришига сабаб бўлган [4-6].

Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги чуқурлик ҳам деярли ўзгарган, яъни у 33,64 метрни ташкил этади. Сув ҳавзасининг ўртача чуқурлиги 12,54 метрни ташкил этади. Ҳозирги кунда



Айдар Арнасой кўллар тизимида 240 дан ортиқ оролчалар мавжуд ва уларнинг умумий майдони 199 км<sup>2</sup> ни ташкил этади. 1-жадвалда Айдар-Арнасой кўллар тизимини морфометрик характеристикаси маълумотлари келтирилган.

1-жадвал

Айдар-Арнасой кўллар тизимини морфометрик характеристикаси

| Кўрсаткичлар   | 1978    | 2018    |
|--|---------|---------|
| Сувнинг абсолют сатҳи, м   | 236,0   | 246,54  |
| Сув ҳавзасининг умумий майдони (ороллар билан биргаликда), км <sup>2</sup> | 1881,85 | 3478,7  |
| Оролнинг йиғма майдони, км <sup>2</sup>                                    | 63,45   | 199,381 |
| Ҳажми, км <sup>2</sup>   | 13,617  | 41,12   |
| Узунлиги, км   | 155,22  | 160,36  |
| Ўртача эни, км   | 11,71   | 21,78   |
| Максимал эни, км   | 19,4    | 34,86   |
| Ўртача чуқурлиги, км   | 7,49    | 12,54   |
| Максимал чуқурлиги, км   | 24,7    | 33,64   |
| Қирғоқлар чизиғининг узунлиги, км  | 2023,43 | 1534,9  |
| Қирғоқ чизиғининг қирқим коэффициенти                                      | 5,78    | 3,45    |

Арнасой сув омборининг максимал сув сатҳи 249,13 метр ни ташкил этади. Бу қиймат 2019 йилнинг сентябрь ойига келиб 247,3 метрни ташкил этди. Ушбу даврда сув омбордан суғориладиган майдонлар учун 158 млн.м<sup>3</sup> сув олинган.

Чордара сув омборидан ташланадиган қишки-бахорги сув ҳажмини йиғиш ва улардан кейинчалик Мирзачўлнинг суғориладиган массивларини сув билан таъминлашни ошириш мақсадида фойдаланиш учун Юқори Арнасой сув омбори қурилди ва 2005 йилда лойихавий эксплуатацион режимга киритилди. Қурилган Арнасой сув омборининг умумий ҳажми 605 млн. м<sup>3</sup> ни ва ишлатилмайдиган ҳажми 130 млн. м<sup>3</sup> ни ташкил қилади.

2018 йил май ойини охири ва июнь ойларини бошларида Айдар-Арнасой кўлларидаги максимал сув сатҳи 246,24 м ни ташкил этди. Ушбу йилда сув ҳавзасининг гидрометеорологик режимининг муҳим аҳамиятлари шундаки, ёз -қуз ойларида сув сатҳининг интенсив пасайиши ҳисобига ҳамда сув ҳажмини камайиши натижасида кўллар тизимидаги сув ресурсларини кескин шўрланишига ва экологик ҳолатини салбий ўзгаришига сабаб бўлди.

Экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича Давлат Қўмитаси ва ДҚСК ИТМ (НИЦ МКВК) ходимларининг олиб борган тадқиқотларига биноан сўнгги йилларда Арнасой сув омборидаги сувнинг минерализацияси 1,7 – 5,2 г/л оралиғида, Тузконда 8,6 – 9,5 г/л оралиғида, Айдаркўлда эса 9,7 – 9,8 г/л оралиғида ўзгариб туради. Шу билан биргаликда ХХ асрнинг 80-йилларида Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги сувни чучуклаштириб уни иқтисодиёт ва аҳоли учун кенг миқёсда фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича маълум даражада ишлар олиб борилган.

Айдар Арнасой кўллар тизимида экологик вазиятни тиклаш ва кўллар сувларидан иқтисодиёт тармоқлари ва туризм мақсадларида фойдаланиш, бошқа манбалардан кўлга сув олиб келиш ва гидрологик вазиятни барқарор ҳолатга олиб келиш мақсадга мувофиқдир. Натижада сув циркуляциясини ва кўлларни гидрокимёвий режимини мақбул ҳолатда ушлаш имконияти яратилади, ҳамда кўллар тизими сув ресурсларидан узоқ давр мобайнида самарали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари учун табиий шаклланиш жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. У сувда сузувчи ва сув олдида ҳаёт кечирувчи қушларнинг, хатто Халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган қуш турлари учун уй қурадиган жойига, бир жойдан иккинчи жойга учиб ўтишда тўхташ жойларига айланди.

2008 йилда Айдар-Арнасой кўллар тизими (ААКТ) халқаро аҳамиятга эга сувли ботқоқли ерларнинг Рамсар рўйхатига киритилди ва шу муносабат билан ушбу кўллар тизимини сақлаш учун жавобгарлик кучаймоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни келтириш мумкин:

–кўлларнинг қирғоқлари деярли барча участкаларда терассаланган ва терассаларнинг шаклланиши сув сатҳини муҳим хусусиятларини ўзига қамраб олади. Асосан сув ҳавзасининг барча қирғоқлари ўсимликлар билан қопланган. Кўлда катта диапазондаги намлик ва сув минерализациясига мослашган ўсимликлар шакллانган. Кўллар тизимини қирғоқларининг доимий ўзгариши эса морфологик характеристикаларига тузатишлар киритилиш зарурияти мавжуд;

–коллектор-дренаж тармоқларида шаклланаётган ташлама сувларнинг минерализацияси Айдар-Арнасой кўллар тизими сувларининг минерализациясидан кескин фарқ қилади ва жуда кичикдир. Бу эса ўз навбатида коллектор-дренаж тармоқларидан Айдар-Арнасой кўлларида ташланаётган ташлама сувлар, кўллар тизимининг сув ҳавзасидаги гидроэкологик ҳамда гидрокимёвий ҳолатини яхшиланишига сабаб бўладиган асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилишидан далолат беради;

–шамол таъсири натижасида Айдар кўлдан Тузкон кўлига сувларнинг келиб қўшилиши оқибатида Тузконда сувларнинг минерализациясини ортиши кузатилмоқда;

– соҳа олимлари ва мутахассисларнинг олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики ушбу даврдаги қўлар тизимидаги сувнинг минерализация даражаси 10 г/лдан ортик. Қўллар тизимида Айдар қўлнинг чегарасидаги сув минерализацияси 9,8 г/л, Тузкон қўли марказида 9,5 г/л, Қли и Окбулоқ коллекторларининг қўлга қўшилиш нуқтасидаги сув минерализацияси 8,8 г/л тушган;

– сув-туз режимини барқарорлаштириш мақсадида АККТ да ҳар йили кафолатланган санитар сув ўтказишни таъминлаш. Сирдарёнинг ўрта оқимида сув ресурсларини интеграл бошқаришни қўллаш доирасида ААКТнинг экологик ҳолатини талаб даражасида ушлаб туриш учун сув ресурслари истеъмолини асослаш керак;

– қўллар тизимининг ҳар хил қисмлари учун сув-туз балансини бошқаришнинг ҳар хил вариантларини башоратлаш. Уларнинг самарадорлигини ва амалга ошириш имкониятларини баҳолаш;

– Қўлларнинг гидрохимёвий режимини стабиллаштириш учун сув ресурсларини оқиб ўтишини яратиш керак, натижада қўллар тизимининг сув ресурсларидан узоқ давр мобайнида самарали фойдаланиш имкони яратилади;

– Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мутахассисларининг иштирокида бутун Сирдарё хавзасининг ер ва сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича илмий халқаро лойиҳа тайёрлаш керак, ушбу лойиҳанинг бажарилиши натижасида сувнинг ҳар хил функциялари орасида: аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, саноат, ирригация ва гидроэнергетикани сув билан таъминлаш каби масалаларда ўзаро келишилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.09.2017 йилдаги №ПҚ-3286 – сонли Қарори.
3. Трансчегаравий сув оқимларини ва халқаро қўлларни химоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенция. БМТнинг Европа иктисодий комиссияси. Нью-Йорк – Женева, 1994, 47 бет.
4. Чембарисов Э.И., Рахимова М.Н., Долидудко А.И. Многолетние изменения водности реки Сырдарьи/ Материалы научно-практической конференции «Фаол инвестицион муҳитни шакллантиришда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг долзарб муаммолари», Самарқанд 2019, 281-284.
5. Чембарисов Э.И., Рахимова М.Н. Водный кадастр. Учебное пособие, Ташкент 2018, 174 с.
6. Чембарисов Э.И., Рахимова М.Н. Особенности гидрологического и гидрохимического мониторинга поверхностных вод среднего течения р.Сырдарьи. Ташкент 2019, Издательство “Наврўз”, 91 с.

УЎТ: 633.511:575.127.2

### ЎЗУНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДА АЙРИМ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ

*Х.Қ.Назарбаев, магистр, ЎЗМУ, Тошкент*

*Г.К.Тошпулатова, таянч докторант, ЎЗМУ, Тошкент*

*К.Холиқова, изланувчи, ЎЗМУ, Тошкент*

*С.Ғ.Бобоев, б.ф.д., ЎЗМУ, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада ўзунинг *Gossypium L.* туркумига *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* турларига хос тизма ва навлари иштирокида янги турлараро дурагайларини яратиш, чашишувчанлик даражасини ўрганиш ва  $F_1$  авлод дурагайларида айрим морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши бўйича олинган натижалар ва уларнинг таҳлили баён этилган. Ўзунинг турлараро дурагайларида барг ва кўсак шакли, ранги, битта кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги каби белгиларнинг *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* навларига хос равишда оралик, доминант, гетерозис ҳолатда ирсийланиши аниқланган.

**Калим сўзлар:** турлараро дурагай, нав, тизма, ирсийланиш, доминант, гетерозис, тола узунлиги, морфо-хўжалик белгилар

**Аннотация.** В статье описываются полученные результаты и их анализ по созданию новых межвидовых гибридов с участием линии и сортов, специфичных для видов хлопка *Gossypium L.* и *G. barbadense L.*, изучается степень скрещивания и наследования некоторых морфо-хозяйственных признаков у гибридов поколения  $F_1$ . Было обнаружено, что у межвидовых гибридов хлопка такие признаки, как форма листьев и стеблей, цвет, масса одностебельного хлопка, длина волокон, наследуются в промежуточном, доминантном, гетерозиготном состоянии, характерном для сортов *G. hirsutum L.* и *G. barbadense L.*

**Ключевые слово.** межвидовой гибрид, сорт, линия, наследственность, доминант, гетерозис, длина волокна, морфо-хозяйственные признаки

**Abstract.** The article describes the results obtained and their analysis on the creation of new interspecific hybrids with the participation of the line and varieties specific to the cotton species *Gossypium L.* and *G. barbadense L.*, the degree of crossing and inheritance of some morpho-economic characteristics in hybrids of the  $F_1$  generation is studied. It was found that in interspecific cotton hybrids, such traits as the shape of leaves and stems, color, weight of single-stem cotton, fiber length, are inherited in an intermediate, dominant, heterozygous state characteristic of varieties *G. hirsutum L.* and *G. barbadense L.*

**Keywords.** *Interspecific hybrid, variety, line, heredity, dominant, heterosis, fiber length, morphological and economic traits*

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, янги босқичга олиб чиқиш, янги технологиялар, бугунги кун талабларига мос янги навлар яратиш, экин майдонларини кенгайтмасдан ҳосилдорликни ошириб бориш вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу долзарб вазифани амалга ошириш бўйича зарур қарорлар, чора тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида ҳам «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда рентабеллиги юқори, рақобатбардош, бугунги кундаги ишлаб чиқариш талабларига ва тола сифати дунё пахта бозори талабларига тўла жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳам юқоридаги долзарб муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган долзарб муаммоларни ҳал этишда ғўза генетикаси ва селекциясида кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб бориш, бугунги кундаги экологик муаммоларни назарда тутган ҳолда ғўзанинг янги навларини яратишда турли услублардан фойдаланиш, ғўзанинг *Gossypium L.* туркумига мансуб турлардан оқилона фойдаланиш, турлараро дурагайлаш асосида генетик жиҳатдан бойитилган манбаларни яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ғўзада турлараро дурагайлаш услубини қўллаш юқори самара бериши, маданий турлар генотипини бошқа турлар ҳисобига бойитиш мумкинлиги, турлараро дурагайлаш асосида морфо-хўжалик белгиларнинг юқори даражадаги ўзгарувчанлигига эришиш орқали танлов имкониятларини ошириш мумкинлиги қатор олимлар томонидан исботланган [1,3,5]. Ғўзанинг маданий *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* турларига хос навларни ўзаро дурагайлаш орқали улардаги ноёб белгиларни битта генотипга йиғиш, абиотик ва биотик омилларга бардошли, хўжалик белгилар бўйича гетерозис ўсимликлар олиш имкониятини юқори эканлиги ҳам тасдиқланган [2,4].

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда ғўзанинг *G.hirsutum L.* ва *G.barbadense L.* нав ва тизмаларни ўзаро чатиштириш асосида янги турлараро дурагайларини яратиш, дурагай ўсимликларда морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш асосида ноёб белги ва хусусиятларга эга шаклларни ажратиш олиш ҳамда амалий селекция жараёнига тавсия этиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди ва олинган айрим натижалар таҳлили мазкур мақолада келтирилди.


**Тадқиқот материали ва усуллари:** Тадқиқотлар манбаи сифатида ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб Барака, СП-1303, АТМ-1 навлари ва Т-91/21 тизмасидан, *G.barbadense L.* турига мансуб Сурхон-14, Сурхон-9 навлари ҳамда улар иштирокида олинган турлараро дурагайларидан фойдаланилди. Лаборатория ва дала тажрибалари ўтказиш умумий қабул қилинган усулларда амалга оширилади. Белгиларнинг доминантлик даражаси G.M.Beil va R.E.Atkins ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ҳисобланди.

**Тадқиқот натижалари:** Тадқиқотларда дастлабки босқичида дурагайлаш учун ота-она шаклларини танлашга эътибор қаратилди ва чатиштириш ишларида оналик сифатида *G.hirsutum L.* навлари ва оталик сифатида *G.barbadense L.* навлари олинди. Оддий чатиштириш услубидан фойдаланилган ҳолда ҳар бир комбинацияда 25 дондан чатиштириш ишлари олиб борилди. Олинган янги дурагайларда чатишувчанлик даражаси аниқланиб таҳлил этилди.

Олинган натижаларга кўра, дурагай комбинацияларнинг чатишувчанлик даражаси бир-биридан кескин фарқ қилмаган ҳолда чатишувчанлик 56-64% оралиғида жойлашди. Нисбатан паст чатишувчанлик  $F_0$  Барака х Сурхон-9 комбинациясида қайд этилди.  $F_0$  СП-1303 х Сурхон-14 ва  $F_0$  Т-91/21-75 х Сурхон-9 комбинацияларининг чатишувчанлиги 64% ни ташкил этгани бўлса,  $F_0$  АТМ-1 х Сурхон-14 комбинацияси 60% ва  $F_0$  Барака х Сурхон-9 комбинацияси 56% чатишувчанликка эга бўлди. Чатиштириш олиб борилган барча комбинациялар бўйича дурагай чигитлар олишга эришилди. Кейинги тадқиқотларда олинган янги турлараро дурагайларни авлодларда морфо-хўжалик белгиларини ўрганиш ва юқоридаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш давом эттирилди.

Олинган натижалар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, алоҳида ажралиб турувчи белгиларидан бўлган барги бўйича таҳлил қилинганда, ҳар иккала ота-она шаклларига мос равишда барг шакли кафтсимон ҳолатда, яъни кертикли эканлиги кўзга ташланди. Шунингдек, кертиклик даражаси *G.barbadense L.* навларига мос равишда бироз чуқурроқ кертикли бўлиши аниқланди. Барг ранги бўйича эса *G.hirsutum L.* навларига нисбатан яшил, оч яшил ҳолатда бўлган бўлса, *G.barbadense L.* навларининг баргларининг тўқ яшил бўлиши кузатилади. Бунга мос равишда дурагай ўсимликларнинг барг рангининг ирсийланишида оралик ҳолатда бўлиши ёки айрим дурагай комбинацияларда *G.barbadense L.* навлари барг рангининг устунлиги кузатилди. Деярли барча дурагай комбинацияларга хос ўсимликларнинг барг йириклиги бўйича *G.barbadense L.* навлари устунлигини кўриш мумкин, яъни дурагай комбинацияларга тегишли ўсимликларнинг барги *G.hirsutum L.*

навларига хос ўсимликлар баргларида нисбатан йирик бўлиши ва *G. barbadense* L. навларига хос силжишни кузатиш мумкин. Бу ерда барг нисбатан йирик бўлган Сурхон-14 ва Сурхон-9 навлари генотиби таъсирида дурагай ўсимликларнинг баргининг йирик бўлишига олиб келди (1-расм).



**Барг ва кўсақнинг F<sub>1</sub> дурагайларда ирсийланиши**

Яна бир муҳим морфологик кўрсаткичлардан бири кўсақ шакли ва ранги бўлиб, дурагай ўсимликларда кўсақ йириклигининг оралик ёки юқори кўрсаткичга мансуб *G. hirsutum* L. навларига хос ирсийланиш аниқланган бўлсада, кўсақ тузилишида *G. barbadense* L. навларининг устунлиги сезилди. Яъни дурагай ўсимликларда кўсақлар Сурхон-14 ва Сурхон-9 навлариникига хос равишда нисбатан узунчоқ ҳолатда бўлиши ёки учли бўлиши кузатилди. Шу билан бир қаторда кўсақлар сиртининг нисбатан ғадир-будир ҳолатда бўлиши, кўсақ рангининг тўқ яшил тусда бўлиши аниқланиб, бу *G. barbadense* L. навларининг устунлигини кўрсатади. Демак кўсақ шакли, рангининг ирсийланишида *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари иштирокидаги F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларда кўсақ йириклиги бўйича кўпроқ оралик ва юқори кўрсаткичга эга ота-она шаклнинг доминантлиги, кўсақ шакли ва рангининг ирсийланишида *G. barbadense* L. навларининг устунлиги кузатилади.

Дурагайларнинг F<sub>1</sub> авлодида бошқа морфо-хўжалик белгилар қаторида ғўзанинг битта кўсақдаги пахта вазни белгиси ўрганилди. Ота-она шаклларининг битта кўсақ вазни бўйича кўрсаткичи бир-биридан кескин фарқ қилди. Оналик шаклида иштирок этаётган *G. hirsutum* L. навларининг кўрсаткичи сезиларли равишда юқори бўлиб, энг яхши натижа СП-1303 навида кузатилди, унинг белги бўйича натижаси 6,2 г ташкил этди. Шу ўринда Т-91/21 тизмасининг кўрсаткичи ҳам анча ижобий (6,0 г) бўлса, АТМ-1 ва Барака навларининг белги бўйича кўрсаткичи тегишли равишда 5,2 г; 5,6 г ташкил қилди. Оталик сифатида иштирок этган *G. barbadense* L. турига мансуб Сурхон-14 навининг битта кўсақдаги пахта вазни 3,2 г бўлса, Сурхон-9 навининг кўрсаткичи 3,6 г га тенг бўлди. Бундан кўринадики ота-она шакллари ўртасидан белги бўйича кескин фарқ мавжуд (1-жадвал).

Улар иштирокида олинган F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларнинг ҳам белги бўйича натижаси ота-она шаклларига боғлиқ равишда 5,3 граммдан 5,8 граммгача бўлган ораликда жойлашиб, йирик кўсақли навлар генотиби таъсирида ижобий томонга ҳал бўлиши кузатилди. Дурагайлар орасида F<sub>1</sub> АТМ-1 х Сурхон-9 комбинацияси энг яхши кўрсаткичга эга бўлиб, гетерозис ҳолати қайд этилди.

Дурагайнинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи 5,8 граммни ташкил этиб, оналик шаклидан 0,6 г га ва оталик Сурхон-9 навидан 2,2 граммга юқори бўлишини кўрсатди. Ушбу дурагай комбинацияда ирсийланиш даражаси  $h_r=1,75$  га тенг бўлди. Бошқа дурагай комбинацияларда ҳам белги бўйича ўртача кўрсаткичининг оталик Сурхон-14 ва Сурхон-9 навларига нисбатан сезиларли равишда юқори бўлиши кузатилди.

1-жадвал

**Ота –она шакллари ва F<sub>1</sub> турлараро дурагайларнинг битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичининг ирсийланиши, гр**

| №   | Нав ва дурагайлар                  | Бир дона кўсақдаги пахта вазни | h <sub>r</sub> |
|-----|------------------------------------|--------------------------------|----------------|
| 1.  | СП-1303                            | 6,2 ± 0,15                     |                |
| 2.  | АТМ-1                              | 5,2 ± 0,18                     |                |
| 3.  | Т-91/21                            | 6,0 ± 0,24                     |                |
| 4.  | Сурхон-14                          | 3,2 ± 0,19                     |                |
| 5.  | Сурхон-9                           | 3,6 ± 0,16                     |                |
| 6.  | Барака                             | 5,6 ± 0,21                     |                |
| 7.  | F <sub>1</sub> СП-1303 х Сурхон-14 | 5,3 ± 0,22                     | 0,40           |
| 8.  | F <sub>1</sub> Барака х Сурхон-14  | 5,5 ± 0,25                     | 0,92           |
| 9.  | F <sub>1</sub> АТМ-1 х Сурхон-9    | 5,8 ± 0,23                     | 1,75           |
| 10. | F <sub>1</sub> Т-91/21 х Сурхон-9  | 5,5 ± 0,22                     | 0,58           |

F<sub>1</sub> Барака х Сурхон-14 дурагай комбинациясида ҳам белгининг Барака нави устунлигида ирсийланиши аниқланди ва дурагай комбинациянинг ўртача кўрсаткичи 5,5 граммни ҳамда ирсийланиш даражаси  $h_r=0,92$  ни ташкил этди. Қолган икки дурагай комбинацияларда ҳам оналик шаклидаги СП-1303 ва Т-91/21 тизмалари устунлигида ирсийланишини кўриш мумкин. Бу эса битта кўсакдаги пахта вазни белгисининг ирсийланишида нисбатан йирик кўсакли *G.hirsutum* L. навларининг устунлик қилишини яхши тасдиқлайди.

Тола сифат кўрсаткичлари орасида тола узунлиги асосий ўринни эгаллайди. *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари ўртасида белгилар бўйича кескин фарқ мавжуд бўлиб, буни тажриба натижалари ҳам тасдиқлади. Тажриба натижаларига кўра Сурхон-14 навининг тола узунлиги энг яхши, яъни 39,0 мм ни ташкил этди. *G.barbadense* L. турига мансуб Сурхон-9 навининг тола узунлиги 37,7 мм га тенг бўлди. Ота-она шакллари орасида энг паст натижа Т-91/21 тизмасида кузатилиб, унинг натижаси 33,6 мм ни ташкил қилди. АТМ-1 ва Барака навларининг тола узунлиги ҳам кескин фарқ қилмаган ҳолда тегишда 33,7 мм ва 33,8 мм га тенг бўлган бўлса, *G.hirsutum* L. навлари ичида нисбатан ижобий натижа СП-1303 навида эканлиги аниқланди. Тажриба натижалари ушбу белги бўйича *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб навлар орасида кескин фарқ мавжудлигини тасдиқлади.

Ушбу турларга хос навларни дурагайлаш орқали олинган F<sub>1</sub> турлараро дурагайларнинг тола узунлиги бўйича ирсийланиши оралик ҳолатда эканлигини кўрсатди. Айрим дурагай комбинацияларда хусусан Сурхон-14 нави билан частиштириб олинган дурагай комбинацияларда белги бўйича паст кўрсаткичга *G.hirsutum* L. навлари томон нисбатан устунликни қайд этгани ҳолда салбий доминантлик кўзга ташланган бўлсада, белгиларнинг ўртача кўрсаткичи бўйича оралик ирсийланиш кузатилди деб хулоса қилиш мумкин. Чунки паст кўрсаткичга эга *G.hirsutum* L. навларининг натижаси узун толали Сурхон-14 нави билан дурагайлаш асосида ижобий томонга ҳал бўлишини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни Сурхон-9 нави иштирокида олинган дурагайларда ҳам кузатиб, ушбу нав генотиби таъсирида дурагай ўсимликларнинг тола узунлиги яхшилангани аниқланди. Умуман олганда тола узунлиги белгиси бўйича оралик ирсийланиш кузатилди, буни дурагайларнинг ирсийланиш даражасидан ҳам кўриш мумкин.

Дурагайлар орасида тола узунлиги бўйича энг яхши натижа F<sub>1</sub>СП-1303 х Сурхон-14 дурагай комбинациясида аниқланиб, унинг кўрсаткичи 36,2 мм га тенг бўлди. Нисбатан паст натижа F<sub>1</sub> Барака х Сурхон-14 (34,8 мм) комбинациясида бўлган бўлса, Сурхон-9 нави билан частиштириб олинган икки дурагай комбинациянинг тола узунлиги бўйича ўртача кўрсаткичи тегишли равишда 35,3 мм ва 35,7 мм бўлди. Ушбу натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак дурагайларнинг тола узунлиги бўйича ўртача кўрсаткичи ота-она шакллари оралигида жойлашганлигини кўрсатди. Бу эса дурагайларда белгининг оралик ҳолатда ирсийланишини яхши тасдиқлайди.

**Хулоса.** Турлараро дурагайларда кўсак йириклиги бўйича кўпроқ оралик ва юқори кўрсаткичга эга *G.hirsutum* L. навларининг доминантлигида, кўсак шакли ва рангининг ирсийланишида *G.barbadense* L. навларининг устунлигида ирсийланиши аниқланди. Тола узунлиги белгиси бўйича кескин фарқланувчи *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. навлари частиштирилганда оралик ҳолатдаги ирсийланиш қайд этилиб, узун толали *G.barbadense* L. навлари генотиби таъсирида тола узунлигини яхшилаш имконияти пайдо бўлиши тасдиқланди. Дурагай комбинацияларнинг кейинги авлодларида ажралиш жараёни кечилиши ҳисобга олсак, белги бўйича ноёб кўрсаткичга эга бўлган янги шакллари ажратиш олишга имконият тўғилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов Ж.Х. Наследование длины волокна у межвидового гибрида *G.hirsutum* L. х *G.barbadense* L. // в сб. генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны. – Ташкент, 1977. - С. 80-82.
2. Аманов Б.Х., Эрназарова З.А., Набиева Н. *G. barbadense* L. турининг туричи F<sub>1</sub>, F<sub>2</sub> дурагайларида тола узунлигининг ирсийланиши // “Ўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилигини ривожлантиришининг назарий ҳамда амалий асослари” номли Респ. илмий-амалий анжумани тўплами. - Ташкент: Мехридарё, 2009. - Б. 23-25.
3. Бобоев С.Ф., Муратов Ғ.А. Ўзани турлараро мураккаб дурагайлаш. //Монография, “Навруз”, Тошкент 2017, 3-25 Б.
4. Намозов Ш.Э., Бабаев С.Ф. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника. //Изд-во “Nison-Noshir” Ташкент-2014. С. 56-179.
5. Пулатов М. Наследование крупности коробочки у межвидовых гибридов хлопчатника в системе топкроссных скрещиваний //Материалы IX конференции молодых ученых Узбекистана по сельскому хозяйству (Генетика, селекция и семеноводство сельскохозяйственных культур). – Ташкент, 1977. - С.83-87.

## АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩИХ ТЕОРИЙ И МЕТОДИК РАСЧЕТА СИСТЕМ ПОДАЧИ И РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ВОДЫ ПИТЬЕВОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ

*О.А. Аширова, PhD, ведущий научный сотрудник, Хорезмская Академия Маъмуна, Хива*

**Аннотация.** Мақолада ичимлик сув таъминотида сув ташиши ва тарқатиши тизимларининг ҳозирда мавжуд бўлган турли ҳисоб усулларини ва назарияларини таҳлили келтирилган.

**Калим сўзлар:** сув таъминоти, ҳисоб усули, босим исрофи, ҳалқасимон тармоқлар, оптималлаштириши модели

**Аннотация.** В данной статье приведен анализ существующих различных теорий и методик расчета систем подачи и распределения воды питьевого водоснабжения.

**Ключевые слова:** водоснабжение, метод расчета, потери напора, кольцевые сети, оптимизационная модель

**Abstract.** In the given article is provided an analysis of various existing theories and methods for calculating water delivery and distribution systems of drinking water supply.

**Key words:** water supply, calculation method, head losses, circle networks, optimization model

Перед строительством любой сети водоснабжения всегда производятся расчеты процессов, которые будут развиваться в данной сети. Всегда данные результаты расчетов должны отражать реальность с той или иной точностью. Данная точность, как правило, определяется так называемой невязкой по водному балансу или по напорам. Появление ЭВМ и совершенствование вычислительных методов позволило производить данные расчеты быстрее избегая ошибок, вызванных человеческим фактором.

Описывать здесь имеет смысл только системы способные рассчитать кольцевые схемы водоснабжения. Линейные системы водоснабжения настолько просты для расчетов, что для их расчета достаточно простого калькулятора или минимальных знаний Microsoft EXCEL [1].

Программ для расчета кольцевых сетей великое множество.

Нам известны такие программные продукты как Eronet, Zulu, PLUMBING, а также неисчислимое количество (похожих и часто безымянных) программ [2].

Все они, тем не менее, алгоритмизируют давно разработанные ручные методы расчета детерминированных кольцевых схем. “Детерминированных” означает, что о сети водоснабжения известно все кроме расхода и напора. Самое главное, что заданы диаметры труб. Программ и моделей, где диаметр труб является равнозначной напорам и расходам переменной, подлежащей расчету, обнаружить не удалось. Рассмотрим примеры программных продуктов по расчету кольцевых систем водоснабжения, стоящих в списке наилучших. Как и следовало ожидать, главный упор в данной программе делается на продвижение дружественного интерфейса по вводу и выводу детерминированной информации. Более того, осуществлена программная связь с ГИС (ArcMap 8 и выше). Сам же расчет есть алгоритмизация известных итерационных ручных методов расчета кольцевых сетей водоснабжения, разработанных еще в первой половине прошлого столетия.

И это видно из описания [3]: “Расчеты ZuluHydro работают в тесной интеграции с Геоинформационной системой (ГИС) и выполнены в виде модуля расширения ГИС. Сеть водоснабжения весьма просто и быстро заносится в ГИС с помощью мышки или по координатам. При этом сразу формируется расчетная модель. Остается лишь задать расчетные параметры объектов и нажать кнопку выполнения расчета. Система также позволяет проводить совместный анализ данных, пресекать запросы к данным с подмножеством графических данных, выполнять тематическую раскраску по семантическим данным (по величине потерь, по скорости движения воды, по принадлежности к источнику и другим), экспортировать табличные данные для анализа в Microsoft Excel. Выделение цветом по тем или иным параметрам позволяет сразу увидеть критические места в водопроводной сети”. Прекрасный интерфейс осуществляет доступ к детерминированной сети водоснабжения и обеспечивает выброс результатов в EXCEL и не более. Цена же лицензии более чем значительная – 2000 долларов США. По сути, научная наполненность данного программного продукта — это алгоритмизация известных итерационных расчетов детерминированных кольцевых систем.

Расчет так называемых “оптимальных” диаметров не совсем оптимален с точки зрения определения самого термина. В программе осуществляется поиск наилучшего варианта среди фиксированного числа заданных вариантов множественным перебором этих вариантов и определенных пользователем. Этот перебор включает в себя поиск наилучшего варианта в ограничениях “По скоростям или по удельным потерям”. По сути, это будет набор решений детерминированных задач. Это, кстати, означает, что при сложных системах водоснабжения время для проведения таких переборов возрастает даже не как геометрическая прогрессия, а как факториал. Пользователь, следовательно, сильно ограничен в поиске наиболее приемлемого для себя решения, и полученные результаты сильно зависят от выбора ограничений, введенных пользователем. Это также

означает, что решение всегда будет приемлемым, но субъективным. Об экономике вопрос в данной программе не стоит вообще. Но имитация такого экономического расчета все-таки есть. Она реализована в модели PLUMBING.

Программа PLUMBING затрагивает экономический фактор, обещая подсчитать экономически выгодный диаметр трубопроводов. Но опять расчет сводится к перебору решений детерминированных задач с выбором наиболее выгодного с экономической точки зрения варианта из числа определенного пользователем.

Программа "Гидравлический расчет напорных трубопроводов" предложенный Тарановым В. [4] позволяет рассчитать потери напора водопровода на единицу длины трубопровода (так называемый "гидравлический уклон").

Также программа, учитывая материал, из которого изготовлены трубы, определяет величину гидравлического сопротивления на стыковых соединениях в трубопроводах напорного типа. Но эта программа выполняет только гидравлический расчет трубопровода без учета совместно работающих сооружений системы.

Программа для выполнения гидравлических расчетов кольцевых водопроводных сетей предложенный Черниковым Н.А. [5] очень проста в использовании, не требует предварительного потокораспределения.

Необходимо знать только узловые нагрузки и направление движения воды. Если направление движение воды после расчетов отличное от предварительного, то в программе это показывается в виде знака "-". Это всего лишь означает сменить направление движения воды на чертеже (пересчет не нужен).

Можно сразу произвести расчет на случай аварии, на каком-либо участке, не вводя снова данные (просто в программе после основного расчета, выбирается на каком участке мы задаем аварию, указываем номер этого участка).

Строит пьезометр, с выводом графика (профиля) в WORD (нужно только соединить соответствующие точки, для получения графика).

Все данные расчета сохраняются в WORDе автоматически после выхода из программы (создается файл в формате .PRN, который открывается с помощью WORD, как кодированный документ MS-DOS и получается весь расчет).

Как видно, в данной программе пользователь сильно ограничен в поиске наиболее приемлемого для себя решения, и полученные результаты сильно зависят от выбора ограничений, введенных пользователем. Это также означает, что решение всегда будет приемлемым, но субъективным. Об экономике вопрос в данной программе не стоит.

Разработанный метод позволяет рассчитывать системы подачи и распределения воды, при фиксированных отборах, практически любой сложности с учетом реконструкции и поэтапного развития, при наличии различных ограничений и условий, характеризующих данный объект, не прибегая к сколько-нибудь ограничительным стилизациям. При этом сконструированный метод отличается высокой точностью и сравнительно малой трудоемкостью.

В самом методе реализация расчетов на компьютере осуществляется по специально составленной программе, которая включает в себя стандартную программу симплексного алгоритма. Указанная программа подготавливает исходные данные, производит оптимизационные расчеты и выдает результаты расчета в удобном для проектирования виде.

Разработанная оптимизационная модель, безусловно (и возможно временно) проигрывает многим моделям по качеству интерфейса и его возможностям. Но возможности научной новизне, научной наполненности и возможностям оптимизации сетей водоснабжения (по диаметрам в том числе) несоизмеримо превосходит существующие в настоящее время детерминированные аналоги.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Salokhiddinov, A., Savitskiy, A., Ashirova, O., Khakimova, P., Khomdov, A. An analytical method for designing of municipal water supply and distribution systems. Journal Civil Engineering and Architecture 8(3), USA. 2020.
2. Учебно-справочное пособие. А.Г. Гудков. Вологда: ВоГУ. 2014. (<http://lib4all.ru/base/B1881/B1881Part11-47.php#>)
3. РосТепло.ру - всё о теплоснабжении в России. (<http://www.rosteplo.ru/soft/4/136/>)
4. Таранов В. Программа "Гидравлический расчет напорных трубопроводов". ([http://www.agrovodcom.ru/prog\\_gradient.php](http://www.agrovodcom.ru/prog_gradient.php))
5. Соколов В.М., Черников В.А. Программа для расчета водопроводной кольцевой сети в режиме диалога на ЭВМ. 2012.

## СУСПЕНЗИОННАЯ ПОЛИМЕРИЗАЦИЯ ВИНИЛИДЕНФТОРИДА

*С.Ш. Исматов, доцент, БухИТИ, Бухара**М.М. Каримов, доцент, БухИТИ, Бухара**З.М. Каримова, преподаватель, БухИТИ, Бухара*

**Аннотация.** Полимер молекулалари улкан молекуляр оғирлик ва занжирнинг юқори мослашувчан эгилувчанлиги бўлган ажралиб турадиган хусусиятларнинг кенг синфини англатади. Айтиши мумкинки, бундай молекулаларнинг барча характерли хусусиятлари, шунингдек уларнинг ушбу хусусиятлар билан боғлиқ имкониятлари юқоридаги хусусиятларга боғлиқ. Бизнинг тез ривожланаётган урбанизациялашган дунёмизда полимер материалларга, механик ва физикавий хусусиятларга ва ўзгаришларга талаб кескин ўсди.

**Калит сўзлар:** полимерлар, мослашувчанлик, қўйма, донатор маҳсулот, усул, полимеризация, дисперсия эмульцияси, тўхтатиб туриши, ёпишқоқлик, молекуляр оғирлик, қўзғатувчи, эмульсия, эркин радикаллар

**Аннотация.** Полимерные молекулы представляют собой обширный класс соединений, основными отличительными характеристиками которых являются большая молекулярная масса и высокая конформационная гибкость цепи. Можно с уверенностью сказать, что и все характеристические свойства таких молекул, а также связанные с этими свойствами возможности их применения обусловлены вышеуказанными особенностями. В нашем урбанизированном быстро развивающемся мире резко возрос спрос на механические и физические свойства, изменения полимерных материалов.

**Ключевые слова:** полимеры, гибкость, литьевой, гранулированный продукт, метод, полимеризация, дисперсность эмульсии, суспензия, вязкость, молекулярная масса, инициатор, эмульсия, свободные радикалы

**Abstract.** Polymer molecules represent an extensive class of compounds, the main distinguishing characteristics of which are the large molecular weight and high conformational flexibility of the chain. It is safe to say that all the characteristic properties of such molecules, as well as the possibilities of their application associated with these properties, are due to the above features. In our urbanized rapidly developing world, the demand for polymer materials, mechanical and physical properties, and changes has sharply increased.

**Key words:** Polymers, flexibility, casting, granular product, developed, method, polymerization, dispersion emulsion, suspension, viscosity, molecular weight, initiator эм, emulsion, free radicals

В широком смысле переработку полимеров можно рассматривать как некую инженерную специальность, занимающуюся превращением исходных полимерных материалов в требуемые конечные продукты. Большинство методов, применяемых в настоящее время в технологии переработки полимеров, являются модифицированными аналогами методов, используемых в керамической и металлообрабатывающей промышленности. Действительно, нам необходимо понять все тонкости переработки полимеров для того, чтобы заменить обычные традиционные материалы другими материалами с улучшенными свойствами и внешним видом [1].

Роль полимеров очень велика и мы должны понять необходимость их переработки. Методом литья под давлением производится более трети от общего объема изделий из полимерных материалов. В связи с высокой производительностью и относительно высокой стоимости оснастки в основном применяется при крупносерийном и массовом производстве изделий.

Среди синтетических высокомолекулярных соединений особое место занимает фторсодержащие полимеры. Производство и потребление фторсодержащих полимеров и изделий на их основе постоянно расширяются в связи с возрастанием потребности в этих материалах различных отраслей народного хозяйства. Это обусловлено тем, что фторсодержащие полимеры обладают такими ценными свойствами как высокая хемо-, тепло-, термостойкость и хорошими электроизоляционными и механическими свойствами. В ряду фторсодержащих полимеров определенное место занимает поливинилиденфторид – (ПВДФ) – продукт полимеризации винилиденфторида, который образует весьма тонкие высокопрочные гибкие и прозрачные пленки.

Для получения ПВДФ предложено много методов, но каждый из этих методов имеет свои преимущества и недостатки. В настоящее время одним из основных методов получения поливинилиденфторида является суспензионная полимеризация, так как этот метод имеет ряд преимуществ по сравнению с другими методами. Основными достоинствами этого метода является простота аппаратного оформления производства, лучший отвод тепла, протекание процесса с довольно высокой скоростью, образование порошкообразного и более чистого полимера [1,3].

В настоящее время суспензионная полимеризация принципиально отличается от эмульсионной полимеризации [1,2]. Одним из недостатков полимеризации в эмульсии является трудность коагулирования и выделения полимера из латекса. Во многих случаях при эмульсионной полимеризации образуются очень тонкие, медленно фильтрующиеся осадки, вследствие чего



отделение коагулирующих солей и остатков инициатора становится медленным, дорогостоящим и несовершенным процессом. С целью преодоления этих трудностей и непосредственного получения гранулированного продукта был разработан метод полимеризации в суспензии. Как и при полимеризации в эмульсии, при суспензионной полимеризации система состоит из дисперсной фазы и дисперсионной (суспензированной) среды. Частиц мономера при полимеризации в суспензии гораздо больше, чем при полимеризации в эмульсии и в начале их величина составляет 1-10 мк.

Общим из вышеперечисленных полимерных стабилизаторов является то, что они представляют собой растворимые в воде высокомолекулярные органические вещества с гидрофильной - гидрофобными свойствами. Они концентрируются и ориентируются на границе раздела фаз мономер – вода таким образом, что углеводородные части стабилизаторов направлены в сторону мономера, полярные гидратированные группы направлены в воду и образуют вокруг глобулы гидратные слои [2].

В результате этого снижается поверхностное натяжение и на границе раздела фаз мономер-вода, что облегчает дробление мономера на капли при перемещении и предохраняет слипание частиц в процессе полимеризации. Наиболее известным и распространенным эмульгатором является поливиниловый спирт. Стабилизирующая способность поливинилового спирта зависит от содержания в нем ацетатных групп. Поэтому изучению свойств водных растворов поливинилового спирта (ПВС) в зависимости от содержания в нем ацетатных групп посвящено ряд работ [2].

Эмульгаторы обеспечивают устойчивость эмульсии мономера в начальной стадии суспензионной полимеризации, предотвращают слипание полимерно-мономерных частиц в середине процесса и выполняют роль эмульгаторов суспензии заключительной стадии. Кроме того, тип и концентрация эмульгатора в дисперсионной среде влияют на дисперсность эмульсии, а следовательно, и на размер частиц готового продукта. Полимерные эмульгаторы часто применяют в концентрациях менее 0,1% по отношению к мономеру. Такие количества почти не оказывают влияния на свойства полимера.

Недостаток суспензионной полимеризации - необходимость промывки и сушки гранул и возможность загрязнения полимера остатками эмульгатора; все же суспензионные полимеры обычно содержат значительно меньше примесей, чем полимеры, полученные эмульсионной полимеризацией. Твердые эмульгаторы - высокодисперсные порошки, применяются в количествах от десятых долей до одного процента по отношению к мономеру [1,3].

Из вышесказанного следует отметить, что суспензионная полимеризация виниловых мономеров является одним из самых распространенных промышленных способов производства полимеров.

Из литературы известно [2], что в указанных растворителях растворяется ПВДФ, полученный даже в массе. Поэтому наши результаты не являются неожиданными, а свидетельствуют о хороших качествах суспензионного ПВДФ. Сравнением растворимости ПВДФ, синтезированного различными методами, установлено, что суспензионный ПВДФ характеризуется хорошей растворимостью по сравнению с ПВДФ, полученным в массе.

Это обусловлено, по-видимому, рыхлой упаковкой макромолекул и порошкообразностью суспензионного ПВДФ. Изучение вязкости диметилсульфоксидных растворов полимеров показано, что величина характеристической вязкости и молекулярная масса полимеров зависит от типа применяемых эмульгаторов.

Так, например, при прочих равных условиях синтеза (концентрация инициатора 1,0%, эмульгатора 0,1%, температура 40°C, водный модуль 1:3, время 6 часов) полимер с наибольшей молекулярной массой получается в случае применения стабилизатора – ПВП. (табл.1).

Таблица - 1

Зависимость  $[\eta]$  и молекулярной массы от типа стабилизаторов

| Стабилизаторов                  | $[\eta]$ | Молекулярная масса |
|---------------------------------|----------|--------------------|
| ПВП                             | 0,66     | 30650              |
| Фторсодержащий ПАВ              | 0,51     | 18310              |
| Смесь ПАВ и фторсодержащего ПАВ | 0,35     | 13710              |

С увеличением концентрации инициатора от 0,5 до 1,5% от массы мономера при прочих равных условиях полимеризации  $[\eta]$  молекулярная масса полимеров уменьшается (табл.2).

Таблица 2

Зависимость  $[\eta]$  и молекулярной массы полимеров от концентрации инициатора

| Стабилизатор | Концентрация инициатора от массы мономера, % | $[\eta]$ | Молекулярная масса |
|--------------|--|----------|--------------------|
| ПВП          | 0,5  | 0,68     | 31579              |
|              | 1,0  | 0,66     | 30650              |
|              | 1,5  | 0,50     | 18310              |

Это обусловлено тем, что с увеличением концентрации инициатора, наряду с ростом количества свободных радикалов возрастает и скорость обрыва цепей. Поэтому с увеличением концентрации ДИПДК выход полимера увеличивается, а молекулярная масса уменьшается. Изучение термостабильности ПВДФ, полученного суспензионной полимеризацией, представляет большой интерес в связи со специфическими особенностями фторсодержащих полимеров.

Экспериментальные данные показывают, что полученные образцы ПВДФ являются достаточно термостабильными. В вакууме термический распад начинается при 330°C. При этом за 6 часов нагревания потеря массы составляет всего 3-5%. Показано, что поливинилиденфторид с наибольшим выходом (81,0% при 40°C и 91,6% при 50°C) получается в случае применения фторсодержащего поверхностно-активного вещества. Полимер с высокой молекулярной массой получается в случае ПВП. Наиболее порошкообразный, мелко дисперсный полимер образуется в случае применения смеси стабилизаторов [1,2].

Таким образом установлено, что синтезированные образцы ПВДФ плавятся при 165-175°C, температура начала разложения составляет 320-330°C. При 380°C наиболее термостабильными являются образцы ПВДФ, полученные в присутствии ПВП, что обусловлено различной природой применяемых стабилизаторов [3].

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Освальд, Т. Литье пластмасс под давлением / Т. Освальд, Л.-Ш. Тунг, П. Дж. Грэмман; под ред. Э. Л. Калининцева. – СПб.: Профессия, 2006. -712 с.
2. Крыжановский, В. К. Производство изделий из полимерных материалов / В. К. Крыжановский [и др.]. – СПб.: Профессия, 2004. – 464 с.

УЎК 678.046.39

#### ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ

*С.Ў. Неъматова, магистрант, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро*  
*М.Ш. Тешаева, ўқувчи-стажёр, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро*  
*С.Ш. Исмаилов, к.т.н., доц., Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро*

**Аннотация.** Полимерларнинг иссиқлик таъсирида деструкцияланиши жараёни ҳам эркин радикал механизм асосида боради ва занжир реакциялар турига киради. Масалан, азо- ва диазобирималар каучукларнинг иссиқлик таъсирида деструкцияланишини тезлатади. Каучукларнинг суюлтирилган эритмалари бундай моддалар иштирокида иситилса, фақат деструкция ҳодисаси бўлади. Агар эритмада каучукнинг концентрацияси ошса, макромолекулар тўрсимон ҳолатга келиб, эритма гель ҳолатига ўтади.

**Калит сўзлар:** полимер, олигомер, деформацияланиши, мустаҳкамлик, триботехник, саноат, нанокөмпозитлар, оптимал структура, стратегия, замонавий, янги, маҳсулот, ишлаб чиқариши, юқори сифат, қайта ишлаш, материаллар, илгор технология, сифат кўрсаткичлар, полистирол

**Аннотация.** Процесс термического разрушения полимеров также протекает по свободнорадикальному механизму и относится к типу цепных реакций. Например, азо- и диазосоединения ускоряют разрушение каучуков при нагревании. При нагревании сжиженных растворов каучуков в присутствии таких веществ происходит только деструктивное событие. Если концентрация каучука в растворе увеличивается, макромолекулы становятся решетчатыми, а раствор превращается в гель.

**Ключевые слова:** полимер, олигомер, деформация, прочность, триботехнические, промышленность, нанокөмпозиты, оптимальная структура, стратегия, современный, новый, продукт, производство, высокое качество, переработка, материалы, передовые технологии, показатели качества, полистирол

**Abstract.** The process of thermal destruction of polymers also follows a free radical mechanism and belongs to the type of chain reactions. For example, azo and diazo compounds accelerate the destruction of rubbers by heat. When liquefied solutions of rubbers are heated in the presence of such substances, only a destructive event occurs. If the concentration of rubber in the solution increases, the macromolecules become lattice and the solution turns into a gel.

**Key words:** polymer, oligomer, deformation, strength, tribotechnical, industry, nanocomposites, optimal structure, strategy, modern, new, product, production, high quality, processing, materials, advanced technologies, quality indicators, polystyrene

Республика раҳбарияти ишлаб чиққан, иқтисодий инқирозга қарши дастурни амалга оширишда, саноат маҳсулотларининг техник параметрларини, замонавий кимё саноати материаллари ва самарали технологияларни қўллаш йўли билан оширишнинг илмий асосланган методлари муҳим ўрин тутди. Полимер матрицалар асосидаги композицион материаллар назариясини ишлаб чиқиш муаммосида турли таркиб ва қурилиши кичик ўлчамли зарраларнинг шаклланиши ва ўзаро таъсир механизмларини ва полимерли, олигомерли ва бирлашган матрицали усуллар билан олиш технологияларини тадқиқ этиш муҳим ўрин тутди. Юқори молекуляр боғловчилар асосидаги композитларнинг шаклланишини акс эттирувчи назарий моделларни системали таҳлил қилиб, компонентларнинг таркибини илмий асосда танлаш ва бирлаштириш, буюмларни тайёрлаш ва уларни саноатда қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин. Ҳозирги кунларгача мамлакатимизнинг кимё саноатида полимер (бирлашган, олигомер) матрицалар асосидаги нанокөмпозицион материаллар технологияларидан фойдаланилган эмас. Бу масалалар қўйилган муаммо миқёсида илгари ўз ечимини топмаган ва жуда долзарб ҳисобланади.

Шунинг учун кичик ўлчамли зарралар шаклланишининг физик-кимёвий ва структуравий жиҳатлари ва уларнинг термопластик полимерлар, боғловчи смолаларнинг олигомерлари ва уларнинг аралашмалари асосидаги юқори молекуляр матрицалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш амалга оширилди.

Полимерлардан фойдаланиш жараёнида улар кўпгина қайтар деформацияларга учрайди. Бу вақтда деструкция ҳодисаси ҳам механик-кимёвий жараённинг бир туридир. Механик куч таъсирида макромолекулалар парчаланиб, радикаллар ҳосил бўлади. Бундай макрорадикаллар занжир реакциянинг бошланишига сабаб бўлади. Улар бошқа макромолекулалар билан реакцияга киришади. Энди полимерларнинг иссиқлик таъсирида бўладиган деструкциясини кўриб чиқамиз. Барча полимерлар маълум температурагача ўз хоссаларини ўзгартирмайди. Лекин жуда юқори температурада полимерлар барқарорлигини йўқотиб, яъни парчаланиб, макрорадикалларга ва паст молекуляр моддаларга айланади.


Баъзи полимерлар иссиқлик таъсирида парчаланиб, бошланғич мономер моддаларга айланади. Полимерларнинг бу хосаси макромолекуланинг структураси ва табиатига боғлиқдир.

Масалан, полистирол 300<sup>0</sup>С гача қиздирилса, ундан 65% стирол, полиметилметакрилатдан эса 95% метилметакрилат олиш мумкин. Гетерозанжирли полимерлар қиздирилганда жуда мураккаб деструкция жараёнлари содир бўлиши мумкин.


Масалан, найлон 300<sup>0</sup>С дан юқори температурагача қиздирилса, унинг молекуляр оғирлиги тез камайиб, метан, этан, пропан, бутан, этилен, бутилен ва циклопентанон каби моддалар ажралиб чиқади. Ҳозир бундай деструкцияларни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Чунки уларнинг механизмини ўрганиш полимерлардан саноатда ва турмушда фойдаланиш жараёнида уларнинг эскириш ҳодисаларининг олдини олиш имконини беради.

Кўп атактик полимерларда мономер колдиклар ўзаро а, б («бошқа- дум») боғланишга эга.

Изотактик полимерларда асимметрик углерод фақат бир хил конфигурацияга—*D* ёки *L* шаклга эга бўлади. Бундай тузилиш текисликда куйидагича ифодаланади:




Синдиотактик полимерларда *D* ва *L* конфигурацияли асимметрик углеродлар макромолекула занжирида мунтазам навбатма-навбат алмашиниб жойлашган бўлади:




Изотактик ва синдиотактик тузилишдаги полимерлар умумий — стереотартибли полимерлар гуруҳини ташкил қилади.


Шуни ҳам айтиш керакки, барча юқори молекуляр бирикмалар ҳам мунтазам такрорланувчи бир хил мономер халқалардан ташкил топавермайди, баъзи юқори молекуляр бирикмалар макромолекуласи кимёвий таркиби жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган ва турли тартибда жойлашган элементар халқалардан ташкил топган бўлади. Масалан, таркиби турлича бўлган элементар халқаларни (мономер колдикларини) шартли А, В ва С деб ифодаласак, бундай полимерларнинг структураси куйидагича бўлади:



ёки



Табиий юқори молекуляр бирикмалардан — оксил, лигнин, нуклеин кислоталар ва баъзи полисахаридлар шундай тузилишга эга. Булар *сополимерлардир*. Полимерлар кимёсида синтетик сополимерлар катта аҳамиятга эга. Баъзи сополимерлар макромолекуласида элементар халқалар, юқорида тасвирлангандек бетартиб эмас, балки яхлит узунликдаги блок тарзида жойлашган бўлади:



Таркиби ва тузилиши жиҳатидан бир хил, аммо молекуляр массаси (полимерланиш даражаси) турлича бўлган макромолекулали бирикмалар *полимергоммологик* қаторни ташкил қилади. Амалда ҳар қандай юқори молекуляр бирикма ўзининг турли ўлчамдаги макромолекулаларидан иборат мураккаб полимергоммологик қаторни ҳосил қилади. Ҳозиргача уларни бир хил молекуляр массага эга бўлган аниқ фракцияларга ажратиш имконияти топилмаган. Шунинг учун ҳам, одатда, полимернинг молекуляр массаси ҳақида гап борганда унга кўшимча равишда *тақсимланиш функцияси* деган

тушунча берилади.

Тақсимланиш функцияси 1 грамм полимердаги маълум молекуляр массага эга бўлган макромолекулалар миқдорини кўрсатади ва полидисперсликнинг математик ифодадаги кўрсаткичи ҳисобланади.

Демак, юқори молекуляр бирикмалар кимёсидаги макромолекула тушунчаси, оддий — классик молекула тушунчасидан ўзининг якка молекулага юзлаб ва минглаб атомларни кимёвий боғлар ёрдамида бириктириб олганлиги билан фарқ қилади. Юқори молекуляр бирикмаларнинг молекуляр масса кўрсаткичи муайян бирикмани характерловчи доимий константа бўлмай, балки *ўрта статистик* катталиқдир. Шунинг учун ҳам юқори молекуляр бирикмалар кимёсига *ўртача молекуляр масса* деган тушунча киритилади.

Полимерлар ўз занжирларининг структуравий тузилишига кўра ҳам гуруҳларга бўлинади. Чизиксимон, тармоқланган ва тўрсимон структуравий тузилишга эга бўлган полимерлар алоҳида аҳамиятга эга. Полимерлар иссиқлик таъсирига бўлган муносабатига қараб, термопластик ва терморектив полимерларга бўлинади. Улар эса ўзининг синтез қилиш реакцияларига қараб полимеризацион ва поликонденсацион турларга ажратилади.

Юқори молекуляр бирикмалар бир неча усул билан ҳосил қилиниши мумкин. Бунинг учун дастлабки маҳсулот сифатида қуйи молекуляр табиий ва синтетик бирикмалардан фойдаланилади. Дастлабки маҳсулот мономерлар деб аталади. Мономерларга моноолефинлар, диенлар, ацетилен ва унинг ҳосилалари, баъзи циклик бирикмалар, полифункционал моддалар ҳамда бошқалар қиради.

Юқори молекуляр бирикмалар мономерлардан асосан полимерланиш ва поликонденсатлаш реакциялари орқали олинади. Агар полимер ҳосил қилиш реакцияси учун бир хил мономер ишлатилса, у ҳолда реакция гомополимерланиш ёки гомополиконденсатланиш реакцияси дейилади. Ҳосил бўлган юқори молекуляр бирикма гомополимер дейилиб, унинг молекулалари бир хил тузилишдаги мономер ҳалқаларидан ташкил топган бўлади. Бир хил мономердан ташкил топган гомополимернинг хоссалари кўпинча чекланган бўлади. Улар техниканинг ҳамма талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Турли хоссаларга эга ва турли талабларга жавоб бера оладиган полимер ҳосил қилиш учун, одатда сополимерланиш ва сополиконденсатланиш реакцияларидан фойдаланилади. Бундай реакцияларда икки ва ундан ортиқ турли мономерлар иштирок этади. Бинобарин, ҳосил бўлган полимер молекулалари шу турли мономер ҳалқаларидан ташкил топган бўлади.

Макромолекулада мономер ҳалқаларнинг занжир бўйлаб жойлашиш тартиби ва уларнинг нисбий миқдори реакция учун олинган ҳар бир мономернинг реакцияга киришиш қобилиятига, уларнинг ўзаро миқдорий нисбатларига ва реакция борадиган шароитга боғлиқ.

Ҳозирги кунда полимерларни табиийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар жаҳон бозорида муҳим ўрин тутади. Чунки табиий полимерлардан олинган маҳсулотлар таркибини физик – кимёвий ва сифат кўрсаткичлари юқори баҳоланиланади.

Шундай қилиб, технологик жараёнларни кетма - кетлиги чиқинди полимерларни қайта ишлаб халқ хўжалиги тармоқларида зарурий бўлган маҳсулот олиш учун маҳаллий чиқиндиларни замонавий технологиялар асосида қайта ишлов берилиб, керакли тайёр ашёни ишлаб чиқариш технологиясини амалда жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Polimer science and technology “Robert O.Ebewele CRC Press Vocaraton New York, 2000 y. p.544.
2. Освальд, Т. Литье пластмасс под давлением / Т. Освальд, Л.-Ш. Тунг, П. Дж. Грэмманн; под ред. Э. Л. Калинин. – СПб.: Профессия, 2006. – 712 с.
3. Исматов С.Ш., Тешаева М.Ш., Жураев А.О. Получение композиционных полимерных материалов для сухих пищевых продуктов / Журн. “Вопросы науки и образования”, № 1(13), Москва 2018, стр 19-20.

УЎК 553.611.664

#### ПАХТА МОЙИНИ ТОЗАЛАШНИНГ ЯНГИЧА УСУЛЛАРИ

*С.Ш. Исматов, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро*  
*Д.Қ. Ғуломова, Бухоро муҳандислик-технология институти, Бухоро*

**Аннотация.** Пахта мойини ишқорий нейтраллаш ва технологик тизимни кўринишича усулда тозалаш жараёни нисбий равишда икки босқичда амалга оширилиб, унинг биринчи босқичида хомашё ўзининг таркибидаги айрим қўшимчалардан қисман тозаланилиб, ундан юқори сифатли ва озуқавий истеъмол мойи олинishiга эришилади.

**Калит сўзлар:** рафинация, ишқор, жараён, пахта чигити мағзи, оптимал ишқор эритмалари, фаоллаштириш, энергия ва иссиқлик, нейтрал мой, адсорбент, натрий гидроксиди, оқлаш, электромагнит майдони, истеъмол мойи

**Аннотация.** Процесс щелочной нейтрализации и кажущейся очистки технологической системы хлопкового масла осуществляется в два этапа, на первом этапе происходит частичная очистка сырья от некоторых его добавок.

**Ключевые слова:** рафинирование, щелочь, процесс, ядро семян хлопка, оптимальные щелочные растворы, активация, энергия и тепло, нейтральное масло, адсорбент, гидроксид натрия, отбеливание, электромагнитное поле, потребительское масло

**Abstract.** The process of alkaline neutralization and apparent purification of the technological system of the cotton neck is carried out in two stages, in the first stage of which the raw material is partially purified from some of its additives.

**Key words:** refining, refining, alkali, process, cottonseed kernel, optimal alkaline solutions, activation, energy and heat, neutral oil, adsorbent, sodium hydroxide, bleach, electromagnetic field, consumer oil

Республикамиз ёғ-мой саноати корхоналарида хом ашё сифатида пахта чигити мағзига технологик ишлов берилиб, ундан пресслаш ёки экстракциялаш усуллари билан ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Бундай усуллар билан олинган мой таркибида турлича қўшимчалар мавжуд бўлиб, улар маҳсулотнинг сифатига салбий таъсир этиб, уни истеъмолга яроқсиз ҳолатга келтиради. Шу салбий пахта мойини истеъмол маҳсулотига ўзгартирилиш учун уни турли усуллар билан тозалашади. Ишлаб чиқариш микёсида пахта мойини йўлдош органик бирикмалардан тозалаш учун ишқорий рафинациялаш усули қўлланилиб, бу мақсад учун натрий гидроксиднинг концентранган эритмаларидан фойдаланилади. Ушбу усул билан олинган истеъмол мойи чикими ва сифат кўрсаткичлари билан нисбатан паст баҳоланилиб, уни технологиясини такомиллаштиришни талаб этади. Бундан ташқари натрий гидроксидини танқислиги ва уни четдан харид қилиниши, ушбу ишқорни ўрнини босувчи янгича кимёвий бирикмаларни жорий этилишини талаб қилади. Шу сабабли ушбу ишнинг асосий мақсади пахта мойини янгича турдаги ишқорий эритмалар билан тозалаш усулини жорий этиш ва уни такомиллаштиришдан иборатдир.

Рафинацияланаётган мойнинг жадал оқартирилиши бўёқ моддаларни технологик жараёнларни боришда натрий алюминатидан ҳосил бўладиган алюминий оксидида адсорбцияланилиши натижасида амалга ошади. Янги технологик жараённи жорий этилиши натижасида, рафинациялаш жараёнида сарф бўладиган натрий гидроксидининг сарфи 2...2,5 мартабага камайтирилиб, технологик сарфлар камайтирилишига эришилди. Рафинацияланган мойнинг чикимини ва сифат кўрсаткичларини оширилишига эришилди. Ишқор эритмаларини электромагнит майдонида фаоллаштирилиши натижасида технологик жараён такомиллаштирилиб, энергия ва иссиқлик сарфини камайтирилишига эришилди.

Келтирилган технологик тизимдан кўринишича пахта мойини ишқорий усулда тозалаш жараёни нисбий равишда икки босқичда амалга оширилиб, унинг биринчи босқичида хом-ашё ўзининг таркибидаги айрим қўшимчалардан қисман тозаланилиб, ундан юқори сифатли ва озуқавий истеъмол мойи олинишига эришилади.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун пахта мойини ишқорий усулда тозалаш жараёни натрий алюминати ва натрий гидроксиди эритмаларини бирин-кетин қўлланилиши асосида тажрибаларда ва тадқиқотларда текширилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, пахта мойини ишқорлар таъсирида тозалашнинг қуйида келтирилган янгича технологик тизими жорий этилади:



Тавсия этилаётган бундай технологик тизим натижасида пахта мойини тозалашда қўлланиладиган натрий гидроксидининг маълум бир қисми анъанавий бўлмаган ва ишлаб чиқариш чиқиндиси ҳисобланган натрий гидроксидининг тежалишига эришилади.

Пахта мойини тозалашнинг янгича технологик усулини тадқиқотлар асосида текширилиши учун хомашё, оралик ва тозаланган мойларни сифатини ҳамда физик-кимёвий кўрсаткичларини баҳолаш учун фан соҳасида ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган замонавий баҳолаш усулларида фойдаланилди. Тадқиқотларда турли кислота сонли қуйидаги бошланғич кўрсаткичларига эга бўлган пресслаш усули билан олинган пахта мойидан фойдаланилди: ранги-27 кизил бирликда 35 сариқликда ва 1 см. қалинликда; фосфатидлар миқдори-1,57-1,80%, эркин гиссопол моддаси миқдори -0,34-0,52%.

Тадқиқотларимизда электромагнит майдонидан фойдаланилиб рафинацияланган мойни PU-6 типидagi адсорбент ёрдамида оқлаш жараёнларини амалга оширганда мойни сифат кўрсаткичларини

оширилишига эришилди. Мойни адсорбент ёрдамида оқлашда мой таркибига адсорбент қолдиқлари қолмаслиги, бу оқлаш жараёнини мукамаллашганидан иборатдир.

Натижада юкори сифатли маҳсулот олиниш учун мойни тозаланиш даражаси оширилди ва сарфлар камайтирилди.

Олинадиган тайёр маҳсулот сифати ва технологик тежамкорлиги баҳоланилди.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Технология переработки жиров / Н.С. Арутюнян, Е.П. Корнева и др.- 2-е изд., перераб. и доп. // М.: Пищепромиздат, 1998. - 452 с.

2. Research of changes in the quality indicators of bleached cottonseed oil and its products / S.Sh. Ismatov, Mamatkulov F. G. // Austrian Journal of Technical and Natural Sciences Scientific journal № 3–4 2019 (March– April) p 16-20.

## HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY AND TEXTILE PRODUCTION

*G.N. Arapov, teacher, Termez State University, Termez*

**Annotatsiya.** Maqolada to'qimachilik va to'qimachilik sanoatining rivojlanish tarixi muhokama qilinadi. To'qimachilikni eng qadimgi rivojlanish manbalari, to'qimachilik namunalarining eng qadimgi topilmalari keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** to'qimachilik sanoati, trikotaj buyumlar, to'qimachilik materiallari, mahsulotlar

**Аннотация.** В статье рассматривается история развития текстильной промышленности и производства текстиля. Приведены древнейшие источники развития текстиля, самые древние находки текстильных образцов.

**Ключевые слова:** текстильная промышленность, трикотаж, текстильный материал, продукция

**Abstract.** The article discusses the history of development of the textile and textile industry. The earliest sources of textile development, the earliest finds of textile specimens are given.

**Key words:** textile industry, knitwear, textile material, products

Textile industry (from lat. textile — fabric, matter), one of the oldest and largest branches of light industry that produces various types of vegetable, animal and chemical (artificial and synthetic) fibers of textile fabrics, knitwear, and other products. The textile industry occupies one of the most important places in the production of public goods and meeting the needs of the population. The textile industry includes the following branches: primary processing of textile raw materials, cotton, linen, wool, silk, non-woven materials, foam and jute, netting, textile and haberdashery, knitting, felting and felt. Textile products are used for the production of clothing and footwear, as well as in other industries (for example, furniture, engineering). The production of textiles originated in ancient times. The cultivation of cotton and the manual manufacture of yarn and cloth were known in India, China, and Egypt for many centuries before our era. The textile industry was the first industry to enter the path of machine production. The industrial revolution in the 2nd half of the 18th century began with this branch [1]. Every meter of textile material produced today bears the memory and knowledge accumulated and accumulated over centuries and millennia, during which a person was engaged in one of the oldest technologies. At least six thousand years ago, before the appearance of the first chemical fibers (in the late 19th century), people already knew and used the four most important natural fibers: flax, cotton, wool and silk. Archaeological excavations prove that even at the earliest stages of development, people were able to grow these fibers and process them into products. Thus participating in the struggle for their existence with nature, adapting it to their needs. The first fiber developed and cultivated by man was flax. Five thousand years before the birth of Christ in the valley of the Nile river in the territory of modern Egypt, fabrics were made from flax. Even earlier, our ancestors were able to extract fibers from the stems of bast plants, weave them into similar fabrics and use them to cover their bodies. During the excavations of this settlement in Switzerland, strands of linen fibers, fragments of fabrics and primitive devices were found, with the help of which yarn and fabric were produced. For thousands of years, these materials lay under the silt in the lake water and therefore preserved. The second most important fiber that man mastered was wool. During the Neolithic period (the end of the stone age), people used wool along with flax. The inhabitants of the same ancient settlement in what is now Switzerland raised sheep. The earliest date associated with sheep and wool production, confirmed by excavations, corresponds to 4000 years BC. In the Euphrates valley (ancient Mesopotamia), sheep were raised, wool was spun, and primitive fabrics were woven. In ancient Babylon, woolen fabrics were made, and on the territory of the country of UR (mentioned in the Bible) near the Persian Gulf, archaeologists have unearthed an ancient mosaic depicting sheep breeding. This corresponds to about 3500 BC. The third most important fiber mastered by man is cotton. The first material evidence of its production dates back to 1000 BC, as evidenced by archaeological excavations of a settlement in India. Research shows that cotton began to be used in Egypt several thousand years ago. Merchants imported cotton from India to the middle East, Central Asia, and then to China. The word cotton itself comes from the Arabic word "qoton". One of the mysteries of the development of human civilization remains the question: how did people learn to grow cotton, spin it and weave fabrics from it at the same time on different continents (in Asia and South America, in the country of the ancient Incas - Peru). Even in South America, undiscovered by Europeans, the ancient Incas made cotton fabrics of excellent color design and quality by modern standards. Thus, these technologies were developed in prehistoric times on continents separated from each other by thousands of kilometers. Some scientists believe that this fact is an additional argument in favor of the geological theory of the movement of continents and speculation about the existence of another continent (Atlantis) in the Pacific ocean in prehistoric times. This is, of course, historical speculation, but the fact remains that in Egypt 2500 years BC they were able to make fabrics of the highest quality, not inferior to modern ones. Egyptian mummies of this time were wrapped in a cloth with a density of 540 threads per 1 inch. The best modern English fabrics of this type have a density of

350 threads per 1 inch. The fourth most important natural fiber is silk. Probably, the birthplace of its production was China. Legend has it that the Chinese Empress hen-Ling-Chi (approximately 2600 BC) was the first to discover this remarkable fiber. She accidentally dropped the cocoon into the hot water and saw that silk threads had separated from the softened cocoon. The Empress realized the possibility of using these threads. This is how the ancient culture of sericulture was born, based on the life of the silkworm, which feeds on the leaves of the white mulberry (mulberry). Whether this legend is true or not is not important.

#### REFERENCES:

1. Truevtsev A.V., Agapov V. A. Short course in the history of textile technology: Textbook. -SPb.: spgudt, 2005.-127 p.
2. Mikhailov B. S. Basic principles and laws of technology development: Monograph. – SPb.: spgudt, 2005.-126 p.
3. Buzov B. A., modestova T. A., Alymenkova N. D. Material Science of sewing production. - M.: Light industry and consumer services, 1986.-180C
4. Vinogradov V. V. Grammar of the Russian language. – Moscow: Higher school, 1972. – 237 p.
5. solieva M. A. Lexico-semantic characteristics of textile production terms. /M. A. solieva //Bulletin of the Tajik national University.Ser:Philology. No. 4/6 (97). - Dushanbe, 2012. - Pp. 65-68.
6. Galperin I. R. stylistics of the English language.-Moscow: Nauka, 1981. – 135s.
7. Golovin B. N. Linguistic teaching about terms. –Moscow: V. sh., 1987 – 103 p.

УЎК 93/94

### ЭЛ ОҒАСИ ҚАЛЛИБЕК КАМАЛОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

*Ж. Айтмуратов, доцент, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус*

**Аннотация.** Мақолада Қаллибек Камаловнинг Қорақалпоғистон Республикасига раҳбарлик қилган даврдаги халқ хўжалиги, иқтисодиёти ва маданияти соҳасидаги муаммоларини ҳал қилишдаги хизматига бугунги кун қарашидан баҳо берилади. Ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги Республикамизда санъат қурилиши ва замонавий авто ва темир йул магистралли тизимига эга бўлиши халқимизнинг моддий маданиятининг ривожланишига таъсир кўрсатганини таъкидлайди. Қорақалпоғистон маданият алоқаларининг ва халқлар дўстлигининг ривожланишида бошқа республикаларда ўтказилган маданият ва адабиёт кунларининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Муаллиф мақола мазмунини очиб беришида шу давр воқеаларини бошидан кечирган давлат ва маданият арбобларининг мемуар асарларидан ва архив манбаларидан фойдаланган.

**Калит сўзлар:** эл оғаси, халқ таълими, университет, фан, маданият, санъат, театр

**Аннотация.** В статье оценивается роль Каллибека Камалова в решении проблем народного хозяйства, экономики и культуры в период его руководства в Республике Каракалпакстан с сегодняшней точки зрения. Следует отметить, что в 60-70-х годах прошлого века в Республике имея сферу искусства, строительства и современной системы автомобильных и железных дорог повлияло на развитие материальной культуры нашего народа. Обсуждается значение Дней культуры и литературы проведенные в других Республиках для развития культурных связей и дружбы народов Каракалпакстана. При раскрытии содержания статьи автор использовал мемуары и архивные источники государственных и культурных деятелей, переживших события этого периода.

**Ключевые слова:** глава народа, народное образование, университет, наука, культура, искусство, театр

**Abstract.** The article assesses the role of Kallibek Kamalov in solving the problems of the national economy, economy and culture during his leadership in the Republic of Karakalpakstan from the current point of view. It should be noted that in the 60-70s of the last century, the development of art, construction and modern road and railway systems in the Republic influenced the development of the material culture of our people. The significance of the Days of culture and literature held in other Republics for the development of cultural ties and friendship of the peoples of Karakalpakstan is discussed. When revealing the content of the article, the author used memoirs and archival sources of state and cultural figures who survived the events of this period.

**Key words:** Head of the people, national education, university, science, culture, art, theatre

**Қириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 6 ноябрь куни Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Шароф Рашидов ёдгорлигининг очилиш маросимида бўлиб ўтган тантанали кечада сўзлаган нутқида "Бу улуг инсон собиқ мустабид тузум даврида турли тазийқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди" [1] - деб баҳоласа, республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Шароф Рашидов яшаган даврни "Сандон билан болға ўртасига қўйилган эди" [2] - дея талқин қилиши чорак аср давомида зиддиятли ва оғир дамларда Қорақалпоғистон Республикасини бошқарган Қаллибек Камаловнинг раҳбарлик қилган даврларига берилган адолатли ва ҳаққоний баҳо эди. Бинобарин, 80-йиллар ўртасида Собиқ Иттифоқ шароитидаги катағонлик жараёни ўз халқига садоқат билан хизмат қилган давлат арбоблари турли хил тухмат ва азобларга дучор этилди.



Ижтимоий тузум зулумларига қарамасдан меҳнаткаш халқимиз, қолаверса, жонкуяр раҳбарларимиз жонбозлиги сабаб амалга оширилган буюк ишлар нафақат бугунги кунда катта аҳамият эга, балки келажак авлод учун ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Масалан: Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда Ўзбекистонда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёван, Сурхон-Шеробод чўллари ўзлаштирилган бўлса, Қаллибек Камалов Қорақалпоғистонга раҳбарлик қилган даврларда Жамбасқала, Эллиққалъа, Қирққиз худудларида минглаб гектар ерлар очилиб, янгидан Нукус тумани, Қанлиқўл, Бўзатов ва Эллиққалъа туманлари очилди. Янгидан 25 та шолчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар қурилиб, [3] - у ерларнинг барчасига асфальт йўллар ётқизирилиб, мактаб ва болалар боғчалари барпо этилди, чўл-у биёбон ўрнида сўлим боғлар яратилди. Қаллибек Камаловнинг Республикамизнинг халқ хўжалиги, иқтисодиёти ва саноати соҳасида катта ютуқларга эришишида, ўз навбатида Марказдан ва Ўзбекистон ҳукуматидан давлат бюджетидан маблағ ажратишга эришиши ўз халқи келажак учун фидойилик ва жасоратнинг буюк намунаси бўлди.

Қ.Камаловнинг Республикамиз маданияти ривожига йўлида қилган ишларини айтиб ўтадиган бўлсак 1966-1984 йилларда 170 та янги мактаб қурилди. Агар, 1965-1966 ўқув йилида 4 та касб хунар коллежи бўлиб, уларда 1600 нафар ёшлар таълим-тарбия олган бўлса, 1983-1984-йилларга келиб касб хунар коллежлари сони 45 тага, ўқувчилар сони эса 18 минга етди.

1970-йиллар охирига келиб республикамизнинг халқ хўжалиги, иқтисодиёти, саноат, савдо, ижтимоий ва маданият соҳаларида хизмат этадиган тегишли билим ва малакага эга мутахассислар билан таъминловчи 18 та касб-хунар коллежлари очилиб, ўрта махсус таълим даргоҳлари сони 25 тага етди.

1958 йили 11-12 январда бўлиб ўтган XVI Қорақалпоғистон областлик партия конференциясида Қорақалпоқ давлат институти базасида университет очиш масаласи ҳукумат вакиллари олдига тавсия этиб қўйилган эди [4]. Аммо, ўша даврдаги ҳукумат раҳбарлари бу масаланинг ечилишида жонбозлик кўрсатиш ўрнига, лоқайдлик билан қарашди.

**Асосий қисм:** Қаллибек Камалов республикамизнинг халқ хўжалигини замонавий агротехник услубда ривожлантириш учун, олий маълумотга эга етук мутахассисларнинг зарур эканини ҳукумат вакиллари олдида исботлаб берди ва 1966-1967-йиллардан бошлаб педагогика институти базасида университет ташкил этиш ишига бел боғлади. Бу масалада Қаллибек Камалов Ш.Рашидовнинг қўллаб-қувватлашига эришиши, Москвадаги бир неча раҳбарлар билан учрашиши ва беш йил давомида университет очиш масаласини ҳал этиш йўлидаги қаттиятлик ҳамда иттифоқ партия марказий комитети сиёсий бюросининг 9 нафар аъзосини кўндиришга эришгани ўз халқи олдидаги фидойий хизматининг олий намунаси бўлиб ҳисобланади [5].

1974 йили 26 февралда университетнинг очилиши ҳақидаги қарор қабул қилингандан кейин, шу йилнинг декабрь ойида Қаллибек Камалов ўша даврдаги Собиқ Иттифоқ Олий ва ўрта махсус таълим вазири Вячеслав Петрович Елютиннинг қабулига университет таркибида янги мутахассисликлар очиш ва уларни ўқитишда моддий-техник базасининг аҳволини кўрсатиб бериш масаласида (пединститут ректори) Тажен Изимбетов билан бирга ўн биринчи марта киришини [6] эсга олади. Бизлар 1975 йилнинг ёзида Университет бош биносининг пойдевори солинаётган пайтда 25 августгача қурилиш гуруҳида бўлдик, иш вақтида бизларни эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқат билан таъминлади. 45 кунни яқунлаб қурилишдан қайтган кунимиз №166-трест раҳбари Василий Тимофеевич Стефанюкнинг ва Абдулла Бекмановнинг иштирокида ҳар бир талабага 300 сўмдан пул берилди. Ўша пайтлари Қаллибек Камаловнинг шахсан ўзи ҳар куни қурилиш бошига келиб хабар олиб турарди (муаллиф).

Қанча қийинчиликлар билан очилган университетни Ҳакимбек Салихов Қорақалпоғистонни бошқариб турган даврда 1989-йили республика кўмитаси пленумида “Қорақалпоққа университетнинг нима кераги бор? Бу ерга юридика факультетининг нима кераги бор? Қорақалпоқда ўқитувчилар етишмайди, пединститут керак” деб университетни ёпиш учун таклиф билдирган ва овозга қўяётган пайтида жонкуяр раҳбар Султамурат Қаниязов ва республика партия комитетининг иккинчи котиби Дмитрий Дмитриевич Берковларнинг қатъий қарши туришига қарамасдан, [7] ўша даврдаги партия комитетининг котиби Ҳакимбек Салихов Собиқ Иттифоқ халқ таълими бўйича давлат кўмитасининг коллегиясига «Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст. Республикага университетнинг кераги йўқ, ҳозир фақатгина педагог кадрлар билан таъминласак етарли ... Университетни тарқатиб, педагогик институтга айлантиришимиз зарур. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун университетга компетенциявий аттестация ўтказишингизни илтимос қиламиз» [8] деган мазмунда хат йўллади. Бу каби қўпоровчилик ҳаракат ва ниятларнинг амалга ошмай қолишига ва университетнинг юксак малакали мутахассислар таёрлаш хизматини давом эттиришда ўша пайтдаги университет ректори профессор Қуёанышбай Ўтениязовнинг қатъиятлик билан қилган хизматлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Шуни ҳам айтишимиз жоизки, Қ.Камалов республикамизда нафақат университетни очиш билан чекланиб қолмасдан, янги фан докторларининг таёрланиши ва уларнинг илмий монографияларининг нашриётдан чоп этилишига катта ёрдам берди. Хаттоки докторлик диссертациясини ҳимоя қилганларнинг айримларига университет ёнида қурилган янги коттедж уйлар билан таъминланишига эришди.

1970 йилларда ҳозирги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг янги биноси қурилатган пайтда, янги типдаги бу лойиҳани бундан олдин Нальчик шаҳрида ишга туширилган театрнинг намунасини келтиради. Янги услубда қурилган театр лойиҳаси асосида Қорақалпоқ давлат мусиқали театрининг янги биноси қад кўтара бошлайди. Театр қуриб битказилгунга қадар Қ.Камаловнинг ўзи ҳар кун хабар олиб турарди. Энг сифатли қурилиш материалларини Россиядан келтириб, кўркам ва мустаҳкам театр қурилиб битказилишига эришилди.

1974 йил охирида янги бинонинг очилиши ва Қорақалпоғистоннинг автоном Республика статусини олгани муносабати билан қўшни давлатлар Туркменистон, Қозоғистон республикалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтади. Ўша пайтда Ўзбекистон Республикаси раҳбари Шароф Рашидов "Бу театр, Ўзбекистондаги энг яхши, кўркам театрлар қаторига қиради" [9] - деб баҳо беради.

Қаҳрамонимизнинг республикамизда маданият ва санъатни ривожлантириш йўлида қилган хизматлари ҳақида, Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган маданият ходими, театр фахрийси, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Аманияз Жужимбетов Қаллибек Камаловнинг республикамиздаги ижодкор ва зиёлиларга бўлган эътиборини қуйидагича таърифлайди- «У пайтлари "Ўзбекистон халқ артисти" унвони энг камида 45-50 ёшга тўлмаганларга берилмас эди, катта унвон ҳар бир инсонга катта вазифа юклайди. Қаллибек Камалов, истеъдод эгалари меҳнатларининг кадрлигини кўришсин, халқига яна ҳам муҳаббат билан хизмат этсин деган маънода Қуўатбай Абдиреймов, Қидирбай Сайпов, Байрам Матчанов, Атажон Худайшуқуров, Нажиматдин Ансатбаев, Пўлат Мадреймов, Тамара Дошумова ва бошқа шу сингари ёшларга унвон олиб беришга эришди» [10] дея хотирлайди.

Ҳақиқатдан ҳам Қаллибек Камалов миллий бадиий адабиётимиз вакиллари хизматини қадрлаб ва юксак баҳолаб қўймасдан, миллий маданиятимиз ва адабиётимизнинг бутун дунёга танилишига ҳисса қўшди ва бевосита бош-қош бўлди. Ўша пайтлари миллатлараро тотувлик ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда маданият кунларини ўтказиш дастурга айланди. Бу каби маданий тадбирларни ўтказишда Москва, Тошкент шаҳарларидан таниқли адиблар чақиртирилди. Жумладан, Собик Иттифоқи халқ артисти, "Баҳор" ансамблининг бадиий раҳбари Тамарахоним, балетмейстер М.Турғунбаева, Г.Измайлова, Л.Петросова каби санъаткорларнинг республикамизга ташриф буюриши миллий санъатимизнинг янада ривож топишида ва тажриба орттиришида катта мактаб бўлди. Ҳаттоки ҳар бир номерга бир неча эскиз тайёрланиб, улар орасидан яхшилари танлаб олиниб, уларнинг кийимлари Москвадаги катта театр сахнасида тикилди [11].

Республика раҳбарининг қўллаб-қувватлаши ва имконият яратиб бериши натижасида 1968-йили Хоразм вилоятида, 1969-йили февраль ойда Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати кунлари ўтказилиб, 1973-йил охирида республикамиз санъаткорлари Москва шаҳридаги катта театрда миллий санъатимизни намойиш қилишди.

Кейинчалик дастурга айланган бу анъана 1977- йили Башқурстанда, 1978-йили Қизил Ўрдада, 1981-йили Татаристонда, 1982-йили Тошкент шаҳрида, 1984-йили Доғистонда Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати кунлари муваффақиятли ўтказилди. Бу маданият кунларига тайёргарлик кўриш жараёнида чет эл мусиқа асбобларига эҳтиёж сезилди, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Байрам Матчанов билан бирга Москвага бориб чет эл савдо вазири орқали 30 минг АҚШ доллари ўтказилиб, Япония, Франция, Англия, Германия давлатларидан мусиқа (чолғу) асбоблари келтирилди. 1977-йили Қорақалпоқ халқининг атоқли классик шоири Бердақ таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб Тошкент, Москва шаҳарларида ўтказилган тантанали маросимлар миллий маданиятимизнинг дунё бўйлаб таралишида муҳим аҳамият касб этди. Бердақ таваллудининг 150 йиллигини нишонланишидан олдин Қ.Камалов бошчилигида «Бердақ номидаги давлат мукофотини таъсис этиш ҳақидаги» қарор қабул қилиниб, бу масала юзасидан ҳукумат раҳбарларидан розилик олинди.

Шунингдек, Қ.Камаловнинг бевосита раҳбарлигида 1964-йилнинг 5-ноябрь санасида биринчи кўрсатувни эфирга узатган Нукус телестудияси учун 1967-йили икки қаватли бино қуриб битказилиб, янги студия замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Баландлиги 152 метрлик антеннанинг қурилиши яқунланди [12]. 1977-йилнинг 4-ноябрь санасидан бошлаб Қорақалпоғистон телевидениясида илк бор рангли кўрсатув намойиш этилди ва "Лотос" типдаги кўчма телестанцияга эга бўлди.

Қорақалпоғистоннинг фидойий ва жонқуяр раҳбари "Ел юрт" ордени соҳиби Қ.Камаловнинг миллий маданиятимиз ва санъатимизга бўлган эътибори, ўзи раҳбарлик қилган 60-80-йиллардаги воқеалар акс этган («Қорақалпоғистон» 1995, «Билим» нашриёти, 2018) Хотиралар китобидан миллий маданиятимиз тарихи акс этган қимматли маълумотларни олсак бўлади. Бу китобдан ўрин олган ҳар бир бобда, ўз даврида халқимиз келажаги учун садоқат билан фаолият юритган раҳбар кадрлар Қ.Камаловга устозлик қилган Пиржан Сейтов, Метеке Жуманазаров ва Наўрыз Жапақовларнинг жонқуярликлари таърифланган. Муаллифнинг халқ хўжалигида кўрик ерларни ўзлаштиришда, асфальт ва темир йўл қурилишидаги, шаҳар қурилиши ва дипломатик ишлардаги хизматлари ҳақида ўқиганимизда бир инсон умрига сиғмайдиган фаоллик, истеъдод ва маҳоратни кўрамиз.

Асардаги "Билим ақл чироғи", "Университетни очиш билан боғлиқ муаммолар", "Илми элга нур ёғар", "Санъат - элнинг кўрки", "Тил, адабиёт ва тарих ҳақида ўйларим", "Биз меҳмондўст халқимиз" ва "Юртимиз ёшларига насиҳатларим" деб номланган бобларида республикамизда ўзи раҳбарлик қилган даврдаги фан, олий таълим, санъат ва маданиятнинг халқлар дўстлигини

ривожлантиришга ҳисса қўшган воқеалар ҳақида сўз юритилади. Бугунги ёш авлодни замонавий билимга эга бўлишга, ўзликимиз ва миллий маданиятимизга садоқат руҳида тарбиялашга чорлайдиган тил, адабиёт ва тарих ҳақидаги фикрлари катта аҳамиятга эга. Муаллифнинг иккинчи маротаба нашрдан чиққан асарида республикаимизда мустақиллик даврида қўлга киритилаётган ютуқларга ўз муносабатини билдиради. Қ.Камаловнинг 29 босма табоқдан иборат 450 бетлик, хотиралар асарида республикаимизда фан ва таълим ривожланишига доир ҳамда қорақалпоқ халқининг тарихига тегишли янги маълумотлар билан бойитилган. Масалан "Илмли элга нур ёғар" (Нукус «Илм» 2010й. 92-бет) асарида XX аср биринчи ярмида республикаимизда илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган миллий зиёлиларимиз фан докторлари Нажим Даўқараевни "Илм ва ақл чироғи, элимизнинг кўрки эди" - деб баҳолагани, атоқли фольклоршунос Қалли Айимбетовни "Халқ даналығын қастерлеп өткен алым" дея таърифлайди. Ушбу асарида Қалли Айимбетовнинг илмий фаолиятига назар ташлаб унинг филолог, этнограф, актёр, ёзувчи, публицист, ҳарбий, педагог, профессор, таржимон бўлиб, ўз даври нимани талаб қилса, ўша ерда ҳозир, кўп қиррали истеъдод эгаси [13] эканлигини далиллайди. Н.Даўқараевнинг ҳаётига доир олимнинг асарларини сиёсий қатағон айбловларини, унинг хизматларини йўққа чиқаришга қаратилган ҳаракатлардан сўз юритиши ва бу ҳолат Қ.Айимбетовни ҳам четлаб ўтмаганини ёрқин фактлар билан кўрсатиши бугунги ёшларимизга қорақалпоқ маданияти, адабиёти ва илм-фаннинг ривожига қатор қийинчиликлар билан бугунги даражага етишгани ҳақида маълумот беради.

Эл оғаси ўз асарида Нажим Даўқараевнинг Қорақалпоғистон халқининг илм-фан, адабиёт, санъат, таълим соҳасини ривожлантириш йўлидаги хизматларини эътироф этар экан, Н. Даўқараев номидаги давлат мукофотини таъсис этиш, олимнинг ўзига «Буёқ хизматлари учун» орденини бериш, унинг фаолият юритган ерларида мемориал эсталик ўрнатиш, олий ўқув юртлирида Н.Даўқараев номидаги стипендия жорий этиш ва Н.Даўқараевга ёдгорлик ўрнатиш масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритгани [14] бугун ҳам жамоатчилик олдида ўз ечимини кутиб турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Муаллиф ушбу асарида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердақ номидаги Давлат мукофоти лауреати Тилеўберген Жумамуратовнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги фаолиятига баҳо беришда шоирнинг “импровизатор, лирик, философ, сатирик, драматург, публицист, таржимон, олим, яъни саккиз қиррали шоир” эканини таъкидлаб ўтаркан шоирнинг оғзаки ва ёзма меросини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва баҳолаш кераклигини айтиб ўтади. Қ.Камаловнинг республикаимизни бошқарган даврдаги маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссасини бир мақола орқали ўрганиш қийин, шу сабабли Қ.Камаловнинг халқимиз олдидаги хизматларини ҳар бир соҳа вакиллари кенг турда ўрганса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Хулоса:** Мақолага хулоса қилиб, республикаимиз маданияти, санъат ва илм-фан соҳасида қуйидагича ютуқлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. *Биринчидан*, Халқ таълими соҳасида мактабларнинг моддий-техник базаси янгиланди. Ҳар бир фан бўйича олий маълумотга эга мутахассис педагоглар таъминланди. Ўша даврда ўрта мактабни битирган ёшлар Собик Иттифокнинг марказий шаҳарлари бўлган Тошкент, Москва, Алма-ота, Санкт-Петербург, Таганрог, Киев шаҳарлари олий ўқув юртлирида таълим олиб келишди. *Иккинчидан*, Қ.Камаловнинг жонқуярлиги ва фидоийлиги билан республикаимизда ўз вақтида ягона олий ўқув юрти бўлган Қорақалпоқ давлат педагогика институти университетга айлантирилди. Бугунги кунда 45 йиллик тарихга эга Қорақалпоқ давлат университети республикаимиздаги 9 та олий ўқув юртининг очилишига асос солди. Ҳозирги пайтда университетда бакалавр таълим йўналиши бўйича 56 та, магистратура йўналишида 32 та мутахассислик бўйича юқори билимли кадрлар тайёрланмоқда. *Учинчидан*, ўтган асрнинг 80-йилларида республикаимиздаги фан номзодлари сони 400 га, фан докторларининг сони 50 га етди. Улардан учтаси М.Нурмухаммедов (1974), С.Камалов (1979-й), Ч.Абдиров (1989-й) Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Я.Досумов (1956-й), И.Сагитов (1966-й), Ж.Базарбаев (1989-й) ва А.Бахиев (1989-й) ЎзР ФА муҳбир аъзолари бўлиб сайланди [15]. Яъни бу даврда Қорақалпоғистонда табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшган олимлар мактаби пайдо бўлди. *Тўртинчидан*, миллий санъатимиз ривожига 1974-йили ишга туширилган Бердақ театри бугунги кунда академик мусиқали драма театрига айланди. Ўзбекистонда тўртинчи ўринда бўлган ушбу театр халқимизнинг қанчадан-қанча истеъдод эгаларини кашф қилган. Моҳир ва иктидорли санъаткорлар етишиб чиққан катта санъат даргоҳига айланди. *Бешинчидан*, ўша даврда ўтказилган маданият кунлари миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг дунё бўйлаб тарқалишига ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Натижада, Собик Иттифок халқ артисти Айимхан Шамуратова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъаткорлар Н.Муҳаммединов, Қ.Сайипов, Г.Тлеумуратов, Қ.Заретдинов, Қ.Абдиреймов, А.Худайшукуров, Б.Матчанов, Н.Ансатбаев, П.Мадреймов, Г.Сиримбетова, Т.Дошумова, М.Хўжаниязовлар фақатгина республикаимизда эмас, балки Бошқуртстан ва Татарстан халқ артисти унвонларини олишга эришдилар.

*Олтинчидан*, Эл оғаси Қаллибек Камаловнинг "Қорақалпоқ халқининг тарихи ҳақида янги манбалар" асарида («Қарақалпоқ халқининг тарихи ҳақида янги манбалар» [16] Қорақалпоғистон халқи тарихининг янги талқини, айниқса, Собик Иттифокнинг қайта куриш сиёсати даврида Марказдан қилинган тухматлар, раҳбар кадрларнинг ноҳақдан жазоланиши ҳақидаги маълумотлар, ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиш, адолат мезонлари асосида

баҳолаш кераклиги ҳақида қимматли тавсияларни беради. Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири И.Юсупов Қ.Камаловнинг 80 ёши билан муборакбод этиб куйидаги сатрларни битган эди:

Ел көркейтиў болды максет-мурадың,  
Искер азаматлар басын курадың,  
Татыўлықтың дәнин сеўип бәрхама,  
Туўысқанлық, дослық болды ураның.  
Эзийз журт басымыз хўрметлеп сизди,  
Тилге алды елге хызметинизди,  
Халық умытпас, умытсада басқалар,  
Жан кўйдирип қылған мийнетинизди

деб таърифласа, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси М.Нызанов ўзининг “Ақсоқол” номли шеърида

«Халқым мәдениятты терең уқсын деп,  
Хаўазасы жети ықлымды тутсын деп,  
Қарақалпақты пүткил жәхән билсин деп,  
«Дирижёры» өзиң болдың ақсақал»

дея таърифлаганидек, ўтган асрнинг 60 йилларигача ортда қолган Қорақалпоғистон ўлкаси биз сўз юритган йилларда пахта-шолиси тебранган, йўллари асфальт қилинган, хонадонларга свет ёнган, поезд вокзали, университет ва маданият саройлари қурилган, саноати ва қурилиши ривожланган фаровон элга айланди. Шундай даражада халқимиз ва келажак авлодларимиз учун ишланган эзгу ишларнинг бошида туриб эл оғаси Қаллибек Камалов шу йилларнинг прораби ва дирижёри бўлди. Бугунги мустақиллик даврида фидойи меҳнатларининг мевасини қураётган халқимиз эл оғасига ўз миннатдорчилигини билдириб, хўрмат иззат билан тилга олиб, юз йиллик тўйини бирга нишонлашни ният қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. Тошкент «Ўзбекистон» НМИУ 2018-й 255-бет.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.1.-Т.: Ўзбекистон 1996-й. 93-бет.
3. Қ.Камалов. Ел хызметинде Нөкис «Билим» баспасы, 2018-ж. 147-бет.
4. Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесининг Архиви Фонд.1 опись. 22, дело.177, лист 137
5. Базарбаев Ж. «Әдиўли ел ағасы, пидайы инсан». Нөкис «Қарақалпақстан» 2006. 12-бет
6. Қ.Камалов Ел хызметинде. Нөкис. «Билим» баспасы, 2018-ж 358-бет.
7. Султамурат Қаниязов. Алтын жағыс. (Мемуар). Нөкис «Билим» баспасы, 2006-ж, 283-285 бет.
8. Қуўанышбай Өтениязов «Ойларыма өзеклес өмирим» (Мемуар). Ташкент «Академия» баспасы 2001-ж 85-бет.
9. А.Жўзимбетов. Исми теберик ақсақал. Нөкис. «Билим» баспасы, 2018 жыл. 13-бет.
10. А.Жўзимбетов. Исми теберик ақсақал. Нөкис. «Билим» баспасы 2018 жыл 14-бет
11. Қ.Камалов. Ел хызметинде. Нөкис. «Билим» баспасы, 2018-жыл 404-бет.
12. Мадреимов Т. Телевидение жәриялылық куралы. Нөкис «Қарақалпақстан», 1989. 39 бет.
13. Қ.Камалов. Илимли елге нур жаўар. «Илим», 2010ж. 55-бет
14. Қ.Камалов. Илимли елге нур жаўар. Нөкис. «Илим» 2010ж 42-бет
15. Қарақалпақстанның жаңа тарийхы Қарақалпақстан ХИХ әсирдиң екінши ярымынан ХХИ әсирге шекем. Нөкис. «Қарақалпақстан» баспасы, 2003-жыл 379-бет.
16. Қ.Камалов «Қарақалпақ халқының тарийхы ҳаққында жаңа дереклер». Нөкис. «Билим», баспасы 2020ж 84-бет.

УЎҚ 93/94

### ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ТОТАЛИТАР ТУЗУМИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИДА ИНҚИЛОБИЙ ТРИБУНАЛЛАРНИНГ ЎРНИ

*О.Х. Жайнаров, докторант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада совет ҳокимиятининг ўлкада суд-ҳуқуқ тизимида олиб борган сиёсати, шунингдек, Туркистонда инқилобий трибуналларнинг ташиқил қилиниши ва фаолияти, уларнинг ваколатлари, айбдорларга нисбатан қўлланилган жазо чоралари каби масалалар ёритилган. Бундан ташқари инқилобий трибуналларнинг совет ҳукумати душманларини йўқотишида алоҳида ўрин тутганлиги кўплаб архив манбаларидаги маълумотлар асосида кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, совет ҳокимияти, суд тизими, инқилобий трибуналлар, Олий ва вилоят инқилобий трибуналлари, жазо

**Аннотация.** В статье рассматривается политики советской власти в судебной системе края, а также создание и деятельность революционных трибуналов в Туркестане, их полномочия, приговоры, назначаемые виновным. Более того, тот факт, что революционные трибуналы сыграли особую роль в уничтожение врагов советской власти, была показано на основе информации из многих архивных источников.

**Ключевые слова:** Туркестан, советская власть, судебная система, революционные трибуналы, Высшие и областные революционные трибуналы, приговор

**Abstract.** *The article describes the policy of the Soviet government in the judicial system of the region, as well as the creation and activities of revolutionary tribunals in Turkestan, their powers, punishments imposed on the perpetrators. Moreover, the fact that the revolutionary tribunals played a special role in the extermination of the enemies of the Soviet regime was shown on the basis of information from many archival sources.*

**Keywords:** *Turkestan, Soviet power, the judiciary, revolutionary tribunals, High and provinces revolutionary tribunals, punishment*

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам ўлка суд тизимида чуқур ўзгаришлар амалга оширилмади. Дастлаб совет судларининг вазифасини шаҳар ижрокўмлари таркибида ташкил этилган тергов комиссиялари ҳамда халқ инқилобий судлари ва инқилобий трибуналлар бажарди.

Янги суд тизими большевиклар дохийси В.И. Ленин фикрича "...аввало эксплуататорларга қарши курашда асосий ўрин эгаллаши ҳамда жамиятда кучли интизомни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим эди" [1]. Шу сабабли совет ҳокимияти томонидан дастлаб инқилобий судлар ташкил қилинди. Инқилобий судлар Муваққат ҳукумат вакиллари ва унинг тарафдорларини, шунингдек, совет ҳокимиятига қарши бўлган шахслар устидан суд ишларини олиб боришган. Улар айбдорларга нисбатан ҳайфсан эълон қилиш, 3 ойдан 3 йилга қадар қамок жазосини тайинлаш, ҳарбий хизматдан бўшатиш, 3 йилдан 20 йилгача қаторга ишларига жўнатиш каби жазолар тайинлаш ваколатига эга бўлган [2].

1917 йил ноябрда Туркистон ҳарбий-инқилобий қўмитасининг буйруғи қабул қилиниб, унга кўра давлат ва халқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган барча давлат ва жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар – халқ душмани деб эълон қилинадиган бўлди [3]. Ушбу буйруқ халқ инқилобий судлари учун Туркистонда совет ҳокимияти муҳолифларини жазолашда муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

Большевикларнинг ўзлари мутлақ камчиликни ташкил этадиган ўлкадаги иктидорини фақат мутлақ кўпчилик аҳолини ташкил этувчи мусулмонлар устидан зўравонлик йўли билангина сақлаб туриш мумкин деб ҳисоблашган [4]. Фавқулодда кенг ваколатларга эга бўлган инқилобий трибуналлар айнан шу мақсадда ташкил қилинди. Инқилобий трибуналларнинг вазифасини В.И. Ленин ўзининг 1917 йил 14 декабрда қилган маърузасида белгилаб берган эди [5].

ТАССРда дастлабки трибунал суди 1918 йилнинг 21 февралда Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси (МИК) томонидан қабул қилинган "Тошкент инқилобий трибунали тўғрисида"ги Низом асосида ташкил қилинди. В. Вотинцев трибунал судининг биринчи раиси этиб тайинланди [6].

Инқилобий трибуналлар таркиби раис ўринбосари ҳамда икки нафар маслаҳатчилардан иборат бўлган. Инқилобий трибунал раиси ва ўринбосари 3 ой муддатга, маслаҳатчилар эса 1 ой муддатга сайланган. Инқилобий трибуналларда қораловчи вазифасини тергов комиссияси вакили бажарган.

Дастлабки даврларда инқилобий трибуналлар томонидан айбланувчини жаримага тортиш, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш, мол-мулкни мусодара қилиш, мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш ва бошқа жазо чоралари қўлланилган [7]. Бироқ кейинчалик улар томонидан қўлланилган жазо турлари кенгайиб борганлигини кўриш мумкин.

Туркистон МИКнинг 1918 йил 18 сентябрдаги чиқарган декретига мувофиқ ўлканинг йирик шаҳарларида ҳам инқилобий трибуналлар ташкил қилина бошланди [8]. Уларнинг таркиби раис, олти нафар маслаҳатчилардан иборат бўлиб, номзодлар маҳаллий советлардан танлаб олинган. Маҳаллий инқилобий трибуналларга жиноий ишларга нисбатан ҳаттоки, ўлим жазосини қўллаш ваколати ҳам берилди.

Оғир сиёсий жиноятларни кўриб чиқиш учун эса Туркистон МИКнинг 1918 йил 14 сентябрдаги қарори асосида Олий инқилобий трибунал тузилди. Унинг биринчи раиси этиб эса К. Сорокин сайланди [9]. Олий инқилобий трибунал таркиби раис, унинг 2 та ўринбосари, 3 та доимий суд аъзолари ва 2 та котибдан иборат эди. Уларнинг барчаси Туркистон МИК томонидан тайинланган ва вазифасидан озод қилинган. Шунингдек, унинг таркибида уч кишидан иборат жамоат қораловчилари ҳам бўлиб, улар маҳаллий Кенгашлар томонидан Адлия халқ комиссарлигининг тавсияси асосида сайланган. Номзодларга қўйиладиган асосий талаблардан бири улар Туркистон Коммунистик партиясининг аъзолари бўлиши шарт эди.

Олий инқилобий трибунал ўз фаолиятини Адлия халқ комиссарлиги томонидан ишлаб чиқилган декрет ва йўриқномалар асосида олиб борган.

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Олий инқилобий трибунал айбланувчига нисбатан жазо тайинлашда чекланмаган ваколатга эга бўлиб, унда асосан сиёсий жиноятлар ҳамда чайқовчиликка оид ишлар билан бир қаторда совет ҳукуматида бефарқ бўлганлиги, совет қонунларини бажармаганлик, порахўрлик, безорилик, ноқонуний қурол савдоси, аксилинқилобий ҳаракат, пул белгилари ва ҳужжатларни қалбакилаштириш, давлат маблағларини ўзлаштириш каби жиноий ишларни ҳам кўриб чиққан [10].

1918 йилнинг охирига келиб Туркистон Республикасида инқилобий трибуналларнинг марказлашган тизими шакллантирилган бўлса, кейинчалик алоҳида тармоқларга ихтисослашган трибунал судлари ташкил қилинди. Хусусан, 1919 йилда ҳарбий трибунал, 1920 йилда эса темир йўл трибунали фаолияти йўлга қўйилди.

Ўлкада совет ҳокимиятига қарши кучайиб бораётган миллий истиқлолчилик ҳаракати большевикларни инқилобий трибуналлар тармоғини ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтиришга мажбур қилди. 1919 йил 6 майда ТАССР МИҚ томонидан қабул қилинган “Вилоят инқилобий трибуналлари ва унинг бўлимлари тўғрисида”ги Низом айнан шу мақсадга хизмат қилди. Низом асосида ўлканинг барча вилоятларида вилоят инқилобий трибуналлари ташкил қилинди [11]. Вилоятлар миқёсида совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар олиб борган шахслар устидан ҳукм чиқариш уларнинг асосий вазифаси қилиб белгиланди.

Вилоят инқилобий трибуналлари таркибида штат бўйича қуйидаги лавозимлар мавжуд эди: трибунал раиси (вилоят ижроия кўмитаси томонидан уч ой муддатга сайланган), унинг ўринбосари, трибунал аъзолари, терговчи, бош котиб, котиб, суд маслаҳатчилари бошқарувчиси, архивариус, иш юритувчи, таржимон, рўйхатга олувчи (регистратор), машинистка, курьер, қоровул (куролли), ивзошчи-отбоқар, супурувчи [12].

Юқоридаги Низомга асосан вилоят инқилобий трибунаlining бир нафар аъзоси вилоят фавкулодда комиссияси томонидан тайинланиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, вилоят ижроия кўмиталарига мавжуд шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда инқилобий трибуналлар таркибига ўзгартириш киритиш ваколати берилди. Бироқ ушбу Низом ҳам инқилобий трибуналларнинг суд фаолиятини тўла тартибга келтира олмади.

1920 йил 18 мартда Туркистон МИҚнинг “Инқилобий трибуналлар тўғрисида”ги яна бир Низом қабул қилинди [13]. Ушбу Низомга асосан инқилобий трибуналлар эндиликда вилоят марказларидан ташқари вилоятнинг йирик шаҳарларида ҳам ташкил қилина бошланди.

Инқилобий трибуналлар ташкил қилинишидан то тугатилгунга қадар улар томонидан қўлланиладиган жазо турлари сони кенгайиб борганлигини кўриш мумкин. Дастлабки даврда айбланувчига нисбатан инқилобий трибуналлар олий жазони қўллаш ваколатига эга бўлмаган. Бироқ, кейинчалик уларга маҳкумга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ҳуқуқи ҳам берилди. Шу ўринда таъкидлаш керак, 1919–1922 йилларга оид архив манбаларидаги маълумотларга кўра инқилобий трибуналлар томонидан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ўлим жазосини тайинлаш йилдан йилга кўпайиб борган [14]. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, инқилобий трибуналлар томонидан чиқарилган ҳукм ва қарорларнинг муҳокама қилинмаслиги совет ҳокимияти қонунларида белгилаб қўйилган эди.

Ўлкада инқилобий трибуналлар фаолиятидаги ўзбошимчаликлар маҳаллий аҳолининг совет суд тизимига нисбатан норозилигининг кучайишига сабаб бўлди. Натижада 1920 йилнинг 2 февралда “Инқилобий трибуналлар тўғрисида” янги Низом қабул қилинди [15]. Низом асосида Туркистон МИҚ ҳузурида Кассация трибунали ташкил этилди. Унинг ташкил этилиши трибуналлар фаолиятидаги тартибсизлик ва ўзбошимчаликларга қисман бўлса-да барҳам берди.

Ушбу даврга келиб инқилобий трибуналларда асосан Халқ Комиссарлари Совети (ХКС), Фавкулодда комиссиялар (ЧК), Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) ҳамда Ишчи-деҳқон инспекциялари (РКИ) томонидан юборилган ишлар кўриб чиқилган. Бундан ташқари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг маъмурий, ҳарбий ва фуқароликка тегишли масалалардаги мурожаатлари ҳам кўрилган. Ҳарбий трибуналларга ҳарбий жиноий ишлардан ташқари босқинчилик, безорилик ва шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ҳам юклатилган.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, бу даврда фуқаролар асосан фавкулодда комиссиялар ва инқилобий трибуналларнинг қарори асосида озодликдан маҳрум қилинган [16]. Содир этилган жиноятларнинг кўпчилиги ўз мансабини суистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган (жами жиноий ишларнинг 30,8%). Қолган жиноий ишларнинг 15% ини мулкни талон-тарож қилиш, ўғирлик ва бошқа шунга ўхшаш жиноятлар, 8,3% сиёсий жиноятлар, 5,2% шахсга тажовуз қилиш, 2% чайқовчилик, 38,7% ини эса бошқа жиноятлар ташкил қилган [17].

Инқилобий трибуналлар фаолиятида ҳам порахўрлик, ўз ваколатларидан шахсий манфаатларда фойдаланиш ҳолатлари рўй берганлигини кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд инқилобий трибунали оғир жиноятлар билан озодликдан маҳрум этилганлардан жуда кўпчилигини пора эвазига муддатидан олдин озод қилганлиги, инқилобий трибуналлар фаолиятини тафтиш қилиш пайтида аниқланган [18].

Компартиянинг 1921 йилда бўлиб ўтган XI Бутунроссия съездида жойларда инқилобий қонунчиликни янада кучайтириш, айбдорларга нисбатан кескин жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу съезднинг қарорлари асосида суд тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, 1921 йилдан бошлаб Туркистондаги барча инқилобий судлар ягона суд тизимига киритилиши белгилаб берилди. Шунингдек, халқ судлари ва инқилобий трибуналлар ҳузуридаги тергов комиссияларининг фаолияти тугатилди [19]. Уларнинг ўрнида эса алоҳида тергов бўлимлари ва терговчи лавозими жорий қилинди.

РСФСР МИҚ томонидан 1921 йил 25 августда қабул қилинган Декрет асосида мустақил совет республикалари, автоном республикалар ва автоном вилоятларга инқилобий трибуналлар ва бошқа махсус судлар фаолиятини марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш мақсадида олий суд муассасаларини ташкил қилишга руҳсат берилди [20]. Ушбу Декрет асосида 1922 йил 27 июнда Туркистон МИҚ махсус Декрет ишлаб чиқди. Декретга кўра МИҚ ҳузурида Пленум, кассацион ва суд коллегияларидан таркиб топган Олий трибунал фаолияти йўлга қўйилди [21]. Олий трибунал ТАССР

суд аппаратининг жойлардаги бўлимларининг хўжалик шароитларини яхшиланишига хизмат қилиши, Қизил армия қисмларида шунингдек, темир йўл ва дарё транспорт тизимида назоратни кучайтириши лозим эди.

1923 йилда Туркистон МИҚ томонидан “ТАССР суд тузилиши тўғрисидаги Низом” қабул қилинди [22]. Ушбу Низом асосида 1923 йилдан бошлаб, Туркистон АССР даги барча трибуналлар, хусусан, вилоят, ҳарбий, темир йўл, МИҚ хузуридаги кассацион ва олий инқилобий трибуналлар фаолияти тугатилиши белгилаб қўйилди. Уларнинг вазифалари эса РСФСР Олий судининг Туркистон бўлими зиммасига юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, совет ҳокимияти ўлкада инқилобий трибуналлардан ўз душманларини йўқотишда фойдаланди. Улар совет суд тизимининг бир бўғини ҳисобланган бўлса-да, аслида Туркистонда большевиклар террор сиёсатининг фаол амалга оширувчиси ҳамда тоталитар тартибот муҳофазасида ҳал қилувчи ва чекланмаган ваколатларга эга бўлган алоҳида давлат органи бўлиб қолди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ленин В. Полное собрание сочинение. Т. 27. – С. 191.
2. Наша газета. 1917 г. 9 декабря.
3. Документы Великой Октябрьской революции. – М., 1938. – С. 309.
4. Саломов Ш. XIX-XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ. – Тошкент: Истиклол нури. 2017. – Б. 90; Chokaev M. Turkestan and the Soviet Regime // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1931. Vol. 18. – Pp. 403-420.
5. Ленин В. Полное собрание сочинение. Т. 27. – С. 317.
6. Тошкент вилоят давлат архиви (Тошкент ВДА), 2-фонд, 1-рўйхат, 234-иш, 8-варақ.
7. Расулев А. Создание и развитие советского суда в Узбекистане. – Ташкент: Госиздат, УзССР, 1957. – С. 57.
8. ЎзМА. Р-17-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 51-54-варақлар.
9. Nayit Baymirza. Some problems of Modern Turkistan History. – Dusseldorf: East European Research Institute, 1963. – P. 22.
10. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1036-иш, 72-варақ.
11. Известия ТурЦИК. 1919 г. 20 мая.
12. ЎзМА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 945-иш, 132-варақ.
13. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 81-83-варақлар.
14. ЎзМА, Р-344-фонд, 3-рўйхат, 2-иш, 80-варақ.
15. Известия ТурЦИК. 1920 г. 13 февраля.
16. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-руйхат, 54-иш, 35-варақ.
17. ЎзМА, Р-17-фонд, 1-руйхат, 54-иш, 37-варақ.
18. ЎзМА. Р-344-фонд, 3-руйхат, 11-иш, 5-8-варақлар.
19. Абдуллаев А. Амударё бўлимида сиёсий-маъмурий бошқарув ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар (1873–1924 йй.): Тарих фанлари. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 123.
20. СУ РСФСР, 1921 г. № 62. – С. 442.
21. Комолов Д. Туркистон АССР суд тизими тарихи (1917 – 1924 йиллар). Тарих. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 80.
22. История советского государства и права Узбекистана. Т. I. (1917–1924 гг.). – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1960. – С. 496.

УДК: 2-37.141.336 (575.172)

#### КАРАКАЛПАКСКИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛИ ТАРИКАТОВ (ИСТОЧНИКИ XVIII-НАЧ. XX ВВ.)

*М.А. Карлыбаев, к.и.н., Каракалпакский научно-исследовательский институт Гуманитарных наук Каракалпакского отделения АН РУз, Нукус*

**Annotatsiya.** *Qoraqalpoqlarning mang'it urug'idan bo'lgan Yesim va Besim eshonlar avloddan avlodga o'tib kelayotgan tasavvuf vakillaridir. Yesim eshon Toshkent atrofida faoliyat yuritgan Nurqurban Aziz shayxning muridi bo'lgan, uning o'g'li Besim eshon esa qoraqalpoqlarning qandekli urug'idan bo'lgan Suyin eshonga qo'l bergan. Yesim va Besim eshonlar hozirgi Qoraqalpog'iston Respublikasi Chimboy tumanining Qamisariq xo'jaligi hududida masjid va madrasalar qurdirgan.*

**Kalit so'zlar:** *Islom, tasavvuf, eshonlar, qoraqalpoqlar, tarix, din*

**Аннотация.** *Есим и Бесим ишаны из каракалпакского рода мангыт являются потомственными представителями суфизма. Есим ишан был последователем Ташкентской школы Нуркурбан Азиз, тогда как его сын Бесим ишан был мюридом каракалпакского ишана Суйин ишана из рода кандекли. Есим и Бесим ишан имели мечеть и медресе на территории современного хозяйства Камысарык Чимбайского района Республики Каракалпакстан.*

**Ключевые слова:** *ислам, суфизм, ишаны, каракалпаки, история, религия*

**Abstract.** *Yesim and Besim Ishans were are hereditary representatives of Sufism from the Mangit clan of Karakalpak. Yesim Ishan was a follower of the Nurqurban Aziz shayx in Tashkent neighborhood, and his son Besim Ishan was the murid of Karakalpak Suyin Ishan from the Qandekli clan. Yesim and Besim Ishan had mosque and madrasah in the settlement named as a Qamisariq of the modern Chimbay district of the Republic of Karakalpakstan.*

*Key words: Islam, sufizm, Islamiy, Karakalpakstan, tarix, din*

С обретением Независимости наш народ получил возможность восстановить духовные ценности, переосмыслить исторические вопросы. Все то, что было создано нашими предками в течение многих веков – философия, религиозное мировоззрение, нравственные нормы, достижения в сфере науки, литературы и искусства – все, что составляет сегодня наше богатое культурное, научное и историческое наследие.

Сегодня вопрос изучения истории исламской религии, ее влияния на общественно-политическую и культурную жизнь народа является одной из самых интересных научных проблем. Значимость подобных исследований заключается еще в том, что Ислам является не только частью культуры народа, но и был и остается активной социальной силой, способной оказывать большое влияние на жизнь общества.

Нельзя сказать, что вопросы религии Ислама в истории Каракалпакстана не изучались. Ряд исследований были посвящены различным аспектам взаимоотношения ислама и повседневной жизни населения Каракалпакстана. Однако эти работы отличались влиянием идеологической конъюнктуры, в контексте атеистического воспитания населения. Тем не менее общую картину бытования ислама у каракалпачков в прошлом можно составить на основе разрозненных и обрывочных сведений, сообщаемых в самых разных публикациях. Имеющиеся материалы, в основном, носят фрагментарный характер, которые требуют систематизации.

Ислам за многовековую историю прочно вошел в быт, регулировал этико-правовые, морально-нравственные нормы, превратился в образ жизни.

Города Хорезма Кят, Гурганж за свою многовековую историю превратились в центры исламской культуры и науки. В Хорезме был организован дом ученых, которым руководил выходец из Кята Абу Райхан Беруний. Архитектурные памятники (мавзолеи, минареты, медресе и др.) того времени свидетельствуют о степени распространения и уровне развития исламской культуры в регионе.

С образованием Хивинского ханства Хива становится как политико-экономическим, так и культурно-образовательным центром ханства. Хивинские медресе пользовались большой популярностью среди населения ханства и его кочевой и полукочевой периферии наравне с Бухарскими. При изучении истории ислама региона складывается впечатление, что в Бухару уезжали, в основном, интересовавшиеся тарикатом, а исламское богословие изучали и получали звания знатоков ислама (ахунов и казиев) в Хивинских медресе.

Укреплению веры, распространению религиозной культуры, образования служили представители суфийских тарикатов – ишаны.

Некоторые из них достигли большой известности, и не только среди самих каракалпачков. Исследователь К.Е. Бендриков писал, что каракалпачские ишаны, “получившие образование в бухарских медресе, навязав белые повязки на высокие черные каракалпачские шапки, партиями разъезжали по кочевьям туркмен и казахов” [1; С.32].

После завоевания ханства Россией в конце XIX века царская администрация начинает вести политику по контролю за религиозной жизнью народов Туркестана. Ведутся сборы статистических данных в целях усиления надзора над действиями имамов, ишанов, мударрисов и мадахов, собирают тщательные сведения о мусульманских учебных учреждениях, могилах святых, размерах ежегодного хаджа, количестве ишанов, количестве их мюридов и т.д. [9].

Так, судя по статистическим данным конца XIX века в Амударьинском отделе проживало 93 ишана с 784 мюридами [8]. Судя по списку, почти все ишаны принадлежали ордену “Хуфия”.

В поименном списке ишанов встречается только одно имя ишана Исхака Глеубаева из ордена “Джахрия”.

Автором был собран обширный полевой материал по районам Каракалпакстана в этнографических экспедициях, в ходе которых были применены методики качественных исследований: интервьюирование и участвующее (включенное) наблюдение. Используются также архивные источники. Привлечены материалы фондов Центрального Государственного архива Республики Узбекистан (ЦГА РУз), Рукописного фонда фундаментальной библиотеки Каракалпачского отделения Академии наук Республики Узбекистан (РФФБ ККОАНРУз) как источниковая основа для статьи.

В своих предыдущих работах мы затрагивали вопросы, касающиеся других каракалпачских представителей суфизма: Каракум ишанов, Имам ишана, Атаулла ишана, Суйин ишана и др. [3; 4; 5; 10].

В этой статье мы приводим историю представителей суфийской династии семьи Есимовых из каракалпачского рода мангыт согласно семейной генеалогии.

Вкратце содержание генеалогии сводится к следующему: (две версии генеалогии хранят потомки ишанов) их предок Колибай Хафиз и его сын Шоңай ишан похоронены в Туркестане на кладбище Ахмада Яссави. Сын Шоңай ишана Нурмухаммед получил иршад от пира Нуркурбан Азиз ишана из Акташа (под Ташкентом). Из-за постоянных набегов казахских ханов он переселяется к Жанадарьинским каракалпачкам (1215 г.х., т.е. в 1800/01). Нурмухаммед ишан захоронен на Жанадарье.



Его сын Есим ишан позже заселяется у берегов канала Кегейли. Долгое время у него была мечеть – полуземлянка. Со временем он становится мюридом сына учителя своего отца – Хадый ходжа ишана.

После смерти отца Бесим становится мюридом Суйин ишана из каракалпакского рода кандекли и в 1290 г.х. (1873) (по другой версии в 1315 г.х., т.е. в 1897/98) получает иршад. У Бесим ишан была мечеть, которую он построил в 1313 г.х. (1895/96), и медресе в 1318 г.х. (1900/1901). К сожалению, в силу понятных политических и экологических причин XX в. здания мечети и медресе до сегодняшних дней не сохранились.

По сведениям других информаторов, сын Бесим ишана Кудайберген ишан женился на дочери Суйин ишана [6].

Имена Бесим ишана и его отца Есим ишана упоминаются как Беш Мухаммед махдум и Иш Мухаммед ишан махдум из рода мангыт в документах хивинских ханов 1286 г.х. (1869/70) [2; с. 168, 170], 1287 г.х. (1870/1871) [2; с. 205-206], 1289 г.х. (1872/1873) [2; с. 289].

Внизу приводим генеалогическую родословную ишанов по семейным записям, сделанным в 1963 году:

[Стр. 1]. *Тарийх. ... Көлибай Хафыз атамиз Шоңай ийшан атам Түркистан // ўалаятында болган. Яғный мадфун яғный өлген хәм қойылган// жери Түркистан Хожя Ахмет Яссавийда мадфун болган // оның углы Нурмухаммед ийшан қарақалпақ қазақ минан жаў // отыра билмай хәм қарақалпақ көшип Жаңадарья бойына // келип жерленип (то есть заселился-МК), жер егип 1215 жылы отырған. Оннан соң // бирнеше жылдан соң.. // Кегейли бойына көшип келип Кегейлиниң еки жағына // айрылып қонған. Көп жыл арадан көшкен соң // жер бөлим болып бийлер, пуқаралар көп даў жәнжел менен // жерлерин бөлип кенегес-мангыт Кегейлиниң күн батарына // жерлескен қытай-қытшақ олар күн шығарысына жерлескен. // Нурмухаммед ийшан бабамиз Жаңадарья бойында мархұм болган // яғный шул жерде қойылган. Оның углы **Есим ийшан** атамиз // жер мешит етип отырған бирнеше жылдан соң атамиз аҳли // тарийқ[ат] болуны ираде етип яғный суўфы болуны қасд етип//*

[Стр. 2] *атасының фийрин излеп Шаш деген юрт Ташкенниң күншығарында// болады Нурмухаммед атамиз Нурқурбан Азийз ийшанымызга суўфы болган// Бул бабамиз хәм атасының пийрин излеп бала шағаларын таслап // баллары яш қалған. **Досум ата, Баймбет атам, Бесим ийшан атам** // шуларға қарамай ... мүсәпир болып яғный жол жүрип // бирнеше күннен барған атасының пириниң углы Хадый хожя ийшанга // суўфы болып 7 жыл истиқамат етип 7 жылдан соң пири // рухсат берген яғный иршад берип фатиха берип айтқан: «Қолыңны көтар// саган бир фатиха берейин ишя Алла таала сенга Алла тала бир парзант// бергей атын Бабақаландар қойғыл» деп фатиха берген. 1268 жылы (1851/52 гг.– МК) // иршад язып берген ондан соң бабамиз қайтқан үйине сағ-саламат // аман-есен үйине келген мамамиз 50 йашында екен. 51 йашында // туўған атын **Бабақаландар** қойған. Оннан соң **Бесим ийшан** атамиз // Суйин ийшанымызга барып суўфы болган. 1290 жылда иршад берген // **Досум атамиздан** еки угыл болган бири **Нурым**, бири **Хабибулла мақсым** // **Нурым мақсымнан** [хәм] **Ниетулла мақсымнан** бала қалған жоқ. **Хабибулла мақсымнан** // еки бала қалды. Бири өлди, бири **Узақ мақсым** бар. **Бесим ийшан** атамиздан төрт угыл болған. Бири **Ораз ата**, екіншиси **Худайберген атамиз**, үшіншиси **Абдижамил мақсым**, төртіншиси **Имамаддин мақсым**. **Бесим ийшан атамиз** 1333 жылы (1914/15 гг.-МК) // дүньядан өтті. Азийз мақсымнан угыл қалған жоқ. Бир қыз қалды, аты **Захийра** // **Абдижамил мақсымнан** бир угыл бар **Мнажатдин мақсым**. **Имамаддин мақсымнан** бир*

[Стр. 3]. *Бир угыл бар аты **Сражатдин мақсым** бар. **Баба атамнан Бахауаддин мақсым**. Бауаддин// мақсымнан **Тажетдин, Раўажатдин**. **Тажетдин мақсымнан** бир угыл, бир қыз бар // углының аты **Юнус**. Ахун ага Бесим ийшан атамизга суўфы болған, иршад // берген. 1331 (1912/13 - МК) жылы иршад берген. Ахун ага 1929 жылы дуньядан // өтті. Худайберген ахун ийшанымыздан үш угыл бар бири **Караматдин мақсым** // бири **Низаматдин** екіншиси **Салиматдин мақсым**. Нурмухаммед ийшан бабамизның иниси//нен болған **Қосбармақ**, **Қосбармақдан** еки угыл болған. Бири **Досум**// бири **Мырзан**. **Досымнан** қыз бар, қыздан **Аллаберген, Қадирберген** бар. // Мырзаннан **Қабыл, Камал**. **Қабылдан Сарсенбай**, **Камалдан Жуманияз, Аманияз**// **Шоңай ийшаннан** айырылады **Атайбоз**. **Атайбоздан Досум атам** болған. // **Досумнан Адил, Абдимурат** атамның алты баласы болған. Оннан бир бала // қалған – **Қалий**. **Қалийдан Сейдан**. **Сейданнан Хожабай**. **Досумның иниси // Ешбан**. **Ешбан баласы Халмурат**. **Халмурат баласы Дали, Хаким, Отенияз** // **Атайбоздан** үш угыл болған. Бири **Досум**, екіншиси **Айтым**, үшіншиси **Тилеў суўфы**. // **Тилеў суўфыдан Даулет** суўфы, екіншиси **Ернияз суўфы**, үшіншиси **Бекнияз**, төртіншиси // **Мустафа** аллаҳи ағлам бис-саўаби. **Бекнияздан** бала жоқ бир қыз бар // **Ернияздан Тажетдин**. **Исмайылдан** үш угыл бар **Муптилла, Бегдулла // Абдинайым**. 1963. 8/III/*

2-вариант.

...*Колбай хафыз унинг углы Шоңай ийшан булар неше айлар нече жыллар ўатан // етиб ултурганлар бирнеше жыллардан сунг Колбай хафыз дуньядан өткен // Хожя Ахмед Яссавий макбараларында дафн этган оннан бирнеше жыллардан сунг Шоңай ийшан // атамиз дуньядан өткен шул атамизны хәм Колбай хафыз ийшанымызның // қашида дафн еткан. Шоңай ийшанымызның углы Нурмухаммед махсум атасының // махсум болып жүрген ондин кийин суўфы болыўды арыз етиб фир излаб Ташканиң // күншығарында Чаш деган юртында Нурқурбан Азийз деган // шайхқа барып*

инабат еткан яъни суўфы булиб неше жыллар хызматында булган... // оннан кейин ийшанымыз рухсат еткен иршад бериб фатиха берган неча жыллар шейх // лық етиб отырған нече жыллардан сунг Нурмухаммед ийшан бабамыз... ийшан булуб // нече мурийдлар янида хизматин еткан оннан кейин қарақалпақлар қазақ минан жау // отыра билмай Жаңадарья бойына кошиб келиб отырған. Бабамыз Нурмухаммед ийшан // Жаңадарья бойына масжид салыб отырған бирнеше жыл арадан өткеннен кейин // Нурмухаммед ийшан бабамыз дуньядан өткен сол Жаңадарья бойында дафн еткан. // Сол атамизның аўлийешилик аўлие болып машхур маъруф болган Нур ийшан хэм Нурата деп хазирги заманда да машхур маъруф болып турған оннан кейин // қарақалпақ хәммелери көшкен Нурмухаммед ийшан бабамыздың уғлы Есим ийшан // бул хэм қарақалпақлар минан бирге көшип Кегейлиниң еки жағына ер қылып // қонған Есим ийшанымыз Кегейлиниң кунбатарында 10 шақырым жерге барып // жер мешит етип отырған, оннан кейин Есим ийшан атамиз суўфы болыўын арыз етип// атасының фирин излаб кетиўге қас еткан Есим ийшан атасының уш уғлы болган//

[Стр. 2]. бири Досум атам, иккинши Баймбет атам, ушинши Бесим ийшан атам. Буларды қудай та Аллаға // тапсырып ... деп жолға тусип раўана болды. Нече кунлер нече ай//лар манзил... қылып Ташикентниң кун шығысында Шаи деген юртқа // атасының фирин тапыб Нурқурбан азизниң уғлы Хадый хожса ийшанымызға барған // инабат еткан яғный суўфы болып 7 жыл хызматында болып, 7-ши [жыл] отканнан // кейин иршад берган кетарда Хадый хожса ийшанымыз ... жуш уруб // айтқан «Кулингни кутар, кел сенга бир фотиха берайн: Инша Алла тала бир фарзандли // булурсан, атын Баба Қаландар қойғыл»-деп фатиха берган, иршадын қолына берген, иршад язылған ўақты 1268 бир мингда икки юз алтмиш // саккизинчи жылы иршад языб берген оннан сонг қарақалпақ еки айырып булып // кенегес мангит Кегейлиниң кунбатарын ер[ине] жерлескен, қытай-қыпшақ Кегейлиниң кун// шықарында жерлескен. Көп даў жәнжел менен, оннан сонг Бесим ийшан атамиз // отырған жеринен көшип, хазирги отырған жерге мешит салып отырған // бирнеше жылдан сонг Есим ийшан атамиз дуньядан өткеннен сонг Бесим ийшан // атамиз атасына суўфы болалмай, Суйин ийшанымызға барып суўфы болган.// бирнеше жылдан сонг Суйин ийшанымыз иршад берген, иршад берген ўақты // 1315 бир мынг да уш юз он бесинши жылда иршад берген. Баба атам Бесим ийшан атамиз суўфы // болган ахун ага Бесим ийшан атамиз суўфы болып ийшан атам өз қолы бирлан иршад берган // иршад берган ўақты 1331 бир мынгда уш юз отыз биринши жылы берган, масжидни // салган жылы 1313 бир мынгда уш юз он ушинши жылы салган, медресени // салган жылы 1318 жылы салган оннан сонг бирнеше жылдан кейин ийшан //

[Стр. 3]...ийшан атам дуньядан өткен ўақты 1335 (1916/17 гг.-МК) бир мынгда уш юз утуз бесинши жылы яғни раўана жылы //дуньядан өткан оннан сонг бирнеше жылдан сонг ахун ага дуньядан // өтди, өткен ўақты 1349 (далее прописью указана 1359 г. - МК), 1928 бир мынгда уш юзда елли тоққызынши жылы // дуньядан өтди // Бесим ийшан атамнан төрт уғыл болган, бири // Ораз атам, екинши Худайберген ийшан, ушинши Абдижамил махсум, төртинши // Имамаддин махсум. Худайберген ийшанымыздан уш уғыл болган бири Низамаддин, // бири Карамаддин махсум, ушинши Салимаддин махсум. Баба атамнан Бахауаддин махсум // Бахауаддин агадан Тажеддин, Раўажаддин. Тажеддиннен бир уғыл бир қыз бар.// Абдижамил агадан бир уғыл бар – Мнажаддин, Имам агадан бир уғыл бар – Сиражаддин. // Досум атадан еки уғыл бар- бири Хабибулла махсум, бири Нурум махсум, Хабибулла // Хабибулла агадан еки уғыл бар бири Узақ махсум бири, Жолдас махсум. // Жолдас махсум олди. Нурум махсумнан, Ниетулла махсумнан бала қалган жоқ// Ораз атамнан Абдулазиз махсум, бир қыз- аты Захира. Нурмухаммед ийшан // атамиздан ... Қосбарақ, Досум. Қосбарақтан Мырзан, //Хожан. Хожаннан бала қалган жоқ. Мырзаннан Кабыл, Камал. Кабылдан Сарса//нбай. Камалдан Жуманияз, Аманияз қалды. Шоңай ийшаннан айырылады: // Атайбоз, Саксанбай. Атайбозның уғлы Досум, Айтым. Досумның уғлы // Адил, Абдимурат. Адилниң уғлы Раим, Бердимурат, Яқшым. Раимнан бала жоқ. Абдимурат//дан бала жоқ. Досум мирабниң иниси Ешман суўфы. Ешман суўфынан Калмурат. // Калмуратның уғлы Дали, Хаким, Отенияз. Сексенбайның уғлы Тилеумурат. // Алламурат, Жумамурат (Қуумурат? Жаумурат?), Тилеу суўфының уғлы Даулет, Бекнияз, Ернияз. Даулет уғлы // Али. Бекнияздан бала жоқ. Ернияздан Тажаддин. Мустафаның // уғлы Нураддин. Алламураттан баллар жоқ, қыз бар. Қыздан нәрсе жоқ.// Жумамураттан Шуманай (?). Шуманайдан Бекмурат, // Баймурат, Турдақ. Бекмураттан Қайратдин, Баймураттан // ... Қутыш. Турдақ дан Турсунбай, Орынбай // Аллаһу ағлам ағламу биссаўаби. 10/III 1963 // 1384 махе шаўал 15 [7]

В заключении хотелось бы отметить, что у каракалпаков до недавнего времени развитие религии было тесным образом связано с суфизмом. Ишаны и шайхи проявляли инициативу по строительству мечетей и медресе, способствовали изучению религиозных и мировых наук, были духовными наставниками, другими словами, становились сподвижниками Ислама.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. Москва: Изд. АПН РСФСР, 1960, с.32
2. Брегель Ю.Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Москва: Наука, 1967. 540 с.
3. Карлыбаев М. Каракалпақларда тарийқат ўәкиллери // Вестник ККОАНРУз, 2019. №1. Сс.106-112
4. Карлыбаев М. Медресе Каракалпакии в XIX-начале XX вв. Нукус: Билим. 2002.
5. Карлыбаев М. О двух иршадах – нисбатномаи Хваджагон Накшбандия.// Вестник МИЦАИ. 2018, №27;

6. Полевые записи автора № 3 за 1995 г. Чимбайский район.
7. Полевые записи автора № 7 за 1995 г. Чимбайский район.
8. ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 11, д.1725, лл. 167-172.
9. ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 11, д.1727, л.81
10. Karlybaev M. L'Instruction musulmane et les ishan chez les Karakalpaks du XIX e siecle. // Cahiers D'Asie Centrale, Tashkent -Aix-en-Provence, 2002, № 10, СС.177-191

УЎК 93/94

## ТУРИЗМ РИВОЖИДА ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*М.Ш. Мансуров, PhD, ТДТУ Қўқон филиали, Қўқон*

**Аннотация.** Ушбу мақолада туризмнинг ривожланиши хусусиятлари ҳамда унда инсон темпераментининг аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, хориж мамлакатларида “туризм психологияси” нинг фан сифатида ривожланиши жараёнлари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** туризм, туризм психологияси, тур, эхтиёж, темперамент

**Аннотация.** В статье рассказывается о развитии туризма и важности человеческого темперамента. Анализируются процессы развития «психологии туризма» как науки в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** туризм, психология туризма, тур, потребность, темперамент

**Abstract.** The article describes the development of tourism and the importance of human temperament. The processes of development of "psychology of tourism" as a science in foreign countries are analyzed.

**Key words:** tourism, psychology of tourism, tour, need, temperament

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоғи сифатида эътироф этилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, туризм илмий жиҳатдан кенг тармоқли ва фанлараро йўналиш бўлиб, бу фақатгина иқтисодиёт йўналиши сифатида қараш хато бўлади. Чунки инсон энг аввало саёҳатга руҳий сокинликка эришиш, хаётий ташвишларни унутиш ҳамда дам олишга бўлган эхтиёж натижасида чиқади. Бу ўз навбатида туризмнинг психологик томонларини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Инсон қайси омиллар таъсирида саёҳатга чиқиши, саёҳат эхтиёжи, саёҳат мақсади, саёҳатнинг тури ва гуруҳлар муҳим аҳамиятга эга. Саёҳатнинг ушбу томонларини таҳлил қилмасдан туризмни ривожлантириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам айни вақтда “туризм психологияси” тушунчаси шаклланди ҳамда ривожланган мамлакатлардан Буюк Британия, АҚШ, Россия каби давлатларда алоҳида фан тармоғи сифатида қаралмоқда.

Сайёҳлар энг аввало ноёб табиат қўйнига амалга ошириладиган саёҳат натижасида инсон томонидан ўзгартирилган ва яратилган масканларнинг уйғун ҳолатига дуч келади. Бу айниқса, тарихий-маданий туризм доирасида шаҳар ва қишлоқларга амалга оширилган экскурсиялар натижасида кўпроқ намоён бўлади. Ҳар бир жой ва макон инсон кайфиятига турлича психологик таъсир кўрсатади ҳамда инсон турли гўзалликни ўзгача хис қилади ва онгида турлича намоён бўлади. Бу ўз навбатида туризмнинг психологик аспектларини ташкил этади. Туризмнинг турли йўналишлари бўйлаб ҳаракатлар динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг саёҳат мақсади унинг маънавий онги, юксак ахлоқий қарашлари, иродаси билан бевосита боғлиқ ҳолатда шаклланади ҳамда танланади.

Саёҳат йўналиш ва турларини танлашда сайёҳнинг жисмоний ҳамда руҳий тайёргарлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан экстремал туризм турларини танлашда асосан ёш хусусияти алоҳида ўринга эга. Жумладан, ҳар қандай сайёҳ учун энг муҳим масала унинг хавфсизлик даражасининг қафолатлангани ҳисобланади. Чунки яшаш жойидан соғлом ҳолда чиққан сайёҳнинг соғлом ҳолда уйга қайтиши ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Бу ўз навбатида сайёҳнинг жисмоний имкониятлари билан ҳам боғлиқ албатта. Агар сайёҳ жисмоний имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда саёҳат йўналишини танласа бу ўз навбатида унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Сайёҳларнинг психологик тайёргарлиги жисмоний ва техник тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Экстремал туризм турларини танлашда сайёҳнинг психологик темпераменти алоҳида аҳамиятга эга. Қўрқув ва ҳаяжон билан боғлиқ туризм турлари хавфсизлик нуқтаи-назардан инсон психологик темпераментидан келиб чиқиб тавсия этиш зарур. Жумладан, Фарғона водийсида экстремал туризм турларидан спелиотуризмни Сўх туманида ривожлантириш мумкин. Бу ерда 18 та полеозой даврига мансуб карс ғорлар мавжуд бўлса-да, туризм объекти сифатида қаралмайди. Чунки биринчидан бу ернинг сайёҳлар хавфсизлигига таъсири бўлса, иккинчидан ушбу тур ҳали мамлакатимизда алоҳида йўналиш сифатида қарашга етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги, хавфсизлик йўриқномалари ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Иккинчидан, Шохимардонсой рафтинг туризм турини ривожлантириш учун қулай ҳамда хавфлилик кўрсаткичи тўртинчи даражада бўлиб, туристик объект сифатида қараш мумкин. Аммо бу ерда ҳам мамлакат имиджига таъсир этиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ушбу турдан кенг фойдаланилмайди.

Инсонларнинг гуруҳ бўлиб саёҳатга чиқишда ҳам турлича қиёфада намоён бўлишини инобатга олиш лозим. Ҳар бир инсон биринчидан оилада алоҳида қиёфага эга бўлиб оилавий саёҳатга чиқишда ҳамда туризм турлари танлашда миллий ментал хусусиятлар инобатга олинади. Иккинчидан, ишхонада

хам инсон алоҳида қиёфага эга бўлиб, бу ерда дўстлар ёки ўта яқин инсонлар бўлмайди. Раҳбар ва ходимлар бир биридан субординация ва дистанция сақлайди. Бу ҳолатда саёҳатга чиқиш ҳам тўлақонли эркинлик бермайди. Ортиқча стресс ва ўзидан қониқмаслик саёҳат мазмунига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Энг самарали гуруҳ бу ўзини тўлақонли тушунувчи гуруҳлар билан саёҳатга чиқиш саёҳатнинг мазмунли ўтказишга ҳамда саёҳатдан қониқиш ҳосил қилишга ижобий таъсир ўтказди. Биринчи гуруҳ оилавий саёҳат асосан ички туризм доирасида тарихий-маданий туризм ва эко туризм йўналишларида амалга оширилса, иккинчи гуруҳ асосан эко туристик масканларга саёҳатга чиқишади. Учинчи гуруҳ бошқа гуруҳларга нисбатан кўпроқ саёҳатга мойиллик билдирса-да, аммо бу гуруҳ хоҳиш истакларига мос туристик масканлар барпо этишга ёки ташкил этишга минтақада кам эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари туристик гуруҳга раҳбарлик қилиш ҳам алоҳида психологик вазиятни ташкил этиб, бу “туристик гуруҳни бошқариш психологияси” сифатида ўрганилади. Туристик гуруҳ раҳбари муносабати гуруҳ аъзолари кайфиятига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам гуруҳ раҳбари сайёҳлар хулқ-атворини ўрганиб чиқиши ва шундан келиб чиқиб муносабатда бўлиш лозим. Туристик гуруҳдаги содир бўлган ҳар қандай салбий ҳолат сайёҳнинг келажак ҳаётига ҳамда мамлакат ижобий қиёфасини шакллантиришига таъсирини ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш лозим. Туризм одатий турмуш тарзидан қочиш мақсадида амалга оширилади ва инсонларнинг доимий эҳтиёжларидан бирига айланиб улгурган. Аммо ҳар доим сайёҳ ўзи кутган тарзда натижага эришмайди. Бунинг асосий сабаби туристик маршрутнинг зерикарли бўлиши, гид таржимоннинг ёки экскурсоводнинг малака талабларининг пастлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, биргина Фарғона вилоятида мавжуд туристик гуруҳларга раҳбарлик қилувчи лицензияга эга гид таржимонлар бор йўғи 35 нафарни ташкил этади. Буларнинг ўртача ёши ҳам 50 ёшдан юқори бўлиб, халқаро туризм нормаларидан юқори ҳисобланади. Аслида бу туристик оқимга салбий таъсир кўрсатувчи омил эканлигини унутмаслик лозим.

Туризм психологияси сайёҳларнинг экстремал вазиятларда ўзини тутиши жумладан, бошқа иқлим шароитига мослашиш, кучли хис-туйғулар таъсири вақтида ўзини бошқара олиш, можароли вазиятлар вужудга келганда муаммодан чиқиш учун қандай ечим топиш зарурлигини ҳамда инсонни саёҳат давомида ўзини қайта кашф этиш масалалари ҳам туризм психология йўналишининг асосий вазифаси ҳисобланади. Туризмнинг асосий мақсадларидан бири инсоннинг “мен”ни шакллантиришидир. Бироқ туризм соҳасида сайёҳларнинг ўзига ўта ишониши салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Айниқса, экстремал вазиятларда ўзига юқори баҳо бериш натижасида саёҳат қоидаларини бузилиши ва ҳаётга таҳдид пайдо бўлиш мумкин. Статистик маълумотлар шунингдек, сайёҳларда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, Фарғона водийси аҳолиси бошқа туристик минтақаларга нисбатан қизиққон ва диний қарашларга мойиллик юқорилиги можароли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин деган қараш шакланган. Натижада хориж мамлакатлари сайёҳлик кампаниялари томонидан Фарғона водийсига ташриф буюрган сайёҳларни оғоҳлантириши ўзига хос фобия шаклланишига олиб келган. Бунинг оқибатида Фарғона водийсига Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳларнинг бор йўғи 15 фоизи келмоқда. Асосий сайёҳлар оқими нисбатан толерант қарашларга эга бўлган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм туристик минтақаларига ташриф буюрмоқда.

Саёҳатни инсоннинг асосий эҳтиёжи сифатида эътироф этилишини инobatга олсак, асосан атроф-муҳитга бўлган қизиқиш натижасида вужудга келади. Бундан ташқари ўзини-ўзи англаш, хиссий алоқа ҳам туризмнинг асосий омиллари ҳисобланади. Хиссий муносабатлар инсоннинг ички яширин эҳтиёжларидан бўлиб, бу тўғридан-тўғри намоён қилиш имкони мавжуд эмас. Ушбу эҳтиёжлар асосан саёҳат натижасида қондирилади. Туризм соҳасида сайёҳларнинг турли вазиятларда стресс ҳолатига тушиши кўркув, иссиқлик, захарланиш, турли хил травма олиши ҳам саёҳатдан қониқмасликни келтириб чиқаради. Аммо ҳар бир сайёҳ кутилмаган вазиятга тайёр бўлиши лозим. Бироқ, бунинг инсон саломатлигига салбий таъсирлари ёки ўзини тўлақонли намоён қила олмаслиги мумкин.

Саёҳат инсонни жамоавий ишлашга ўргатади. Маълум мақсад аторофида бирлашиш кўникмалари ривожлантиради. Шунинг учун ҳам туристик сафарлар кўпроқ ёшлар орасида тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ёшларни ташкилотчилик ва етакчилик қобилиятларини шакллантиришда ҳамда турли вазиятларга мослашувчанлик кўникмаларини ривожлантиради. Ҳар қандай гуруҳда раҳбар бўлиб, раҳбарда бошқарув маданияти қанчалик юқори бўлса, гуруҳда зиддиятлар шунча кам бўлади. Гуруҳ раҳбари ўз навбатида икки турга бўлинади. Агар гуруҳ раҳбариди авторитаризм кучли бўлса, бу бошқа гуруҳ аъзоларига салбий таъсир кўрсатади. Агар гуруҳ раҳбариди демократик ва бағрикенглик тамойиллари кучли бўлса, бошқа гуруҳ аъзолари билан ўзаро бамаслаҳат иш олиб борса гуруҳда содир бўлиши мумкин бўлган турли зиддиятларни бартараф этишда катта аҳамиятга эга бўлади [1].

Сайёҳлик агентликлари сайёҳларни хоҳиш истакларини инobatга олган ҳолда тур маршрутларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. АҚШ тажрибаси шундан иборатки, мижозлар учун яратилган ҳар қандай қулайликлар мамлакат туристик имиджини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда шаҳар аҳолиси доимий стресс ҳолатида яшаши мегаполислардан олисга саёҳатга чиқиш

иштиёки туризмни ривожлантириш учун имкон берди [2]. Ички туризм доирасида рекреацион туризм турларини ривожлантириш учун Фарғона водийси қулай минтақа ҳисобланади. Водийнинг Чимён, Нанай, Чодак, Резак, Хонобод, Шоҳимардон сингари минтақалари айнан мегаполислардан йироқ дам олиш масканлари ҳисобланади ҳамда айни вақтда кичик туристик зоналар ташкил этилган.

Бугунги кунда туризмга ҳаёт сифатини яхшилаш омили сифатида қаралмоқда. Бу ўз навбатида туризмнинг даромад манбаи сифатида қараш билан бир қаторда инсоннинг соғлиғи ва фаровонлигига ҳам таъсир кўрсатиши инобатга олинмоқда. Бугунги ҳаёт тарзининг мураккабликлари атроф-муҳит ҳақида ўйлашга бизда оз вақт қолдирмоқда. Бироқ замонавий сайёҳ шунчаки манзараларнинг ўзгаришидан қониқмайди. Шунинг учун ҳам туристик хизматлар бозорига анимацион технологиялар шиддат билан кириб бормоқда. Н.И. Гарин анимация [3] нинг туризмга таъсирини ўрганиш натижасида мехмонхона анимацияси, рекреацион анимация турларини алоҳида ажратиб кўрсатган. Аниматорлар дам олувчилар кайфиятига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Хорижлик сайёҳларни анимацион имкониятлардан фойдаланган ҳолда дастурлар яратмоқда. Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида муסיқали фавворалар ўрнатилган. Тунда шаҳар улуғворлигини ошириш мақсадида тарихий меъморий ёдгорликларга турли анимацион ранг тасвирга эга чиқоқлар ўрнатилганлиги шаҳарларни янада ёрқинроқ бўлишига хизмат қилмоқда ҳамда туризм жозибadorлигини оширмоқда.

Шунингдек ҳар бир халқнинг мехмондўстлик анъаналари ҳам туризм ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу туристларни энг кўп жалб этувчи омил ҳисобланади. Мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳга туристик агентликлар томонидан саёҳат яқунлангач ҳам мунтазам байрам ва бошқа тадбирларда турли табрикнома ва откриткалар жўнатилиши сайёҳларни яна бир бор ташрифини шакллантирувчи омил ҳисобланади.

Туризм инсон саломатлигини тиклаш, спорт билан шуғулланиш, ўз хоҳиш истакларини намоеън қилувчи, хорижий тил ва маданиятлар билан танишиш, турли касб ва ҳунар турларини ўзлаштириш имкониятларини ҳам беради. Бироқ саёҳатга монелик қилувчи мотивлар ҳам мавжуд бўлиб, ёш, маълумот, ижтимоий келиб чиқиш, менталитет, дин, даромад, оилавий ҳолат бевосита таъсир кўрсатади.

Россия федерациясида амалга оширилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 70 фоиз сайёҳлар учун саёҳат турларини танлашда психологик омиллар бирламчи деб эътироф этган бўлса, 30 фоиз сайёҳлар орзу-умидлари ва ички хоҳиш истакларини тўлақонли намоеън қилиш бирламчилигини қайд этган. Социологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, 65 фоиз сайёҳлар саёҳатга янги таассуротларга эга бўлиш, ўрганиш, янги жой энергия қувватидан баҳраманд бўлиш устунлик қилишини қайд этиб ўтган. Бу психологияда энергияни қайта тиклаш сифатида эътироф этилади. Машхур психолог М. Хайнте туризм инсон ҳаётининг шиддатли ритми билан боғлиқ бўлиб, замонавий дунёда инсон соғлигини тиклаш мақсадида ишлаб чиқилган технология сифатида таърифлаган [4]. Е. В. Криченко эса психологик туризм тубдан бошқача дам олиш бўлиб янги энергия, янги кучга эга бўлиш муҳим деб ҳисоблаган [5]. Психологик туризм турларига айни вақтда “хокимият жойларига саёҳат”, “маърифий туризм”, “руҳий туризм”, “пси тур”, “эко-пси тур”, “тренинг тур”, “йога тур” каби кўплаб йўналишларга бўлиниб кетади. Бу туризм турлари инсоннинг ўзи-ўзини англаш учун бошқа турлардан кўра кўпроқ имкон бериши билан ажралиб туради. “Хокимият жойларига саёҳат” асосан қадимий давлатчилик марказларига саёҳат қилиш орқали улуғворликни ҳис қилиш, ватанпарварлик даражасини оширишни англатади. Жумладан, Фарғона водийсидаги Мингтепа Даван давлатининг улуғворлиги намунаси ҳисобланса, Самарқанд темурийлар давлати пойтахти сифатида сайёҳларни ўзига жалб этади. “Йога тур” асосан узоқ Шарқ мамлакатларида тараққий қилган бўлса-да, минтақамизда қадимдан Яссавия тариқатида йога машқлари орқали руҳий сокинликка эришилган. Зиёрат туризми доирасида “йога тур”ларни йўлга қўйиш туризм маршрутларини бойишига хизмат қилади. Миллий кадрларимизни намойиш қилиш имконияти вужудга келади.

Психологик туризм мавжуд ресурслар ва инсон омилнинг интеграциясидан иборат. Б. Д. Карвасарский, Г. Л. Исурина, В. А. Ташликов каби олимлар психотерапиянинг туризмга боғлиқ моделларини ишлаб чиққан. Жумладан, пейзаж психотерапияси, арт-терапия сингари терапия моделларидан амалда фойдаланиб келинмоқда. Аслида туризмда психологиянинг ўрни XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб ўрганиш бошланган. Натижада био-гео маданий маконнинг био-психо маконга интеграцияси тўлиқ таҳлил қилинган. Психологик туризмнинг асосий мақсади ҳам одатий ҳаёт тарзидан бошқа ҳаёт мавжуд эканлигини кўрсатиш, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд қилиш асосий мақсад ҳисобланади [6].

"Real Holiday Reports" сайёҳлик компанияси томонидан Греция, Малта ороллари, Португалия ва Испания сайёҳлик марказларида ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Европада энг кўп саёҳатга чикувчилар Буюк Британияликлар бўлиб, шу вақтга қадар хулқ-атворнинг салбий томонларини кўрсатиш борасида Европа миллатлари орасида немислар олдинги ўринда турган бўлса, сўнги вақтда русларнинг аста-секин саёҳат қилиш масштаби кенгайган сари энг ёмон хулқли сайёҳлар биринчилигини руслар қўлга киритди. Бу ўз навбатида кўплаб психологик омиллар билан боғлиқ эканлиги қайд этилмоқда. XX асрнинг 90 йилларида сайёҳлар энг кўп учрайдиган қийинчиликлар бошқа мамлакатлар қонунчилиги билан яқиндан таниш бўлмаган бўлса, айни вақтда бошқа

халқларнинг миллий ментал хусусиятларини хурмат қилмаслик натижасида кўплаб муаммолар вужудга келмоқда.

Бугунги индустриал жамиятда ўрта синф вакилларининг ажралиб чиқиши ва кўпайиши туризм ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки саёҳатга чикувчиларнинг асосий қисми ўрта синф вакиллари ҳисобланади. Чунки ушбу синф вакиллари даромад топиш ва янги ғояларга эга бўлиш мақсадида ҳам саёҳатга чиқади [7]. Яна шуни қайд этиш лозимки йилдан-йилга оила куриш ёши барча мамлакатларда ўсиб бормоқда. Бу инсонни ёлғиз хис қилишига, ўзидан қоникмаслигига, кўркув каби омилларнинг ошишига олиб келмоқда. Саёҳат натижасида “муносиб эркак” ёки “севимли аёл” топиш иштиёқи ҳам саёҳатга ундовчи омиллардан бирига айланиб улгурди [8]. Бироқ ушбу омиллар амалда мавжуд бўлса-да, шарқ ментал хусусиятлари ва диний кадрятлар устувор бўлган мамлакатларда у даражада статистика ва тадқиқотларда акс этмайди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, психологик омиллар туризм ривожига энг кўп таъсир кўрсатади ҳамда ривожланиш динамикасини таъминлаб беради. Хориж мамлакатлари тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда социопсихологик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Чунки, туризм ресурслари қанчалик кўп бўлмасин, тинчлик ва бағрикенглик тамойиллари устувор бўлмас экан мамлакатда туризм иқтисодиётнинг тўлақонли етакчи тармоғига айланиши қийин кечади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. [http://geliktit.by/lecture\\_9](http://geliktit.by/lecture_9)
2. <http://sochiturizm.com/psy/13-psiologija-turizma.html>
3. Анимация лотинча “илҳом бериш, ҳаётийликни рағбарлантириш, фаолиятга жалб қилиш” маъноларини англатади.
4. <http://superhappy.ru>
5. <http://psyrostov.ru>
6. <https://permyakovr.livejournal.com/40660.html>
7. [https://studbooks.net/632409/sotsiologiya/psihologiya\\_turizma\\_rossii](https://studbooks.net/632409/sotsiologiya/psihologiya_turizma_rossii)
8. <http://belkon.ru/content/view/542/9/>

УЎК 93/94

### ХОРАЗМЛИК МУҲАДДИС АБУ БАКР БАРҚОНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ Б. Мирзаев, илмий ходими, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Самарқанд

**Аннотация.** Мақолада Хоразм диёридан етишиб чиққан буюк муҳаддис олим Абу Бакр Барқоний ҳақида маълумот берилади. У кишининг насаблари, ҳадис илми йўлида қайси шаҳарларга сафар қилгани, кимлардан ҳадис тинглаганлиги, у кишининг шаънига айтилган уламолар фикрлари ва у кишининг таълиф қилган китоблари ҳақида маълумотлар келтирилади.

**Калит сўзлар:** Барқоний, Шофеъий, ҳадис, муҳаддис, Кас, Имом Дорақутний, Хатиб Бағдодий, Бағдод, Исфараён, Муснад

**Аннотация.** В статье представлена информация о великом знатоке мухаддис Абу Бакре Барқани, выросшем в Хорезме. Приводится информация о его генеалогии, городах, в которые он путешествовал, изучая хадисы, от которых он слушал хадисы, о мнениях ученых, выступавших в его честь, и о книгах, которые он написал.

**Ключевые слова:** Барқани, Шафиъи, хадис, мухаддис, Кас, Имам Дорақутни, Хатиб Бағдади, Бағдад, Исфараён, Муснад

**Abstract.** The article provides information about the great muhaddith scholar Abu Bakr Barqani, who grew up in Khorezm. Information is given about his genealogy, the cities he traveled to on the path of the science of hadith, from whom he listened to the hadith, the opinions of the scholars who spoke in his honor, and the books he wrote.

**Keywords:** Barqani, Shafi'i, hadith, muhaddith, Kas, Imam Dorakutni, Khatib Baghdadi, Baghdad, Isfarayan, Musnad

Мовароуннаҳр диёри қадимдан буюк алломалар, муфассирлар ва муҳаддислар юрти ҳисобланади. Ватанимиз ерларига Ислоом кириб келгач, аждоларимиз унинг покиза руҳи билан қувватланиб, илм-маърифат бобида юксак чўққиларни забт эта бошладилар. Айниқса, ҳадис илми борасида дунё муҳаддисларининг имомлари, шайхлари, ҳофизларининг аксари диёримиздан етишиб чиқди.

Мовароуннаҳр диёрида яшаб ўтган машҳур муҳаддис уламолардан бири Абу Бакр Барқонийдир.

Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ғолиб Хоразмий Барқоний Шофеъий бўлиб, кўпроқ Абу Бакр Барқоний исми билан машҳурдир. У имом, аллома, факих, ҳофиз рутбаларига эришган, ўз давридаги факих ва муҳаддислар устози ҳисобланади.

Манбаларда аллома 336/948 йил туғилгани ёзиб қолдирилган. Унинг “Барқоний” тахаллуси ҳозирги Хоразм вилоятидаги Кас (Кат) (ҳозирги Беруний шаҳридан 2,5 км шимолроқда [7:68]) кишлоқларидан бирининг (Барқон) номига нисбатдир [2:337].

**Ҳадис илми йўлида**

Барқоний дастлаб фикҳ илмини ўрганган, сўнг ҳадис билан шуғулланиб, бу илми юқори даражада эгаллаган. Ҳадис таҳсилини 14 ёшида Хоразмда бошлаган. 350/961 йилдан бошлаб хоразмлик машҳур муҳаддислар: Абу Аббос ибн Ҳамдан Ҳияри Найсобурий, Муҳаммад ибн Али Ҳассоний Хоразмий ва Аҳмад ибн Иброҳим ибн Жаноб Хоразмийдан ҳадис тинглаган [3:464].

Абу Бакр Барқоний ҳадис илми йўлида кўплаб шаҳарларга борган ва кўплаб муҳаддислардан ҳадис тинглаган. Бу борада энг катта устози Имом Доракутний ҳисобланади. Бундан ташқари:

Ҳиротда Абу Фазл ибн Хамирувайҳдан;

Журжон (Урганч)да Имом Абу Бакр Исмоилий ва Абу Аҳмад ибн Ғитрифдан;

Бағдодда Абу Али ибн Саввоф, Муҳаммад ибн Жаъфар Бундар, Абу Баҳр ибн Кавсар, Аҳмад ибн Жаъфар Хуттулий, Абу Бакр Қотибий, Абу Муҳаммад ибн Мосий, Ибн Кайсон ва бошқалардан;

Нишопурда Абу Амр ибн Ҳамдан, Абу Аҳмад Ҳоким ва бошқалардан;

Дамашқда Абу Бакр ибн Аби Ҳадиддан;

Мисрда Ҳофиз Абдугани ва Абдурахмон ибн Умар Моликийдан ҳадис ўрганган [3:465].

**Шогирдлари**

Ўз навбатида, Барқонийдан ҳадис илмини ўрганган, ҳадис тинглаган машҳур уламо ва муҳаддислар ҳам бор.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Абу Абдуллоҳ Сурий, Абу Бакр Байҳақий, Абу Бакр Хатиб Бағдодий, Абу Исҳоқ Шерозий, Ҳофиз Сулаймон ибн Иброҳим, Абулқосим Али ибн Абу Ало Миссисий, Абу Тохир Аҳмад ибн Ҳасан Каражий, Абу Фазл ибн Хайрун, Яҳё ибн Бундар Баққол, Муҳаммад ибн Абдусалом Ансорий, Абдулазиз ибн Аҳмад Каттоний ва бошқалар [3:465].

**Барқоний ҳақида айтилган фикрлар**

Хатиб Бағдодий шундай дейди: “Барқоний ишончли, такводор, собит ва зехли эди. Шайхларимиз орасида ундан кучлисини кўрмаганмиз. Куръон ҳофизи, фикҳ билимдони, исломий билимлардан ўз улуши бор эди. Жуда кўп ҳадис билар эди. Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ўз “Саҳих”ларига киритган ҳадислардан иборат “Муснад” китобини таълиф қилган. Суфён Саврий, Айюб, Шуъба, Убайдуллоҳ ибн Умар, Абдулмалик ибн Умайр, Баён ибн Бишр, Матар Варроқ ва бошқаларнинг ҳадисларини тўплаган. Вафотига қадар китоб тасниф қилишдан тўхтамаган. Мисъарнинг ҳадисларини тўплаётганда вафот этди. Илмга чанқок, бор эътиборини унга қаратган эди”.

Мен Азҳарийдан: “Барқонийдан ишончли шайхни кўрдингизми?”, деб сўрадим. У: “Йўқ”, деди. Абулқосим Азҳарий айтади: “Барқоний имомдир, агар у вафот этса бу (ҳадис илми борасидаги) иш тугайди”, деб таъкидлаган.

Хатиб Бағдодий яна қуйидагиларни айтади: “Мен Фақиҳ Муҳаммад ибн Яҳё Кирмонийнинг шундай деганини эшитдим: “Ҳадис асҳоблари орасида Барқонийданда кўпроқ ибодат қиладиганини кўрмадим” [1:186].

Абу Муҳаммад Халлол: “Барқоний тенги йўқ эди”, деган [5:122].

Абу Валид Божий: “Барқоний ишончли ҳадис ҳофизидир”, деб эътироф этган.

Шайх Абу Исҳоқ айтади: “Ёшлигидан фикҳни ўрганган ва китоблар тасниф қилган. Кейин ҳадис илми билан шуғулланди ва унда имом даражасига чиқди” [4:184].

Барқоний ўзи ҳақида шундай сўзлайди: “Мен Исфараёнга ёнимда уч динор ва бир дирҳам билан кирдим. Динорлар тугади ва бир дирҳам қолгач, уни нонвойга бердим, ундан хар куни иккита нон олар эдим. Бишр ибн Аҳмад Исфараёнидан ҳадис эшитар эдим ва уни кечгача ёзиб тугатардим. Ўттиз жузь ёзибман. Нонвойга берганим ҳам тугагач у ердан кетдим”.

Абу Бакр Хатиб айтади: “Аҳмад ибн Ғоним солиҳ шайх эди, биз билан ҳадис дарсларига қатнашарди. У ушбу ҳикояни сўзлаб берган эди: “Барқоний Карҳдан Бобуш Шаирга (Ғарбий Бағдод) кўчди. Мендан хизматкорим китобларини кўтариб юборишини сўради. Карҳда хизматкоримдан сўрасам, ипак-мато, деб ўйламаслиги учун уларнинг дафтар эканлигини билдирибди. Унинг олтмиш учта савати ва иккита сандиғи бўлиб, уларнинг барчаси китоб билан тўла экан” [1:186].

Абу Бакр Барқоний ҳадисга жуда берилганидан ўз шогирди Хатиб Бағдодийдан ҳам ҳадис тинглаб ёзиб олар экан. Бу ҳақда Хатиб Бағдодий шундай дейди: “Мен унга ҳадисларни эслатиб турардим, у мендан ёзиб олиб, уларни тўплаганларига киритиб кўяр эди”.

Унинг шундай деганини эшитдим: “Имом Абу Бакр Исмоилий ўзининг талаффузида келганларга бир ўқиб берар ва кейин улар унга ўқиб берар эди. Менга икки вароқ ўқиб берар ва келганларга қараб: “Уни сизлардан ортиқ кўраман, чунки у фақиҳ”, дер эди” [1:187].

Муҳаммад ибн Али Сурий Барқонийнинг вафотидан тўрт кун аввал унинг хузурига боради. Барқоний: “Бугун Жумадус сонининг (ҳижрий ойларнинг олтинчиси) йигирма олтинчи куни. Аллоҳдан Ражаб (ҳижрий ойларнинг еттинчиси) киргунча умр беришини сўрадим. Ривоят қилинишича бу ойда Аллоҳнинг дўзахдан озод қилиши бор, қанийди улар орасида бўлсам”, деди. Унинг дуоси ижобат бўлди [6:374]. Абу Бакр Барқоний Бағдодда вафот этганлар.

Абу Бакр Барқоний ҳижрий 425/1034 йил Ражаб ойининг дастлабки кунида, чоршанба куни вафот этган. Эртасига – пайшанба эрталаб Мансур масжидида жанозаси ўқилган ва Жомеъ кабристонига дафн қилинган [1:187].

Ёзган асарлари:

1. Муснад ал-Хоразмий.
  2. Мустахраж ала ас-саҳиҳайн. Бу икки асар бизгача тўлиқ ҳолда етиб келмаган ва нашр қилинмаган.
  3. Ас-суъалат лил Имом Абу Ҳасан Доракутний фил жарҳ ват таъдил ва илалил ҳадис. Бу асар бизгача етиб келган ва нашр қилинган.
- Қадимдан Хоразм диёри илм-фаннинг барча соҳалари учун етук олимларни етиштириб берган. Келгусида бу диёрдан етишиб чиққан ва фаолият олиб борган муҳаддис уламолардан бири ҳисобланган Абу Бакр Барқонийнинг илмий мероси ва ҳадисшунослик соҳасида қўшган муносиб ҳиссаси ўрганиб борилса, ҳадисшунослик тадқиқотлари учун хизмат қилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имом Абу Бакр Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Дарул Фикр. Байрут. 2004. 1 жилд
2. Имом Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. Ал-Ансоб. Дарул кутубил илмийя. Байрут 1998. 1 жилд
3. Имом Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Сияру аъламин нубало. Муассасатур рисала. Байрут. 1983. 17 жилд
4. Имом Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Тазкиратул хуффо. Дарул кутубил илмийя. Байрут. 2012. 2 жилд
5. Имом Шихобиддин Абу Фалах Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳанбалий Дамашқий. Шазаротуз заҳаб фи ахбари ман заҳаб. Дар Ибн Касир. Байрут. 1989. 5 жилд
6. Тожиддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Али Субкий. Тобақот аш-шофеъийятил кубро. Дарул кутубил илмийя. Байрут. 2012. 1 жилд
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2003. 5 жилд.

УДК 94(575.171)(-21)32(575.171)(09)

### ХОРАЗМ АЁЛЛАРИНИНГ БОШ КИЙИМИ - ЛАЧАК

(Ҳазорасп тумани мисолида)

Ю.М. Раҳманова, к.и.х., т.ф.н., Хоразм Маъмун академияси, Хива

**Аннотация.** Мазкур мақолада Хоразм воҳаси ўзбек аёлларининг бош кийими-лачак, унинг тайёрланиши жараёнлари, аҳамияти ва вазифалари хусусида сўз юритилади. Лачакнинг тарихий даврларда ўзгаришларга юз тутиши ва бугунги кундаги лачак кийими удумлари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** Хоразм, Ҳазорасп, Карвак аёллари, бош кийим, саломатлик, "лачак тўйи", тахя, рўмол, қизил богич

**Аннотация.** В данной статье описывается процесс изготовления, значение и задачи узбекского женского головного убора Хорезмского оазиса - лачак. Анализируются исторические изменения "лачак" и традиции современного одевания.

**Ключевые слова:** женщины Хорезма, Хозараспа, Карвака, головной убор, здоровье, "свадьба лачак", тубетейка, платок, красный пояс

**Abstract.** This article discusses the issue of lachak headwear of women in Khorezm, The process of its preparation, significance and adjutancy. The historical changes that the lachak has acquired and the presentday lachak wearing ceremonies are analysed.

**Key words:** Khorezm, Khazorasp, women in Karvak, a headwear, health, 'lachak jubilee', takhiya (skulcap), shawl, red bond

Бош кийими ҳисобланувчи лачак Марказий Осиёда яшаган кўпгина халқлар аёллари орасида кенг тарқалган. Унинг шакли ва вазифалари минтақага қараб фарқланган. Тожик [7], яхудий аёллари лачак ўраганлар [8]. Турмушга чиққан лўли аёллар биринчи фарзандни дунёга келтиргандан кейин лачак-бандон боғлаганлар [9]. Қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз аёллари бош кийимларининг лачакка монанд турлари бўлган.

Хоразм аёллари ҳам бошларига лачак боғлаганлар [2,5]. Лачак Хоразм воҳасининг ўзида ҳам худудларга қараб фарқланиб, иқлим, табиий шароитлар таъсирида такомиллашиб борган. Оқ матодан бичилган лачак – халақанинг бурчаги елкага тушиб турган, тепасига мато бўлаги тикилган, бошни маҳкам ўраш учун ўзига хос бош кийими ҳам тикилган. Лачакнинг олд томони тамаҳса дейилган. Орқаси ярмигача елка ва кўкрак қисмини ёпиб турган, олди юз қисми очилиб туриши учун кесилган. Лачак кийилганда елка ва кўкрак қисмлари ёпилган [2].

Хива хонлиги даврида айрим худудларда лачак вояга етган қизларга (13 - 16 ёш) боғланган бўлса, XX аср биринчи чорагидан кейин икки фарзандни дунёга келтирган (20 - 30 ёш) аёлларга боғланган. Аёл кишининг лачак ўраши ҳаётининг оналик, момолик даври бошланганини билдирган. Ҳазорасп туманида жойлашган карвакликларда ҳозиргача “Бирни туғдинг, она бўлдинг, иккини туғдинг, момо бўлдинг...” деган ибора қўлланилади.

Лачакнинг вазифаларидан бири аёлнинг қоматини асраш бўлиб, лачак тўғри туриши учун аёл киши бошини тик тутиши талаб этилган. Бошни тик тутиш, ўз навбатида, қоматни тўғри тутишга ўргатиб, аёлга улуғворлик, кўрк, тетиклик бағишлаган, кексалик даврида ҳам букри бўлиб қолишдан асраган. Лачак аёлнинг саломатлигини сақлашда муҳим ҳимоя вазифасини бажариб, бош, бел,



оёқларини иқлим таъсирларидан, хусусан, иссиқ, совук ва чангдан, ёввойи хайвонлар, душман хужумидан муҳофазалаган.

Лачак ўраш ўзига хос удум бўлиб, Хоразмда “Лачак тўйи” ўтказилган\*. Қайнона келинига лачакнинг барча матолари билан бирга тароқ ва кўзгу совға қилган [10,11].

Лачакнинг матоси пахта, кўй жуни, каноп, ипак толалари аралашмасидан тўқилган. Мато куёш ёруғлигига тугилганида оқ, кўк, сарғиш рангларда жиллолашиб турган [10]. Матоси эскирмайдиган лачак аёл вафот этганда унинг охираат тўни\*, яъни кафани вазифасини ҳам бажарган. Лачак матоси эни 40 см, узунлиги 16 - 18 метр қилиб тўқилган [10].

Лачак таркибининг муҳим элементларидан бири - тахя (тахия) тайёрлаш ўзига хос мураккаб жараён эди. Ҳар бир аёл лачагининг тахясини ўз қўллари билан тайёрлаши лозим бўлган. Тахя матоси таркибида кам микдорда пахта, жун, пилла, 75% каноп қўлланилган. Тахя қаттиқ бўлиши талаб қилинган боис каноп мато таркибининг тўртдан уч қисмини ташкил этган.

Лачак таркибидаги ҳар бир деталь муҳим вазифани бажарган:

1. Томоқса ипақдан ишланиб, сон-саноксиз майда тигиз мунчоқ билан безалган ва бўйинни тўла-тўқис ўраб турган. Томоқса камон ўқи, қилич каби совук қуролларнинг бўйинга зарарини камайтириш учун пишиқ ишланган.

2. Лачак таркибидаги халақа аёлнинг бошидан то тўпигигача тушадиган 25 - 30 см кенгликдаги энсиз мато бўлиб, аёлнинг бўйи баландлигига қараб 2 - 3 метр узунликда тайёрланган.

3. Юз бостирги - тол\* аёл номаҳрамни кўрганда юзини беркитиши учун мўлжалланган. Юз ёпинчиғи орқали аёл киши ён атрофни бемалол кўрган, лекин аёл юзи кўринмаган. Бу хусусда Хоразм халқ кўшиқларида “Оқ юзига ёпар қаро толини” деган таъриф келтирилган.

4. Катта чарқат рўмол, халқ тилида матир рўмол ҳам дейилган. Лачак таркибидаги бу рўмол сотиб олинган.

5. Етти хир – йўл лачакни томоқса, халақа, тол билан боғлайдиган ички ўзаги, энсиз 16 метрлик етти дона (уч, беш дона бўлиши ҳам мумкин) ип рўмолдан иборат бўлган. Камалак жилосига ҳамда ҳафтанинг етти кунлигига ишора тарзида яхши ниятлар айтилиб ўралган рўмоллар лачакка чирой бағишлаган.

6. Катта сочоқли ипак рўмол. Бу рўмол лачакни катталаштириб, ҳайбатли кўрсатган. Совук кунларда аёллар рўмолни аввал бўйнидан, сўнгра бошидан боғлаганлар.

7. Хапавант – лачакнинг орт томонидан туширилган мато бўлаги бўлиб, аёл кишининг бел қисмини ўраб, деярли кўйлак узунлигига монанд бўлган.

8. Жамалак - аёллар соч попуғи, қора рангдаги ипак ипақдан тузатилган ва кўз тегмаслиги учун кўплаб садафлар, дарахт ёғочларининг 2 см узунликдаги нозик бўлаклари билан безалган.

9. Лачак таркибида доимо қизил рангдаги боғич ишлатилган. Бошқа рангдаги боғич боғланмаган. Чунки, хоразмликлар наздида, қизил ранг ҳаёт жўшқинлиги, ёшлик, аёл жисмининг навқирон қолиши ниятини рамзлаштираган. Қизил боғич зардуштийлик билан боғлиқ бўлиб, Хоразмдаги эркаклар кийимлари, аёллар тўнлари, чақалоқлар кийимлари ва тўй учун тикилган кўрпаларда қизил рангли мағиз ишлатилган.

Лачак куйидаги тартибда ўралган. Энг аввал бошга тахя кийгизилган, бунда тахя миянинг қок устига жойлашишига эътибор қаратилган. Тахя кичик ҳажмда тайёрланиб, қўл кафтидай катталиқда бўлган. Кейин 16 метр узунликдаги мато манглай, бош, қулоқ, энсани ёпадиган қилиб ўралган. Бу жараён мураккаб бўлиб, матони маҳкам сириб боғлаш учун лачак эгасига қизи, қайнонаси ёки дугонаси ёрдамлашган. Кейин бош, энса, бел қисми ва оёқни ёпадиган қилиб 2,5 - 3 метр узунликда “оғир” халақа\* боғланган. Унинг устидан юзни беркитадиган “юз бостирги” - тол маҳкамланган. Шундан сўнг катта чарқоти рўмол боғланган. Кейин манглайдан то лачакнинг энг устигача безак учун тартиб билан уч, беш, етти хир (безак учун матони буклаш орқали ҳосил қилинган чизик) тортилган. Хирларнинг учи ҳамиша орқада бўлган.

Хир (чизик) тортилганидан кейин бошга катта сочоқли ипак рўмол боғланган. Аёл киши совук кунда ташқарига чикса, аввал бўйнидан, сўнг белидан рўмол учини боғлаб олган. Лачак майин қаттиқлашиб, ёқимли оғирлик пайдо қилган. Томоқса боғлаш, жамалак тақиш, лента тақиш амалларини аёлнинг ўзи бажарган. Хоразм вилоятининг Янгибозор тумани Дўрман қишлоғи кекса аёллари лачакларининг учидан сандиқнинг калитларини боғлаб олиб юрганлар [4].

Ҳазорасп қальаси Хоразмнинг жанубий дарвозаси бўлибгина қолмай, ҳарбий-стратегик истеҳком ҳам ҳисобланган. Воҳанинг жанубидан келаётган ҳар қандай ёвга даставвал шу қалъа

\* “Лачак тўйи” - Хоразмда сақланиб келаётган лачак кийиш маросими. Лачак тўйлари ҳозирги даврда ҳам ўтказилади. Лачак бошни иссиқ сақлаган ва тетиклик бағишлаган.

\* *Охираат тўни* – бу ерда аёллар кафани маъносида қўлланилган, лачак матоси аёллар кафанининг ўлчамида тайёрланган.

\* *Тол* - юз ёпинчиғи, от ёлидан тўқилган.

\* *Халақа* – аёлнинг бошидан то оёқ тўпигигача тушадиган, эни 25 - 30 см, бўйи аёл коматига қараб 2 - 3 метр узунликдаги мато бўлаги.

каршилиқ кўрсатган. Шу сабаб Ҳазорасп Хоразмнинг жанубий қалқони ҳам дейилган. Душман хужумидан ҳимояланиш мақсади аёлларнинг бош кийимида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, жанг пайтида ўк, қилич тегиб лачак тушиб кетадиган вазият юзага келса, аёлнинг бошида томоқса билан таҳя қолган ва бошга урилган зарба кучидан маълум даражада ҳимоялаган.

Уруш пайтларида айрим ҳолларда аёллар ҳам жанг қилишган. Ҳазорасп аёллари камондан ўк отиш, лачакдан ясалган 40 - 50 метр узунликдаги арқонни душман бўйнига солишда моҳир бўлганлар. Таҳя ва томоқсадан бошқа лачакнинг ҳамма матоларидан жангда фойдаланиш мумкин бўлган. Душмандан қимматбаҳо ўлжалар тортиб олиниб, лачакдан тикилган қопларга жойлаштирилган. Аёллар жанг майдонларида ҳалок бўлсалар, ўз лачакларига ўраб дафн этишган. Шундан келиб чиқиб Хоразм аёллари орасида “лачак аёлнинг икки дунёдаги обрўси” деган ибора ишлатилган.

Лачакдан зарурат туғилганда 40 - 50 метр келадиган узун арқон, юк солиб юриш учун қоп, зарур пайтда кўрпа-тўшак, пашшахона сифатида ҳам фойдаланиш имконияти бўлган. Карваклик аёллар лачак қатида игна, ип, пичоқ, қайчи олиб юришган [11].

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларидан лачакка қарши кураш бошланган, унга эскилик сарқити сифатида қаралган. Партия фаоллари тез-тез завод ва фабрикаларга, колхоз далаларига бориб, лачакнинг “зарарли томонлари” ҳақида маърузалар, ҳажвий шеърлар ўқиганлар. Лачакларни ёқиб юбориш тўғрисида ташвиқот олиб борилган. Аёлларнинг қаршилиқ кўрсатиши давом этавергани сабабли 1940 йилларда лачакка қарши кураш биров пасайган бўлса-да, ташвиқот ишлари давом эттирилган, оқибатда лачак ҳажман кичрайган.

Собиқ Иттифоқ даврида Хива шаҳрига ташриф буюрган сайёҳлар аёллар ўраган лачакка қизиқиш билан қараганлар. Аммо сайёҳларга лачак эскилик сарқити деб тушунтирилган.

Ҳозирги кунда Карвак қишлоғида 5 - 6 нафар момоларгина лачак ўрашади [9].

Лачак Хоразм воҳаси аҳолисининг тарихи, анъаналари, ижтимоий ҳаёти, диний ва эстетик қарашлари, урф-одатларини акс эттирувчи бош кийим бўлиб, унда халқимиз хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари, оилавий томонлари ҳам кўзга ташланади. Ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири, минг йиллар давомида воҳамиз аёлларининг бош кийими вазифасини ўтаган лачак бугунги кунда тарихга айланиб бормоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. – Т., Фан, 1981. – Б.54.
2. Задыкина К.Л. Культура и быт узбеков Кипчакского района к-к. СССР // Труды Института этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. – Л., 1971. Т. 97. – С.388.
3. Задыкина К.Л. Узбеки дельты Амударьи // ТХАЭЭ. Т.1. 19545-1948 гг. – М., 1952. – С. 378.
4. Зарипова Р. Дўрмон – онаминг киндик қони тўкилган қишлоқ. [Электрон ресурс]. URL: // <https://gujum.uz/uz-l/mutolaa-uz-l/dormon-onamning-kindik-qoni-tokilgan-qishloq-2/>
5. Содиқова Н. Хоразм миллий кийимлари. – Тошкент, 2006. – Б.10, 166, 170, 171.
6. Сухарева О.А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии // Среднеазиатский этнографический сборник. –М., 1954. Вып.1. – С.299-353.
7. Таджикиский национальный костюм. [Электрон ресурс]. URL: // <http://nazaccent.ru/content/21563-tadzhikskij-nacionalnyj-kostyum.html>
8. Фрагменты из воспоминаний Якова Пулатова, внука, сына Билро и Нагараевой Виктории, внучки, дочери Хизкия. Израиль. [Электрон ресурс] URL: // <https://www.asia-israel.co.il/>
9. Постельняк А. Цыгане Центральной Азии. Кто они и чем живут. [Электрон ресурс] URL: // <http://www.ca-portal.ru/article:45301>
10. Дала ёзувлари. Ҳасанова Б. Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани, Карвак қишлоғи, 2020 йил.
11. Дала ёзувлари. Оллақулиев К. Ҳазорасп тумани Питнак шаҳри, 2020 йил.

УЎК 93/94

### ЧОРВАДОР АҲОЛИНИНГ ТАҚВИМГА ОИД БИЛИМЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Ф.Э. Тошбоев, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах**

**Аннотация.** Муаллиф ушбу мақоласида, Уструшона чорвадор аҳолиси орасида мавжуд бўлган йил ҳисобига оид илмий билимларни, қадимги даврда тақвим билан боғлиқ деб эътироф этилган археологик ёдгорликлар (Шоҳидтепа, Суппатош, Апартак ва Қувкалла) материаллари асосида ёритишига ҳаракат қилган.

**Калит сўзлар:** йил ҳисоби, Ғулбо, юечжилар, Қултепа ёдгорлиги, дўғол ҳисоби, ой сайёраси, қирқ уруғи, Хулкар юлдузи, Аш-шаратан, Ирисув, Суппатош, Шоҳидтепа, сак тақвими, Нурота, Қувкалла, Хукария

**Аннотация.** В данной статье автор сравнительно анализирует научные знания календаря древних времен имеющиеся среди населения скотоводов Уструшаны, на основе материалов археологических памятников (Шоҳидтепа, Суппатош, Апартак и Қувкалла).

**Ключевые слова:** летоисчисление, Гулбо, Юечжи, памятник Култепа, летоисчисление догол, лунная планета, племя кирк, звезда Хулкар, Аш-Шаратан, Ирисув, Суппатош, Шоҳидтепа, сакский календарь, Нурота, Қувкалла, Хукария

**Abstract.** In this article, the author comparatively analyzes the scientific knowledge of the calendar of ancient times among the population of cattle breeders Ustrushana, based on materials from archaeological sites (Shokhidtepa, Suppatosh, Apartak and Kuvkalla).

**Keywords:** calendar, Gulbo, Yuechji, chronology, monument Kultepa, dogol calendar, moon planet, breed kirk, star Hulkar, Ash-Sharatan, Irisuv, Suppatash, Shoxidtepa, Saks's calendar, Nurata, Kuvkalla, Xukariya

Уструшона мозоркўрғонларининг жойлашиши ва мархумларнинг дафн этилиш ҳолатидан антик давр кишиларининг амалий йил ҳисоб китобини яхши билганликлари ва дафн маросимида унга алоҳида эътибор қаратганлиги сезилади. Ғулбо, Сағанок, Қулписар, Хўжайи Сароб каби мозоркўрғонларнинг тоғ ёнбағирлари бўйлаб, кўпинча табиий химояланган, қуёш нури куз ва қишда ўнг тушадиган, чорва қишлаши ва ўтлаши учун қулай манзилларда жойлашганлиги, чорвадорларнинг географик билимлари етарлича бўлиб, вақтни ва иклимнинг ҳолатини яхши билганлигини кўрсатади. Мозоркўрғонлардаги дафн маросимларида мархумлар бошини қайси томонга қўйишга катта аҳамият берилган ва бу ҳолат кўпроқ йил фасллари билан боғлиқ бўлган.

Уструшонадаги мозоркўрғонларда мархумлар бошини шимол ва жануб томонга қўйиш кўп учрайди. М.И. Филанович мархум бошини жанубга қаратиб қўйиш одати “янги кириб келган халқлар билан боғлиқ” деб, эътироф этади [1]. Бу фикрлар қабрларда ўрганилган ашъвий манбаларнинг даврий мансублиги билан ҳам мос келади. Ўрта Осиёда мил. авв. III-I асрларда жанубий йўналиш билан биргаликда шимолий йўналишда дафн этиш ҳам ўрганилган [2]. Археологик маълумотларга кўра, юечжиларда оилавий қабр ёки бир авлодга тегишли қабристон мавжуд бўлиб, вафот этганларнинг бошини тери билан ўраб, шимолга қаратиб дафн этиш одат бўлган [3]. Уструшонадаги мозоркўрғонлар (Ғулбо, Сағанок, Беккелди)да қайд қилинган шимолий йўналишда дафн этиш ва жасад ёнига қўйилган буюмларнинг юечжилар маданиятига ўхшашлиги, бу даврда кечган миграциялар ҳақида ҳам тасаввур беради.

Уструшона аҳолиси орасида астрал билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги тасаввурларни Бунджикат ва Қалъаи Қах-қаха каби ёдгорликлардаги деворий суратлардан билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда тўрт қўлли илоҳ тасвирланган бўлиб, унинг тожи ярим ой шаклида, икки ёнида бир тарафда қуёш, бир тарафда ой тасвирлари туширилган [4]. Кейинги йиллардаги изланишлар пайтида, Култепа ёдгорлигидан тақвим косаси топилган. Ушбу идишнинг сақланиб қолган кулоқчаларида ой, қуёш ва ўша вақтларда маълум бўлган етти осмон сайёраси тасвири туширилган [5]. Унинг кулоқлари сони уструшоналиклар тақвимидаги 13 дўғол билан мос келиши эътиборга молик.

Мозоркўрғонларда қайд этилган астрономик билимлар билан боғлиқ материаллар бизни бу борада махсус изланишлар олиб боришга ундайди. Бу тадқиқотлар натижасида, Уструшона чорвадор аҳолисида тўғол (дўғол), тўғиш (тўқнашиш) йил ҳисоби мавжуд бўлганлиги аниқланган. Чорвадорлар ҳисоби бўйича дўғол бир йилда, ҳар 28 кун атрофида кузатилиб, роса 13 мартаба содир бўлган. Бу йил ҳисоби, юлдуз туркумлари ва ой сайёраси билан ва ёки ўзаро яқинлашуви ва учрашуви (тўқнашви)га асосланади.

Тадқиқотчи, У. Алибековнинг берган маълумотларига кўра, Уструшонанинг Зомин ва Бахмал воҳаларида яшовчи қирқ уруғида, Хулкар юлдузининг дўғалиши асосидаги тақвим ишлатилган. Бу ҳисобда 11 та, баъзан 12-13 та дўғалишлар бўлганлиги ва ҳисоб саратонда бошланганлиги айтиб ўтилади [6]. Этнограф олим А. Саримсоқов, бу ҳисоб тизимининг чорвадор аҳоли амал қилган бир неча турларини келтириб ўтади. Шулардан, козоқ халқи фойдаланиб келган – тоғис ҳисобида айнан уструшоналиклар фойдаланувчи ҳисоб тизимига ўхшаш 28 кунлик 13 ойдан иборат ҳисоб тизими борлигини айтиб ўтади [7]. Қўшрабат тумани Қувқалла қишлоғи аҳолиси орасида сақланиб қолган ой ҳисобига кўра, ҳар бир ой алмашинувида тўқнашиш (тўғиш, дўғол) юз берган ва у ой ораси дейилган. Ойлар ва фасллар орасидаги ҳар бир алмашинувнинг юлдузлар ҳаракатига қараб (тўқсон, ахман, дахман, аяж-мажуж каби) ўз номлари бўлган [8]. Бундай ойлар биз қайд этган уструшоналиклар тақвимидаги 13 дўғол билан мос келади. Демак, кўчманчиларнинг йил ҳисоби Марказий Осиёдаги барча чорвадор аҳолиси учун хос бўлиб, уни ҳисоблаш ва у ҳақдаги илмий тасаввурлар узок худудларда ҳам бир-биридан кам фарқ қилган.

Тарихий манбаларда кўчманчилар йил ҳисобининг қадим илдизга эга эканлиги таъкидланади. Абу Райхон ал-Берунийнинг маълумотларига кўра, туркий халқларда йил ҳисоби ойнанинг Хулкар юлдузи туркуми билан учрашган вақтидан бошланган ва у Александр туғилишидан 1300 йил олдин амалда бўлган. Ёки, исломгача бўлган даврда арабларда йил ҳисоби Ойнанинг тўхташ манзилларига асосланган бўлиб, бу ҳодиса Аш-шаратан (арабча- икки белги) деб номланади. Аш-шаратан тоғ эчкиси туркуми билан ойнанинг тўхташ нуқтасига тўғри келганда йил бошланади [9]. Бу йил ҳисоби кўчманчи чорвадорларга тегишли бўлиб, улар осмон жисмларини кузатиш орқали вақтни ҳисоблаганлар. Демак, Евроосиё чорвадор аҳолиси орасида шунга ўхшаш вақт ҳисоби қадимдан ишлатилган.

Ангрен яқинидаги Ирисув анҳори бўйида 1988 йилда тошдан қурилган қабр иншооти ва ундан 10 м жануби -шарқда ромбсимон шаклда қурилган ўзига хос тош қурилма қайд қилинган. Бу ердаги маросим ёзги ҳосил йиғиб олинишидан олдин ўтказилиб, Ангрен воҳасида ёзги календарни аниқлашга

хизмат қилган. Ушбу тош қурилма мил. авв. IV-I асрларга оид бўлиб, Ўрта Осиёга шу пайтда кириб келган қабилалар маданияти билан боғлиқ бўлган ва у кўчманчиларнинг қуёшга сиғинадиган дафн иншооти бўлган [10]. Ангрен худудидаги яна бир тош қурилма Суппаташда ҳам қуёш календар объекти аниқланган. Унда жойлаштирилган тош иншоотлар камида йилнинг тўртта санаси ҳақида маълумот берган. Улардан иккитаси ( 22 июнь ва 22 декабрь) муҳим аҳамият касб этиб йилнинг энг узоқ ва қисқа кунларидаги қуёш ҳаракатини акс эттирган. Қолган иккитаси (8-9 май, 21 сентябрь) амалий аҳамият касб этиб, ҳосилни йиғиб олиш ва унинг тугаш вақтини аниқлаган [10].

XX асрнинг 60 йилларида Л.И. Альбаум ўша пайтда мавжуд бўлган Тошкент-Термез авиақатнов (самолёт)ида кета туриб, тепаликдан Ғаллорол туманидаги Шоҳидтепа ва унинг атрофи бўйлаб режали тарзда жойлашган ёдгорликларга қизиқиб қолган ва уларни тасвирга олади. Кейинчалик бу ёдгорлик мажмуаси ҳақидаги ўз қарашларини эълон қилади. Унга кўра бу ерда қадимги аҳолининг қуёш ва сайёралар ҳаракатига асосланган йил, фасллар ва ойларни белгилашда фойдаланиладиган мажмуаси жойлашган бўлиши мумкин. 1968 йилда эса Ўзбекистон ССР Маданият Вазирлигининг Санъатшунослик институти олимлари П.И. Ремпель ва Э.В. Ртвеладзе раҳбарлигида илмий гуруҳ ушбу ёдгорликда қазув ишларини олиб борган. Қазув-тадқиқотлари давомида Шоҳидтепа ва унга алоқадор бошқа тепаликларда маданий қатлам қолдиқлари йўқлигини аниқлаб, тепаликлар сохта кўрғонлар деган хулосага келади. Бироқ, Шоҳидтепа мажмуасини ўрганиш пайтида ёдгорлик атрофидаги жарликдаги (5 м чуқурликда) лаҳадли қабрда чалқанча ётқизиб, ёнига қилич қўйиб дафн этилган одам суяқларини қайд этади. Э.В. Ртвеладзе фикрича “бу айвонли лаҳад қабр бўлиб, у милодий I асрга оид ҳисобланади” [11]. Аслида бу қабр эрамиз бошларида ЕврооСИё даштларидан кириб келган кўчманчилар маданиятига оид ёдгорлик бўлган.

Кейинчалик, XX асрнинг 80- йиллари бошида санъатшунос М.Булатов Шоҳидтепа ёдгорлигини жойлашиши ва унинг атрофида режали тарзда тизилиб турган тепаликларни кузатиб, уни “ғаройиб иншоот”, ёдгорлик атрофидаги тепаликларни эса “қадимги сак қабилалари тақвими”, деб атаган. Унинг тахмини буйича, Шоҳидтепа “биринчидан, шоҳ кўрғон ўтроқ, Сугдийлар ва кўчманчи саклар учун биргаликда сиғинадиган ва илми-нужумни ўрганадиган саждагоҳ-расадхона; иккинчидан, асосан кўчманчи қабилалар орасида зардуштийлик динини тарқатиш учун идеология маркази; учинчидан, Шоҳидтепа комплексини ташкил этувчи 365 та тепа, йил ҳисоби, фасллар алмашувини белгилашда фойдаланиладиган тақвим-календарь вазифасини ўтаган” [12]. Қадимги сак қабилалари тақвими ҳақидаги М. Булатовнинг илмий қарашлари ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлган. Бироқ, шу пайтгача бу масалада тугал илмий фикрлар билдирилмаган эди.

Ушбу фикрни қанчалик асосга эга эканлигини аниқлаш мақсадида, ушбу сатрлар муаллифи иштирокидаги махсус гуруҳ 2020 йил 11- март куни Шоҳидтепада бўлди. Ҳақиқатдан ҳам Ғаллаорол тумани Молтоп қишлоғининг шарқ томонидаги бепоеън тоғ адирлигида жойлашган Шоҳидтепа ёдгорлиги ва унинг атрофида бир айланали ўлчов бўйича, режали тарзда тизилиб жойлашган тепачалар мавжуд. Мажмуанинг марказида жойлашган Шоҳидтепани баландлиги тахминан 20 м, диаметри 70х60 м. Уни атрофи 50-100 м масофада, доира шаклида (диаметри 2х3 м, баландлиги 0,30 - 0,5 м) бўлган тепачалар билан ўралган. Ушбу тепачаларнинг айни пайтгача 2/3 қисми сакланиб қолган (бу ерда 170 тепани санашга муваффақ бўлдик). Қолганлари қабристон ва янги қурилган иморатлар ҳисобига йўқотилган.

Олимлар “Шоҳидтепа ва унга алоқадор бошқа тепаликларда маданий қатлам қолдиқлари учрамайди” деб маълумот берганлар. Бироқ, биз мажмуа марказида жойлашган Шоҳидтепада устки қисмидаги тупроқ орасида кўплаб антик ва илк ўрта асрларга оид сопол буюмларни қайд этдик. Шоҳидтепа ташқи кўринишига кўра, кўчманчиларнинг улкан мазоркўрғонини эслатади. Бироқ, ёдгорликнинг устки қатламидаги кулоллик буюмлари унинг сўнги антик ёки илк ўрта асрларга оид бошқа мақсадда қурилган ёдгорлик бўлганлигидан гувоҳлик беради. Шаклига кўра у, мустаҳкамланган жамоа манзилгоҳи– қишлоқ маконидан кўра ибодатхонага ўхшайди. Бу ҳолат, Шоҳидтепани М. Булатов айтганидек, “шоҳ кўрғон ўтроқ ва кўчманчилар учун биргаликда сиғинадиган ва илми-нужумни ўрганадиган саждагоҳ” деб аташга имкон беради. Махсус қазув тадқиқотлари ўтказилмаганлиги учун бу ёдгорлик ва унинг атрофидаги 365 тепанинг қандай вазифани ўтаганлиги ҳақида аниқ илмий фикр айта олмаимиз.

Шундай бўлсада, М. Булатов кўтариб чиққан фикрда асос борга ўхшайди. Чунки, Л.Ремпель ва Э.Ртвеладзе ушбу ёдгорлик атрофи бўйлаб жойлашган тепаликларни очиб ўрганиб уларда ҳеч қандай ашё йўқлигини эътироф этади ва бу ердаги қуёш календари билан боғлиқ аломатларни инкор этиб, уларни “сохта қабрлар” деб атайди. Аслида, юқоридаги олимлар томонидан аниқланган, Шоҳидтепа ёдгорлиги атрофидаги 365 тепанинг қабр бўлмаганлиги унинг қуёш календари билан боғлиқлигига ишора эди. Чунки, мажмуа атрофидаги тепаликлар қуёшнинг йил мобайнидаги ҳар бир кунлик ҳаракатига мос ҳолда қурилган бўлган.

Мажмуанинг атрофида милодий I асрга айвонли лаҳад гўрнинг ўрганилиши эса ёдгорликларнинг кўчманчилар йил ҳисоби билан боғлиқлигига яна бир ишора эди. Чунки, ЕврооСИё даштларидан милoddан аввалги I минг йилликнинг сўнги чорагидан бошлаб, кўплаб қабилалар кириб келган бўлиб, улар ўзлари билан йил ҳисобига оид билимларини ҳам олиб келган эдилар. Ушбу фикрни кўчманчилар

маданиятига оид (Оҳангорон водийсидаги Ирисув, Суппутош ва бошқа) ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Йил ҳисоби – куёш ҳаракатига қараб кун, ой ва йилларни белгилаш Нурота тоғ тизмаси жанубий ёнбағирларида яшовчи аҳолиси орасида жуда қадимдан мавжуд бўлганлиги аниқланган. Фольклоршунос олим Ш. Турдимовнинг ёзишича, “Нурота тоғлари орасидаги Ўртачўлдан кузатилса, ёзнинг энг узун куни 22 июнда куёш Шоҳимардон қадамжоси ўринлашган йўналишга ботишининг гувоҳи бўламиз. Шу жой куёш ботишининг йил давомида шимол томон силжишидаги сўнги нуқта ҳисобланади. Навбатдаги кунлардан бошлаб, куёшнинг ботиш нуқталари жанубга – Нурота ва Лангарота қадамжоларига томон аста секин қайтади. Халқнинг қадим мифологик тасаввурларига кўра, энг узун кун ва энг қисқа тун, яъни 22 июнь куёш лангар ташлаб изига қайтувчи нуқта ёз камолга етиб, киш эса ҳалок бўлувчи тимсолий жой, деб англади” [13]. Нурота тоғ тизмаларида куёшнинг таянч чиқиш нуқталари аниқланган ва бу нуқталар аҳоли томонидан муқаддаслаштирилган (Нурота, Шоҳимардонота, Лангарота, Қувқалладаги Азиз бобо ёки Хўжайи Нонберота).

Биз юқорида сўз юритган Шоҳидтепа Нурота атрофидаги ёдгорликлар билан бир хил кенгликда жойлашган. Унга кўра куёш дастлаб Шоҳидтепа ундан сўнг Нурота томон ҳаракатланади. Нурота томондаги Ўртачўл бошланувчи Боғожат тепалигидан кузатилса, Куёш йил давомида Оқтов ва Қоратов (Нурота тоғ тизмалари) нинг шарқий қисмлари оралиғидан чиқади. Яъни куёшнинг қишки узун тун ва қисқа тун вақти –21-22 декабрдаги сўнги тўхтовчи нуқтаси Оқтовнинг шарқий Ёнбош Лангари чўққисига тўғри келса, ёзнинг энг узун кун ва қисқа тун вақти 21-22 июнь кунлари куёшнинг шимолдан чегара нуқтаси Қора тоғнинг шарқий Қувқалла чўққилари эканлиги кузатилади [13]. Куёшнинг кўкламги (21-22 март) ва кузги (21-22 сентябрь) тун-кун тенг келувчи пайтда чиқувчи нуқтаси Қувқалла ва Ёнбош Лангари оралиғидаги Қўрли томонларда бўлади. Шундай қилиб, куёш 21-22 декабрь куни Ёнбош Лангаридан чиқиб Лангартов Лангарининг жанубий теграсига ботса, 21-22 март ва 21-22 сентябрларда Қўрли тарафлардан чиқиб, Нурота зиёратгоҳи чўққилари ортига, 21-22 июнда эса Қувқалладан чиқиб, Шоҳимардон зиёратгоҳи тизмаларининг шимолий теграсига ботади.

Маълум бўлмоқдаки, ўрталик нуқтадан кузатаётган киши ўзини қуршаб турган икки тоғнинг йил давомида куёш чиқиб ботишидаги қатъий тўхтаб нуқталарини аниқ чегаралаб белгилай олади. Мунтазам кузатувчи эса, ҳар бир кун соатни ҳам куёш нурунинг тоғ чўққиларига тушиб ҳосил қилувчи сояларнинг ҳолатига қараб айта олади [13]. Масалан Оқтовнинг оқ чўққисидаги сояга қараб туш вақтини белгилаш Жўш атрофидаги кексалар ўртасида одат. Қувқалла ҳақидаги ривоятда: қаҳрамон йигит бошининг чопилиши ва бошнинг юмалаб маълум масофага бориб, ер тагига кириб кетиши воқеасида, куёш ҳаракати қадимий ёз ва қиш мавсумий маросими ҳақидаги миф асос бўлиб турганлигини англаш мумкин.

Қувқалла қўрутига тегишли нақлдаги кесик бош мотиви қиш тимсолига тааллуқли. У моҳиятан 22 июнь куни куёш ботувчи Шоҳимардон қўрутидаги: тошга айланган туя боши ҳақидаги ишончлар билан боғланади, зеро, бу қадамжолар яхлит тасаввурий тизимни ташкил этади. Куёш чиқувчи тарафдаги Ёнбош Лангари ва Қувқалла қўрутлари билан боғлиқ мифлар бу жойларнинг ҳам худди Куёш ботувчи тарафдаги Оқтов Лангари, Нурота ва Шоҳимардон қўрутлари қатори муқаддас саналганлигини англамоқда. Масалан Қувқалладаги ҳар икки зиёратгоҳ қалла билан боғлиқ ҳисобланади. Бунда тананинг куёш энг тик келиб (22 июнь куни) лангар ташлаб изига қайтувчи нуқтада ёз камолга етиб, киш эса ҳалок бўлувчи жой (ҳозирда ҳам халқ Хўжайи Нонберота бобонинг танаси қолган деб сизинадиган муқаддас зиёратгоҳ)да қолиши. Қалланинг эса тахминан 4 км жанубга куёшнинг ўрталик масофасидаги чегара худудга келиб ер тагига кириб кетиши (ҳозир бу ерда Қувқалладаги улкан мачит ва Хўжайи Нонберота бобога атаб қурилган гумбаз мавжуд) ҳам айнан куёш ҳаракати билан боғлиқ ҳодисани ўзида жамлаган.

Куёшнинг шимолий оғишидаги сўнги чиқиш нуқтаси Қувқалла номини машҳур тарихчи, тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқов Авестода таъкидланган “Хукария” деб тахмин этади. Ушбу фаразга таянсақ, Хукария атамаси таркибида қар, кўр кўрни топамиз (гур, гўр, қур, кўр атамалари ёруғлик, нур, иссиқлик манбаи мазмунини ифодалайди).

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, биринчидан, аҳоли қадимдан куёш, ой ва юлдузларнинг ҳаракатини кузатиш орқали ой ва кунни ҳисоблаш, об-ҳавони олдиндан айта олиш каби илмий билимлар ривожланган ва улар оғиздан оғизга ўтиб келаверган. Иккинчидан, чорвадорлар ўзларининг кўп минг йиллик амалий билимлари асосида куёш, ой ва юлдузларнинг ҳаракатини аниқ ҳисоблаб, вақтни аниқлайдиган расадхоналар қуришган. Бу расадхоналарда йилнинг маълум бир ойига тўғри келадиган осмон жисмларининг ҳаракатини ифодаловчи белгилар аниқ ўрнатилган бўлган. Афсуски, кўчманчиларнинг тақвимни ўзида жамлаган расадхоналари кам сақланиб қолган ва мавжудлари ҳам ўрганишга муҳтож. Халқимизнинг куёш, ой ва юлдузлар ҳаракатига асосланган йил ҳисобларига оид оғзаки билимлари ҳам унутулиб кетиш арафасида. Шундай бўлсада, шимолий-ғарбий Уструшона чорвадор аҳолиси орасида ой ҳисобларининг баъзи вариантлари ҳозиргача сақланиб қолган. Бу ҳисоб тизимининг соддалиги ва ёдда сақлаш осонлиги сабабли оддий халқ орасида кенг тарқалган.

Собиқ иттифок давридаги маънавий кадрларимизга қарши қаратилган тақибларга қарамасдан аждодларимизнинг илму нужум билан боғлиқ маънавий меъроси қисман бўлсада сақланиб қолган.

Шундай қилиб, Туркистон заминида яшаб келаётган халқлар тақвим-йил ҳисобидан фойдаланишда дунёнинг энг маданий халқларидан бири ҳисобланадилар. Бу ўлкада тақвимларга амал қилиш қарийб уч минг йилдан буён давом этиб келади. Шу давр мобайнида Туркистон халқлари қадимги туркий, хоразмий, суғд, авесто (қадимги эрон), яздиғир, Ҳижрий-шамсий, Ҳижрий-қамарий, милодий йил ҳисобларидан фойдаланганлар. Тақвим-йил ҳисобининг бошланиши эса кўчманчилар йил ҳисоби (дўғол-тўғиш) ҳисоби билан боғлиқ бўлган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Филанович М.М. Древняя и средневековая история Ташкента в археологических источниках. Ташкент, Узбекистан, 2010. С. 85.
2. Обельченко О.В. Лявндакский могильник // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент, 1961. С.128.
3. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. “Фарғона”, 2013. Б.189.
4. Пугаченкова Г.А., Л.И. Ремпель. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. М. 1982.- С. 141.
5. Мамиров О. Уструшона аҳолиси астрал билимлари ва вақт ҳисобининг ўзбек халқи тақвимлари шаклланишидаги ўрни// “Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатлари ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)”. Гулистон, 2016. Б. 161-162.
6. Алибеков У. Йил ҳисоби // Мозийдан Садо, № 1 Тошкент, 2012. Б. 7-9.
7. Саримсоқов А.А. Ўзбекларнинг тақвимий маросимлари. Фан.номз.дисс. Тошкент, 2011. Б. 48-49.
8. Дала тадқиқотлари: Ҳозирқул Қамбаров, Қўшработ тумани, Қувқалла қишлоғи, 78 ёш. 2012 октябрь.
9. Абу Райхон Беруний. Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар. Т. 1. Тошкент, 1968. Б. 391.
10. Дудаков С.А. Календарь кочевников на Ангреном плато. // ОНУ. № 5, 6, 7, 8. Ташкент, 1995. С. 60-63.
11. Ремпель Л.И., Ртвеладзе Э.В. Отчёт об археологических исследованиях в Галляоральском районе Самаркандской области в 1968г. // Архив ИА АН Уз ССР. Самарканд, №3645. –Л. 5-9.
12. Булатов М.С. Согдийско-сакский календарь в степи подлежит охране //Строительство и архитектура Узбекистана. 1982, №.5. С. 23-25.
13. Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. Тошкент, “Фан”, 2011. Б.167, 172, 173.

УЎҚ 92/93

#### ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҚЎШИННИНГ ТУЗИЛИШИ

*С.Р. Тураева, катта ўқитувчи, т.ф.н., Ўзбекистон Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қўшинининг тузилиши, ўнлик ва эллик кишилик бўлинмаларнинг номланиши ҳамда уларга белгиланган вазифалари шунингдек, ҳарбий тизимидаги ясоқчилик хизмати, чоғдовуллуқ хизмати, қоровуллик хизмати, жосуслик хизмати, тан қўриқчилик хизмати каби ҳарбий хизмат турлари, баъзи ҳарбий бўлинмалар хусусида маълумот беради. Мазкур даврда қўшинда қабул қилинган ички тартиб, қоидалар, ҳарбий интизомни бузганлик учун жазолаш тартиби ҳақида тушунча беради. Аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, бу муқаддас замин буюк саркардалар тарбиялаган халқ юрти бўлиб, ушбу саркардалар ҳарбий маҳорати, тажрибаси миллат маънавиятини оширишида, ўзликни англашишида ўрни беқиёс эканлигига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** қўшин, ҳарбий хизмат, ҳарбий бўлинма, Темур тузуқлари, қўшиннинг саф тортиши, лашкарбоши, ҳарбий мансаб ва лавозимлар, барлослар, қоравул, айгоқчи, ҳарбий тактика

**Аннотация.** В статье представлена информация о структуре армии Захириддина Мухаммада Бабура, наименованиях десяти и пятидесяти частей и возложенных на них задачах, а также о видах военной службы в военной системе, таких как призыв, охрана, шпионаж, служба телохранителей, некоторых воинских частей. Дается понимание правил внутреннего распорядка, принятых в армии в этот период, порядка наказания за нарушение воинской дисциплины. Изучение истории военного потенциала наших предков имеет особое значение в воспитании у молодого поколения чувства любви к Родине, эта священная земля - земля великих полководцев, чьи военные навыки и опыт играют неоценимую роль в повышении духовности и самобытности нации.

**Ключевые слова:** армия, военная служба, воинская часть, законы Тимура, состав армии, генерал, воинские звания и должности, барлос, охрана, шпион, военная тактика

**Abstract.** The article provides information on the structure of the army of Zakhiriddin Muhammad Babur, the names of ten and fifty units and the tasks assigned to them, as well as the types of military service in the military system, such as conscription, security, espionage, bodyguard service, and some military units. Gives an understanding of the internal regulations adopted in the army during this period, the order of punishment for violation of military discipline. Studying the history of the military potential of our ancestors is of particular importance in instilling in the younger generation a sense of love for the Motherland, this sacred land is the land of great commanders, whose military skills and experience play an invaluable role in enhancing the spirituality and identity of the nation.

**Keywords:** *Army, military service, military unit, Timur's regiments, army composition, general, military ranks and positions, barlos, security, spy, military tactics*

Аждодларимиз жаҳон ҳарбий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон сарҳадларини қамраб олган катта салтанатини барпо этишида ҳам кучли тартибли қўшин хизматининг аҳамияти беқиёс эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жанг ҳаракатларида ғалабаларига унинг мустақкам тартиб асосида ташкил этган қўшини ва тадбиркорона маҳорат билан олиб борган сиёсати қўл келган. Бобур қўшинларининг тузилишида ўзидан олдинги ўтган аждодлари бўлган бобоси Амир Темурнинг анъанавий қўшин тартиботи сақланган бўлиб, фақат номланишларида ўзгаришларга учраганини, янада ривожлантиришга уринганини кузатиш мумкин. Марказий Осиё халқларининг қўшин тузилиш анъаналари узок ўтмишдан такомиллашиб келган.

Бобур қўшинида ҳар бир бўлинманинг вазифаси ва бажарадиган иши аниқ, пухта тақсимланган эди. “Бобурнома”да Қандихор учун бўлган жанглар тасвирида Бобур қўшинининг тузилиши ҳақида яққол кўзга ташланувчи маълумотлар мавжуд. Хусусан, 1507-1508 йил воқеаларида “Қўшин саф тортган ҳолда Бобур ҳар бир бўлинмада кайси лашкарлари бош бўлганлигини таништиради. Яъни, Бобурнинг хотирлашича, ... қўлидан иш келар йигитлар ажратиб олиниб, қўшинни ҳеч маҳал онча тартиб ва насақ (интизом) била ясамайтур эдим. **Ўн - ўн ва эллик- эллик** битилиб, битилиб **ўн улуғи** ва **эллик улуғи** тайин этдим. Ҳар ўн ва ҳар эллик ўнг қўлда ва сўл қўлда турар ерларини билиб, уруш чоғи қилар ишлари маълум қилиб, ҳозир ва нозир эдилар. Буронғор ва жувонғор ва ўнг ва сўл қўл, ўнг ён ва сўл чопа отлонғоч бекулфат ясамоқ ва **беминнат тавочи** черик эли ери била ўк (аниқ, тўғри) мутаважжих (юз тутган, сафланган) бўлдилар.

Агарчи **буронғор** ва ўнг қўл ва ўнг ён бир маъниси бор. Вале алфоз тигйири била ташхис мухталиф маонийга мен итлоқ (аташ, нисбат бериш) қилдим. Бобур бу бўлинмага ўзи шундай ном берганини айтади.

Бобур ўз қўшинини ўнлик ва эллик кишилик бўлинмаларга бўлганлигига ишора берилган. Қандихорга келганга қадар қўшинни интизомли тартибланиш масаласига катта эътибор қаратмаганлигини алоҳида таъкидлаб, қўлидан иш келадиган йигитлардан қўшин тузганлигини қайд этади. Бундан аён бўладики, қўшинга қабул қилинаётган аскарларни саралашнинг ҳам ўзига хос тартиби бўлган. Ҳатто қўшин сафида ҳар бир бўлинманинг турадиган жойини ҳам аниқ кўрсатилган эканлигини хотирлайди.

“... нечукким, **маймана ва майсараким**, “**буронғор ва жувонғор**” дерлар, ясолда қалбниким- “**ғул**” дерлар, дохоло (тегишли) эмас. Мунда бу навъ ясолни (саф, қатор қўшин) ўшул сарофате (ният, истамоқ) била буронғор ва жувонғор дейилди.

Маълумотдан англашиладики, Бобур ўз қўшинидаги бўлинмаларга ўзи ном ҳам берган. Улар сони ва вазифаси тақсимланган.

**Яна “ғулким”,** бошқа ясолдур, мунинг **ямин (қўшиннинг ўнг қаноти)** ва **ясор (қўшиннинг чап қаноти)**ини имтиёз учун “**ўнг қўл**”, “**сўл қўл**” битилди. Яна ғулдаким, хосса (хусусият) тобиндур (эргашувчи, бўйсунувчи), мунинг **ямин** ва **ясорининг ўнг ён ва сўл ён** айтилади. Яна хосса тобиндаким, бўй мурод эмасдур, якин муротдур, мунинг **ямин** ва **ясори ўнг ва сўл** оталди.

Демак, ғул қўшин сафи марказни ташкил қилиб, “қалб” ҳам дейилган. Бобурнинг хос хизматидаги сарой айёнлари, энг якин беклари, хатто ошпаз, от-улоқига қаровчи- мироҳур, узангисини тузкотини қарайдиган- рикобдор, парвоначи, қўрчи, хазиначи ва бошқа масъул лавозимдаги кишилар ҳам жойлашганлиги улар ичида ҳукмдорнинг тан соқчилари ҳам борлигига ишора берилади. Муаррих бу кишиларни умумий номда баъзан “ичкилар”, “ички беклар” деб, тилга олади.

“Буронғор: **Мирзахон, Ширин тағойи, Ёрак тағойи ога- инлари била, Чалма мўғил, Айюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Сайид мўғул мўғуллари била, Султонқули чухра, Худобахш ва Абулҳасан ога инлари била.**” [1:225]. Демак, 10 та лашкарбоши номи тилга олинмоқда.

“Жувонғор: **Абдураззоқ мирзо, Қосимбек, Тангриберди, Қанбар Али, Аҳмад элчи Бўға, Ғўри барлос, Сайид Ҳусайин Ақобир, Миршоҳ қавчин.** Демак, 8 та лашкарбоши қайд этилган.

Ировул: **Носир мирзо, Сайид Қосим эшик оқо, Муҳиб Али қўрчи, Бобо ўғли Олловеран туркман, Шеркул қоровул мўғул ога- иниси била, Муҳаммад Али.**” 7 та лашкарбоши борлигига ишора берилмоқда.

“**Ғулда** менинг ўнг қўлим Қосим қўқалтош, Хисрав қўқалтош, Султон Муҳаммад дўлғой, Шох Муҳаммад парвоначи, Қул Баязид баковул, Камол шарбатчи; сўл қўлимда Хожа Муҳаммад Али, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Жониқули, Вали хазиначи, Қутлуқ қадам қоровул, Мақсуд увчи, Бобо шайх. Ғулда тамом ичкилар эди, улуғ беклардин кишилар йўқ эди. Бу мазкур бўлгонлардин хануз ҳеч ким **беклик мартабасига** етмайдур эди”. Маълум бўладики, мазкур даврларда “беклик” мартабаси ва мансабига лойиқ бўлиш учун белгиланган аскарлар миқдоридидаги ҳарбий бўлинмага эга бўлиши лозимлиги талаб этилган. “Беклар”нинг бўлинмалари бирлашса қўшиннинг аскарларини катта ҳарбий кучини ташкил этган. Бобур ҳаётида кечган тарихий жараёнлар таҳлилдидан англаш мумкинки, “беклар”нинг қўшин сафини тарк этиши, ҳарбий қудратни заифлаштирган.

**Ғул қўшини сони қанчагача бўлиши мумкин эди?**

**Бобурномада** “ .... Мирзо (Султон Хусайиннинг) 14 минг якка йигити бор экандур **ва қирк минглик ясоқлик йигити “ғул” экандар**”, - деб маълумот берилади.

**Ясоқлик хизмати.** Ҳарбий хизматнинг бир кўриниши – “ясоқлик” бўлган. Бобурномада ясоқликнинг вазифаси – ясоқликқа таллуқ ишлар, деб, - “ҳадақ тўлдириш, қазмоқ ва йўл ясамоқ ва ўтун, самон хассага еткурмоқ”- эканлиги ёзилган. “**Ва ҳар бирига 80 жериб [2]** (ер берилур; мунддин 40 таноби “мазру” килиб, хосилни худ бари ўзлари тасарруф қилурлар ва яхшилар аларнинг улуфасига ҳисоб қилурлар ва қолгон қирк танобдан ортуқ эксалар мол берурлар)[1:175]. Маълумотдан биламизки, Бобур ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси масалларига ҳам эътибор қаратган. Айниқса, “Бобурнома” асарида Ҳиндистонни босиб олишдаги воқеаларни тасвирида, рақиби лашкарбоши Иброҳим Лодий шахсини тасвирида, қўмондонлар қўл остидаги ҳарбий хизматчи, аскарларга муруватли бўлишлари лозимлигига катта аҳамият беради. Мана шундай ижобий жиҳатлар Иброҳим Лодийда етишмаслигига, ҳарбий хизматчилар ички норозиликларининг устунлиги Бобурга қўл келганлиги ва ғолиб бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

**Ҳарбий кўшин жойлашган жойни кўриқлаш.** Кўшин ҳарбий лагери жойлашиш ўрни ва ҳозирлигини кўриш муҳим масала бўлиб, уни “тавочи” лавозимидаги шахс бажарган. **Тавочи** – ҳарбий амалдор бўлиб, унинг зиммасига лашкар тўплаш, ҳарбий юришлар вақтида уни тўхташ манзилларида ўрнаштириш, жанг олдида уни тартибга солиш, подшоҳнинг буйруқ ва топшириқларини тегишли ерга етказувчи ва амалга оширувчи амалдор, адъютант вазифасини бажарган.

Қайсики жойга уруш режалаштирилса, **“ўлжор” ёки “ фармон”** чиқарилган ва кўшинга эълон қилинган. **Ўлжор** – ҳарбий юриш учун кўшинга берилган фармон ёки хабар [3:338] бўлган. Бобур жанг тактикасида бобокалони Амир Темур тажрибасига таянишга ҳаракат қилган.

“Амир Темур кўшинлари Ҳиндистонни босиб олишда Дехли атрофида қароргоҳ қуриб, қўққисдан бўладиган ҳужумдан сақланиш ниятида ҳавфсизлик чораларини кўрган. Улар хандақлар қазиган, қозиклардан тўсин ясаб, уларнинг атрофига шох-шаббалар билан беркитиб, тўсиқлар орқасидан бир- бирига боғлаб, буқаларни жойлаштирган (кечаси ҳимояланиш учун бўлса керак), улар орқасидан қалқонлар ўрнатиб, охирида эса ўз чодирларини жойлаштирганлар” [4:249].

Бобур даврида кўшин ҳабий лагерини “чоғдовуллуқ” хизматидаги аскарлар кўриқлаган.

**Чоғдовуллуқ хизмати.** “Бобурнома”да Қобул атрофидаги жанг манзараларида “кўшиннинг тунги дам олиш манзилининг” кўриқланиш масалларига ҳам тўхталган. “.... Ул урушда бисийёр эҳтиёт қилурлар эди, ҳеч иш қила олмадилар. Мундоқ эҳтиёт қилурлар эдиким, буронғор, жувонғор, ғул, ировул ҳар қайсиси **бўдаллик бўдалида** тушиб, ҳар қўл (бўлинмалар) ўз тушидин яроқлиби яёқ ўрдунинг гирдиға чодирларидин бир ўк отими йироқроқ чиқиб, кеча ўшанда ўк бўларлар эди. Ҳар кеча дастур била чирик элини чиқарилур эди. Ичкиларидин уч-тўрти машғал била ҳар ахшом навбат билан эвирулур эдилар. Мен ҳам (Бобур) бирор навбат эвирулур эрдим. **Чиқмоғон кишининг бурнини тешиб, черикдин эвритур эрдук.....** Черикни олти бўлак қилилиб эди. Ҳар бўлакка кеча-кундуз **чоғдовуллуқ навбати эди.**”[1:157]. Маълум бўладикки, ҳар бир бўлинмадан дастур тамойил асосида 3-4 кишидан навбатма- навбат машаъла билан, чодирлари жойлашган жойдан бир ўк узокликда тунги соқчилик қилинган. Тунги навбатчиликда Бобурнинг ўзи ҳам иштирок этишидан, маълум бўладикки катта унвонли ҳарбий мансабдорлар ҳам ушбу **“тунги навбатчилик”** хизматидан бош тортмаган. Тунги навбатчилик **“чоғдовуллуқ”** – деб аталиб, бир кеча-кундуз муддатда навбатчиликда турган. Чоғдовул - душман келишини олдиндан огоҳлантирган. Бу ҳақида Бобурномада 1507-1508 йил воқеалари баёнида Хирий қалъасини мудофааси султ эканлигига ишора қилиб, “Мухаммад Бурундукнинг маъкул раъйи била амал қилмай, не кўрғон ишини мазбут қилибтур, не уруш ярогини марбут, не қоравул, **не чигдовулким ёғий (душман) келурдан огоҳ қилгай,** не ясолда тартиб ва насақким ёғий келса уруш хотирхоҳ қилгай”[1:220] - деб, айтилган фикрлар ҳам тасдиқлайди.

**Қоровуллик хизмати.** “Бобурнома”да “1503-1504 йилги Қобулдаги воқеалари баёнида.... Дукки вилоятиға тааллуқ рудға тушулди. Ул юрттин кўчганда Шохбек навқари фозил кўкалтошнингким, Сивиннинг доруғаси эди, йигирмача қоравулликға келган кишини тутиб келтурдилар”[1:160]. Мазкур маълумотдан англашиладики, ўрта асрларда қоровулликка 20 дан кўп киши жалб этилган ҳолатлар бўлган. Манбадаги маълумотлар кузатилса, “қоравуллар”- хизмати разведка бўлиб, душман кўшининги ҳаракатланиш жойи ҳақида олдиндан хабар берган.

Биринчи тарихчи ўзбек аёли, Бобурнинг қизи малика Гулбаданбегим ўзининг “Хумоюннома” асарида келтирилишича, қоровуллар Бобур авлодлари даврида ҳам бўлган ҳарбий бўлинмадир. Манбада ёзилишича, “... Ниҳоят Деҳи Афғононга етганларида икки томоннинг қоровул кўшинлари тўқнаш келди. Тўқнаш келиши биланоқ ҳазратларининг [Хумоюн подшоҳ] **қаровул кўшини** Мирзо Камроннинг **қоравулларини** қўлга олдилар ва ҳазратларининг олдиға олиб бордилар”[5:71].

**Кўрбегилик мансаби.** Бобурномада “ .... Биз Қобул кеғали туркман ҳазораси (қабиланинг номи) анвоъ беадаблиқлар ва раҳзанликлар қилиб эдилар. Аларни чопмоқ (тўполон, талон-тарож, забт этмоқ, босиб олмоқ) ҳаёл қилиб, андин шаъбон ойида туркман ҳазорасини чопа отландук. Дараи Хуш оғозида Жинглакта чопқун кўйдук. Оз- оғлоқ ҳазора чопилди. Дараи Хуш ёвуғида бир сумжда бир пора ҳазора яшунгон экандур. Шайх Дарвеш кўкалтошким ақар қазокликларда менинг била эди, **кўрбегилик мансаби** анда эди, ёйни кучлик тортар эди, ўкни хўб отар эди ..... ”[1:169] – деб хотирлайди. Маълум



бўлишича, ушбу мансабдор жанг маҳали ҳукмдор ёнида юрган. Кўрбеги- “кўрчи” – қурол аслаҳа сақловчи мансабдор.

**Бобурнинг жосуслик хизмати.** Бобурнинг муҳораба майдонидаги ғалабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг муҳими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш қобилиятидир [6]. Айни шу маҳорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрашда, урушни ўз фойдасига ҳал қилишда, қолаверса, атрофидаги кишилар руҳияти, шахсиятини янада яхшироқ англашида, душман нияти – сир-асроридан аввалроқ воқиф бўлишда Бобурга қўл келган.

Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийнинг Бобурга етказган разведка хабари билан боғлиқ Афғонистонда ўз ҳукмронлиги асосини солаётган Бобур бегона юртдаги шаҳар, қишлоқ, ўрмонзор, кўча ва пасткўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганган. Айниқса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдири билан боғлиқ бўлса, Бобурнинг синчковлик қобилияти янада ошган, эҳтиёт чораларини кўришга киришган. Ҳали Бобурнинг Кобул ҳокимияти мустаҳкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари ҳам душман рафторини қилганда уларнинг ҳар бир ҳаракатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бениҳоя муҳим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвқарашда бўлган Боқи Чағониёний «арзга еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин (яъни Кўракатутдан – қавс ичидаги баъзи изоҳлар муаллифники), кўнуб, Кўҳат отлук ерга борса бўлур эмиш...». Бироқ Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чағониёний Бобурни ишонтириш мақсадида бир неча **айғоқчи кобулийларни** олиб келади. Тундан кейин бир қадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган ҳужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмайди: «Боқи Чағониёний арзга еткурданек нима черик элига тушмади. Боқибек бу саъйдин шармандароқ бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик ҳарбий амалиётлардан бирига хизмат қилган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти ҳам **жосус хабарига** мувофиқ келур. Бу кайфиятларни Султон Муҳаммад келиб арзга еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги муҳорабанинг айрим деталлари баён қилинади. Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга катта эътибор билан қараган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий қарашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Кобулда ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаган Бобур Ҳиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидулаввал ойи Кобулдин Ҳиндустон азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг иқрорича «не бормоққа ери муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юқори-қуйи яна бир хабар олгунчи юрт тоза қилиб кўчилур эди». Бунда Бобур аниқ қилиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошқа ерларни ўз тасарруфига киритишга шошилмаганини айтмоқда. Унинг бу **тактикаси, ҳарбий истёждои кейинроқ** Ҳиндистон муҳорабаларида жуда қўл келган. 1507-1509 йил воқеалари. Бобур Кобулдан хозирги Жалолобод вилояти — Нингнаҳордан Ҳиндистон томон борар экан, жуда кўп афғон тўдаларига дуч келади, улар билан муҳорабалар олиб боради. Бу жараёнда ҳам Бобур разведка хизматига мурожаат этади.

Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаққатли доvon, адирларни кезиб охири Панкйалий деган жойга тушадилар. Маҳаллий шароитни билиш, кейингина бир қарорга келиш учун Бобур «Ўғонбердини бир неча киши била **тил олғали** илгаррак» юборади. Бироқ, Ўғонберди ҳам бу гал «кўнгул тилагудек таҳқиқ хабар келтурмади». Албатта, бу ҳол Бобурни қаноатлантирмаган. У яна разведка хизматига мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чиққанда Рустам туркманниким, қаравулликқа йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афғонлар хабардор бўлиб, кўзғолишиб турлар». Бобурнинг бу галги **хабарчилари** аниқ маълумот олиб келмаганларидан сўнг, у таваккал қилиб ҳужумга ўтади, ғанимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» қўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошқа разведка маълумотини олиши у билан қураш олиб бораётган афғон саркардаларининг умумий ҳолати ҳақида бўлиб, унинг энди, қайси йўлни танлаши учун муҳим эди.

**Белдор бўлинма.** Ҳарбий ҳаракатлардан олдин душман ҳужумларидан сақланиш мақсадида мудофаа иншооти (хандак, чоҳ, қозонларни ўрнатиш жойи ва б.) қуришга жалб этиладиган аскарлар. Бобур кўшинида махсус белдорлар бўлинмаси деб аталган [7:91].

**Тан кўриқчилик хизмати.** Тан кўриқчи аслзода саркардалар фарзандларидан тузилган, хонни муҳофаза қилувчи махсус бўлинма бўлган. Баъзи манбаларда улар “**чухрабоши**” деб тилга олинади, Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида бундай лавозим эгаларини “**хосса тобини**” деб таърифлайди [1:19]. Бундай хизмат тури теурийлар саройларининг пойтахтида, яъни Самарқанд, Ҳиротда анча анъанавий тараққий этган эди. Манбани ўрганишда маълум бўладики, бу хизматдагилар “Самарқанд тобини”, “Ҳирот тобини” деган ибора билан машҳур эди. Чунки улар мазкур пойтахт шаҳарларида ҳукмдор сулоласи вакилларининг, оила аъзоларининг хизматида бўлганлар.

**Хизмат вазифасини бажармаган ҳарбийларга жазо тури.** Кимки ушбу навбатчилик (наряд)да иштирок этмаса, жазо ҳам мавжуд бўлган. Ушбу навбатчиликка чиқмагanning **жазоси бурнини тешиб, ип ўтказиб, кўшин сафи, ўрда атрофидан айлантирилиб, сазойи қилинган.** Баъзи ҳолларда ҳарбий хизматдан ҳайдалганлиги қайд этилади. “Бобурнома”да муаллиф ҳарбий кўшин тунги навбатчилигида ўзи ҳам иштирок этганлигини қайд этиб, “.....мен ҳам бирор навбат эврлулур эрдим. (Тунги кўриқчиликка) чиқмагон кишининг бурнини тешиб, черикдин эвртур [8] эрдук” [1:157].

“Бобурномада” куйидагича ёзилади: “Арзга еттиким, черик эли Бехра элига бесарлиқ ва датандозлиқлар қиладурлар. Кишилар йибориб, бесарлиқ қилгон элнинг баъзини яққа еткуруб, баъзини бурнини тешиб, ўрдудин эврурдилар (айлантириб)” [1:244].

Хуллас, аждодларимизнинг ҳарбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотишда алоҳида аҳмиятга эга. Бинобарин, мамлакатимизда буюк саркардалар тарбиялаган халқ бўлиб, ушбу саркардалар ҳарбий маҳорати, тажрибаси миллат маънавиятини оширишда, ўзликни англатишда ўрни бекиёс. Биргина Бобур ҳарбий маҳорати кўплаб тадқиқотларга етарли материал бера олади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсан ўз тилидан ёзилган “Бобурнома” асарини ўқир экансиз, одам бўйли қалинликда қор ёлган мавсумда ўзи ҳам аскарлар олдиға тушиб, улар билан йўл очиш учун шашт қилган манзарани ўзидан унинг қандай ғамхўр кўмондон, масъулиятли йўлбошчилиги ҳақида мулоҳазалар юритиш мумкин. Бобурнинг Аградан ўғли Камрон Мирзога Қобулға ёзган хатида, “Мовароуннаҳр аҳолиси содда, аммо ишончлидир”- деган сўзларига аҳамият берадиган бўлсак, у барибир ўз қалбига яқин инсонларга, ватандошларига юкинган. У ҳар бир жанг олдидан аскарларга покляниб жангга киришга даъват этган, чунки бу майдон аскар учун ё нажод, ё ҳаёт билан видолашув бўлиши мумкин эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур маънавий меросини ўрганиш ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини сингдиришга хизмат қилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. / Nashrga tayyorlovchi va lug'at – izohlar mualliflari: S. Xasanov, O. Jo'rayev. “Fan” – Toshkent – 2019. – B.-225.
2. Жериб - ер ўлчов бирлиги, тах 0,2 га. Бобур Султон Хусайиннинг ҳар бир йигитига саксон жариб ер бергани зикр қилинган// Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент “Шарқ” нашрети – 2014. – Б. 242
3. Навойи асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент. 1993. – Б. 338.
4. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати ва сиёсати. – Тошкент. “Янги аср авлоди” 2019. – Б. 249.
5. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома / форс тилидан А. Қурбонов таржимаси. // Jahon adabiyoti. – 2015. aprel. – B. 71.
6. Қудратуллаев Х. Бобурнинг разведка маҳорати/ e-tarix.uz»
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент “Шарқ” нашрети – 2014. – Б.91.
8. Эврутир - айлантирмоқ. Навойи асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент. 1993. – Б.335.

УЎК 93/94

### ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

*М.У. Холбекова, катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти, Жиззах*

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақиллик йилларида имконияти чекланган инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий базаси яратилганлиги ҳақида сўз юритилади. Мақолада Ўзбекистондаги қонунчилик базасининг халқаро стандартларга мослиги қиёсий таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** ижтимоий ҳимоя, имконияти чекланганлар, реабилитация, имплементация

**Аннотация.** В данной статье подчеркивается, что в Узбекистане в годы независимости создана правовая основа для обеспечения экономических и социальных прав людей с ограниченными возможностями. В статье на основе анализа сравнений обосновывается вывод о совместимости правовой базы Узбекистана с международными стандартами.

**Ключевые слова:** люди с ограниченными возможностями, социальная защита, реабилитация, имплементация

**Abstract.** This article emphasizes that in Uzbekistan in the years of independence has created a legal basis for ensuring economic and social rights of people with disabilities. The article based on analysis of comparative conclusion about compatibility of legal base in Uzbekistan with international standards.

**Key words:** peoples with disability, social care, rehabilitation, implementation

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга ҳаётда кенг имкониятлар ва шароитлар яратиш масаласига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг замонавий функцияси 1991 йилдан, яъни Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бошланган ва у тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш”[1].

Бугунги кунда ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган ўнлаб қонунлар, қарор ва фармойишлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 2 августдаги Ф-5006-сон “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясида янги босқични бошлаб берди [2]. Ушбу норматив ҳужжат алоҳида эҳтиёжли муҳтож бўлган шахсларга ҳам давлат тузилмалари идоралари ижтимоий ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан оила, мактаб, болалар муассасалари ва ҳ.к.нинг, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг реабилитацияси ва жамиятга интеграция қилишни ҳал қилиш масалалари ақс этган.

Қонунчилик ногиронликни белгилаш билан чекланган имкониятли шахсларга ижтимоий ёрдамга, инсонларнинг ногиронлик ҳолатида мустақил ҳаёт учун қулай шароитларни яратиб бериш ҳуқуқини тақдим қилиш билан боғлайди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро қонунчилик принципларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини кафолатловчи асосий ҳужжат бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 30 та моддасида киритилган барча қадриятларни қамраб олиб, энг мукамал тарзда уларни ақс эттириши билан жаҳоннинг йирик ва демократик давлатлари асосий қонунлари қаторида муносиб ўрин тутмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига эътибор берадиган бўлсак, имконияти чекланганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир 10 дан ортиқ моддаси мавжуд. Масалан, БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да “ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёҳуд бошқа эътиқодларидан, миллий ва ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ёҳуд табақавий ёки бошқа шароитидан қатъи назар барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган” [3]. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” барча инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлар экан, бу Декларациянинг барча бандлари махсус эҳтиёжли инсонларга ҳам тегишлилиги аниқланди. Декларациядаги ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳам келтириб ўтилган. Унда ёзилишича “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар” деб белгилаб қўйилган.

Республиканинг амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатларида ногиронларни ишга жойлаштириш, меҳнати муҳофаза қилиш, яратилган енгилликлар, имтиёзлар ва кафолатлар, касб ўрганиши ва ишга жойлаштиришида ўз ақсини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун сингари 50 га яқин ҳужжатларда ногиронларни меҳнат қилиш имкониятлари давлат томонидан ҳимояланган ва кафолатлаб қўйилган. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 27-моддасида белгиланишича “Иштирок этувчи давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш ҳуқуқини эътироф этади. Бу меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш муҳити ногиронлар учун очиқ. Инклюзив ва иштирок этиш имконияти бўлган шароитда ногирон ўзи танлаган ва эркин рози бўлган меҳнат фаолияти орқали турмуш кечиришига, пул ишлаб топиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини қамраб олади” дейилган [4]. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37 моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган [5]. Конституциядан келиб чиққан ҳолда, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига биноан “Ногирон меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир” дейилган. Ёки бўлмаса ушбу қонуннинг 23-моддасида белгиланишича “Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилишининг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади. Жамоа ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътилларнинг муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан қам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак” дейилган. Имконияти чекланганларга иш фаолияти давомида қулай шароитлар яратиб бериш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати томонидан “Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар-уруш қатнашчилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қонун билан ҳимоя қилинади [5].

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг соғлиги касб вазибаларини бажаришга

монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиғи ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида белгиланишича “Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорда иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди”.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилган ташкилотларни ушбу қонуннинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Меҳнат кодексининг 220-моддасига асосан иш берувчи белгиланган минимал иш жойларига маҳаллий меҳнат органи томонидан йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шартлиги белгилаб қўйилган [6]. Ушбу чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” ги 186-сонли қарори билан тартибга солинади [7]. Мазкур низомга асосан ногиронлар учун меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари яратилиши шарт. Ушбу ҳолат 2011 йил қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қонун билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 68-моддасига асосан, “давлат ногиронларга қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, ногиронларни ишга жойлаштириш учун минимал иш жойларини белгилаб қўйиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди. Имконияти чекланганларнинг меҳнат бозорида ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўйилмаслиги мақсадида 2011 йил “Ўзбекистон республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади [8].

Шуниси ҳам эътиборлики, корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт қилиб белгиланган. Қонунларимиз ногиронларга янада қулайроқ меҳнат шароитларини яратади. Масалан, меҳнат шароити ноқулай шароитларда ногиронларнинг ишлашларига рухсат берилмайди. Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга корхона Ўзбекистон республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва миқдорда бир марта бериладиган нафақа тўлайди. Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномасида белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак [9].

Шунингдек, “маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар ва бирлашмалар уйда ишловчи ногиронларга мазкур фаолият учун бўш бино ёки хоналар ажратиб бериш, хом ашё сотиб олиш ва маҳсулотни сотишда зарур ёрдам беради дейилган. Ҳукумат қарорининг 5-бандида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Давлат солиқ Бош Бошқармаси, Давлат статистика қўмитаси бир ой муддат ичида мазкур қарорнинг 4 банди бажарилишини ҳисобга олиш, назорат қилиш тартиби бўйича тегишли ҳужжатларни тасдиқласинлар”-деб ёзиб қўйилган. Биргина мана шунинг ўзидагина ногиронларга яратиб берилаётган имтиёзларнинг қўлама кенглиги кўриниб турибди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида имконияти чекланганларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда самарали механизмларини яратиш, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Имконияти чекланганларнинг ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилик тизими “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда назарда тутилган талабларга тўла мос келади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1 иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. <https://strategy.regulation.gov.uz/>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
3. Саидов А., Баракаева Ф. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. -Т.:Ўзбекистон, 2010.
4. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. – Т.: Baktria press.2006.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 2010 йил 5 апрелдаги “Ногиронлар, шу жумладан ногиронлар-уруш қатнашчилари ва чернobilчилар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги Қонуни.
6. ЎзР Меҳнат кодекси.-Т.:Адолат.2008.
7. ЎзР ВМнинг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” ги 186-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси, 1993, №9.
9. Азизхўжаев А. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ.-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2008. – Б. 495-168.

УЎК 93/94

## ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳ.Ю. Холиқуллова, доц. в.б., Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида имконияти чекланган шахслар ўртасида спорт ўйинларининг ривожланиш тарихи ёритиб берилган. Мақолада имконияти чекланганларнинг ҳар бир спорт ўйинлари алоҳида-алоҳида очиб берилган бўлиб, йиллар кесимида таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** паралимпия, параолимпия, имконияти чекланган, пауерлифтинг, ассоциация, футбол командаси

**Аннотация.** В данной статье раскрыта история развития спортивных игр среди лиц с ограниченными возможностями. В статье каждый вид спортивных игр анализируется по отдельности в разрезе годов.

**Ключевые слова:** паралимпия, параазиатские игры, люди с ограниченными возможностями, пауерлифтинг, Ассоциация, футбольная команда

**Abstract.** This article reveals the history of the development of sports games among people with disabilities. In the article, each type of sports games is analyzed separately in the context of years.

**Key words:** Paralympia, para Asian games, people with disabilities, powerlifting. Association, football team

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан спортга катта эътибор қаратиб келинган. Чунки спорт айнан баркамол авлодни тарбиялашдаги энг муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон спортчилари томонидан мустақиллик йилларида олимпиада ўйинларида, Осиё ўйинларида, чемпионат ва кубокларда 6 700 тадан ортиқ турли даражадаги медаллар қўлга киритилди. Ўзбекистон спортчилари 5 та Осиё ўйинларида иштирок этиб, 232 та медални қўлга киритдилар. Улардан 53 таси олтин, 83 таси кумуш, 96 таси бронза медалидир. Буларнинг барчаси бежизга эмас, балки аҳоли ўртасида спортни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилаётгани, болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар натижасидир.

Ўзининг 29 йиллик мустақиллик тараққиёти давомида 6 ярим мингдан ортиқ спорт ва соғломлаштириш иншоотлари барпо этилган. Соғлом болалар учун спорт қанчалик аҳамиятга эга бўлса ногирон болаларнинг реабилитацияси ва жамиятга интеграциялашувида ҳам спортнинг ўрни шунчалик аҳамиятлидир. Шунинг учун соғлом болалар қатори Ўзбекистонда ногирон болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Улар ўртасида спорт масалаларини ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий- меъёрий база ташкил қилинди. Спортни ривожлантиришга йўналтирилган 100 дан ортиқ қабул қилинган қарорлар орасидан айнан ногирон болалар спортига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

1992 йилда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан «Давлат ташкилотлари жойларда махсус спорт соғломлаштириш мажмуалари, спорт иншоотлари ва бошқа шароитларни яратиб беришни ўз зиммаларига оладилар» [1] дейилган. Демак, Ўзбекистонда ногиронлар спортини ривожлантиришга ва уларнинг халқаро паралимпия ўйинларида иштирок этишларига кенг йўл очиб берилган.

Ногиронлар «Байналмилал» футбол командаси 1989 йилда ташкил топган бўлиб, шу йилнинг ўзида Тошкентда бўлиб ўтган кубокда 1 ўринни олди. Айниқса, унинг муваффақиятли ривожланиш босқичи 1990-91 йиллардан бошланган. 1991 йилда Англияда ва Тошкентда бўлиб ўтган чемпионатларда олтин медаль, 1994 йилда кумуш ва 1995 ва 2002 йилларда Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган IV чемпионатда бўлиб ўтган ўйинларда бронза [2], 2003 йил Тошкентда бўлиб ўтган V жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритдилар [3]. Тошкентда бўлиб ўтган V чемпионатга Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси, Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон

Республикаси ногиронлар спорт федерацияси, Ўзбекистон Республикаси спорт федерацияси, Ички ишлар Ўзтелеерадиокомпанияси, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Эжосан, «Соғлом авлод учун» жамғармаси хомийлик қилди[4].

Ташкил топганидан то 2003 йилгача 33 марта жаҳон кубокларида иштирок этиб, шундан 18 тасида 1 ўрин, 11 тасида 2 ўрин, 3 тасида 3 ўрин, 1 тасида 4 ўринни қўлга киритган ва Россия, Грузия, Молдавия, Украина, Англия, Бразилия, Германия, Канада, Сальвадор каби давлатларнинг терма жамоалари билан учрашдилар [5]. Жаҳон кубоклари ва чемпионатлари ҳар йили ва бир йилда 2 мартадан ўтказилса, Паралимпия ўйинлари ҳар 4 йилда ўтказилади.

Паралимпия бу ногиронлар олимпиада ўйини бўлиб, унинг бундай аталишининг сабаби ҳар 4 йилда олимпиада ўйинлари ўтказилгандан сўнг паралимпия ўйини ҳам ўтказилади. «Паралимпия»- бу юнонча сўздан олинган бўлиб, «пара» (ёнида, параллел) «олимпик» (олимпия), яъни олимпия ўйинлари билан ёнма-ён деган маънони англатади. Ушбу спорт турига 1948 йилда германиялик шифокор Людвиг Гутман томонидан асос солинган. Дастлаб таянч ҳаракат тизими шикастланган имконияти чекланган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида ташкил қилинган ушбу спорт тури кейинчалик оммалашиб халқаро паралимпия ўйинларига айланиб кетди. 1948 йилда шифокор яшаган шаҳар Стокк Мендевилда ўтказилган спорт ўйини оммалашиб, 1960 йилда Рим шаҳрида биринчи ёзги паралимпия ўйини ўтказилди. Ушбу мусобақада 23 та давлатдан 400 нафар паралимпиячилар спортнинг энгил атлетика, сузиш, қиличбозлик, баскетбол, камондан ўқ отиш, стол тенниси каби турлари бўйича беллашдилар. Шу йилдан бошлаб паралимпия ўйинлари (қишқиси 1976 йилдан Швецияда ўтказилган) ҳар 4 йилда олимпиада ўйинларидан кейин ўтказиладиган бўлди. 1963 йилда ногиронлар ўртасида халқаро спорт мусобақаларини ўтказишни ташкил қилиш мақсадида Халқаро ногиронлар спорти ташкилоти (ХНСТ) ташкил қилинди. 1989 йилга келиб, қишқи ва ёзги Паралимпия ўйинларини ўтказадиган Халқаро ташкилот – Халқаро Паралимпия Кўмитаси (ХПК) ташкил топди.

Ўзбекистон илк бор 2004 йил 28 сентябрда Грецияда бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида иштирок этишни бошлади. Ушбу спорт ўйинида 144 та давлатдан 3969 та спортчи спортнинг 19 та тури бўйича иштирок этди. Бу ўйинда илк бор кўзи ожизлар футболу ва аёллар учун ўтириб ўйналадиган аёллар воллейболи ва ногиронлар аравачасидагилар учун теннис ўйини қўшилди. Унда Хитой 141 та медални, Буюк Британия 94 та, Канада 71 та медални қўлга киритди [6]. Ўзбекистондан 1 нафар спортчи иштирок этиб медални қўлга кирита олмаган ва 76 ўринни эгаллаган бўлса-да, бу ўйин Ўзбекистон спортчилари учун тажриба мактаби бўлди. Чунки ҳали Ўзбекистонда соғлом болалар спортдан фарқи равишда бундай спорт турларини ўтказишга базавий спортчилар ва ушбу спортчиларни тайёрлаб берадиган мутахассис мураббийлар ҳам йўқ эди. Айнан шу йилдан бошлаб Ўзбекистонда «Мурувват» уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида анъанавий тарзда паралимпия ўйинлари ўтказила бошлади. «Мурувват» уйларининг спорт заллари таъмирланди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 1- ва 2-сон болалар «Мурувват» уйларидаги ёпиқ бассейнлар, ногиронлар аравачасига мўлжалланган спорт анжомлари кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Натижада, тарбияланувчиларнинг 30 нафари Россия Федерацияси, Туркия ва Канададаги халқаро турнирларда иштирок эта бошладилар. Ушбу спорт турнирларини ўтказиш учун давлат ва нодавлат ташкилотлари жалб қилинди. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги), Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, Медикал Тим Интернетшнл, Ворлд Вижн халқаро хайрия ташкилотлари мутахассислари ёрдам бериб бордилар [7].

Ногиронлар спортини янада такомиллаштириш мақсадида 2007 йилга келиб Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси базасида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ташкил топди. Ассоциация зиммасига иқтидорли спортчиларни саралаш ва уларни тайёрлаш вазифаси юкланди. 2007 йилда Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ампутантларининг «Байналмилал» футбол жамоаси олтин медални қўлга киритган бўлса-да, 2008 йилдаги Хитойнинг Пекин шаҳрида ташкил қилинган XIII ёзги паралимпия ўйинларида 2 нафар спортчи иштирок этиб ғолибликни қўлга кирита олмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги олимпиада ва XIV паралимпия ўйинларида иштирок этишига тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарорига биноан ногиронлар паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро Параосиё ўйинларига жиддий тайёргарлик кўра бошладилар. 2010 йилда паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида ўтказилган Параосиё ўйинларида 25 нафар спортчи иштирок этиб, шулардан 6 нафари: 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритган бўлса, 2010 йил Аргентинада уюштирилган спорт ўйинларида ампутантлар 2 чи олтин медални қўлга киритдилар. Айнан Хитойда ўтказилган спорт ўйинлари паралимпиячиларнинг халқаро стадионда эришган дастлабки ғалабалари сифатида қайд этилди ва бу ҳолат уларнинг 2012 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XIV паралимпия ўйинларида Ўзбекистондан 10 нафар паралимпиячи спортнинг 4 тури, яъни дзюдо, сузиш, пауерлифтинг, энгил атлетика каби турлари бўйича иштирок этди. Ушбу мусобақада 502 та медаллар жамланмаси ўйналган мусобақаларда 166 та мамлакатдан фақатгина 75 тасининг спортчилари шохсупага кўтарилди. Шариф Ҳалилов дзюдо бўйича кумуш медаль, сузиш мусобақасида Кирилл Паньков осиё рекордчиси бўлди. У 110 метрга чалқанча батерфлай сузиш бўйича ғалабага эришди. Ҳусниддин Норбеков диск улоқтириш бўйича 4 ўринни эгаллади. Миран Сахатов, Дониёр Солиев уч

хатлаб сакраш бахсларида, Иван Панифидин, Равил Диганшин ядро улоктириш бўйича финал беллашувларида иштирок этдилар. 100 метрга югуриш бўйича Муяссар Иброҳимова ярим финалга чиқди. Ушбу паралимпия ўйинларида спорчиларимиз Марказий Осиё давлатлари орасида фақат совриндорлар орасидан жой олди. МДХ давлатлари орасидан 5 ўринни эгаллади [8]. Айниқса спортнинг 4 та тури, яъни энгил атлетика, пауэрлифтинг, дзюдо ва диск улоктириш бўйича жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб олинди. Ампутантлар эса Калининград шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса 3 марта олтин медални қўлга киритдилар.

Параосиё ўйинларининг энгил атлетика тури бўйича жаҳон чемпиони кумуш медал совриндори Дониёр Солиев узунликка сакрашда, Фаррух Мирзакулов 100, 200 ва 400 метрга югуришда 2 чи ўринни, сузиш мусобақаларида қатнашган Кирилл Паньков 2012 йилда Лондонда ўтказилган XIV ёзги паралимпия ўйинлари тарихига Осиё рекордчиси сифатида кирган. Параосиё ўйинларида 100 метрга чалқанча сузишда белгиланган масофани биринчи босиб ўтиб, олтин медални қўлга киритган ва Осиё рекордини янгиллаган.

60 кг вазн тоифасида Шухрат Бафоев эронлик Ризо Ғулумий устидан, 66 кг вазн тоифасида дзюдочилар ўртасида Нурбек Бердиёров ҳам олтин медални қўлга киритдилар. Пауэрлифтинг бўйича Фарход Умрзоқов ва Искандар Турсунбоев бронза медалини қўлга киритдилар. Ушбу ўйинда Осиё китъасининг 42 давлатидан 2,5 минг нафар паралимпиячи иштирок этди [9]. Жаҳон давлатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчилар сони анча озчиликни ташкил қилади, яъни Республиканинг барча вилоят ва ҳудудларидан спортчилар жалб қилинмаган. Ногиронлар спорти билан ёшларни янада кенгроқ қамраб олиш мақсадида 2013 йилнинг 17 декабрига келиб, Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси Корея Республикаси элчихонаси билан ҳамкорликда стол тенниси бўйича турнир ташкил қилди. Турнир 2014 йилда Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказиладиган Параосиё ўйинларида иштирок этувчиларни саралаш мақсадида ташкил қилинди. Ушбу турнирни ташкил қилишдан мақсад Ўзбекистонда паралимпия ҳаракатини ривожлантириш ва кенгроқ доирадаги имконияти чекланган шахсларни ушбу спорт турига жалб қилиш ҳамда Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган (2014 Инчеон) Параосиё ўйинларида иштирок этадиган спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинди. Лекин паралимпиячиларнинг “2014 йилда Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган спорт ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро турнирлардан бири Литванинг Вильнюс шаҳрида спортнинг дзюдо тури бўйича бўлиб ўтди. Ушбу турнирда Ўзбекистондан иштирок этган паралимпиячилар 5 та олтин 2 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритиб, 20 та давлат вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида 1 ўринни эгалладилар. Турнирнинг эркаклар ўртасидаги беллашувларида қатнашган Шерзод Намозов, Ўткир Нигматов, Феруз Саидов, Шухрат Бобоев ва Одил Тулендибоевлар шохсупанинг энг юқори поғонасини эгалладилар.

Бундай натижага жаҳон чемпионатида иштирок этган санокли давлатлар вакилларигина эриша олдилар. Мазкур жаҳон чемпионатининг яна бир аҳамиятли томони шунда эдики, унда дунёнинг бугунги кундаги энг кучли дзюдо усталари аниқланиши билан бирга, 2016 йил Рио-де Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XV ёзги паралимпия ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари ҳам ўйналди. 60 кг вазн тоифасида Шухрат Бафоев кумуш медал, Ўткир Неъматов ҳам кумуш медал, Шерзод Намозов (60 кг), Нурбек Бердиёров (66 кг), Феруз Саидов (73 кг), сазовор бўлдилар. Одилжон Тулендибоев (100 кг) олтин медални қўлга киритдилар, Ширин Шарипов (100 кг) кумуш, Шухрат Бабоев (90 кг) бронза, жами Ўзбекистон дзюдо бўйича чемпионатда 1 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритдилар. Дзюдо кураши бўйича паралимпия ўйинларининг йўлланмалари учун рейтинг очколари ўйналадиган навбатдаги мусобақанинг кейингиси Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтди [10].

Ушбу 2014 йилнинг 18-24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида китъамизнинг 42 давлатидан 4 мингдан зиёд спортчи, Ўзбекистондан эса, 27 киши спортнинг энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш турлари бўйича иштирок этдилар.

2010 йилда Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида 21 нафар спортчи иштирок этиб, 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишган бўлса, мазкур мусобақада китъамиздан 42 давлатдан 4500 нафар спортчи спортнинг 23 та тури бўйича иштирок этди.

Бу 2010 йилдагига нисбатан 2 минг нафарга кўп дегани. Иштирокчи мамлакатлар сони 1 тага, спорт тури эса 4 тага кўпайди. Ушбу мусобақада Дмитрий Хорлин 50 ва 200 метрга сузиш бўйича Осиёнинг 2 та янги рекордини ўрнатган ҳолда 2 та олтин медални қўлга киритди. Кирилл Паньков ҳам 50 метрга сузиш бўйича ҳам Осиё рекордини янгиллади.

Маълумки, паралимпия ҳаракати бутун дунёда бўлгани каби Осиё китъасида ҳам тараққий этиб, рақобат муҳити йил сайин юксалиб бормоқда. Эътиборлиси, паралимпия ҳаракати бошқа китъаларга қараганда Осиёда жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги 2012 йил Лондон шаҳрида ўтказилган паралимпия ўйинларида, шунингдек спортнинг қатор турлари бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатлари ҳамда гран при туркумига кирувчи мусобақаларда яққол кўзга ташланмоқда. Бундай юксалишга эришишда Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида эканлиги ассамблея йиғилишида таъкидлаб ўтилган. Паралимпиячилар жами 39 та олтин, 17 та кумуш ва 10 та бронза медалига сазовор бўлдилар [11].

Лекин, Ўзбекистонда паралимпия спорт турларининг барчаси ҳам ривожланмаган. Асосан спортнинг дзюдо, енгил атлетика, пауэрлифтинг, сузиш турлари бўйича халқаро турнирларда ва гран приларда иштирок этиб келаётган бўлса, ногиронлар спортининг 19 та тури мавжуд бўлиб, улар камондан ўқ отиш, бочча, велоспорт, от спорти, голбол, қайиқда сузиш, стол тенниси, ногиронлар аравачасида ҳаракатланувчилар учун волейбол, баскетбол, теннис каби турлари ҳам мавжуд. Айниқса, кишки паралимпия ўйинлари спорт турлари такомиллашмаган. Ўзбекистон биринчи марта 2014 йил 7 мартда Россиянинг Сочи шаҳрида XI кишки паралимпия ўйинларида иштирок этди. Ушбу спорт ўйинида дастлабки 6 кунда қўлга киритилган 114 та медалларнинг 47 таси (16 та олтин, 18 та кумуш ва 13 та бронза) россиялик спортчиларга насиб этди. 45 та иштирокчи давлатдан 15 таси совриндорлар каторидан жой олди. 5 та олтин медални қўлга киритган Германияликлар 2 ўринда турибди. Ушбу мусобақада Ўзбекистондан Рамил Гаязов тоғ чанғиси бўйича, Евгений Слепов сноуборд бўйича иштирок этишди холос. Халқаро паралимпия ўйинларидан ташқари карлар ўртасида ўтказиладиган Дефлимпия ўйинлари ҳам мавжуд. Ушбу спорт тури 1924 йилда ташкил топган бўлиб, паралимпия ўйинларидан илгари пайдо бўлган бўлса-да, Ўзбекистон ушбу халқаро спорт турида иштирок этмаган. 2017 йил Туркиянинг Самсун шаҳрида бўлиб ўтган XXIII халқаро дефлимпия ўйинларида спортнинг 21 та тури бўйича 35 та давлатдан спортчилар иштирок этишди. Унда МДХ давлатларидан Россия ва Қозоғистон иштирок этишди. Россия 199 та медал билан биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон халқаро спорт ўйинларининг фақат ёзги паралимпия ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва гран приларда ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар. Масалан, 2014 йилнинг март ойида Эроннинг Дизин шаҳрида спортнинг тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон спортчилари 1 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритдилар. Кишки паралимпия ўйинларида иштирок этаётган Артём Воронов «Дизин-2014 мусобақаси»да олтин медални қўлга киритди. Бундан ташқари Ўзбекистонлик спортчилар тоғ чанғисининг турли йўналишларида ўтказилган баҳсларда яна 2 та олтин ва 1 та бронза медални қўлга киритдилар. Светлана Баранова эса тоғ чанғисининг слалом, гигант, супер гигант, супер комбинация каби йўналишларнинг барчасидан 3 ўринни эгаллади ва 4 та бронза медални қўлга киритди [12].

Бугунги кунда 700 нафар спортчи ногиронлар паралимпия ўйинлари таркибига 5 та турдаги спорт ўйинлари билан кирган. Республика бўйича 10 минг нафар ногирон физкультура ва спорт ўйинларига жалб қилинган. Ушбу ўйинлар ичида энг оммабоп ва машҳурлари енгил атлетика, сузиш ва дзюдо ҳисобланади. Охириги йилларда милтиқдан ўқ отиш, пара каноэ ва байдарка, от спорти ва пауэрлифтинг каби спорт ўйинлари ривожланди. Жамоа ўйинида эса, футбол ўйини етакчилик қилади. Паралимпиячиларнинг аксариятини ихтисослаштирилган мактаб интернатнинг ўқувчилари ташкил қилади.

2016 йилдаги Рио-де-Жанейродаги спорт ўйинларида иштирок этиш учун 31 нафар паралимпиячи Параосиё ўйинларида йўлланмани қўлга киритдилар. 2016 йилдаги паралимпия ўйинларида 31 нафар спортчи иштирок этиб, жаҳонда 16 ўринни эгалладилар.

2017 йил 13 декабрь куни 8 нафар паралимпия спортчиларимиз Дубай шаҳрида ёшлар ўртасида ўтаётган Пара-Осиё ўйинлари баҳсларида иштирок этиб, паралимпия спортининг енгил атлетика, сузиш ва пауэрлифтинг турларида **5 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза** медалларини қўлга киритишди. **Енгил атлетика** спорт турида 200 метр масофага югуриш бўйича **Суханова Сабина** 30.01 натижаси билан олтин медални, шу масофада эркаклар ўртасида кечган баҳсда яна бир ҳамюртимиз **Пашаев Дамир** 24.15 натижаси билан кумуш медалини қўлга киритди ҳамда 800 метр масофага бўлган югуришда барча рақибларидан устун келиб, **олтин медалга** сазовор бўлди. **Пауэрлифтинг** спорт турида эса **2 та бронза** медалини 59 кг вазн тоифасида **Раҳимжонов Аббосхон** (94 кг) ҳамда 88 кг вазн тоифасида **Хўжахонов Муҳаммадхон** (98 кг) қўлга киритди.

Ўзбекистон спортчилари халқаро спорт ўйинларида 2004 йилда илк марта иштирок этаётган бўлса, 2017 йилгача бўлган қисқа 13 йиллик давр мобайнида спорт соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро Параосиё ўйинларида эса ҳатто 27 нафар иштирокчи 31 та медални қўлга киритган. Бу бир нафар спортчи 2 тадан медални қўлга киритганлигидан далолат беради. Ушбу рақамлар Ўзбекистонда ногиронлар спорти жадал суръатлар билан ривожланаётганлигидан далолат беради. Ҳатто Паралимпия ўйинларида нуфузли ўринларни қўлга киритиб бораётган бир қатор давлатлар билан таққослаганда Ўзбекистоннинг бугунги кундаги эришган ютуқлари салмоқлидир.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000, 5-6-сон. 147-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 37-38-сон, 277 модда. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2015 йил 4 сентябрдаги ўРҚ-394-сонли Қонунига мувофиқ янги тахрирда қабул қилинган

2. ЎзМДА, М.1-жамғарма, 1-рўйхат, 1031-йигма жилд. Документы: инвалиды, ампутанты. 2 по 8 октября 2003. Ташкент. V чемпионат мира по футболу среди инвалидов. 14-варақ.

3. ЎзМДА, М.1-жамғарма, 1-рўйхат, 1031-йигма жилд. Документы: инвалиды, ампутанты. 2 по 8 октября 2003. Ташкент. V чемпионат мира по футболу среди инвалидов. 9-варақ.



4. ЎзМДА, М.1-жамғарма, 1-рўйхат, 1031-йиғма жилд. Документы: инвалиды, ампутанты. 2 по 8 октября 2003. Ташкент. V чемпионат мира по футболу среди инвалидов. 10-варак.
5. ЎзМДА, М.1-жамғарма, 1-рўйхат, 1031-йиғма жилд. Документы: инвалиды, ампутанты. 2 по 8 октября 2003. Ташкент. V чемпионат мира по футболу среди инвалидов, 22-варак.
6. Летние паралимпийские игры 2004. [https://ru.wikipedia.org/wiki\\_2004](https://ru.wikipedia.org/wiki_2004)
7. Миллий паралимпия Ассоциацияси ижрочи директори Навруза Ибрагимовадан интервью.
9. Тошхўжаев З. Лондонда XIV паралимпия ўйинлари якунланди// Спорт. –Тошкент, 2012 йил 11 сентябр. – №38. –Б.1.
10. Паралимпиячиларимизнинг ёркин ғалабаси/ Спорт. –Тошкент, 2013 йил 2 ноябр. –Б.7
11. Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати. Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси «Осиёнинг энг яхши паралимпия ассоциацияси» / Спорт. –Тошкент, 2014 йил 10 декабр. – №49. – Б.2.
12. Хўжаев Ш. Навбат паралимпиячиларимизга/ “XXI-аср. –Тошкент, 2014 йил 10 март. – №10(538) –Б.8.

УЎК:338.43.02:94(575.1)(043.3)

## ЎЗБЕКИСТОНДА АГРАР СОҲАДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ТИЗИМИНИНГ ИНҚИРОЗГА УЧРАШИ

У. Хўжамуратов, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида совет моделининг шаклланиши ва унинг инқирозга учраш сабаблари ўрганилган. Шунингдек, колхозлар ва совхозларнинг тузилиши, уларнинг фаолиятидаги ютуқлар ва камчиликлар, муаммоли ҳолатлар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, деҳқон хўжалиги, коллективлаштириш, колхоз, совхоз, жамоа пудрати, деҳқон, колхозчи, пудратчи

**Аннотация.** В статье исследован вопрос формирования советской модели в сельском хозяйстве Узбекистана, и причины его кризиса. Также, анализирован вопрос создания колхозов и совхозов, достижения в их деятельности, недостатки, и проблемные случаи.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, дехканское хозяйство, коллективизация, колхоз, совхоз, коллективный подряд, земледелец, колхозник, подрядчик

**Abstract:** In this article was researched the module of soviet agricultural system an the reasons of collapsing this module. Additionally, the structure of collective and cooperative farms, their achievements and drawbacks was included.

**Key words:** agriculture, peasant farms, collectivization, collective farms, cooperative farms, corporate contract, farmer, contractor

Ўзбекистонда XX аср мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бир неча марта тубдан қайта ўзгаришлар қилинди. Хусусан, совет ҳокимияти йилларида асосан аграр республика бўлган Ўзбекистон ССРда бу соҳада зиддиятли жараёнлар давом этди. XX аср 20-йиллари охири ҳамда 30-йиллар бошларида оммавий равишда колхозлар (коллектив хўжаликлар) ва совхозлар (давлат хўжаликлари) ташкил қилинди. Колхозлаштириш жараёнида мажбурий равишда ўзига тўқ деҳқон хўжаликларининг ер ва бошқа мол-мулклари тортиб олинди ҳамда деҳқонлар кулоқлар, яъни “муштумзўрлар” сифатида тугатилди.

Тарихдан маълумки, бутун мамлакатда, яъни Совет Иттифоқида бўлгани сингари Ўзбекистон ССРда ҳам коллективлаштириш жараёни ва колхозларни ташкил қилиш бир кампания сифатида ўтказилди. Бундай ҳолатда “ихтиёрий-мажбурий” принципага амал қилиб, бу соҳадаги барча тадбирлар юкори (Москва ва Тошкент)нинг кўрсатмаси билан жойлардаги маҳаллий партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлиги ҳамда большевикларнинг қатъий назорати остида амалга оширилди. 1930 йил 5 январда ВКП(б) Марказий Комитетининг “Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлатнинг ёрдам бериш тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [1. 750]. Бу қарордан келиб чиққан ҳолда 1930 йил 17 февралда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг “Коллективлаштириш ва кулоқ хўжаликларни тугатиш тўғрисида” [2. 327] махсус қарори қабул қилинди. Хуллас, 1930-1932 йилларда Ўзбекистонда ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари кулоқ сифатида тугатилиб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилди [3. 203].

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг сўнгги йиллари ҳамда XXI аср бошларида чоп этилган тарихий тадқиқотларда коллективлаштириш ва кулоқлаштириш масаласи, ўзбек қишлоғининг бу даврдаги фожиаси нисбатан тўғри кўрсатилган. Хусусан, 2019 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган иккита китобдан иборат “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.)” фундаментал тадқиқотида Ўзбекистонда совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг ҳолати жиддий таҳлил қилинган.

Тарихий тадқиқотларда тўғри таъкидланганидек, ОГПУ Ўрта Осиё вакилликнинг 1930 йил 21 февралдаги тезкор маълумотномасида ёзилишича, коллективлаштириш ўтказётган район ходимларининг бирортаси ҳам колхознинг ўзи нима ва уни қандай ташкил қилиш ишини яхши билмаган. Ёппасига коллективлаштириш маъмурий тартибда, қишлоқ фаолларидан иборат тор доирада кўрилган. Деҳқонлар йиғинига тайёр қарорлар олиб чиқилган ва колхоз бошқарувини сайлаш таклиф қилинган. Деҳқонлар оммасига колхоз қурилиши тўғрисида берилган тушунтиришлар “колхозга

ёзилиш мажбурий, ёзилмаганлар сувдан маҳрум қилинади, уларга катта солиқлар солинади, давлат таъминотидан олиб ташланади ва Ўзбекистон ҳудудидан кўчириб юборилади” тарзида олиб борилган [4. 515]. Андижон округининг Жалақудук, Зеленский, Норин районлари ва Самарқанд округининг Пастдарғом районида колхозга киришни хоҳламаган ёки колхоз ҳақида тушунтириш беришни талаб қилган камбағал ва ўртаҳол деҳқонларни ҳибса олиш ва куч билан йиғилишларга олиб келиш ҳолатлари юз берган [5. 80].

1931 йил апрелда Ўзбекистондаги деҳқон хўжалиқларининг 63 фоиз, яъни 507,5 минг хўжалиқ колхозларга жалб қилинди. Уларнинг ижтимоий таркиби: батрақлар – 20 фоиз, камбағаллар – 58 фоиз, ўртаҳоллар – 22 фоизни ташкил этди [6. 98].

Шундай қилиб, 1930 – 1932 йиллардаги партия ва совет ҳукуматининг маъмурий тазйиқи, ошқора зўравонлиги, иқтисодий босим чоралари ва сиёсий тадбирлари натижасида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг юқори суръатлари таъминланди. 1931 йилда Ўзбекистонда колхозлардаги хўжалиқлар сони 338482 тани ёки жами деҳқон хўжалиқларининг 68,2 фоизини ташкил этди. 1932 йилда эса коллективлаштириш 74,9 фоизни ташкил этди ва хўжалиқлар сони 638131 тага етди [7. 30]. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда коллективлаштириш расман тамомланганлигини эълон қилишга асос бўлди.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “колхоз” атамасига 2002 йилда қуйидагича таъриф берилади:

*“Колхоз (русча “коллективное хозяйство” сўзларидан) – собиқ СССРда ижтимоий ишлаб чиқариш воситалари ва жамоавий меҳнат асосида қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришини биргаликда олиб бориш учун бирлашган деҳқонларнинг кооператив ташкилоти”* [ 8. 668].

Маълумки, совет даврида колхозлар В.И.Лениннинг кооператив планига асосан тузилган эди. У дастлаб қишлоқ хўжалиги артели шаклида ташкил топган. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги артели ибораси ўрнига колхоз атамаси қабул қилинди. Бу атама колхознинг 1969 йилда қабул қилинган колхоз Намунавий уставида ўз ифодасини топди.

СССР тарихида колхозлар фаолияти турли камчилик ва зиддиятларга қарамасдан умуман олганда ижобий роль ўйнаганлигини айтиб ўтиш лозим. Бу ҳолат, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги дастлабки ўн йилликларда кўзга яққол кўринган. Колхозда ишлаган аҳоли колхозчилар деб аталган. Колхозчилар муайян колхозда ишлаш билан бир қаторда ўзларига ажратилган томорқа хўжалигида ҳам меҳнат қилишган. Айниқса, Ўзбекистонда XX аср 60 – 80-йилларида колхозчиларнинг томорқа хўжалиқлари нисбатан ривожланган эди.

Бироқ колхозлар мулкига муносабат совет давлатида турлича кечган. Н.С.Хрушчев СССР раҳбари бўлиб турган “илиқлик” даврида (1955-1964 й.) бир томондан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди. Иккинчи томондан, бу ислохотларнинг кўпчилиги чала қолиб, айрим тўғри ишлар ҳам нотўғри бажарилди. Бу ҳолат колхоз-кооператив мулкни давлат мулки тасарруфига ўтказиш стратегиясининг яққол намунаси оммавий совхозлаштириш, яъни давлат хўжалиқларини ташкил қилиш билан ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда 1957 йилда 478 та колхоз ўрнига 82 та совхоз ташкил этилди. 1960 йилга келиб, Ўзбекистондаги колхозлар сони 1950 йилларга нисбатан бир неча марта қисқартирилиб, уларнинг миқдори 3316 тадан 978 тага тушиб қолди. Совхозлар сони эса яхшигина кўпайиб, 98 тадан 192 тага етди. Бу ҳолат колхозларни сунъий равишда ишчиларга айлантиришдек жараёни кучайтирди [9. 539].

Айнан Н.Хрушчев ҳукмронлиги йилларида колхозчиларнинг 20-25 сотихдан иборат томорқа ерлари қисқартирилиб, у 10 сотихдан иборат қилиб белгиланди. Совхозлардаги ишчиларнинг томорқа ерлари эса бундан ҳам кам бўлиб, у 8 сотихдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай зиддиятли жараёнлар ҳамда колхозлар ва совхозлар фаолиятини юритишдаги турли хатолар натижасида Ўзбекистонда пахтачилик соҳасидаги сиёсат пахта яккахокимлигини кучайтиришга қаратилди. Н.С.Хрушчев партия ва мамлакатга раҳбарлик қилишга келгач, Ўзбекистонда ҳукуматдан пахта етиштиришни кўпайтириш, чигит экишга ажратиладиган майдонларни кескин кенгайтиришни талаб қилди. КПСС биринчи секретари Никита Хрушчев Тошкентда пахтачилик масалаларига бағишланган кенгашда 1954 йил 18 декабрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Усмон Юсуповни асосиз равишда ишдан олиб ташлаб, уни Мирзачўлдаги “2-Боёвут” совхозига директор қилиб жўнатади [10. 106].

Пахтадан тобора кўпроқ ялпи ҳосил олишга эришиш сиёсатининг яққол ифодаси янги ўзлаштирилган ерларда пахта етиштирадиган хўжалиқларни жадаллик билан ташкил этиш бўлди. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети 1956 йил 6 августда “Пахта етиштиришни кўпайтирмақ учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг кўриқ ерларини суғориш тўғрисида”ги қарорини [11. 413] қабул қилгандан кейин пахтачилик хўжалиқларини ташкил этиш айниқса кенг кўлам касб этди. Мазкур қарорга мувофиқ, 1962 йилга келиб Мирзачўлдаги 300 минг гектар кўриқ ерлар ўзлаштирилиши ва 34 та пахтачилик совхозлари ташкил қилишни мўлжаллаган эди. Қўйилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурда Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш бўйича бошқарма – “Главолодстепстрой” ташкил этилди. Бу ташкилот негизда Ирригация ва совхозлар қурилиши бўйича Ўрта Осиё бош бошқармаси - “Главредазисовхозстрой” юзага келди.

Мирзачўл билан биргаликда Марказий Фарғона ерлари ҳам фаоллик билан ўзлаштирилди. Зарафшон водийси ва Амударё этакларида ҳам йирик ирригация-мелиорация ишлари амалга оширилди. Кейинчалик Қарши ва Шеробод чўлларига ҳужум кенг авж олди.

1955-1959 йиллар давомида Ўзбекистонда 160 000 гектардан зиёдрок янги ерлар ўзлаштирилди [12.281].

XX аср 70–80-йилларида Ўзбекистонда аграр қурилиш стратегиясининг навбатдаги муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш сиёсати майдонга чиқди. Бу даврда Ўзбекистонда илғор колхозлар ва совхозлар ташкил қилинди. Бу колхозлар томонидан айрим замонавий қишлоқлар ва посёлкалар ҳам қурилди.

Ўзбекистонда колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти томонидан XX аср 70–80-йилларида 20 га яқин китоблар чоп этилди. Бу китобларда илғор ва машғал колхозлар тарихи ёритилиб, бундай хўжаликлар бошқаларга намуна қилиб кўрсатилди.

Беруний туманидаги Киров номли колхоз Қорақалпоғистон АССРнинг илғор хўжаликларидан ҳисобланган. Хўжалик кўп тармоқли бўлиб, унда пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ва боғдорчилик соҳалари ривожланган. Колхознинг жануби-ғарбида Бўзёб канали оқиб ўтган. Колхоз ерлари Ҳайитбой-ёрган, Оқсокол-оға ариқларидан сув ичган.

1982 йилда колхознинг умумий майдон 6185 гектар ерни ташкил қилиб, унда 2100 гектари суғорилган. Хўжаликка қарашли 2000 гектар ер барҳан, қумлик ва қўллардан иборат бўлиб, 80-йилларда бу жойлар ўзлаштирилган. Колхозларда турли миллат вакиллари истиқомат қилиб, ўзбеклар 70%, қozoқлар 20%, қорақалпоқлар 10% га яқинни ташкил қилган. Аҳолига ҳаммом, маданият уйи, клуб ва кутубхоналар хизмат қилган [13. 5].

Ана шундай илғор ва намунали совхозлардан бири Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Энгелс номли совхоз ҳисобланган. Совхоз иқтисодий жиҳатдан мустақкам ҳамда аҳолининг турмуш даражаси кўшни колхозларда яшаётган одамлардан нисбатан яхши бўлган. Бу колхозда пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик каби тармоқлар кенг ривожланган.

Хўжалик ҳудуди 4000 гектарни ташкил қилган, шундан 2500 гектар ерда деҳқончилик қилинган. Хўжалик аҳолиси 4604 кишидан иборат бўлган. Хўжаликда ўзбеклардан ташқари тожиклар, туркманлар, руслар, татарлар ҳам яшашган [14. 394].

Бундай намунали колхозлар нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Иттифокда унчалик кўп бўлмаган. Ҳар бир вилоят ёки туманда 1-2 та шундай зарбдор колхозлар сунъий равишда ривожлантирилиб, қолган ўнлаб ва юзлаб колхозлар ҳамда совхозларда аҳолининг ўртача ҳаёт кечириши учун етарли шароитлар бўлмаган. Хусусан, XX аср 70–80-йилларида авж олган кўшиб ёзиш жараёни ва халқ мулкани талон-ғарож этиш натижасида иқтисодий аҳволни шундай ҳам яхши бўлмаган хўжаликлар миқдори тобора кўпайиб борган.

1985 йил 2 мартда Тошқентда В.И.Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройи (ҳозирги Халқлар дўстлиги саройи)да Ўзбекистон пахтакорлари, ғаллакорлари, чорвадорлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимларининг анъанавий кенгаши (қурултой) ўтказилган. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Усмонхўжаев (1930-2017) қатнашиб, маъруза қилган. Аслини олганда бундай кенгашлар ва қурултойлар аввал Шароф Рашидов даврида ҳам кейинчалик Рафиқ Нишоннов ва бошқалар республикага сиёсий раҳбарлик қилган йилларда ҳам кўп ўтказилган. Бу қурултойларда танқидий фикрлар ва соҳадаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам совет жамиятида қайта қуриш бошланган 1985 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қолхозлар ва совхозлар иқтисодий жиҳатдан инқирозга учрай бошлади. Бу даврга келиб, хусусан, Ўзбекистонда агросоҳада 10 йиллар давомида тўпланган муаммолар яна ҳам кучайиб, пировардида у хўжалик юритишда колхоз ва совхоз тизимининг бутунлай йўқ бўлишига олиб келди.

1985 йил 14 ноябрида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг “Агросаноат комплексини бошқарувини янада такомиллаштириш тўғрисида” номли қарори қабул қилинди. Қарорга биноан қишлоқ хўжалиги агросаноат тармоғини ривожлантириш учун СССР қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Гўшт ва сут саноат министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноат министрлиги, СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, ва СССР Қишлоқ хўжалигини илмий ишлаб чиқариш – техника билан таъминлаш давлат комитети ўрнига Иттифок – республика давлат агросаноат комитети тузиш зарур деб топилди.

Қарорга кўра СССР Давлат агросаноат комитети (ДАК) мамлакат агросаноат комплексини бошқарувчи марказий давлат органи бўлиб, у иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бу соҳадаги давлат режаларини бажарилиши, бу маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланиши керак эди. Иттифокнинг барча республикаларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам республика агросаноат комитети ташкил қилинди. Уша пайтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министри Исмоил Жўрабеков бу комитетнинг раҳбари қилиб тайинланди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида бошқарувни янги шакли юзага келди. Барча туманларда район агросаноат бирлашмалари (РАПО) ташкил қилинди. РАПО жойларда қишлоқ хўжалигини асоссиз равишда қайта қуриш, турли самарасиз ислохотлар ўтказиш билан шуғулланди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги бу жараёнлар ўзини оқламади. Бутун Иттифокда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам

агросаноат комплекси ўз олдига қўйган мақсадларини бажара олмади. Айнан XX аср 80-йиллари иккинчи ярмида Ўзбекистон аграр республика бўлишига қарамадан бу ерда асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги кучайди. Аҳолининг гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто оддий нонга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилмади. Республикада мавжуд бўлган колхозлар ва совхозларда давом этаётган инкироз ва иқтисодий танглик кучайди.

Бу пайтда ислохот дастурлари ва турли қарорларда кўрсатилган жамоа пудрати ғояларининг бой имкониятларини ҳам рўёбга чиқариш имкони бўлмади. Бригада ва звено пудратида шошилиш равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни барча туманларда қўллаш бошланди. Ана шу жорий қилинган янгиликлар, масалан ижарага бериш ва хўжалик ҳисоби муқобил ташкил қилинган эскириб қолган шаклларга асосланган эди. Социализмда иқтисодиёт бу янгиликларни тан олишни хоҳламади.

XX аср 80-йиллари ўрталарига келиб бригада пудрати асосида ишлаётган қишлоқ аҳолисининг умумий салмоғи республика агрохўжалиқларидаги ходимлари умумий миқдорининг 44,5% ни ташкил этган [15.187]. Айрим пудрат бўлинмаларининг юқори кўрсаткичларга эришишига қарамадан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда айтарли ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмади.

Аграр соҳада салбий ҳолатларни ортиб бориши натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги пасайиб борди. 1989 йилнинг охирида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳатто ўртача йиллик даражага ҳам етмади, 3 млрд рублдан ортик маҳсулот давлатга топширилмади. Ғалла, пахта, полиз экинлари тайёрлаш режалари сурункасига бажарилмай келди. Фақат 1986-1987 йиллар мобайнида етказиб берилмаган пахтанинг миқдори 1 575 000 тоннадан кўп бўлган. Асосий деҳқончилик экинларининг ҳосилдорлиги барқарор равишда пасайиб борди [16.640].

Ўзбекистонда бир йил мобайнида бир киши истиқомат қиладиган гўшт Иттифок бўйича ўртача 62-64 кг ўрнига 30 кг, сут 341 литр ўрнига 186 литр, шу жумладан, ўз ресурслари ҳисобига 137 литр ўрнига 21 литрдан тушади, мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш республикада 170-173 кг, Иттифокда эса ўртача 260-270 кг ни ташкил қилди [17.].

Партия ва совет органлари аграр соҳани ривожлантириш ва соҳадаги ишларни ўнглаш учун бир қатор тадбирларни амалга оширди. Кўплаб мажлислар ва йиғилишларда бу масала бир неча марта муҳокама қилиниб, кўплаб қарорлар қабул қилинади. Масалан, 1987 йил 11 июнда Тошкент шаҳрида бўлган республика партия хўжалик активларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетини “Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркменистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан фойдаланилаётганлиги тўғрисида”ги қарорини бажариш юзасидан партия ва совет органларининг агросаноат комитетлари ва бирлашмаларининг колхозлар ва совхозларнинг вазифалари ҳақида Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Иномжон Усмонхўжаев маъруза қилди [18.]. Бироқ бу тадбирлар етарли самара бермади. Колхозлар ва совхозларнинг таназули кучайиб кетди. Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг турмуши бу даврда йилдан йилга пасайиб ва ёмонлашиб борди.

Совет давлати раҳбарияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан олдига қўйган вазифаларни ҳал қилишга уриниши ҳам жиддий муваффақиятсизликка учради. Иқтисодиёт тузилмаларини қайта қуриш, уларнинг моддий базасини қайтадан тузиш, янги технологиялар ва ғояларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожланишни таъминлаш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда халқ хўжалигини бошқариш ва механизмини такомиллаштириш юзасидан кўплаб тажрибалар амалга оширилди. Ўзбекистонда бир қанча саноат қурилиш ва транспорт корхоналари кўплаб колхоз бригадалари ва совхоз бўлимлари хўжалик ҳисоби ёки бригада (жамоа) пудратига ўтказилди.

Хуллас, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат ташкил этишининг бригада ёки оила пудрати ва ижара сингари янги шакллари жорий этиш ишлари илғор чоралар қўрилиши билан бир қаторда бошқарув тизими ва маъмурий-худудий тузилишида ислохотлар ҳам амалга оширилди. Бироқ бу ислохотлар натижасида бошқарув органлари камайиш ўрнига улар янада кенгайиб бошқарувнинг бюрократик йўли кучайди. Бошқарувчи ходимлар улуши халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг умумий сонига нисбатан янада 14,5 фоизга етди, уларни таъминлашга қилинадиган сарф-харажатлар миқдори икки баробар ошди [19.337].

Бригада (жамоа) жамоа пудратини ташкил қилиш тизимини ўзгартиришни талаб қиларди, бу эса пировард натижада мазкур бўғиннинг янги шакли – район агросаноат бирлашмалари (РАПО) пайдо бўлишига олиб келди. Тарихий тадқиқотда айтилганидек РАПОлар қишлоқ хўжалиги ривожлантиришининг навбатдаги қутқарувчи воситаси бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда эса у маъмурий-бошқарув органи, аграр соҳадаги янги маҳкама диктатурасига айланиб қолди [20.431].

Жамоа пудрати ғояларининг бой имкониятларининг ҳам рўёбга чиқариш имкони бўлмади. Бригада ва звено пудрати шошилиш равишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида қўлланила бошлади. XX асрнинг 80 йиллари ўрталарига келиб бригада пудрати асосида ишлаётган қишлоқ хўжалигининг умумий салмоғи республика агрохўжалиқлари ходимларининг умумий миқдорида 44,5 фоизини ташкил этди [21.185].

Ўзбекистонда 1981–1985 йилларда ҳар йили ўртача 238 000 тонна дон ҳосили олинган бўлса, 1986–1990 йилларда бу кўрсаткич ўртача 1 6924 00 тоннани ташкил қилди. 1990 ва 1991 йилларда республика мос равишда 1 898 700 ғалла ва 1 908 200 тонна дон ҳосили етиштирилди [ 22. 238].

XX аср 80–йиллари ва 90–йиллари бошига келиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чуқур инқироз ҳукм сурди. Район агросаноат бирлашмалари (РАПО) негизда ташкил қилинган агросаноат мажмуаси (АСМ) ҳам вазиятни ўнглашга ожизлик қилди. Қишлоқ хўжалигида асосий роль ўйнаган колхоз ва совхозлар тизими инқироз ёқасига келиб қолди. Соҳада катта ўзгаришлар ва туб ислохотлар амалга ошириш зарур бўлиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 60 йил ҳукумронлик қилган Совет модели ўзини оқламади. XX аср 20 йиллари охири ва 30 йиллари бошларида ўтказилган кескин чоралар натижасида бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам мажбурий равишда коллективлаштириш амалга оширилиб, колхозлар (жамоа хўжаликлари) ва совхозлар (давлат хўжаликлари) ташкил қилинган эди. Бу даврда ўзбек қишлоғида катта фожиа юз бериб, ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари кулоқ қилинди ва йўқотилди.

Ўн йиллар давомида колхоз - совхоз тизими бир қадар барқарор ривожланди. Бироқ бу ривожланиш ортида қишлоқ аҳолисининг фидокорона меҳнати, кучли маъмурий бошқарув тузими, қишлоқ устидан шаҳарнинг эксплуатацияси ётган. Колхозчилар барча кўрсаткичлар бўйича ишчилар синфидан паст турган. Деҳқон атамаси бу пайтда ўзининг асл моҳиятини йўқотган эди.

Совет жамиятида бошланган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати барча соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ўрнига шошма–шошарлик билан қабул қилган турли қарорлар, ҳукумат дастурлари ва бошқа тадбирлар натижасида аграр соҳадаги инқирозни баттар тезлаштирди. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган турли тажриба ва уринишлар ўз самарасини бермади. Бригада (жамоа) пудрати, ижара пудрати ва бошқа шаклдаги ижобий ўзгаришлар ҳам чала қолиб кетди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. КПСС резолюциясида. II қисм. – Тошкент. Ўздавнашр, 1954. – Б.750.
2. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг очерклари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1964. – Б. 326-327
3. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. –Тошкент: “O`zbekiston”, 2015. – Б. 203.
4. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O`zbekiston”, 2019. – Б.515.
5. Трагедия Среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929 – 1955 гг. Документы и материалы. В трёх томах. Составители: Р.Шамсутдинов, Б.Расулов. Под редакцией Д.А.Алимовой. –Ташкент: «Шарқ», 2006. Т. 1. – С.80
6. Аминова Р.Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане.–С. 98.
7. Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 10-рўйхат, 181-иш, 30-варақ.
8. Қолхоз // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 4. –Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2002. – Б.668.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. Тошкент: “Шарқ”, 2000. – Б. 539.
10. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O`zbekiston”, 2019. –Б.106.
11. Ўзбекистон Миллий архиви. 1619-фонд, 10 рўйхат, 4112-иш, 140-143-варақлар.
12. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том IV (1938-1965 йиллар). Бош муҳаррир И.М.Мўминов. Тошкент: “Фан”, 1971. –Б.281.
13. Олломов С. Юксалиш йўлида// Ўзбекистон колхоз ва совхозлар тарихи очерклари. XI китоб. Бош муҳаррир: Х.Т.Турсунов. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1982. – Б. 5.
14. Жумаев М. Довон ошайтган хўжалик // Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. XI китоб. – Б. 394.
15. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М.Жўраев. Тошкент: “Шарқ”, 2000. –Б.640.
16. Правда Востока (Тошкент), 23 апреля 1988 г.
17. Совет Ўзбекистони (Тошкент), 1987 йил 12 июнь.
18. Ражабова Р.Ё. ва бош. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 й.) Илмий муҳаррир: А.Аскарлов. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994. – Б. 336-337.
19. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. иккинчи китоб. 1939-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. –Тошкент: “O`zbekiston”, 2019. –Б.431.
20. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статический ежегодник. Ташкент: «Узбекистан», 1986. –С.185
21. Ўзбекистон Миллий архиви. М-110-фонд, 1 рўйхат, 13-иш, 238-варақлар.

УЎК 711.1:364.48[(575.146-25)[1991-2020]

### БУХОРО ШАҲРИДА ИЖТИМОЙ ИНФРАСТРУКТУРАНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

*Н.З. Ҳаётова, ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Ушбу мақолада сўнги йилларда Бухоро шаҳрида ижтимоий инфраструктуранинг муҳим тармоғи бўлмиш таълим соҳасидаги ислохотлар, ўзгариш ва янгиликлар баён қилинган. Шу

қатори тизимдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, соҳанинг ривожланиши ва муаммолари таҳлил қилинган. Шу билан бирга узлуксиз таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланган Мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** шаҳарсозлик, ижтимоий инфраструктура, ислоҳот, касб-ҳунар мактаблари, сиртки таълим, инвестиция, муруват уйлари, техникум

**Аннотация.** В этой статье описываются реформы, изменения и инновации в сфере образования, которая является важной сетью социальной инфраструктуры в Бухаре за последние годы. И также анализируются строительные работы в системе, развитие и проблемы отрасли. В то же время была предоставлена информация о реформах и строительные работы в системе дошкольного образования, которая является начальным этапом непрерывного образования.

**Ключевые слова:** градостроительства, социальная инфраструктура, реформа, профессионально-технические школы, заочное обучение, инвестиция, дома милосердия, техникум

**Abstract.** This article describes the reforms, changes and innovations in the field of education, which in recent years has become an important sector of social infrastructure in Bukhara. In addition, the construction and creative work in the system, the development and problems of the industry are analyzed. It also provides information on reforms and creative work in the preschool education system, which is the initial stage of continuing education.

**Key words:** urban planning, social infrastructure, medical institutions, vocational schools, part-time education, investment, houses of mercy, technical College

Бухоро шаҳарсозлик маданияти тараққиётига ижтимоий инфратузилма, яъни таълим, соғликни сақлаш, хизмат кўрсатиш каби соғлом турмуш тарзини таъминлашга хизмат қилувчи объектлар муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган давр мобайнида Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида бу соҳаларда жуда катта ўзгаришлар ва янгиланишлар содир бўлди.

Истиқлол йилларида таълим тизимида амалга оширилган ислоҳот жараёнларида республиканинг бошқа шаҳарлари каби Бухорода ҳам янги ўқув бинолари, тиббиёт масканлари, маданият ва спорт муассасалари барпо этилди.

Ўтган йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида республикада мустақкам ҳуқуқий ташкилий, моддий-техник база яратилди. Бу юқори салоҳиятли баркамол ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда кўмаклашди. Олиб борилган босқичма-босқич ислоҳотлар доирасида ўтган давр мобайнида Бухоро шаҳрида ҳам фаолият юритаётган таълим муассасалар сони кўпайди. Жумладан, шаҳарда 1997 йилда 21 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, 44 та умумтаълим мактаблар, 77 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритар эди [1;88]. 1997-2016 йиллар давомида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш борасида олиб борилган ислоҳотлар, 12 йиллик мажбурий- ихтиёрий таълимга ўтиш натижаларини таҳлил қилиш, етишиб чиққан кадрлар сифати етарли даражада эмаслиги, тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин тополмай қолганликлари ва шу каби муаммолар, ҳозирги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва таълим тизимида ислоҳотлар ва янгиланган ўтказиш кераклигини кўрсатди. Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли равишда ҳал қилиш, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январда “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [2;2]. Сўнги икки йилликда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштиришга, сифатли таълим хизматларидан фойдаланишни оширишга алоҳида эътибор берилиб, олиб борилган ислоҳотлар таълим тизимида жуда катта туб бурилиш бўлди. Жумладан, таълим жараёнини узлуксизлигини таъминлаш борасида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув касб курсларини ташкил қилиниши, шу қатори 2019 йил 6 сентябрда Президентнинг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” фармони [3] бу соҳада жуда катта ўзгаришларга олиб келди.

2019 йилининг бошига келиб, Бухоро вилоятида 87 та ўрта –махсус касб-ҳунар таълими муассасалари фаолият юритиб, улардан академик лицейлар сони 6 тани ва касб-ҳунар коллежлари сони 81 тани ташкил қилган. Шаҳарда 17 та касб-ҳунар коллежи, 3 та лицей фаолият юритиб келаётган эди. 2017 йилдан буён мактаблар 11 йиллик тизимга ўтишлари муносабати билан сўнги 2 йил давомида вилоятдаги бирорта коллежда қабул жараёни амалга оширилмади. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилади [4;2]. Коллежда кадрлар тайёрлаш халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан ҳаёт давомида таълим олиш принципи асосида кадрлар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш асосий мақсад сифатида белгиланди. Шу мақсад асосида Касб-ҳунар таълими муассасаларини мақбуллаштириш ҳамда касб-ҳунар таълими муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш бўйича тайёрланган Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Касб-хунар таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳасига мувофиқ Бухоро вилоятидаги 81 та касб-хунар коллежларининг 65 таси оптималлаштирилди. Унга кўра 20 та касб-хунар коллежи негизда “касб-хунар мактаблари”, 8 та касб-хунар коллежи негизда “коллежлар”, 8 та касб-хунар коллежи негизда “техникумлар” ташкил этилди. 2 та касб-хунар коллежи биноси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, 7 та касб-хунар коллежи биноси вилоятдаги олий таълим муассасалари ихтиёрига, 20 та касб-хунар коллежи бинолари эса вилоятда ўрта таълим муассасалари сифатида фойдаланишга берилди.

Тизимдаги қолган 16 та муассасаси биноларининг 8 таси Мактабгача таълим вазирлиги, 2 таси Маданият вазирлиги, 1 таси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, 1 таси Халқаро математика мактаби, 1 таси “Korea medical Foundation Sangwon Hospital Himchan” клиникаси, 1 таси Мир Араб олий таълим муассасаси, 1 таси Бухоро Давлат Университети балансига ўтказилди [4;2]. Натижада ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 8 та коллеж, 8 та техникум ва 21 та касб-хунар мактабларига 2020-2021 ўқув йили учун қабул жараёнларига тайёргарлик ишлари бошланган. Бухоро шахрининг ўзида Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежи – Бухоро шаҳар касб-хунар мактабига айлантирилди, Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи ва Бухоро архитектура ва қурилиш коллежи- Бухоро ирригация-мелиорация ва архитектура касб-хунар коллежи сифатида фаолиятини давом эттирадиган бўлди, Бухоро туризм коллежи, Бухоро автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи, Бухоро солиқ коллежи, Бухоро тиббиёт коллежи, Бухоро вилояти юридик коллежи техникум сифатида фаолият юритиши ташкил қилинди [5;91]. Ҳозирги кунда Бухоро шаҳрида 2 та касб-хунар коллежи, 1 та касб-хунар мактаби, 5 та техникум сифатида 2020-2021- ўқув йилида ўз фаолиятларини бошлаш учун тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Мамлакатимизда таълимнинг янгича сифат босқичига чиқишига, касб-хунар коллежларида тайёрланадиган кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш тизимидаги ўзгаришлар, шубҳасиз, келажакда мамлакатни юксак малакали билимдон мутахассислар билан таъминлаш имконини беради.

Республикамиз Олий таълим соҳасида ҳам истиқлол йилларида бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Олий таълим ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар ҳозирги кунга қадар изчил давом эттирилмоқда. Бу мақсадларда катта миқдорда маблағ ажратилиб, шу қатори хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлашиб бормоқда. Бухоро шаҳрида ҳозирги кунга қадар 4 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Булар Бухоро Давлат Университети, Бухоро муҳандислик технология институтини, Бухоро давлат тиббиёт институтини, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Бухоро филиалидир. 2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати 230 миллиард сўмлик ишлар бажарилди [5;91]. Шулар қатори Бухоро муҳандислик –технология институтини янги ўқув бинолари барпо этилди ва 2014 йилда биргина Бухоро давлат университетининг бош биносини капитал таъмирлаш, моддий техник базаси янгиланиш учун 11 миллиард сўмдан ортик маблағ сарфланди [5;91].

2019-2020 ўқув йилига олий таълим муассасаларини тайёрлаш мақсадида жами 17,622 млрд. сўмдан ортик маблағлар ажратилди [6]. Ушбу маблағлар, мисол тариқасида Бухоро Давлат университети ўзида 120 та ўқув аудиторияларини видеокузатув воситалари ва телевизорлар билан жиҳозлашда, талабалар турар жойини таъмирлаш, қозонхоналарни алмаштириш, иситиш тизимларини реконструкция қилиш, хожатхона ва ювиниш хоналарини жиҳозларини янгилашда ишлатилди. Бухоро давлат тиббиёт институтини 2019-2020 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида эса жами 6,405 млрд. сўмдан ортик маблағлар ажратилган бўлиб, муассасанинг 12 та объектларида (1 та талабалар турар жойи, 5 та ўқув ва лаборатория бинолари, 6 та ер майдонларда) янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари олиб борилган бўлиб, бугунги кунга қадар ажратилган маблағларнинг 3,2 млрд. сўми (50%) ўзлаштирилди [6]. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини Бухоро филиалини 2019-2020 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида жами 1,5 млрд. сўмдан ортик маблағлар ажратилган бўлиб, 12 та объектларини (3 та талабалар турар жойлари, 1 та ахборот-ресурс марказлари, 2 та компьютер хоналари, 1 та ўқув ва лаборатория бинолари, 5 та ер майдонлари) янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунга қадар ажратилган маблағларнинг 1,1 млрд. сўми (71,5%) ўзлаштирилди. Шуни айтиш жоизки ҳозирги кунда олий таълим тизимида жуда катта эътибор қаратилаётган ва амалий ишлар олиб борилаётган бўлсада тизимда ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Жумладан, Бухоро Давлат Университетида ўқув лабораториялар замонавий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, қабул квоталари ошиши муносабати билан Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ҳамда Бухоро туризм коллежи университет тасарруфига ўтганлиги билан хоналар таъмир талаблиги, керакли жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, АРМ да адабиётларнинг етишмаслиги, электрон адабиётларнинг камлиги муаммолигича қолмоқда. Шу қатори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорига асосан университет моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот лабораторияларини жиҳозлаш ва асбоб-ускуналари олиш белгиланган бўлсада, бироқ 4 та Олий таълим муассасасида ҳам ўтган давр мобайнида ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Худди шу камчиликларни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида ҳам кўришимиз мумкин. Ўқув лаборатория хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, талабалар учун спорт комплекси ва спорт майдончасини қуриш ишларини яқунлаш мақсадида маблағнинг етишмаслиги, Президентнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан филиал моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 6,168 млрд сўмлик 11 та лаборатория жиҳозлари, 600 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани олиш белгиланган бўлсада ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3702-сонли қарорига асосан 19 та фан бўйича ўқув лабораториялари билан таъминлаш режалаштирилган бўлсада ўтган давр мобайнида бу борада ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган. Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳам ўқув лабораторияларини замонавий жиҳозлар билан таъминлашда муаммолар, институт ҳудудида 1 000 ўринли талабалар турар жойи ва 500 ўринли ошхонага эҳтиёж борлиги ва буларни амалга оширишда маблағлар етишмаётганлиги муаммо сифатида қолмоқда. Бухоро давлат тиббиёт институтида ҳам ҳозирги кунда қўшимча контрактлар асосида катта қўламда қурилиш олиб борилаётган бўлсада, Бухоро вилояти экологик шароитидан келиб чиқиб, юқумли ва юқумли бўлмаган, онкологик касалликлар ва уларнинг асоратларини эрта аниқлаб, уни олдини олиш, профилактик чора-тадбирларини минтақамизда амалга ошириш мақсадида институтда ўқув-илмий лабораторияларини қуриш ва жиҳозлаш учун маблағлар етишмаслиги ва Бухоро давлат институти учун “Симуляцион маркази” учун замонавий талаблар асосида янги бино қурилган бўлсада, марказни жиҳозлаш учун 5,0 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ етишмаслиги муаммо сифатида қолмоқда. Албатта, Давлатимиз томонидан олиб борилаётган олий таълим соҳасидаги ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилинишига умид бағишлайди.

Шу билан бирга 2017 йилда ўз фаолиятини бошлаган Мир Араб олий таълим мадрасасида ҳам дарс жараёнлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мадрасада 94 нафар талаба таҳсил олиб келмоқда. Уларда 34 нафари 1 курс талабаси, қолган 60 нафар талаба эса 2 –курсда шартнома асосида таълим олиб келмоқда [7].

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш ва шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамыз. Шу тариқа давлатимизда ҳам мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи, нуфузи пасайиб кетгани, АКТлар билан синф хоналарнинг тўлиқ жиҳозланмагани, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди.

Кейинги йилларда ушбу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2018-2019 йиллар давомида халқ таълими тизимида ҳам жуда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони ва 10 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг эса 11 та қарори қабул қилинди [3].

Ота-оналар, жамоатчиликнинг истақлари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълим тизими тикланди. Бухоро шаҳар халқ таълими бўлими тизимида 48 та муассаса бўлиб, шундан 42 та умумтаълим мактаби, 1 та “Баркамол авлод” болалар маркази ва жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун умумтаълим муассалари фаолият юритиб келмоқда [7]. 2018 йилдан бошлаб Бухоро шаҳрида хусусий мулкчилик шаклидаги 2 та умумтаълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади. Янги ва замонавий таълим даргоҳлари ташкил этилгани, таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб берди. Шунингдек, Бухоро шаҳар умумтаълим мактабларида 45697 нафар ўқувчиларга 3227 нафар педагог ходимлар томонидан таълим-тарбия бериб келинмоқда [7].

Сўнгги икки йил давомида халқ таълимини ислох қилиш бўйича қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, таълим тизими учун тарихий йил бўлди, десак муболаға бўлмайди. Жумладан, мазкур ҳужжатлар асосида ўқитувчиларнинг ойлик маошлари 70 фоизга оширилди, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди, Халқ таълими ходимларини узоқ йиллар қийнаб келаётган масала-уларни лавозим хизматларига кирмайдиган ишлар, мажбурий меҳнатга жалб этишга чек қўйилди, 10-11 синфлар қайта тикланиши натижасида ўқувчилар давомати 98 фоизга кўтариллишига эришилди, шунингдек, 2018-2019 ўқув йилида шаҳардаги умумий ўрта таълим муассасалари иқтидорли битирувчиларининг 297 нафари, шундан 33 нафарига олтин ва 7 нафарига кумуш медаллар берилди, педагог ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг яшаш



шароитларини яхшилаш бўйича 2018-2019 йилларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон уй-жойларнинг 29 таси педагог ходимларга имтиёзли равишда берилди [6].

Умумий ўрта таълим мактабларида тўғарақлар фаолияти қайта тикланди. Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда яратилган қулай шарт-шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айни шу мақсадни кўзлаган ҳолда умумтаълим мактаблари биноларининг ҳолати ялпи хатловдан ўтказилиб, уларни таъмирлаш бўйича 2018-2019 йилларда жами 16 та (25,7%) умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 3 та таълим объектларида, яъни 7, 29, 16-мактабларда таъмирлаш иши олиб борилиб, 2019-2020 ўқув йилида фойдаланишга топширилди. 2019 йилда “Обод Маҳалла” дастури доирасида шаҳарнинг 7-микрорайон ҳудудида 630 ўринли янги мактаб биноси қуриш учун 9300.0 млн сўм маблағ ажратилган, М.Бурхонов МФЙ ҳудудидаги 7-16-мактабларни реконструкция қилиш учун ҳар бирига 5500.0 млн сўмдан, жами 11000.0 (ўн бир миллиард) сўм, Т.Жандий МФЙ ҳудудидаги 29-умумтаълим мактабига 1100.0 (бир миллиард юз минг) сўм маблағлар ажратилди [6].

Таълим муассасаларини инфратузилмасини яхшилаш борасида, дастурлар доирасида 8 км пиёдалар йўлаклари, 600 та кўча чироқлари, 2 км ичимлик суви тармоқлари, 8 км электр узатиш тармоқлари, 2 км газ тармоқлари реконструкция ва мукамал таъмирланиб, 18 км йўллар асфальтлаштирилди. Ушбу мақсадларга маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 16,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича маҳаллий бюджетдан 647 млн сум маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан 11 та таълим муассасаларига замонавий мебель жиҳозлари етказиб берилди [6].

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг нуфузи ва мақомининг сезиларли даражада ошиши натижасида Бухоро шаҳрининг ўзида охириги икки йилда 54 га яқин эркак ўқитувчиларнинг умумтаълим мактабларига қайтишига эришилди. Умумтаълим мактабларини янги ўқув йилига тайёрлашда ота-оналардан пул йиғиш ҳолатларига тўлиқ барҳам берилди. Мактабларга 6 турда (оқ бўёқ, пол бўёғи, шпатлёвка, охак, ленолеум, ойна) ги қурилиш материаллари харид қилиш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 159 млн.сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ 3012-сонли қарорига асосан 2019 йилда 4 та умумтаълим муассасасида 366 млн. сўмга қозонлар алмаштирилди. Шунингдек, бугунги кунда Бухоро шаҳрида “Президент мактаби” қурилиш ишлари олиб борилмоқда ва шу қатори араб тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳам чора –тадбирлар кўрилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ўзгаришлар ва янгиликлар билан бирга муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан шаҳардаги 4 та умумтаълим мактаблар таъмирталаб (23,31,34,36 мактаблари), 2 та умумтаълим мактабларида спорт заллари мавжуд эмас (36,39 мактаб), 2 та умумтаълим мактабнинг атрофи ўралмаган, (32,23 мактаб), 4 та умумтаълим мактабларнинг ҳожатхоналари таъмирталаб аҳволда (6,14,23,31 мактаблар), 42 та умумтаълим мактабларда ёнғин ҳақида автоматик равишда хабар берувчи мосламалар (сигнализация) ўрнатилмаган. Шу қатори умумий ўрта таълим соҳасидаги муаммоларни бунёдкорлик ишлари билан бирга, шу давр мобайнида йиғилиб қолган инсон омили оқибатида вужудга келаётган муаммоларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, баъзи шаҳарнинг “номдор” мактабларида айниқса бошланғич синфларда ўқувчилар сони 50 тагача бўлиши, тўғарақларнинг номига фаолият кўрсатиши, мактаблар ва ўқитувчилар орасида рақобатнинг сустиги ҳам албатта таълим сифатига таъсир этиб келмоқда. Бугунги кунда мактабдаги камчиликларни тузатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчилик иштироки зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришда, мактаб бу асосий бўғин бўлиши лозимлиги, мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур” [8;1].

Бугунги кунда таълим-тарбиянинг асосий пойдевори бўлган, узлуксиз таълимнинг бошланғич босқичи ҳисобланган Мактабгача таълим тизимининг замонавий ёндашув асосида ҳар тарафлама ривожланиши, болаларимиз камолотига жуда катта таъсир этади. Шу ўринда сўнгги йилларда бу соҳадаги ўзгаришлар, ислохотларнинг амалга оширилиши, алоҳида Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши, бу тизимнинг ниҳоятда муҳимлигидан далолатдир, зероки болаларнинг соғлом ва билимли, етук салоҳиятли кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда муҳим ўрин тутади.

Маълумки, охириги 20 йил давомида республикада боғчалар сони 45%га камайган. 2018 йилда республика бўйича боғчага бораётган болалар, умумий болалар сонининг 30%-ни ташкил қилган. Зероки, мактабгача ёшдаги ўғил-қизларга сингдирилган билим ва кадриятлар, таълим-тарбия уларнинг келгуси ҳаётини белгилаб берадиган муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда Бухоро шаҳрида давлат ва нодавлат ҳамда ташкилотга қарашли жами 100 та Мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, шундан давлат МТМлари 74 тани, нодавлат МТМлари 14 тани, давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги МТМлар сони 8 тани, вилоят ИИБга қарашли “Юлдузча” номли мактабгача таълим муассасаси 1 тани ташкил этмоқда [6]. Уларнинг жами қуввати 15550 ўринга мослашган бўлиб, уларда 16963 нафар бола тарбияланмоқда. Худуд бўйича 3-7 ёшгача болалар сони 17861 нафарни ташкил этиб, камраб олиш фоизи 95,0% ни ташкил этади [6].

Шаҳар муассасаларидаги гуруҳлар сони 640 та бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида 6 ёшлилар 3948 нафарни, 7 ёшлилар 1171 нафарни ташкил этади [6].

Шаҳарда бугунги кунда 65-мтт, 13-мтт, 42-мтт, 45-мтт, 58-мтт, 71-мтт ва Бухоро педагогика коллежида мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳларда 190 нафар болалар қамраб олинган.

Замонавий қиёфага эга бўлган мактабгача таълим муассасаларини қисқа муддатда янгидан ташкил этиш, болаларнинг ювиниши, овқатланиши, машғулот ўтказиши, ўйнаши, ухлаши учун барча шароитларни яратиш, энг асосийси болаларга таълим-тарбия бериш жараёнини яхшилаш мақсадида “Обод маҳалла” дастури доирасида шаҳарда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2018-2020 йилда 8 та Давлат хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ўз ишини бошлади. Бундан ташқари, Бухоро шаҳар Мактабгача таълим бўлимига қарашли 6, 29, 30 ва 80-сон мактабгача таълим ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон қарори асосида 2019 йил “Инвестиция” Давлат дастурига кўра реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди. Шунини айтиш жоизки, баъзи бир МТМларининг бинолари таъмир талаб ва эскирганлиги туфайли, ушбу МТМ фаолияти тўхтатилди. Шундан, Бухоро шаҳар А.Фитрат номи МФЙ ҳудудидаги А.Тўқай кўчаси 82-уйда жойлашган (собиқ 30-сон мтт) 6-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида жойлашган бўлиб, бино миллий услубда уй-жой сифатида 1949 йилда пишиқ ғиштдан ва чўбқори услубда бир қаватли қурилган эди. Сўнг мослаштирилган ҳолда мактабгача таълим ташкилоти сифатида 2018 йилгача фойдаланилиб келинган. 2019 йилнинг ўзида бу муассаса Республика бюджет маблағлари ҳисобидан 4 409.2 млн сўмга жами 200 ўринга мослаштирилиб замон талабига жавоб берадиган архитектура проекти асосида қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев номи МФЙ ҳудудида жойлашган Мактабгача таълим бўлимига қарашли 29-сон мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ҳам тўхтатилади. Бу бино 1976 йилда қурилган бўлиб, бинонинг конструктив ечимларида сейсмик тадбирлар қўлланилмаган. Бино 3 та блокдан иборат бўлиб мослаштирилган ҳолатда мактабгача таълим ташкилоти сифатида фойдаланилиб келинган. 2019 йилда Республика бюджет маблағлари ҳисобидан 2 717.5 млн сўмга 100 ўринга мослаштирилиб ҳозирги замон талабига жавоб берадиган архитектура проектига асосан қурилиш ишлари якунига етказилди.

Бухоро шаҳар Т.Жандий номи МФЙ ҳудудидаги, Намозгоҳ кўчаси 46-уйда жойлашган 80-сон мактабгача таълим ташкилоти 1960 йилда икки қаватли тарзда бунёд этилган бўлиб, бинонинг қурилишида сейсмик тадбирлар қўлланилмаган. Мазкур бинони мақсадли ёки лойиҳавий ечимларда кўрсатилган фаолият тури йўналишида фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги туфайли бино (снос) бузилиб дастур асосида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан жами 3 822.7 млн сўмга ҳозирда замон талабларига жавоб берадиган архитектура лойиҳаси асосида 150 ўринга мослаштирилиб қурилиб 2019 йилда фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда мазкур мактабгача таълим ташкилотларида қаттиқ ва юмшоқ мебеллар ҳамда ошхона жиҳозлари билан таъминлаш ишлари тўлиқ амалга оширилиб иш фаолияти бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги 3812-сонли “Обод маҳалла дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Бухоро вилоят ҳокимининг 2019 йил 15 майдаги 01/2387-сонли манбааларига асосан 2019 йилда Бухоро шаҳридаги 51, 52 ва 61-сонли мактабгача таълим ташкилоти реконструкция қилиниши ва кўшимча равишда Бухоро шаҳар Мактабгача таълим бўлимига қарашли 8, 9 ва 9А-сон мактабгача таълим ташкилотларини янгидан реконструкция қилиниши белгиланиб олинган эди. Шу аснода Бухоро шаҳар “Кўксарой” МФЙ ҳудудидаги Кўксарой кўчаси 8-уйда жойлашган 51-сон мактабгача таълим ташкилоти 325 ўринга мослаштирилиб мукамал реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.

Бухоро шаҳри “Шарқ юлдузи” МФЙ ҳудудидаги Шарқ-1 кўчаси 8-уйда жойлашган Бухоро шаҳар Мактабгача таълим бўлимига қарашли 52-сон мактабгача таълим ташкилоти 300 ўринга мослаштирилиб мукамал реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилди.

Бухоро шаҳар “Кўксарой” МФЙ ҳудудидаги Шарқ-1 кўчасида жойлашган Бухоро шаҳар Мактабгача таълим бўлимига қарашли 61-сон мактабгача таълим ташкилоти 350 ўринга мослаштирилиб реконструкция қилинди.

Бухоро шаҳар Мактабгача таълим бўлимига қарашли 8 ва 9-сон мактабгача таълим ташкилотини филиалини реконструкция қилиш ишлари бошланиб, реконструкция ишлари 55% га бажарилган. Таъмирдан чиққан мактабгача таълим муассасалари замонавий кўринишда, янги жиҳозлар билан таъминланиб, телефон линиялари ва интернет йўлга қўйилди. 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10-15 нафар фермер сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктирилиши, болалар боғчаларига тайёр сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этилиб, “кетринг” хизматини йўлга қўйиш механизмлари ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси мактабгача таълим тизими фаолиятини тубдан ўзгартириб, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамровини кескин оширишга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар билан бирга бу соҳада ҳам муаммолар мавжуд, жумладан 2018 йил инвестиция дастури асосида Бухоро шаҳрида 385 ўринли янги мактабгача таълим ташкилотини қуриш

учун 17 млрд. сўмлик маблағлар ажратилиши белгиланган бўлсада, молиялаштириш тўлиқ амалга (66%) оширилмаганлиги учун муассасани куриш ишлари кечиктирилиб келмоқда, Давлат хусусий шерикчилик асосидаги 30 та нодавлат мактабгача таълим муассасаларини (қуввати 3 235) ташкил этиш учун битимлар имзоланган бўлсада, бугунги кунга қадар Молия вазирлиги томонидан 62,9 млрд.сўм кредит маблағлари молиялаштирилмаган.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мақсади инсон ва унинг манфаатлари, фаровонлигини таъминлаш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказишга қаратилгандир. Истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб биз бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзимизнинг асосий вазифамиз қилиб белгилаганмиз. Бугунги кунда бу борадаги эришилган натижаларни сарҳисоб қилсак, жуда мураккаб, ўта қалтис муаммоларни ҳал этиш учун ниҳоятда улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, таълим давлатимиз ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор йўналишдир. Бу соҳадаги олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари албатта замонавий шаҳарсозлик маданиятига таъсир қилсада, шу қатори таълим олаётган ва таълим бераётган фуқароларнинг ҳам онг ва шуурига ватанпарварлик, соғлом рақобат, илмий изланишларга ғайрат, янгилик ва ислохотларга муносабат билдирувчи шахсни шакллантиришимиз керак. Таълим - тарбия масканлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

#### Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

- 1.Зияева Д.Х. Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи:ислохотлар ва модернизация жараёнлари. Т. 2016 й, 88-бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Бухоронома. 2018 й 3 феврал (№ 10),2-бет
3. <https://lex.uz>
4. Хунар таълими ривожининг янги истикболлари.Бухоронома.2019-й, 6- ноябрь, № 90 (22.243),2-бет
5. Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислохотлар ва модернизация жараёнлари. Т.2016, 91-бет.
6. Бухоро шаҳар ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати маълумотлари
7. buxstat.
8. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. Бухоронома.2019-й, 28-август, № 69 (22.223), 1-бет.

УЎК 93/94

### 1925-1930-ЙИЛЛАРДА ХОРАЗМДА ДИНИЙ МЕРОСГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

*Г.М. Хусаинбекова, доцент, т.ф.н., Хоразм вилояти ХТХҚТМОММ, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада 1925-1930-йилларда Хоразмдаги диний меросга бўлган муносабат таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** дин, мадраса, мерос, мактаб, маданият, санъат, вақф, диний ташкилот, совет ҳукумати, масжид

**Аннотация.** В этой статье анализируется отношение к религиозному наследиям в Хорезме 1925-1930 годах.

**Ключевые слова:** религия, медресе, наследие, школа, культура, искусство, фонд, религиозная организация, советское правительство, мечеть

**Abstract.** This article deals with analyses of the attitude to the religious heritage in Horezm in 1925-1930.

**Keywords:** religion, madrasa, heritage, school, culture, art, foundation, religious organization, Soviet government, mosque

Хоразм воҳаси қадимдан маданият равнақ топган ўлкалардан ҳисобланади. Бу ерда қадимдан санъат ва хунармандчиликнинг барча соҳалари ривожланиб, тараққий қилиб келган. Аждодларимиздан гўзал меъморий ёдгорликлар, ноёб санъат дурдоналари мерос қолганки, бу дурдоналар ўзбек халқи маданияти, маънавий меросининг салмоқли қисмини ташкил этади. Афсуслар бўлсинки, мазкур бебаҳо мерос советлар ҳукмронлиги даврида қаттиқ тазийқ остига олиниб, жиддий қаршилиқка учради. Аънавий халқ театрлари, халқ амалий санъати намуналари, умуман Хоразм санъати ва маданиятининг бир қисми ҳаттоки йўқ бўлиш даражасига етиб борди. Кўпгина меъморий иншоотлар бузиб ташланди.

Советлар ҳукумати 1920-1930 йилларда Хоразм воҳасида, айниқса Хивада, Урганчда курилиш ишларида иқтисодий пул танқислиги, моддий жиҳатдан маблағнинг етишмовчилиги сабабли кўпгина мадраса ва масжидлар бузилиб, уларнинг хом-ашёси мактаб, йўл курилишларига ишлатилган. Маълумотлардан келтирилишича, Хоразм воҳасида 130 дан ортиқ мадрасалар бўлган [1]. Қуйида совет ҳукумати томонидан ўрганилаётган даврда бузиб йўқ қилиб юборилган масжид ва мадрасалар рўйхати келтирилган: Муҳаммад Мурод Девонбеги, Фозачи, Полвон ота, Қадам ясовулбоши, Фозилбек, Ёқуб

мехтар, Эшмурод мироб, Тўра Мурод тўра, Раҳимқулихон, Раҳмон Берди бий, Давлат қоракўз, Мирзо тожик ва бошқалар. Октябрь тўнтариши мустабид тузум сиёсатини халқнинг маданий-маънавий меросига бўлган ҳуқуқини топташни давом эттиришнинг янги босқичи сифатида майдонга чиқди.

Совет даврида дин ва диний ташкилотларга муносабатлар ўзгарди. Дастлабки даврларда хусусан 1917-1922 йилларда дин ва диний ташкилотларга муносабат, аниқроғи қаршилик кучли бўлмаган бўлсада, кейинчалик, яъни 1924-40 йилларда дин ва диний ташкилотларга қаршилик кўрсатиш ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. 1920-24 йиллар Хоразм Республикаси шароитида юзлаб анъанавий мактаблар, мадрасалар ва минглаб мулла ҳам охунлар халқ оммаси орасида фаолият кўрсатишни давом қилдирдилар. Чунки Хоразм аҳолиси Бобоохун Салимов, Полвонниёз Хожи Юсупов, Одамохун Ортиқов, Мулла Бекжон Раҳманов, Зиёмахсум Жилмуҳаммедов, Султонқори, Муллабекжон Назаров, Отажон Абдалов каби машҳур кишиларнинг сўзларига кулоқ солардилар. Туркман уруғ бошлиқлари, вакиллари, кадхудолари, халқни бошқариб келаётган оқсоқоллар, мироблар, қозикалонлар ва бошқа раҳбарлар барчаси ўз динларида собит турганлар [2].

Мазкур масала чуқур таҳлил қилинса, юқоридаги фикрларнинг тасдиғини топиш мумкин. Чунки Ёш хиваликлар партияси фаоллари нафақат дунёвий билимлар эгаси, балки диний билимларда ҳам тенги йўқ бўлган, ўз замонасининг илғор зиёли кишилари эдилар. Айнан ана шу фазилатлар мужассамлиги ўлароқ халқ уларга эргашар, муаллиф тили билан айтадиган бўлсак «кулоқ солардилар». Шунингдек, Хоразм воҳаси аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этган туркман уруғ бошлиқлари, уруғни ўз изидан эргаштирувчи кадхудолари, халқни бошқариб келаётган оқсоқоллар, мироблар (Хоразм воҳасида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалик юритишнинг асосий шакли эканлигини назардан қочирмаслик лозим), қозикалонлар ва бошқа раҳбарларнинг барчаси дин хизматчиси эканлигини назарда тутсак, совет ҳукуматининг дастлабки даврларида дин ва диний ташкилотларга жиддий қаршилик кўрсатмаганлиги сабаби янада равшанроқ намоён бўлади. 1921 йил августда РКП (б) МҚнинг пленуми динга қарши ташвиқот ва тарғиботни бутун чоралар билан авж олдириш ва кучайтириш тадбирларини белгилаган эди. РКП (б)нинг 1923 йилда чақирилган XII съездида эса меҳнаткашларни атеизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги вазифалар белгиланди [3].

1922-23 ўқиш йилида Хоразм Республикаси ҳудудида 89 та анъанавий мактаб бўлиб уларда 189 охун, 110 мулла, 338 нафар хизматчи ишлаб 1395 ўқувчи таълим олаётган эди. Ана шу мактабларга 328 минг таноб вақф ерлари ажратилган эди. Улардан ташқари шу даврда, Хоразмда 195 та қорихона, 143 та муқаддас жойлар, 845 та мачит ишлаб, 284 қори, 346 муаззин, жами 748 ишчи хизмат қиларди. Шу диний ташкилотларга давлат томонидан 475217 таноб вақф ерлари ажратиб берилган эди [4].

Айнан диний ташкилотлар ҳақида бошқа бир маълумотда, диний муассасалар сони кенгрок берилган. Унга кўра, 1922 йилда Хоразмда 69 та мадраса, 195 та қорихона, 88 та жой-хатим, 25 та авлиё, 845 та масжид бор эди [5].

1922 йилдаёқ вақф даромадидан 156 мударрис, 49 имом, 52 нафар фаррош, 45 нафар сартарош, 38 нафар сувчи, анъанавий мактабларнинг 1292 ўқувчиси фойдаланардилар. Булардан ташқари 77 та мачитнинг 90 нафар имоми, 55 нафар муаззин, 8 нафар ғулом, 396 сўфи, 52 нафар қорий, 200 нафар мутавалли юқори даражали ойлик маош олардилар. Вақф даромадидан жами 2500 нафар киши фойдаланарди [6].

Кўнгил сўзининг тилимизда арабча ва форсча **дил**, **қалб** каби синонимлари мавжуд бўлса-да, бу сўзларга нисбатан кенг қўлланувчи ҳамда поэтик тимсол даражасига кўтарилгани кўнгилдир. Луғатларда “кўнгил – кишининг ҳис – туйғу кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил, хотир, ёд, фикр, хаёл, ихтиёр, ҳар нарсанинг маркази, ўртаси – деб шарҳланган” [4]. Кўнгил Шарк мумтоз адабиётида кенг қўлланилган бўлиб, образ даражасига кўтарилган. Кўпгина шоирлар ижодида кўнгил образи мадҳ этилган ғазаллар мавжуд. Ана шу жиҳатдан адабиётимизда кўнгил билан боғлиқ илмий тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилган. Масалан, Навоий ижодида кўнгил тимсолининг ифодаланиши билан боғлиқ алоҳида номзодлик иши ва шу асосида монография яратилди [5]. Ёки адабиётшунос М.Муҳиддиновнинг Навоий ижоди билан боғлиқ илмий рисоаларидан ҳам ўз ифодасини топган [6]. Қолаверса, халқ оғзаки ижодида ҳам кўнгил билан боғлиқ “**кўнгил бермоқ**”, “**кўнгил олмоқ**”, “**кўнгил кўйи**” каби бир қанча ибораларнинг мавжудлиги ёки халқ қўшиқларда кўнгилнинг тараннум этилиши ҳам мазкур тушунчага сўз санъатининг барча соҳаларида кенг мурожаат қилинган ифодасида. Насимий ижодида ҳам мазкур иборалар анча кенг қўлланилган:



Вужудим шоҳисан, сенга кўнгил бердим, сени севдим,

Сенинг ошиқларинг жоним фидо айлаш билан машҳур [6,16].

Шоир мазкур байтда ёрга “вужудим шоҳи”, дея мурожаат қилиб, фикр таъсирчанлигини ошириш учун нидо санъатидан ўринли фойдаланган. “Кўнгил бердим” ибораси орқали ўз маъшуқасига бўлган муҳаббат мазмуни сингдирилган, мазкур тушунчага таносиб сифатида “сени севдим” бирикмаси ҳам келтирилган. Насимий “кўнглил бермоқ” иборасини қўлласа, Навоий “кўнгил олмоқ” иборасидан усталик билан фойдаланиб, Насимийнинг муҳаббат тафти уфуриб турган байтига ҳамоҳанг байт яратади:

Навоийдин олдинг кўнгил, жонни ҳам

Сенга бўлсун, эй дилситоним, фидо [2, 31].

Ҳозирги ўзбек тилида “кўнгил бермоқ”, “кўнгил олмоқ” иборалари ошиқ бўлмоқ, мафтун бўлмоқ, ишқ, муҳаббат маъноларида қўлланилади. Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз маъшуқасига “кўнглимни олдинг” кўнгил бирла жонимни ҳам олдинг, дея мурожаат этади. Зеро, ошиқ учун маъшуқага “кўнгил қўймоқлик” жонни бермоқ билан тенг. Чунки ошиқнинг тириклиги маъшуқа васли билан боғлиқ.

Ҳар иккала ижодкор фикр таъсирчанлигига эришиш мақсадида нидо санъатидан унумли фойдаланади. Насимий маъшуқага “вужудим шоҳи” дея мурожаат қилса, Навоий “дилситоним” сўзини қўллайди. Одатда, ундалмаларни айнан келтириш, нутқда таъсирчанлик билан биргаликда, китобхон кўз ўнгида ундалма сифатида келтирилган шахс ёки предметни айнан гавдалантиришга хизмат қилади. Насимий ва Навоий ана шу имкониятдан унумли фойдаланган.

Насимий ижодида ишқ ва кўнгил тимсоллари баравар қўлланилиб, бири иккинчисини тақозо этади:

Ҳақ азалдан қисмат этди кўнглим учун ишқини,

Тоабат ишқингдан ўзга энди зинҳор истамас [6, 36].

Шоир наздида Ҳақ таолло ошиқ кўнгли учун ишқни қисмат сифатида белгилаганлигини таъкидлайди. Шу боис ошиқнинг кўнгли ишқдан бошқани зинҳор истамаслигини уқтиради. Навоий ҳам ошиқ кўнгли таърифини зикр этар экан, ёр фироқи ва кўнгил ғами билан боғлиқ тасвирларга урғу беради:

Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгил ғамидин

Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз [1,202].

Кўнгил ёр фироқи билан ғамга тўлганки, ошиқ умрида бир лаҳза ҳам мотамсиз қолмади. Чунки ошиқ ўз маъшуқасини бир лаҳза бўлса-да, унутмайди. Насимий кўнгил тоабат ишқдан ўзгани истамас деса, Навоий тамоман умрида кўнгилда ёр фироқи унут бўлмаслигини уқтиради.

Маъшуқа ёди ва ишқи кўнгилни забт этиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида Насимий яна бир байтда шундай ёзди:

Бу кўнгил шаҳрини ҳажринг чунки вайрон айлади,

Келки, сендан ўзга дил маъмуру меъмор истамас [6, 36].

Маъшуқа фироқи ва ҳажри ошиқ қалбини, кўнглини ўртагувчи, уни вайрон айлагувчи кучдир. Бу шундай қудратли кучки, ошиқ дили учун маъшуқадан ўзга “маъмуру меъмор истамас”. Насимий эса навбатдаги байтда хаста кўнгилга мурожаат этади. Шоир учун ишқ дардига чалинган кўнгил – хаста кўнгилдир:

Эй хаста кўнгил, дардинга дармон талаб айла!

Гар жон тилар эрсанг, ёри жонон талаб айла [6, 23].

Насимий хаста кўнгилга мурожаат қилиб, унга дармон, даво лозимлигини, агар кўнгил шунчаки дармонни эмас, балки жон, тирикликни тилар бўлса “ёри жонон талаб айла”ши лозимлигини уқтирган. Зеро, ошиқнинг тириклиги, жони жонон биландир. Шоир ҳар иккала мисрада тавзий(дард-дармон; жон-жонон) орқали ўз муддаосини чиройли ва айни пайтда таъсирли баён этган.

Навоий ҳам ёр фироқи билан боғлиқ мушоҳадаларни баён этар экан, кўнгил тимсолига мурожаат қилади:

Кўнгил боғида оҳим ўқлари қаддинг фироқидин

Бари ғам бергали ҳар қайси бир раъно ниҳол ўлмиш [1, 248].

Шоир чиройли манзара кашф этади. Кўнгил бамисоли бир боғ, боғда маъшуқа қадди фироқидан ошиқ оҳларининг “ўқлари” юзага келган. Мана шу “оҳ ўқлари” ошиққа ғам бергали чоғланган гўёки “бир раъно ниҳол” кабидир. Навоий байт давомида истиоралар гуруҳини шакллантиради: кўнгил боғи, оҳ ўқи, раъно ниҳол. Мазкур тасвир усули Навоий ижодига оид ўзига хосликлардан биридир. Шоир шеърятти тасвирдаги ранг-баранглик билан ажралиб туради. Юқоридаги байтда “ўқ” ошиқ оҳига нисбатан қўлланилган бўлса, навбатдаги байтда эса, ёрнинг киприги маъносида келади:

Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,

Бордурур бир катра су гўёки ҳар пайкон анга [3,30].

Алишер Навоий лирик меросида тахаййул даражалари, ишқ тасвиридаги босиқлик ҳамда вазминлик алоҳида ажралиб туради. Навоийнинг лирик қаҳрамони маъшуқанинг ҳар қандай “айрилиқ азоблари”ни табиий қабул қилади, ёрдан келадиган “озор”лар ошиқ кўнглига таскин беради. Ишқ дарди ошиқ кўнглини “ўт” олдирган. Унинг кўнгли ишқ ўтининг тафтидан безовталанмоқда.

Ошиқнинг “кўнгли ўти”га ёрнинг “ўқлари” (киприклар) таскин беради. Гўёки маъшуқа “ўқлар” (киприклар)и оловланаётган кўнгилга сепилган “сув” кабидир.

Ошиқ учун ўз ёр ягона эканлиги, ундан ўзга ҳеч бир дилдор унинг кўнглини забт эта олмаслиги билан боғлиқ байтларни Насимий ижодида ҳам кўриш мумкин:

Сен менга ёр бўлки, кўнглим, яна бир ёр истамас,

Мақсуди сенсан кўнгилнинг, ўзга дилдор истамас [6,37].

Мумтоз шеърятда мажозий ва ҳақиқий ишқ бир-бири билан боғлиқ, аралаш ҳолда тасвир этилади. Чунки ҳар иккала ишқда ҳам ошиқ қалбида кучли туғён шаклланиб, маъшуқа томон талпинади. Шунинг учун ушбу ишқ турлари бир-бири билан боваста талкин этилган. Аммо мажозий ва ҳақиқий ишқ мақсад моҳияти билан фарқланади. Насимий ҳам кўнглимда мен ошиқ бўлган ёр мавжудки, кўнглим “яна бир ёр истамас”, шунингдек, кўнглимнинг мақсуди “сенсан” (ўз ёри)ки, кўнглим “ўзга дилдор истамас”, дея асосий муддаони қайд этади. Мазкур байтни ҳам мажозий, ҳам илоҳий ишқ талқини сифатида англаш мумкин. Асосий моҳият ишқни алоҳида фарқлаш эмас, балки ишқнинг кўнгилда ягоналиги ва маъшуқа ошиқ кўнглининг мақсуди эканлигини зикр этмоқликдир. Зеро, ҳар қандай ишқнинг замирида ҳам шу масала ётди. Насимийни ўртаган ишқ, маъшуқа васли – у учун икки оламга ва жаҳоннинг мақсудига тенг:

Керакмас икки олам менга сенсиз, бўлмасин асло,

Жаҳоннинг мақсуди сенсан, уни сенсиз нетар кўнглим [6,32].

Навоий ҳам маъшуқа ҳажридан кўнгулнинг қон боғлаганлигини зикр этади:

Ҳажрида таҳ-таҳ кўнгул қон боғлагандиндур нишон,

Номаи шавқумки тим-тим томди кўздин қон анга [4, 10].

Маъшуқа ҳажри туфайли ошиқ кўнгли таҳ-таҳ (қават-қават) қон боғлаган. Кўнгил қони “шавқ” (зўр истак) номасига қон ёшлар бўлиб, тим-тим томмоқда. Навоий “кўнгилнинг қон боғлаши” ва “кўздан қон ёш томиши” бирикмаларида муболағадан ўринли фойдаланиб, ошиқнинг доим жафокашлиги, маъшуқа ҳажридан ситамкашлигига урғу берган.

Мумтоз адабиётда ишқ ва унинг юксак чўққиси ҳақида сўз кетар экан, албатта, мажнун, жунун, телба сифатлашлари ҳам қайд этилади. Чунки ишқ ҳадду аълосига етса, у инсонда жунунликни, телбаликни юзага келтиради. Насимий ана шу сифатлашни кўнгилга нисбатан ишлатади:

Шу пари васлини истарсан, кўнгил, девонасан,

Шамда куймоқми тиларсан, не ажаб парвонасан [6, 27].

Дарҳақиқат, ишқ кўнгилда бўлади, кўнгил – муҳаббат мақони. Шу боис халқимиз “кўнгил қўйибди”, “кўнгли тушибди” ибораларини айнан ошиқ бўлмоқлик маъносида ишлатади. Демак, девона ҳам, телба ҳам кўнгилдир. Насимий ошиқ бўлган кўнгилга ўзга ёр учун ўрин йўқлигини била туриб, “Шу пари васлини истарсан, кўнгил, девонасан”, дея тажохули орифни ишлатади. Иккинчи мисрада эса девона кўнгил шамда куймоқликни истаган парвонага ташбеҳ қилинади.

Кўнгилнинг ишқ ва ошиқлик туфайли телба бўлиши билан боғлиқ мулоҳазалар Навоий ғазалларида ҳам келтирилган:

Эй кўнгул, телбарадинг эмди не тадбир санга,

Ул парий зулфини гар қилмаса занжир санга [4, 12].

Навоий кўнгилга мурожаат қилиб, телбарадинг (телба бўлдинг), эмди тадбир (чора) йўқ, фақатгина “ул пари” нинг зулфини сенга занжир қилиши чора сифатида қолди, дейди. Шоир тамсил асосида фикрини ҳаётий далил билан асослайди. Яъни телбаларни занжир билан боғлашларига ишора қилиб, ошиқ кўнгил учун тадбир-чора “Ул парий зулфи” нинг занжир бўлиши эканлигини байтда сингдирган. Эътибор қилсак, Насимий ҳам, Навоий ҳам юқоридаги байтларида кўнгил орқали инсонни, шахсни назарда тутган. Тилшунослик нуқтаи назардан таъкидлаганда синекдоха (бутун орқали бўлак, бўлак орқали бутун назарда тугилади) дан ўринли фойдаланган. Насимий “Шул пари”, Навоий “ул пари” бирикмаларида кўрсатиш олмошларидан фойдаланиб, ошиқ учун маъшуқа ягона эканлигига урғу берган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, кўнгил Шарқ мумтоз адабиётида асрлар давомида мадҳ этиб келинди. Ҳатто туркий тасаввуф шеърятда асосий тимсоллардан бирига айланди. Кўнгилни ўз шеърларида тараннум этмаган ижодкорни ториш мушкул. Ана шу жиҳатдан Насимий ва Навоий ижодида ҳам кўнгил асосий образлардан бири саналади. Насимий ва Навоий ижодида кўнгил образининг қўлланилишида ўхшашлик ва айни замонда ўзига хосликлар мавжуд.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий. Мукамал аасрлар тўплами. I том. – Тошкент, Фан, 1987. – 723 бет.
2. Алишер Навоий. МАТ. II том. – Тошкент, Фан, 1987. – 620 бет.
3. Алишер Навоий. МАТ. III том. – Тошкент, Фан, 1988. – 616 бет.
4. Алишер Навоий. МАТ. IV том. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 бет.
5. Алишер Навоий. МАТ. VII том. – Тошкент, 1991. – 393 бет.
6. Насимий. Озарбайжон тилидан Эргаш Очил таржимаси. Т., Мовароуннаҳр. 91 бет.
7. Рабғузий Носируддин Бурхониддин. Қисаси Рабғузий. 1 - китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1990. – 240 бет.
8. Хуршид Даврон. Шахидлар шоҳи. – Тошкент, 1998. – 176 бет.

ЭРКИН САМАНДАР РОМАНЛАРИДА МАТАЛЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ  
*С. Атажанов, ф.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Мақолада Эркин Самандар романларида қўлланилган маталлар ва уларнинг бадий матндаги роли хусусида сўз юритилади.

Романлардаги тасвирда вазиятга қараб маталларнинг танланиши, уларнинг бадий нутққа гоёвий-эстетик руҳ бағишлаши ёзувчининг “Куюн излари ёхуд Огахий”, “Султон Жалолiddин” романлари таркибидаги бой мисоллар орқали таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Эркин Самандар, “Куюн излари”, “Султон Жалолiddин”, роман, матал

**Аннотация.** В статье рассматриваются поговорки, использованные в романах Эркина Самандара, и их роль в художественном тексте.

Выбор поговорок в структуре романов в зависимости от ситуации, их идейного и эстетического духа в художественной речи анализируется на богатых примерах авторских романов «Куюн излари ёхуд Огахий», «Султан Джалолiddин».

**Ключевые слова:** Эркин Самандар, «Куюн излари ёхуд Огахий», «Султан Джалолiddин», роман, поговорки

**Abstract.** The article discusses the sayings used in the novels of Erkin Samandar and their role in the literary text.

The choice of the sayings in the structure of the novels depending on the situation, their ideological and aesthetic spirit in artistic speech is analyzed on the rich examples of the author's novels "Kuyun Izlari Yohud Ogakhiy", "Sultan Jaloliddin".

**Key words:** Erkin Samandar, “Kuyun Izlari Yohud Ogakhiy”, “Sultan Jaloliddin”, novel, sayings

Эркин Самандар ўзининг насрий асарларида мақоллар билан бирга маталларга ҳам фаол муносабатда бўлади.

Мақоллар ва маталлар, уларнинг умумийлик ҳамда алоҳидалик хусусиятлари, матндаги услубийлик роли хусусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган [1].

Маталлар нутққа кўрк бағишлаб, ундаги тасвир оҳангини юксак даражага кўтаради. Ўша жараёнда турли образли ифодалар юзага чиқади: “Сиддиқ полвоннинг йигитлари бисмиллоҳ деб отга минганларида олчокларга **сичқоннинг ини минг танга** бўлганини шўроҳонликлар кўп кўришган” [2]. Матн катидаги иборада фикрни образли ифодалаш асосий ўринни эгаллайди. Унинг негизда халқона муболаға ётади. Маталга хос хусусиятлардан бири бўрттириб кўрсатишдир. Ушбу ибора ҳам персонажлар характери очиб беришда ижодкорга катта имкониятлар яратади. Шомурод иноқ бизга таниш образ. У ҳамиша бошқаларга паст назар билан қарайди. Айниқса аёлларга босим ўтказишда ном чиқарган. У кизининг Ёқубжон билан қочиб кетганини ҳам ўз хотинидан кўради ва унга нисбатан **“Бир хотиннинг макри қирқ туяга юк бўлади”** маталини ишлатади (“Куюн излари”..., 51-бет.). Ушбу ибора унинг тийнатидаги кибр-ҳавони яна бир бор намоён қилади.

Маталлар инсон руҳиятини очиб бериш жараёнида ҳам ижодкорга тайёр восита бўлиб хизмат этади. Огахий ҳазратларининг шогирди Ёқубжон ўзининг қилиб қўйган ишидан руҳан азоб чекади: “Полвондан дарак йўқлиги бир дард бўлса, устод олдида уётлиғ иш қилиб қўйгани **дард устига чипқон** эдики, бундан Ёқубжоннинг юраги тарс ёрилиб кетай, дерди. (“Куюн излари”..., 61-бет.) Матн таркибидаги ибора образ қалбидаги изтиробларни ифодалашда алоҳида аҳамият қозонади.

Ҳар бир ёзувчи бирор асар устида ишлаганда айрим образларга алоҳида аҳамият қаратади. Уларнинг айримлари ижобий образлар бўлса, айримлари салбий персонажлардир. Эркин Самандар мазкур романдаги салбий шахслардан Шомурод иноқ тийнатида кўпроқ эътибор қаратади. Буни таҳлилимиз давомида бир неча бор кўриб ўтдик. Маталлар ишлатиш жараёнида унинг қиёфасидаги қора доғлар янада ойдинлашади: Шомурод иноқ кунгабоқарга ўхшаб, қайси томондан куёш чиқса шу ёққа боқадиган шахс. У Амир тўра билан жуда яқин эди. Аммо у Сайид Муҳаммадхон ўлгач, тахтга эга бўла олмади, хонлик Муҳаммадраҳим тўрага насиб қилди. Шу орада унинг қайнотаси-қозикалон ҳам ўзгаради, деган миш-миш тарқалади. Иноқ дарҳол бошқа қиёфага қиради. У “янги тождорнинг олдида ўзини кўрсатиш пайига тушиб, икки одам муштлашган жойни қўзғолончилар уясига йўйди, “бебошлар”ни дорга осдирди. У **бир ўқ билан икки қуённи** урмоқчи –ҳам хонга яхши кўринмоқчи, ҳам қозикалоннинг норозилигини кўзгаб, саройда қайнота-куёв бир-бирига ёв, деган фикрни туғдирмоқчи” (“Куюн излари”..., 54-бет.). Шомурод иноқ ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Ёзувчи унинг қиёфасини турли иборалар ёрдамида аста-секин оча боради. “Иноқ бировларнинг ғам-ташвишини беҳудага кўтариб юрадиганлардан эмас. Демак, **косанинг тагида нимкоса бор**”. **“Ўзи уриб ўзи йиғлайди-да, бу иноқ.** Агар кўп йиллик кадрони бўлмаганида хозирок, ковушини туғрилатиб кўярдику-я” (“Куюн излари”..., 55-бет.). Иноққа нисбатан қўлланилган маталларда киноя, пичинг, ҳажв каби оҳанглар кўпроқ намоён бўлади. Дарвоқе, ҳар бир ибора унинг сохта қиёфасини тобора ойдинлаштириб боради.

Асар матндаги маталларнинг биттаси жуда кўплаб маъно қирраларини, баёнга сиғмайдиган тафсилотларни ўз бағрида мужассамлаштиради.

Огаҳий эл мустақиллигини сақлаб қолиш учун жуда кўп ҳаракат қилади, ҳатто очлик эълон қилади, хон билан мунозарага киришади. Бироқ ватан ўз мустақиллигини бой беради. Бундан ҳафсаласи пир бўлган шоир ўз ички нутқида қалбидаги изтиробларни очиб беради. Мағлубиятга сабаб ахтаради. Ниҳоят битта матал билан унга жавоб топади: “-Огоҳлантирмоқ ва даъват айламоқликдин нафъ чиқмагач, ўз ҳаётимни ўртага қўйиб, ўлмоқ истаганим ўлимдан кўрққанларга ибрат бўлмай эрди, кимларга етиб борди, кимларга эрса йўқ, жон ширинлик қилди. Нокасларда гап борким, **номард бўлай, соғ бўлай**”... (“Қуюн излари”..., 234-бет.). Огаҳий ҳазратлари томонидан ишлатилган ушбу ибора, ўша даврдаги “ватанпарвар”ларнинг сохта башарасини фош қилишда жуда мос танланган, юксак бадий вазифани бажара олган.

Бинобарин, маталлар ёзувчи томонидан воқеалар тақозоси билан танлаб матнга сингдириб юборилади. Улар тасвирдаги бўёқдорликни оширади, образлиликни кучайтиради, бадий нутққа ифодавийлик бахш этади. Маталнинг мақолга нисбатан ўнғайлиги шу ердаки, унда киноя, шама, ишора, ҳажвия, бўёқдорлик, муболага каби кўплаб маънодорлик мужассамлашиб, нутқий тасвирийлик рўёбга чиқади.

Чингиз ҳақида сўз юритилганда унинг тийнати баҳолашга жуда мос матал танланган: “**Бир оғзида ўт, бир оғзида сув бул хоқоннинг**” [3]. Маталда “ўт” билан “сув” тушунчасининг зидлаш орқали берилиши хоқоннинг ўта шафқатсиз, ёвуз кимса эканига ишоради. Чунки халқ наздида “ўт балоси”, “сув балоси” деган тушунчалар бало ва офатни англатади. Маталлар ҳамиша вазиятга мос ҳолда танланади.

Синд дарёси бўйидаги жангдан кейин Султон Жалолиддин дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олади. Унинг кўриниши шоҳга ўхшамас, кийимлари ғижимланган, шалаббо аҳволда эди. Унинг армиясининг афтодаҳол эканини сезган Рой Рапа уларни бир зарбадаёқ йўқотиш ҳаёлида етиб келади ва Хоразмшоҳга қараб “...истехзо билан деди: -Ҳали шуми аҳволинг, мақтовли султон?”

-**Бўринг ўлгиси келса арслон ила ўйнашур**, -деди султон ясатиғлик от устида керилиб ўтирган Рапага синчковлик билан боқиб.

Рапа жавоб қайтаришга энди оғиз жуфтлаётган ҳам эдики, дафъатан кўксига камон ўқи қадалиб, кўз олди қоронғилаша бошлади. Ўқни Жалолиддин отганини “кўролди, холос”. (“Султон Жалолиддин”, 178-бет.)

Маталнинг бадий матндаги таъсир кучи шу ердаки, унинг мазмунидаги ғоя Жалолиддиннинг амалга оширган жасуруна ҳаракати билан яққол исботланади. Ким **бўри**, ким **арслон** эканлиги маълум бўлади. “Султон Жалолиддин” романида воқеалар кўп, ранг –баранг, мураккаб ва ўз навбатида аянчли манзаралар ҳар қадама ўзини намоён қилади. Ҳаёт мураккабликлари кишиларни сергакликка даъват этади, огоҳликка чақиради. Ҳар бир ҳодисадан хулоса ясашни тақозо қилади.

Султон Жалолиддин Синдга бориб ўрнашгандан кейин Ҳинд ҳукмдорлари билан бирлашиш ҳақида мулоқотга киришади. Аммо уларнинг ягона фикрга келишлари узокка чўзилади. Ўша воқеага нисбатан ёзувчи Жалолиддин тилидан шундай хулоса-ҳикматни беради: “-Иттифоқ бўлмоқликдин ўзга чора йўқлиги ҳар бир ақли расо ҳукмдорга аёнду. Аммо, таассуфки, **ақли расосидан ақли ноқиси кўпроқдур**” (“Султон Жалолиддин”, 140-бет.).

Жалолиддин лашкарбошилари орасида оғмачи тоифалар ҳам бор эди. Маликшоҳ арзимаган нарса устида жаҳлга эрк бериб, йигитлари билан кўшиндан кетиб қолади. Аммо сал фурсат ўтмай бало-офатлар гирдобига тушиб, изига қайтиб, султондан кечирим сўрайди. Ёзувчи яна ҳукмдор тилидан ҳикматли ибораларни келтиради: “**Оғмачидин дўст бўлмағай, оғмачи нағма кўрсатишни кўймағай**” (“Султон Жалолиддин”, 204-бет.).

Ёзувчи ўзининг қалбидаги ҳикматли ибораларни асосан Жалолиддин тилидан беради. Чингиз султонга мамлакатни иккига бўлиб бошқаришни таклиф қилади. Султон эса унга шундай жавоб қайтаради: “Ватан ягона эрурким, они бўлиб бўлмас. Кўлдаги узукдан киёс. Иккига бўлинган узук узук бўлмайди” (“Султон Жалолиддин”, 280-бет.).

Романда мақоллар каби ўзида фалсафий ғояларни ташувчи бундай ҳикматли сўзлар анчани ташкил этади. Бадий матнда мақоллардан фойдаланган ҳолда маъновийликни юксалтириш усули “Қирон ғилдираги” романида ҳам изчил давом этирилган. Ушбу роман воқеалари ҳам дилни ўртовчи тафсилотларга бой бўлиб, тоталитар тузум давридаги қатоғон қиёматларини тасвирлайди. Асар бош қаҳрамони Муҳаммад ҳожи қамоққа олингандан сўнг унинг яқин дўсти Ҳожининг ўғлига тасалли беради: -Маҳмудбек, маҳкам бўл, ўғлим. “**Бошга тушгани кўз кўрар**”. Ушбу тасаллидан сўнг Ҳожининг оиласидагиларни аяш мақсадида Маҳмудбекка яна маслаҳат беради: “Отангинг қаердалигини айтма; Орол бўйига жўнатишган деб қўяқол. **Яхши ёлғоннинг гуноҳи йўқ**”... (“Қирон ғилдираги”, 26-бет.). Ижодкор ҳикматли ибораларни сўзлашув нутқи қатига жойлаб, жумланинг силлиқлиги ва бўёқдорлигини таъминлайди.

Муҳаммад Ҳожининг дўсти Сафо махсум тақводор одам. Шу боисдан ёзувчи аксарият ҳолларда ҳикматга йўғрилган ифодаларни унинг тилидан беради. Унинг нутқидаги ҳикматли, салмоқли ҳукм-хулосалар замонасидаги зўравонликлардан қутилиш йўллари кўрсатиб беради: “**Тарқагани бўри ер** дейишади. Эл-элат, кекса-ёш битта мушт бўлиб тугилмас эканмиз зўравонларнинг **ошиғи олчи** бўлаверади” (“Қирон ғилдираги”, 82-бет.).

Романнавис ҳар бир афористик иборани берар экан, унинг айтувчисининг дунёқарашини ҳисобга олади. Муҳаммад ҳожи маърифатли шахс, у биринчилардан бўлиб, Францияда ўқиб келган хоразмлик ёшлардан.

Ёзувчи баъзан унинг кундаликларига муурожаат қилади:

“Муҳаммад ҳожи ён дафтарида: Оқил ва мард адолатли Хива хони Абулғози Баҳодирхон демиш:

-Тўғри йўлдан озмоқлик-куфр. Йўлдан оздиргувчиларни даф айламоқ адолат белгисидур.

-Бирлашмаган элнинг эртаси йўқ турур.

-Магарам одамлар сурувга ўхшаб ким қаён бошлар эрса, кетаверсалар, эл қачон эл, давлат қачон салтанат бўлғай!” (Қирон ғилдираги”, 180-бет.).

Муҳаммад Ҳожининг ён дафтаридаги ушбу доно фикрлар биринчидан Абулғозининг, иккинчидан Ҳожининг буюклик сифатлари барқ уриб турган қиёфаларини китобхон кўз олдида яққол гавдалантиради.

Доно фикрлар, фалсафий хулосалар ҳаммининг тилида ҳам ўз ифодасини топавермайди. Ёзувчи ушбу тамойилни барча асарларида назаридан қочирмайди.

Эркин Самандар барча романларида “якдиллик”, “бирлашиш”, “жипслик” каби муқаддас тушунчаларни тарғиб қилишни мунтазам давом эттириб келади. Чунки мўғуллар давридаги парокандалик Хоразмнинг мағлуб бўлишига олиб келди. Ушбу воқеалар “Султон Жалолиддин” романида ўз ифодасини топди.

Муҳаммад Раҳимхон –Феруз давридаги тахт учун кураш, парокандалик руслар фойдасига хал бўлди. Ушбу воқеалар “Қуюн излари ёхуд Огаҳий” романида батафсил ёритилган “Қирон ғилдираги” романида ҳам сотқинлик, хиёнат, парокандалик “қизиллар”нинг ғалабасини осонлаштирди.

Юқорида келтирилган Муҳаммад ҳожи ён дафтаридаги доно фикрлар ёзувчи қалбини ўртаб келаётган азалий нидолардир.

Романлардаги бадиий нутқда қўлланилган мақол, матал, ҳикматли сўзлар асардаги фалсафий руҳни юксалтириши билан бирга катта тарбиявий аҳамият ҳам қозонади.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Костомаров В.Г., Верещагин Е. М.О пословицах, поговорках и крылатых выражениях. // Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения. –М.: «Русский язык», 1979. –С. 238; Рўзимбоев С. Мақол, матал ва уларнинг фарқлари ҳақида. // Сайланма. –Урганч, “Хоразм”, 2012. –Б. 190-193; Отажоновна О. Қанотли сўзлар ҳақида. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2005 №3. –Б.72-73; Исакова Г. “Қанотли сўзлар”нинг ўзига хос хусусиятлари. // “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2016 №6. –Б.108-110 ва бошқалар.

2. Эркин Самандар. Қуюн излари ёхуд Огаҳий. –Т.: “MUMTOZ SO`Z”, 2009. –Б. 42.

3. Эркин Самандар. Султон Жалолиддин. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. –Б. 51.

УЎК.801.82

### ШАРҚ АДАБИЁТИДА “МИНГ БИР КЕЧА” МОТИВЛАРИ

3.Ж. Аҳмедова, ўқитувчи, Навоий давлат педагогика институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Минг бир кеча” мажмуасининг Шарқ халқлари адабиётига, айниқса ўзбек адабиётига қўрсатган таъсири масаласи ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, “Минг бир кеча” мажмуасининг баъзи бир эртақларида мавжуд бўлган мотив ва сюжетларнинг ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий асарларида ҳам учраганлиги аниқланди. Бу ўхшашлик айнан бир асар мисолида тадқиқ этилди.

**Калит сўзлар:** мотивлар таркиби, образлар силсиласи, сюжет тизими, Шарқ адабиёти, “Хазор афсона”, “Шоҳнома”, Баҳром

**Аннотация.** В данной статье рассматривается вопрос о влиянии сказок сборника “Тысяча и одна ночь” на развитие Восточной, особенно узбекской литературы. Также обнаруживаются некоторые сходства в структуре мотивов, системе образов и связке сюжетов в сказках сборника и в произведениях основателя узбекской литературы Алишера Навои. Эти общие черты были освещены на примере определенных произведений.

**Ключевые слова:** структура мотивов, система образов, связка сюжетов, Восточная литература, “Хазор эфсане” (“Тысяча сказок”), “Шахнаме”, Бахрам

**Abstract.** This article addresses the issue of the impact of compilation “Arabian nights” on the development of Eastern, and especially uzbek literature. The author, also, identified some similarities regarding structures of motives, bunch of motives and characters’ system in the tales of compilation and works of the founder of uzbek language Alisher Navoi. The author discussed these common features on particular examples.

**Key words:** structure of motives, system of characters, bunch of plots, Eastern literature, “Xezar efsane”, “Shahnameh, Bahram

Араб эртақлари номи билан дунёга машҳур бўлган “Минг бир кеча” ёки “Алф лайла ва лайла” китоби араб халқининггина эмас, балки Юнон, Ҳинд, Эрон, Ўрта Осиё ва ҳатто Хитой халқлари орасида кенг тарқалган эртақлар, ҳикоят ва ривоятлардан ҳам фойдаланилган ҳолда яратилган асардир.

Жаҳон адабиётининг энг сара бу асари “Минг бир кеча” жуда қадимий тарихий илдизга эга бўлиб, асосан, Шарқ халқлари эртақларидан тўпланган, асрлар мобайнида қайта-қайта сайқалланиб шу ҳолга келтирилган. “Минг бир кеча”дай маҳобатли ёдгорлик аввал халқ оғзаки ижодида турли халқлар томонидан яратилган бўлиб, кейинчалик бу китоб таркибига киритилади. Асрлар ўтиши билан “Минг бир кеча”даги ҳикоят ва эртақлар бошқа халқлар фольклорининг ривожланишига сабаб бўлади ва бу ўзаро таъсир йиллар мобайнида сайқаллашиб боради.

Халқ оғзаки ижодига мансуб бу асар қизиқарли эртақ ва ҳикоятлари билан жаҳон халқларининг сеvimли асарига айлланиб улгурган. Шубҳасиз, бу асар Шарқ халқлари фольклори ва ёзма адабиётининг ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутаети. “Минг бир кеча”дан ўзлашган сюжет, образ ва мотивларнинг туркман халқ эртақларига таъсирини фольклоршунос олима М.А.Сақали [1] аниқлаган бўлса, қозок халқ оғзаки ижодига таъсирини олимлар С.Қасбасов [4], Г.Н.Потанин ва Н.Тўракуловлар, ўзбек халқ эртақлари билан ўхшашлигини эса ўзбек фольклоршунослари Ғ.Жалолов, М.Жўраев, Ш.Шомусаровлар ўрганганлар.

Маълумотларга кўра “Минг бир кеча”нинг илк вариантлари VIII асрда таржима қилинган форсча “Хазор афсона”га бориб тақалади. X асрда “Минг бир кеча” шакллана бошлайти ва XIV-XVI асрларда Мисрда китоб ҳолига келтирилади. “Минг бир кеча” асарининг дастлабки вариантлари Навоий замонасида ҳам машҳур бўлган. Чунки Навоий Фирдавсий “Шохнома”сидан кўп фойдаланган. Фирдавсий эса ўз асарини ёзишда “араб ва паҳлавий тилида ёзилган манбалардан фойдаланганлигини ёзиб қолдирган” [2]. (“Минг бир кеча”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган форсларнинг “Хазор афсона”си ҳам паҳлавий тилида ёзилган). Халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлмиш “Хазор афсона” (“Минг бир афсона”)нинг тўлиқ сюжети гарчи бугунги кунда қадар сақланиб қолмаган бўлса-да унинг композицияси “Минг бир кеча”да ижодий жиҳатдан ўринлашган.

Шарқ адабиётининг маҳобатли асари “Шохнома” сюжетида ҳам “Авесто”даги мифологик образларнинг учраши мифологик тасаввурларнинг диффузиялашган ҳолда адабий тафаккур тараккиётида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. “Шоир асарларида Ахриман, Заҳҳок, дев, пари, Жамшид, Биварасп, Қаюмарс, аждар, Семург, девбод сингари мифологик образлар учрайти” [3] -деб таъкидлайди фольклоршунос олим М.Жўраев. Бу образларнинг аксарияти “Минг бир кеча”да ҳам мавжуд. Халқ оғзаки ижодида аввал пайдо бўлиб, кейинчалик “Авесто”, “Минг бир кеча”, “Шохнома” китобларида учрайдиган бу тимсоллар Навоий асарларининг мазмунини бойитишга хизмат қилган. Шунингдек, Кўҳи қоф, Боғи Эрам, анқо, Азроил, қакнус, дўзах, беҳишт, ғул каби поэтик образлар ҳам “Минг бир кеча” китобида мавжуддир.

Шарқнинг буюк шоири Алишер Навоий ҳам ўз асарларида халқ оғзаки ижоди жанрларига кўп бора муурожаат қилган. Маълумки, “Алишер Навоий Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти, фалсафаси, илм-фани ва юнон мутафаккирларининг таълимоти, турли диний билимлар ва тасаввуф билан кенг ва муқаммал таниш эди” [4],--деб ёзган эди Н.Маллаев. Шу билан бир қаторда у Шарқ халқлари фольклорини ҳам чуқур ўрганган. Биз бирор манбада Алишер Навоийнинг “Минг бир кеча” китобини ўқиганлиги ва ундан фойдаланганлиги ҳақидаги маълумотни учратмадик. Аммо Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асарида ўша даврдаги машҳур асарлардан “Низом ут-таворих”, “Жомеъут-таворих”, “Девонун-насаб”, “Насихат ул-мулук”, “Одоб ул-араб ва ал-фурс”, “Тарихи Табарий”, “Тузида”, “Мунтахаб” ва Банокатий асарларидан манба сифатида фойдаланганлигини ёзиб қолдирган [5]. Албатта, Навоий ўз замонасида “Зубдат ут-таворих” номли тарихий асар ёзишга бел боғлайди. Аммо бу асар тўла ёзиб тугалланмайди. Бу асарнинг иккинчи қисми Эроннинг исломгача бўлган тарихини ёритиб беради. Бу ҳақда Қ.Эргашев “Тарихи мулуки Ажам” да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик таҳлил” мақоласида батафсил маълумотлар беради [6].

Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида шундай деб ёзади:

“Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,  
“Шохнома”нинг ул навъки лофи кўптур,  
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,  
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур [7].

Навоий “Шохнома”ни чуқур ўрганган, аммо ундаги барча маълумотларни ҳам ҳақиқат деб қабул қилмайди. Бироқ “Шохнома”даги эпик қолиплаш принципидан ижодий фойдаланган. Аслида бу қолиплаш усули ҳинд фольклорида пайдо бўлган ва бошқа халқлар адабиётига ўтган.

“Минг бир кеча”ни дунёга машҳур қилган хусусиятлардан бири- сўз сеҳри, унинг гўзал ташбиҳлари, ҳайратбахш муболағаларидир. Шубҳасиз, Алишер Навоий ҳам бу хусусиятлардан ўз асарларида фойдаланган. Ётиборга молик томони шундаки, Навоий асарларида “Минг бир кеча” китобидаги образлар ҳам айнан учрайти. Шундай образлардан бири Баҳромдир. Шарқ ҳикоячилигидаги қолиплаш усулидан “Минг бир кеча” да ҳам фойдаланилган. Асосий ҳикоят “Шаҳриёр ва Шаҳризод” ҳақида бўлса, Шаҳризод айтиб берган ҳикоятлар ҳикоя ичида сўзлаб берилади. Навоий “Сабъаи сайёр” достонини яратишда бу анъанадан фойдаланади. Асардаги асосий ҳикоят “Баҳром ва Дилором” ҳақидадир. “Баҳром ва Дилором” ҳикоятида асосан етти мусофир ҳикояси берилади. “Минг бир кеча” да ҳикоятларни малика Шаҳризод сўзлайди. Хисрав Дехлавий ҳам бу анънани давом эттиради [8]. “Ҳашт биҳишт” (“Жаннатнинг саккиз боғи”) достонида етти иқлим маликалари Баҳромга эртақ сўзлайди. “Сабъаи сайёр” да эса шоҳ Баҳром етти иқлимдан келган

мусофирлардан хикоят тинглайди. “Минг бир кеча” даги воқеалар Ҳинд, Рум, Миср, Чин, Адан, Шом, Яман, Синд, Ҳижоз, Ҳабаш ўлкаларида содир бўлади, эртақлар қаҳрамони турли миллат вакиллари дуртурклар, эронликлар, араблар, румликлар, яҳудийлар, форслар, ҳиндлар кабилардир. “Сабъаи сайёр” даги воқеалар ҳам Ҳинд, Рум, Миср, Сарандиб (Цейлон), Адан, Хоразм мамлакатларида содир бўлади, турли миллат вакиллари иштирок этади.

Баҳром ҳам Шаҳриёр каби сосонийлар авлодидан эди. “Минг бир кеча”да Шаҳриёр Ҳиндучин ўлкаси подшосининг ўғли сифатида берилади. “Тарихи мулуки Ажам” ни диққат билан ўрганиб чиққанимизда, Баҳром Яздигирднинг, Яздигирд Шаҳриёр ёки Шаҳрамоннинг, Шаҳриёр эса Парвизнинг ўғли деб кўрсатилган. Шеруя отаси Хусрав Парвезни ўлдирганида Ширин Шаҳриёрни бу балолардан омон сақлаб қолганлиги асарда баён этилган. Яздигирднинг 20 йиллик ҳукмронлиги даврида мулк эгасиз қолади. Баҳром эса отаси бузганларни қайтадан тузади ва зулм ўрнига адолат ўрнатди. Бу адолатпарвар шоҳ “Сабъаи сайёр” да тўлалигича талқин этилади. Яман шоҳи Баҳромга шоҳ Нўъмон отабеклик қилади. “Минг бир кеча” да ҳам шоҳ Нўъмон образи бўлиб, у Абдулмалик ибн Марвон халифалиги даврида ҳукмронлик қилади. “Ҳинд, Синд, Чин, Яман, Ҳижоз, Ҳабаш, Шом, Рум, Диёрибақр ва ер юзидаги беҳисоб яйлов ва саҳролар унинг тахти тасарруфида экан” [9]. Иккала асардаги шоҳ Нўъмон тимсоли ҳам етти иқлим подшоси сифатида улуғланади.

“Сабъаи сайёр” даги шоҳ Баҳром тарихий ҳақиқатга яқин, овга ишқибоз, қулон отишни яхши кўрганлиги сабабли Баҳром Гўр номини олган. Энди “Минг бир кеча” даги Баҳром тимсолини таққосласак у “Сабъаи сайёр” даги тарихий Баҳромдан бутунлай фарқ қилади. Тахминимизча, “Минг бир кеча” даги Баҳром образи ўзининг поэтик белгиларига кўра халқ ижодий тафаккуринг илк даврида яратилган. Чунки “Минг бир кеча” даги Баҳром маъжусийлар шоҳи. Асарнинг 217- кечасидаги “Анжад билан Асад” хикоятидаги Баҳром шу тарзда талқин этилган. Офтобпарастлик эътиқодига амал қилган бир қария Асадни ўғирлаб, “Олов байрами келганда тоғ устида сўйиб, оловга қурбон қиламиз” [10],- деб махфий зиндонга қамаб қўяди. Тарихдан маълумки, инсониятнинг илк тараққиёти даврида худоларга атаб инсонлар қурбонлик қилинган. Балки бу эртақдаги илк мотивнинг илдизи қадимиятга бориб тақалади. Исломи динининг кириб келиши билан бундай ваҳшийликларга чек қўйилди. Бир йилгача Асад маъжусийларнинг махфий зиндонидан сақланади. Ҳар куни бир чўри Асадни қонга белаб савалайди ва бир кўвача шўр сув билан битта чавати нон ташлаб кетади. Ҳайит кунлари яқинлашганда маъжусийлар шоҳи Баҳром одатдагидек сафарга отланади. Баҳром маъжусий Асадни сандиққа солиб, кемага чиқади. Кўп қийинчиликларни бошдан кечирган Асад ниҳоят вазир акаси Анжад ёрдамида Баҳром маъжусийдан қутилади ва Анжад Баҳромнинг қизи Бўстонга ўйланади. Баҳром ислом динини қабул қилгач “Неъмат ва Наима” хикоятини сўзлаб беради ва ўлимдан озод этилади. Шунингдек, бу эртақда малика Маржона, Хотам савдогар, Хажжожи золим тимсоллари ҳам мавжуд. Отаси Қамаруззамонга хиёнат қилганликда айбланган Анжад билан Асад хазинабон томонидан ўлдирилиши лозим бўлганда Навоийнинг “Икки вафоли ёр” хикоятидаги ҳолат такрорланади. Бу аҳволни кўрган хазинабон ғамга мубтало бўлиб турганда минг тиллани оти қочиб тўқайга киради. Хазинабон тўқайда шерга ем бўлишига озгина қолганда ака-ука Анжад билан Асад уни қутқариб қолади ва хазинабон уларни озод қилади, ўзга юртларга кетишини илтимос қилади.

Демак, хулоса сифатида шуни айтиш зарурки, “Минг бир кеча” даги Баҳром образи халқ бадиий тафаккурининг дастлабки даврларида яратилган бўлиб, у қадар фаол шоҳ тимсоли сифатида талқин этилмаган. Унинг сюжет тизимидаги сусти фаолияти, характеридаги ибтидоий белгиларнинг етакчилиги, ҳатто маъжусийлар шоҳи сифатида намоён бўлиши Навоий талқинидаги Баҳромдан тубдан фарқ қилади. “Минг бир кеча”даги Баҳром золим, ўзгаларга жабр қилувчи, оташпарастлар шоҳи сифатида талқин этилади. Унинг ислом динини қабул қилгач ўлимдан озод этилиши эртақ ичидаги эртақнинг сюжетида хотима вазифасини ўтайди. Алишер Навоий яратган Баҳром эса даврлар ўтиши билан сайқаллашиб, шоҳ сифатида маълум бир ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлган тимсол даражасига кўтарилди. Навоий Баҳром образини яратишда ўздан олдин ўтган Низомий, Хисрав Дехлавий, Жомий каби салафларининг ижодий анъаналарига риоя қилган. Дастлаб, Баҳром адолатпарвар, юртпарвар шоҳ сифатида талқин қилинса-да, “Сабъаи сайёр” сўнггида у раҳм-шафқатсиз, золим, майга ва овга муккасидан кетган, айш-ишратга берилган, давлат ишларини унутган образ, ёвузлик тимсоли сифатида акс эттирилади. Ниҳоят худо ва табиат томонидан жазоланиб, ботқоққа ғарқ бўлади. Иккала асардаги тасвирланган Баҳром тимсолидаги ўхшашлик шундаки, уларнинг ҳар иккаласи золим подшо сифатида талқин этилади. Фарқли томони шундаки, “Сабъаи сайёр” даги Баҳром дастлаб адолатпарвар шоҳ бўлса, асар сўнггида у шафқатсиз ҳукмдорга, “Минг бир кеча” даги Баҳром эса золим маъжусийлар шоҳидан ислом динини қабул қилган мўмин-мусулмонга айланади. Навоий шундай ёзади:

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,  
Адл бузук мулкни обод этар.  
Кофири одил ани обод этиб,  
Мўмини золим ани барбод этиб...

Навоий золим ва жоҳил подшолар жаҳолат йўлидан қайтиб одил бўлишлари мумкин деб ўйлайди. Агар адолатсизлик қилиб халққа жабр-зулм етказсалар албатта жазога гирифтор бўлишларини таъкидлаб, замонасининг подшоларини халқпарвар ва адолатли бўлишга ундайди. Шоир

ўз асарларида юрт тинчлигини, халқ осойишталигини орзу қилади. Идеаллаштирилган шоҳ Искандар сиймосини яратади. Навоий асарларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, юрт бошлиғи ўз халқининг манфаатларини ҳимоя қилиши ниҳоятда муҳим масаладир. Чунки халқ манфаатлари ҳимояланган юрт иқтисодий ва маънавий жиҳатдан гуллаб-яшнади, юксак даражада тараққий этади. Бу жиҳатдан Навоий ғоялари ҳамон ҳаётбахш эканлигидан далолат беради.

“Минг бир кеча”дай маҳобатли ёдгорликнинг Шарқ адабиётига, хусусан ўзбек адабиётига таъсири ниҳоятда каттадир. Бу асар таъсирида нафақат халқ оғзаки ижоди бойиб борган, балки кўпгина халқларнинг ёзма адабиёти ҳам ривожланиб сайқаллашиб борган.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каскабасов С. Қазықтын халык прозасы. -Алмата. ТЫлым. 1984.-Стр 226
2. Фирдавсий. Шоҳнома. Тошкент, 1975, 8-бет.
3. Жўраев М., Назиркулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. Тошкент, 2006, 93-бет.
4. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Тошкент, 1980, 9-бет.
5. Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. МАТ. 16-том. Тошкент, 2000, 197-бет.
6. Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам” да тарихий ҳақиқат ва афсонавий- романтик талқин.// Ўзбек тили ва адабиёти// 2006, 5-сон.
7. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. МАТ. 16-том. Тошкент, 2000, 112-бет.
8. Имомназаров М. Саккиз само гулбоғлари. Тўққиз само юлдузлари. Тошкент, 1989, 208-бет.
9. Минг бир кеча. Подшоҳ Умар ибн Нўъмон, унинг Шаррикон ва Зуулмакон номли ўғиллари ҳикояси. 2-жилд. Тошкент, 1960, 2-бет.
10. Минг бир кеча. Анжад билан Асад. 3-жилд. Тошкент, 1960, 225-бет.

УЎК: 82.0

### ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА ВАЗИФАДОШ СЕҲРЛИ ПРЕДМЕТЛАР ОБРАЗИ

*Н. Джумаева, катта ўқитувчи, Бухоро Давлат университети, Бухоро*

**Аннотация.** Сеҳрли предметларнинг эртақлардаги иштироки сеҳрли фантастик эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги вазифадош сеҳрли предметлар ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** фольклор, сеҳрли-фантастик эртақлар, сеҳрли предметлар, сеҳрли қилич, сеҳрли узук, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли мевалар, сеҳрли ўсимликлар, сеҳрли ҳайвонлар, сеҳрли тўн

**Аннотация.** Привлечение магических предметов в сказках играет важную роль в определении природы волшебных сказок. В этой статье обсуждаются магические предметы, которые используются в одинаковых функциях в английских и узбекских народных сказках.

**Ключевые слова:** фольклор, волшебные сказки, волшебные предметы, волшебный меч, волшебное кольцо, волшебная шапка, волшебные фрукты, волшебные растения, волшебные животные, волшебное пальто

**Abstract.** The existence of magic items in fairy tales plays an important role in defining the nature of fairy tales. This article discusses magic items that are used in similar functions in both English and Uzbek fairy tales.

**Key words:** folklore, fairy tales, magic items, magic sword, magic ring, magic cap, magic fruits, magic plants, magic animals, magic coat

Сеҳрли фантастик эртақлар эртақларнинг алоҳида турини ташкил қилади. Хусусан, сеҳрли предметларнинг иштироки бундай эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ғаройиб хусусиятли предметлар қаторига сеҳрли узук, очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, учар гилам, кийса кўринмас ҳолга эврилтирадиган қалпоқ ёки тўн, еса ёшартирадиган ёки соғайтирадиган, ҳатто ўлдириши мумкин бўлган олма, сеҳрли қилич ва ҳоказоларни мисол қилиш мумкин. Қизиғи шундаки, номи кўрсатилган бундай ғаройиб предметларни турли тизимли тилларда яратилган, ер юзининг турли ҳудудларида яшайдиган инглиз ва ўзбек эртақларида кўпинча вазифадош ҳолатларда кузатиш мумкин. Айниқса, қилич, узук, ур тўқмоқ, қалпоқ кабилар шулар жумласидандир. Бу предметлар инглиз ва ўзбек эртақларида тўлиқ вазифадошлик ҳосил қилса, юқорида номи кўрсатилган сеҳрли предметлардан айримлари инглиз ва ўзбек халқлари эртақларида уларнинг миллий менталитетидан келиб чиққан ҳолда учраши ва қўлланилиши кузатилади. Масалан, ўзбек халқида очил дастурхон образи очиб ёйилганда кўз очиб юмгунча турфа мазали таомларни ўзида муҳайё қилса, инглизларда бу хусусиятни сеҳрли стол ўзида намоён этади. Кўринадик, очил дастурхон ва сеҳрли стол эртақларда бир хил вазифада талқин қилинаётган эса-да, уларнинг шакли, номи турличадир.

Зотан, инглиз тилида *дастурхон* сўзи мавжуд эмас. Бу тилда дастурхон сўзи ўрнида скатерть (table cloth) сўзи ишлатилади. Чунки дастурхон ва скатерть овқатланишда ёйиладиган ва устига егулик ҳамда ичимликлар қўйиладиган турли предметлар ҳисобланади. Шунинг учун кўпинча инглиз тилидан ўзбек тилига ёки аксинча, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима жараёнида бу сўзларнинг бирини иккинчисининг ўрнида қўлайдилар. Аслида улар шакли, тайёрланиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Айтайлик, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “дастурхон” сўзи учун қуйидаги изоҳ келтирилган:



Овқат қўйиладиган мато; унга қўйиладиган таомлар.

1. Ўртага ёзиб устига овқат қўйиладиган махсус мато, рўзгор буюми.[1]

“Table cloth” сўзи инглиз тили изоҳли луғатида қуйидагича изоҳланган:

A cloth for covering a table, especially at meals.[2]

Кўринадики, луғатда бу сўзга “асосан овқат вақтида стол устига ёйиладиган мато” деб таъриф берилган.

Изоҳлардан маълум бўладики, “дастурхон” ва “table cloth” сўзлари фақат вазифаси нуқтан назаридан яқиндир, холос.

Шуларни инобатга олиб, тадқиқотчи Р. Қосимова “дастурхон” сўзини ўзбек тилидаги этнографизмлардан бири сифатида қараб, унинг инглиз тилидаги *table cloth* сўзига тўлиқ мувофиқ кела олмаслигини таъкидлаб ўтади [3]. Бироқ инглиз ва ўзбек тилларида ўхшаш номли ва вазифадош сеҳрли предметлар иштирокини кўплаб кузатиш мумкин. Жумладан, сеҳрли қилич образи шулардан биридир. Ўзбек эртақларида сеҳрли қилич кўпинча бир силтаганда 40 газга чўзилиши айтилиши билан унинг сеҳрли эканлигига урғу қаратилади ёхуд қаҳрамон жони унинг сеҳрли қиличида туриши айтилади. Инглиз эртақ ва афсоналарида ҳам сеҳрли қилич ёвуз душманларни маҳв этишда қаҳрамоннинг яқин кўмакчиси сифатида талқин қилинган. Инглиз фольклорига сеҳрли хусусиятларга эга қурооллар образи алоҳида эътиборни тортади. Улардан энг машҳури бу – сеҳрли қилич. Тўғри, у қиличдан фойдаланиб келган ҳар бир халқнинг фольклорига учрайди. Аммо қиёсланаётган халқлар фольклорига сеҳрли қилич образининг қадимги анимистик, магик ва фетишистик қарашлар асосида бир эмас, бир неча бадий вазифаларда талқин этилгани кўзга ташланадики, шуниси билан улар ўзига хослик касб этади. Айтайлик, инглиз фольклорига шох Артур ҳақида яратилган афсона ва эртақларнинг сюжетида жанг манзаралари кенг ўрин тутганлиги боис уларда ўша давр учун асосий жанг қуроолларидан ҳисобланган қилич образи марказий ўрин эгаллайди.

Артурни эпик тимсол даражасида тасвирлаш учун, хусусиятларини бўрттириш, идеаллаштириш мақсадида унга тегишли қилич – жанг қуроли сеҳрли тарзда акс эттирилади. Бошланишида Артурнинг қиличи тошга суқилган бўлади. Уни фақат Артургина тошдан суғуриб ола билади ва сеҳрли қиличнинг эгасига айланади. Бу билан жанг қуроли руҳан ўз эгасининг руҳи билан боғлиқ бўлиши тўғрисидаги қадимий анимистик қарашларга ишора сезилади. Бундай қараш излари ўзбек халқининг “Қиличботир”, “Қиличқора” сингари сеҳрли-фантастик эртақларида, “Алпомиш” достони сюжетида ҳам мужассамдир. Ўзбек қаҳрамонлик эпосининг энг қадимий ва мукамал намунаси бўлмиш “Алпомиш” достонида бош қаҳрамон Ҳакимбек бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонли ёй ёрдамида Алпомиш номини олади. Бу ёйни фақат Алпомишигина кўтара оларди.

Артурнинг ўзига ҳеч ким тош орасидан суғуриб ололмаган қилични тортиб олиши, Алпомишнинг эса бобосидан қолган ва ҳар ким кўтара олмайдиган ўн тўрт ботмонли парли ёйни ердан даст кўтариши, шунингдек, Гомернинг “Одиссея” достонида ҳам Одиссейнинг ҳеч ким қўлига олиш учун кучи етмаган ёйни кўтариши каби эпик сюжетлар замида қадимги инсонларнинг жанг қуроолларининг ўз эгаси бўлиши, уларнинг руҳан бир-бирига боғланиши ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган.

Артурнинг қиличи тасвирланган айрим афсона вариантларида бу қиличнинг синиши ва Артур “Lady of the Lake”дан янги Экскалибур (Excalibur) қиличини олиши айтилади. Баъзан яна Экскалибур – бу ўша тошдаги қилич деб ҳам таъкидланади. Қилич ва унинг қини ўз эгасини ҳамшиша жисмоний зарардан ҳимоя қилиши тасвирланади.

Артур афсоналарининг баъзи вариантларига қараганда, Артурга тегишли бешта сеҳрли қуроол бўлгани таъкидланади. Булар:

1) Excalibur – Қирол Артурнинг сеҳрли жанг қиличи;

2) Clarent – Қирол Артурнинг тинчлик қиличи (у “the Coward's Blade” деб ҳам номланади. Бу қилични кейинчалик Мордред ўғирлайди ва шу билан Артурни ўлдиради);

3) Carnwennan – Қирол Артурнинг ханжари;

4) Rhongomiant – Қирол Артурнинг найзаси;

5) Caliburn – Артур тошдан тортиб олган қилич.

Инглиз фольклорининг яна бир нодир дурдоналаридан бўлган “Beowulf” эпосида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Бу қилич “Hrunting” деб номланади. Унинг ёрдамида Беовульф Гренделнинг онасини курашда енгади.

“Молли Вуппи” номли яна бир инглиз халқ эртагида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Бу қилич бир девга тегишли бўлади. У девнинг куч-қудрати учта нарсада – қилич, ҳамён ва узукда мужассамлашган экан. Шунинг учун дев агар уларнинг бирортасидан айрилгудек бўлса, куч-қудратига ҳам зарар етарди. Бу мотив бевосита ўзбек халқининг “Қиличқора” ва “Қиличботир” эртақларида қаҳрамоннинг жони унинг қиличи билан боғлиқлиги мотивига ўхшашлиги билан эътиборни тортади.

“Молли Вуппи” эртагида девга тегишли сеҳрли қилич билан боғлиқ шундай парча учрайди: “The king said: “Well, Molly you are a clever girl, and you have managed well, but if you would manage better and go back and steal the giant`s sword that hangs on the back of his bed, I would give your eldest sister my eldest son to marry.”[4]

Таржимаси: Қирол шундай деди: “Яхши, Молли сен ақлли қизсан ва сен уддаладинг, лекин сен бундан ҳам яхшироқ ҳаракат қилсанг ва девнинг кровати орқасида турган қиличини ўғирлаб келсанг, тўнғич ўғлимни тўнғич опангга уйлантираман”.

Шу гапдан сўнг Молли Вуппи девдан қилични тортиб олишга муяссар бўлади. Умуман айтганда, ўзбек фольклорида ҳам пичоқ, ханжар, қилич, шамшир, ўқ-ёй, қайчи, болта сингари ғаройиб хусусиятли тигли предметлар образи ўзига хос ўрин тутлади. Айтайлик, “Қилич ботир” ва “Қиличқора” эртақларининг ҳар иккаласида бош қаҳрамонларнинг жони уларга тегишли қиличда бўлиши, душман шу қилични қўлга киритиш орқали уларни енгилга ҳаракат қилиши ҳикоя қилинади. Айнан мана шу мотивни инглиз халқ эртаги “Молли Вуппи”да кўриш мумкин.

“Jack the giant killer” (“Жек девлар кушандаси”) номли инглиз халқ эртагида ҳам сеҳрли қилич образи учрайди. Жек икки бошли девларни ўз сеҳрли қиличи билан жангда маҳв этади. Эртақда бу қиличга “sword of sharpness”, яъни “ўткирлик қиличи” дея таъриф берилган. Чунки у ўткирликда тенги йўқ бўлиб, ҳар қандай душманни енга олган.

“Чайлд Роланд” эртагида ғаройиб предмет сифатида гавдалантирилган қилич бош қаҳрамоннинг отасидан ёдгорлик ҳисобланади. Уни қаҳрамоннинг қўлига онаси тутқазар экан, аввал дуо-афсун ўқийди (сеҳрли сўз айтади). Бу ҳам қиличнинг сеҳрлилиқ кучини янада оширади. Қиличнинг муҳим сирли хусусияти шунда эдики, у ўз эгасини доим ғалабага олиб борарди ва уни қўлига олиб курашган киши ҳеч қачон енгилмасди. Бу сеҳрли қилич ёрдамида Чайлд Роланд Элфланд кироли билан курашади ва уни енгиб, сингилсини қутқаради.

“St. George of Merry England” эртагида эса қаҳрамон теккан нарсасини кесишга қодир Аскалон номли сеҳрли қиличи ёрдамида Миср маликаси Сабияни тутқунликда тутиб турган баҳайбат аждарҳони енгади ва қизни қутқаради. Бу қилични у ёвуз сеҳргардан олган бўлади [5].

1. Креативные игры для языкового класса Ли Суким, (Форум), том 33, № 1, январь-март 1995 г.
2. Игры для изучения языка (второе издание), авторы: Эндрю Райт, Дэвид Беттеридж и Майкл Бакби, Издательство Кембриджского университета, 1984.
3. Хан, J.1996, Использование игр в обучении английскому языку молодых учеников - Обучение английскому языку детей, от практики к принципу, Англия, Лонгман.
4. Шесть игр для классов EFL / ESL, Айдан Эрсоз, Интернет-журнал TESL, Том VI, №, 6 июня 2000 г.
5. Универсальный магазин. Журнал для учителей английского языка. Статья: Обучение английскому с помощью игр.
6. Роль словесных игр в овладении вторым языком: педагогика второго языка, мотивация и игровые задания. Автор: Охеда, Фернандо Артаро, докторская диссертация, Университет Флориды, 2004.
7. Использование игр в классе EFL для детей. Автор: Инь Ён Мэй и Чан Юйцзин, исследовательский доклад EIT Университета Тэджин, осень 2000 г.
8. Аведон М.Э. и Б.С. Браун. 1971. Обучение через игры. Изучение игр. Нью-Йорк: John Wiley & Sons, Inc: стр 315-321.

УЎҚ 81-13

### ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МУРОЖААТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*М.Т. Қодирова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Бу мақола мурожаат бирликларининг ижтимоий, прагматик ва этник хусусиятларини тадқиқига бағишланган. Унда мурожаат бирликларининг инглиз ва ўзбек тиллари мисолида ўхшаш, фарқлиши ҳамда қўлланилиши муаммолари ҳақида маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** мурожаат бирликлари, текноним, этник хусусият, эфемик мурожаатлар, куч ва бирдамлик, адресант, адресат

**Аннотация.** Эта статья посвящена изучению социальных, прагматических и этнических характеристик единиц обращения. В статье предоставляется информация о сходствах, различиях и проблемах использования единиц обращения на английском и узбекском языках.

**Ключевые слова:** единицы обращения, текноним, этнические характеристики, эфемические обращения, сила и солидарность, адресант, адресат

**Abstract.** This article is devoted to the study of the social, pragmatic and ethnic characteristics of addressing units. It provides information on the problems of similarity, differentiation and usages of addressing units in the English and Uzbek languages.

**Key words:** addressing units, teknonym, ethnic feature, euphemistic addresses, power and solidarity, addresser, addressee

Дунё мамлакатларининг кун сайин эришяётган сиёсий-маданий, ижтимоий-иқтисодий каби соҳалардаги муваффақиятлари, инсоният онги ва тафаккурини янада ошиб боришига омил бўлмоқда. Бу албатта инсоннинг нутқий фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кун суҳбатдоши билан нутқий мулоқот ўрнатиш, сўзловчидан маълум даражада билим талаб қилади, яъни ундан нутқиди қўллайдиган тил бирликларини суҳбатдошнинг ижтимоий, психологик, гендер, маданий, этник ва биологик каби кўплаб хусусиятларига хос ҳолда танлашини тақозо этмоқда. Бунинг исботини

кундалик нутқимизда тез-тез ишлатиладиган “оддийгина” мурожаат бирликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мурожаат бирликлари мурожаат қилишда қўлланадиган сўзлар, сўз бирикмалари ёки гаплардир. Улар юзаки қаралганда оддий чақирик ёки ундашдек кўринади, лекин нутқий жараёнда кўп функцияли мураккаб тил бирлигидир. Улар суҳбатдош томонидан мулоқотни бошлаш, давом эттириш ёки якунлаш, тингловчини баҳолаш каби бир қанча функцияларни амалга оширилишида керакли воситалардан саналади. Тилшунос Жорж Юл фикрича, мурожаат бирликлари нафақат шахс билан юзма-юз гаплашиш, шунингдек ёзма мулоқот ўрнатишда ҳам муҳим саналадиган сўз ёки иборадир [5].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мурожаат бирликлари тилни психологик, социологик ҳамда прагматик жиҳатдан чуқур ўрганиш учун асосий манбалардан биридир. Шу сабабли уни тадқиқ қилиш қадимдан олимлар диққат марказида бўлган. Буюк мутафаккирларимиздан Аристотель, Цицерон, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби алломалар ўз асарларида мурожаат шакллари ва уларнинг нутқдаги аҳамияти ҳақида кўплаб сўз юритганлар. Масалан, Абу Али ибн Сино жамиятнинг барқарор туришини ўзаро мулоқот билан боғлар экан, унда кишилар бир-бирига мурожаат қилишга ҳам муҳтож эканликларини кўрсатади [3;58]. Мурожаат бирликларининг тадқиқи борасида, тилшунослар Рожер Браун ва Альберт Гильманларнинг 1960 йилда олиб борган илмий ишини ҳам айтиб ўтиш аҳамиятга моликдир [4;253-76]. Улар иккинчи шахс олмошларини мурожаат бирликлари сифатида ишлатилиши юзасидан илмий изланиш олиб боришган. Браун ва Гильман ўз тадқиқотида инглиз, француз, немис, итальян, испан каби Европа тилларининг кишилиқ олмошларини таҳлил қилишиб, уларнинг икки семантик маъно бўйича нутқда ишлатилишини очиб беришди ҳамда олмошларнинг бу хусусиятиларини “power and solidarity” (куч ва бирдамлик) деб номлашди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам илмий изланишларини мурожаат бирликларини ўрганишга бағишлаган бир нечта олимларимиз мавжуд. Жумладан, С.М.Мўминов, З.А.Акбарова, Ш.Искандарова, Н.Ш. Аҳмедовалар. Тадқиқотчи З.А.Акбарова мурожаат бирликларининг психоллингвистик хусусиятлари ҳақида шундай тўхтамга келади, мурожаат жараёни икки босқичли бўлиб, биринчи-абстракт босқич сўзловчи онгида кечади ва у кузатиш учун очиқ эмас. Иккинчи босқич конкрет бўлиб, мурожаат айнан тингловчига йўналиш ҳолати акс этади [1;18].

Нутқий фаолиятимизда мурожаат бирликларидан фойдаланишнинг 3 та асосий сабаблари бор: **биринчидан**, шахсларнинг (адресатлар) эътиборини тортиш. Бунда мурожаат бирликлари адресатнинг профессионал мақомини ёки мулоқотга киришмоқчи бўлган шахс (адресант) билан ўртасидаги бирор боғлиқликни ифодаловчи белгиларни англатади. Масалан, - *How are you, my dear? said Albert cheerfully, ..* (S. Maughm, The Creative Impulse); - *Ойи, бормисиз?* (Чўлпон, Кеча ва кундуз). **Иккинчидан**, адресант хушмуомала муносабатини ифода этишида. Бу мақсадда сўзловчи мурожаат мулоқотчилар орасидаги ижтимоий синфнинг фарқини кўрсатиш ёки маълум шароитдаги ҳурмат даражасини ифодалаш учун қўллайди. Масалан: - *My noble uncle, do you know the cause?* (W. Shakespeare, Romeo and Juliet); - *Қўрғонда мардлар қолмаган бўлса, мана, биз келдик, бегим!* (П.Қодиров, Юлдузли тунлар). **Учинчидан**, адресант адресат билан жинси, ёши, мақоми тенгқурлигини билдириш ёки нутқий мулоқотдаги суҳбатдошларнинг мураккаб ижтимоий муносабатларини ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Масалан, - *Well, we'll have to wait here, boys, until someone does. ..* (T. Dreiser, Sister Carrie); - *Ажабланмангиз, ўртоқ!- деди. Бекнинг мундан кейинги соғлиги сизнинг ихтиёрингизда ...* (А. Қодирий, Ўтган кунлар).

Маълумки, турли тизимли тил вакиллариининг мулоқоти мобайнида бир қанча муаммолар юзага чиқади, чунки уларнинг нафақат тили, келиб чиқиши ва шаклланиш тарихи, ирқий тузилиши, хўжалик фаолияти ва моддий маданияти, ижтимоий-оилавий тузуми ҳамда маънавий ҳаёти фарқ қилади. Шу боис, олимлар тилшунослиқда бу сингари муаммоларни бартараф этиш учун изланишларида албатта тилнинг **этник хусусиятларига** катта эътибор қаратишади. Жумладан, биз ҳам мурожаат бирликларининг тадқиқида уларнинг этник хусусиятларини ўрганиш долзарб деб ҳисоблаймиз. Даставвал, “**этник**” тушунчасини ойдинлаштириш мақсадида, ўзбек тили изоҳли луғатидан **этник** сўзига берилган таърифни келтирмоқчимиз: *Этник* *юнонча “ethnikos” сўзидан олинган бўлиб, “қабиллага, халққа алоқадор” деган маънони беради* [6; 61]. Демак, мурожаат бирликларининг этник ифодаланиши маълум тил соҳибларининг ўзига хос қўллайдиган мурожаат сўзларидир.

Ўзбек халқида оилага бўлган ҳурмат жуда каттадир. Эр-хотин бир-бирига мурожаат қилишда **фарзанд номларидан** ёки **ундов сўзлардан**(эй, ҳов, ҳей ва х.о.), **тектоним** (Англо-русский словарь общей лексики. – АБВҮҮ, 2011)лардан (бошқа шахсга тегишли эканлигини таъкидлаш. Мас., Элдорнинг дадаси.) каби воситалардан фойдаланишади, сабаби эр-хотин тўғридан-тўғри исм билан мурожаат қилиши ҳурматсизлик ҳисобланади: Қутидор хотинига Кумуш (қизининг исми) деб мурожаат қилмоқда: - *Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш, - деди турар экан, қутидор Офтоб ойимга, - бу кун бир меҳмон айтган эдим* (А. Қодирий, Ўтган кунлар). Тилшунос А. Омонтурдиев бу каби воситаларга эвфемик мурожаатлар деб ном берди [2;33]. Нутқий мулоқотда эвфемик мурожаат қўлланиши шарқ маданиятига, жумладан ўзбек нутқий этикетига хосдир.

Инглиз расмий мурожаат бирликлари, чунончи: Mr., Mrs., Ms., Miss, Ma'am, Sir кабилар қўлланилиш борасида ўзбек тили мурожаатларидан кескин фарқ қилади, чунки улар нутқда ижтимоий

мақоми, жинси, ёши кабиларни ифодалаш орқали этник хусусиятига эга. Масалан, **Mr.** мурожаат бирлигини таҳлил қилсак, **Mr.** – **mister** сўзининг қисқартма шакли бўлиб, у **master** сўзидан 1447 йили олинган (Oxford English Dictionary, 1933) ва шундан буён ишлатилиб келинмоқда. Mr. одатда фамилия билан ишлатилади ва ўсмир ёки ёши катта шахс эканлигини ифодалаш мақсадида мурожаат қилинади. Масалан: Mr. Brown. Ўзбек халқи орасида бир-бирига мурожаат қилишда айнан унга мос ягона мурожаат шакли мавжуд эмас. Сабаби, ўзбек тилида исм + фамилия, исм + отасининг исми, фамилия ёлғиз (Эркин Солижонович, Элдор Қодиров, Қодиров) мурожаат қилиш русмга айланган. Инглиз мурожаат шаклларида **Mrs.** **Miss**лар ҳам этник хусусиятга эга, чунки **Mrs.**- турмушга чиққан аёлларга, **Miss** - турмушга чиқмаган қизларга нисбатан ишлатилади. Ўзбек тилида мурожаат жараёнида хотин-қизларнинг бу каби ижтимоий томонлари таъкидланмайди.

Бу каби фарқланишлар нафақат оғзаки, балки ёзма нутқда ҳам муаммоларга сабаб бўлади. Масалан, Инглиз тилидан ўзбек тилига **Mister (Mr.)**, **sir** мурожаат бирликлари баъзан **жаноб**, **Mistress (Mrs.)**, **Miss** каби мурожаатлари эса **хоним** деб таржима қилинади ёки бугунги кунда кўп ҳолларда бу каби мурожаатларни таржима қилмасдан транслитерация [9;111] қилиш расм бўлган: “*Is this Mr. Titus Alden?*” “*Yes, sir, that’s my name.*” (T.Dreiser. *An American Tragedy*. P.27.) – **Мустер Тайтус Олден сиз бўласизми?** – **Ҳа, сэр, менман.** (Т.Драйзер. *Америка Фожуаси*. Б.106.). **Mrs** ва **Miss** мурожаатлари ўзбек тилига бир тарзда **хоним** деб таржима қилинади, лекин инглиз тилида улар ўртасида кескин фарқ (**Mrs.**- оилали аёл, **Miss**- турмушга чиқмаган қиз) мавжуд. Агар бу иккала сўзни бир хил “**хоним**” тарзида таржима қилинса ўрганувчи улар орасидаги ижтимоий фарқни сезмай қолади, бу эса кейинчалик у инглиз тилида мулоқот олиб бориш жараёнида хатоликларга йўл қўйишига сабаб бўлади. Яна шу сингари мисоллардан бири: “*Say, mister, can you give me a quarter to get a bed? were the words.*” (P.355.) гапни ўзбек тилига “- **Бегим, 25 цент ҳада қилинг! Тунаш учун пулим йўқ, - деди у.**” (Б.417.) Бу гапда мурожаат шакли мутлақо хато таржима қилинган, чунки **mister** сўзи аслият ҳолида **мустер** ёки бўлмаса **жаноб** тарзида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, “**бегим**” мурожаати инглиз халқига хос бўлмай, “туркий халқларда феодализм даврида шаҳар ёки вилоят ҳокимларига берилган унвон”дир [7;97]. Бу каби камчиликларни таржима асарларида учратиб туришимиз мумкин, бу эса китобхонга асар моҳиятини тўлақонли тушинишига ҳалақит беради. Агар этник хусусиятга эга бўлган мурожаат бирликларини таржима қилмасдан транслитерация қилиш усулидан фойдаланилса, ўрганувчиларга ўша миллатнинг маданияти, этник урф-одати ҳақида маълумот олишига имкон беради.

Уқоридаги келтирилган фикр ва таҳлиллار ҳулосаси сифатида қуйидаги жадвални тақдим этамиз:



Демак, инглиз ва ўзбек тилларининг мурожаат бирликлари юзаки қаралганда содда кўринсада, тилнинг мураккаб тил бирлигидир. Бу тилларни ўрганувчилар уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини тадқиқ қилиши нутқдаги юзага чиқадиغان муаммоларни олдини олишга ёрдам беради. Инглиз тили мурожаат бирликлари хушмуомалалик тамойилларига асослансада, ўзбек тили мурожаатларида (эвфемик мурожаатлар қўллаш) кўпроқ сезилади. Ҳар иккала тил мурожаатлари этник хусусиятларга эга бўлиб, сўзловчи нутқида ёки таржимон таржимада албатта эътиборга олиши зарур.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Акбарова З. А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи.: Филолог.фанлари номзоди ... дис.автореф. Т., 2007. – 21 б.
2. Омонтурдиев А.Ж. Тилда мурожаат воситалари. Мулоқот, Тошкент. 2003 й. №1. Б.33
3. Фалсафа курсининг айрим масалалари (ўқув-методик ёрдам). – Фарғона:1996. – Б. 58.
4. Brown, Roger and A. Gilman, 1960. The Pronouns of Power and Solidarity. In *Style in Language*. T. A. Sebeok (ed.). New York: Wiley, pp.253-76.
5. Yule G. 2006. *The study of language*. UK: Cambridge University Press (3<sup>rd</sup> Ed.).
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. V жилд. - 592 бет.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. – М.: Рус тили. 1981.
8. Oxford English Dictionary. Oxford, England: University Press, 1933.

9. Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002-168 б.

10. LingvoUniversal (En-Ru) (к версии АBBYY Lingvo× 5). Англо-русский словарь общей лексики. – АBBYY, 2011.

УЎК 81-13

**ЛИНГВИСТИК ПРАГМАТИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**  
*С.М. Қурбонова, ф.ф.б.ф.д., Фарғона давлат университети, Фарғона*

**Аннотация.** Мақолада лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари парадигмаси ҳақида илмий қарашлар баён қилинган.

**Калим сўзлар:** лингвистик прагматика, хусусий масала, парадигма, лингвистик восита, нутқ субъекти, шахс хусусиятлари

**Аннотация.** В статье даны научные воззрения о парадигме лингвистической прагматики.

**Ключевые слова:** лингвистическая прагматика, особенность, лингвистическое средство, субъект речи, свойство личности

**Abstract.** The scientific views on the paradigm of linguistic pragmatics are given in the article.

**Key words:** linguistic paradigm, peculiarity linguistic means, speech subject, features of a person

Тил масалалари таҳлилига прагматик ёндашувнинг майдонга келиши ва ўрганилиши фаннинг янги тараққиёт босқичига қадам қўйганлигини белгилайди. Прагматик ёндашувнинг бошқа таҳлил усуллари билан фарқи шундаки, унда хусусийликдан – умумийликка тамоёйили билан бирга умумийликдан – хусусийликка механизми ҳам иш беради. Яъни жонли нутқда алоҳида ажратилган жиҳатлар тилнинг умумий қоидаларини белгилашга асос бўлгани ҳолда улардан фойдаланишда доимо хусусийлик белгиси – тил имкониятлари асосида шаклланган нутқ ўрганилади. Бу эса тилшуносликда тадқиқотлар учун янги бир майдонни вужудга келтирадики, унда муайян тилнинг имконият даражаси луғат таркиби ва грамматик қоидалар ҳолатида эмас, балки реал мулоқот вазияти асосида ўрганилади. Бунда “шахснинг лисоний имкониятдан амалий фойдаланиши сўзловчи ҳамда тингловчи хусусияти, нутқ мақсади, нутқ турлари, шакли, нутқий стратегия ва тактика каби қатор нолисоний омиллар билан яхлитликда намоён бўлади” [1]. Айтиш мумкинки, тилшуносликнинг прагматикадан бошқа соҳаларида бу имконият кузатилмайди: семантика ва синтактика фанга катта ютуқлар бергани ҳолда уларда ўрганилган масалалар фақат лисоний белги ва унинг имкониятлари доираси билан чегараланади. Ваҳоланки, ўта мураккаб жараён ҳисобланган мулоқот ва унинг тўлақонли тадқиқига эришишда масалалар кўлами чегаралаб қўйилган бундай ёндашувлар талабга етарли жавоб бера олмаслиги аён бўлади. Прагматика эса тилдаги лисоний бирликлар ва уларнинг имкониятлари билан бирга мулоқот жараёнини, нутқ вазияти ҳамда уни англаш билан боғлиқ нолисоний омилларни ҳам ўргана олади, уларни сўзловчи ва тингловчи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баҳолай олади.

Ўзбек тилшунослигида прагматика соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган тилшунос олим М.Ҳақимов лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари нутқ субъекти, нутқ объекти ва нутқ вазияти билан боғлиқ равишда юзага келиши ҳақида ўз илмий мушоҳадаларини баён қилар экан, энциклопедик луғат манбаларига таянган ҳолда мазкур масалаларни асосий тўртта гуруҳга ажратади. Манбада лингвистик прагматика 1) нутқ субъекти билан боғлиқ бўлган хусусий масалаларни; 2) нутқ адресати билан боғлиқ хусусий масалаларни; 3) коммуникация иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ масалаларни; 4) аралашув вазияти билан боғлиқ равишда дейктик белгилар интерпретациясини ўрганиши таъкидланади [2; 21-23].

Айтиш мумкинки, прагматика тилшуносликнинг янги ривожланиб келаётган соҳаларидан бири бўлганлиги сабабли унинг ўрганиш масалаларининг юқорида келтирилгани каби илмий парадигмасини шакллантириш катта ижобий қадам бўлди. Айниқса, соҳа масалалари таркибини тартиблаш прагматик лингвистика соҳаси ҳақида илмий тасаввурларини шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга соҳа масалаларини кенгрок планда ўрганиш, мазкур таснифни янада мукамаллаштириш, унда лингвистик аспект белгиларини янада чуқуррок ёритиш зарурати пайдо бўладики, нутқ, яъни ўзаро муносабатларда тил воситаларидан фойдаланиш ҳолати ёритилган тақдирдагина илмий тадқиқотлар лингвистика фани қамровига даҳлдор бўлади. Шу маънода нутқ субъекти билан боғлиқ лингвистик прагматика масалалари нутқда шахс хусусиятларининг намоён бўлиш ҳолатлари билан чамбарчас боғланади. Бунда нутқ субъекти сифатида қаралган шахсга хос хусусиятларни катта икки аспектга ажратиш мумкин бўлади: 1. Шахс нутқининг шаклланиши учун муайян имкониятлар яратган тил ресурслари. 2. Нутқ субъекти бўлган шахснинг тил ресурсларидан фойдаланишдаги ўзига хос белгилари.

Ҳар бир нутқ субъекти бирор тилда мулоқотга киришар экан, у мазкур тилнинг умумий ифода имкониятлари (вербал, новербал шакллар) дан фойдаланади ва улар орқали ўз қиёфасини намоён этади. Бунда лингвистик, паралингвистик, экстралингвистик воситалар ва уларнинг англаган мазмуни нутқ субъекти олдида имконият сифатида намоён бўлса, унинг феъл-атвори, темперамент, характер хусусиятлари таъсирида нутқ шаклининг воқеланиши жараёни хосил қилади. Айтиб ўтиш мумкинки, бу жараён ниҳоятда узок муддатни ўз ичига олиб, инсон ўз ақлини таниган даврдан бошлаб бутун умри

давомида узлуксиз равишда шаклланиб боради. Бунда замон ва макон омили ўта муҳим саналиб, муносабатларда ижтимоий таъсирнинг ўрни каттадир.

Тилнинг имконият, нутқнинг жараён эканлиги бугунги кунда тилшуносликда янгилик эмас. Аммо бу ҳали масала тўла ўрганилган деган гап эмас. Умумий тилшунослик доирасида тил ва нутқ моҳиятини англаш учун айтилган бу фикр прагмалингвистика йўналишида туркум масалаларнинг тадқиқига дебоча бўлади. Шу икки аспект етарли даражада фарқлангандагина прагмалингвистика масалаларига тўлақонли ечим топиш мумкин бўлади.

Бир қарашда тил ва нутқ дихотомиясини ёдга солувчи бу бўлиниш аслида прагмалингвистик нуқтаи назаридан баҳоланганда, нисбатан фарқли кўриниш намоён этади. Жумладан, тил сатҳлари бўйича тасниф қилинганда актуаллиги юқори бўлган бирликлар бу ўринда пассивлашади, аксинча, актуаллиги унча юқори бўлмаган бирликлар аҳамияти кучаяди. Масалан, фонетик сатҳ бирлиги сифатида саналишга ҳам иккиланишлар остида турган интонация прагмалингвистикада фонетик сатҳнинг энг муҳим бирлигига айланади. Ёки лексик сатҳда юқори актуалликка эга бўлган номинатив бирликлар прагмалингвистик таҳлилларда нейтрал баҳо касб этади.

Бу тафовутлар сабабини тадқиқот объектига нисбатан ёндашувнинг ўзгарганлиги – прагмалингвистик характер касб этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак, прагматика тилшуносликни асл моҳияти очилишига йўл очади. Баъзи тилшунослар прагматика кўп уринишлар эвазига мантиқшунослик таркибидан ажралиб чиққан тилшуносликни яна умумий тафаккур масалалари билан боғлаётганлиги, улар таркибига киритаётганлиги асосида уни салбий баҳолайдилар. Аммо прагматика тилшуносликда чин маънодаги мулоқот атмосферасини яратади, прагматика ўз номи билан ҳаракатдир. Бу жиҳат билан прагматика ўзига ёндош бўлган соҳалар семантика ва синтактикадан устунлик қилади, зарур ўринларда уларни бошқаради, ўзига бўйсундиради. Унинг мукамал парадигмасини яратиш, тилнинг семантика ва синтактика соҳаси бирликларини прагматик ёндашувлар асосида қайта тадқиқ этиш бугунги кунда прагмалингвистлар олдида турган энг муҳим масала саналади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Менглиев Б. Тилда имконият ва воқелик муштарақлиги // Маърифат. 2013 йил 15 май.
2. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013.

#### УЎК 81-13

### ЭЛИЗАБЕТ ГАСКЕЛЛ ИЖОДИДА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК РОМАН ХУСУСИЯТЛАРИ

*Х. Мухаммедова, катта ўқитувчи, PhD, ЎзДЖТУ, Тошкент*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада инглиз адабиёти викториан даври адибаси Элизабет Гаскелл ижоди мисолида ижтимоий психологик роман хусусиятлари таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** *викториан даври, инглиз адабиёти, роман жанри, ижтимоий психологик роман, тип, хусусият*

**Аннотация.** *В данной статье рассматриваются особенности социального психологического романа в творчестве Элизабет Гаскелл английской литературы викторианской эпохи.*

**Ключевые слова:** *викторианская эпоха, английская литература, жанр, роман, социальный психологический роман, тип, особенности*

**Abstract** *This article focuses on the Victorian period in English literature, the development and origins of the socio psychological novel's types in Elizabeth Gaskell's works.*

**Key words:** *Victorian period, English literature, novel genre, socio psychological novel, type, features*

Инглиз адабиёти викториан даврда ижод қилган Элизабет Гаскелл (1810-1865) жаҳон адабиётини бойитишга ҳисса қўшган адибалардан биридир.

Элизабет Гаскеллнинг тугалланмай қолган романи “Рафиқалар ва қизлар” 1865 йилда “Корнхилл” журналида нашр этилади [1.156]. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак 1864 йилнинг августидан бошлаб 1866 йилнинг августигача роман журналда нашр этилган. Адиба асарни тугатишга улгурмади. Шунинг учун ҳам адибадан олган хатларида романнинг асосий сюжетида хабардор бўлган журналист ва адабиётшунос Ф.Гринвуд асарни якунига етказди. У буни катта маъсулият билан бажарди: “озгина меҳнат қилган бўлсамда, машҳур адибанинг асосига кўра романни якунладим ва айтишим мумкинки, роман якунига етишига озгина қолганди”[ 2.797].

“Рафиқалар ва қизлар” романида Элизабет Гаскелл тўлалигича Англиянинг 30-40 йилларидаги кишлоқ ҳаётини тасвирлашга ҳаракат қилди.

Романдаги воқеалар хронологияси асар қаҳрамони бўлган Молли ўн икки ёшида бошланади. Инглиз адабиётшуноси Э.Иссон “Рафиқалар ва қизлар” асарига тўхталиб, асардаги асосий воқеа 1828 йилдан бошланганини қайд этади [3.187]. Адибанинг ўзи ҳам асарнинг биринчи бобида вақт ҳақида аниқроқ маълумот беради: “бундан қирқ беш йил олдин кичкина кишлоқда болалик қувончи жуда оддий эди, ўн икки ёшли Молли ҳаётида ҳали бирор марта муҳим ҳодиса содир бўлмаганди”[2. 38].

Ўтмиш романда сирлилиқ касб этади. Айниқса баҳс ажодларга ёхуд кишлоқнинг таникли оилаларига бориб тақалса: “Хэмли бу Хэмлилар бўлиб, бу ерда римликлар келгунига қадар бўлишган. – деди миссис Браунинг. Викарий эса бу фикрни маъқуллаган вақтда баҳсга миссис Гудинаф ҳайратомуз

исбот билан қўшилди ва - мен ёшлигимда Хэмиллар бу Хэмли бўлиб, бу ерда тилишунослар пайдо бўлгунга қадар бўлганлигини эшитганман – деди бамайлихотир. У эски шаҳарчанинг обрўли ва ёши улуг яшовчиларидан бири эди” [2.49]. Романда вақт кишлоқ ҳаёти билан узвийликда тасвирланади. Вақт Холингфорд қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда яшайди: “маросимга келган хонимлар тиз буккан ҳолда ўтиришди ва шу ҳолда миссис Доусга кечага таклиф қилгани учун миннатдорчилик билдирган ҳолда тарқалишди” [2.130]. Ўша вақтларда бундай эски одоб қоидалари ҳали унутилиб кетмаганди. Эскилик эпитети романда ўтмиш ҳақида гап кетганда нафақат таомиллар, балки кишлоқ хонимларининг ҳаёт тарзини ҳам ўзида акс эттиради. Бундай эскиликда урф одатлар ва ёзилмаган қонун қоидалар ҳам ўз аксини топган. Бу тор доирадаги дунёда ҳар қандай майда чуйда ўз аҳамиятига эгадир. Романда тасвирланган Холингфорд худди Кренфорд каби ўзига хос урф одатлар ва анъаналарга эга эди. Агарда “Кренфорд” бу турмушга чиқиб оиласини ташлаб кетган Натсфорд тасвири бўлса, унда Холлингфорд ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳолда қайтиб келадиган макондир. Инглиз тадқиқотчиси В.Герин адибанинг “Рафиқалар ва қизлар” романига оддий мадҳ этилган кишлоқ ҳаётидир дея баҳо беради [4.281]. Шаҳарчанинг ҳаёт тарзи юз йиллардан бери ўзгармаган бўлиб, бунда Холлингфорд хонимларининг хизматлари каттадир. Уларнинг энг севимли машғулоти бу ғийбатларни эшитиш ва бир-бирига етказиш ҳисобланади. Ҳар бир янгиликда ахлоқ нормаларига риоя қилган ҳолда шахсий мулоҳазалар мавжуд эди: “Ота-онанинг розилигисиз ҳис туйғуга бой муносабатда бўлишни оддий шармандагарчилик деб ўйлайман. Биламан бундай муносабатга бўлган қарашлар ўзгарган, бироқ, бахтсиз Грация жаноб Бирлига турмушга чиққан вақтда, отамга хат ёзганди. Ўша хатда жаноб Бирли Грация ҳақида биронта илиқ сўз айтмаганди” [2.602].

Холлингфорд хонимлари сиёсат ҳақида эмас, балки севимли ишлари ҳақида тез-тез суҳбатлашишарди. Уларнинг кўпчилиги турмушга чиқмаган қари қизлар эди. Бу гуруҳга мансуб аёллар маҳаллий жамиятнинг асосий қатламини ташкил қиларди. Қисман уларнинг никоҳ ҳақидаги фикрлари худди Кренфорд хонимлариники каби эди. Холлингфорд аҳолиси бир-бирини яхши танийдиган кичик маконда яшашарди. В.Герин Кренфордга қараганда Холлингфорд аҳолиси анча ривожланганлигини таъкидлаб ўтади. Адиба “Шимол ва Жануб” асарида Маргаретнинг девордаги гулқоғозлари ҳақидаги диди муҳокама этилса, худди шунга ўхшаш манзара “Рафиқалар ва қизлар” асарида ҳам Молли Гибсон томонидан мулоҳаза этилади. Ўғай онаси миссис Гибсон Моллининг хонаси тубдан ўзгартириб юборади. Бу Моллига умуман ёқмайди: “Мен хонамни ўзгартиришни хоҳламайман. Унинг олдинги ҳолати менга кўпроқ ёқарди. Илтимос ҳеч нарсани ўзгартирманг”.

“Рафиқалар ва қизлар” романида психологик усуллардан фойдаланилган. Молли ўғай онасининг ҳаракатини Гибсонлар хонадонининг ўтмишини ўчириб ташлашга уриниши деб тушунади ва унга ғамхўр рафиқа, адолатли она, ҳаракатчан уй бекаси сифатида қарайди. Элизабет Гаскеллнинг бундай ёндашишидан унинг ўзи ҳам ҳаётида яхши уй бекаси бўлганлигини тушуниш мумкин. Бу ҳақда Гаскеллшунос олим Э.Лэнгленд Гаскеллни маҳоратли уйбекаси сифатида кўриш мумкин. Фоксга ёзган илк хатларида у уйдан баҳра олаётганлигини ва афсуски бундан ҳамма ҳам баҳраманд бўла олмаслигини айтиб ўтади. Хўжалик ишларини олиб бориш унинг яна бир истеъдоди эди. Унинг адабиётдаги истеъдоди кашф қилинаётган булоқдек эди. Адиба хатлари маиший ҳаётдан олинган икир-чикирларга бойдир [5.21]. Ҳикоячилик худди “Кренфорд” романидаги каби бош образ тилидан эмас, балки муаллиф томонидан ҳикоя қилинади. Романдаги характерларни тасвирлашда уларнинг ўзига хос психологик тасвирлари бизнинг диққатимизни тортади. Мана шу романда ҳам адиба ижтимоий муаммоларнинг бири бўлган таълим тарбия муаммосига алоҳида эътибор қаратади. Вояга етаётганларнинг тарбия масаласи олти фарзанднинг онаси бўлган адибанинг ўзига ҳам тегишлидир. Адиба фарзандларини тарбиялашда, хўжалик ишларини кундалигига қайд этиб борарди. Унинг кундалигини ўрганган А. Иссон мазкур кундаликда Гаскелл кизи Марианнанинг гўдаклик чоғларидан бошлаб, майда чуйда деталгача тасвирлаган. Мана шу жараёнларда шаклланган қизининг характерини қайд этиб борганлигини айтиб ўтади [3.32]. Улғаётган қизларини кузатиб, улардан намуна олган адиба романларида аёллар образини яратди. “Мэри Бартон”, “Руф”, “Рафиқалар ва қизлар” романларида ўн етти ёшлардаги ўсмир қизлар ҳаёти тасвирланган. “Рафиқалар ва қизлар” асарида Молли Гибсон ҳамма қизларга қараганда энг ёши кичиклардан ҳисобланади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Sanders V. Women Fiction and The Marketplace. Women and Literature in Britain 1800-1900 by Joanna Shattock. Cambridge university press., 2001.- P. 156
2. Gaskell E. Wives and Daughters. Freeeditorial.com –P. 797.
3. Easson A. Elizabeth Gaskell. London etc: Routledge & Kegan Paul, 1979 –P. 187.
4. Gerin W. Elizabeth Gaskell. Oxford: Clarendon Press 1976 –P. 318.
5. Langland E. Women’s writing and the domestic sphere. Women and literature in Britain 1800-1900. USA. University of Leicester. Cambridge University press. 2001. –P. 21.



## ТРАДИЦИОННЫЕ ПРИЕМЫ КЛАССИЧЕСКОГО ДЕТЕКТИВА В РОМАНЕ ДЭНА БРАУНА «АНГЕЛЫ И ДЕМОНЫ»

*А.У. Ражабов, преподаватель, Бухарский филиал Ташкентского института инженеров  
ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара*

**Annotasiya.** Maqolada detektiv yozuv qoidalarini tavsiflovchi tadqiqotchilar asarlari asosida detektiv janr usullari tahlil qilinadi. D. Braunning "Farishtalar va jinlar" romani tahlili asosida muallif klassik detektivning an'anaviy usullarining rivojlanishi va faoliyatidagi asosiy tendentsiyalarni izlaydi.

**Kalit so'zlar:** detektiv, texnika, janr, roman, josuslik romani, triller, jangari film, sevgi hikoyasi, sevgi chizig'i, urf-odat, an'anaviy texnika, tanqid

**Аннотация.** В статье дается анализ приемов детективного жанра с опорой на труды исследователей, характеризующих правила написания детектива. На основе анализа романа Д. Брауна «Ангелы и Демоны», автор прослеживает основные тенденции развития и функционирования традиционных приемов классического детектива.

**Ключевые слова:** детектив, прием, жанр, роман, шпионский роман, триллер, боевик, любовный роман, любовная линия, традиция, традиционный прием, критика

**Abstract.** The article analyzes the methods of detective genre based on the works of researchers, characterizing the rules of detective writing. On the basis of the analysis of the novel by D. Brown's novel "Angels and Demons", the author traces the main trends in development and functioning of traditional methods of classical detective.

**Keywords:** detective, technique, genre, novel, spy novel, thriller, action movie, love story, love line, tradition, traditional technique, criticism

Написанный в 2000 году роман Дэна Брауна «Ангелы и Демоны» в творчестве писателя является третьим по счету. Среди религиозных деятелей, ученых и в различных сферах роман вызвал резонанс и неоднозначную оценку. Роман был подвергнут значительной критике. Критика была связана с претензиями на документальность. Описываемый в романе квазинаучный факт, вносит в романе дополнительные элементы фантастики создание антивещества, но источники, на которые ссылается автор, опровергают эту информацию. Объясняется это тем, что на получение подобного вещества нужно затратить более 100 лет, а также по свидетельству некоторых исследователей, фактические ошибки, допущенные в романе, связаны с религиозной иерархией. Например, в романе утверждается, что камерарий не является кардиналом и человек, не имеющий кардинальского звания, не может стать папой. Исследователи же утверждают, камерарий это всегда кардинал, а папой может быть избран не только кардинал, но и любой католик. Поскольку в романе описаны факты, связанные тайными братствами, в частности с сообществом «Иллюминатов», а также показан мир Ватикана, недоступный обычному человеку, следовательно, это произведение вызвало бурю эмоций у рядовых читателей. Нам интересно творчество Дэна Брауна тем, что анализируя его произведения, относящихся к массовой литературе, удалось проследить основные тенденции её развития и функционирования, её основных жанров. Хотя в настоящее время ещё рано говорить о полностью сформировавшейся системе жанров массовой литературы. Несмотря на то, что многие исследователи выделяют такие жанры массовой литературы, как детектив, шпионский роман, триллер, боевик, фэнтези, любовный роман, четких жанровых границ между ними не существует, кроме того, появились некоторые жанры, не получившие ещё теоретического осмысления, и произведения, созданные на стыке двух или более жанровых форм. Ярким примером такого произведения является роман Дэна Брауна «Ангелы и демоны». Этот роман, на наш взгляд, можно определить как роман культуры с элементами детектива. Главной целью данной статьи является анализ приемов детективного жанра в этом произведении. В настоящее время трудов по теории детективного жанра довольно не много. В основе анализа опорой явилась характеристика детектива, данная Н.Н.Вольским[2], а также учитывались правила написания детектива, данные писателем С.С.Ван Дайном [3], в частности.

1. В романе должно быть не более одного детектива и одного преступника и, как минимум, одна жертва.

2. Преступник не должен быть профессионалом, он должен иметь личные мотивы для убийства, и им не может быть детектив.

3. В детективе не должно быть любовной линии.

4. Преступник должен занимать важное положение:

-- В жизни не быть дворецким или управляющим.

-- В книге быть одним из главных персонажей.

5. Всё должно быть объяснено рационально, фантастика не допускается.

6. Здесь не место для пространных описаний или психологического анализа.

7. Следует избегать банальных ситуаций и решений.

История негласного сына папы Римского, который решает возродить величие католической церкви, легла в основу сюжета романа «Ангелы и Демоны». Для этого возрождения он идёт на крайние

меры: инсценирует заговор иллюминатов и от их имени совершает убийство своего отца и похищение четырех кардиналов, у которых были небольшие шансы на папский престол, а также организовывает хищение антивещества из ЦЕРНа (Европейский совет по ядерным исследованиям), чтобы произвести взрыв могилы святого Петра. Чтобы расследование было более объективным, вызывают специалиста по иллюминатам Роберта Лэнгдона, который подключается к расследованию. Роман начинается как классический американский «крутой детектив». Физик Леонардо Ветро почувствовал смрадный запах горелого мяса и понял, что это прижигают его собственную плоть. Он в ужасе вскинул глаза на нависшую над ним темную фигуру [1, с.3]. Расследование Роберта Лэнгдона начинается с обнаружения трупа Леонардо Ветра. Особенностью этого произведения является то, что завязка детективного романа культуры: на трупе обнаружен знак тайного общества «Иллюминаты», что позволяет автору вводить в текст романа многочисленные исторические культурологические ссылки. Слово иллюминаты произошло от латинского (*Illuminati*- просвещенные) общее название нескольких тайных групп, современных и исторических, реально существовавших и фиктивных, раскрытых или предполагаемых. Как правило, использование данного термина предполагает наличие зловещей организации заговорщиков, которая стремится управлять мировыми делами негласно, изменив существующий порядок в своих целях [4]. Автором использован довольно интересный прием, который делает эту группу, это сообщество раздражителей католической церкви, скрывая под этим настоящий конфликт между наукой и религией.

Из-за непризнания этого общества в религиозном мире, да и вообще в социуме, впоследствии их начали выживать. Иллюминатам пришлось уйти в подполье, исчезнуть. Дэн Браун использовал традиционные приемы классического детектива при создании сюжета своего романа. Основная мысль романа – тайна, которую пытается раскрыть главный герой. Главный герой, сквозной персонаж Роберт Лэнгдон, не раз фигурировавший в произведениях Дэна Брауна «Код да Винчи», «Утраченный символ», специализирующийся в области религиозной символики, он является профессором университета. Описывая внешность и занятия своего героя, Дэн Браун обращается к традиции английского классического и американского крутого детектива. С одной стороны, у него внешность эрудита, с другой занимавшийся прыжками в воду в школе и колледже. Лэнгдон сохранил телосложение пловца – шесть футов тренированных мышц [1, с 13]. У Лэнгдона есть свои маленькие слабости, например, часы с изображением Микки-Мауса, что выглядит крайне комично, если учитывать его статус и возложенную на него миссию спасти Ватикан, а вместе с ним и весь мир. По своему роду деятельности во многом напоминает его «коллег-детективов» Шерлока Холмса и Эркюля Пуаро. С развитием сюжета подобная двойственность оправдывает себя, ему приходится вести расследование, как в архивах Ватикана, так и в погоне за предполагаемым преступником по улицам Рима. Вводя в роман «персонажа – помощника», писателю удалось следовать ещё одной традиции классического детектива. Дочь убитого ученого выступает помощником Лэнгдона, и им вдвоем приходится разгадывать все загадки и вступить в борьбу с преступником. Интересен факт, что в своем романе Дэн Браун нарушает традицию «наивного» рассказчика, когда повествование ведется от лица помощника, так как роман написан от третьего лица. Со своими умственными данными Виттория Ветра не уступает детективу, а иногда даже именно ей удается найти разгадку тайны, недоступную Лэнгдону. Примером может служить сцена в архивах Ватикана, когда именно Виттория находит нужный для разгадки труд Галилея и расшифровывает ключ. Виттория иногда занимает более активную позицию, чем главный герой – это есть отличие от традиционного детектива. Кроме того, ею движет личный мотив мести. Еще одним противоречием вышеприведенным правилам детектива явилась введенная автором в роман любовная линия Роберта Лэнгдона и Виттории Ветра. В романе присутствует также характерный для детектива мотив противостояния с полицией. Однако в данном случае Дэн Браун придерживается избранной для себя формы романа культуры, так как вместо полиции в произведении действуют Швейцарские гвардейцы, элитные войска Ватикана. И в выборе основного конфликта произведения проявляются традиции детектива и одновременно романа культуры. С одной стороны, это характерное для детектива противостояние добра и зла. В романе, на первый взгляд, очевидно противостояние преступника (олицетворяющее зло) и детективов (олицетворяющих добро). Это противостояние реализуется уже в названии романа. С другой стороны, показывая их неоднозначность автор зачастую играет понятиями «добро и зло» Дэн Браун, например использует характерный для детектива прием «обманки», и это не случайно, так преступник до последнего скрывается под именем Януса, божества с двумя лицами. Изначально все следы преступления указывают на мнимого преступника Макса Колера, директора ЦЕРНа, которого в самом начале повествования читатель начинает подозревать. Однако с первых же страниц романа вызывавший симпатию своей преданностью делу церкви, камерарий оказывается настоящим преступником. Но, оставаясь верным идее двойственности, писатель и впоследствии объясняет мотивы преступника, ставшего жертвой чудовишной ошибки. Появившийся в результате искусственного зачатия, он оказывается сыном Папы. Этот мотив позволяет автору осуществить сразу две задачи; во первых, вызвать сочувствие у читателя к преступнику, во вторых, ввести в роман второй центральный конфликт между наукой и религией. Актуальная проблема, затронутая Дэном Брауном в романе, так и не нашла решения и в нашем веке. Наука и религия – две главенствующие силы в мире – и в настоящее время тяжело находят альтернативу

противостояния в общении. Четко показывая тонкую грань между наукой и религией, автор раскрывает этот конфликт во всей жестокости последствий. По мнению же автора, наука и религия никогда не противостояли друг другу. Просто наука очень молода, чтобы признать это [1, с. 38-40]. Добро в конечном итоге побеждает зло, как и следует в классическом детективном романе. Это распространяется не только на обычную для детектива поимку преступника, но и на смягчение позиции церкви. «Секреты это та роскошь, которую мы себе больше позволить не можем» [1, с. 187] мы узнаем из заявлений вновь избранного Папы. В завершении книги мы видим, что все секреты раскрыты и лежали на поверхности в течение всего действия произошедшего. Дэн Браун использует и один из излюбленных приемов детективного жанра, когда не правосудие наказывает преступника, а преступник будучи сильной личностью, предпочитает самоубийство, совершая акт самосожжения.

Таким образом, представляя собой новый этап в развитии детектива, роман «Ангелы и Демоны» демонстрирует синтез нескольких жанровых форм. К приемам детектива в данном романе относится сюжет, строящийся вокруг тайны, противостояние детектива и преступника и окончательная победа добра над злом.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Дэн Браун «Ангелы и Демонь» М. Аст. 2006.
2. Вольский Н.Н. Легкое чтение. Работа по теории и истории детективного жанра.-Новосибирск.2006.
3. Вайн Дайн С 20 правил для пишущих детективы //http://lady/webnice.ru/literature act=authors@v=7780
4. http://ru.wikipedia.org

УЎК 81-13

#### ОМОН МАТЖОННИНГ ЛИСОНИЙ МАҲОРАТИ

*С.Р. Рўзимбоев, проф., ф.ф.д., Урганч давлат университети, Урганч*

*С.С. Рўзимбоев, ф.ф.н., Урганч давлат университети, Урганч*

*В.Р. Атаханова, PhD, Урганч давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Мақолада шоир Омон Матжон лирикасининг бадий тил хусусиятлари ёритиб берилди. Унинг “Ҳаққуш қичқирғи” тўпламига киритилган қатор шеърлари орқали шоирнинг сўз қўллашдаги лексик ва фонопоэтик воситалар, шунингдек барқарор ўхшатишлардан фойдаланишидаги лисоний маҳорати таҳлил этилади.

**Калим сўзлар:** Омон Матжон, лирика, фонопоэтика, барқарор ўхшатишлар, лисоний маҳорат

**Аннотация.** В статье освещены художественные языковые особенности лирики поэта Омона Матжона. Посредством серии стихотворений, включенных в его сборник «Ҳаққуш қичқирғи», анализируются лексические и фонопоэтические способы словоупотребления поэта, а также его лингвистические навыки в использовании устойчивых сравнений.

**Ключевые слова:** Омон Матжон, лирика, фонопоэтика, устойчивые сравнения, лингвистические навыки

**Abstract.** The article highlights the artistic linguistic features of the lyrics of the poet Omon Matjon. Through a series of poems included in his collection “Haqqush qishqirig`i”, the lexical and phonopoetic ways of the poet's word usage are analyzed, as well as his linguistic skills in using stable comparisons.

**Key words:** Omon Matjon, lyrics, phonopoetics, stable comparisons, linguistic skills

Тил ва ёзувчи ўртасидаги муносабатни шахмат ва шахматчи ўртасидаги муносабатга қиёслаш мумкин. Шахматда ҳар бир донанинг мавқеи, даражаси, шахмат тахтаси устидаги ҳаракатланиш қоидалари аввалдан белгиланган. Ана шу қоидаларни тугал эгаллаш оқибатида юзага келган юксак маҳорати туфайли шахматчи тамоман янги, қутилмаган юришлар қилади. Бетақрор комбинациялар яратадики, бу унга рақибини мағлуб ва мухлисини мафтун қилиш имконини беради. Тилда ҳам ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсур ва бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукамал боҳабар бўлган, бадий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетақрор тасвир, қутилмаган, оҳорли бадий лавҳалар, сўз чақинларини пайдо қила оладиди, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асирга айланади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадий тасвирга фавқулудда мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда, уларга юкланган хилма-хил бадий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди [1].

Омон Матжон сўз қўллаш маҳоратини эгаллаган, ўзбек тилининг бой ва рангин лексикасидаги қўп қиррали нозик маъноларни юксак дид билан ҳис қилувчи буюк адибдир. Унинг шеърларида халқ бисотидаги энг ноёб сўзлар танланиб, китобхонларга ҳавола этиладики, улар ўқувчи қалбини тугёнга солади.

Ўзбек тили ҳар жиҳатдан, хусусан, луғат хазинаси нуқтаи назаридан бениҳоя бой ва ривожланган тилдир [2]. Талантли шоир ана шу бой она тили замиридаги теран маъноли сўзларни ўз лирикасида инжудай териш санъатини тўла эгаллаган.

Буни унинг “Ҳаққуш қичқирғи” тўплами таркибига кирган шеърлари мисолида аниқ тасаввур қилиш мумкин. Ўша мажмуада “Афсона ҳақида афсона” шеъри берилган [3].

Шеърда Прометей афсонаси мазмуни фалсафий тарзда баён этилади. Даставвал Прометей номи диққатни тортади, китобхон унинг ким эканлигига қизиқади. Бу шахс юнон мифологиясида осмондан олов ўғирлаб, кишиларга ҳады этган ва ундан фойдаланишни ўргатган афсонавий баҳодирдир. Шоир ушбу афсонавий баҳодирнинг эзгу иши учун абадий жазоланганлигини тасвирлар экан, шеър таркибига чуқур маъноли сўзларни олиб киради. Бу афсонавий баҳодирни шоир шундай таърифлайди:

Сизга айтсам – оддий бир жон у,  
Мажнун каби фидойи ошиқ.  
Насриддиндек хушдил бир сиймо  
Эл умрига умри туташик. (92-бет.)

Шеър мисраларида Мажнун, Насриддин каби исмлар беҳудага келтирилмаган. Китобхон рамзга айланган бу шахсларни яхши идрок қилади. Яна ушбу рамзларга нисбатан **“фидойи ошиқ”**, **“хушдил сиймо”** каби сифатлашлар берилдики, бу таърифлар олов ихтирочисининг образини яққол гавдалантиради. Мисралар охирида **“эл умрига умри туташик”** тарзида яқун ясади. Туташик сўзи шоир томонидан моҳирона танланган. Бу сўз биринчидан, туташган, уланган, халқ билан ёнма-ён деган тушунчани ифодалайди. Қолаверса, унда **“олов”** сўзига ишора бор. **“Туташик”** сўзи халқ орасида ўрни туташтирувчи маъносига ҳам эга.

Шеърда афсона ҳикоя қилинар экан, ундаги тасвирда ҳам турли афсонавий образлар гавдаланади:

...Хув феруза қоялар узра,  
Товланармиш **турфа саройлар**.  
**Фаришталар учиб юрармиш**,  
Гижинглармиш **қанотли тойлар**.

Шеър бандидаги **“турфа саройлар”**, **“фаришталар”**, **“қанотли тойлар”** каби сўз ва сўз бирикмалари ўқувчини эртақлар ва асотирлар оламига етаклайди.

Булут узра фйтонлар қувиб,

Изларида чақин, савдолар сингари мисралар эса **“Авесто”**даги мифологик тасвирни эсга солади. Бу ерда момоқалдирикнинг гулдираб садо бериши мисралар катига моҳирона жойлаштирилган. Шоир шеърда:

Ҳар бирида ўзгача **аъмол**...

Водий тунга бўлган он хасм... каби мисраларда қофия талаби билан турли мураккаб маъноли сўзларни танлаш асносида лисоний кашфиётларни рўёбга чиқаради. **“Аъмол”** сўзи иш турини англатади. Шоир самодаги мифологик образларни гавдалантирар экан, уларнинг ҳар бири бирон юмуш билан банд эканлигини таъкидламоқчи бўлади.

Ўзбек тилида **“он”** сўзи фурсат, дақиқа, пайт деган маъноларга эга бўлиб, анча кам ишлатилади. **“Хасм”** сўзи муҳолиф, душман, рақиб тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Бу мисрада у кундуз кечанинг бир-бирини қувишини ифодалаш жараёнида уларни ўзаро муҳолиф тарзида баҳолайди.

Шеър таркибида воқеани бадиий нутқ орқали баён қилишда **Арши аъло**-осмон юқориси, **мажхул чўққи**-номаълум чўққи, **кумуш ҳилол**-нурли ой, **ул шаккок**-бедин, **занг қоя**-ғуборли қоя, **ўша шарора**-аланга каби сўзларни қўллаб, афсонавий тасвирга монанд тил бирикларини истифода этади.

Шоир қофия танлашда тилнинг маъно қирраларига эътибор билан қарайди:

“Мангу шундай турсин дедилар,  
Шунга лойиқ бунинг **бузғуни**.  
Ва ҳар кеча чўқилаб чиқсин,  
Юрагини зулмат **қузғуни!**”

Шеърдаги **“бузмоқ”**, **“бузилмоқ”** феълидан ясалган **“бузғун”** сўзи пастки мисрадаги **“қузғун”** сўзига фақат шаклдагина эмас, балки маънода ҳам мос танланган.

Шоир Прометейнинг маҳқумлигига ишора қилиб, шеърга чуқур фалсафий яқун ясади:

Кўхна гап бу!

Лекин бугун ҳам

Минглаб асл ўғлонлар бандда.

Қалблар ёнар! Ва қузғунлар ҳам

Қилмайдилар ўз ишин қанда!

Шеър ўзи яратилган давр моҳиятини тўла ифодалай олгани билан кимматлидир.

Ҳар бир ижодкор ўз асарларида ташбеҳлар кашф этишга интилади. Агарда бу кашф этилган ўхшатиш воситаси унинг ўз тафаккурига тегишли бўлиб, оригиналлик касб этса, улар ўқувчилар дилида абадий муҳрланиб қолади.

Чунки **“...бадиий нутқнинг ифодалилигини кучайтириш учун хусусий-муаллиф ўхшатишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ижодкорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, кўламли тасавури ва бепоён тахайюли, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўз ўрнида қўлланган ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодаларига айланади. Нутқда кучли поэтик мазмун касб этади [4].**

Агарда Омон Матжон ижодига назар ташлайдиган бўлсак, бундай оригинал ўхшатишларни ўз таркибига қамраб олган гўзал мисраларга кўп бора дуч келамиз. Шоирнинг “Комил Хоразмийнинг Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) дан Россия билан сулҳ тузишни сўрагани” [5] сарлавхали шеъри бунга мисол бўла олади.

Комил Хоразмий илтижоси ҳақида сўзлар экан, шоир Россиянинг Хивага бостириб киришини шундай мисраларда ифодалайди:

Боис шулким, ўнг қирғоққа тирнок ботириб,

Сувга тумшук суқаётир **қўш бошли бургут**.

Шоир “**қўш бошли бургут**” иборасида рамзий ўхшатиш қўллаб, унинг негизида Россия империяси тушунчасини англатади. Россия ҳақида сўзлар экан ижодкор уни: Хоразмга ташлаётир **чакчайган** назар, мисраси орқали ифодага тортади.

“Чакчаймоқ” сўзини шоир ўхшатиш воситаси сифатида тасодифан танламаган. Бу сўз **бақраймоқ, очофатли тарзда боқмоқ** маъноларига эга бўлиб, босқинчилар қиёфасини рўй-рост гавдалантиради. Шоир шу жараёнда Амударёнинг ҳам рамзий образини беради:

Бугун Жайхун оқмоғида безовталиқ бор:

Хоразмга бош урмоқда **нолакор, беҳуд**.

Шоир мисралар қатига ўхшатишлар, сифатлашларни жойлар экан, уларнинг маъно қирраларини вазиятга мос ҳолда танлайди. Юқоридаги мисраларда келтирилган **нолакор, беҳуд** каби ташбеҳлар Амударё рамзида берилса-да, халқнинг руҳиятини ўзида акс эттиради. Тарихий воқеаларга разм солар экан, ижодкор босқинчиларга бош эгмаган Хоразм билан алоқадор ташбеҳларни танлаб, мисраларнинг лисоний маънодорлигини кучайтиради.

Демокчисиз, хуш, Хоразм тарихда қачон,

Босқинчидан сулҳ тиланган **риёкор, ялтоқ?!**

Ўшал шохли Искандарга тиз чўкканми ё

Қутайбага эгилдими бизнинг **хур** байроқ?!

Мисралардаги **риёкор, ялтоқ** сўзлари шоирнинг ўз дили қаъридан отилиб чиққан оригинал лисоний бирликлардир.

Шеърда “Бўлинганни бўри ер” мақолига ишора қилувчи мисралар ҳам борки, улар бағридан ҳам кашф этилган ташбеҳларни топиб олиш мумкин:

Тошкент беги Бухородан Музаффархоннинг

Кўмагидан нажотидан воз кечти! Нечун?!

Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам маҳв бўлди ахийр,

**Ола оғиз, араз-ғараз** бўлгани учун.

Ушбу банднинг охиридаги сўзлашув нутқида оид сўзлардан танланган ташбеҳлар шеърнинг тил хусусиятларига алоҳида жило бағишлаган. Чунки ўша пайтларда Ўрта Осиё хонликлари орасидаги муносабат жуда ёмон аҳволда эди. Буни куйидаги мисралар янада ойдинлаштиради:

Аммо қўшни хонликларнинг ушбу борада,

Тутган йўли, **расамади** ҳайронлиғ, **мубҳам!**

Мазкур мисралардаги **расамади** сўзи форс- араб тилларига, **мубҳам** араб тилига мансубдир. Биринчи сўз “тутган йўли” бирикмасининг синоними тарзида келтирилиб, маъно кучайтирилган. Иккинчи сўз яширин, сирли маъноларига эга. Шоир иборалар танлашда воқеа оқимида қараб иш тутади. Масалан, рус империясининг бостириб келиши арафаси ҳақида сўз юритилганда уни:

**Қўш бошли бургут** рамзида берса,

Россиянинг элимизга тажовуз қилгандан кейинги вайронагарчиликларни кўз олдига келтириб уни:

**Қўш бошли қузғун** тарзида ўхшатишга тортади. Ижодкорнинг ҳар бир лавҳага хос ифода яратиш шеърнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини яна бир поғонага кўтаради ва ўқувчини воқеа сари етаклайди.

Шоир босқинчиларнинг қаҳрли қиёфасини, маънавиятсизлигини реал лавҳаларда гавдалантиради:

Сизга аён, Самарқанддан **сарҳанг** Самсонов,

Қандай мактуб жўнатган шоҳ Александрга.

“О, гумбазлар бунда ғашга теккудек юксак,

Энг аввало тенг этмоқ шарт шуларни ерга.

Шоир “**ер билан тенг этиш**” ибораси замирида рус мустамлакачиларининг шовинистик сиёсатини фош қилади.

Рус генерали унвонини ижодкор **сарҳанг** тарзида бериб, архаизмга мурожаат қилади ва шу жараёнда ўша сўз орқали китобхонни мозий сари етаклайди.

Омон Матжон рус истилосидан бурунги босқинчиларни ҳам эслатиб ўтади, Хоразмнинг бирорта босқинчига бўйин эгмаганини таъкидлайди:

Демокчисиз Султон Санжар Жайхунни бўғди,

Сотмадикку ор –номусин бир кўза сувга.

Фаҳр эмасми Жалолиддин шернинг тақдири-

Битта ўзи шунча қирғин солгани ёвга?!

Бу мисраларда Жалолдиннинг шер рамзида берилиши шеърнинг бадиий руҳини янада юксакка кўтаради.

Шоир шеърда фақат Комил Хоразмий қиёфасини кўрсатиш билан чекланмай, Муҳаммад Раҳимхон образига ҳам эътибор қаратади:

Хон ҳазрати, Сиз **назм таъб, чўх теран** назар,  
Хоразмнинг тарихида кўп **бийик** хонсиз!  
Сиз раият умидисиз, давлат сарвари,  
Ўлка агар осмон бўлса-Сиз Қаҳқашонсиз!

Банд таркибидаги **назм таъб, чўх теран назар, бийик** каби ташбеҳлар хон ҳазратларининг мукамал портретини гавдалантиради. Айниқса унинг **Қаҳқашон** тушунчасига тенглаштирилиши Ферузга бўлган шоир муҳаббатини яққол намоён қилади.

Шеърнинг тил хусусиятлари ўқувчи эътиборини дарҳол ўзига жалб қилади.

Ундаги **шўх насимлар, насмий мерос, қутлуғ қон, қатоғонли жанг, собит ҳимоя, гулнафас, комил шоир** бирикмалари бадиий нутққа сайқал бериб, унинг таъсирчанлигини янада оширади.

Омон Матжон шеърларида ифодавийлик, тасвирийлик ҳамиша устуворлик қилади.

“Тилда ифодаликни юзага келтиришга хизмат қиладиган имкониятлар жуда ҳам кўп ва хилма-хил. Бундай имконият ҳеч бир истисносиз тилнинг барча соҳаларида мавжуд. Тилнинг товуш қурилиши, сўз хазинаси, морфологик шакллари, синтактик бирликлари, интонация, услуб кабиларнинг ҳар бири нутқ ифодалигининг битмас-туганмас манбаларидир” [6].

Омон Матжон ўз шеърларида ифодалиликни юксалтириш учун тилнинг фонетик ресурсларидан унумли фойдаланади.

Тутаб ётар тўла-тўда тоғ,  
Токқа чўқар ваҳимли сукут [7].

Шоир мисралар оҳангдорлигини таъминлаш учун тилнинг товуш томонига эътибор қаратади. Натижада шеърнинг бадиий-эстетик таъсирчанлиги рўёбга чиқади.

Бадиий нутқ услубининг энг характерли хусусияти тасвирийлик ва эмоционаллик ҳисобланади. Бадиий услубда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида тилнинг тасвирий воситаларидан, унумли ва ижодий фойдаланади, шунингдек, ўзи ҳам янги сўз ва ифода воситалари яратади [8]. Омон Матжон воқеълик тасвирини беришда тилнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланди:

Аммо само ўғли яшинвор,  
Ташланмасдан оҳуга ёвкур,  
Чангалидан кетганди мадор,  
Кўзларида сўнган эди нур.

Шоир “само ўғли” бирикмаси орқали бургут тушунчасини рўёбга чиқаради. “Яшин-вор” бирикмаси орқали бургутнинг тезкор ҳаракатига ишора қилади. Ўша мисраларда “ёвкур” сўзи ҳам тасвир учун яхши танланган.

Ижодкор мисралар бадииятини юксалтириш учун оригинал ифодаларни кашф этади:

Чўққиларнинг **олмос зирҳидан**  
**Яланг оёқ чиқиб келар** кун.

Курк товукдек тошлар пинжидан  
**Мўлтирайди минг кўзли шудринг.**

Худди шу дам дара оралаб  
Кезиб қолар бир телба садо.  
Янгратару мажруҳ бир қаҳ-қаҳ.  
Ғойиб бўлар унгулар аро

Шеър мисраларидаги истиоравий ифодалар ўқувчи қалбида завқ-шавқ уйғотади. Ижодкор “Яланг оёқ чиқиб келар Кун” мисрасида оригинал ташбеҳ яратади. “Мўлтирайди минг кўзли шудринг” лирикаси истиора усулига қурилган бўлиб, шабнамнинг куёш нуридан ялтираши ажойиб тасвирий ифода сифатида намоён бўлади. “Телба садо”, “мажруҳ қаҳ-қаҳ” каби бирикмалари ҳам воқеъликка мос танланган. Шеърда ўзига хос мунгли тасвир мавжуд. Шу сабабли шоир “ўлик акс-садо” ҳақида сўзлар экан, доимо мискин руҳга ўралган ибора ва бирикмаларни қўллайди.

Бу борада мақсадига етолмаган қари бургут образига эътиборни қаратади:

Тун ҳам кирди **тоғ бешигига,**  
Ва ухлади **кўзлари очик.**  
Фақат бир сас **санқир** ҳали ҳам  
Дараларда ўзидан қочиб.  
Бу Акс-садо! Мавҳум тириклик!  
Шарпа пойлаб юрган **бенаво!**  
На **тирикдир** ул ва не **ўлик**  
На **ёвга** ўк, на **дўстга** даво.

У тептийди беер, беватан,  
 Шарпаларга муте шукухи.  
 У –ўз асрин бефарқ яшаган  
 Бир кимсанинг кувгинди рухи...

Шеърда шоир сўз танлар экан, у хашиша тасвир руҳига монанд берилади.

Ижодкор “кувгинда рух”нинг унгуларда чарх уришини “санқир” сўзи воситасида беради. Бу сўзни “кезар” шаклида қўллаш ҳам мумкин эди. Бироқ, тасвирда салбийлик хусусияти ҳукмрон бўлгани учун шоир ўша маънога мос сўзни танлаб, ғояни соф ҳолда намоён қилади.

“Шеърда тасвирга олинган “Мавҳум тириклик”нинг бемақсад образи “На ўлик-на тирик”, “на дўст-на ёв” каби антонимик ифодалар воситасида очиб берилади. Шунингдек шоир “кезади” сўзига муқобил тарзда “гентийди” шаклини танлайди ва салбийлик хусусиятларини янада чуқурлаштиради. “Муте”, “шукух” сўзлари ҳам ўша мақсадда танланган. Муте-қарам; шукух-савлат деган маъноларни беради. Аммо савлат муте бўлса, унинг улуғворлигидан асар ҳам қолмайди. Ижодкор бургут образига муурожаат қилар экан, унинг мағлуб қиёфаси орқали ҳолдан тойган йирткич қиёфасидаги ёвларга ишора қилгандай бўлади:

У қувларди бўлиб ваҳму ғаш,  
 Чалғитарди хаёлларидан.  
 Чарх урарди қўрқув этиб бахш,  
 Қояларнинг ораларидан.

Қирқилди-ю, бургут шиддати,  
 Тарк айлади оху сайдин ҳам.  
 Ёт туюлди тоғлар хилқати,  
 Қояларга кўз солди пурғам.

Шоир “ваҳму ғаш”, “сайд”, “хилқат”, “пурғам” сўзларини танлар экан “Шиддати қирқилган” қари бургут образини янада конкретлаштиради. Бургутнинг руҳида “ваҳму ғаш” ҳукмрон. У охуни сайд қилишдан ҳам кечади. Тоғ табиат (хилқат) ҳам унга ёкмай қолади. Шу ерда шоир “пур-ғам” бирикмасини маҳорат билан қўллаган. “Ғам гирдобига ғарқ бўлган жонзот” тушунчасини шоир қисқагина ва маънодор “пурғам” сўзи билан ифодалашга муваффақ бўлган. Бу эса шоирнинг сўз танлашдаги маҳоратини яна бир бор намоёиш этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: “Фан”, 2007. –Б.49.
2. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.149.
3. Омон Матжон Ҳаққуш қичкириғи. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1979. –Б.92-95.
4. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.171. (185)
5. Омон Матжон. Ҳаққуш қичкириғи. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1979. –Б.48-51.
6. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: “Миллий кутубхона”. 2007. –Б.164.
7. Омон Матжон. Ҳаққуш қичкириғи. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1979. –Б.32-35-бетлар.
8. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: “Фан”, 2007. –Б.36.

УЎК 81-13

### ОШИҚ ЭРКИН ШЕЪРИЯТИДА ЖУФТ, ТАКРОРИЙ ВА ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Б.С. Сададдинов, ўқитувчи, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Урганч*

**Аннотация.** Мақолада Ошиқ Эркин шеъриятидаги жуфт, такрорий ва қўшма сўзларнинг услубий хусусиятлари таҳлил этилади.

Турли оригинал мисоллар воситасида шоир шеъриятининг лексик хусусиятлари ва уларнинг бадииятда тутган ўрни ёритиб берилади.

**Калим сўзлар:** Ошиқ Эркин, шеърият, лексика, жуфт ва такрорий сўзлар, қўшма сўзлар

**Аннотация.** В статье анализируются стилистические особенности, парных повторяющихся и составных слов в поэзии Ошика Эркина.

Лексические особенности лирики поэта и их роль в художественности, раскрываются посредством различных оригинальных примеров.

**Ключевые слова:** Ошик Эркин, поэзия, лексика, парные и повторяющиеся слова, составные слова

**Abstract.** The article analyzes the stylistical features of double, repetitive and compound words in Oshik Erkin's poetry.

The lexical features of the poet's poetry and their role in art are highlighted through various original examples.

**Keywords:** Oshik Erkin, poetry, vocabulary, double and repeated words, compound words

Бадий асар тили образли ифодани тақозо қилар экан, ижодкор миллий тил захирасидаги бой ва ранг-баранг имкониятлардан самарали фойдаланишга интилади.

“Бадий услубнинг асосий хусусияти тил элементларининг эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши экан, уни бошқача тарзда – тил воситаларининг бадий образ яратишга бўйсундирилиши, деб изоҳлаш ҳам мумкин” [1]. Бадий образ яратиш, образлилик эса сўз санъатининг асосий тамойилларидан биридир. Сўз санъаткори асарда қўлланилган сўзлар маънодорлигини юксалтириш учун барча грамматик усулларни ишга солади. Шулардан бири жуфт сўзлардаги услубийликдан фойдаланиш маҳоратидир.

Ошиқ Эркин лирикаси мисолида ушбу омилнинг янги қирраларини ёритиш мумкин. Шоир жуфт сўзлардан фойдаланар экан, уларнинг асар бадииятини юксалтиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади.

Шоир шеърларидаги жуфт сўзларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1 Синонимик жуфт сўзлар.

**Бахт-саодат.**

Гар сенга даркор эса кўнглинг қадар,

**Бахт-саодат**-мен билан юр, истасанг [2].

Бахт сўзи форс тилида тақдир, насиба, улуш маъноларини англатади.

Саодат сўзи араб тилига оид бўлиб, бахт, омад, хотиржамликни ифодалайди. Бахт сўзи арабча иқбол сўзи билан ҳам жуфтлик ҳосил қилади. Ушбу бирикмалар умумийлик нуқтаи назаридан бир-бири билан айнан бир хил маъно касб этмасаларда семантик жиҳатдан ўзаро жуда яқин.

**Иззат –хурмат.**

Зиёда **иззат-хурмат**, юртим тўй бериб ҳормасин,

Довруғи дoston элимда ҳеч ким наводан қолмасин.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 181-бет).

Ушбу мисралардаги жуфт сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам араб тилига мансубдир. Иззат-хурмат, улуш маъноларини англатса, хурмат-эҳтиром, сийлов, иззат-иқром каби тушунчаларга эга.

Мисралар қатидаги жуфтликлар маънодорликни кучайтириш, тасвир салмоқдорлигини ошириш каби бадий-эстетик вазифани адо этади.

**1. Ўзаро бир-бирига яқин бўлган жуфт сўзлар.**

Синонимик жуфт сўзлар асосан маънодош семалардан ташкил топса, маъноси бир-бирига анча яқин бўлган жуфтликларда жуфт сўзлар яққаланса, ҳар бири бошқа мазмун касб этади. **Олма -анор.**

Кўзга айланг тўтиё ардоқлабон ўз ёрингиз,

Сийнаси боғи Эрам-**олма-анордан** қўймасин.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 250-бет).

Олма билан анор номлари айрим олинганда, икки хил мевани англатади. Мисралар қатида эса бирикиб кўпликни ифодалайди. Ўз навбатида шоир бу ерда ушбу номларни аёл кўксига чоғиштириб метафора ҳам ҳосил қилган.

Бу сўзларнинг биринчиси туркий бўлиб, кейингиси форс тилига оиддир. **Ўйнаб –кулмоқ.**

Бирга яйраб келарман деб, аҳду паймонни мўл бериб,

Қани, маҳваш, **ўйнаб-кулиб**, мен томонга борғонингиз [3].

Мазкур жуфт сўзлар ажратилганда ҳар бири бошқа маънога ўтиб кетади. Ўйнамоқ –рақсни, кулмоқ руҳий кўтаринкилик тушунчасини ифодалайди. Жуфт сўзлар бириккан ҳолда шодиёналик, хурсандликни англатади, мисралардаги ифодавийликни юксалтиради.

**2. Зид маъноли жуфт сўзлар.**

**Яхши – ёмон.**

Ошиқ Эркин дер ёлбориб, **яхши-ёмоннинг** ичинда,

Душман қолиб, мен дийдаи гирёна бўлсам яхшими.

(“Ишқингда ёндим”, 114-бет).

Мисра қатидаги жуфтликдаги ўзаро зид маъноли сўзлар бириккан ҳолда умумийлик маъносини, кўпликни англатишга хизмат қилади.

**Очмоқ-юммоқ.**

Ишрат айла, майлига, минг йил Сулаймон тахтада,

Кўз **очиб –юмгунчалик** бўлмас кетар чоғ барчаси.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 292-бет.)

Байт таркибидаги жуфт сўзлар ўзаро зидликни ҳосил қилиб, пайт маъносини англатишга сафарбар қилинган. Унда бир зум, бир дақиқа, лаҳза маънолари мужассамлашиб, шеърнинг бадий-эстетик таъсирчанлигини юксалтиришга ёрдам беради. Фикр лўнда ифодага эга бўлади.

**4. Бутун ва бўлакни англатувчи жуфт сўзлар.** Жуфт сўзлар орасида шундай шакллар ҳам учрайдики, уларнинг олдингиси бутунни, кейингиси бўлакни ёки аксинча тарзда жуфтлашади.

**Патир –нон.**

Тўлиб-тошсин доим дастурхонингиз,

Дўстларга буюрсин **патир-нонингиз.**

(“Ўлгунча сизни дерман”, 85-бет).



Бундай олиб қараганда иккала ном ҳам нонни англатади. Бирок, сўзлашув тилида патир ноннинг бир турини англатса, нон тушунчаси умумийлик хусусиятига эга, унинг турлари кўп.

Бу жуфтликда бўлак ва бутун маънолари мужассамлашган.

**Эл-улус.**

Бек яшарсан, **эл-улус** асло эшитмас зоринг,

Ўтарсан суриб даврон гар бўлса Тангри ёринг.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 265-бет).

Эл деганда бир жойнинг одамлари тушунилади. Улус мўғулча давлат деган маънога эга. Дарвоқе бу сўзда бир қанча эллар кўзда тугилади. Шундай экан, эл бўлакни, улус бутунлик тушунчасини билдиради.

Тилшунос Ҳ.Шамсиддиновнинг ёзишича, жуфт сўзлар ҳам алоҳида бир сўзга функционал – семантик синоним бўлади. Бунда жуфт сўз компонентлари англатган маъноларни умумлаштира оладиган сўзнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга [4]. Ушбу фикрга тўла қўшилиш мумкин. Чунки юқорида келтирилган мисоллар буни тўла исботлайди. Масалан, **Ўйнаб** – кулмоқ – шодиёналик; **Иззат-хурмат-сийлов**, эҳтиром кабилар. Ушбу ҳолат жуфт сўзларнинг бадииятдаги услубийлик хусусиятини яна бир бор исботлайди.

**Такрорий сўзлар**

Тилнинг луғавий имкониятлари шу қадар кенги, сўзлар турли тарзда бирикиб, қўшимча олиб, муайян интонация ҳосил қилиб ранг-баранг товланишларга, маъно қирраларига эга бўлади.

Шеърят бадииятида такрорий сўзларнинг экспрессив-эстетик руҳи янада бўртиб кўринади, мисраларда маъно юксалишига ҳисса қўшади. Айрим тадқиқотларда ушбу тоифа бирикмаларни синтактик параллелизм, изоморфизм каби номлар билан аташади. Айни пайтда ушбу бирикмалар таъсирида матн поэтик актуаллашади ва нутқ таъсирчанлигини бойитиш билан бирга маънони кучайтиришга ҳамда фикрнинг батафсил-атрофлича ифодаланишига, тасвир объекти билан боғлиқ маълумотлар фондининг кенгайиб боришига хизмат қилади, [5] дея таъкидлашади.

Бу ҳодисани Ҳ.Шамсиддинов диалектиканинг микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни билан изоҳлайди, яъни сўз такрорланиши, унинг микдоран оширилиши сўз маъносининг сифат жиҳатдан кучайтирилишини таъкидлайди [6].

Ошиқ Эркин лирикаси бадииятида такрорий бирликларнинг роли ҳам сезиларли даражада намоён бўлади. Такрорий бирликлар теварак-атрофдаги турли ҳаракат ва ҳолатларнинг даража-микдори, ўлчамларини кучайтиришга сафарбар этилади. Уларнинг тасвир доираси ниҳоятда кенгдир.

1. Шодиёналик, руҳий кўтаринкиликни ифодалайди:

**Ўйнаб-ўйнаб** тўймагил,

Шўхликларинг кўймагил.

(“Ишқингда ёндим”, 107-бет).

Қадимдан то ҳануз шоир ёр мадх этган,

**Куйлай-куйлай** на-да поёнига етган.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 303-бет).

Ҳар иккала мисолда ҳам такрорланиш шеърдаги шодиёналик руҳини юксалтиришда асосий ўринни эгаллайди.

2. Қадимийлик ва батафсиллик тушунчасини англатади:

Билгин **азал-азалдан** буюк маъбуда севги,

Тўйдим деган ошиқ йўқ муҳаббатнинг жомига.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 10-бет).

Аъло сифатларинг кўп, **бир-бир** санаб нетарман,

Не бўлур бўлақолсанг жоним ичиндаги жон.

(“Ишқингда ёндим”, 68-бет).

**Азал** сўзининг жуфтлиги қадимийлик хусусиятини таъкидласа **бир-бир** жуфтлиги батафсил баён қилишни ифодалайди.

**Азал-азал** бирикмаси ўрнига **азалдан** сўзини қўлласса ҳам бўлади, лекин бу ифода бирикма даражасида оҳангдорлик ва таъкидни рўёбга чиқара олмайди. Шунингдек **бир-бир** жуфтлигини **батафсил** сўзи алмаштира олади. Аммо шеърдаги ифодавийликни тўла гавдалантира олмайди.

3. Ўлчов ва қўламни таъкидлашга хизмат қилади:

Сийналари анордек, гўё пайванди нордек,

**Кулоч-кулоч** сочлари товонин ўпар мордек.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 64-бет).

Гул келтирдим сенга кучоқ-кучоқлаб,

Ол бағрингга, эркам, мени кучоқлаб.

(“Ишқингда ёндим”, 43-бет).

Кулоч-кулоч бирикмаси узунликни англатади. Шу жиҳатдан олганда мисрада **узун-узун** бирикмасини ишлатиш ҳам мумкин эди. Бирок, шоирнинг диди ва маҳорати шундаки, у кулоч сўзини иккилантиришни маъқул топган.

**Узун-узун** бирикмасида мавҳумлик тушунчаси мавжуд, **қулоч-қулоч** жуфтлигида конкретлик ва ифодавийлик кучлироқ намоён бўлади.

Кейинги мисолдаги **қучоқ-қучоқ** бирикмаси ўрнига **даста-даста** бирикмасини қўйиш мумкин. Аммо бу ўринда ҳам **қучоқ** жуфтлиги конкретлиги ва оҳангдорлиги билан эътиборни тортади. Демак, сўз танлашда ижодкорнинг диди, эстетик қараши ҳам катта аҳамият қозонади.

#### 4. Назокат ва нафосатни юзага келтиради.

Ғоз тутмоқдаман қаддимни йиллар **бир-бир** –ўтган сайин,

Завқ бермоқда юракларга эсиб еллар **майин-майин**.

Завқу шавқми оладурму ёқмоқ билан,

Паноқ жойдан **ўғрин-ўғрин** бокмоқ билан.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 83,92-бетлар).

Биринчи мисолдаги жуфтликда шабаданинг ёқимли эсишига урғу берилади. Кейинги мисолдаги жуфтлик маъшуканинг пинҳона қарашларидаги ифбат ва назокатни ифодалаш учун танланган.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратишга тўғри келади. Биринчи намунада бир-бир жуфтлиги истифода этилган. Биз илгариги саҳифаларимизда бу бирикманинг батафсиллик тушунчаси билан алоқадорлигини таъкидлаб ўтдик. Ушбу мисолда эса бу такрорий сўзнинг семантик вазифаси сал бошқачароқ кўзга ташланади. Унда батафсиллик, давомийлик эмас, балки санаш, ажратиб кўрсатиш оҳанглари намоён бўлади. Демак, такрорий сўзларнинг ишлатилишида матн мазмуни ҳам муайян роль ўйнайди.

#### 5. Муболағавий тасвири ҳосил қилади.

Сарф этса-да **дунё** –**дунё** зар,

Устун бўлиб қолмас **дунёга**.

(“Ишқингда ёндим”, 39-бет).

Кўлингда тор-экранларда кўринса гар,  
Бўлар эрди **милён-милён** дил мунаввар.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 143-бет).

Ушбу тасвирларда ҳам такрорий сўзлар матнга мос танланган. Биринчи мисолда миқдорни ифодалаш учун кўп-кўп бирикмасини ишлатиш мумкин эди. Аммо байтдаги танланган шаклда поэтик актуаллик мавжуд бўлиб, унда миқдорнинг даража ўлчови устувордир. Кейинги мисолда сон туркумига мурожаат этилган. Натижада муболаға даражаси ўз-ўзидан юксакликка кўтарилган.

#### 6. Пайт, фурсат ва ҳолатни англатади.

Бенаф ўтмоқда умримиз,

**Чоп-чоп** билан, ташвиш билан...

(“Ўлгунча сизни дерман”, 139-бет).

Ушбу мисолдаги жуфтлик югуриш-елиш маъносидаги ҳолатни кучайтириб ифодалайди. Ўзидан кейин келтирилган **ташвиш** сўзига урғу тушишига ёрдамлашади.

Пайт, фурсат, ҳолат ифодаловчи бундай жуфтликларнинг айримларига разм солинса, ўзгача бир ҳолат кўзга ташланади. Буни куйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Мендан хабар олиб тур,

Бир келиб **гоҳи-гоҳи**...

(“Ишқингда ёндим”, 47-бет).

**Лаҳза-лаҳза** оғритар отган тоши...

(“Ўлгунча қизни дерман”, 215-бет).

Мазкур намуналардаги **гоҳи-гоҳи** **лаҳза-лаҳза** бирикмаларида юқорида таҳлил қилинган жуфтликларга хос кучайтириш оҳанги жуда суёт, аксинча уларда оҳангнинг сокинлашиш хусусияти кўпроқ намоён бўлади. Чунки ҳар иккала жуфтликдаги маъно **аҳён-аҳёнда**, **айрим пайтлар**да деган мазмунни беради. Демак, сифат ўзгаришида охисталик оҳанги сезилади. Ушбу ҳолат градация усулидаги хусусиятни эслатади. Чунки градация ҳодисасида климакс (кучайиш), антиклимакс (пасайиш) каби кўринишлар мавжуд.

Такрорий сўзларнинг услубий товланишларида ҳам мазкур ҳолат ўзини намоён қилади.

#### 7. Товушга тақлид такрорий сўзлар.

Жуфт сўзларнинг товушга тақлид шаклида шаклланган типлари анчани ташкил этади.

Қалдирғоч қилиб **пир-пир**

Учиргил галма-галдан.

Гулгун баҳор –сахий наврўз кириб келди,

Хандон уриб **қиқир -қиқир** кулиб келди.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 51,81-бетлар).

Тақлид сўзларнинг такрорланиши тасвирга манзаравийлик, ҳаётийлик бағишлайди, тингловчига воқеани идрок қилишга кўмаклашади.

Биринчи намунада кушнинг учиши, иккинчи мисолда жонлантириш усули орқали кулгу, шодиёналик оҳанглари кучайтирилади.

Айрим ҳолатларда ушбу тоифа бирикмалар чуқур ҳис-ҳаёжонни ифодалашга ёрдамлашади:

Тақлидий жуфтликлар орасида товуш ва ҳаракат уйғунлигини мужассамлаштирган шакллар ҳам учрайди:

Оғушингда эриб кетай мой бўлиб,  
Дикир-дикир ўйин тушай той бўлиб.

(“Ишқингда ёндим”, 43-бет).

Ушбу байт таркибидаги такрорий сўзлар тойнинг диркиллаб ўйнашига тақлидан берилган. Унда ҳам товуш, ҳам ҳаракат ифодаланиб, ўзига хос таъсирчан тасвир рўёбга чиқади.

**8. Ундов типидagi такрорий сўзлар.**

Ундов сўзларнинг аксарияти товушга тақлид ифодалар воситасида шаклланади. Уларда инсон қалбидаги ҳис-ҳаёжон, тугён, истак, илтижо каби турли оҳанглар жамлашади:

Ҳам гўзал, ҳам нақшлисан ҳаммадан,  
Ҳай-ҳай, оҳу боқишлисан ҳаммадан.

(“Ишқингда ёндим”, 43-бет).

Олдинг тани зоримни зулфи торинга бойлаб,  
Қаймоқдай бай-бай оппоқ сийнали қиз сан мани.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 61-бет).

Биринчи намунадаги жуфтлик ҳайрат, олқиш, иккинчи байтдаги жуфтлик эса мактов, офарин, тасанно каби оҳангларни юксалтиради, шеърга эстетик завқ бахш этади. Натижада тингловчи эътиборининг воқеалар оқимида муносабати кучаяди.

Ўз навбатида асардаги бадий нутқнинг экспрессив –эстетик табиати юксалади, таъсирчанлиги ошади, образлилик юзага чиқади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби. –Т.: 1993. –Б.13. (50)2
2. Ошиқ Эркин. Ўлгунча сизни дерман. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. –Б.240.
3. Ошиқ Эркин. Ишқингда ёндим.. –Урганч, “Хоразм”, 1996. –Б.53.
4. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал –семантик синонимлари. НДДА. –Т.: 1999. –Б.18 (46)
5. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. –Т.: “O`zbekiston”, 2019. –Б.222. (256)
6. Шамсиддинов Ҳ. Кўрсатилган автореферат. –Б. 12-13.

#### УЎК 81-13

### ЎЗБЕК ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА

3. Салишева, ф.ф.д. (PhD), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент

*Аннотация.* Мақолада ўзбек тили машғулотларида интерфаол усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

*Калим сўзлар:* интерфаол усуллар, ўзбек тили, таълим

*Аннотация.* В статье рассматриваются вопросы об использовании интерактивных методов обучения на занятиях по узбекскому языку.

*Ключевые слова:* интерактивные методы, узбекский язык, образование

*Abstract.* In the article analyzed features of interactive methods of learning Uzbek language.

*Key words:* interactive methods, Uzbek language, education

Маълумки, таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боғлиқдир. “Метод” сўзи юнонча “тадқиқот”, ”усул”, ”мақсадга эришиш йўли” маъноларига эга бўлиб, умумий тарзда муайян даражада йўлга қўйилган фаолият кўриниши, мақсадга эришиш усули маъносини англатади.

Интерфаол методлар, яъни билимларни ўргатиш ҳамда ўрганишда таълим берувчи ҳамда таълим олувчиларнинг мазкур жараёндаги фаолликлари, қизиқиш ва ижодкорликлари уларнинг аҳамияти, уни ташкил қилиш, такомиллаштириш, назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш масалаларига қадим замонлардан бошлаб ҳозиргача даврларда буюк мутафаккирлар, устозлар ўз шогирдлари билан машғулотларда ҳамда педагог олимлар назарий тадқиқотларида, педагоглар ўз амалий фаолиятларида жиддий эътибор бериб келмоқдалар. Мазкур йўналишда изланишлар олиб борган Д.А. Ҳидоятлова интерфаол методлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари ҳамда шу жараённинг самарадорлигини ошириш масалаларини илмий-услубий ва амалий жиҳатдан асослаб, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар ўзбек тили ўқитувчиларининг малакасини оширишда “Ўқитувчи портрети”, “Мен орзу қилган мактаб”, “Минора қуриш”, “Бозорча” каби машқларни, “Тўрт тараф”, “Дарахт”, “Билимлар дарахти”, “Ишбилармонлар ўйини”, “Тақдимот”, “Ролли ўйин” каби методларни қўллашни тавсия қилса [3; 47-б.], Х.И.Ибрагимов эса “Ақлий хужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Мунозара усули”, “Давра суҳбати”, “Муаммоли дарс”, “Ролли ўйинлар”, “Алломалар йиғини”, “Буюк сиймолар”, “Табақалаштирилган дарс”, “Хамкорлик”, “Ёзма баҳслар” каби интерактив дарс усулларини тавсия қилади [2; 91-93 б.].

Л.Т.Ахмедова филолог талабаларнинг касбий нутқини ривожлантиришда модул технологияси ва ролли технологиялар, шунингдек, “Кластер” методи, “Венн” диаграммаси, “Эвристик суҳбат”, “Синквейн”, “Инсерт”, “Маттни қандай таҳлил қилиш?”, “Нутқий коммуникатив ситуация”, “Пирамида”, “Башорат харитаси” (карта прогноза), “Айтиб бериш харитаси” (карта расказа) кабиларнинг амалий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, улардан ҳам кенг фойдаланишни тавсия этади [3; 27-28-б.].

Методист олимлар томонидан қайд этилган методлар ўзбек тили машғулотида талабаларнинг монологик нутқини ўстиришга катта ёрдам беради. Олий таълимда ўзбек тили машғулотларини машқларда берилган матнни давом эттириш, матндаги гапларни ёки матн қисмларини ўз ўрнига жойлаштириш воситасида, эшитиш машқларида эса таянч сўзлар воситасида матнни тиклаш ва сўзлаб бериш; ҳафтанинг энг қизиқарли янгиликларини сўзлаб бериш орқали оғзаки нутқ маҳоратини намойиш қилиш; адабий ўқиш учун берилган асар ғоясига муносабат билдириш, асар қаҳрамонларини тавсифлаш юзасидан давра суҳбати, баҳс-мунозара ташкил этиш; ҳозирги куннинг долзарб масалалари бўйича интервью бериш; мустақил машғулоти ўтиш, ишлаб-чиқариш йиғилишини бошқариш ёки соҳа ходими сифатида оғзаки расмий нутқлар намойишини кўрсатувчи тақдимотлар, матбуот конференциясини ўтказиш каби интерфаол методлар воситасида ташкил этиш талабалар монологик нутқини ўстиришда ниҳоятда катта самара беради. Тадқиқот жараёнида ушбу методлар билан бир қаторда коллаборатив ва имитацион технологияга асосланган куйидаги интерфаол методлардан ҳам фойдаланилди. Бунинг учун 2-семестр якунида ҳар бир талабага Ўзбекистон вилоятлари бўйича маълумот тўплаш ва семестр давомида ҳар бир талаба муайян вилоятнинг маъмурий-географик хусусиятлари, мазкур вилоятдаги урф-одатлар бўйича тўплаган маълумотларини 15-20 дақиқа вақт ичида ўзига хос усулда тақдим этиш топширилади. Талаба тақдимоти бошқа гуруҳдошлариникидан кам бўлмаслиги учун тузган сценарий ва слайдлар, кўшимча материаллар воситасида ўзи тўплаган материалларни нотиклик маҳорати билан намойиш этади. Тақдимот методи орқали талабалар 15-20 дақиқалик тақдимоти учун мустақил маълумот тўплаш, тақдимот режасини тузиш, ўз нутқи учун материалларини мустақил тарзда кетма-кет жойлаштириш, нутқида бошловчи, якунловчи гапларни ажрата олиш ва, энг асосийси, монологик нутқлари бўйича эгаллаган малакаларини намойиш қиладилар. Бундай дарсларни коллоквиум тарзида ёки гуруҳлараро «Ким кўп билади?» ёки “Зукколар мусобақаси” методи асосида ўтказиш дарснинг қизиқарли ва жонли ўтишига ёрдам беради. Бунинг учун талабаларни 6 гуруҳга бўлиш ва ҳар бир гуруҳга ном бериб чиқиш даркор. 1-гуруҳ – Самарқанд, 2-гуруҳ – Бухоро, 3-гуруҳ – Хива, 4-гуруҳ – Фарғона, 5-гуруҳ – Наманган ва 6-гуруҳ – Тошкент деб номланади. Ушбу мусобақа-дарсни самарали ташкил этиш учун гуруҳларга вилоят тарихи, обидалари ва ҳозирги куни ҳақида энг кўп маълумот йиғиш ва сўзлаб бериш, кўргазмали материал тайёрлаш, вилоятда яшаб ижод этган алломалар, шоирлар ҳақида сўзлаб бериш, вилоят ҳақидаги шеър, қўшиқ ва романлардан парчаларни ёд айтиб бериш каби топшириқларни олдиндан бериб юбориш мақсадга мувофиқдир.

**“Кластер” методи.** Бунда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади. Масалан, “Фикрни публицистик услубда ифодалаш” мавзусини ўтиш жараёнида даставвал талабалар эътиборини шоир Эркин Воҳидовнинг “Камтарлик” шеърини (Эркин Воҳидов шеърининг шоир томонидан ўқилган варианты мониторингда намойиш қилинади) қаратиб, уларга куйидагича топшириқлар бериш мумкин:

1-топшириқ: Шеърдаги камтарлик сўзининг семантик майдонини тузинг (Ҳар бир гуруҳ камтарлик сўзининг семантик майдонини ёзади ва биттадан вакил чиқиб ўзларининг вариантларини тақдим қилади). Сўнгра шеърдаги ва семантик майдондаги нотаниш сўзлар устида ишланади.

2-топшириқ. Кластердаги нотаниш сўзларининг маъноларини изоҳланг.

3-топшириқ. Кластердаги сўзларнинг синонимини топинг.



**”Жигсо” стратегияси.** Матнни қисмларга бўлиб ўрганиш. Гуруҳларда талабалардан эксперт тайинланади. Ҳар бир гуруҳдаги экспертлар бирга тўпланиб асарнинг мазмунини бошқа гуруҳ аъзоларига қандай қилиб тушунтиришни муҳокама қиладилар ва турли гуруҳларга бориб ахборот алмашадилар. Ўз гуруҳига қайтган эксперт ўзи ўрганган маълумоти билан ўртоқлашади. Абдулла Қаҳҳорнинг “Нурли чўққилар” ҳикояси “Жигсо” стратегияси асосида ўрганилади. Экспертлар топшириқни бажаришни кузатади ва фаол иштирок этаётган талабаларни белгилаб боради. Ҳикоя тўлиқ ўрганилгач, талабаларга “Ўзбек тили” дарслигидаги **“Что такое счастье?”** матнини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш, ҳикоя мазмуни билан уйғун ҳолда “Бахт нима?” мавзусида муҳокама монологик матн тузиш топшириғи берилади.

**“Оқилнинг олти қалпоғи”** методи. Танкидий тафаккурни ривожлантириш амалиётига “олти қалпоқ” метафорасини машҳур психолог Эдвард де Боно олиб кирган ва олти хил усулда “фикрлаш”ни таклиф этган. “Оқилнинг олти қалпоғи” методи одатда воқеа-ҳодисаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, тажрибаларни умумлаштириш бўйича машғулотлар олиб боришда (одатда, адабий ўқишдан, саёҳат-дарс, театр-дарслардан кейин) қўлланилади. Гуруҳ талабалари олтига кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга алоҳида рангда қалпоқ берилади ва қалпоқ рангидан келиб чиққан ҳолда ўз тажрибаси, таассуротлари ва фикрларини тақдим қилиш таклиф этилади. **Оқ қалпоқ** – аниқ маълумотларга асосланилади, факт ва рақамлар орқали фикр юритилади. Бунда ҳеч қандай таъсирчанлик, ҳиссиёт ва субъектив баҳога йўл қўйилмайди. Фақат ва фақат фактларга асосланади. Масалан, ўқиган, кўрган ҳикоя, асар, фильм ва томошадаги бош қаҳрамонларни санаш каби топшириқларга жавоб берилади. **Сарик қалпоқ** - ижобий фикр юритилади. Мақол, ҳикматли сўзлар, шунингдек, асар, ҳикоя, фильм, театрлардаги воқеа-ҳодиса ва қаҳрамонларнинг фақат ижобий томонлари очиб берилади ва асосланади, сабаби кўрсатилади. Масалан, Ҳар куш ўз уясида эркин, чунки ... **Қора қалпоқ** – сарик қалпоқчанинг акси. Бунда салбий фактлар ва унинг сабаблари очиб берилади, асосланади, танкид қилинади. **Қизил қалпоқ** - ички ҳис туйғуга асосланади. Ўз ҳис-туйғуларидаги юзага келган ҳолатларни кўриб чиқиётган воқеа-ҳодисалар билан боғлаш зарур. Лекин асослаш талаб этилмайди. **Яшил қалпоқ** - ижодий, янги фикрлар берилади. **Кўк қалпоқ** – хулоса қилинади, умумлаштирилади. Масалан, дарсликда берилган “Вода – это жизнь” матни гуруҳларда таржима қилинади ва “Сув бу – тухфа, инсоннинг унга муносабати эса қандай?” масаласи “Оқилнинг олти қалпоғи” ёки “Фикр ҳимояси” усулида бажартирилади.

Таълим жараёнида тингловчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиришда график организерлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. График организерлар – таълимда кўзланган мақсадга эришиш имконини берувчи чизма, жадвал, графиклар мажмуи. Агар график организерлар тайёр (тўлдирилган) ҳолда қўлланса восита, талабаларнинг машғул мавзусига доир билимларини мустаҳкамлаш ва монологик нутқини, фикрлашини ривожлантириш мақсадида ишлатилса, метод вазифасини бажаради. График организерлар талабалар мавзу юзасида маълумотларга эга бўлгач, ушбу воқеа юзасидан мустақил фикр юритишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, график организерлар талабаларнинг билиш учун энг зарур бўлган қизиқиш, эҳтиёж, интилиш каби мотивларни шакллантиради. График организерларнинг энг фойдали шакллари “Мунозара картаси”, “Концептуал жадвал”, “Т–чизма”, “Икки қисмли кундалик”, “Уч қисмли кундалик”, “Мақсадли диаграмма”, “Нима учун?”, “Қандай” кабиларни киритиш мумкин.

**Вени диаграммаси методи** график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради. Масалан, амалдаги “Ўзбек тили” дарслигида адабий ўқиш учун берилган “Хиёнат” афсонасининг асосий мазмунини ифодаловчи **хиёнат** ва **садоқат** сўзларини талабалар мазкур диаграмма орқали шархлайдилар. Ҳар бир кичик гуруҳ мавзу юзасидан ўз фикрини кенгайтирилган тарзда ифодалайди. Топшириқни бажаришда уларга фикр ифодалашда кириш сўзлардан фойдаланиш кераклиги айтилади. Сўнгра гуруҳлар тақдимотлари ўтказилади.

**“Мунозара картаси”** стратегияси орқали талабаларга ҳикоя қаҳрамонининг салбий ва ижобий фазилятлари рўйхатини тузиш топшириғи берилади.

**Т-чизма** мунозара вақтида қўшалок жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш зид жавобларни ёзиш учун универсал график организер ҳисобланади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикоясини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт талаба Т–чизмани тузиши ва беш минутдан кейин, чизманинг чап томонида Сотиболдиннинг хотинини сақлаб қолиш учун беш дақиқа ичида ўйлаб топиш мумкин бўлган сабабларни ёзиши мумкин. Сўнгра беш дақиқада улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш минут мобайнида ўз Т–чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

Хулоса қилиш керакки, дарсларда бундай интерфаол метод ва усуллардан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил изланишга, уларнинг ижодкорлик фаолиятининг ривожланишига, энг муҳими, дарсларда берилаётган грамматик ва лексик материалларни амалда татбиқ этишга ҳаракат қилишига ёрдам беради. Бундай дарслар ўқитувчидан ташкилотчилик, холислик ва хушёрлик билан ўқувчидан бошқариб туришни талаб қилади. Таълим жараёнида интерфаол

методаларни қўллаш фанлар мазмунининг пухта бўлишига, талабаларнинг фаоллашувига ҳам ёрдам беради, талабани мустақил изланишга, ижодкорлик фаолиятининг ривожланишига, энг муҳими, дарсларда берилган грамматик ва лексик материалларни амалда татбиқ этишга ҳаракат қилишига ёрдам беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов УЗГУМЯ. – Т., 2009. – 159 с.
2. Ибрагимов Х.И. Педагогик психология: Педагогика ва психология бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамият нашриёти, 2009. – 400 б.
3. Хидоятова Д.А. Интерфаол таълим. – Т.: “Абу матбуот консалт” нашриёти, 2016. – 68 б.
4. Muxitdinova X.S., Salisheva Z.I., Po'latova X.S. O'zbek tili (oliy o'quv yurtlari rusiyzabon guruhlari uchun darslik). –Toshkent: O'qituvchi, 2012. –288 b.

УЎК: 811.512.133'36-25(043.3)

### ИНДИВИДУАЛ, ИЖТИМОЙ ГУРУХ ВА ХАЛҚ ЛЕКСИКОНИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Г.М. Сапарбаева, мустақил тадқиқотчи, Урганч давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада оғзаки мулоқот актининг асосини ташкил қилувчи лексикон ва унинг индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва халқ тили туркумлари ҳақидаги лингвистик қарашлар баён қилинган. Мулоқот актидаги тил лексиконининг концептуал ва контекстуал лексик бирликлари фарқланиб, янги ёки кўчма маъноси луғатда ўз аксини топиши, луғат таркибига киритилиши масалалари муҳокама қилинган.

**Калим сўзлар:** мулоқот, лексикон, лексик бирлик, индивидуал, ижтимоий гуруҳ, халқ тили, лингвистик, муносабат

**Аннотация.** В этой статье описывается лексика, лежащая в основе устного общения, и ее лингвистические взгляды на индивидуальные, социальные группы и народные категории. Выделены концептуальные и контекстные лексические единицы языковой лексики в акте общения, обсуждаются вопросы отражения нового или переносимого значения в словаре, его включения в словарь.

**Ключевые слова:** общение, лексика, лексическая единица, индивид, социальная группа, просторечие, лингвистика, установка

**Abstract.** This article describes the lexicon that forms the basis of the act of oral communication and its linguistic views on individual, social group and vernacular categories. The conceptual and contextual lexical units of the language lexicon in the act of communication are distinguished, the issues of whether the new or portable meaning is reflected in the dictionary, its inclusion in the dictionary are discussed.

**Keywords:** communication, lexicon, lexical unit, individual, social group, vernacular, linguistic, attitude

Мулоқот актидаги тил лексиконининг контекстуал, янги ёки кўчма маъноси луғатда ўз аксини топиши, луғат таркибига киритилиши масалалари, иборалар муҳокамаси баҳс - мунозарали мавзуларга айланган. Ижтимоий муносабатлардаги нутқий фаолиятда юзага келган, муайян вазият, ҳолат, ходисалар мазмунини тўлиқ ифодаловчи битта сўз ёки атаманинг мавжуд эмаслиги ёки ифода ва таъсир кучини тафаккур ва инсон наздидагидек етарлича ифодалаш учун инсонлар мулоқотда ибора, фраза, фразема, сўз бирикмаларидан фойдаланадилар ёки бошқа тилдаги сўзни ўз тилига ўзлаштириб оладилар. Шунга қарамасдан, фонология, морфология, семантика, синтаксис каби лингвистик системаларда лексикон аниқ ва фаол тизим саналади.

Табиий тил лексикони шу тилда гаплашадиган халқнинг дунёвий ва маданий тушунчаларини ифодаловчи лексик бирликлардан иборат. Ўзбек тилида ушбу лексик бирликлар фоал ва нофоал лексик қатламлар, касб-корга оид атама ва термин қатламлари, фразалар, иборалар, мақол ва панд-насихат каби турларга ажратилиб, алоҳида тадқиқ қилинган. Лекин мулоқотдаги тил нуктаи назаридан олиб қараладиган бўлса, табиий тилнинг мавжуд лексиконини бир киши миясига сиғдириши қийин, аммо инсонлар кундалик мулоқотда нафақат она тили, балки чет тиллар лексиконидан ҳам фойдаланадилар. Демак, ҳар бир инсоннинг ўз лексикони бўлиб, бу унинг дунёвий билимлари, маданий тушунчалари, этник хусусиятларини ўзида акс эттиради. Инсон мулоқот жараёнидаги нутқ фаолиятида ушбу билим, тушунча ва шахсий моҳиятини намоён қилади. Жонли тил мулоқотида фойдаланилаётган лексик бирликлар ўзининг фонологик, синтактик, семантик ва прагматик хусусиятини уйғун интеграл ҳолда ифодалайди. Мулоқот иштирокчилари мақсадига мувофиқ ахборот алмашинувини таъминлайди. Ушбу фаолият орқали индивидуал лексикон бошқа бир ёки бир қанча индивидуал лексикон билан ҳамкорликда ижтимоий гуруҳ лексиконини яратади. Муайян ижтимоий соҳа вакиллари ўзаро мулоқотида фойдаланадиган лексик бирликлар соҳа лексиконини ташкил қилади. Бу борада жаҳон тилшунослигида, шунингдек, ўзбек тилшунослигида ҳам олиб борилган тадқиқотлар, асосан, термин ва атамалар тадқиқи бағишланган бўлиб, соҳавий лексикага оид тил, фразеологик бирикмалар ва иборалар тадқиқи соҳага ихтисослашган ҳолда янги тилшунослик тадқиқотларига асос бўлиши

мумкин. Бундай илмий тадқиқотлар биз кундалик ижтимоий фаолиятимиздаги нутқда фойдаланадиган, аммо анъанавий адабий тил луғатларга киритилмаган лексик бирликларнинг адабий тил доирасига киришига, тилимиз ифода қувватининг бойишига, қолаверса, ўзлашмаларни тилга қабул қилиш масалаларининг ҳал қилинишига ёрдам беради.

Индивидуал ва ижтимоий гуруҳ лексикони истеъмолдаги умумхалқ ёки миллий тил лексиконидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Демак, барча тиллар қатори ўзбек тилида ҳам мулоқот актида индивидуал, ижтимоий гуруҳ ва миллий тил лексикони фарқланади. **Индивидуал лексикон** бу сўзловчининг ўзигагина тегишли бўлган бир ёки бир неча тилга мансуб лексик бирликлар тўплами бўлиб, унинг ҳаётий тажрибаси давомида тўплаган билимларини ифодаловчи фаол ва нофаол лексик бирликлардан иборат сўз бойлигидир. Сўзловчи индивидуал лексикони ҳамда нутқ қобилияти ҳамкорлиги ёрдамида мулоқотнинг самарали, таъсирчан, тушунарли ва мазмунли бўлишини таъминлайди. Шу ўринда индивидуал лексикон турини ижтимоий гуруҳ ёки миллий тил лексиконига нисбатан қиёслаш, уни кичикроқ гуруҳ деб санаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки инсон ўз тил билимларини бошқа тил орқали ҳам бойитиши мумкин, оғзаки мулоқотда бир неча тилдан фойдаланиши, ўз она тилида мавжуд бўлмаган лексик бирликлар ўрнини мулоқот эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, чет тилидаги лексик бирликлар билан тўлдириши мумкин. Шу маънода, ҳар бир инсоннинг лексикони фонетик, лексик, семантик, грамматик ва прагматик жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Мулоқот актидаги индивидуал лексикон ўзида лексик, иборали, контекстуал, дискурсив ҳамда лингвистик маънони акс эттиради. Оғзаки мулоқот актидаги лексик бирликларнинг семантик ва структур таҳлилини мулоқот, суҳбат таҳлили сифатида экстралингвистик соҳалар психология, суд - тергов, таълим тизимида, қолаверса, турли ижтимоий соҳа вакиллари нутқи таҳлилида қузатишимиз мумкин. Оғзаки мулоқот актида индивидуал лексикон мавзу, сўзловчининг мулоқот объектига ва тингловчига муносабати, сўзлашув услуби ва шахсий фикрига асосланган ҳолда семантик муносабатга киришиб, синтактик тизим ҳосил қилади ва инсон нутқ фаолияти, сўзлашув ва мулоқот қобилияти орқали уни тингловчига ўз ҳиссиёти ва сезгилари билан бойитилган прагматик усул ёрдамида етказилади. Оғзаки мулоқот актида индивидуал лексиконнинг қўлланиши сўзловчининг билим, кўникма ва малакаси маҳсули бўлиб, унинг тафаккур даражаси, одоби, ахлоқи, хулқи, тарбияси ҳамда ўзини ўраб турган оламга муносабатини белгилаб беради.

Дискурс тилшуносликда оғзаки мулоқот актидаги индивидуал лексикон таҳлиliga алоҳида урғу берилган бўлиб, унда ҳар бир лексик бирлик вазият ва инсон хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиниши лозимлиги таъкидланган. Чунки сўзловчи оғзаки мулоқот актида фойдаланадиган ҳар бир лексик бирлик ёки жумла асл моҳият ҳақиқатнинг чин ёки ёлгон ифодаси бўлиши, бунда сўзловчининг субъектив жиҳатлари ҳам инobatга олинishi лозим. Индивидуал лексикон масаласида олиб борилган тадқиқотлар, асосан, рус тилшуноси Л.С. Викоцкий [4] ва унинг фикрларига таянган ҳолда Т.В. Акутина ўзининг “Инсон индивидуал лексикони тузилиши муаммолари (Л.С. Викоцкий фикрлари асосида)” [1] номли рисоласида, ҳинд тилшуноси Пракаш Мондал ўзининг “Лексикон, маъно муносабатлари ва синтактик тизим” [3], Сузанна Куминг “Матн яралишида лексикон роли” [2] рисоаларида таҳлил қилинган бўлиб, нисбатан замонавий тилшуносликнинг янги масалаларидан бири сифатида тадқиқ объекти бўлиши мумкин.

Лексиконнинг иккинчи тури **ижтимоий гуруҳ лексикони** бўлиб, муайян соҳада касб ёки истақлар муштараклиги юзасидан ҳамкорлик қилувчи инсонлар оғзаки мулоқотига хос бўлган лексик бирликларни ўзида жамловчи ижтимоий соҳанинг лексик қатламидир. Ижтимоий гуруҳнинг оғзаки мулоқот лексикони таҳлили ва тадқиқи натижасида яратилган соҳага оид термин ва атамаларнинг этимологик, изоҳли, таржима ва сўзлашгич луғатлари барча соҳани тўлиқ камраб олмаганлиги бу борада илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо қилади. Бундан ташқари, ижтимоий гуруҳ лексикони нафақат термин ва атамалар, балки сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар, иборалар (метафорик бирикмалар) ва синтактик конструкциялардан иборатдир. Ижтимоий гуруҳ лексиконининг мулоқот имкониятларини суҳбат таҳлили орқали амалга ошириш мумкинлиги когнитив ва дискурс тилшуносликда ўз исботини топган. Ушбу тадқиқотлар самараси сифатида бизнес мулоқот тили, академик тил, адабий тил, сўзлашув тили каби ижтимоий гуруҳ номлари, шунингдек, лексикони тилшунослик тадқиқотларида акс этди. Индивидуал лексикон таркибий қисм сифатида ижтимоий гуруҳни бойитиши ва тўлдириши мумкин. Масалан, машҳур инглиз драматург ёзувчи ва шоири Уильям Шекспир ўз асарларини яратиш борасида адабиёт соҳасига ўзининг ижод маҳсули сифатида 1700 дан ортиқ лексик бирликларни киритиб, адабиёт лексиконида шекспиризмлар номли кичик қатлам яратган ва ҳозирги кунда нафақат ижод аҳли, балки кундалик сўзлашув мулоқотида ҳам инсонлар ушбу бирликларни қўллайдилар. Ўз навбатида, индивидуал лексикон ижтимоий гуруҳ лексиконидан фойдаланади. Масалан, футбол шарҳловчиси нутқидан олинган мулоқот акти:

- *Еттинчи рақамли ўйинчи тўпни бош зарба билан шеригига узатди, шериги тўпни қабул қилиб олди, олдинга интилмоқда, ҳужум, чап қанот ҳимояни ёриб ўтди, дарвоза томон тўпни йўллади, зарба! Гоол! (Ҳайқириқ билан) [5].*

Ушбу нутқ актида лексик бирликлар жараёни тасвирлаш учун синтактик занжир ҳосил қилган, аммо бу занжир ёзма нутқ қоидаларига тўлиқ мос деб бўлмайди. Шарҳловчи индивидуал ва ижтимоий

гуруҳ лексиконидан фойдаланиб, виртуал воситалар орқали бўлса-да томошабинни ўзига эргаштириб гуруҳ ҳосил қилади, уларни футбол бир-бирига боғлайди.

**Халқ тили лексикони** - бу инсонлар болалигидан она тили сифатида ўзлаштирган сўз ва тил билимлари бўлиб, муайян этник гуруҳга мансуб инсонлар нутқ фаолиятида фойдаланадиган тилда мулоқот асосини ташкил қиладиган суҳбатда намоён бўладиган ва яшайдиган лексик бирликлар қатламидир.

Маълумки, лексикон тил ва у ифодалаган билим ўртасида боғловчи воситадир. Ҳар бир тил алоҳида сўз бойлигига эга, аммо бу тиллар оламдаги мавжуд чексиз концептлар тизимини ифодалаш учун сўз қатламлари ва уларнинг грамматик механизмини таъминловчи омил ҳамдир. Турли тиллар ўзида мавжуд лексик бирликларнинг фонетик, лексик ва грамматик жиҳатидан фарқ қилади. Ушбу фарқлар уч шаклда оғзаки мулоқот актида намоён бўлиши мумкин.

Биринчидан, фоносемантик шаклда, яъни миллий тил лексикони таркибидаги лексик бирлик талаффузи, ифодалаган маъноси ва концептуал жиҳатдан фарқланиши мумкин.

Масалан: боргандим - борган эдим – борвадим.

Юз- афт- башара – чеҳра – ораз.

Эшикни ёпмоқ – қулфламоқ – илмоқ.

Талаффуздаги фарқлар, ундош ва унли товуш талаффузидаги фарқлар нутқнинг муайян тилга хос эканлигини белгиловчи омиллардир.

Иккинчидан, оғзаки мулоқот актида мулоқотдаги миллий тил лексикони тизими **тузилиш** жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Бунда тилнинг грамматик структураси дискурс жумласидаги сўзлар жойлашув тартибини, инсонда шаклланган миллий онг, тафаккур, мулоқот вазияти ёки сўзловчининг мулоқот объектига муносабати асосида белгилайди. Шу асосда жумла ичидаги сўз тартиби яралди. Лексикон тузилишидаги фарқлар маъно муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда семантик маъно ва мазмун акс этади. Бунга мисол сифатида гапда сўз тартибининг ўзгариши билан маъно ўзгариш ҳодисасини мисол қилишимиз мумкин.

Учинчидан, миллий тил лексикони **маданий** жиҳатдан фарқланиши мумкин. Тилда ифодаланган концепт ушбу тилда мулоқот қилувчи халқнинг маданияти, ижтимоий фаолияти ва тил муҳити томонидан белгиланади. Жумладан, ўзбек халқи маданияти ижтимоий фаолияти ва тил муҳити (она тили ёки иккинчи тил сифатида қўлланилиши) бу тилда коммуникатив мулоқот майдонини ҳосил қилиши, кундалик истеъмолида фойдаланиши, замонлар оша тил унсурларини биров ўзгаришлар билан бўлса-да, бир авлоддан кейинги авлодга етказиши, уни илм- фан, бизнес, китоб ва сўзлашув тили лексикони тарзида фойдаланишидаги фарқлар миллий тил лексиконининг маданий фарқлари деб айтилади. Оғзаки мулоқот актида лексикон, хусусан, индивидуал ижтимоий гуруҳ ёхуд миллий тил лексикони муҳим бўлиб, унда тингловчи лексикон орқали мулоқот матни мазмунини, мавзусини тўлиқ тушуниши ва мантиқий хулосага эга бўлишини таъминлаш талаб қилинади. Шу билан бирга, бу талаффуз ўзгариши, ахборот етказиш усули, матнни хулосалаш, хабар тури, саволга жавоб, дискурс тури ва таржима ёки компьютер матнига ўзгариш киритиш амалларининг бажарилишига қараб ўзгариши мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам лексикон синтактик, семантик ва прагматик сатҳда ифодаланиб, мулоқотга маъно ва мазмун бахш этади. Мулоқот воситаси сифатида лексикон тилга тобе ва айни пайтда тил мустақиллигига эга. Шу билан бирга, қисман мулоқот иштирокидаги ўрни ва қўлланилишига боғлиқ бўлади. Шунингдек, у тил ҳақидаги барча маълумотларни қамраб олиши шарт эмас, аммо шу нутқий фаолияти доирасида етказиладиган тил ахбороти ва лексик бирликларини мулоқот тили грамматикаси, мулоқот меъёрлари, матн тузилишига мос ва эркин, аммо концепт мазмунига тобе структура сифатида ташкиллаштириш имконини яратади. Шу аснода инсонлар ўзаро оғзаки нутқий фаолият орқали мулоқотга киришадилар.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ахутина Т.В. Проблема строения индивидуального лексикона человека в свете идей Л.С. Выготского// серия 14, №4, «Психология», Вестник Московского Университета, . 1994, - С. 44-51
2. Cumming S. The Lexicon in Text Generation, USC/ISI, -P. 242-256 <https://www.aclweb.org/anthology/H86-1023.pdf>
3. Prakash Mondal.Lexicon, Meaning Relations, and Semantic Networks Indian Institute of Technology Hyderabad Kandi, Sangareddy, Telangana 502285 , India [http://ceur-ws.org/Vol-2244/paper\\_04.pdf](http://ceur-ws.org/Vol-2244/paper_04.pdf)
4. Vokotsky L. S. Pedagogical Psychology, Moscow: Pedagogy Press. 1999 . - P. 23
5. O`zbekiston TV. Sport kanali. Sharhlovchi nutqidan na'muna, 20- Iyul, 2020

УЎК 81-13

### ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎРТА АСРЛАРДА ҚИРОЛЛИК ОИЛАСИГА МАНСУБ АЙРИМ СПОРТ ТУРЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

*Х.А. Саримсоков, докторант, Наманган давлат университети, Наманган*

**Аннотация.** Тилишунослик ва спорт соҳаси бир-бирига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу мақолада Англияда вужудга келган жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари орқали спортга оид лексик бирликларнинг тарихий-генетик илдизлари ҳақида фактик-аналитик маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кураш, найза, отбоқар, пример лига, нумаркет, крикет



**Аннотация.** Лингвистика и спорт взаимосвязаны. Эта статья представила фактическую аналитическую информацию об исторических и генетических корнях спортивных лексических единиц через физкультуру и спортивные игры, которые появились в Англии.

**Ключевые слова:** борьба, копье, конюх, премьер-лига, ньюмаркет, крикет

**Abstract.** Linguistics and sport are interconnected. This article has presented factual analytical information about the historical and genetic roots of sportive lexical units through physical education and sports games that appeared in England.

**Keywords:** wrestling, javelin, groom, premier league, newmarket, cricket

Ҳозирга қадар терминологияга оид тадқиқотларни амалга ошириш мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Бу фан ва техниканинг жадаллик билан ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ахборот ҳажмининг ортиши натижасида терминологик лексиканинг тобора кенгайиб бориш жараёни билан изоҳланади. Мазкур жараён турли соҳага оид терминларни илмий жиҳатдан ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди. Мақоламизда Англияда вужудга келиб фақат қироллик оиласи вакиллари мунтазам шуғулланган айрим спорт ўйинлари орқали уларнинг лексик бирликлари тарихий-генетик илдизлари ҳақида маълумотларни келтирамыз.

Илмий асосларга қўра, Ласкодаги (Франция худуди) қадимий ғор тасвирлари **кураш**нинг энг қадимги спорт тури эканлигини тасдиқлайди. Ушбу спорт тури қарийб 1 530 йил аввал пайдо бўлган. Британия худудида **кураш** – **wrestling** нинг оммалашуви милоддан аввалги 55 йилда Рим империясининг ушбу худудга кириб келиши билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, **running** – **югуриш**, **javelin throwing** – **найза отиш** каби спорт турларининг ҳам кенг оммалашушига катта ҳисса қўшган. Бу учала спорт тури ўша даврларда ҳам Олимпиада ўйинлари таркибига киритилган [3; Б. 4]. Демак, кураш, югуриш, найза отиш, акробатика каби спорт турларининг пайдо бўлиши инглиз тили луғавий таркибида *wrestling, frangible lance, chess, ground crew, horse master* каби сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Бирлашган Қироллик худуди *футбол, крикет, регби, гольф* каби бир қанча нуфузли спорт турларининг тараққий этган бўлсада, ушбу мамлакатда умумий спорт турларининг тараққиёти икки муҳитга боғлиқ бўлган. Жумладан, *оддий халқ ўйинлари (футбол, крикет, регби, гольф в.х.)* ва *қироллик оиласи вакиллари ўйинлари (шахмат, акробатика, ов, лочин ёрдамида ов ва в.х.)* каби спорт турларидир. Ирсий ёки наслий тафовутлар икки йўналишдаги спорт иштирокчиларини бир неча асрлар давомида қатъий ажратиб турган.

Ўрта асрларда Буюк Британияда қироллик аъзолари ва сарой аъёнларининг вақтини мароқли ўтказиш мақсадида бир қанча спорт турлари мавжуд бўлган. Масалан, аёллар кўпроқ бўш вақтида **chess** – **шахмат**, **acrobatics** – **акробатика** билан шуғулланишган, эркаклар эса **hunting** – **ов**, **falconry** – **лочин ёрдамида ов** қилиш билан шуғулланишган [2; Б.12].

Буюк Британияда “Ancient History Encyclopediya” – “Қадимги Тарих энциклопедияси”да тарихшунос Марк Картврайт (Mark Cartwright) томонидан чоп этилган “Medieval Tournament” – “Ўрта асрлар Мусобақаси” номли тарихий-мемуар рисолада спорт беллашувларига куйидагича таъриф келтирилган: “*The medieval tournament was a forum for European knights where they could practise and show off their military skills in activities such as jousting or the mêlée, indulge in a bit of pageantry, display their chivalrous qualities and win both riches and glory*” [2; Б.7].

**Таржимаси:** “*Ўрта асрлар мусобақаси Европа рицарлари учун от устида найзабозлик ёки қўл билан олишув ва жанговор маҳоратларини намойиш қила оладиган, бир оз томоша кўрсатиб, ўзларининг рицарлик сифатлари ҳамда иқтидорларини намоён этиб, бойлик ва шуҳратни қўлга киритадиган тадбир эди*”.

Ушбу мусобақа Европа халқлари орасида ҳам оммалашиб, IX асрдан XVI асргача давом этган. Унинг аҳамиятли томони шундан иборат эдики, мазкур тадбир кучли жангчиларни машҳур спортчиларга айлантирган дастлабки мусобақа бўлган. Бу спорт тури халқ тилида бир неча номлар билан номланган: **melee** (французча “*mêlée*” – *қўл жанги*), **tourney** ёки **tournoi** – *мусобақа*, **hastilude** – *беллашув*, **jousting** – *от устида найзабозлик* (махсус йўлақда, узун ёғоч найза билан қарама- қарши томондан чоғиб келиб, от устида олиб бориладиган олишув). Ташкил этилган мусобақаларда қироллик оиласи ва сарой аёнлари мунтазам иштирок этган. Оддий халқ ушбу спорт турини томоша қилган, бироқ шуғулланиши ман этилган. Мазкур спорт тури орқали 40 дан ортиқ атамалар вужудга келган. Масалан: **armour** – иштирокчи совути; **caparison** – отга кийдирилган рамзий мато, **chamfron** – отнинг пешона ва юз қисмини ҳимоя қилувчи темир қалқон, **crest** – бош кийим устидаги рамзий белги (пат, шох, хоч,...), **crinet** – от кўкрагини ҳимоя қилувчи совут, **ecranche** – иштирокчининг чап тарафида турувчи ёғоч қалқон, **frangible lance** – узунлиги 3,3 метр бўлган мўрт ёғоч найза, **groom** – иштирок этадиган отга тайинланган назоратчи, **ground crew** – мусобақа ташкилотчиси, **helm** – дубулға, **heraldry** – иштирокчининг кийими ёки байроқ ранглари, **horse master** – отлар ҳолати назоратчиси, **marshals** – мусобақа ҳакамлари, **runners** – майдонда қолган ярқисиз қуроқларни тозаловчи одам, **sabatons** – иштирокчининг сон ва оёқ қисмларини ҳимояловчи темир қоплама, **tilt yard** – мусобақа ўтказиладиган майдон [2; Б.16]. Ҳозирги кунда бундай спорт тури расман ташкил этилмайди. Аммо Британиянинг

миллий байрамларида Йоркшир, Сассекс, Ноттингем каби тарихий шаҳарларда меҳмонлар учун рамзий, кўргазмалли чиқишлар ўтказилади.

Англияда ўзига хос тарихга эга бўлган яна бир спорт тури бу **horse racing** – **от пойгаси** бўлиб, Авлиё Биданинг ёзишича, инглизлар от парвариш қилишни милодий 631 йилда бошлаган. Ёзма манбаларда қайд этилишича, пойгачи отларнинг пайдо бўлиши XI асрда салиб юришидан қайтган инглиз рицарларининг ўзлари билан араб отларини мамлакат худудига олиб келиши билан боғлиқ [1; Б.2]. Англия қироли Чарльз II (айрим манбаларда Карл II, 1660–1685)нинг ҳукмронлик даври от пойгаларининг ривожланиш даври ҳисобланади. Манбаларда ёзилишича, отлар пойгаси черков ақидалари билан уйғунлашган, театр ва асосий кўнгилочар томошаларни ташкил этишдан мақсад оддий халқни чалғитиш бўлган. Бу даврга келиб пойга қирол буйруғига биноан махсус тартиб-қоидалар орқали стандартлаштирилган ва 1667 йилда у **Newmarket** – **Нюмаркет** (ҳозирги номи **Newmarket Racecourse**) отчопар майдонини бунёд этишга фармон берган [5; Б.36]. Қоидаларга мувофиқ, мусобақада фақат икки от иштирок этган. Совриндорлар қиролнинг махсус совғалари билан тақдирланишган. От пойгалар стандарти Қиролича Анна (1702–1714) фармони билан бутунлай янгиланади. Фармонга кўра, 1711 йил август ойида профессионал пойгачи отлар учун **Ascot** – **Аскот** (ҳозирги номи **Royal Ascot**) отчопар ўйингоҳи бунёд этилади [5; Б.385]. Мусобақада иштирок этувчи отлар сони иккитадан олти-саккизтагача оширилади ва пойгачи отлар ғолиблик учун икки йўналишда беллашишни бошлайди: 1) **short distance** – **қиска масофа** учун ўтказиладиган мусобақа; 2) **long distance** – **узоқ масофа** учун мусобақа. Профессионал чавандозларни тайёрлаш мақсадида 1750 йилда **Jockey Club** – **чавандоз клубига** асос солинади [5; Б.400]. Ҳозирга келиб эса бу ташкилот Буюк Британиядаги энг катта пойгаларни ташкил этувчи ташкилот ҳисобланади.

1990 йилда ҳукумат Бош Вазирлиги учун бўлиб ўтган сайловларда ғолиб бўлган Жон Мейр (1990-1997) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида беназир ишларни амалга оширди. Ж.Мейр давлатнинг жисмоний тарбия ва спортга оид ишларини Вестминстер саройидаги Парламент ислохотлар дастурининг биринчи муҳокамасига қўйишга қарор қилган ва аввалги хатоларни тузатиш мақсадида Британия мактабларида ҳар ҳафтада камида икки соат жисмоний тарбия ва жамоавий спорт билан барча (манбада катта ҳарф билан ёзилган) болалар шуғулланиши лозим деган ғояни илгари сурди [4; Б.4-5].

Инглиз ва ўзбек тили спортга оид бирликларнинг тараққиёт босқичлари икки тилда ҳам давр ва ундаги тузум билан чамбарчас боғлиқлигини кузатилди. Фарқли жиҳати шундаки, ўзбек тилида спортга оид бирликларнинг қўлланиши узоқ даврга бориб тақалсада, мустақилликдан кейингина халқаро термин сифатида қўлланила бошланди. Бирлашган Қиролликда, қирол ва аёнлар учун (шахмат, от пойгаси, лочин ови, гимнастика) алоҳида спорт турлари, оддий халқ учун (футбол, крикет) спорт турлари мавжуд бўлган. Шу боис соҳа терминлари инглиз тили ва Британия маданиятида неча асрлардирки, муҳим ўрин тутди. Ҳозирда давлатда юзлаб турдаги спорт ўйинлари тараққиёти йўлида истиқболли ислохотлар олиб борилмоқда.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bede V. Origin and Progress of Horses and Horse-racing in this island. The Sporting Magazine. – London, October 1792. – P.2.
2. Cartwright M. Ancient History Encyclopedia. Medieval Tournament. – United Kingdom, 2018. – P. 7.
3. Simone. The 5 Oldest Sports in the World. – Catawiki Press, 2018.–P. 4.
4. Tim T. Sports, history and culture. Sport and politics: From Thatcher to Cameron – Who will be next? – 2015. – P. 4-5.
5. Whyte J. Ch. History of the British turf from the earliest period to the present day, Volume I. – London, 1840. – P. 36, 385, 400.

УДК 81-13

#### СТРАТЕГИИ ПОДХОДОВ

*Г.Х. Тураева, преподаватель, Термезский Государственный Университет, Термез*

**Аннотация.** Ушбу мақола ёндашувлар стратегияси билан шуғулланади. Ёндашувларнинг икки тури мавжуд: индуктив ёндашув ва дедуктив ёндашув. Улар орасидаги фарқни умумлаштираман.

**Калим сўзлар:** грамматика, ёндашув, мунозара, турли, умумий

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются стратегии подходов. Существует два типа подходов: индуктивный подход и дедуктивный подход. Я обобщаю разницу между ними.

**Ключевые слова:** грамматика, подход, дискуссия, разное, общее

**Abstract.** This article deals with the strategies of approaches. There are two types of approaches: inductive approach and deductive approach. I generalize the difference between them.

**Key words:** grammar, approach, discussion, different, general

Обучение эффективному письму является одним из самых важных навыков, которые педагоги прививают своим ученикам на протяжении всей жизни. При обучении навыкам учителя должны быть уверены в том, что они выбирают ресурсы и вспомогательные материалы, которые не только помогают им в обучении письму, но и будут наиболее эффективными в том, чтобы помочь своим ученикам

научиться учиться. Когда дело доходит до творческого мышления, ученики могут столкнуться с нехваткой идей или иметь их так много, что они не могут сузить их. Творческое мышление по педагогическим подсказкам, таким как странные ситуации или предложения необычного характера, часто запускает поток идей. Может потребоваться толчок, чтобы привести воображение в движение, но как только оно активируется, ученики и идеи творческого мышления взлетают, и их невозможно остановить. Само обучение является целью образования. Работая над этим исследованием, мы стремились узнать все обо всех навыках, а также о том, как обучать учеников, используя различные типы методов в процессе обучения. Затем эти области знаний должны быть надлежащим образом активированы, чтобы быть доступными для использования в регулярной практике устной речи в классе и за его пределами. Важно отметить, что в том, что касается стадий ментальной обработки, участвующих в разговоре, нет большой разницы между родным и целевым языками. И то и другое объединяет процессы концептуализации, формулирования, артикуляции, самоконтроля и переговоров. Однако умение говорить не может быть автоматически перенесено с первого языка говорящего на второй. Даже обширные знания грамматики и лексики изучаемого языка, часто представленные продвинутыми студентами факультетов иностранных языков, не гарантируют успеха в устном общении, когда эти знания не интегрированы должным образом или не доступны.

Проблемы в разговорной речи могут дополнительно усугубляться чрезмерным использованием процессов самоконтроля и тенденцией формулировать высказывания в первую очередь на родном языке. Эти мыслительные операции создают очевидные издержки в плане беглости и могут привести к созданию искусственного дискурса. Другие проблемы, которые обычно наблюдаются в языковых классах, связаны с личностью отдельных учащихся и их отношением к процессу обучения и, в частности, к обучению разговорной речи. Их можно определить следующим образом:

\* заторможенность-боязнь ошибиться, потерять лицо, критика; застенчивость;

\* нечего сказать – учащиеся испытывают проблемы с поиском мотивов для выступления, формулированием мнений или релевантных комментариев;

\* низкое или неравномерное участие-часто, вызванное тенденцией некоторых учащихся доминировать в группе.

Использование родного языка-особенно часто в менее дисциплинированных или менее мотивированных классах учащиеся находят более легким или естественным выразить себя на своем родном языке. Во-вторых, необходимо выбрать подход, который определяет процедуру обучения. Выбор между подходом, основанным на задачах, жанровым подходом или комбинацией обоих типов является наиболее важным шагом в определении курса, поскольку он влияет на все элементы процесса обучения. Тем не менее, современная многоуровневая учебная программа должна определять целевые аспекты изучаемого навыка говорения, а также грамматические и лексические компоненты.

Жанровый подход фокусируется на понятии коммуникативной ситуации, которая складывается вокруг определенного речевого жанра или жанров. Без надобности говорить, что разнообразие типов коммуникативных ситуаций практически не ограничено. Как следствие, учитель сталкивается с необходимостью решить, какие ситуации должны быть включены в языковой курс, который он координирует. Этот выбор, каким бы хорошо продуманным он ни был, всегда связан устраняя или игнорируя ряд относительно значимых ситуаций и концентрируясь на тех, которые кажутся наиболее релевантными для конкретного контекста обучения. Следующим шагом является определение наиболее важных параметров выбранных ситуаций, таких как темы, цели, жанры дискурса, социальные и культурные нормы.

Собственно педагогическая процедура начинается с установления социальной цели и культурного контекста данного жанра, затем приводится и анализируется типичный пример, в конечном итоге учащиеся создают собственные образцы соответствующих коммуникативных событий.

Напротив, подход, основанный на задачах, исходит из общей идеи о том, что “язык лучше всего изучать, используя его, а не изучать и затем использовать”. Следовательно, считается, что точность проистекает из беглости, другими словами, потребность в эффективном общении ведет к совершенствованию обучения и языка.

Таким образом, учебный план, основанный на задачах, принимает форму последовательности интегрированных заданий, которые включают в себя устную речь и отражают ситуации, с которыми учащиеся, вероятно, столкнутся в реальных обстоятельствах. Оба подхода имеют свои преимущества и недостатки. Подход, основанный на задачах, был подвергнут критике за то, что он отдавал приоритет процессу использования языка, а не сосредотачивался на языке, который учащиеся фактически производят.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адамсон, Р. (2009). Извлечено 12 Июля 2014 Года,
2. Al-Mekhlafi, A. M., & Nagarathnam, R. P. (2011). Трудности в преподавании и изучении грамматики в контексте EFL. *International Journal of Instruction*, IV (2), 69-92. Браун, Д. (2006). Обучение по принципам. 3. Иглвуд Клиффс, Нью-Джерси: Прентис-Холл. 4.
4. Brown, H. D. (1987). Принципы изучения и преподавания иностранных языков. Энглвудские Утесы: Прентис-Холл.

5. Ellis, R. (2006). Актуальные вопросы преподавания грамматики: перспектива SLA. Тесол кварталли, 83-107.

УЎК 808.5

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ИНТЕЛЛЕКТИНИ ИФОДАЛАШДА «ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»ДА ҚАЙД ЭТИЛМАГАН СЎЗЛАР ТАСНИФИ**

*У.Э. Тўраева, эркин тадқиқотчи, Қарши Давлат университети, Қарши*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек тили лексикаси сатҳини бойитишида Абдулла Орипов шеърятинида қўлланган, аммо “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қайд этилмаган лексик бирликларнинг лингвистик моҳияти баён этилган. Унда келтирилган далиллар ўзлашма этимологик қатламга оид бўлса-да, шоир индивидуал нутқининг эмоционал-экспрессивлик қийматини оширишидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

**Калим сўзлар:** семантик, поэтик таҳлил, координатив, иллюстратив, окказионал, тавтология, эмоционал-экспрессив, изоҳли луғат

**Аннотация.** В статье описывается лингвистическая сущность лексических единиц, используемых в поэзии Абдуллы Орипова для обогащения уровня узбекской лексики, но не упомянутых в «Толковом словаре узбекского языка». Хотя представленные в нем свидетельства относятся к этимологическому слою ассимиляции, они показывают важность индивидуальной речи поэта в повышении эмоционально-выразительной ценности.

**Ключевые слова:** семантический, поэтический анализ, координативный, иллюстративный, окказиональный, тавтология, эмоционально-экспрессивный, толковый словарь

**Abstract.** The article describes the linguistic essence of the lexical units used in the poetry of Abdulla Aripov to enrich the level of the Uzbek vocabulary, but not mentioned in the "Explanatory Dictionary of the Uzbek Language". Although the evidence presented in it belongs to the etymological layer of assimilation, they show the importance of the poet's individual speech in increasing the emotional and expressive value.

**Keywords:** semantics, poetic analysis, co-ordinate, illustrative, occasional, tautology, emotional-expressive, explanatory dictionary

Етакчи ижодкорлар бадий нутқида қўлланган тил ифодаларини чуқур ўрганмай, давр тилига, тилининг муайян даврдаги ҳолатига муносиб баҳо бериб бўлмайди. Ижодида муаллифнинг айтмоқчи бўлган фикри, воқеа-ҳодисага бўлган муносабатларини тушунишда у қўллаган сўзларнинг маъно-мазмунини англаш муҳим. Айниқса, изоҳли луғатларда қайд этилмаган сўзларнинг поэтик мазмуни ва вазибаларини англашда, биринчидан, матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиш, яъни контекстуал ёндашиш ҳамда иккинчидан, сўзларнинг луғавий маъноларини қидириб топиш ва англаш зарур бўлади. Абдулла Орипов асарларида қўлланган бундай сўзларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қуйида ана шундай сўзларнинг айримларини семантик, услубий ва поэтик таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Абдулла Орипов ижодида қўлланган *арвона* сўзи форс тилида қуйидаги маъноларни англатади: *арвона* (ф) **1** айёр; **2** – қадимий форс дарёсининг номи.

Сўз қўлланган сатрларни таҳлил қилсак, ҳар икки маъно ҳам тўғридек:

*Кўп қадимман,*

*Карвон билан замонлар кечдим,*

*Нор туянинг норлиги ҳам афсона экан.*

*Бир кун туя айронини шифо деб ичдим,*

*Она туя номи эса арвона экан. (“Ўзбек тилим”)*

Таъкидлаш лозимки, сўзнинг қўлланишида учта заруратни таъкидлаш лозим: биринчидан, *арвона* сўзи *афсона* сўзига қофия танлаш нуктаи назаридан қўлланган ва бунда *афсона* сўзи таянч, *арвона* эса кўмакчи мақомида; иккинчидан, аксинча, *арвона* сўзини қўллаш зарурати *афсона* сўзини тақозо этган. Бунда энди *арвона* етакчи мавқеда туради; учинчидан, *арвона* сўзининг афсонавий мазмуни кейинги сўзнинг қўлланишига сабаб бўлган ва бунда ҳар икки сўз орасида координатив семантик боғланиш мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Бадий адабиётда айтилмоқчи бўлган фикр таъсирчанлигини оширишда окказионал сўзнинг ўрни беқиёс. Масалан, шоирнинг қуйидаги мисраларини кузатганимизда *устоз* сўзини форс тилидаги *фаҳмосо* (“тушунтирувчи”) сўзи билан бирга қўллаши лирик матннинг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилаётганлигига амин бўламиз. Масаланинг яна бир томони шундаки, сўз фақат лирик асар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилишдан иборат дейиш хато бўлади. Матннинг санъат асари сифатида тан олинishi учун бетакрорлик ҳам зарур омиллардан. Бунга тасвирланаётган воқеа-ҳодиса, уни ифодалаш услуби ҳамда қўлланаётган сўзлар семантик ва поэтик қўламининг кенглиги билан эришилади:

*Шундоқ жавоб этди устоз фаҳмосо:*

*“Рухинг маҳкам бўлсин бу ерда фақат,*

*Енгмасин таҳлика, бўл буткул огоҳ. (Данте Алигьери. Илохий комедия)*

Чет тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзларни қўллаш билан боғлиқ айрим хатолар мавжуд эканлигини оғзаки ва ёзма нутқда кузатиш мумкин. Масалан, араб тилида *олим* сўзининг кўплиги *уламо*, кўплаб ўринларда бу сўзнинг *уламолар* шаклида қўлланиши билан боғлиқ хатоларни кўрамиз. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 3 жилдида уламо сўзи қуйидаги маъновий қийматга эгаллиги таъкидланади:

**УЛАМО** [а. – “олим” с. кўпл.] Ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари.

Бироқ иллюстратив мисоллар берилган изоҳ билан унчалик ҳам мос тушмаган. Чунки изоҳда сўзнинг кўплик маъносида эканлигига урғу берилган (“...олимлари”). Мисолда эса кўплик кўшимчаси кўшиб қўлланган ҳолатни ҳам кўрамиз. Қиёсланг: – *Дуруст, миянг тўлибди, – деди қулиб Тантубойвачча, – яқин ўртада унча-мунча уламони бир чўқшида қочирасан.* (Ойбек, Танланган асарлар). *Маъдалихон [Муҳаммад Алихон]га фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари қочиб қутулдилар.* (А.Қодирий, Мехробдан чаён). – *Ёшларга ҳомийлик қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ислонинг, уламоларнинг ишидир, – деди қалтираб, бўзариб мунофиқлардан бири.* (Ойбек, Нур қидириб).

Қуйидаги мисраларда ишлатилган *марқад* сўзи араб тилидаги *қабр* сўзининг кўплик шакли, шеърнинг вазн ва қофия талаби билан *сарҳадлар*, *марқадлар* тарзида қўллаш билан боғлиқ хатолик юзага келган:

*Ўртада дарё бор – жўшқин ва асов,  
Узала тушганди нотинч сарҳадлар.  
Замонлар орага солди турфа гов,  
У ёнда интизор не-не марқадлар.* (Ҳирот. 6/171)

Назаримизда, мантқиқ ёки поэтик мазмун эмас, балки поэтик шакл – қофия эҳтиёжи сўзни шу шаклда истифода қилишга олиб келган.

Бошқа тиллардан сўз олиш ҳисобига бойиш ҳодисаси барча тилларга хос. Абдулла Орипов ҳам ўз ижодида ушбу ҳолатдан унумли фойдаланганлигини кўплаб ўринларда кузатиш мумкин. Қуйида берилган мухаммасида қўлланган арабий қатламга мансуб *мақдам* сўзи “келиш жойи” ва “қадам қўйган жой” маъноларини англатади ва вазн талабига кўра *қадами*, *оёғининг ости* ифодаларидан кўра устунлиги ҳамда арабий сўзлар кўплиги бадийий меъёр бўлган Навоий ижоди лексикасига яқинлашиш эҳтиёжи сабабли ҳам ўринли:

*Танимни бўйла зах айлагон қон бири, бири ашк,  
Не эрди билмам, аё жононки, галат сири ашк,  
Мени қилурким гариқи дарё, нетай, охири ашк,  
Кўзум ҳақини биҳил қилдим, эй жавоҳири ашк,  
Ки бори ҳам онгинг-ўқ мақдамига сочиласиз.* (Алишер Навоий ғазалига мухаммас.)

Сўзларни қўллашда маълум меъёрларига амал қилиш нутқнинг ҳамма учун тушунарли бўлишини таъминлайдиган воситалардан бири. Лексемалар қўлланишига кўра чекланмаган ва тор қўлланишга эга бўлади. Шу жиҳатдан ўзбек тили лексикаси икки қатламга бўлинади: а) қўлланиши чегараланмаган лексика; б) қўлланиши чегараланган лексика. Қўлланиши чегараланмаган (умумистеъмол) лексика ўзбек тили луғат таркибининг асосий қисмини эгаллайди. Бундай лексемаларни шу тилда сўзлашувчи кишилар, қандай шева, ҳудуд, касб ёки соҳага мансуб бўлишидан қатъи назар, тушунади ҳамда эркин ишлатади. Бундан ташқари, тилимизда қўлланиш доираси чегараланган, ҳамма ҳам ишлатавермайдиган сўзлар ҳам мавжуд, бундай сўзлар ҳам қўлланиш даври ҳамда доирасига кўра чегараланган бўлади. Шоир Абдулла Ориповнинг ижодида ҳам бунга дахлдор ҳолатлар талайгина. Масалан, шоирнинг қуйидаги мисрасида қўлланган *муқарраб* (“яқин”) сўзи эътиборимизни тортди. Араб тилидан кириб келган ушбу сўз асосан мумтоз адабиёт намуналарида ислом динига оид қарашларни ифодалашда қўлланган: *ва шайх ул-ислом муқарраби Ҳазрат Борий Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий.* Ҳозирги кундаги диний адабиётларда *Аллоҳ субҳанаху ва таолонинг даргоҳидан энг ишончли ва энг муқарраб фаришта олиб тушган илоҳий каломи...* каби қўлланишлар мавжуд. Абдулла Орипов ижодида ҳам ушбу сўз “Жаннатга йўл” достонида қўлланган. *Жаннат* сўзи ҳам ислом динидаги энг муҳим тушунчалардан бири, демак, бу ўринда шоир сўзни шунчаки қофия ва вазн талабига кўра қўлламаётганлигини кўриш мумкин:

*Неча замон бу хилқатда кездим тентираб,  
Қолгани йўқ мен кирмаган биронта пучмоқ,  
Ҳатто жаннат қошига ҳам бордим муқарраб,  
Учратмадим, тополмадим, мен сени бироқ.*

(Жаннатга йўл. 1/366)

Шоир бадийий матнларида қўлланган (арабча *уламо*, *муқарраб*, *муқаввас*, *мутакаллиф*, *мураққа*, *мутаббақ*; форс-тожикча *омода*, *орад*, *устурлоб*, *загизгон*, *чолдевор*, *варракбоз*; русча *апокалипсис*; русча-туркча *навликчи* ва форсча-туркча *ҳудайчи*) сўзларнинг ЎТИЛда қайд этилмаганлиги уларнинг қўлланишидаги мавзуга мослиги, халқ ичида машҳур маънога эгаллиги, бадийий таъсирчанликни ошириш мақсадида қўллаш билан боғлиқ. Бу эса айрим морфологик “хато”ларни, бадийийлик талабига

кўра тавтологияларни келтириб чиқарганлиги оташнафас ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратини янада юкори чўккига олиб чиқиш учун хизмат қилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов асарлари тилини ўрганиш жараёнида таҳлил қилинган сўзлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келинди:

- а) Абдулла Орипов ҳар бир сўзни қўллашда қадимий манбаларга мурожаат қилган;
- б) танланган сўзларнинг мавзуга мослигига эътибор қаратилган;
- в) сўзнинг халқ ичида машхур маъносини олишга ҳаракат қилинган;
- г) “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да йўқ бўлса-да, илмий асарлар ҳамда оммага маълум ва машхур сўзлардан фойдаланилган;
- д) бадий таъсирчанликни ошириш учун айрим сўзларни қўллашда морфологик “хато”ларга йўл қўйган;
- е) бадийлик талабига кўра тавтологияга йўл қўйилган ўринлар ҳам мавжуд.

Албатта, адиб ижодини тадқиқ этишда илмийликка асосланган, мўтадиллик билан ёндашиш, тил билан боғлиқ ҳақиқатларнинг тез ва аниқ очилишига, келажакда олиб бориладиган илмий ҳамда ижодий ишларда хато ва камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шоир шахсига бўлган муҳлислик ёки бошқа инсоний омиллар билан хатолардан кўз юмиб фақат оригиналлик, бетакрорлик, матндаги мукамаллик каби ютуқларни кўрсатишга бўлган бирёқламалик илмда ривожланишга эмас, балки ортга қайтишга сабаб бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар: Филология фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 26 б.
2. Орипов А. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - 586 б.
3. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърлятида бадий бутунлик: Филология фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.
4. Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 136 б.
5. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеърлятида бадий бутунлик: Филология фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.
6. Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеърлятининг лингвопоэтик хусусиятлари (метафорик ҳодисалар мисолида) Филология фанлари бўйича фалсафа доктори ... дисс. автореф. – Қарши, 2019. – 26 б.

УДК 372.462

### РЕЧЕВОЕ РАЗВИТИЕ УЧАЩИХСЯ В ШКОЛАХ С УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ

*З.Б. Хасанова, преподаватель, школа №30, Кушкуньыр*

**Аннотация.** Мақолада бугунги кунда миллий мактабда рус тилини ўқитиш методикаси муаммолари билан боғлиқ энг долзарб масалалардан бири таҳлил қилинган. Миллий мактабда ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириши таълимнинг асосий мақсади бўлишига қарамай, кейинги ечимини талаб қиладиган бир қатор муаммолар мавжуд.

**Калим сўзлар:** нутқни ривожлантириш, нутқ, муаммо, вазифа, ечим, методика, маъно, қийинчилик, излаш, ўқитиш, самарадорлик, анъанавий, ноанъанавий

**Аннотация.** В статье анализируется один из самых на сегодняшний день актуальных вопросов, связанных с проблемами методики преподавания русского языка в национальной школе. Несмотря на то, что речевое развитие учащихся в национальной школе является главной целью обучения, существует ряд проблем, требующих дальнейшего решения.

**Ключевые слова:** речевое развитие, речь, проблема, задача, решение, методика, смысл, трудность, поиск, обучение, эффективность, традиционный, нетрадиционный

**Abstract.** The article analyzes one of the most pressing issues today related to the problems of teaching methods of the Russian language in the national school. Despite the fact that the speech development of students in the national school is the main goal of education, there are a number of problems that require further solution.

**Key words:** speech development, speech, problem, task, solution, methodology, meaning, difficulty, search, training, efficiency, traditional, non-traditional

На сегодняшний день перед школами с узбекским языком обучения стоит главная задача-повысить эффективность обучения русскому языку с целью свободного владения русским языком учащихся средних школ при решении данной задачи учитывается специфика обучения второму языку с его коммуникативной направленностью. Учителя предметники по возможности стараются учитывать существующие трудности при усвоения родного и неродного языка.

К сожалению, уровень владения русским языком учащимися с узбекским языком обучения ещё не может полностью отвечать основным требованиям. Русский язык заслуженно считается одним из самых сложных в мире, потому проблемы могут возникнуть уже на самом раннем этапе, т.е. при изучении алфавита.

Первой проблемой, с которой сталкиваются ученики это освоение кириллического алфавита, отличающегося по написанию и звучанию. Потому что во многих странах употребляется латиница. Так

например возникают трудности с отсутствием в родном языке буквами: с мягким и твёрдым знаками, например: опять- уапа, думать-о'уламоқ, кровь-қон, водитель- haydovchi. Здесь трудности будут носить фонетический характер и исходить из особенностей фонетической системы русского языка. Грамматика этого языка довольно обширна, что позволяет, совершив маленькую ошибку в тексте полностью изменить его смысл. Следующая трудность- это необходимо знать много синонимов, омонимов, так как без этих знаний у человека будут проблемы с общением. В школах из-за бедности словарного запаса учащихся и возникают трудности при изучении русского языка. Учащимся трудно произносить сложные слова, состоящие из нескольких корней, они при выполнении упражнений, работая над текстом испытывают определенные трудности, с трудом создают связные тексты по определённым темам.

Все учителя в данное время поисках новых и наиболее эффективных приёмов и технологий при обучении русского языка. Речевое развитие русского языка на уроках, у учащихся с узбекским языком обучения в основном затрудняют различные ошибки в их речи: лексические, фонетические, грамматические и стилистические. Речь учащихся недостаточно развита, им трудно воспринимать любой текст на слух, пересказывать, понимать, раскрывать основную мысль текста. Работая над текстом, они с трудом понимают о чём идёт речь в тексте, не могут ответить на вопросы по содержанию текста. Приведённые ниже примеры, приводят к тому, что учащиеся допускают орфографические и пунктуационные ошибки в письме.

Учителя русского языка объясняют эту проблему тем, что ребёнок активно владеет родным языком в результате длительного повседневного речевого общения в семье, а для свободного владения вторым (русским) языком нет такой речевой среды.

Как добиться наибольшей эффективности урока сегодня? Какими средствами поднять у детей духовную потребность в знаниях, стремление овладеть ими, совершенствовать их? В связи с постановкой таких вопросов и возникло понятие «нетрадиционные формы обучения».

Традиционный урок, предполагающий ведущую роль учителя, мало приспособлен для свободного обсуждения и осмысления языкового материала, не представляет возможности раскрыться каждому ученику, в наименьшей степени способствует их творческому развитию.

Эффективность современного урока основывается на широкой связи с жизнью, на применении новых форм обучения. Погружение в мир знаний должно происходить при активном участии ребёнка. Он должен искать, пробовать и ошибаться. Только тогда можно добиться положительного результата.

Нетрадиционные формы работы позволяют разнообразить учебную деятельность, они способствуют повышению интеллектуальной активности учащихся, а, следовательно, и эффективности урока. Игра на уроке помогает создать атмосферу непринуждённости, увлекает, разряжает напряжённую обстановку.

Выбор той или иной формы работы должен быть обусловлен особенностями коллектива, уровнем подготовки, возрастными показателями, специфичностью изучаемой темы. При подборе учебного материала важно учитывать возможности школьников. Так, для младших классов общеобразовательной школы (5-6 классы) наиболее подходящим являются уроки-путешествия, викторины, конкурсы. Свежи воспоминания начальной школы, и важная роль в процессе обучения всё ещё отводится игре, а всё новое, необычное и яркое усваивается быстрее. Для учащихся более старшего возраста – диспуты, репортажи, интервью, пресс-конференции, ролевые игры и др.

Ролевая игра способствует развитию познавательного интереса, помогает создать поисково-творческую атмосферу. Игры требуют не только умственных, но и волевых усилий.

При подготовке и проведении нетрадиционных уроков в школе следует помнить, что в значительной степени их эффективность будет обеспечиваться при условиях, если:

- нестандартный урок будет приниматься в качестве одного из ведущих средств обучения;
- учитель хорошо владеет методикой проведения нестандартных уроков;
- умело сочетает нетрадиционные и традиционные формы работы;
- владеет способностью диагностировать, отбирать содержание, конструировать дидактический процесс в рамках нестандартного урока;
- включает нестандартные уроки в систему своей работы.

Использование нестандартных уроков должно быть ограничено. Чрезмерное увлечение нетрадиционными уроками приводит к тому, что ученики начинают несерьёзно воспринимать весь процесс обучения. Подчинять весь образовательный процесс игре нецелесообразно, т.к. теряется ощущение необычности, эффект новизны.

В связи с этим наиболее рациональным и эффективным средством является использование дидактических игр как содержательных элементов традиционных уроков.

Дидактические игры предоставляют возможность развивать у учащихся произвольность таких процессов, как внимание и память. Игровые задания положительно влияют на развитие смекалки, находчивости, сообразительности. Применение дидактических игр способствует не только повышению интереса к учению, но и повышает качество самого обучения, повышает прочность полученных знаний. Дидактические игры, используемые, на уроках русского языка с целью активизации мыслительной деятельности учащихся:

Приведу некоторые дидактические игры и игровые приемы, которые я применяю на своих уроках.

### Игры.

**1. «Выбери три слова»** (Игра используется для закрепление любых тем по русскому языку)

Цель: Проследить за формированием орфографического навыка с учетом этапа работы над орфографией.

Подбор слов зависит от изучаемых или пройденных тем.

На 9 карточках записаны девять слов:

**1-й набор:** *рыбка, вьюга, чулок, дубки, варенье, чучело, ручьи, чум, гриб.*

**2-й набор:** *подъезд, склад, ворона, град, съемка, клад, ворота, подъем, воробей.*

Двое берут по очереди карточки, выигрывает тот, у кого первого окажутся три слова, имеющую одинаковую орфограмму.

**Диктант – игра «Четвёртый лишний».**

Условия игры: учитель диктует 4 слова, учащиеся должны записать только 3, т.к. 1 слово по определённым грамматическим, орфографическим признакам является лишним в данной четвёрке слов.

**Игра «Заблудился звук».**

|          |       |         |        |           |         |       |         |
|----------|-------|---------|--------|-----------|---------|-------|---------|
| <b>I</b> | рыбка | вьюга   | чулок  | <b>II</b> | подъезд | склад | ворона  |
|          | дубки | варенье | чучело |           | съемка  | град  | ворота  |
|          | гриб  | ручьи   | чум    |           | подъем  | клад  | воробей |

Определить, какой звук заблудился, дать его характеристику:

Светят яркие лучи,

На ветвях сидят врачи (грачи).

(г)- согласный, звонкий, твёрдый.

**Игра «Найди окончание»**

Дидактическая задача: Повторить падежные окончания имен существительных.

Игровая задача: Найти окончания некоторых слов в поговорках.

Содержание игры:

“Окончание – очень изменяемая, подвижная часть слова. Она легко может потеряться. Найди потерянные окончания для этих пословиц”.

**Материалы:**

Карточки

- Собирай по ягодк... – найдешь кузовок.
- Капля по капл... и камень долбит.
- Без букваря и грамматик... не учатся и математик...

**Игра «Угадай-ка».**

Ведущий перечисляет грамматические признаки, ребята должны определить задуманное слово, часть речи.

**Игра «Чей мелок грамотнее?»**

Правила: К доске вызывается группа ребят (2-3 ученика), записывают под диктовку учителя словарные слова или слова на изученные орфографические правила. Побеждает тот ученик, кто не сделал ни одной ошибки или допустил наименьшее количество ошибок.

**Игра “Живые буквы”.**

Детям выдаются буквы, они должны найти пару, причем так, что бы получился слог (по опорной согласной или гласной).

Составление слога по картинкам с выделением первых звуков, последних, вторых от начала слога. Например, даны картинки, на которых изображены тигр, олень. Дети составляют слог по первым звукам (Т),(О), придумывают слова с данным слогом то-пор, то - варищ. Затем меняют картинки местами, выясняют, какой теперь получился слог (слог от).

Дети вспоминают слова с этим слогом: ответ, отдых - в начале слова, кот, пот - в конце. Далее проводится работа со словом. Детей знакомят с понятием “слово”. Слова бывают короткие и длинные. Самые короткие - союзы и предлоги, состоящие из одной буквы У, И, К, В, С. Для уяснения лексического значения слова даются разные задания.

Подбор нужного слова к смысловому ряду: по опорным признакам - пушистая, рыжая, хитрая... (лиса).

Вот ещё несколько идей дидактических игр на уроках русского языка из моего опыта:

1. Обобщение понятия: какое слово лишние и почему? (*лето, осень, неделя*).
2. Добавление нужного слова (*Пальто, шапка, шарф...*).
3. Называние общего слова. (*стол, стул, шкаф...*).
4. Деление слов на слоги, подсчет количества слогов в слове, выделение ударного слога.

Простукивание двух слогов, выделяя ударный слог громким стуком. Дети подбирают слово с таким же количеством слогов и с ударением на том же слоге: весна, зима, лето, осень.



5. Подбор слов к заданным схемам с гласными буквами:

*а а а о о о о а*  
*рак ра ма мо ло ко о са*

6. Составление слова из данных слогов (слоги даны в рассыпную).  
 7. Исключение лишнего слова: *гусь, гусенок, гусыня, гусак, гусеница.*  
 8. Подбор к данному слову родственных слов: *снег, снежок, снежная, снеговик, снегоход,*

*снегозадержание.*

9. Замена в слове одного звука (буквы) для получения нового слова: *пора, кора, нора, гора.*  
 10. Чтение слов в обратном порядке: *сон, шалаш.*

Дидактические игры очень хорошо уживаются с “серьезным” учением. Включение в урок дидактических игр и игровых моментов делает процесс обучения интересным и занимательным, создает у детей бодрое рабочее настроение, облегчает преодоление трудностей в усвоении учебного материала.

Я не считаю, что использование игровых ситуаций на уроке дает возможность учащимся овладеть знаниями “легко и счастливо”, легких путей в науке нет. Но считаю необходимым использовать все возможности для того, чтобы дети учились с интересом, чтобы большинство детей испытали и осознали прилагательные стороны занятий, её возможности в совершенствовании умственных способностей, в преодолении трудностей.

Таким образом, многообразие учебных ситуаций позволяет активизировать развитие познавательной деятельности учащихся. Так же ее развитие не может происходить без эмоционального развития, которому способствуют разные виды и формы игр, используемые практически на каждом уроке. Нередко детям предлагается составить, придумать свою игру, что тоже стимулирует проявление активности учащихся.

Если использовать игры на протяжении всего начального обучения, несомненно, они будут способствовать повышению интереса к русскому языку и учащиеся, переходя в старшие классы для дальнейшего обучения, будут проявлять больший интерес к данному предмету, будут иметь более глубокие знания в этой области.

Исходя из выше сказанного, можно сделать вывод о том, что игры необходимы для всех учащихся, и использовать их надо в системе, на разных этапах урока, включать в них различные виды деятельности школьников, применять игры при изучении сложного, трудного для понимания материала. Необходимо разрабатывать целые комплексы игр по определенным темам, для более систематизированного их использования.

Игра – это незаменимый инструмент в развитии личности младшего школьника, с помощью которого можно повысить интерес к русскому языку и сделать этот предмет более «живым» и увлекательным.

Главная цель школьной реформы – повышение качества обучения и образования учащихся. И опираясь на мой опыт работы, я могу отметить бесспорный для нас факт, что использование дидактических игр на уроках русского языка значительно повышает качество образовательного процесса, а главное, эффективно влияет на познавательную мотивацию детей, и тем самым повышает качество образования.

В заключение хочется выразить надежду, что мой опыт будет интересен учителям русского языка, даст им толчок для собственного творчества и новых экспериментов, а также учителям начальных классов, которые занимаются проблемами начального школьного образования, его направленности на развитие детей.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Стародумов, И.В. Особенности преподавания русского языка как иностранного/ И.В.Стардумов.-текст: непосредственный//Молодой ученый.-2018.-№40(226).-С.204-207.
2. Габитова З.М., Давлетшина М.С. Методика преподавания русского языка.-Уфа: «Китап»,2011
3. Методические рекомендации.-Уфа: Издательство ИРО РБ,2011.

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARI TARBIYALANUVCHILARNING  
OVQATLANISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*SH.Q. Qurbonov, prof., Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi*  
*D.F. Sultonova, magistrant, Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi*

**Annotatsiya.** Maqolada Qashqadaryo viloyati maktabgacha ta'lim muassalari tarbiyalanuvchilarining kunlik ovqatlanishi, ya'ni ularning asosiy va qo'shimcha oziq moddalarga bo'lgan talabi bo'yicha olib borilgan tekshirishlar natijalari berilgan. Maktabgacha ta'lim muassalari tarbiyalanuvchilarining sog'lom ovqatlanishidagi kamchiliklarini bartaraf etish uchun bog'chalarda muntazam ravishda haftalik taomnomalarni tahlil qilish va shu asosda ta'lim muassasalarida sog'lom ovqatlanish tamoyillarini keng targ'ib qilishning dolzarbligi ta'kidlangan.

**Kalit so'zlar:** bolalar, sog'lom ovqatlanish, oqsillar, yog'lar, uglevodlar, vitaminlar, gormonlar, makro- va mikroelementlar

**Аннотация.** В статье представлены результаты исследования ежедневного питания детей дошкольного образования в Кашкадарьинской области, то есть их потребности в основных и дополнительных питательных веществах. Для устранения недостатков в питании детей дошкольного возраста была подчеркнута важность регулярного анализа еженедельного приема пищи в детских садах и на этой основе широкое продвижение принципов здорового питания в образовательных учреждениях.

**Ключевые слова:** дети, здоровое питание, белки, жиры, углеводы, витамины, гормоны, макро- и микроэлементы

**Abstract.** The article presents the results of research on the daily nutrition of children in preschool education in Kashkadarya region, ie their demand for basic and additional nutrients. In order to address the shortcomings in the nutrition of preschool children, the importance of regular analysis of weekly meals in kindergartens and, on this basis, the widespread promotion of the principles of healthy eating in educational institutions was emphasized.

**Keywords:** children, healthy eating, proteins, fats, carbohydrates, vitamins, hormones, macro- and micronutrients

Sog'lom odamning ovqatlanishini me'yorlashtirish va tashkil etish jinsiy va yoshga oid darajalashga ega bo'ladi. Inson butun umri davomida organizmning o'sishi, rivojlanishi va qarishi jarayonlarida o'zgarib turadigan fiziologik ehtiyojlariga mos ravishda ovqatlanishi kerak. Turli yoshdagi bolalar (sakkizta yosh guruhi), mehnatga layoqatli erkaklar va ayollar (uchta yosh guruhi), homilador va bola emizuvchi ayollar, qariyalarning ratsionlarini tuzishga bo'lgan alohida talablar ishlab chiqilgan [4].

Bolalar ovqatlanishining fiziologik me'yorlari ularning yoshlariga bog'liq holda hisoblangan. Hozirgi vaqtda bolalarning sakkizta yosh guruhlari ajratiladi, ularning ovqatlanishi esa quvvatli qiymati va 25 ta nutriyentlar bo'yicha me'yorlanadi. Qo'shimcha ravishda olti yoshdagi o'quvchilar guruhi ajratiladi, 11 yoshdan boshlab esa ovqatlanish me'yorlarining jinsiy darajalanishi kiritiladi. Bolalar ovqatlanishining fiziologik me'yorlarini bajarish uning ratsionligini ta'minlash, bolaning uyg'un o'sishi va rivojlanishining zaruriy sharti bo'lib, uning immunitetini va yashash muhitining zararli omillariga nisbatan moslasha olish imkoniyatlarini oshiradi. Ovqatlanishni tashkil etish bola hayotining birinchi yilida va go'daklik yoshida (uch yoshgacha) alohida e'tiborni talab qiladi. Ko'krak suti bilan emizib boqishni tashviqot qilishga qaratilgan majmuaviy tibbiy va ijtimoiy tadbirlarni o'tkazish lozim. Ona suti boladagi modda almashinuvining o'ziga xosliklariga to'liq mos keladi va uning hayotini 4 oyi mobaynidagi ovqatlanish ratsionining eng to'laqonli mahsuloti hisoblanadi. Ko'krak suti bilan (tabiiy) ovqatlanirish bolaning o'sishiga, rivojlanishiga, immunologik rezistentligiga, aqliy potentsialiga, fe'l-atvori va ruhiy reaksiyalariga, zakovatiga ijobiy ta'sir qiladi [1].

Bu borada turli mamlakatlar, shu jumladan, O'zbekistonda qator samarali ishlar olib borilmoqda. Shunday bo'lsada, Respublikamiz xududida aholining turli guruhlari orasida aniq ovqatlanishni o'rganish borasida olib borilayotgan ishlar barcha viloyatlarni yetarlicha qamrab olgan emas. Xususan, Qashqadaryo viloyatining turli xududlarida aholi turli guruhlarning aniq ovqatlanishni o'rganish nisbatan yangi yo'nalish bo'lib, bolalar, xususan bog'cha yoshidagi bolalar ovqatlanishini o'rganish dolzarb muammo bo'lib qolmoqda. Bu borada bolalar ovqatlanishida makro- va mikroelementlarning o'rnini aniqlash, ya'ni bola organizmini makro- va mikroelementlar bilan ta'minlanganligini aniqlash katta amaliy ahamiyat kasb etadi. Olimlarning ta'kidlashicha, yosh bola organizmining me'yoriy o'sishi, rivojlanishi va turli jismoniy va aqliy faoliyatlarni amalga oshirishi uchun doimiy sur'atda tashqi muhitdan ovqat bilan tegishli miqdorda uglevodlar, oqsillar va yog'lar qabul qilib turishi kerak. Bu oziq moddalardan uglevodlar va yog'lar tanaga energiya (quvvat) berib tursa, oqsillar zarurat tug'ilganda energetik manba bo'lishidan tashqari ko'pincha "qurilish" (plastik) materiali bo'lib xizmat qiladi, ya'ni ular hisobidan yangi hujayra va to'qimalar (qon, muskul va nerv hujayralari) hamda bir qator biologik faol suyakliklar (gormonlar, fermentlar va boshqalar) hosil bo'ladi. Bu esa o'sayotgan

organizm uchun katta ahamiyatga ega. Tanada hech bir a'zo yo'qki, undagi hujayralar va to'qimalar to'xtovsiz yangilanib turmasa. Yosh organizmlarda esa buning ustiga bevosita o'sish ham asosan mana shu oqsillar hisobidan bo'ladi. Shuning uchun ham yosh o'suvchi organizmlarda oqsilga bo'lgan sutkalik ehtiyoj katta odamlarnikiga qaraganda bir necha barobar ziyod, agar o'rtacha odam bir kecha kunduz davomida har bir kg tana ogirligiga nisbatan 1,0 - 1,2 g oqsil talab qilsa, bu ko'rsatkich bolalarda 1,5 - 4,0 g gacha, ba'zan esa bundan ham yuqori bo'ladi. Ma'lumki, odam tanasining o'sishi eng jadal sur'atda bog'cha yoshida amalga oshib, 25 yoshgacha davom etadi, shuning uchun bu arafada kishining oqsilli ovqatga bo'lgan ehtiyoji qolgan davrlarga nisbatan doim o'sib boradi [5].

Saylanova D.K. janubiy Orol bo'yi mintaqasida yashovchi bolalarning aniq ovqatlanishini o'rganishi bo'yicha olgan ma'lumotlariga ko'ra, bu yerdagi bolalar ovqatidagi mineral moddalar miqdori yilning barcha sezonlari davomida tavsiya qilinadigan me'yorlardan past. Aniqlanishicha, Mo'ynoq tumani bolalarining o'rtacha kunlik ratsionida ma'danli moddalar boshqa tumanlarga qaraganda eng kam bo'lib, ular kalsiy, temir, fosfor va magniy bilan tegishli ravishda me'yorga nisbatan 34,9, 46, 50 va 66 foizga ta'minlangan. Toshkent shahrida olib borilgan tekshirishlarda maktab yoshidagi bolalarning ratsionida mis me'yor darajasida, rux esa me'yordan hatto ko'p bo'lsada, yod, kobalt va marganets miqdori talab darajasidan ancha pastligi aniqlangan [2].

Bolalar organizmida hayotiy jarayonlarning me'yoriy kechishini ta'minlashda vitaminlar alohida o'rin egallaydi. Ular kunlik ovqatning muhim tarkibiy qismi bo'lib, moddalar almashinuvi, hujayra va to'qimalarning o'sishi, rivojlanishi hamda organizmning tashqi muhit omillari ta'siriga chidamliligini oshirishda faol qatnashadi. Vitaminlar odam organizmida deyarli hosil bo'lmaydi. Shu bois ular kunlik iste'mol taomlari tarkibidagi o'simlik (meva, sabzavotlar, yormalar, non va hokazo) hamda hayvon (go'sht, sut, tuxum, baliq, jigar va boshqalar) mahsulotlari orqali tegishli miqdorda qabul qilib turilishi lozim [3].

Demak, bog'cha bolalarining noto'g'ri ovqatlanishiga birinchi navbatda e'tiborsizlik sabab bo'lyapti, deyish mumkin. Bog'cha bolalarining to'g'ri ovqatlanishini yo'lga qo'yish birinchi galda ota-onalarning va bog'cha tarbiyachilarining ishidir. Ulardan birortasining bu ishga e'tiborsiz qarashi jiddiy oqibatlariga sabab bo'lishi mumkin. Ayniqsa, bu borada bog'cha tarbiyachilarining o'rni muhimdir. Aniqlanishicha bog'cha bolalari kundalik ovqatlarining 80 foizini bog'chada iste'mol qilishadi. Demak, ana shu jarayonda bog'cha tarbiyachilari ularning to'g'ri va oqilona ovqatlanishlariga jiddiy e'tibor qaratishlari zarur. Aks holda, ularning yosh organizmi turli salbiy o'zgarishlarga duchor bo'lishlari ham mumkin [3].

#### **Tadqiqot maqsadi:**

Maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarining amaldagi ovqatlanishi, xususan ularning kunlik iste'mol taomlari tarkibidagi asosiy va qo'shimcha oziq moddalarining miqdorini o'rganish ishimizning asosiy maqsadi bo'lib hisoblanadi.

#### **Tadqiqot ob'yekti va usuli:**

Tekshiruvlar Qashqadaryo viloyati G'uzor tumani maktabgacha ta'lim bo'limiga qarashli 14-maktabgacha ta'lim tashkilotida tarbiyalanayotgan 3-7 yoshli 120 nafar o'g'il va qiz bolalar ustida olib borildi. Shundan 48 nafari qiz va 72 nafari o'g'il bolalarni tashkil qiladi.

Ularning amaldagi ovqatlanishi anketa-so'rov va kunlik taomnomani tahlil qilish usullarida olib borildi. Bolalarning jismoniy rivojlanishi antropometrik usullar yordamida o'rganildi (Камилова Р.Т. Унифицированная методика исследования и оценки физического развития детей и подростков. – Ташкент: Абу Али ибн Сина, 1996. – 103 с.). Olingan natijalar mavjud me'yorlarga nisbatan taqqoslandi (СанПиН 0250-08).

#### **Olingan natijalar va ularning tahlili:**

Kuzatuvlar davomida bog'cha tarbiyalanuvchilarning kunlik iste'mol taomlari tarkibidagi asosiy oziq moddalarning miqdori o'rganildi. Bolalarning kunlik iste'mol qilgan taomlarining tarkibidagi oqsillar miqdorini aniqlashdan olingan natijalarga ko'ra, ularning kundalik ovqati tarkibidagi oqsillarning miqdori me'yor ko'rsatkichlaridan o'rtacha 2,7-8,2% kam. O'rtacha bir kunlik ratsiondagi umumiy oqsilning miqdori 3 yoshli bolalarda 51,6 g, 4-6 yoshlilarda 64,3 g ni va 7 yoshlilarda esa 77,9 g ni tashkil qiladi. Bu ko'rsatkichlar me'yorga nisbatan tegishli holda 4,5%, 8,2% va 2,7% kamligini qayd qilish mumkin.

Vitaminlar asosiy oziq moddalar singari energetik qiymatga ega bo'lmasada, kundalik ovqat bilan doimiy ravishda va tegishli miqdorda oziq-ovqat mahsulotlari bilan qabul qilib turilishi zarur. Mineral moddalar ham vitaminlar singari organizm uchun juda muhim mikronutrientlardan biri bo'lib hisoblanadi. Ularning yetishmovchiligi ham bola organizmining me'yoriy o'sib rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatadi. 3 yoshli bolalarning vitamin C ga bo'lgan kunlik ehtiyoji 45 mg bo'lib, kuzatuvda bo'lgan bolalar kunlik ovqatida bu ko'rsatkich o'rtacha 35,5 mg ni tashkil qiladi. Ularning vitamin A bilan ta'minlanishi me'yor darajasidan 13,3% ga kamligini aytib o'tish mumkin. Vitamin B<sub>1</sub> bilan ta'minlanishi esa me'yor darajasida ekanligini qayd qilish mumkin.

3 yoshli bolalarning kunlik ovqatidagi kalsiy va fosfor ham me'yor darajasidan aytarli darajada farq qilmaydi. Jumladan, ularning kalsiy bilan ta'minlanishi me'yor darajasidan 5,4% ga, fosfor bilan ta'minlanishi esa 3,8% ga kamligini olingan natijalardan ko'rinib turibdi.

Xuddi shunday tendensiyani 4-6 va 7 yoshli bolalarning ovqatlanishida ham qayd qilish mumkin.

**Xulosa**

G'uzor tumanidagi 14-maktabgacha ta'lim tashkilotidagi 3-7 yoshli bolalar guruhida antropometrik va aniq ovqatlanishni aniqlash bo'yicha tekshirishlar olib borildi va quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Bolalarning kunlik ratsioni tarkibidagi umumiy oqsillar miqdoriga ko'ra ularning bu oziq moddaga bo'lgan talabi qiz bolalarda 85%, o'g'il bolalarda 91% qondirilgan.

2. Bolalar organizmining to'la qiymatli oqsillarga bo'lgan talabi qiz bolalarda 80%, o'g'il bolalarda 86% qondirilgan.

3. Tekshirishda ishtirok etgan bolalar kunlik ratsionining tarkibidagi umumiy yog'lar miqdori qabul qilingan me'yoriy ko'rsatkichlar darajasida.

4. Tekshirishlarda ishtirok etgan o'g'il va qiz bolalar organizmining uglevodlarga bo'lgan fiziologik talabi me'yor darajasida qondirilgan.

5. Olingan natijalarga ko'ra, bolalar bog'chalarida aniq ovqatlanishni keng miqyosda o'rganib, shu asosida bolalar ovqatlanishini ratsionalizatsiyalash bo'yicha tegishli ishlarni olib borish zarur.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Зинкина В.Н., Балтабаев М.М. Содержание микроэлементов (йода, кобальта, марганца, меди и цинка) в рационах питания школьников Ташкента. Педиатрия, 1975, № 11, с. 72-73

2. Сайланова Д.К. Состояние фактического питания и физического развития у детей 1-7 лет в условиях Южного Приаралья (Республика Каракалпакистан). Автореф. дисс. канд. мед. наук - Т., 2004-19 с

3. Каримов О.Р., Курбонов Ш.Қ., Курбонов А.Ш. Ҳазм ва озиқланиш физиологияси. Қарши, 2004

4. Рахматуллаев Ё.Ш. Обеспеченность некоторыми витаминами и минеральными веществами учащихся сельских школ//Фундаментальная и клиническая медицина: Десятая Всероссийская медико-биологическая конференция молодых исследователей "Человек и его здоровье", 20-21 апреля 2007 года. Санкт-Петербург. - 2007. - С. 369-371.

5. Shaykhova G. Ovqatlanish gigiyenasi. «Tafakkur bo'stoni» Toshkent-2012

**UO'K 37.02****O'QITUVCHI FAOLIYATIDA PEDAGOGIK QOBILIYAT KOMMUNIKATIV MALAKALAR, TA'SIR ETISH VA PEDAGOGIK QOBILIYATNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI**

*B.B.Mirzaliyev, assistant, Farg'ona Politehnika Instituti, Farg'ona*  
*D.A.Abduraximov, assistant, Farg'ona Politehnika Instituti, Farg'ona*

*Annotatsiya. Ushbu maqolada pedagogika sohasidagi asosiy qobiliyatlar eng muhim hususiyatlaridan biri shuningdek, kasbiy mahoratni egallash jarayonida qobiliyat rivojlanib borishi, o'qituvchi faoliyatida pedagogik qobiliyat kommunikativ malakalar, ta'sir etish va pedagogik qobiliyatni shakllantirish yo'llari faoliyat uchun zarur bo'lgan bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish jarayonida yuzaga chiqadigan asosiy fikrlar yuritilgan.*

*Kalit so'zlar: qobiliyat, ko'nikma, malaka, pedagogik qobiliyat, kommunikativ qobiliyat*

*Аннотация. В этой статье одной из важнейших характеристик основных умений в области педагогики также является развитие навыков в процессе приобретения профессиональных навыков. В основе работы учителя лежат основные идеи, возникающие в процессе приобретения знаний и умений, необходимых для деятельности педагогического умения, коммуникативных навыков, способов воздействия и формирования педагогического умения.*

*Ключевые слова: умение, навык, квалификация, педагогические способности, коммуникативные способности*

*Abstract. In this article, one of the most important features of the main abilities in the field of pedagogy is also the development of skills in the process of acquiring professional skills. The teacher's work is based on the basic ideas that emerge in the process of acquiring the knowledge and skills necessary for the activity of pedagogical ability communicative skills, ways of influence and formation of pedagogical ability.*

*Keywords: ability, skill, qualification, pedagogical ability, communicative ability*

Qobiliyat – odam psixikasining eng muhim hususiyatlaridan biri bo'lib, bu xususiyatlarni xaddan tashqari keng to'ldirish imkoni oqibatida qandaydir bir qobiliyatning nisbiy zaifligi, hattoki shunday bu qobiliyat bilan hammasidan ko'ra bir-biri bilan chambarchas bog'liq faoliyatning muvaffaqiyatli bajarish imkoni aslo yo'q emas. Qobiliyat bilimdan farq qiladi.

Bilim – bu ilmiy mutolaalar natijasidir, qobiliyat esa insonning psixologik va fiziologik tuzilishiga xos bo'lgan xususiyatdir. Qobiliyat bilim olish uchun zaruriy shart-sharoit yaratadi, shu bilan birga, u ma'lum darajada bilim olish mahsulidir. Umumiy va maxsus bilimlarni o'zlashtirish, shuningdek, kasbiy mahoratni egallash jarayonida qobiliyat mukammallashib va rivojlanib boradi. Qobiliyatga yaqinroq turadigan tushunchalar ko'nikma va malakalardir.

Ko'nikmalar – o'qituvchining kasbiy faoliyati jarayonida hosil qilingan tajriba va bilimlar asosida bajariladigan ishning mukammal usuli.

Malakalar – o'qituvchining ongli faoliyatni bajarishi jarayonida hosil qilingan kasbiy intellektual faoliyatning avtomatlashgan komponentlari yig'indisi. Qobiliyatlar bilim, ko'nikma va malakalarda aks etmaydi, balki ularni egallash dinamikasida namoyon bo'ladi. Demak, shaxsning faoliyatini muvaffaqiyatli

amalga oshirish sharti hisoblangan, bilim ko'nikma va malakalarni egallash dinamikasida yuzaga chiqadigan farqlarda namoyon bo'ladigan individual psixologik xususiyati qobiliyatlar deyiladi. Ushbu xususiyatni aniqlash uchun ba'zi bir omillarni tahlil qilish maqsadga muvofiq: a) shaxsning muayyan sifatleri yig'indisi belgilangan vaqt oralig'ida egallagan faoliyati talablariga javob bersa-unda mazkur faoliyatga nisbatan qobiliyati mavjuddir; b) inson shunday holatlarda faoliyat talabiga javob bera olmasa-psixologik sifatlar, ya'ni qobiliyatlar mavjud emasdir (juda zaifdir). Shunday qilib, qobiliyatlar individual psixologik xususiyatlar bo'lishi bilan birga: a) ularni shaxslarning mavjud boshqa xususiyatlariga, aqliy sifatlarga, xotira xislatlarga xarakter fazilatlariga, hissiy kechinmalariga va boshqalarga qarama-qarshi qo'yish mumkin emas; b) shuningdek, qobiliyatlarni shaxsning mazkur xususiyatlari bilan qatorga qo'yish, ularni ayniylashtirish ham nuqsonlarni keltirib chiqaradi. Shuni ta'kidlash joizki, mulohaza bildirilgan sifatlardan ba'zi biri yoki ularning yig'indisi faoliyat talablariga javob bera olsa yoki ularning ta'sirida vujudga kelsa, u holda shaxsning mazkur individual xususiyatlarini qobiliyatlar deb atash imkoniyati tug'iladi. Pedagogik psixologiyada o'qituvchilik faoliyatida pedagogik qobiliyatlarining tutgan o'rmini ilmiy izohlab berishga oid samarali tadqiqotlar olib borilgan, pedagogik qobiliyatlarni tarkib toptirish bosqichlari, xususiyatlari va xossalari to'g'risida mukammal ma'lumotlar beradi.

Ta'lim va tarbiya jarayonini takomillashtirishda pedagogik qobiliyatlarning roli tajriba materiallariga asoslanib sharhlab beriladi. Kasbiy-pedagogik faoliyatning muvafaqqiyatli amalga oshishi ko'p jihatdan pedagogning maxsus pedagogik qobiliyatlarni egallaganligiga bog'liq: pedagogik qobiliyatlarni quyidagi tarzda guruhlashtirishni taklif etadi: ob'ekt, ta'lim oluvchilarni his eta olish; kommunikativ (kishilar bilan aloqa o'rnatish, samimiylik, muloqotchanlik); pertseptiv (kasbiy etuklik, empatiya, pedagogik intuitsiya); shaxs dinamizmi (irodaviy ta'sir ko'rsatish va mantiqiy ishonitirish qobiliyati); emotsional barqarorlik (o'z-o'zini boshqara olish qobiliyati); kreativ (ijodiy ishga qobiliyatlilik). Maxsus qobiliyatlar ham o'qituvchining o'rgatuvchilik, ham tarbiyaviy ishiga taalluqlidir.

O'qituvchining o'qitish, o'qish va o'rgatishga doir qobiliyatlariga quyidagilarni kiritish mumkin: o'rganiladiganlarini ko'ra olish va his eta olish qobiliyati; o'quv materialini mustaqil tanlay olish, ta'limning samarali metodlari va maqbul vositalarini aniqlay olish; o'quv materialini tushunarli bayon eta olish, uning barcha ta'lim oluvchilar uchun tushunarli bo'lishini ta'minlash; ta'lim oluvchilarning individualligini hisobga olish bilan bog'liqlikda o'qitish jarayonini tashkil eta olish qobiliyati; o'quv jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalana olish qobiliyati; ta'lim oluvchilarning har tomonlama rivojlanishini tashkil etish qobiliyati; o'zining pedagogik mahoratini takomillashtirish qobiliyati; o'zining shaxsiy tajribasini boshqalarga uzatish qobiliyati; mustaqil ta'lim olish va o'z-o'zini rivojlantirishga qobiliyatlilik. Tarbiyaviy ismi tashkil etish bilan bog'liq pedagogik qobiliyatlar quyidagilarda yorqin namoyon bo'ladi: boshqa kishilarning ichki his-tuyg'ularini to'g'ri baholay olish, boshqalar haqida qayg'ura olish qobiliyati (empatiyaga qobiliyatlilik); taqlid uchun namuna bo'lishga qobiliyatlilik; tarbiyaviy jarayonda individual o'ziga xosliklarini hisobga olishga qobiliyatlilik; rag'bat va o'zaro bir-birini tushunish, muloqotni zarur uslubini tanlay olishga qobiliyatlilik; o'ziga hurmat bilan munosabatda bo'lish, tarbiyalanuvchilar orasida obro'ga ega bo'lish qobiliyati.

O'qituvchi faoliyatida pedagogik qobiliyat kommunikativ malakalar, ta'sir etish va pedagogik qobiliyatni shakllantirish yo'llari. Tashkilotchilik – ta'lim oluvchilarni jipslashtirish, ularning faoliyatini rejalashtirish, jamoaviy ishga jalb etish, yakunlarini chiqarish; diagnostik –o'quv materialini tanlay olish, o'quv materialini tushunarli, aniq, obrazli, ishonchli va tizimli bayon eta olish; pertseptiv – ta'lim oluvchilarning ichki olamiga ta'sir ko'rsatish; ularning emotsional holatini xolis baholash, psixikasidagi o'ziga xosliklarni aniqlay olish ko'nikmasi; kommunikativ – ta'lim oluvchilar va jamoa bilan pedagogik maqsadga qaratilgan munosabatni o'rnatish ko'nikmasi; suggestiv (suggestiya - ishonitirish) – o'quvchilarga emotsional ta'sir ko'rsatish; tadqiqotchilikka doir – pedagogik jarayon va vaziyatlarni anglash hamda ob'ektiv baholay olish ko'nikmasi; ilmiy-bilishga doir – tanlangan ixtisoslikka doir belgilangan hajmdagi ilmiy bilimlarni egallay olish qobiliyati; gnostik – ob'ekt, jarayonni va o'z faoliyati natijalarini tadqiq etish hamda olingan natijalar asosida uni korreksiyalay olish qobiliyati.

Konstruktiv qobiliyat rivojlantirish- o'quv-tarbiya ishlarini rejalashtirish va tizimli ishlash bu qobiliyat o'quvchi shaxsining rivojini loyihalashga, o'quv-tarbiya mazmunini, shuningdek, o'quvchilar bilan ishlash metodlarini tanlab olishga imkon beradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Toshkent, 2006.
2. Maxsudova M.A. Muloqot psixologiyasi. Toshkent: Turon-iqbol, 2006.
3. Omonov X.T., Madiyarova S.A. va boshq. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Magistratura uchun darslik. – T.: Iqtisod-Moliya, 2009.
4. Sultonova G.A. Pedagogik mahorat. – T.: Nizomiy nomidagi TDPU, 2005.
5. Юзликаева Э.П., Мадярова С.А., Янбарисова Э.Э., Морхова И.В. Теория и практика общей педагогики. – Т., 2013.

MUTAXASSISLIK FANLARDAN AMALIY MASHG'ULOTLARINI OLIB BORISHDA  
ZAMONAVIY DIDAKTIK VOSITALARDAN FOYDALANISH

*M.A. Shaxodjaev, PhD, dotsent, Farg'ona Politexnika Instituti, Farg'ona*  
*N.N. Xamdamov, assistant, Farg'ona Politexnika Instituti, Farg'ona*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda zamonaviy didaktik vositalardan foydalanish orqali talabalarni ilmiy innovatsion dunyoqarashini rivojlantirish yo'llari ko'rsatilgan bo'lib, mashg'ulot davomida kompyuter dasturlaridan foydalanish ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** uzluksiz ta'lim, o'qitishni individuallashtirish, ta'lim texnologiyalari, didaktik vositalar, ta'lim sifati, kompyuter dasturlari, video materiallar, bilim, ko'nikma, malaka

**Аннотация.** В статье показаны пути развития научного и новаторского мировоззрения студентов за счет использования современных дидактических средств при проведении практических занятий, показано использование компьютерных программ на уроках.

**Ключевые слова:** непрерывное образование, индивидуализация обучения, образовательные технологии, дидактический инструментарий, качество обучения, компьютерные программы, видеоматериалы, знания, навыки, компетенции

**Abstract.** The article shows the ways of developing the scientific and innovative worldview of students through the use of modern didactic tools in practical classes, shows the use of computer programs in the classroom.


**Keywords:** continuing education, individualization of teaching, educational technologies, didactic tools, quality of education, computer programs, video materials, knowledge, skills, qualifications

Jamiyatdagi ijtimoiy - iqtisodiy rivojlanishlar ta'lim jarayonining maqsadi, vazifalari va mazmuni davr talabiga mos ravishda o'zgarib boradi va uning natijasida shakl va usullari ham takomillashib boradi. Hozirgi davrda jamiyat hayotining barcha jabhalariga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining keng joriy etilishi o'qitish shakllariga ham o'zgarishlar kiritishga ta'sir qilmoqda. Bugungi kunda uzluksiz ta'lim tizimida o'qitish texnologiyalarining ilg'or usullaridan foydalanish va ulardan o'quv mashg'ulotlarida maqsadli qo'llanilishi samarali natija ko'rsatmoqda. Bu esa o'quv jarayonini, ya'ni o'qitishni individuallashtirish, ijodiy potentsialni kuchaytirish, ta'lim oluvchilarning shaxsiy qiziqish va individual xususiyatlarini amalga oshirishda alohida o'rin tutadi. Ta'lim sifatini yaxshilash, samaradorligini oshirish yuqori intellektga ega ruxiy jihatdan barqaror, raqobatga bardoshli mutaxassislar bilan ta'minlash maqsadlariga xizmat qiladi. Bu esa ta'lim oluvchining ichki imkoniyatlarini to'la ro'yobga chiqarishga amaliy yordam beradi.

Bugungi kunda sanoat ishlab chiqarish texnologiyalarining yangilanayotganligi va avtomatlashtirilayotganligi, fan kashfiyotlari va texnikani bevosita ishlab chiqarish kuchiga aylanib borishi mutaxassis kadrlardan o'z bilimlarini mustaqil va muntazam ravishda chuqurlashtirib, yangilab, to'ldirib va kengaytirib borishni talab etadi. Oliy ta'lim tizimida malakali mutaxassislarni tayyorlash ko'p jihatdan maxsus fan o'qituvchilari va muhandis-pedagoglarning kasbiy bilimlari, ko'nikmalari va malakalari hamda pedagogik mahoratiga bog'liqdir. Shu bilan bir qatorda dars mashg'ulotlarida talabalar nazariy bilimlarini amalda qo'llash malakasini oshirish uchun laboratoriya va amaliy mashg'ulot darslari zamon talablari asosida o'tkazilishi ham muhim ahamiyatga ega. Yuqoridagilarni inobatga olib laboratoriya mashg'ulotlarini stend va virtual laboratoriyalarda, amaliy mashg'ulot darslarini esa kompyuter dasturlaridan foydalanib olib borish talabalarni innovatsion dunyoqarashini yanada rivojlantirishga xizmat qiladi.

Bunday turdagi mashg'ulotlarda talabalar olgan nazariy bilimlari amalda qo'llanadi va mustahkamlanadi. Shuning uchun bu mashg'ulotlarda qo'llaniladigan materiallar talabalar bilan individual yoki kichik guruhlariga bo'lib ishlashga qaratilgan. Bunda talabalar olgan nazariy bilimlariga tayanib misol va masalalar, topshiriq, mashqlarni amalda bajaradilar. Shuning uchun amaliy mashg'ulotlarida nazariy mashg'ulotlardan farqli ravishda qo'llaniladigan didaktik vositalar asosan talabalarining amaliy faoliyatlariga qaratilgan bo'lishi kerak. Buning uchun amaliy mashg'ulot xonalari etarli jihozlangan kompyuterlar turli sxema va chizmalar, kartochna va axborot materiallari, uslubiy ko'rsatma va darsliklarning an'anaviy va elektron variantlaridan foydalanadilar. Bundan tashqari turli foto, proeksion, televizion yoki video materiallardan ham keng foydalanish mumkin. Misol uchun "Nazariy elektrotexnika" fanidan amaliy mashg'ulot darslarini oladigan bo'lsak. Mashg'ulot kompyuter xonasida, elektron doska orqali tegishli dasturiy ta'minot va mavzularga oid didaktik materiallar bo'lgan holda o'tilishi zarur. Bunday jihozlangan kompyuter xonasi majmua sifatida xizmat qiladi. Mashg'ulot o'tiladigan xonada mavzularga oid ko'rgazmali va tarqatma materiallar, o'quv adabiyotlari, doska flipchart, pinvandlar va kompyuter jamlanmasi, elektron doska bo'lishi kerak. Mavzuga oid qisqa metrajli audio va video materiallar, ulardan foydalanish vositalari bo'lsa mashg'ulot yanda samarali bo'ladi. Shularga tayanib o'qituvchi mashg'ulot rejasini va qo'llaniladigan majmuani ishlab chiqishi mumkin. Masalan: amaliy mashg'ulot mavzusiga oid tayyorlangan keyslar tarqatib chiqiladi. Keyslar bilan talabalar tanishganlaridan so'ng unga tayanib bahs-munozara yuritadilar. Bahs-munozara natijasida alohida keysdan olingan masalani parametrlari elektron doskaga yoziladi. Talabalar formulalar orqali misollarni echadilar. Masalani javobi topilgandan so'ng kompyuterlar orqali ushbu masalani dasturi ishlab chiqiladi. Shundan so'ng mavzuni amaliyotda qo'llanilishiga oid videomaterial namoyish

qilinadi. Video materialda talabalar masalani qay darajada to'g'ri ishlagani uni amaliyotda qaerlarda ishlatish mumkinligini ko'rib chiqadilar. Natijada yakuniy fikrlar flipchartga yoziladi. Bu majmua taxminan quyidagi ko'rinishga ega bo'ladi:



Xulosa qilib aytganda mutaxassislik fanlardan amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda zamonaviy didaktik vositalardan keng foydalanish dars mashg'ulotini sifatini oshirish bilan birgalikda talabalarda kompyuter dasturlaridan foydalanish ko'nikmalariga ega bo'ladilar. Bundan tashqari:

1. Amaliy mashg'ulotlarni hozirgi zamonaviy innovatsion kompyuter dasturlari orqali olib borish, talabalarni ilmiy innovatsion dunyoqarashi va bilim salohiyatini yanada rivojlantirishga xizmat qiladi.

2. Talabalarda mutaxassislik fanlardan kompyuter dasturlarini ishlatish ko'nikmalari hosil bo'ladi va sanoat korxonalarini avtomatlashtirishda foydalanilayotgan kompyuter dasturlarini ham o'rganadilar.

3. Mutaxassislikka oid misol va masalalarni yechishda talabalarda dasturlash ko'nikmalarini oshiradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Axmedjonov M.M., To'xtaeva Z.SH. "Didaktik vositalar majmuasi" Toshkent 2007
2. Шаходжаев М.А. и др. Методы эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в образовательном процессе//Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 10 (143).
3. Шаходжаев М.А. и др. Использование инновационных образовательных технологий в развитии творческих способностей студентов//Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145).

#### УЎК 37.02

#### ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ, ҚОБИЛИЯТНИНГ ПЕДАГОГИК –ПСИХОЛОГИК ТАСНИФИ

*Ш.С. Ахмедов, ассистент, ФарПИ, Фаргона*

**Аннотация.** Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, қобилиятни ривожлантириши учун эса лаёқат, зеҳн, истеъдод, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият ҳам бўлиши зарур.

**Калим сўзлар:** қобилият, педагог, процесс, шахс, касб, идрок, мақсад, билим

**Аннотация.** Способности возникают и развиваются в процессе деятельности, и для развития способности необходимо иметь в нервной системе человека способности, интеллект, талант, то есть анатомические и физиологические особенности.

**Ключевые слова:** способности, педагог, процесс, человек, профессия, восприятие, цель, знания

**Abstract.** Abilities arise and develop in the process of activity, and for the development of an ability it is necessary to have abilities, intelligence, talent in the human nervous system, that is, anatomical and physiological characteristics.

**Key words:** abilities, teacher, process, person, profession, perception, goal, knowledge

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта ва бири куйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаймиз. Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир педагог педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, қатта натижага эришади. Педагогнинг баъзи психик процесслари унда шахсга оз сифатларининг шундай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин.

**Эмпатия** - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилиятидир (биргаликда дардлашмоқ).

**Перцептив қобилият** – идрок жараёнининг асосий тузилиши биринчи бўлиб, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборатдир. Яъни идрок этиш талабани олдиға қўйилган талаб ва вазифаларни қўйишдан иборатдир. Одамларни солиштириш образи.

#### 2. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият.

Педагогик қобилиятлар кўп жиҳатдан педагогнинг муваффақиятли ишлаши натижасидир. Шу муносабат билан педагогнинг ўзида педагогик қобилиятларининг аниқ мақсадни кўзлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль ўйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарса эканлигини кўрсатмоқда. Тарбия жараёнида бундай йўл-йўриқни амалга ошириш қийин ишдир, лекин бунга бутунлай эришиш мумкин. Педагогда ўқувчилар билан ўзаро ишонч ва дўстлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин.

Ўқитувчининг болалар билан ишлаш жараёни муваффақиятли бўлиши кўп жиҳатда унда педагогик қобилиятларнинг мавжудлигига ва педагогик назокатини эгаллаб олганлигига боғлиқ бўлади.

### 3. Қобилиятнинг психологик-педагогик тавсифи.

Қобилиятнинг психологик - педагогик характеристикаси. Қобилият - одамнинг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, малака орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Қобилият, билим, малака ортириш- психологик хусусиятлардир. Инсоннинг қобилияти билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда муҳим ҳисобланади. Билим, кўникма ва малакалар эгалландими ёки йўқми, буларнинг ҳаммаси жуда кўп омилларга боғлиқ.

Қобилият, билим, малакалар кўринмай, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади.

### 4. Педагогик қобилиятнинг асосий турлари.

Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун педагогда қобилиятнинг кўйидаги турлари мавжуд бўлиши лозим: билим қобилияти, тушунтира олиш қобилияти, кузатувчанлик қобилияти, нутқ қобилияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў ортира олиш қобилияти, келажакни кўра билиш қобилияти, диққатни тақсимлай олиш қобилияти ва хоказо.

Маҳоратли педагог талабалар руҳиятини, билим ва даражасини ҳисобга олади. Баъзи педагогларга ўқув материали тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай педагоглар ўқувчиларни эмас, балки ўзларини назарда тутадилар.

**1. Билиш қобилияти** - фанни тегишли соҳаларига оид (математика, адабиёт, тарих) қобилиятидир. Бундай қобилиятга эга бўлган педагог фанни ўқув курси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамшиша кўзатиб боради.

**2. Тушунтира олиш қобилияти** - педагогнинг ўқув материални талабаларга тушунарли қилиб баён этиш, талабаларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқтиришидир. Педагог зарур ҳолларда ўқув материални ўзгартира олиш, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб талабаларга етказа олиши даркор. Педагог талабани мустақил фикрлашини рағбатлантира олади.

Қобилиятли педагог талабаларнинг билим ва камолот даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва хали нимани билмасликларини, нимани унутиб қуйганликларини тасаввур этади.

**3. Кузатувчанлик қобилияти** - педагогнинг, тарбияланувчининг ички дунёсига қира олиш қобилияти. Талаба шахсни ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кўзатувчанликдир.

**4. Нутқ қобилияти**- нутқ ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида ўз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилиятидир. Бу педагогик касби учун жуда муҳимдир.

Педагогнинг нутқи дарсда ҳамшиша талабаларга қаратилган бўлади. Педагог янги мавзунини тушунтираётган, талабанинг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам, унинг нутқи ҳамшиша ўзининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарса билан қизиқаётганлиги билиниб туради. Фикрлар ифодаси талабалар учун аниқ ва содда, тушунарли бўлади.

**5. Ташкилотчилик қобилияти** - талабалар жамоасини уюштириши, талабалар муҳим вазифаларни ҳал этиш руҳлантиришни, ўз ишини тўғри уюшганлигини назарда тутати.

**6. Обрў ортира олиш қобилияти** - талабаларга бевосита эмоционал -иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосдагина эмас, балки педагогнинг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатчилиги асосида ҳам қозонилади.

**7. Коммуникатив** - тўғри муомала қила олиш, қобилиятли талабаларга яқин бўлиш, улар билан педагогик нуқтаи назардан жуда самарали ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигини билдиради.

**8. Келажакни кўра билиш қобилияти** - ўз ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан кўриши, талабанинг келгусида қандай инсон бўлиши ҳақида тасаввур билан боғлиқ бўлган шахсни тарбиялаб этиштириш олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус қобилият.

**9. Диққатни тақсимлаш қобилияти** - педагог учун диққатни жамлаш, кучини идора қила олиш ҳамда юксак қобилиятга эга бўлиши муҳим омиллардан биридир. Қобилиятли, тажрибали педагог материални баён қилиш мазмунини ва ўз фикрини диққат билан кузатади.

**10. Педагогнинг ирода қобилияти**, мақсадга эришиш йўлида турган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган онгли хатти-ҳаракатлар иродавий ҳаракатлар деб номланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Педагогик изланиш. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2001 й.
2. Тарбиявий ишлар методикаси (Л.Рувинский таҳрири остида)-Тошкент, 2014 й.
3. Ўқитувчиға педагогик техника тўғрисида (Л.Рувинский таҳрири остида) - М. 2005 г. (Рус тили)
4. Ғозиев Э. Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятлари. - Халқ таълими, 1999
5. Матқурбонов О. Ўқитувчилар кўрик -танлови. - “Маърифат” газетаси 2001 й.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТУШУНИШ ВА УНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ  
ЖИХАТЛАРИ ХУСУСИДА*Ж.М. Иброхимов, ассистент, Фаргона Политехника Институтини, Фаргона*

**Аннотация.** Ушбу мақолада педагогик технология тушунчаси, уни дарс жараёнида самарали қўллаш жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** педагогик технология, таълим ва тарбия, педагогик маҳорат, педагогик қобилият

**Аннотация.** В данной статье освещается понятие педагогической технологии, ее эффективное применение в учебном процессе.

**Ключевые слова:** педагогическая технология, воспитание и обучение, педагогическое мастерство, педагогическая способность

**Abstract.** This article highlights the concept of pedagogical technology, its effective application in the teaching process.

**Keywords:** pedagogical technology, education and training, pedagogical skill, pedagogical ability

Таълим жараёни – кишилик жамиятининг барча эришган ютуқлари, янгиликлари ва келгуси тараққиётининг асосий омили ҳисобланган. Ўзбекистоннинг ижтимоий шароитига мослашган таълим технологияларни шакллантириш ва уларни таълим жараёни амалиётида қўллашга интилиш баробарида бир қатор ижобий натижаларга эришаётганлиги кузатилаётган.

Педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ этилиш тарихига эътибор қаратсак, унда мазкур атамга россиялик олимлардан В.П.Беспалько “педагогик технология ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир”, В.М.Менахов “педагогик технология аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир” деган қисқача таърифни берган ҳолда унинг асосий хусусиятларига эътиборини қаратади.

Жумладан, “педагогик технология” атамаси ва қўлланиши доирасида ўз ғояларини илгари сураётган олимларимиз ҳам кўплаб топилади. Хусусан, Н.Саидахмедов ва А.Очиловларнинг фикрича, педагогик технология бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёни эканлигини билдиришса, Ф.Фарберман, педагогик технология – таълим жараёнига янгича ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий – муҳандислик онг ифодасидир, деб кўрсатиб ўтади ҳамда педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир, деган фикрни билдиради.

Педагогик технологияга хорижий олимлар томонидан берилган таърифларни ўрганиб чиққан ҳолда юқоридаги нуқтаи назарларга солиштириб кўрганимизда, япониялик олим Т.Сакомото, педагогик технология – бу мажбурий фикр юритишни педагогикага сингдириш ёки бошқача қилиб айтганда, педагогик жараёни муайян бир мажмуага киритишдир, деган нуқтаи назарни билдиради. Шунингдек, ЮНЕСКО “педагогик технология бу – билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажбурий ёндошув усулларидан фойдаланишдир”, деган таърифни келтиради. Агар педагогик технология атамасига берилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, унда берилган таърифлар орасидаги тафовутлар мавжудлиги намойён бўлади. Сир эмас, педагогик технология пайдо бўлгунга қадар ҳам бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнларни лойиҳалаш, ўрганиладиган таълим тизимида айнан таълим жараёнининг ўзини самарали лойиҳалаш қондириши ишлаб чиқилмаган эди. Бу бўшлиқни педагогик технология тўлдирди ва айни замонда лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини рўёбга чиқаришга ижодий ёндошуви учун педагогика фанига кенг ўрин қолдирмоқда. Технологик ёндошув доирасида шакллантирилган дидактик лойиҳалаш усулларида бўлган муносабатимиз таълим жараёнининг самарали ва шу билан бирга дарсни ижодий режалаштириш ёки янги фикрлар билан бойитиш ҳамда уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради. Зотан, ўқитувчи одатда ўз олдига ўқувчилар ёки талабалар учун дарс материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олиши, маълум билимларни эгаллаб, амалиётда қўллашга ўргатиш мақсадини қўяди.

Хусусан, ўқитувчи дарс мақсадига эришганлик ёки эришмаганлигини билишининг аниқ воситалари бўлгандагина, у ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки аксинча самарасизлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Изланишларимиз кўрсатишича, анъанавий ўқитиш услубига қўшимча равишда педагогик технологияни татбиқ қилиш баробарида айнан юқоридаги ҳолатларга жавоб топишни назарда тутилгани яққол кузатилаётган. Шунинг учун ҳам ўқитувчи меҳнатининг якунини билишини мантиқан режалаштириб бориши таълимдан кутилаётган натижалар ҳақида аниқ таассуротларга эга бўлишга имкон беради.

Фикримизча, таълим жараёнида ўқитиш эмас, ўқиш олдинги ўринга ўтсагина дарс жараёнининг мазмунли мақсадга эга бўлиши такомиллаша боради ва ижодийлик касб этади.

